


# ЎЗБЕК ШАРҚШУНОСЛИГИ: БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

ИЛМИЙ ТЎПЛАМ

11



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

*“Илм-маърифат ва рақамли  
иқтисодиётни ривожлантриш”  
йилига бағишланади*

**ЎЗБЕК ШАРҚШУНОСЛИГИ:  
БУГУНИ ВА ЭРТАСИ**

**Илмий мақолалар тўплами**

**11**

**Тошкент – 2020**

УЎК: 001 (5)

КБК: 72 (5)

Ў – 25

### **Т а х р и р х а й њ а т и:**

филология фанлари доктори, профессор **Қ.Омонов** (*масъул муҳаррир*), филология фанлари доктори, профессор **Қ.Содиқов**, филология фанлари доктори, профессор **А.Қуронбеков**, филология фанлари доктори, профессор **Б.Тўхлиев**, филология фанлари доктори, профессор **Б.Пери** (Венгрия), филология фанлари доктори **В.Елок** (Туркия)

Илмий тўплам 2020 йилнинг 4 январь куни Тошкент давлат шарқшунослик университети Шарқ филологияси факультетида ўтказилган “Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси” мавзуидаги анъанавий йиллик илмий конференция материаллари асосида чоп этилди. Тўпламдаги айрим мақолаларэса махсус ушбу тўплам учун ёзилган.

Китоб соҳа мутахассислари, филологлар, магистрлар ва айни йўналишда ўқиётган илми толибларга мўлжалланган.

**Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси 11.** Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2020. – 490 б.

Тошкент давлат шарқшунослик университети Шарқ филологияси факультетининг Кенгаши нашрга тавсия этган (*2020 йил апрель ойининг йигирма учинчи куни бўлиб ўтган 9-сон мажлис қарори*).

*Тошкент давлат шарқшунослик университетининг атоқли домлалари ЎзР ФА академиклари А.Рустамов, Ғ.Абдурахмонов, профессор Қ. Маҳмудовнинг ёрқин хотирасига бағишланади.*

*Илмда ворислик, тўғривоғи, ўринбосарлик ниҳоятда муҳим ўрин тутади. Устоз ўзи олиб бораётган тадқиқотларни шогирдлар орасига ёя олса, ўз йўналиши бўйича ўринбосар чиқара олса унинг иши ўзидан кейин ҳам давом этади. Домла ўз йўналиши бўйича ўринбосар тайёрлай олмас экан, бошлаган ишлари чала қолади. Шу боис, фанда ўз ўрнига эга бўлган олимлар фаолиятини тарғиб этиши ҳамда улар бошлаган ишларни давом эттириши, XXI аср ўзбек шарқшунослиги мактабида узвийлик ва узлуксизлик қадриятларини юзага келтиради.*

***Масъул муҳаррирдан***

## МУНДАРИЖА

<i>Омонов Қ.</i>	Шарқшунос- филологларнинг янги авлодини тайёрлаш йўлида.....	8
<b>Ҳозирги замон шарқ тиллари</b>		
<i>Иномхўжаев Р.</i>	Қаҳҳор Осий ижодида рубоий жанри .....	10
<i>Исламдҷанова Х.</i>	К природе соотношения глагола и предложения .....	16
<i>Алимова Х.</i>	Афғонистон конституцияларида давлат тили мақоми .....	22
<i>Муталова Г., Султанова М.</i>	Проблематика гендерной лингвистики в Узбекистане .....	29
<i>Нурматов С.</i>	Палий тилидаги сонларга хос лексемаларнинг шаклланиш тарихига доир...	34
<i>Бегматова Б.</i>	Араб тили грамматикасида эъроб масаласи ва унинг турлари .....	39
<i>Қосимова С.</i>	Араб тилидаги предлогларнинг семантикасига оид масаласи .....	46
<i>Хўжақулов Ю.</i>	Дарий матбуотида аббревиатура .....	50
<i>Ғисаров Ф.</i>	Уйғур тилини ўқитишда қўлланиладиган интерфаол методлар .....	53
<i>Мавлянова У.</i>	Хитой тилида соннинг ифодаси .....	65
<i>Нуриддинов Н.</i>	Компоненти феълнинг ҳозирги ва ўтган замон негизи бўлган копулятив қўшма сўзлар .....	70
<i>Арипов М.</i>	Никоҳда айтиладиган тилак ва дуолар .....	76
<i>Rasulxadjayeva M.</i>	Arab tilining fonologik xususiyatlari Ibn Sino talqinida .....	82
<i>Саид Ахмад ал-Хабаший</i>	واقع تعليم اللغة العربية بين الماضي والمستقبل.....	86
<i>Умарова Н.</i>	Калькирование с арабского и персидского языков в узбекский язык .....	90
<i>Сотволдиев С.</i>	Араб тилшунослигида шаклдошлик ҳодисаси .....	94
<i>Валиева М.</i>	Форс тилида исмий қисми “sar” сўзи билан ифодаланган қўшма феълларнинг коннотатив маънолари .....	100
<i>Махтудова Д.</i>	Arab tilshunoslarining ishtiqoqqa bo‘lgan yondashuvlari: o‘xshash va farqli jihatlar .....	107
<i>Рахматҷонова К.</i>	Ҳиндий ва ўзбек тилларида ўрин-пайт келишиги шаклларидаги қўлланилиш жиҳатлари .....	112
<i>Taylanova M.</i>	Koreys tili manzarasining ayrim o‘ziga	

	xosliklari xususida .....	116
<i>Саримсокова М.</i>	Семантическая классификация обстоятельств места в современном китайском языке .....	121
<b>Мумтоз филология</b>		
<i>Содиқов Қ.</i>	Туркий ёзма ёдгорликлар тилида от-кесим ва унинг ифодаланиши .....	130
<i>Орипов З.</i>	Манбаларда ҳақ топган олим .....	138
<i>Орипов З.</i>	Амир Темур паноҳида ижод қилган мусиқачи .....	143
<i>Шамусаров Ш., Насруллаева З.</i>	Обучение арабскому языку в арабском Халифате .....	148
<i>Джалилова Ш.</i>	К вопросу о культурно-мифологической общности древних индийцев и иранцев (на материале «Ригведы» и «Авесты») .....	155
<i>Ҳидиралиев Х.</i>	Қуръони карим матнида “aqala” (ақл юритмоқ) ва “fakkara” (тафаккур қилмоқ, фикрламоқ) феъли ўзаклари асосидаги сўзларнинг маъно товланишлари .....	159
<i>Джураева Ф.</i>	Жоҳилиятда хитоба араб бадий насрининг илк шакли сифатида ёхуд араб нотиклик санъатига бир назар .....	168
<i>Нишанбаева А.</i>	“Садди Искандарий”да “дил” ўзак морфемаси асосида яримаффикслар билан ясалган сўзлар .....	176
<i>Холбобоева Н.</i>	Холис ғазалиётининг ғоявий юксаклиги .....	183
<i>Садриддинова Д.</i>	“Марāху-л-арвāхи” асарининг қўлёзма нусхалари .....	187
<i>Abdullayev D.</i>	Sayyid Sharif Jurjoniyning “Ta’rifot” asarida Qur’oni Karimdan iqtiboslar keltirilishi .....	193
<i>Ҳаджиева Н.</i>	Қадимги туркий битигларда ранг-тус англатувчи сифатлар лингвопоэтикаси .....	198
<b>Шарқ халқлари адабиёти</b>		
<i>Ҳоджаева Р.</i>	Бадий адабиёт матни билан ишлашда таржима хусусиятлари ва тадқиқот усуллари	204
<i>Имомназаров М.</i>	Ислом минтақа маданияти ривожиди "Мажоз тариқи" босқичи ёхуд Алишер Навоий маънавий меросининг бугунги кундаги жаҳоншумул аҳамияти .....	212
<i>Ҳоджаева Т.</i>	Рассказ хинди конца XX начала XI века .....	222
<i>Муҳибова У.</i>	Ҳинд эпосларининг бошқа тиллардаги нусхалари .....	227

<i>Алимбеков А.</i>	Навоий ва Ҳусайн Байқаро драмаси бадиияти .....	233
<i>Мухиддинова Д.</i>	Замонавий араб ёзувчиси Закария Тамер ижодида онг оқими ва тасвирийлик .....	245
<i>Кенжаева П.</i>	Юсуф Отилган ҳикояларида постмодернистик ифоданинг талқини .....	251
<i>Аҳмедова Ш.</i>	Бирлашган Араб Амирликлари ҳикоянавислигида янги бадиий услубий тамойиллар .....	258
<i>Муртазаходжаева М.</i>	Тамил ёзувчиси Чиннаппа Бҳаратининг “Павлайи” романида аёл образига чизгилар..	268
<i>Саидова Н.</i>	Начальный этап формирования современного жанра новеллистики в саудовской прозе .....	276
<i>Комилова Ш.</i>	Санскрит драмаси ва хинд театрининг хитой драмасига таъсири .....	290
<i>Турдиева О.</i>	Эронликларнинг миллий байрамлари .....	297
<i>Назирова Ш.</i>	Хитойда “Аёллар адабиёти” тушунчаси ва унинг шаклланиши .....	303
<i>Асқарова Ш.</i>	Ўзбек ва инглиз тилларида сўз такрорининг хусусиятлари .....	308
<i>Каюмова М.</i>	Ҳалдун Танер ижодига бир назар .....	313
<i>Азизова Н.</i>	Меҳмед Зиё Гўкалп- замонавий турк шеърятининг ёрқин юлдузи .....	320
<i>Қосимова Г.</i>	XVII аср – Гэнроку даври япон адабиётида адабий жараёнлар .....	327
<i>Юсупова Д.</i>	Янги давр эрон шеърятининг жанрлар трансформацияси .....	334
<i>Ходжаева Т., Тўхлибаева З.</i>	Ҳиндистонда инглиззабон адабиёт ривожини ...	350
<b>Таржима назарияси ва чет тилларини ўқитиш методикаси</b>		
<i>Намидов Х.</i>	Sinxron tarjimaning “nozik” jihatlari .....	355
<i>Насирова С.</i>	Специфика перевода общественно-политической терминологии в дискурсе о коррупции (на материале выступлений Председателя КНР Си Цзиньпина) .....	363
<i>Сматова А.</i>	Analyses on english christian place-names .....	372
<i>Шаниязов К.</i>	Некоторые предложения по концепции преподавания арабского языка в ТашГИВ ....	378
<i>Туйчибаева Ш.</i>	К вопросу о классификации сложных предложений в русском языке .....	389
<i>Хамдам-Зода Л.</i>	Работа над ошибками в письменной работе студентов .....	397

<b>Белых Л.</b>	Обучение говорению студентов-иностранцев	404
<b>Якубова Ш.</b>	Благопожелания и проклятия как объект лингвистического исследования .....	410
<b>Zaynutdinova Sh.</b>	Assotsiatsiya metodi orqali yangi so‘zlar bilan ishlash .....	416
<b>Шарахметова М.</b>	“Бобурнома” нинг урдуча таржимасида Кобул таърифи .....	424
<b>Файзиева А.</b>	Ўзбек ва инглиз лисоний манзарасида “Ватан” концепти билан боғлиқ мақоллар таҳлили .....	431
<b>Шакирова Д.</b>	Диалектизмы в художественной речи - по материалам романа М.А.Шолохова «Поднятая целина» .....	440
<b>Sadikova D.</b>	Ketma-ket tarjimada tez yozuvning ahamiyati...	450
<b>Гаипова М.</b>	Изучение антонимов в академических лицах на материале произведений М.Ю.Лермонтова .....	459
<b>Мирзаева М.</b>	Урду тилида дарслик ёзиш методикаси .....	465
<b>Хасанова Ш.</b>	Синхрон таржимада стратегиялардан фойдаланиш .....	470
<b>Umarova M.</b>	Pirimqul Qodirovning “Yulduzli tunlar” romanining rus va urdu tillaridagi tarjimalarida bevosita va bilvosita tarjima masalalari .....	476
<b>Mamarajabov B.</b>	Dariy va o‘zbek tillarida zamon kategoriyasi ....	481



## ШАРҚШУНОС-ФИЛОЛОГЛАРНИНГ ЯНГИ АВЛОДИНИ ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 апрелида “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680 сон Қарори эълон қилинди. Ушбу қарор асосида Тошкент давлат шарқшунослик институтига “университет” мақоми берилиб, унинг янги XXI асрдаги тараққиёт босқичи белгилаб берилди.

Президентимиз бу қарор билан, ўз навбатида, илғор дунё талабларига жавоб бера оладиган янги авлод шарқшунос-кадрларни тайёрлаш масаласини кун тартибига қўйдилар.

Қарорда “Шарқ мамлакатларининг тиллари, тарихи, маданияти, моддий ва маънавий мероси, иқтисодиёти, сиёсати, халқаро майдондаги нуфузи, уларнинг замонавий антропология ва этнологияси, таржимашунослик, шунингдек, туризм ва гид ҳамроҳлиги соҳаларида замонавий билимларни мукамал эгаллаган, меҳнат бозори учун рақобатбардош бўлган кадрларни тайёрлаш” иши бирламчи вазифа қилиб белгиланган<sup>1</sup>.

Шундан келиб чиқиб, ушбу вазифа асосида шарқшунослик соҳаси таълим йўналишлари ва мутахассисликлари доираси янада кенгаяди ва талабаларга кўп профили университет таълими жорий этилади. Шу муносабат билан бундан кейин университетда қуйидаги компетенцияларни қамраб олган шарқшунос-филологларнинг янги авлоди тайёрланади:

Биринчидан, Шарқ мамлакатларининг тили ва адабиёти йўналишида Шарқ халқларининг адабий тили ва унинг диалектлари, ўрганилаётган мамлакатдаги тил вазияти, лингвостилистика, тилларнинг қиёсий-тарихий ва типологик масалалари, шарқ тилларини ўрганишнинг психологик аспектлари, тил ўқитишнинг замонавий технологиялари, когнитив, компьютер, корпус тилшунослиги, лингвомаданиятшунослик, шарқ халқлари адабиёти ва адабиётшунослик мактаблари, адабиёт назарияси, қиёсий адабиётшунослик, поэтика, замонавий адабий жараёнлар ҳамда адабий танқид кўникмаларини ўзлаштирган шарқшунос-филологлар тайёрланади.

Иккинчидан, мумтоз мерос бўйича мутахассис моделида классик араб, форс ва туркий (эски ўзбек) тилларда ёзилган, юртимиз ва хорижий мамлакатлардаги қўлёзма фондларида сақланаётган ёзма обидалар, қадимги ва ўрта асрлар ёдгорликларининг манбашунослик, матншунослик ва соф филологик таҳлили, қадимги хитой, санскрит (хиндий), сўғд тилларида яратилган мамлакатимиз тарихига оид ёзма ёдгорликларни ҳам тадқиқ этиш малакаси билан қуролланган манбашунос ва матншуносларнинг янги авлоди тайёрланади.

Учинчидан, таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналиши бўйича таржимашуносликнинг лингвомаданий аспектлари, синхрон ва кетма-кет таржима масалалари, ўзбек адабиёти намуналарини шарқ халқлари тилларига

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/4791086>

таржима қилиш, шунингдек, шарқ тилларидан ўзбек тилига бадий таржимани амалга ошириш кўникмаларига эга шарқшунос-таржимашуносларнинг навқирон авлоди етиштирилади.

Тўртинчидан, туризм ва гид ҳамроҳлиги йўналишида соҳанинг ривожланиш тенденцияларини яхши ўзлаштирган, Буюк ипак йўли бренди ва Зиёрат туризми йўналишларини чуқур эгаллаган, юртимиз ва шарқ мамлакатларидаги сайёҳлик йўналишларини илмий жиҳатдан ўзлаштирган мутахассислар тайёрланади.

Бешинчидан, шарқ мамлакатларининг ОАВ ларининг ривожланиш тенденцияларини яхши ўзлаштирган, матбуот ва PR хизматлари малакасига эга, шарқ ва ғарб тилларини пухта эгаллаган, ёзма ва оғзаки мулоқот кўникмалари яхши шаклланган шарқшунос-журналистлар тайёрланади.

Юқоридаги компетенцияга эга бўлган мутахассисларни етиштириш учун Тошкент давлат шарқшунослик университетиде соҳанинг ўқув ва илмий йўналишларини мустаҳкам эгаллаган профессор-ўқитувчилар жамоаси шаклланган. Айниқса, Шарқ филологияси факультетиде узок йиллардан буён яхши бир анъана юзага келган. Ҳар йили янги йилнинг биринчи ўнкунлиги ичиде талабаларнинг қишки таътил кунлари факультет профессор-ўқитувчиларининг йиллик ҳисобот конференцияси бўлиб ўтади. Ушбу илмий анжуман “Ўзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси” номи билан ўтказиб келинади.

Ушбу анжуманда факультет профессор-ўқитувчилари ўзлари йил давомида олиб борган илмий ишларининг сарҳисоби сифатида маърузалари тингланади. Анжуман ишида ўтмишимизда яратилган ноёб асарларнинг таҳлиллари, Шарқ адабиёти ва тилшунослигининг муҳим масалаларини ҳал этиш, шунингдек, чет тилларни ўқитишда янги педагогик ва ахборот технологияларни қўллашнинг самарали услубларига оид чиқашлари билан қатнашдилар.

Кейинги йилларда ушбу илмий анжуманнинг жўғрофияси факультет доирасида кенгайиб бормоқда. Чунончи, жорий йилдаги конференцияга институт қошидаги леций ўқитувчилари ҳамда қўшни Қозоғистон мамлакатидеги Жанубий Қозоғистон давлат университетининг бир гуруҳ ўқитувчи ва тадқиқотчилари ҳам қатнашди.

Илмий тўплам сифатида чоп этилаётган ушбу нашрда етмишдан ортик профессор-ўқитувчиларнинг мақолалари “Ҳозирги замон шарқ тиллари”, “Шарқ мумтоз филологияси”, “Шарқ халқлари адабиёти”, “Таржима назарияси ва чет тилларини ўқитиш методикаси” рукнлари асосида саралаб олинган. Тўплам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан илмий нашрларга қўйилган талаблар асосида чоп этилмоқда.

*Масъул муҳаррир, Қ.Омонов,  
филология фанлари доктори, профессор*

## ҲОЗИРГИ ЗАМОН ШАРҚ ТИЛЛАРИ

\* \* \* \* \*

*Раҳмонхўжа Иномхўжаев*

*Филология фанлари доктори, профессор, Эрон-афгон филологияси  
кафедраси, ТошДШИ*

### ҚАҲҲОР ОСИЙ ИЖОДИДА РУБОИЙ ЖАНРИ

**Аннотация.** Мақолада ҳозирги замон дарийзабон поэзия ривожига баракали улуш қўшган адиб Қаҳҳор Осий ижоди ҳақида қисқача маълумот берилган, унинг рубоий жанрида ижод этган асарлари таҳлил қилиниб, адиб мумтоз адабиётнинг бу сеvimли жанрини янги мавзу ва зоявий мазмун билан бойитгани кўрсатиб берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** рубоий, “янги шеър”, куллиёт, ватанпарвар шоир, замон муаммолари, озодлик, уруш вайронгарчилиги, “кураш адабиёти”, мажозий образ, мазмун бойлиги, новаторлик, муҳожир, саргардонлик.

**Аннотация.** В статье даны краткие сведения о творчестве Каххара Ааси, внесшего значительный вклад в развитие современной дариязычной поэзии, проанализированы его произведения в жанре рубаи, показаны как поэт обогатил этот популярный жанр классической литературы новыми темами и идейным содержанием.

**Опорные слова и выражения:** рубаи, «новый стих», куллият, поэт-патриот, проблемы современности, свобода, разрухи войны, «литература борьбы», аллегорический образ, богатое содержание, новаторство, беженец, скитальческая жизнь.

**Summary.** The article provides a brief information about literary works of Kahhar Aasi, who made a significant contribution to the development of modern Dary poetry, analyzes his works in the rubai genre, shows how the poet has enriched the content of this popular genre of classical literature with new themes and ideas.

**Keywords and expressions:** rubai, "new verse", kulliyat, poet-patriot, problems of modernity, freedom, devastation of war, "literature of struggle", allegorical image, rich content, innovation, refugee, wandering life.

Қаҳҳор Осий (1956-1994) XX аср Афғонистон дарийзабон шеърятининг кўзга кўринган намояндаси сифатида ном чиқарди. Адабиётшунос Кова Киромий Осийнинг адабий жараёнда тутган ўрнини баҳолаб, “Агар Қаҳҳор Осийни Афғонистоннинг ҳозирги замон форсийзабон шоирлари орасидаги энг таниқлиси ва ўзига хоси, десак унчалик муболаға бўлмас”<sup>2</sup>, деб ёзган эди.<sup>3</sup>

каوه كرامىي. قهار عاصى، سرودخوان آزادي. ص ۳. ۲

Қаҳҳор Осий қисқа умри (у атиги 38 йил яшади) давомида ўзидан ўқувчилар орасида севилиб ўқиладиган салмоқли ижодий мерос қолдирди. Шоир ҳаётлиги даврида унинг ўнта, ўлимидан кейин яна битта шеърлар тўплами чоп этилган. Унинг илк шеърӣ тўплами “Атиргул мақомаси” 1988 йилда нашр этилган бўлса, ундан кейинги йилларда деярли ҳар йили, баъзан эса, бир йилда икки шеърӣ тўплами ўқувчиларга тақдим этилди.

Адиб вафотидан сўнг кўп ўтмай унинг шеърӣ мажмуалари мухлислар орасида нодир нашрга айланган кўринади. Шу боис, унинг асарлари Нилоб Раҳимӣ томонидан жамланиб, 2006 йилда Кобулда “Куллиёт” шаклида нашр этилди<sup>4</sup>. Аммо ундан кейин ҳам, юқорида айтилганидек, яна бир шеърӣ тўплами - рубоӣлар ва дубайтӣлар мажмуаси Осиф Раҳмонӣ томонидан Ҳиротда нашр этилди.<sup>5</sup> Табиӣки, бу мажмуа шеърлари Нилоб Раҳимӣ нашрига кирмай қолган эди. Орадан олти йил ўтиб, бу етишмовчилик “Куллиёт”нинг Аҳмад Маъруф Кабирӣ томонидан тайёрланган янги нашрида<sup>6</sup> тўлдирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жаноби Кабирӣ “Куллиёт”ни нашрга тайёрлаш жараёнида илмӣ асосда манбашунослик ва матншунослик изланишларини олиб бориб, нафақат турли манбаларда келтирилган шеърлар орасида баъзан кўзга чалинадиган тафовутларни кўрсатиб ўтди, балки шоир архивида сақланиб қолган, ҳанузгача нашр этилмаган асарларни ҳам куллиётга киритди. Натижада, бу нашр Осий ижодини тўлалигича қамраб олган ягона манба кўринишига эга бўлди.

“Куллиёт” 1134 саҳифадан иборат бўлиб, ундан ношир муқаддимаси, адибнинг барча нашр этилган мажмуалари рўйхати хронологик тарзда, луғат ва манбалар рўйхати ҳам жой олди. Шундай қилиб, ушбу “Куллиёт” Осий ижодини ҳам умумӣ ҳажми нуқтаи назаридан, ҳам жанр хилма-хиллиги жиҳатидан ўзида акс эттиради, дейиш мумкин.

Қаҳҳор Осий ижоди ғоявий мазмун бойлиги билан бир қаторда, маълум даражада жанр ранг-баранглигига ҳам эга. Шоир анъанавӣ услубда асарлар яратиш билан бир қаторда ўз ижодида “янги шеър” услубидан унумли фойдаланди. Айни пайтда, адибнинг рубоӣ, дубайтӣ, ғазал каби мумтоз адабиёт жанрларида ёзган асарларидан ҳам янгича мушоҳада, тасвир, шоирона дид билан йўғрилган образлар, тасвир воситалари уфуриб туради.

“Куллиёт”га шоирнинг 200 га яқин рубоӣлари киритилган бўлиб, улардан бири урду тилида, унга ёнма-ён рубоӣнинг дарӣ тилига қилинган таржимаси ҳам берилган.

Рубоӣлар мазмун жиҳатидан шоирнинг умумӣ ижоди билан ҳамоҳанг бўлиб, уларда кўпроқ шоирнинг ватанида юз берган, узоқ муддатдан бери давом этаётган уруш вайронгарчиликлари, халқ бошига тушган мусибатлар

<sup>3</sup> Қаҳҳор Осий ҳаёти ва ижоди ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун қаранг: Р. Иномхўжаев. Уруш қурбони бўлган афғон шоири. - “Шарқ машъали”, 2017, 1 – сон, 11-15 бетлар; Шу муаллиф. Афғонистон дарӣзабон адабиёти (XIX аср охири - XX аср). - Т: ТДШИ, 2018. 337-356 бетлар.

<sup>4</sup> عاصى عبدالقهار. كليات اشعار. تدوين، تصحيح و مقدمه: نيلا ب رحيمى. چاپ نخست، انتشارات خيام. كابل، ۱۳۸۵.

<sup>5</sup> قهار عاصى. هر بار كه از دهكده ات ميگذرم. مجموعه دوبيتى و رباعى. به كوشش آصف رحمانى، انتشارات فدائى هروى. هرات، ۱۳۷۶.

<sup>6</sup> بۇندан кейин: Осий. Куллиёт. ۱۳۳۵ - ۱۳۷۳. تدوين، مقابله و تصحيح احمد معروف كبرى. مشهد، بدخشان، ۱۳۹۱.

туфайли чеккан аламли руҳий кечинмалари ўз ифодасини топган. Бутун онгли ҳаётини ана шундай даҳшатли воқелик кўйнида ўтказган ватанпарвар шоир ижоди учун балки бу оддий ҳолдир. У бир рубоийсида ёзган эди:

این جا همه چیز تلخ و نامیمون است، هر ساز که میزنند بی قانون است.  
می بینم و می گدازم و می میرم، حالا تو قیاس کن که حالم چون است.<sup>7</sup>

*Бу ерда ҳамма нарса аччиқ ва толеъсиздир,  
Ҳар қандай асбобни чалсалар ҳам, қоидасиздир.  
Кўраман, эрийман ва ўламан,  
Шунга қиёслаб билгин аҳволим қандайлигини.*

Шоир гарчи ўз кечинмалари ҳақида гапиргандек туюлса ҳам, аслида у ватандошлари, ўзи каби юрт қайғусини чеккан инсонлар дилидаги сўзларни гапираётганини, шоирнинг рисолати айнан шундай эканини билади. Шунинг учун ҳам у бир рубоийсида ўзини ватан дардлари, чеккан ранжу озорларини ифодалаш, уни хотира сифатида муҳрлашга вазифадор эканини таъкидлаган эди.

من درد به دوش شام تار و طنم، دل پخته رنج روزگار و طنم.  
آهه همه انتظار، اشکم همه صبر، من خاطره دار حال زار و طنم.<sup>8</sup>

*Мен ватаним қоронғи оқшоми ғамини елкасида кўтариб юргувчиман,  
Ватанимнинг азобли ҳаётини кўриб бағри куйганман.  
Менинг барча оҳим кутши, кўз ёшларим сабру бардош қилишимдандир,  
Мен ватанимнинг ачинарли аҳволи хотирасини сақловчиман.*

Осий чин ватанпарвар сифатида юрт қайғуси мавзусига қайта-қайта муружаат қилади, атрофида кечаётган воқеалар уни шунга мажбурлайди. У бир рубоийсида бу ҳолни шундай ифодалаган эди:

تا آنکه به چار سوی هوش من است، از هر سو صدای گریه در گوش من است.  
افسوس به ناله هم سبک می نشود، دردی که از این دیار بر دوش من است.<sup>9</sup>

*Мен тўрт томонимга диққат қилганимда –  
Ҳамма ёқдан қулогимга йиғи овози эшитилади.  
Афсус, нола билан ҳам енгиллашмайди –  
Бу юртнинг менинг елкамга ортилган дарди.*

Осий рубоийларида ифодаланган мунг шоир қалбини ўртаб бораётган тушқунлик ифодаси бўлиши билан бир вақтда сезгир юрак исёни ҳамдир. Адиб яшаб ижод этган кулфатли давр, охири кўринмаган уруш ва нотинчлик, ўлим ва саргардонлик унинг онгини тегирмон тошидек эзиб ётган бир шароитда шоир қаламидан шундай аламли мисралар тўкилишига ажабламаса ҳам бўлар. У бир рубоийсида ўзи яшаб турган Кобулдаги аҳволни мана бундай аламли мисраларда ифодалаган эди:

خون از بر و دوش آسمان گل بدهد، آتش ز زمین قیامت گل بدهد.  
دوزخ چقدر بلند باید سوزد، تا تشبیه کوچکی ز کابل بدهد.<sup>10</sup>

*Осмоннинг кўксию этагидан қон сизади,  
Ердан кўтарилган аланга қиёмат тусини беради.*

<sup>7</sup> Осий. Куллиёт, 1012 бет.

<sup>8</sup> Осий. Куллиёт, 1041 бет.

<sup>9</sup> Шу манба, 1011 бет.

<sup>10</sup> Шу манба, 1029 бет.

*Дўзах олови қанчалик баланд ёниши керакки,  
Озгина бўлса ҳам, Кобулга ўхшаши учун.*

Кобулда гуриллаб ёнган уруш олови шоир кўзига дўзах алангасидан ҳам даҳшатли кўринади. Мана шу хусусиятлари туфайли Аҳмад Маъруф Кабирий Қахҳор Осий поэзиясини Афғонистондаги нотинчлик шароитида юзага келган “кураш адабиёти, дард ва жанг шеърляти”<sup>11</sup> илҳомчиси, деб таърифлаганди.

Осий рубоийларида такрор-такрор тилга олинган яна бир муҳим мавзу ватандан айрилиш, муҳожират ва бу билан боғлиқ кечинмалардир.

Маълумки, Афғонистон уруши давомида оддий халқ жуда катта моддий ва инсоний талофатни бошидан кечирди. Натижада, миллионлаб одамлар бошқа юртлардан паноҳ излашга мажбур бўлди. Бу ҳам одамлар бошига тушган кулфат эди. Осий ватандошлари бошига тушган бу бахтсизликдан изтироб чекар ва шоир изтироблари шеър бўлиб қоғозга қуйиларди. Унга ватанни ҳамма тарк этгандек, ҳаммаёқ хувиллаб қолгандек туюлди.

رفتى و كسى نكرد غمخواره گى ات، رفتى و كسى نديد بيچاره گى ات.  
ای یار! پس از تو دیگران هم رفتند، من ماندم و درد تلخ آواره گى ات.<sup>12</sup>

*Кетдинг, аммо биров гамингни емади,*

*Кетдинг, аммо биров кўрмади бечоралигингни.*

*Эй ёр, сенинг кетингдан бошқалар ҳам кетдилар,*

*Мен қолдим, мен билан саргардонлигинг аччиқгами қолди.*

Мана бу рубоийсида у ёрнинг ватангадолик аламига учраши сабабини ҳам очиб берди:

يار از وطن خودش فرارى شد و رفت، از ده و ديارش متواری شد و رفت.  
بر مزرعه و باغچه و دهكده اش، از آتش و خون گلوله بارى شد و رفت.<sup>13</sup>

*Ёр ўз ватанидан қочоқ бўлдию кетди,*

*Ўз қишлоғи ва юртидан қочдию кетди.*

*Экинзори, боғи ва қишлоғига -*

*Қонли ва оловли ўқлар ёғилдию кетди.*

У яна бир рубоийсида ватанининг фожиаи аҳволини бундай тасвирлаган эди:

این جا رُخ تازه، خاطر شادى نیست، سوگ است و سیاهى است و آزادى نیست.  
من دل به چه اعتبار پابند کنم؟ آن جا که درخت نیست، آبادى نیست.<sup>14</sup>

*Бу ерда яшинаб турган юз, хурсанд кўнгил йўқ,*

*Мотам бор, қоралик бор, озодлик йўқ.*

*Мен қайси ифтихорга кўнгил боғлайин?*

*Қаерда дарахт бўлмаса, ободлик ҳам йўқ.*

Шоир наздида ватанида на бир шод кўнгил, на озодлик, демакки ифтихорга лойиқ ҳеч нарса йўқ, бу ер дарахтсиз қуруқ саҳро кабидир, бу ерда ободлик ҳам, озодлик ҳам йўқ, чунки бу ерни ҳамма тарк этган.

Кўп ўтмай Осийнинг ўзи ҳам муҳожир ватандошлари қисматини татиб кўришига тўғри келди, у Эрондан паноҳ излади. Аммо ўзга юртда тез-тез

<sup>11</sup> Осий. Куллиёт, 51 бет.

<sup>12</sup> Шу манба, 1009 бет.

<sup>13</sup> Шу манба, 1016 бет.

<sup>14</sup> Шу манба, 1014 бет.

ватани ёдига тушадиган, унинг ям-яшил дараларию, шарқираб оқиб турган жилғалари эсига тушадиган бўлди. Қуйидаги рубоийда айнан шу кечинмалар шоирнинг ўртанган юраги ноласини акс эттирган кўринади:

ای دره تنگ! روزگارت چون است؟ دریاچه مست و آبشارت چون است؟  
دور از تو در این دیار پوسیده من، بی من، تو بگو گنج و کنارت چون است؟

*Эй торгина дара, аҳволинг қандай?*

*Шўх жилганг, шаршаранг аҳволи қандай?*

*Сендан йироқда бу юртда мен чиридим,*

*Айтгин, менсиз бор будинг қандай?*

Осийнинг ватан мавзусида, ватандошлари бошига тушган саргардонлик мавзусида ёзган шеърларининг кўпчилиги юқорида иқтибос қилинган асарлари каби мунгли ва ғамгин бўлса ҳам, айрим рубоийлар қатлампидан умид учқунлари йилтиллаб туради.

درد و غم روزگار آخر شدنی است، بی صبری و انتظار آخر شدنی است.  
خاموشی این دیار و تنهایی ما، در غربت شام تار آخر شدنی است.<sup>15</sup>

*Тирикчилик дарду гами тугагусидир,*

*Сабрсизлик билан кутиш тугагусидир.*

*Бу юртнинг хомушлигию танҳолиги –*

*Қоронги оқшом гурбатида тугаб кетгусидир.*

Шоир айрим рубоийларида шунга ўхшаш фикрни имо-ишоралар билан пардапўш қилиб ифодалайди:

شب سنگ شده ستاره اندوخته است، شب خسته و شب شکسته، شب سوخته است.  
شب بر سر راه صبحدم بنشسته است، شب دیده به باغ نسترن دوخته است.<sup>16</sup>

*Тун тош қотган, юлдузларни йиғиб қотган,*

*Тун чарчаган, тун синган, тун куйган.*

*Тун тонг отишини кутиб йўлга кўз тиккан,*

*Тун кўзларини настаран боғига тиккан.*

Шоир тасаввурида барча норасоликлар, қийинчиликлар, ғам-ғуссалар тун тимсолида гавдаланади, чунки тун қоронғулик, мубҳамлик рамзи, бағрида қандайдир хатарни пинҳон тутган он, аммо у энди чарчаган, бўшашган ва ниҳоят, кўз тикиб тонг отишини кутган ҳолда, у тонгни кутганда ҳам настаратан боғига тикилиб кутади, тонг яхшилик олиб келади, деб умид қилади.

Тун Осий рубоийларида салбий образ сифатида гавдаланади, шоир унга қарши курашади, ундаги салбий моҳиятни рад этишга жазм қилади, чунки унинг ишонгани, идеали куёшдир.

تا دامن آفتاب در چنگ من است، با هر چه شب است و تیره گی جنگ من است.  
«نی» گفتن و خودسری که عیبش خوانند، اوج هنر و کمال فرهنگ من است.<sup>17</sup>

*Токи қуёшнинг этаги менинг чангалимда экан,*

*Нимаики тун бўлсаю қоронғулик бўлса, мен у билан жанг қиламан.*

*Йўқ!” дейиш, қайсарлик қилиш айб саналса ҳам –*

*Менинг санъатим авжи, тарбиям камоли шудир!*

<sup>15</sup> Осий. Куллиёт, 1014 бет.

<sup>16</sup> Shu manba, 1012 bet.

<sup>17</sup> Осий. Куллиёт, 1012 бет.

Демак, шоир қуёшга, умидли дамларга, яхшиликка интилади, тунга, қоронғиликка бўйин эгмайди, уларга дадил “Йўк!” деб айтади, уларга қарши курашади.

Осий рубоийларидан кенг ўрин эгаллаган яна бир мавзу муҳаббат мавзусидир. Шунини айтиш жойизки, бу мавзу рубоийларда турли қирралари билан намоён бўлади, фақат ишқ мавзуси билан чекланмасдан воқеликнинг турли жиҳатларини, муҳим ижтимоий масалаларни ўзида акс эттиради ва бу алоҳида тадқиқ ва таҳлил объекти бўлишни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, рубоий жанрида ёзилган асарлар Қаҳҳор Осий ижодининг муҳим қисми бўлиб, анъанавий мумтоз рубоийлардан ҳам ғоявий мазмун, ҳам бадиий услуб жиҳатидан фарқ қилади. Муаллиф ўз рубоийларида анъанавий фалсафий масалалар, ирфоний мавзулар ўрнига ўзи яшаб турган замон муаммолари, ватани бошига тушган кулфатлар, муҳожирлик азоби каби ўз даврининг муҳим масалаларини қаламга олди ва бу билан мумтоз адабиётнинг мазкур жанрини ғоявий мазмун жиҳатидан янгилади, унга янги ҳаёт бағишлади. Осий рубоий жанрига олиб кирган мавзуларни тасвирлашда ҳам новаторлик йўлидан бориб, ўзини ўраб турган муҳитдан, реал ҳаётдан деталлар, образлар танлади, гоҳида ўз кечинмаларини мажозий образлар билан ўраб ифодалаган бўлса, кўпинча аламли, аччиқ сўзлар билан рўйроқ баён этди, ўқувчисини ўзи кўрган воқеликни кўришга, ўзи чеккан аламларни чекишга, ўзи ҳис этган кечинмаларни ҳис этишга даъват этди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Р.Иномхўжаев. Уруш қурбони бўлган афғон шоири. - “Шарқ машъали”, 2017, 1 – сон, 11-15 бетлар.

2. Р.Иномхўжаев. Афғонистон дарийзабон адабиёти (XIX аср охири - XX аср). – Т: ТДШИ, 2018. 337-356 бетлар.

3. عاصی عبدالقهار. کلیات اشعار. تدوین، تصحیح و مقدمه: نیلاب رحیمی. چاپ نخست، انتشارات خیام، کابل، ۱۳۸۵.

4. کلیات قهار عاصی ۱۳۳۵ - ۱۳۷۳. تدوین، مقابله و تصحیح احمد معروف کبیری. مشهد، بدخشان، ۱۳۹۱.

5. قهار عاصی. هر بار که از دهکده ات میگذرم. مجموعه دوبیتی و رباعی. به کوشش آصف رحمانی، انتشارات فدایی هروی. هرات، ۱۳۷۶.

6. کاوه کرامی. قهار عاصی، سرودخوان آزادی.

[http://www.bbc.com/persian/arts/2014/09/140924\\_mar\\_kawa\\_aasi\\_freedom](http://www.bbc.com/persian/arts/2014/09/140924_mar_kawa_aasi_freedom)



## **К ПРИРОДЕ СООТНОШЕНИЯ ГЛАГОЛА И ПРЕДЛОЖЕНИЯ**

**Аннотация** Как известно, в глаголе как бы в свернутом виде содержится сообщение о внеязыковой ситуации. Кроме того, благодаря присущим ему категориям времени, лица и модальности глагол соотносит сообщаемое с действительностью. Поэтому в лингвистической традиции глагол и предложение зачастую приравниваются друг другу. Представление о том, что глагол и предложение неотделимы друг от друга, в разное время мотивировалось по-разному, в зависимости от того, какие характеристики глагола оказывались в поле внимания исследователей. Между тем есть основания утверждать, что часть значений, приписываемых глаголу, на самом деле выражаются только в предложении. Данная статья посвящена рассмотрению этих оснований, позволяющих разграничить значения, выражаемые глаголом, и значения, возникающие в предложении, на примере глаголов движения и тем самым показать, что глагол и предложение – это два самостоятельных объекта изучения и приравнивание их друг другу не является правомерным.

**Опорные слова и выражения:** глагол, предложение, внеязыковая ситуация, референциальные значения, номинативная единица, распространители глагола, ядро предложения, участники внеязыковой ситуации.

**Аннотация.** Маълумки, феълда ихчамлаштирилган кўринишдаги тилдан ташқаридаги вазиятлар мавжуддек кўринади. бундан ташқари, замон, шахсон ва модаллик категориялари хос бўлганлиги туфайли феъл борлиқ билан ахборот алмашиш муносабатида бўлиши кузатилади. Шу сабабдан тилишунослик анъаналарига кўра, феъл ва гап кўп ҳолларда бир-бирига тенглаштирилади. феъл ва гап ўзаро ажралмаслиги ҳақидаги тасавурлар тадқиқотчилар томонидан феълнинг қайси хусусияти диққат доирасида туришига қараб турли замонларда турлича талқин қилинган. Шу асосда таъкидлаш жоизки, феълга қўшимча равишда юкланаётган мазмун, зотан гапгагина ўз ифодасини топади. Мазкур мақола феъл ифода этган мазмунларни чегараловчи ушбу асосларни муҳокамасига бағишланган, ҳамда ҳаракат феъллари мисолида гапда вужудга келувчи маънолар ёрдамида феъл ва гап – бу икки мустақил тадқиқот объекти эканлиги ва уларни бир-бирига тенглаштириш тўғри эмаслиги кўрсатилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** феъл, гап, тилдан ташқари вазият, референциал маънолар, номинатив бирликлар, феълни оммалаштирувчилар, гап ядроси, тилдан ташқари вазият иштирокчилари.

**Summary.** As you know, the verb as if in a minimized form contains a message about a non-linguistic situation. In addition, due to its inherent categories of time,

*person and modality, the verb correlates the message with reality. Therefore, in a linguistic tradition, a verb and a sentence are often equated with each other. The idea that a verb and a sentence are inseparable from each other was motivated differently at different times, depending on what characteristics of the verb came to the attention of researchers. Meanwhile, there is reason to argue that some of the meanings attributed to the verb are actually expressed only in the sentence. This article is devoted to the consideration of these grounds, allowing to distinguish between the meanings expressed by the verb and the meanings arising in the sentence, using the example of motion verbs and thereby show that the verb and the sentence are two separate objects of study and equating them with each other is not legitimate.*

**Keywords and expressions:** *verb, sentence, extra-language situation, reference values, nominative unit, verbspreaders, core of the sentence, participants in the extra-language situation.*

История изучения глагола и предложения характеризуется двумя, на первый взгляд, противоречащими друг другу моментами, а именно: а/ признанием мнения, что предложение – это, прежде всего, глагол, поэтому в конкретных описаниях глагол и предложение зачастую приравниваются друг другу, не различаются; б/ стремлением исследователей видеть в глаголе и предложении не один, а два самостоятельных, хотя и взаимосвязанных, объекта исследования.<sup>18</sup> Этими моментами объясняется тот факт, что в исследованиях, посвященных глаголам, глагольными признаются значения, которые в синтаксических описаниях приписаны предложению. Поэтому ряд значений оказывается общим для глаголов и предложений. К ним относятся значения лица, времени, наклонения и некоторые другие<sup>19</sup>.

Известно, что в глаголе заключены два ряда характеристик: 1) характеристики, определяемые обращенностью глагола к внеязыковой действительности: они обозначают действия, состояния, процессы и т.п.; 2) характеристики, идущие от способности глагола соотносить сообщаемой с действительностью. Эти характеристики, как известно, присущи и предложению. На этом основании глагол и предложение в сознании исследователей оказываются неотделимыми друг от друга.

В науке прошлого основание считать глагол неотделимым от предложения усматривалось в морфологических особенностях глагола, а именно в его способности соотносить сообщаемое с моментом речи. Имелось в виду то, что в спрягаемом глаголе сообщение о некотором действии, состоянии, положении находится в определенном отношении к моменту речи и участникам ситуации речи, что выражается формами лица, времени и наклонения глагола.

---

<sup>18</sup> Ср. замечание А.А.Потебни о том, что «глагол – это душа предложения». Таким образом, А.А.Потебня не только точно сформулировал взгляды своих предшественников и современников, но и оказал большое влияние на представления последующих поколений исследователей.

<sup>19</sup> Общепринятым на сегодняшний день является мнение о том, что при вхождении спрягаемого глагола в предложение значения времени, лица, наклонения глагола присваиваются предложением. В связи с этим признается наличие, с одной стороны, глагольных словоформ типа *ходит, ходил, будет ходить* и т.п. как членов глагольной парадигмы, с другой – предложений типа: *Ходит. Ходил. Будет ходить*, которые, при наличии соответствующего контекста, могут обозначать событие.

Так, глагольные словоформы типа *выходит, вбежал, будет бегать, пронес бы* и т.п. признаются предложениями, поскольку в них содержится «не представление только, а целая мысль» (Потебня, 1958:47).

В современной науке в связи с признанием предложения номинативной единицей, в связи с интересом к теории ситуации в фокусе внимания исследователей оказываются другие характеристики глагола. Общеизвестным считается мнение, что в глаголе как бы в свернутом виде содержится информация о целой ситуации. Так, например, в глаголах движения типа: *идти, ходить, бежать, бегать* содержится информация о ситуации движения, в частности движущемся предмете, месте локализации движения и отношении, связывающем данных участников. В соответствии с этим изучение ситуации, ее типов, классов зачастую сводится к изучению свойств и классов глагола. Глагол в сочетании с распространителями признается ядром предложения. Так в свете новых достижений лингвистической мысли была воспринята идущая из науки прошлого идея о том, что глагол – это вершина предложения. Таким образом, глагол приравнивается предложению уже на основании лексического значения.

Однако, несмотря на то, что в сознании исследователей глагол и предложение зачастую приравниваются друг другу, тем не менее, исследователи признавали в глаголе и предложении не один, а два самостоятельных объекта изучения. Так, рассуждая о категории предикативности, отмечали, что последняя может быть выражена и без глагола, ср. высказывания: *Август. Лес. Море*, где значения времени и наклонения выражены без глагола. В предложениях типа *Воды! Оружие на стол!* Без глагола выражено не только соотношение сообщаемого с моментом речи, но и основное содержание сообщения – обозначение действия.<sup>20</sup>

В качестве доказательства, что нет обязательной взаимопредполагаемости глагола и предложения можно привести также явление, замеченное исследователями, описывающими лексико-семантические классы глаголов. Суть этого явления заключается в том, что внеязыковая ситуация в предложении может быть выражена не только без глагола, но и при помощи глаголов, которые сами по себе не имеют данного значения, но способны выразить его в соответствующих условиях, ср.: *Старушки прошелестели в столовую.* (Ильф, Петров)<sup>21</sup>

<sup>20</sup> См., например, высказывание А.М.Пешковского по поводу предложений типа: *Море. Август.* По его мнению, в них «представлено особое значение именительного падежа – экзистенциальное. К слову *Море* нельзя прибавить *есть*... оно уже своим именительным падежом обозначает существование... Когда мы говорим *Август*, мы определяем это приблизительно как *Перед нами август* или *Вот август*, то есть представление об *августе* мыслится в плоскости бытия». В этом же ряду рассматриваются и формы типа: *Богат. Придуманно* и т.п., также признаваемые предложениями. Отмечается, что «свою сказуемость формы этого типа берут из присвязочности, то есть из особой внутренней связи с особым разрядом глаголов – глаголами-связками. От постоянной связи с глаголом... они, так сказать, «оглаголились»..., так как восприняли от глагола не всю его сущность, а одну его сторону...- способность выражать мысль» (Пешковский:). Кроме того, без глагола может быть выражено и значение активного действия, ср.: *Татьяна в лес, медведь – за ней.* В современных исследованиях предложения подобного рода интерпретируются как предложения с нулевым глаголом. При этом делаются попытки определить характер валентности нулевого глагола (Ширяев:1967, Хабургаев:1979).

<sup>21</sup> Наряду с признаками «линейность», «длительность», «способ», «среда» авторы выделяют и признак «темп», по которому, по их мнению, противопоставлены, например, глаголы *идти/бежать, идти//брести.* (Аверьянова,

Таким образом, предложение может существовать и функционировать и без глагола, поскольку связка, передающая значения времени и модальности своей формой или фактом своего отсутствия (нулевая форма), не является глаголом, а представляет собой служебный формант, принадлежащий предложению.

Предложение и глагол отражают действие по-разному. Разъясним и конкретизируем это положение на примере глаголов движения.

В многочисленных исследованиях, посвященных лексико-семантическим свойствам глаголов движения, отмечается, что движение определяется рядом характеристик, к которым относятся *линейность*, *длительность*, *среда*, *способ* (Апресян:1995). При этом под линейностью понимается идея поступательности или «изменения, под длительностью же – идея распространения. В соответствии с этим линейное движение – это поступательное движение, связанное с преодолением некоторого пространства, с маршрутом, длительное же движение – это действие, замкнутое в пределах некоторого пространства. Эти характеристики связываются, прежде всего, с понятием о видах движения, ср. оппозицию по признакам «линейность/длительность»: *идти/ходить, ехать/ездить*; «способ/среда»: *идти/ехать, ехать/плыть*. Однако эти характеристики существенны и для участников ситуации движения. Разные виды движения предполагают разных участников и, напротив, разные субстанции-участники предполагают свойственные им разные виды движения. Имея в виду эту взаимосвязь, можно говорить об указанных признаках применительно ко всем составляющим ситуации движения. И эта взаимосвязь может быть различной как по объему, так и по характеру.

Так, для движущегося предмета охарактеризованность по признакам «среда» и «способ» является регулярной и обязательной. В то время как отношение к признакам «линейность» и «длительность» свойственно лишь определенным категориям движущихся предметов, таким, как, например, *водопад, река, струя* и т.п., в отличие от предметов, выраженных существительными типа *море, океан, озеро* и т.п., которым присуще нелинейное, длительное, замкнутое в пространстве движение. Ср. предложения типа: *Вдоль сонного озера быстро река бежала.* (А.Фет) *Каспийское озеро ходит волнами небывалой величины.* (Б.Корнилов) и некорректность предложений: *Вдоль сонного озера быстро река бегала. Каспийское озеро идет волнами небывалой величины.*

Охарактеризованность/неохарактеризованность пространственного определителя по всем перечисленным признакам зависит от того, как он понимается: как точки направления движения или место распространения движения. Пространственный определитель может характеризоваться по всем признакам, а именно: «среда», «способ», «линейность», «длительность». При этом, если он охарактеризован по признаку «линейность», то осмысливается как путь движения: *Машина ехала по шоссе. Катер шел по реке.* Если движение

---

1975: 121-130, Атрощенко, 1967: 13 и др.). Однако различия в значении приведенных глаголов представляются более сложными и требуют отдельного рассмотрения.

охарактеризовано по признаку «длительность», то пространственный определитель понимается как место распространения движения, ср.: *Машина ездилa по городу. Катер ходил по реке.*

Если пространственным определителем являются точки направления движения, то оно определяется по признаку «линейность» и неохарактеризованным по признакам «длительность», «среда», «способ»: *Туристы отправились из Москвы во Владивосток через Хабаровск.* Показатели точек направления движения (*из Москвы, во Владивосток, через Хабаровск*) ничего не говорят о способе движения и среде, в которой оно осуществляется. Охарактеризованность/неохарактеризованность отношения, связывающего участников ситуации движения и обозначенного глаголом по указанному набору признаков, также может быть различной. Действие может быть охарактеризовано по всем признакам: *Дети бежал по школьному двору* действие определяется как совершающееся по твердой поверхности, пешком, нелинейное, длительное, в отличие, например, от предложений: *Дети бежали по коридору*, где действие интерпретируется как линейное и длительное; *Дети выбегают в коридор* – как линейное и недлительное. В предложении *Тучи бежали над полем* движение охарактеризовано только по признаку «линейность». Нехарактеризованность по другим признакам компенсируется охарактеризованностью по этим признакам движущегося предмета и пространственного определителя движения.

Особенности ситуации движения определяются с двух сторон: характер его участников и особенности связывающего их отношения взаимно обуславливают друг друга. Так, особенности движения определяются характером движущегося предмета и пространственного определителя. Так, например, если движущимся предметом является существо, наделенное способностью передвигаться с помощью ног (человек, животное и т.п.), то действие определяется как производимое пешим способом и по твердой поверхности, ср.: *Дети шлепали босыми ногами.* В отличие от движущегося предмета, особенности пространственного определителя не несут информацию о способе движения. Так пространственный определитель, представляющий собой твердую поверхность, предполагает действие, совершаемое как пешим, так и не-пешим способом, то есть любым из существующих «сухопутных» способов движения. Гораздо более существенными для действия являются другие характеристики пространственного определителя, а именно: имеет ли он линейную протяженность или нелинейную, ср.: *Автомобиль ездит по шоссе. Автомобиль ездит по городу.* В определенных случаях отношение движения к признакам «линейность» и «длительность» может быть обусловлено и характером движущегося предмета: *Река шла по ущелью. Слезы ползли по щекам*, где движущийся предмет характеризуется способностью к линейному движению, и в связи с этим действие определяется как линейное. Ср,

некорректность предложений: *Река ходила по ущелью. Слезы ползали по щекам.*<sup>22</sup>

Вместе с тем возможна и обратная зависимость: характер движения обуславливает особенности участников движения. Так, например, если действие представлено как производимое пешим способом, то движущимся предметом является существо, способное передвигаться при помощи ног, а пространственным определителем является твердая поверхность. Если действие представлено как линейное, то место, по которому оно осуществляется, независимо от того, характеризуется ли оно линейной протяженностью или свойством длительности, осмысливается как путь, ср.: уже приводившиеся выше предложения: *Машина ехала/ездила по городу.* Следовательно, в участнике, понимаемом как место локализации линейного движения, содержится отношение к признаку «линейность».

Таким образом, охарактеризованность каждого участника ситуации движения и связывающего их отношения по указанному набору признаков, а именно: «среда», «способ», «линейность», «длительность» предполагает возможность обозначения движения:

а) безглагольными предложениями: *Татьяна в лес, медведь за ней*, где характер участников ситуации движения, обозначенной в предложении, обуславливает характер отношения, связывающего данных участников;

б) глаголами движения без обязательных распространителей, обозначающих участников данной ситуации: *Бежать! Хожу, оглядываясь, нет ли погони. Несли, везли до самого утра*;

в) при отсутствии указания на движение и движущийся предмет: *В Москву! На Берлин!*

Эти возможности обеспечиваются тем, что в каждом из участников ситуации движения и связывающем их отношении, так или иначе, содержится указание на признаки «среда», «способ», «линейность», «длительность».

### **Использованная литература:**

1. Аверьянова А.А. Глаголы движения-перемещения в современном русском языке – Ученые записки Ленинградского университета. Ленинград, Высшая школа, 1975.

2. Апресян Ю.Д. Избранные труды. Москва, Наука, 1995. Т.2.

3. Атрощенко А.Ф. Синтаксическая сочетаемость глаголов действия в современном русском литературном языке. Автореферат дисс. канд. филол. наук. Москва, 1967. 21с.

---

<sup>22</sup> Следует заметить, что существует не только связь, идущая от участников ситуации движения к отношению, связывающему их, но и взаимосвязь между участниками. При этом характер одного участника предопределяет характер другого. Так, если движущимся предметом является живое существо, способное передвигаться с помощью ног, то пространственным определителем движения является твердая поверхность. Если пространственным определителем является воздушное пространство, то движущимся предметом, соответственно, будет существо, способное передвигаться при помощи крыльев или специальных приспособлений. В данном случае речь идет о наиболее привычных и органичных для названных предметов способа передвижения.

4. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. Изд. 7. Учпедгиз. Москва, 1956. С.165.

5. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Москва, Наука. 1958. Т. 4. С.47.

6. Хабургаев Г.А. Реализация валентностей нулевого глагола движения в современном русском языке - Вопросы языкознания. Вып.2. Москва, 1979. С.177-186.

7. Ширяев Е.Н. Нулевые глаголы как члены парадигматических и синтагматических отношений. Автореферат дисс. канд. филол. наук. Москва, 1967. 23с.

---

### **Холида Алимова**

*Филология фанлари доктори, Эрон-афгон филологияси кафедраси, ТошДШИ*

## **АФГОНИСТОН КОНСТИТУЦИЯЛАРИДА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ**

**Аннотация:** *Мақолада Афғонистондаги мураккаб этнолингвистик вазият, бунинг юзага келиш омили, муваққил Афғонистон тарихида қабул қилинган Конституцияларда давлат тили ва тиллари мақоми, мамлакатда тил сиёсати ўрнатилган. Афғонистонда эроний, туркий, арабий, шимолий ҳинд, дравид этник гуруҳларига мансуб 20 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади, улар сўзлашадиган тиллар ва йирик диалектлар сони 30 дан ортиқ. Дарий тили 1747 йил Афғонистон давлати таъкил топганидан то 1936 йилга қадар ягона давлат тили ҳисобланган ва ҳозирги кунгача аҳолининг аксарият кўпчилиги томонидан истеъмолда бўлган тил мақоми эгаллаб келмоқда. Ҳозирги вақтда Афғонистондаги тилларнинг мақоми 2004 йил 4 январда қабул қилинган Конституциянинг 16- моддасига мувофиқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, пашту ва дарий тилларига расмий давлат тили мақоми берилган. Шунингдек, ўзбек, туркман, пашайи, нуристоний, балуж ва помир тилларида сўзлашувчи аҳоли зич яшайдиган минтақаларда қайд этилган тилларга ҳам учинчи расмий тил мақоми берилган. Бир вақтнинг ўзида икки тил, айрим минтақаларда уч тилнинг давлат тили мақомида амал қилиши аҳоли ўртасида икки тиллик ва кўп тилликни юзага келтирган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *этнолингвистик вазият, давлат тили, расмий тил, миллий тил, миллатлараро алоқа тили, конституция, тил сиёсати.*

**Аннотация.** *В статье освещается вопрос о сложной этнолингвистической ситуации, факторы её возникновения, статус государственного языка и языков в Конституциях, принятых в истории незасимого Афганистана и языковая политика в стране. В Афганистане проживают представители более 20 национальностей, относящиеся к иранской, тюркской, арабской, северо-индийской и дравидской этническим группам, используемые населением языки и диалекты превышают свыше трех десятков. В 1747 году с момента основания Афганистана и до 1936 года*

единственным государственным языком был дари и до сегодняшнего дня имеет статус широко используемого как язык межнационального общения. В настоящее время статус языков Афганистана определен согласно статье 16 Конституции 2004 года, в котором официальными языками Афганистана являются пушту и дари. Кроме того, узбекский, туркменский, пашай, нуристанский, белуджский и памирский являются третьими официальными языками в районах их компактного проживания. Одновременное функционирование двух языков, а в некоторых регионах и трех языков в качестве официального государственного языка, породило двуязычие и многоязычие среди населения.

**Опорные слова и выражения:** этнолингвистическая ситуация, государственный язык, официальный язык, национальный язык, язык межнационального общения, конституция, языковая политика.

**Summary.** The article highlights the issue of a difficult ethnolinguistic situation, the factors of its occurrence, the status of the state language and languages in the Constitutions adopted in the history of Independent Afghanistan and language policy in the country. Representatives of more than 20 nationalities live in Afghanistan, which belong to the Iranian, Turkic, Arab, North Indian and Dravidian ethnic groups, the languages and dialects spoken by the population exceed more than 30. In 1747, from the time of the founding of Afghanistan until 1936, the only state language was Dari, and to this day has the status of being widely used as a language of interethnic communication. According to Article 16 of the 2004 Constitution, the official languages are Pashto and Dari. In areas where the majority of the people speak in any one of Uzbek, Turkmen, Pashayi, Nuristani, Balochi or Pamiri languages, any of the aforementioned language, in addition to Pashto and Dari, shall be the third official language. The simultaneous functioning of two languages, and in some regions three languages as an official state language, has resulted in bilingualism and multilingualism among the population.

**Keywords and expressions:** ethnolinguistic situation, state language, official language, national language, language of interethnic communication, constitution, language policy.

Афғонистон кўп миллатли ва кўп тилли мамлакатдир. Маълумотларга кўра, мамлакатда эроний, туркий, арабий, шимолий ҳинд, дравид этник гуруҳларига мансуб 20 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилади. Ҳозирги кунда Афғонистон аҳолиси сўзлашадиган тиллар ва йирик диалектлар сони 30 дан ортиқ бўлиб, улар ҳинд-европа (эрон, ҳинд, дорд), туркий, мўғул, сомий тиллари оиласига мансуб<sup>23</sup>. Мамлакатда бундай мураккаб этнолингвистик вазиятнинг вужудга келиши бир қатор омиллар билан боғлиқ. Биринчидан, Афғонистон турли этник ареаллар туташган минтақада жойлашган. Унинг

---

<sup>23</sup> Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985. – С. 12; Афғонистондаги тилларнинг миқдори борасида афғон тилшунослари ўртасида ихтилофлар мавжуд. Мўжовер Аҳмад Зйорнинг ёзишича, 47 та тил ва улар тўрт гуруҳга бўлинади (<http://www.afghanpaper.com/info/joghrafia/zaban.htm>), Карим Попал эса 40 та тил ва 200 та лаҳжа борлигини қайд этади (<http://mashal.org/blog/>)



марказий ва шимоли-шарқий минтақаларида яшайдиган халқлар асосан дарий тилида, шимолий вилоятларида эса туркий, шарқий ва жанубий вилоятларида пашту, ҳиндий ва дорд тилларида сўзлашадилар. Иккинчидан, мамлакатнинг мураккаб географик шароити, жумладан, коммуникация имкониятларининг чеклангани туфайли Помир тоғлари дараларида яшовчи элатлар ҳозирги кунга қадар этник ўзлигини, миллий ёки қабилавий тилларини сақлаб қолганлар. Натижада Афғонистонда оз сонли сўзлашувчига эга бўлган тиллар ва лаҳжаларнинг салмоғи сезиларли даражада. Шу ўринда кўхна тарихда Афғонистон заминидан жанг-у жадаллар билан ўтган жаҳонгирлар ва уларнинг ўтроқлашиб қолган қолдиқлари (араб ва яҳудий миллатлари, этник илдизлари мўғуллар истилосига бориб тақаладиган ҳазоралар, македониялик Искандар истилоси билан боғлиқ Нуристон (собик Кофиристон) аҳолиси) ҳам мамлакатдаги этнолингвистик вазиятнинг мураккаблашувига таъсир этганини таъкидлаш лозим<sup>24</sup>. Албатта, бундай этнолингвистик хилма-хилликнинг мамлакатдаги расмий тил сиёсати ва умуман, тил вазиятига ўз таъсирини кўрсатиши табиий.

Дарий тили<sup>25</sup> (*دري dar(r)i*, илмий адабиётларда, шунингдек, «форсий»<sup>26</sup>, «форси-йе кобулий»<sup>27</sup>, «Kābulī Persian»<sup>28</sup> терминлари ҳам мавжуд) пашту тили билан бир қаторда, Афғонистоннинг расмий давлат тили, ўрта асрлардан бери ҳозирги кунгача аҳолининг аксарият кўпчилиги томонидан истеъмолда бўлган тил мақомини эгаллаб келмоқда. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатнинг 49% аҳолиси дарий тилини она тили, 37%и иккинчи тил деб ҳисоблайди<sup>29</sup>. Қуйидаги жадвалда<sup>30</sup> Афғонистонда сўзлашиладиган тиллар нисбатини кузатиш мумкин:

Тиллар	2006 йил (1-тил сифатида) (6226 нафардан)	2006 йил (2-тил сифатида) (6226 нафардан)	2013 йил (9,260 нафардан)	2018 йил (13,943 нафардан)
дарий	49%	37%	79%	77%
пашту	40%	28%	51%	48%
ўзбек	9%	6%	9%	11%
туркман	2%	3%	3%	3%
балуж	0%	0%	1%	1%

<sup>24</sup> Иномхўжаев Р. Афғонистондаги этнолингвистик вазият ва тил сиёсати // *Sharq mash'ali*. – Тошкент, 2015. – № 1. – Б. 42; <http://www.afghanpaper.com/info/joghrafia/zaban.htm>

<sup>25</sup> *Дарий тили ҳақида батафсил маълумот*: Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С. 3-11; Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985. – С. 10-20; Мошкало В.В. Дари язык // *Языки мира*. Иранские языки. I. Юго-западные иранские языки. – М.: Индрик, 1997. – С.121-123; Островский Б.Я. Вопросы грамматической семантики глагола языка дари. – М.: Гуманитарий, 2004. – С. 3-8.

<sup>26</sup> Фархади Р. Разговорный фарси в Афганистане. – М.: Наука, 1974. – С. 4.

<sup>27</sup> Дорофеева Л.Н. Язык фарси-кабули. – М.: Изд-во восточной литературы, 1960. – С. 6; Эдельман Д.И. Категории времени и вида. Категория наклонения//Опыт историко-типологического исследования иранских языков. Том 2. – М., 1975. – С. 337.

<sup>28</sup> Bogdanov L. Stray Notes on Kābulī Persian. – *JASB*, vol. 26, № 1. – Calcutta, 1930. – P. 1-2.

<sup>29</sup> <https://asiafoundation.org/resources/pdfs/AGsurvey06.pdf>

<sup>30</sup> [https://ru.qwe.wiki/wiki/Languages\\_of\\_Afghanistan](https://ru.qwe.wiki/wiki/Languages_of_Afghanistan)

пашайи	0%	1%	1%	1%
нуристоний			1%	1%
араб	0%	2%	1%	1%
инглиз	0%	8%	5%	6%
урду	0%	7%	2%	3%

Пашту тили эгалари сони жадвалдаги кўрсаткичдан ортиқ бўлиши мумкин, чунки хавфсизлик нуқтаи назаридан айрим паштузабон районлар ўрганилмаган. 2009 йилда нашр қилинган “Concise Encyclopedia of Languages of the World”<sup>31</sup> маълумотида кўра, Афғонистоннинг 60% аҳолиси учун пашту тили она тили ҳисобланади. Қуйидаги Афғонистоннинг 34 та вилояти бўйича тиллар харитаси жадвалда келтирилган рақамларни аниқроқ тасаввур қилишга имкон беради:



Бир вақтнинг ўзида икки тил, айрим минтақаларда уч тилнинг давлат тили мақомида амал қилиши, табиийки, аҳоли ўртасида икки тиллилик ва кўп тиллиликни юзага келтиради. Жадвалда қайд қилинганидек, аҳолининг 86%и дарий тилини билади ва бу тилнинг Афғонистонда миллатлараро алоқа тили мақомида эканлигига шубҳа йўқ. Тарихдан ҳам маълумки, Афғонистон давлати ташкил топганида (1747 йил) давлат бошқаруви асосан паштунлар қўлида бўлишига қарамай, давлат тили сифатида пашту эмас, айнан дарий тили қабул қилинган. Зеро, янги империянинг турли этник гуруҳларга мансуб аҳолиси учун бу тил лингва франка (lingua franca) вазифасини бажарган<sup>32</sup>. 1936 йилга қадар дарий тили Афғонистонда ягона давлат тили ҳисобланган. XX асрнинг биринчи чорагига келиб мамлакатда пашту тилини давлат тили мақоми даражасига кўтариш ҳаракати бошланди. Охир-оқибат пашту тилига 1964 йил конституциясида биринчи ўриндаги давлат тили мақоми берилди.

Мақолада Афғонистон Конституцияларида дарий тилининг мақоми таҳлил қилинади.

<sup>31</sup> Concise Encyclopedia of Languages of the World. – Amsterdam: Elsevier, 2010. – P. 845. – 1320 p.

<sup>32</sup> Иномхўжаев Р. Афғонистондаги этнолингвистик вазият ва тил сиёсати // Sharq mash'ali. – Тошкент, 2015. – № 1. – Б. 43.

Афғонистон давлати конституцион ислоҳотлар бўйича бой тажрибага эга. Мустақил Афғонистоннинг 90 йиллик тарихида 8 та (баъзи манбаларда 10 та қайд қилинади<sup>33</sup>) Конституция қабул қилинган.

1923 йил (1301 йил 10- хут) шоҳ Амонуллахон («*نظامنامه اساسی دولت علییه*») ва 1931 йил (1310 йил 8- акраб) шоҳ Нодирхон даврларидаги («*اصول*») «*قانون اساسی دولت علییه افغانستان*») Конституцияларда давлат тили ҳақидаги модда кузатилмайди. 1964 йил (1343 йил 9- мезон) подшоҳ Муҳаммад Зоҳиршоҳ даврида қабул қилинган учинчи конституцияда («*قانون اساسی افغانستان*») расмий тил ҳақидаги модда ўз аксини топган:

*ماده سوم: از جمله زبانهای افغانستان پښتو و دری زبانهای رسمی میباشد.*  
*ماده سی و پنجم: دولت موظف است پروگرامهای مؤثری برای انکشاف و تقویه زبان ملی پښتو وضع و تطبیق کند*<sup>34</sup>

**3- модда:** *Афғонистондаги тиллар орасида пашту ва дарий расмий тиллар ҳисобланади.*

**35- модда:** *Давлат пашту миллий тилини ривожлантириши ва мустаҳкамлаши учун самарали дастурлар ишлаб чиқиши ва татбиқ этишига мажбур.*

Диққат қилинса, Конституцияда дарий тили расмий тил каторида берилса-да, пашту тилининг “миллий тил” эканлиги ва Давлатнинг уни “ривожлантириш”га бурчли эканлиги алоҳида моддада таъкидланган.

1976 йили (1977 йил 26 январь деб ҳам қайд қилинган<sup>35</sup>) (1355 йил 5-хут) Муҳаммад Довудхон даврида қабул қилинган Афғонистон Республикасининг тўртинчи Конституциясида («*قانون اساسی جمهوری افغانستان*») 1964 йил Конституциясидаги 3- модда айнан 23- моддада такрорланган:

*«از جمله زبانهای افغانستان پښتو و دری زبانهای رسمی میباشد»*<sup>36</sup>

*Афғонистондаги тиллар орасида пашту ва дарий расмий тиллардир.*

Мазкур моддада пашту сўзининг ёзилиши аввалгидек тарзида берилмаган. Шунингдек, “пашту миллий тилини ривожлантириш” шартлиги ҳақидаги банд тушириб қолдирилган.

1980 йили (1359 йил 25- ҳамал) Афғонистон Демократик Республикаси томонидан Бабрак Кормал раҳбарлигида қабул қилинган бешинчи Конституцияда («*اصول اساسی جمهوری دموکراتیک افغانستان*») ҳам пашту ва дарий тилларига асосий эътибор қаратилган:

*ماده چهلم: ...قوانین و فرامین شورای انقلابی به زبانهای پښتو و دری نشر می شود و میتوان آنها را*

*به سایر زبانهای خلقهای افغانستان نشر کرد*<sup>37</sup>.

**40- модда:** *Революцион Кенгашнинг қонунлари ва фармонлари пашту ва дарий тилларида чоп қилинади ва уларни Афғонистоннинг бошқа халқлари тилларида нашр этиши мумкин.*

<sup>33</sup> <https://www.vpo.gov.af/> 1382 та 1301 Афғонистон اساسی قوانین متن کامل

<sup>34</sup> <http://kankorafghanistan.com> // متن کامل قانون اساسی افغانستان سال ۱۳۴۳

<sup>35</sup> <http://www.meshran.website> // سیر تاریخی قانون اساسی در افغانستان

<sup>36</sup> <http://law.acku.edu.af/fa/download/file/fa/42416/72121>

<sup>37</sup> <http://law.acku.edu.af/fa/download/file/fa/23931/52876>

1987 йил (1366 йил 9- қавс) Доктор Нажибулло даврида қабул қилинган Афғонистон Республикасининг олтинчи Конституцияси (« قانون اساسی جمهوری » «افغانستان») 8- моддасида:

«از جمله زبانهای ملی کشور پشتو و دری زبانهای رسمی میباشد»<sup>38</sup>

*Мамлакатдаги миллий тиллар орасида пашту ва дарий расмий тиллардир.*

Бу моддага эътибор берилса, “миллий тил” ва “расмий тил” ўртасида фарқ юзага келган. Афғонистондаги барча тиллар “миллий” ва булар орасида пашту ва дарий “расмий тил” ҳисобланади.

1990 йил (1369 йил 8- жавзо) Доктор Нажибулло даврида еттинчи Конституция (« قانون اساسی جمهوری افغانستان») қабул қилинган. Бунда аввалги 8- модда айнан такрорланади. Бироқ бу конституция баъзи афғон мутахассислари томонидан эътиборга олинмайди<sup>39</sup>. 1994 йил (1372 йил мезон) Бурхониддин Раббоний раҳбарлигида қабул қилинган Афғонистон Ислом Давлатининг Конституцияси (« اصول اساسی دولت اسلامی افغانستان») Афғонистон тарихидаги еттинчи Конституция сифатида қайд этилган<sup>40</sup>. Бироқ 1996-2001 йиллар давомида Афғонистонда Толибонлар режимининг ҳукмронлиги эътиборга олинса, бу конституциянинг тарихий аҳамияти ҳақида гапиришга ҳожат қолмайди.

Ҳозирги вақтда Афғонистондаги тилларнинг мақоми 2004 йил 4 январда (1382 йил 6- далв) Лоя Жирга томонидан қабул қилинган ва Афғонистон президенти Ҳамид Карзай томонидан расман имзоланган Конституциянинг 16- моддасига мувофиқ белгилаб қўйилган. Унга кўра, пашту ва дарий тилларига расмий давлат тили мақоми берилган. Шунингдек, ўзбек, туркман, пашайи, нуристоний, балуж ва помир тилларида сўзлашувчи аҳоли зич яшайдиган минтақаларда қайд этилган тилларга ҳам учинчи расмий тил мақоми берилган<sup>41</sup>:

#### ماده شانزدهم:

از جمله زبانهای پشتو، دری، ازبکی، ترکمنی، بلوچی، پشه یی، نورستانی، پامیری و سایر زبانهای رایج در کشور، پشتو و دری زبانهای رسمی دولت می باشند.  
در مناطقی که اکثریت مردم به یکی از زبانهای ازبکی، ترکمنی، پشه یی، نورستانی، بلوچی و یا پامیری تکلم می نمایند آن زبان علاوه بر پشتو و دری به حیث زبان سوم رسمی می باشد و نحوه تطبیق آن توسط قانون تنظیم می گردد.

*Пашту, дарий, ўзбек, туркман, балуж, пашайи, нуристоний, помирий тиллари ва мамлакатдаги бошқа тиллар орасида пашту ва дарий давлатнинг расмий тилларидир.*

*Аксарият аҳоли ўзбек, туркман, пашайи, нуристоний, балуж ва помирий тилларида сўзлашувчи районларда, ўша тил пашту ва дарий тиллари билан бир қаторда учинчи расмий тилдир ва унинг татбиқи қонун орқали тартибга солинади.*

Шунингдек, мазкур моддада қуйидагилар таъкидланади:

<sup>38</sup> <http://old.ago.gov.af/Content/Media/Documents/QawaneenAsasi191201611248568553325325.pdf>

<sup>39</sup> <http://www.meshran.website> // سير تاريخی قانون اساسی در افغانستان

<sup>40</sup> <http://www.meshran.website> // سير تاريخی قانون اساسی در افغانستان

<sup>41</sup> <https://moj.gov.af/fa/page/legal-frameworks/168329941684>

دولت برای تقویت و انکشاف همه زبانهای افغانستان پروگرامهای مؤثر طرح و تطبیق می نماید. نشر مطبوعات و رسانه های گروهی به تمام زبانهای رایج در کشور آزاد می باشد. مصطلحات علمی و اداری ملی موجود در کشور حفظ می گردد.

*Давлат Афғонистондаги барча тилларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришига қаратилган самарали дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.*

*Мамлакатдаги барча тилларда матбуот наири ва оммавий ахборот воситалари эркиндир.*

*Мамлакатдаги мавжуд илмий ва миллий маъмурий терминлар сақланиб қолади.*

Пашту тилининг миллий тил мақомида эканлиги эътиборга олинса, келтирилган “илмий ва миллий маъмурий терминлар”нинг сақланиши ҳақидаги банд ундан олдин қайд қилинган “барча тилларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган самарали дастурларни” амалга оширишга тўсқинлик қилиши табиий. Конституциянинг 20- моддасида:

«سرود ملی افغانستان به زبان پشتو و با ذکر الله اکبر و نام اقوام افغانستان میباشد»<sup>42</sup>

*Афғонистон давлат мадҳияси пашту тилида ва “Аллоҳу акбар” ҳамда Афғонистон халқларининг номлари билан айтилади.*

Бу эса пашту тилининг расмий ва миллий тил мақоми янада мустаҳкамлайди.

Афғонистон тарихида қабул қилинган Конституциялардаги расмий тилга оид моддаларни таҳлил қилиш мамлакатнинг давлат тили сиёсатида асосий эътибор пашту тилининг нуфузини оширишга қаратилганини яна бир бор тасдиқлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Дорофеева Л.Н. Язык фарси-кабули. – М.: Изд-во восточной литературы, 1960. – 84 с.
2. Иномхўжаев Р. Афғонистондаги этнолингвистик вазият ва тил сиёсати // Sharq mash'ali. – Тошкент, 2015. – № 1. – Б. 41-44.
3. Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – 52 с.
4. Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985. – 128 с.
5. Мошкало В.В. Дари язык // Языки мира. Иранские языки. I. Юго-западные иранские языки. – М.: Индрик, 1997. – С.121-123.
6. Островский Б.Я. Вопросы грамматической семантики глагола языка дари. – М.: Гуманитарий, 2004. – 380 с.
7. Фархади Р. Разговорный фарси в Афганистане. – М.: Наука, 1974. – 214 с.
8. Эдельман Д.И. Категории времени и вида. Категория наклонения//Опыт историко-типологического исследования иранских языков. Том 2. – М., 1975. – С. 337.

<sup>42</sup> <https://moj.gov.af/fa/page/legal-frameworks/168329941684>

9. Bogdanov L. Stray Notes on Kābulī Persian. – JASB, vol. 26, № 1. – Calcutta, 1930. – P. 1-2.
10. Concise Encyclopedia of Languages of the World. – [Amsterdam: Elsevier](#), 2010. – P. 845. – 1320 p.
11. <http://mashal.org/blog/>
12. زبان‌های افغانستان / <http://www.afghanpaper.com/info/joghrafiya/zaban.htm>
13. <https://asiafoundation.org/resources/pdfs/AGsurvey06.pdf>
14. [https://ru.qwe.wiki/wiki/Languages\\_of\\_Afghanistan](https://ru.qwe.wiki/wiki/Languages_of_Afghanistan)
15. <https://www.vpo.gov.af/> 1382 تا 1301 متن کامل قوانین اساسی افغانستان
16. ۱۳۴۳ // متن کامل قانون اساسی افغانستان سال ۱۳۴۳ // <http://kankorafghanistan.com>
17. سیر تاریخی قانون اساسی در افغانستان // <http://www.meshran.website>
18. <http://law.acku.edu.af/fa/download/file/fa/42416/72121>
19. <http://old.ago.gov.af/Content/Media/Documents/QawaneenAsasi191201611248568553325325.pdf>
20. <https://moj.gov.af/fa/page/legal-frameworks/168329941684>

**Муталова Гулнора**

*PhD, кафедра Арабская филология, ТашГИВ*

**Султанова Мадина**

*Магистрант, Лингвистика (арабский язык), ТашГИВ*

## ПРОБЛЕМАТИКА ГЕНДЕРНОЙ ЛИНГВИСТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

***Аннотация.** В статье рассматриваются теоретические и методические аспекты гендерной лингвистики, актуальные при сопоставительном изучении русского и узбекского языков. В аспекте гендерной лингвистики большой интерес представляют исследования по сопоставительному изучению воплощения концепта «пол живого существа» в разносистемных языках, которыми являются русский и узбекский языки. Данная статья посвящена вопросу гендерного аспекта в мужской и женской речи в разговоре. На фоне возрастающего значения индивидуальности в современном обществе проблема гендерных отношений становится одной из важнейших. Надо отметить, что гендерные исследования дают возможность проанализировать социально-культурные и речевые факторы, определяющие отношение общества к мужчинам и женщинам, а также анализируется поведение говорящих индивидов в связи с принадлежностью к определенному полу и стереотипные представления о мужских и женских качествах, т.е. все то, что переводит проблематику пола из области биологии в сферу социальной культуры и жизни. Гендер является проявляющим фактором в речевом поведении человека. Основными категориями, используемыми для гендерного анализа политических, социальных и исторических контекстов, являются категории «мужчина» и «женщина».*

**Опорные слова и выражения:** концепт, картина мира, гендерная лингвистика, методика, русский язык, узбекский язык, языковой уровень, морфология, словообразование, категория рода, категория лица.

**Аннотация.** Мақолада рус ва ўзбек тилларини қиёсий ўрганишида муҳим бўлган гендер тилишунослигининг назарий ва методологик жиҳатлари кўриб чиқилади. Гендер тилишунослиги нуқтаи назаридан рус ва ўзбек тилларини кўп тизимли тилларда "тирик мавжудот жинси" тушунчасини қиёсий ўрганиши бўйича тадқиқотлар катта қизиқиши уйғотмоқда. Ушбу мақола суҳбатдаги эркак ва аёл нутқидаги гендер масаласига бағишланган. Ҳозирги жамиятда индивидуалликнинг аҳамияти ортиб бораётган бир шароитда, гендер муносабатлари муаммоси энг муҳимларидан бирига айланиб бормоқда. Шунингдек, эркак ва аёл фазилятлари тўғрисидаги маълум бир жинс ва стереотипик зоялар билан боғлиқ ҳолда нутқий шахсларнинг хулқ-атворини таҳлил қилиши имкониятини беради. Гендер масалаларини биология соҳасидан ижтимоий маданият ва ҳаёт соҳасига ўтказадиган ҳамма нарса. Жинс - бу одамнинг нутқ хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган омил. "Эркак" ва "аёл" тоифалари сиёсий, ижтимоий ва тарихий контекстларни гендер таҳлили учун ишлатиладиган асосий тоифалардир.

**Таянч сўз ва иборалар:** тушунча, дунёқараш, гендер тилишунослиги, методология, рус, ўзбек, тил даражаси, морфология, сўз шаклланиши, жинслар категорияси, юз категорияси.

**Summary.** The article discusses the theoretical and methodological aspects of gender linguistics, relevant in the comparative study of Russian and Uzbek languages. In the aspect of gender linguistics, of great interest are studies on a comparative study of the embodiment of the concept of "sex of a living being" in multisystem languages, which are Russian and Uzbek. This article is devoted to the issue of gender in male and female speech in conversation. Against the background of the increasing importance of individuality in modern society, the problem of gender relations is becoming one of the most important. It should be noted that gender studies provide an opportunity to analyze the socio-cultural and speech factors that determine the attitude of society towards men and women, as well as analyze the behavior of speaking individuals in connection with a particular gender and stereotypical ideas about male and female qualities, i.e. everything that transfers gender issues from the field of biology into the sphere of social culture and life. Gender is a manifesting factor in human speech behavior. The main categories used for gender analysis of political, social and historical contexts are the categories "man" and "woman".

**Keywords and expressions:** concept, world view, gender linguistics, methodology, Russian, Uzbek, language level, morphology, word formation, gender category, facial category.

В современной лингвистике гендерные исследования представляют собой интенсивно развивающуюся область науки, которая связывает по объекту исследования и методологической направленности целый ряд направлений: когнитивную лингвистику, лингвокультурологию, социолингвистику, психолингвистику. Как известно, гендерная лингвистика является одним из актуальных лингвистических направлений в российском языкознании. Подобные исследования проводятся и в Узбекистане, что отражено в ряде диссертаций и статей, причем не всегда в их названиях терминологически обозначена гендерная тематика. Однако в целом гендерные исследования в Узбекистане еще не «развернулись» в полной мере, хотя сравнение разных типов воплощения концепта «пол живого существа» на лексическом (а также фразеологическом), словообразовательном, морфологическом и синтаксическом ярусах в двух таких взаимодействующих языках, как узбекский (тюркский агглютинативный язык) и русский (славянский флективный язык), представляет и теоретический, и практический интерес. Общепризнанными основными направлениями гендерной лингвистики являются: Социолингвистические гендерные исследования. Феминистская лингвистика. Собственно гендерные исследования, изучающие языковое поведение обоих полов. Исследования маскулинности (самое молодое направление, возникшее в конце 20 столетия). Психолингвистические исследования. (В рамках этого направления проводятся работы в области нейролингвистики, изучения онтогенеза речи, сюда же относятся и исследования по когнитивным различиям между мужчинами и женщинами и их проявлениями в речи). Кросскультурные, лингвокультурологические исследования, включающие гипотезу гендерных субкультур. Следует отметить, что для ряда западных и российских работ пока характерны преобладание теории над практикой, некоторая декларативность, явная недостаточность опоры на конкретный и систематизированный материал разных языков. В аспекте гендерной лингвистики большой интерес представляют исследования по сопоставительному изучению воплощения концепта «пол живого существа» в разносистемных языках, которыми являются русский и узбекский языки. В круг вопросов, которые целесообразно рассмотреть в процессе исследования гендерных отношений в русском и узбекском языках, с нашей точки зрения, входят: – гендер и языковая картина мира (гендер как фактор грамматики, лексики, словообразования, коммуникации, художественного творчества); – соотношение категорий лица-нелица и анимативности в узбекском языке; категории рода и одушевленности русского языка в аспекте гендерной; – словообразовательные категории личных существительных узбекского языка в гендерном аспекте, шире — субстантивные словообразовательные категории русского языка в гендерном аспекте и др. Следует учитывать, что языковая картина мира (ЯКМ) формируется не только лексическими, но и словообразовательно-мотивационными средствами, а гендерные аспекты русской словообразовательной системы исследованы к настоящему времени поверхностно. При изучении морфологии современного русского языка в русской аудитории сохраняется проблема выявления сущности категории рода,



в которой исследователи открывают все больше глубинных семантических аспектов [3, с. 25, 207–208 и др.], а также изучение воплощения гендерных отношений на словообразовательном уровне. В «Русской грамматике» категория рода рассматривается как собственно грамматическая (причем с преимущественным вниманием к синтаксическому выявлению), без соотношения с лексикой и словообразованием [4, с. 465–470]. Однако на самом деле данная ГК является мощным системообразующим фактором русской лексики, а также важнейшим средством организации русского словообразования. Это связано с взаимодействием категории рода с категорией одушевленности, так как для одушевленных и неодушевленных существительных характерны разные типы родовых противопоставлений: неодушевленные представлены всеми тремя родами, а одушевленные — только мужским и женским (за исключением слова *дитя*, которое относится к среднему роду). За этим формальным различием стоят глубокие функционально-семантические различия: род неодушевленных существительных — это по преимуществу его формальная характеристика, а род одушевленных существительных семантически нагружен именно по выражению гендерных отношений. В узбекском языке номинация лиц женского пола осуществляется в основном через производные лексемы или аналитическим способом, при помощи лексемы *хотин* (женщина). «Система обозначения лица в русском языке резко контрастирует с соответствующей системой узбекского языка, в котором в связи с отсутствием категории рода отсутствует и регулярная парность имен лиц мужского и женского пола, выражаемая словообразовательными средствами. В этом отношении интересны немногочисленные пары однокоренных лексем наподобие *аддиб — аддиба*, *шоир — шоира*, *муаллим — муаллима*, *мархум — мархума*. Внешне они напоминают корреляции русского языка *кум — кума*, *супруг — супруга*, *учитель — учительница*, однако специфика языковой картины мира (ЯКМ) узбекского языка заключается в том, что дифференциация лиц по полу проводится, «минуя» категорию рода» [5, с. 12]. В русском же языке в области личных имен «род-пол» представляют собой пару сопряженных признаков в сознании носителей языка, поэтому так продуктивны производные существительные со значением женскости. Самое непосредственное отношение в выражению гендерных отношений в русском языке имеют производные существительные со значением женскости, невзрослости и совместности: — *Соседка*, *пассажирка*, *узбечка*, *грузинка*, *воровка*, *плутовка*, *чертовка*, *студентка*, *претендентка*, *христианка*, *мусульманка*, *учительница*, *школьница*, *переводчица*, *создательница*, *блокадница*, *красавица*, *царица*, *дьяволица*, *любимица*, *певица*, *страдалица*, *однофамилица*, *работница*, *долгожительница*, *лгунья*, *хохотунья*, *гостья*, *сватья*, *стюардесса*, *принцесса*, *директриса*, *кузина*, *синьорина*, *старуха*, *сварщица*, *разливщица*, *шахиня*, *богиня*; *голубка*, *перепелка*, *индюшка*, *тетерка*, *волчица* (*волчиха*), *львица*, *тигрица*, *верблюдица*. — *Поваренок*, *казачонок*, *турчонок*, *татарчонок*, *негритенок*, *китайчонок*, *слесаренок*, *писаренок*, *пастушонок*, *конюшонок*, *барчонок*, *барич*, *барчук*; *совенок*, *щегленок*, *волчонок*, *кенгуренок*, *змееныш*, *утеныш*, *гаденыши* др. —

Соавтор, сопостановщик, соучастник, сослуживец, попутчик, сообщник, сорежиссер, сотрудник, собеседник, одноклассник, однокурсник, сожитель, соплеменник, однополчанин, однопалатник и др. Таким образом, система русского словообразования играет важную роль в оформлении гендерных отношений, что особо существенно в сопоставительном аспекте. Закономерно, что все существительные со значением женскости относятся к женскому роду, однако отнесенность производных со значением незрелости и совместности исключительно к мужскому роду достаточно идиоматична; причем если от существительных со значением совместности в большинстве случаев возможно образование со значением женскости (соучастница, сообщница, сожительница, разг. соавторша), то существительные незрелости жестко ограничены обозначением молодых существ мужского пола. И категория рода, и существительные со значением женскости и незрелости ярко контрастивны по отношению к узбекскому языку и представляют значительные трудности для усвоения узбекскими учащимися, однако существительные со значением совместности находят опору в производных той же семантики в узбекском языке: ватандош «земляк», синифдош «одноклассник», ҳамфикир «единомышленник», ҳамсухбат «собеседник», ҳамсафар «товарищ по путешествию» и др. Идиоматичным для узбекских учащихся является и словообразовательное оформление названий животных наряду с названиями лиц (голубка, индюшка, тетерка волчица, львица, тигрица, верблюдица; соенок, щегленок, волчонок, кенгуренок, змееныш, утеныш). Это не соответствует ЯКМ узбекского языка, в котором названия животных четко разграничиваются с личными существительными и отвечают на вопрос нима? (что?). Поэтому при изучении данного участка пересечения категории рода и словообразовательного значения «женскость» в узбекской аудитории необходима система методически обоснованных упражнений, способствующих усвоению способов выражения наименования живых существ женского пола в русском языке. На синтаксическом уровне, помимо общей проблемы согласования прилагательных и причастий с существительными в роде (а также в числе и падеже) для узбекских учащихся особого внимания требует своеобразное воплощение среднего рода (вообще не находящего опоры в грамматике и ЯКМ узбекского языка) в безличных предложениях, например: В этой катастрофе его вполне могло убить. По нашим данным, наименее исследованным является методический аспект гендерной лингвистики, хотя для преподавания языков разных типов чрезвычайно важен вклад гендерных отношений в организацию языковых картин мира, лексической и словообразовательной подсистем языка. Методические аспекты гендерных отношений в сопоставительном плане связаны прежде всего с контрастами сопоставляемых языков на разных языковых уровнях, в связи с чем требуются и теоретические исследования в данной области, и разработки специальных методических указаний, упражнений, пособий.

### **Использованная литература:**

1. Кронгауз М. А. Проблема пола в русском языке // Русистика. Славистика. 2.Индоевропеистика. – М., 1996. – С. 510–525.
3. Горошко Е. И. Особенности мужского и женского речевого поведения (психолингвистический анализ). — Дисс.... канд. филол. наук. –М., 1996.
4. Кирилина А. В. Гендер: лингвистические аспекты. – М.: РАН, 1999.
5. Кирилина А. В. Гендерные аспекты языка и коммуникации: Дисс... докт. филол. наук. – М., 2000.
6. Коновалова С.А. Гендерная специфика выражения предикативных отношений в тексте русской народной волшебной сказки: Автореф ... канд. филол. наук. – М., 2005.
7. Искандарова Ш. М. Узбек тили лексикаси мазмуни майдон сифатида (шахс микромайдони): Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Тошкент, 1999.
8. Расулова М. И. Проблемы лексической категоризации в лингвистике: Дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1999.
9. Тухтасинов И. М. Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте (на материале английского и узбекского языков): Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Тошкент, 2011.
10. Ашурова Д. У. Гендерные факторы в стилистике // Замонавий тилшунослик ва хорижий тиллар укуштишининг долзарб масалари: Илмий-амалий анжуман материалари. – Тошкент, 2008. – С. 337–342.
11. Расулова М. И. Проявление гендера на лексическом уровне // Филологиянинг долзарб муммолари. – Тошкент: НУУз, 2008. – С. 81–84;
12. Расулова М. И. О гендерном аспекте актов наименования // Хорижий филология. – № 3. – Ташкент, 2011. – С. 81-86 и др.
13. Колесов В. В. Русская ментальность в языке и тексте. – СПб.: Петербургское Востоковедение, 2007. – 624 с.
14. Абдурахманова А. К. Способы номинации лиц как отражение языковой картины мира в узбекском и русском языках: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 2007. – 24 с.

---

***Сирожиддин Нурматов***

*Филология фанлари номзоди, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё тиллари кафедраси, ТошДШИ*

### **ПАЛИЙ ТИЛИДАГИ СОНЛАРГА ХОС ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИГА ДОИР**

*Аннотация: Мазкур мақолада Ҳинд-Оврўпа тиллари оиласига хос бўлган ҳинд-орий тилларидаги сонларга хос лексемалар ўрганилган. Хусусан, ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган палий тилидаги сонларнинг лисоний хусусиятлари тадқиқ этилган. Палий тилининг ўзига хосликлари сонлар мисолида атрофлича ўрганилган. Ўрта ҳинд-орий тилларининг ривожланишида, хусусан, палий тилидаги сонларнинг шаклланишида содир*

бўлган фонетик ўзгаришлар аниқланган. Санскрит тилидаги сонлар ўрта ҳинд-орий тиллари даврига келиб қандай шаклда ривож топганлиги таҳлил этилган. Натижада, санскрит ҳамда палий тилларидаги сонларга хос лексемаларнинг муштарак жиҳатлари ҳам аниқланиб, уларнинг ўзига хосликлари кўрсатиб берилган. Палий тилидаги сонларга хос баъзи шаклларнинг ҳозирги адабий ҳиндий тилида қўлланилиши жиҳатлари ҳам ўрганилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** лексема, лигатура, сон сўз туркуми, бирликлар, ўнликлар, қадимги ҳинд-орий тиллари, ўрта ҳинд-орий тиллари, санскрит, палий, пракрит, апабхараниша.

**Аннотация:** В этой статье исследуются лексемы числительных в индоарийских языках, типичные для индоевропейской семьи. В частности, лингвистические особенности числительных лексем изучались на палийском языке средне-индоарийских языков. Специфика палийского языка была подробно изучена на примере числительного. Фонетические изменения в развитии средне-индоарийских языков, особенно в палийском языке. Анализ того, как развивались санскритские числа во времена средних индоарийских языков. В результате сходства лексем в санскрите и пали было выявлено и указано. Некоторые аспекты числовых форм пали также были изучены в современном языке хинди.

**Опорные слова и выражения:** лексема, лигатура, имя числительное, единицы, десятки, древне-индоарийские языки, средне-индоарийские языки, санскрит, палий, пракрит, апабхараниша.

**Summary.** This article explores the numerical lexemes in Indo-Aryan Languages, which are typical of the Indo-European family. Particularly, linguistic features of numbers were studied in Pali language of middle Indo-Aryan languages. The specificity of the Pali Language were studied in detail on the example of numbers. Phonetic changes in the development of Middle Indo-Aryan languages, particularly in Pali language, have been identified. An analysis of how the Sanskrit numbers evolved during the Middle Indo-Aryan languages. As a result, the similarity of lexemes in Sanskrit and Pali languages have been identified and indicated. Some aspects of Pali's numeral forms have also been studied in Modern Hindi Language.

**Keywords and expressions:** Lexeme, ligature, Word Sequence, units, tens, Ancient Indo-Aryan Languages, Middle Indo-Aryan Languages, sanskrit, pali, prakrit, apabhramsha.

Мазкур мақолани ёзишдан асосий мақсад ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги сонларга хос лексемаларни диахроник аспектда атрофлича тадқиқ этишдан иборат. Илмий манбаларда қайд этилишича, мустақил сўз туркумлари орасида сон сўз туркумининг ўзига хос шаклланиш жиҳатларини олимлар узоқ вақтлардан бери ўрганиб келмоқдалар. Лекин, у барча тилларда бир хил ишланган эмас. Сонларнинг ўзига хос хусусиятлари баъзи тилларда умуман тадқиқ этилмаган.

Маълумки, Ҳинд-Оврўпа тиллари оиласига мансуб ҳинд-орий тиллари гуруҳи ўзига хос ривожланиш босқичлари билан бошқа гуруҳдаги тиллардан ажралиб туради. Манбалардан аён бўлишича, ҳинд-орий тилларининг пайдо бўлиши жуда қадимги даврларга бориб тақалади. Тахминларга кўра, қарийб 3500 йилдан ортиқ даврдан бери ушбу тиллар ривожланиб келмоқда.

Мазкур мақолада асосан ўрта ҳинд-орий тиллари даврининг дастлабки поғоналарида ривожланган тиллардан бири бўлмиш палий тилидаги сонларга хос лексемаларнинг ривожланишида содир бўлган турли хил жараёнлар таҳлил қилинади.

Илмий асарларда қайд этилишича, ўрта ҳинд-орий тиллари даври тахминан мелоддан аввалги биринчи минг йилликнинг ўрталаридаги табиий ўзгаришлар натижасида ривож топган халқ шеваларининг аввало сўзлашув, сўнгра эса ёзма алоқада юритилишининг инъикоси ҳисобланади. Булардан энг даставвал буддизм адабиёти диний дастурининг тили бўлмиш палий, сўнг пракритлар (яъни табиий тиллар) ва апабҳаранша (яъни бузилган) номли тиллар таркиб топган. Апабҳараншалар пракритлар тараққиётининг натижаси сифатида янги ҳинд-орий тилларига қараб ўтиш босқичини акс эттиради<sup>43</sup>.

Санскритдан фарқли ўлароқ пракритлар аввало буддизм ва жайнизм каби умумҳиндистон кўламда тарқалган диний ақидалар тиллари сифатида ривож топиб, аста-секин бадий адабиёт доирасида кенг тарқалган. Палийдан сўнгги тиллар асосан икки – ғарбий ва шарқий тармоққа мансуб бўлиб, ғарбийси шаурасений деб аталувчи тил Ганг ва Жамна водийларида, магадҳий номи билан машҳур бўлган шарқий тармоғи эса ҳозирги Бихар штати ҳудудида жойлашган Магадҳа давлатининг тили бўлиб келган. Иккала тармоқаро оралик ҳолатда арддҳамагадҳий пракрити мавжуд бўлиб, у нафақат жуғрофий, балки тил хусусиятларига кўра ҳам ажралиб туради. Бунда жайнизм диний оқимининг талай асарлари битилган. Жануби-Ғарб томонда ёйилган ва кўпинча шеърийда қўлланган пракритнинг номи маҳараштрий ҳисобланади.<sup>44</sup>

Палий тили аслида ўрта ҳинд-орий тиллари давридаги пракритларга хос илк тиллардан биридир. Асосан будда таълимотига оид ёзма ёдгорликлар (масалан, “Типитака”) палий тилида ёзилган. Ҳозирги кунда ҳам Шри-Ланка, Мьянма, Таиланд, Лаос, Камбоджия каби мамлакатлардаги будда таълимотига оид диний маросимларда ушбу тил қўлланилади. Палий тилида битилган фалсафий асарларнинг вариантлари ҳам учрайди.

Баъзи манбаларда қайд этилишича, бу тил эрамиздан аввалги 7 асрда Шимолий Ҳиндистонда ривож топа бошлаган ва ўрта ҳинд-орий тилларидаги пракритларга хос магадҳий шеваси асосида шаклланган. Палий тили эрамиздан аввалги 4 асрларга келиб анча меъёрлашиб ривож топган.

Палий тилининг ўзининг махсус ёзуви йўқ. Палий тилидаги матнлар турли хил шрифтларда ёзилиб келинган. Жумладан, Шри-Ланкада – сингал ёзувида, Камбоджияда – кхмер ёзувида, Мьянмада – бирма ёзувида (бирман ёзувида), Таиландда эса – тай ёзувида, Ҳиндистонда эса ҳинд ёзувида ёзилиб,

<sup>43</sup> Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм. -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2003. –Б. 33.

<sup>44</sup> Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм. -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2003. –Б. 34.

палий алифбоси одатда ҳинд алифбосига мос тушган. Унли ва ундош, церебрал товушлар бир хил талаффуз қилинади<sup>45</sup>.

Энди бевосита мавзуга ёндашсак, мазкур мақолада бирлик ҳамда ўнликларга доир баъзи лексемалар хусусида тўхталиб ўтамиз. Масалан, бирликларга оид бўлган “бир” санок сонини олайлик. Ушбу лексема санскрит тилида ҳам एक, палий тилида ҳам एक бўлган<sup>46</sup>. Кейинчалик пракритларга ўтиб яна битта क ундош товуши ҳосил бўлган (एकक). Ўрта ҳинд-орий тиллари даврида ривожланган тилларнинг сўнгги тили бўлмиш апабхараншада яна एक шакли содир бўлган. एकत्र (бирга), एकत्व (бирдамлик), एकल (ягона) каби мисолларнинг барчаси एक лексемасидан ясалганлигини қайд этиш лозим. Демак, бу сўзларда бир санок сонидан сўнг қисқа “अ” товуши ҳам талаффуз қилиниши натижасида एक дан дан сўнг қисқа “अ” ҳарфи ҳосил бўлмоқда.

“Икки” (दो) санок сонидан эса умуман бошқача ҳолат юзага келади. Яъни, санскрит тилидаги द्वौ лексемаси, ўрта ҳинд-орий тилларидаги палий тилига келиб द्वे шаклига айланган<sup>47</sup>. Яъни, “औ” дифтонги, ए товушига ўзгарган. Масалан, द्वे चुष्टी (иккита қудуқ), द्वे चित्रलेखा (иккита расм), द्वे टूप्स (икки томчи) ва ҳоказо.

Палий тилидаги “уч” санок сонининг шаклланиши хусусида қуйидагиларни айтиб ўтишимиз мумкин: қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилида даставвал ушбу сон त्रीणि шаклида бўлган. Ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган палий тилига ушбу сон तीणि шаклида ўтган<sup>48</sup>. Яъни, санскрит тилидаги шаклга хос “र” товуши йўқолган. Натижада лигатура шакли ўз-ўзидан йўқолиб, битта товуш сақланган. Қўшма сўзларга доир мисоллар таркибида қуйидаги шакллар юзага келган. तीणिचक्र (уч ғилдирак), तीणिपुरुष (уч авлод) ва ҳоказо.

Қуйида ўнликларга хос бўлган баъзи сонлар хусусида ҳам тўхталамиз.

Ўнликларга хос бўлган दस лексемасини олайлик. Ушбу сон санскрит тилида दश, ўрта ҳинд-орий тилларидаги палий тилида दस шаклида ривожланган. Ушбу сон даставвал пракритларда दस, кейинчалик दह, डह, रह, लह шакллари эга бўлган. Апабхараншада яна दस шаклига қайтиб, янги ҳинд-

<sup>45</sup> Elizarenkova T.V., Toporov V.N. The Pali Language. – “Nauka” Publishing House Central Department of Oriental Literature, Moscow 1976. -P.45.

<sup>46</sup> भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972. -पृष्ठ 585.

<sup>47</sup> धीरेंद्र वर्मा -हिन्दी भाषा का विकास। -दिल्ली, 1962. -पृष्ठ 215.

<sup>48</sup> Chatterji S.K. Indo-Aryan and Hindi. –Culcutta, 1960. –P.132.

орий тилларига **दस** шаклида ўтган. Масалан, **दस निवसन** (ўнта кийим), **दस प्राश** (ўн хил таом) ва ҳоказо.

Палий тилидаги “етмиш” сонини олсак, ушбу лексема санскрит тилида **सप्तति** шаклида бўлган. Ўрта ҳинд-орий тилларига ўтиш даврида “**प**” товуши ўрнига “**त**” товуши қўлланила бошлаган (**सतति**). Масалан, **सतति वनश्चन** (етмишта чиябўри), **सतति वनस्पति** (етмишта дарахт), **सतति पुण्याह** (етмишта бахтли кун) ва ҳоказо.

Ўнликларга хос бўлган “саксон” санок сони ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган палий тилида **असीति** шаклида ривожланган. Аслида қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилида **अशीति** шаклида бўлган. Демак, санскрит тилидан палий тилига ўтиш даврида санскрит тилидаги “**श**” товуши тушиб қолиб, ўрнига “**स**” товуши ҳосил бўлган (Бундай ҳолат ҳозирги янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган бенгал тилида ҳам кўп учрайди)<sup>49</sup>. Масалан, **असीति चक्री** (саксонга ғилдирак), **असीति कुमुद** (саксонга лотос), **असीति हिरण्मय** (саксонга донишманд) ва ҳоказо.

“Юз” сонини олсак, ушбу лексема санскрит тилида **शत**, палий тилида эса **सत** шаклида ривожланган. Демак, ушбу соннинг шаклланиш жараёнида ҳам товуш тушиб қолиш ҳодисаси юз бермоқда. Кейинчалик ушбу лексема пракрит тилларида **सअ, सय, सै** шакллари ҳосил қилган. Апабҳараншада эса **सउ** ва ҳозирги адабий ҳиндийга келиб **सौ** шакли юзага келган<sup>50</sup>. Демак, ўрта ҳинд-орий тилларидаги **सै** шакли ҳиндий тилида кенг тарқалган **सैकडा** шаклида ҳам ўз аксини топган. Масалан, **सत धव** (юзта одам), **सत महामति** (юзта доно), **सत महाराज** (юзта рожа) ва ҳоказо.

Юқорида олиб борилган таҳлил натижаларига кўра қуйидаги умумий хулосаларни бериб ўтишимиз мумкин.

Ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган палий тилидаги сонларга хос лексемаларнинг шаклланишида қадимги ҳинд-орий тилларига хос санскритча сонларнинг таъсири кучли бўлган. Бирликларга оид баъзи сонлар санскрит тилидан палий тилига ўтиши жараёнида ҳеч қандай ўзгаришларга учрамасдан шаклланган.

Палий тилидаги сонларга хос баъзи лексемалар санскрит тилидан шаклланиши жараёнида баъзи фонетик ўзгаришларга ҳам учраган. Санскрит тилидаги шаклга хос баъзи товушлар тушиб қолиши натижасида лигатура шакли ўз-ўзидан йўқолиб, битта товуш сақланган.

<sup>49</sup> Елизаренкова Т.Я. Исследования по диахронической фонологии индоарийских языков. –М.: Издательство “Наука” главная редакция Восточной литературы, 1974. –С. 97.

<sup>50</sup> भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972. -पृष्ठ 596.

Қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилидан ўрта ҳинд-орий тилларига хос бўлган палий тилига ўтиш даврида санскрит тилидаги баъзи товушлар тушиб қолган ва унинг ўрнига янги товушлар ҳосил ҳосил бўлган. Палий тилидаги сонларга хос баъзи лексемалар ўрта ҳинд-орий тиллари давридан то ҳозирги ҳинд-орий тиллари давригача бўлган ораликда ҳеч қандай ўзгаришларсиз ҳам шаклланган.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бархударов А.С. Развитие индоарийский языков и древнеиндийская культурная традиция. –М.: Издательство “Наука” главная редакция Восточной литературы, 1988.
2. Елизаренкова Т.Я. Исследования по диахронической фонологии индоарийских языков. –М.: Издательство “Наука” главная редакция Восточной литературы, 1974.
3. Иванов В.В., Топоров В.Н. Санскрит. –М., 1960.
4. Кочергина В.А. Санскритско-русский словарь. Под ред. В.И. Кальянова. - М.: Изд. Русский язык, 1978.
5. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм. -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2003.
6. Elizerenkova T.V., Toporov V.N. The Pali Language. – “Nauka” Publishing House Central Department of Oriental Literature, Moscow 1976.
7. Chatterji S.K. Indo-Aryan and Hindi. –Calcutta, 1960.
8. धीरेंद्र वर्मा -हिन्दी भाषा का विकास। -दिल्ली, 1962.
9. भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972.
10. हरदेव बहरी। भाषा का विकास। -दिल्ली, 1992.

---

### **Бузахро Бегматова**

*Юридик фанлари номзоди, доцент, Араб филологияси кафедраси, ТошДШИ*

## **АРАБ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИДА ЭЪРОБ МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ**

***Аннотация.** Ҳар бир тил грамматикасида турланиш ва тусланиш ҳодисаси мавжуд бўлиб, у тилишуносликда “флексия” термини билан ифодаланади. Турланиш от сўз туркумига хос ҳодиса бўлса, тусланиш феъл сўз туркумига хосдир. Отлар келишиклар ёрдамида турланади. Отнинг келишик билан турланиши маъно талаби билан бўлади. Чунки от келишик формасида келиб, гапда бошқа сўзлар билан грамматик алоқаларга киришади, маълум синтактик вазифани бажаради.*

*Феъл нисбат (даража), майл, замон ва шахс-сон каби грамматик категорияларга эга бўлиб, уларнинг ҳаммаси биргаликда феълнинг тусланиш системасини ташкил қилади.*



Тилишуносликда флексия деб аталадиган ҳодиса, араб тилида “эъроб” термини билан номланган. Ушбу мақолада араб тилидаги эъроб масаласи ёритилган бўлиб, унда араб, ўзбек ва рус арбишуносларининг мавзу юзасидан олиб борган тадқиқотлари, эъроб тушунчасига берган таърифлари ҳамда эъроб кўрсаткичлари ва уларнинг турлари ёритиб ўтилган. Шунингдек, эъроб масаласини ҳар уч тилдаги ўхшаши ва фарқли жиҳатлари ҳам кўрсатиб ўтилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** флексия, эъроб, мабний, муъроб, мунсариф, гайру мунсариф, уч келишикли сўзлар, икки келишикли сўзлар, омил, аффикс.

**Аннотация.** Каждая грамматика в языках содержит феномен склонения и спряжения, который представлен термином «флексия» в лингвистике. Если склонение - это феномен категории существительного, спряжение – это для глагола. существительные склоняются по падежам. Склонение существительного по падежам требует значения. Поскольку склоненное существительное по падежам контактирует с другими словами по грамматике, она выполняет определенную синтаксическую функцию.

Спряжение - это грамматические категории, такие как залоги глагола, степень, наклонение, время и число, все из которых вместе формируют форму глагола.

Флексию лингвисты называют термином эъроб по-арабски. В этой статье рассматривается проблема эъроба, а также исследования арабских, узбекских и российских арабистов по этой теме. Это также показывает сходства и различия в вопросе флексии на всех трех языках.

**Опорные слова и выражения:** флексия, мабний, муъраб, мунсариф, трёхпадежные слова, двухпадежные слова, аффикс, фактор.

**Summary.** Every grammar in languages contains the phenomenon of declension and conjugation, which is represented by the term "inflection" in linguistics. If declension is a phenomenon of the noun category, conjugation is for the verb. nouns are declined by case. Declension of a noun by case requires a meaning. As a noun bent on cases of contact with other words in the grammar, it performs a certain syntactic function.

Conjugations are grammatical categories such as verb pledges, degree, mood, time, and number, all of which together form the verb form.

Inflection linguists call the term e'rob in Arabic. This article discusses the problem of erob, as well as studies of Arab, Uzbek, and Russian Arabists on this topic. It also shows similarities and differences in the question of inflection in all three languages.

**Keywords and expressions:** flexion, mabniy, murab, munsarif, three-case words, two-case words, affix and factor.

Араб ва ўзбек тиллари учун турланиш ҳодисаси таниш. Ушбу ҳодиса ҳар иккала тилда ҳам от, яъни исм сўз туркумида юз беради. Исмлар келишиклар ёрдамида турланади. Грамматик тил билан айтганда, келишик категорияси от

ёки отлашган сўзларнинг бошқа сўзлар билан грамматик алоқасини кўрсатишга хизмат қилади, шу сўзларнинг гапдаги вазифасини белгилайди. Отнинг келишик аффиксларини олиб ўзгариши турланиш, бу аффикслар эса турловчи аффикслар дейилади.

Малумки араб тилида келишик тушунчаси аслида йўқ, лекин бизнинг арабшунос олимларимиз ўрганувчилар учун қулайликлар туғдириб араб тили грамматикасини ўзбек тили грамматикасига қиёслаб тушунтириб беришда “келишик” сўзини қўллайдилар. Араб тили грамматикасида ушбу масала эъроб-флексия мавзусида ўрганилади. Энди араб тилшуносларининг флексияга берган таърифларига тўхталиб ўтсак. Жумладан, ўрта асрларнинг машҳур тилшунос олими Маҳмуд Замахшарий (1075-1144) “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” асарида флексияга шундай таъриф беради:

"الإعراب هو اختلاف آخر الكلمة باختلاف العوامل. اختلاف الآخر أما باحركات... و أما بالحروف".<sup>51</sup>

“Омиллар ўзгариши сабабли сўзларнинг охирида юз берадиган ўзгариш “эъроб” дейилади. Сўз охиридаги ўзгариш ё ҳаракатларда бўлади ёки ҳарфларда намоён бўлади”.

Шайх Мустафо Ғалайиний ҳам бу фикрни тасдиқлаб:

فالإعراب: أثر يحدث في آخر الكلمة، بعد انتظامها في الجملة، فيكون آخرها مرفوعاً أو منصوباً أو مجزوماً، حسب ما يقتضيه موقعها في الجملة، مثل: "رجل" من قولك جاء رجل، رأيت رجلاً، و مررت برجلٍ، و مثل: "تذهب" من قولك: "تذهب، و لن تذهب، و لا تذهب".<sup>52</sup>

“Эъроб – жумладаги вазифасига қараб, сўз охирида рўй берадиган ҳодисадир. Сўзнинг охири жумладаги вазиятга қараб, дамаланган (مرفوعاً) ё фатҳаланган (منصوباً) ёки касраланган (سुकونلانغان) бўлиши мумкин”.

Араб наҳвчилари сўзларни охирини ўзгаришига кўра икки гуруҳга ажратиб ўргандилар. Улар мабний (турланмайдиган-مبني) ва муъроб (турланадиган-معراب) сўзлардир.

Агар сўз бошқа бир сўзга боғлиқ бўлса, ёки ундан аввал унинг турланишига таъсир қилувчи бирор бир омил келсаю, сўз ўз кўринишини ўзгартирмаса, яъни сўзнинг охириги ҳаракати ўзгармаса, бундай сўзлар ўзгармас дейилади ва улар умуман ўзгармайдиган сўзлардир. Акси бўлса, бундай сўзлар ўзгарадиган дейилади. Машҳур араб наҳвшуноси Мустафо Ғалайинийнинг бу борадаги фикрига эътиборимизни қаратсак, олим унга қуйидагича таъриф берган:

و تَنْقَسِمُ الْكَلِمَاتُ عِنْدَ التَّرْكِبِ إِلَى قِسْمَيْنِ:  
١— قِسْمٌ لَا يَتَغَيَّرُ آخِرُهُ أَبَدًا، وَ يُسَمَّى "مَبْنِيًّا".  
٢— وَ قِسْمٌ يَتَغَيَّرُ آخِرُهُ، وَ يُسَمَّى "مُعْرَبًا".

Сўзлар турланиши ва тусланишига кўра икки қисмга бўлинади, булар охири умуман ўзгармайдиган сўзлар ва улар “мабний-ўзгармас” деб аталади ҳамда охири ўзгарадиган, яъни “муъраб-ўзгарувчи” сўзлардир.

مَا يَكُونُ آخِرُهُ عَلَى أَحْوَالٍ مُخْتَلِفَةٍ، وَ يُسَمَّى "مُعْرَبًا"؛ مَثَلُ: كَلِمَةُ (السَّمَاءِ) فِي قَوْلِكَ: السَّمَاءُ صَافِيَةٌ. وَ قَوْلِكَ: حَبَبَتِ السَّحْبُ السَّمَاءِ. وَ قَوْلِكَ: نَظَرْتُ إِلَى السَّمَاءِ. فَإِنَّ آخِرَهَا فِي الْجُمْلَةِ الْأُولَى مُتَحَرِّكٌ بِالضَّمِّ، وَ فِي الثَّانِيَةِ مُتَحَرِّكٌ بِالْفَتْحِ، وَ فِي الثَّلَاثَةِ مُتَحَرِّكٌ بِالْكَسْرِ.

51.2. محمود الزمخشري. الانموذج في النحو. ص.

52.2. الشيخ مصطفى غلاييني. جامع الدروس العربية. بيروت، 1993، ص.

Турли ҳолатларда сўзларнинг охири турлича бўлса, бундай сўзлар муъроб-ўзгарувчи (турланувчи ва тусланувчи) сўзлар дейилади. Буни “осмон” сўзи мисолида кўрадиган бўлсак, бу сўз (тўғрироғи унинг охири) гапда бажараётган вазифасига кўра қуйидагича ўзгаради: Осмон мусаффордир. Осмонни булут қоплади. Осмонга қарадим. “осмон” сўзи биринчи жумлада дамма билан, иккинчи жумлада фатҳа билан ва учинчи жумлада касра билан ҳаракатланган<sup>53</sup>.

Мустафо Ғалайиний муъроб сўзлар ҳақида яна шундай маълумотларни бериб ўтган:

Охири ўзгарувчи сўзлар икки турга бўлинади ва улар феъл ҳамда исм сўз туркумига мансуб сўзлардир. Ҳарф сўз туркумига кирувчи сўзлар мабний, яъни ўзгармас сўзлар сирасига киради<sup>54</sup>.

Рус арабшуноси В.П.Старинин: “Араб грамматик назарияси асосли равишда [феъл] майлларни [исмларнинг] турланишига тенглаштиради: дарак майли бош келишикка мос келади (умумий белгиси – “у”), истак майли тушум келишигига мос (умумий белгиси – “а”), шарт майли эса сукунга тугуса, қаратқич келишиги касра (-и)га тугаши билан бошқаларидан фарқланади<sup>55</sup>,-дея маълумот берган.

Яна бир рус арабшуноси Б.М.Гранде ҳам бу фикрларни тасдиқлаб шундай дейди: “Флексия, яъни сўзларнинг сўнгги унлилари (إِعْرَابٌ- эъроб) масаласида араб тилшунослари феълнинг имперфект шаклини келишик шакллари билан битта тизимга соладилар. Сўзларнинг сўнггида келиши мумкин бўлган тўртта тугалланма, яъни - у (дамма), - а (фатҳа), - и (касра) ва – (сукун) феъл ва исмда учрайди. Исм сўз туркуми улардан учтасига эга бўлади.

Исмнинг даммага тугалланиши, яъни бош келишик жумладан бирор-бир бошқа сўзга боғлиқ бўлмайди. Худди шундай дарак майлидаги феъл ҳам жумладан бирор-бир феъл ёки юкламага боғлиқ бўлмаган ҳолда қўлланилади.

Исмнинг фатҳага тугалланиши, яъни тушум келишиги асосан жумлада келган феъл ёки баъзи юкламаларга (أَنَّ، إِنَّ) боғлиқдир. Истак майли ҳам бир қатор феъллардан кейин келадиган юкламаларга боғлиқдир.

Шундай қилиб, икки вазиятда ҳам رفع ҳолатида мустақил шаклини، نصب ҳолатида эса муайян бирикмаларни тушуниш мумкин.

Исмнинг ва феълнинг учинчи шакли фарқли. Исм бошқа бир сўз ёки предметга боғлиқ ҳолда қаратқич келишигида турса, яъни касрага тугаса, феъл эса бундай шаклга эга эмас. Исмдан фарқлироқ сукунга тугайди. Араб тилида исм сукунли кўшимча билан тугамайди.<sup>56</sup>

Ўзбек арабшуносларидан А.Абдужабборов эса ўзларининг “Араб тили” номли асарларида келишикларда турланишни “эъроб” деб номлаб уларга қуйидагича таъриф берганлар:

Араб тилида уч келишик бор:

<sup>53</sup>21 الشيخ مصطفى الغلايينى. جامع الدروس العربية. – بيروت، 1993، ص.

<sup>54</sup> Ўша асар, ўша бет.

<sup>55</sup>Носирова М.Н. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи. –Т., 2005. –Б.90.

<sup>56</sup>Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –М., 1998. –С. 159-160

**Бош келишик-حالة الرَّفْع** – фақат эга ва от-кесимларни ифодалаш учун ишлатилади.

**қаратқич келишиги-حالة الْجَز** – кўмакчилардан кейин ва мослашмаган аниқловчини ифодалаш учун ишлатилади.

**Тушум келишиги-حالة النَّصْب** – тўлдирувчи ва ҳолларни ифодалаш учун, бош ва қаратқич келишиги ишлатилмайдиган ҳамма ҳолатларда ишлатилади<sup>57</sup>.

Ҳурматли устозимиз А. Абдужабборовнинг юқоридаги асарларида феълнинг тусланиши ҳам эъроб, деб берилган ва майлларда тусланишга таъриф беришдан аввал қуйидаги маълумотларни келтириб ўтганлар:

Араб тилида ҳозирги-келаси замон феълларининг орт қўшимчалари исмларники каби турли омиллар таъсирида ўзгаради. Шаклдаги ана шу ўхшашлик ва мазмундаги айрим хусусиятларнинг бир хиллигига кўра араб тилшунослари ҳозирги-келаси замон феълларини "الأفعال المضارعة للاسم – *исмга ўхшаш феъллар*" деб аташади. Сўзларнинг орт қўшимчалари ўзгариши, яъни исмларнинг келишикларда турланиши ва ҳозирги-келаси замон феълларининг "майл"ларда тусланиши араб тилшунослигида "الإغراب – эъроб" дейилади.

Эъробнинг турли ҳолатларини ўзбек арабшунослигида "келишик", "майл" атамалари билан тушунтириш шартли равишда қабул қилинган. Аслида эъроб ҳолатлари "келишик", "майл" тушунчаларидан фарқ қилади<sup>58</sup>.

Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики араб тилидаги "эъроб" тушунчаси от ва феъл сўз туркумларининг иккисига ҳам барабар қўлланилар экан. Аммо, бу тилда ҳам бизнинг она тилимиздаги каби турланиш ва тусланиш масаласини аниқ англаувчи термин мавжуд. Агар гап исмларнинг келишикда ўзгариши ҳақида кетаётган бўлса, "эъробу-л-исм" термини, агар феълларнинг замон ва майлларда ўзгариши ҳақида бўлса "эъробу-л-феъл" термини ишлатилади. Мана шу терминларга қараб сўзларнинг келишикда турланиши масаласи ёки феълларнинг тусланишини ажратиш олиш мумкин экан.

Келтирилган қоидалардан кўриниб турибдики, араб тилида учта келишик мавжуд экан, яъни араб тилида исм гуруҳига кирувчи сўзлар уч келишик бўйича турланади ва улар: бош келишик, қаратқич келишиги ва тушум келишиги. Келишиклар ўзига ҳос қўшимчаларга эга ва бу қўшимчалар отнинг гаптаги бажараётган вазифаси билан узвий боғлиқ. Бундай турланиш уч келишикли турланиш дейилади ва шу йўсинда турланувчи сўзлар уч келишикли сўзлар дейилади.

Араб наҳвчилари эъроб (келишик) яъни келишик аломатларини икки гуруҳга ажратишган. Булар аслий (ҳақиқий) ва фаръий (ортирма) деб номланган<sup>59</sup>.

1. Келишикларнинг аслий аломатларини биз юқорида кўриб чиқдик. Улар сўзларнинг охирини дамма, касра, фатҳалаш билан кўзга яққол кўриниб туради.

1. Фаръий (ортирма) аломатлари деб, сўзнинг иккилик, тўғри кўпликда "вов, ёй, алиф ва касра" билан турланишига айтилади.

<sup>57</sup> Абдужабборов А. Араб тили. – Т.: ТИУ, 2007. - Б. 81-82.

<sup>58</sup> Ўша саср. - Б. 191-192.

<sup>59</sup> الشيخ مصطفى الغلابي. جامع الدروس العربية. – بيروت، 1993، ص. 24.

Флексия бўйича аслий аломатлар ёрдамида ўзгарадиган исмларнинг эъроб кўринишлари бир неча турга бўлинади ва уларнинг энг кўп учрайдиганлари қуйидагилар:

الأوّل: الْمُفْرَدُ الْمُنْصَرَفُ الصَّحِيحُ، مِثْلُ: «زَيْدٌ».

1. Охирги ўзаги иллатли ҳарф бўлмаган ҳамда учта келишик бўйича турланадиган бирликдаги исмлар. Масалан: زَيْدٌ. Бундай сўзлар аслий аломат, яъни ҳақиқий кўрсаткичларга эга.

وَالثَّانِي: الْمُفْرَدُ الْمُنْصَرَفُ الْجَارِي مَجْرِي الصَّحِيحِ، مِثْلُ: «دَلُوْ». «دَلُوْ».

2. Охирги ўзаги иллатли “о - вов” ёки “й - йой” ҳарфларидан иборат бўлиб, улардан олдинги ҳаракат сукунли бўлган ҳамда учта келишик бўйича турланадиган бирликдаги исм. Масалан: دَلُوْ.

وَالثَّلَاثُ: الْجَمْعُ الْمَكْسَرُ الْمُنْصَرَفُ، مِثْلُ: «رَجَالٌ».

وَتُرْفَعُ هَذِهِ الثَّلَاثَةُ وَعَلَامَةٌ رَفْعُهَا: الضَّمَّةُ، وَتُنْصَبُ وَعَلَامَةٌ نَصْبُهَا: الْفَتْحَةُ، وَتُجْرُ وَعَلَامَةٌ جَرُّهَا: الْكَسْرَةُ، كَمَا فِي «جَاءَنِي زَيْدٌ وَدَلُوْ وَرَجَالٌ»، وَ«رَأَيْتُ زَيْدًا وَدَلُوًّا وَرَجَالًا»، وَ«مَرَرْتُ بِزَيْدٍ وَدَلُوٍّ وَرَجَالٍ».

3. Учта келишик бўйича турланадиган синиқ кўпликдаги исм<sup>60</sup>. Масалан: رَجَالٌ.

Юқорида санаб ўтилган учта турдаги исмларнинг барчаси учта келишик бўйича турланади ва улар бош келишикда “дамма” билан, тушум келишигида “фатҳа” билан, қаратқич келишигида эса “касра” билан ҳаракатланади, масалан: бош келишик: جَاءَنِي زَيْدٌ وَدَلُوٌّ وَرَجَالٌ - Меникига Зайд, челак ва кишилар келди.

Тушум келишиги: رَأَيْتُ زَيْدًا وَدَلُوًّا وَرَجَالًا - Мен Зайдни, челакни ва кишиларни кўрдим.

Қаратқич келишиги: مَرَرْتُ بِزَيْدٍ وَدَلُوٍّ وَرَجَالٍ - Мен Зайд, челак ва кишиларнинг ёнидан ўтдим<sup>61</sup>.

Фаръий аломатлар ёрдамида эъробланадиган сўзлар таркибига қуйидагилар киради:

Исмларнинг иккилик сон шакли. У бирликдаги сўз охирига *алиф* ва *нун* ҳарфларини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Бунда *алифдан* олдинги ҳаракат *фатҳали* ва *нуннинг* ҳаракати эса *касрали* бўлади, яъни “*тан*” қўшимчаси қўшилади. Масалан: رَجُلَانِ (икки эркак). “*тан*” қўшимчаси иккиликдаги исм бош келишикда эканлигини ифодалайди. Агар иккиликдаги исм тушум ёки қаратқич келишигида бўлса, унга *йой* (олдинги ҳаракати *фатҳали*) ва *касрали* *нун*, яъни *йин* қўшимчаси қўшилади. Масалан: رَجُلَيْنِ (икки эркакни ёки икки эркакнинг).

Исмларнинг тўғри кўплик шакли. Исмлардан тўғри кўплик ҳосил қилинганда, унинг бирликдаги шакли ўзгаришсиз қолади ва у икки турга бўлинади:

1. جَمْعُ الْمُدَّكَّرِ السَّالِمِ - тўғри музаккар кўплик

2. جَمْعُ الْمُؤَنَّثِ السَّالِمِ - тўғри муаннас кўплик

فَجَمْعُ الْمُدَّكَّرِ: مَا أَلْحَقَ بِآخِرِهِ وَآؤُ مَضْمُومٌ مَا قَبْلَهَا، أَوْ يَاءٌ مَكْسُورٌ مَا قَبْلَهَا، وَتُونٌ مَفْتُوحَةٌ فِي آخِرِهِ، مِثْلُ: «مُسْلِمُونَ» وَ«مُسْلِمِينَ»، [وَيُسَمَّى جَمْعُ الْمُدَّكَّرِ السَّالِمِ].

الشيخ مصطفى الغلايينى. جامع الدروس العربية. - بيروت، 1993. ص. 36. <sup>60</sup>

فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. - مصر. - ص. 59. <sup>61</sup>

Тўғри кўплик музаккар жинсдаги исмларнинг охирига гоҳида *вов* ва *нун*, гоҳида *йой* ва *нун* кўшиб ясалади. Биринчи ҳолатда *вовдан* олдинги ҳаракат *дамма*, *нуннинг* ҳаракати эса *фатҳа* (яъни “*سُونٌ*” тарзида ) бўлади ва бу *бош келишикни* ифодалайди<sup>62</sup>. Масалан: *مُسْلِمُونَ*

Иккинчи ҳолатда эса, *йойдан* олдинги ҳаракат *касра*, *нуннинг* ҳаракати эса *фатҳа* (яъни “*يِنٌ*” тарзида ) бўлади ва у тушум ҳамда қаратқич келишикларининг ифодалайди. Масалан: *مُسْلِمِينَ*

وَجَمْعُ الْمَوْتَتِ: مَا أَلْحِقَ بِأَخْرِهِ أَلْفٌ وَتَاءٌ، مِثْلُ: «مُسْلِمَاتٌ»، [وَيُسَمَّى جَمْعُ الْمَوْتَتِ السَّالِمِ].

Тўғри муаннас кўпликдаги исмларнинг охирига *алиф* (ундан олдинги ҳаракат *фатҳа* бўлади) ва *та* (кўплик *таси* ва унинг ҳаракати *танвин даммадир*) кўшилади<sup>63</sup>. Масалана: *مُسْلِمَاتٌ*.

جَمْعُ الْمَوْتَتِ السَّالِمِ؛ رَفَعُهُ بِالضَّمَّةِ، وَنَصَبُهُ وَجَرُّهُ بِالْكَسْرَةِ، مِثْلُ: «هُنَّ مُسْلِمَاتٌ» وَ«رَأَيْتُ مُسْلِمَاتٍ» وَ«مَرَرْتُ بِمُسْلِمَاتٍ».

Тўғри муаннас кўпликдаги исмлар икки келишикли ҳисобланади, чунки уларнинг қаратқич келишиги шакли тушум келишигидаги билан бир хил бўлади. Демак, тўғри муаннас кўпликдаги исмлар бош келишикда “*дамма*” билан, қаратқич ва тушум келишигида “*касра*” билан ҳаракатланади. Масалан: *رَأَيْتُ مُسْلِمَاتٍ* - *Муслималарни кўрдим* (тушум келишиги), *هُنَّ مُسْلِمَاتٌ* - *Улар муслималардир* (бош келишик), *مَرَرْتُ بِمُسْلِمَاتٍ* - *Муслималарнинг ёнидан ўтдим* (қаратқич келишиги).

Шуни айтиб ўтишимиз керакки, тўғри муаннас кўпликдаги исмлар хоҳ аниқ, хоҳ ноаниқ бўлсин юқоридаги каби икки келишикда турланаверади, яъни уч келишикка айланмайди. Араб тилшунослигида яна шундай икки келишикли исмлар борки, улар гоҳида, айрим сабабларга кўра уч келишикли бўлиб қолиши ҳам мумкин ва улар “*ғайру мунсариф*” деб номланади. “*Ғайру мунсариф*”ни ўзбек тилига келишикларда тўлиқ турланмайдиган сўзлар деб таржима қилсак бўлади. “*тўлиқ турланмайдиган*” иборасининг маъносини эса, танвин қўшимчасисиз келадиган, қаратқич келишигида бўлсада, тушум келишигининг кўрсаткичи бўлган “*фатҳа*” билан ҳаракатланадиган сўзлардир. Бундай сўзларга «*عَمْرٌ*» ва «*أَحْمَرٌ*» ва «*طَلْحَةُ*» ва «*رَيْبٌ*» кабилар киради. Бу сўзларнинг эъроб *جَاءَ عَمْرٌ، رَأَيْتُ عَمْرًا، مَرَرْتُ بِعَمْرٍ.* Масалан:

Юқорида биз келишикларда ҳаракатлар билан турланадиган исмлар, шунингдек, ҳарфлар билан ўзгарадиган баъзи сўзларга ҳам тўхталиб ўтдик, яъни фаръий аломатлар ҳақида маълумот берганимизда иккиликдаги ва тўғри музаккар кўпликдаги исмларни келишикда турланиши ҳақида тўхталдик ҳамда уларнинг келишик аломатлари ҳарфлардан иборат эканлигининг гувоҳи бўлдик. Энди эса, ҳарфлар билан турланадиган яна бошқа исмлар ҳақида маълумот бериб ўтсак. Бундай исмлар сирасига “*Ўзига хос олти исм*”, деб номланувчи олти сўзлар киради. Мустафо Ғалайиний бу борада қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: Араб тилида *أَبٌ، وَأَخٌ، وَحَمٌّ، وَهَنْ، وَفَمٌّ، وَذُو مَالٍ* каби олти сўзлар борки, улар бошқа сўзлардан фарқли равишда келишикларда ҳаракатлар билан эмас, балки ҳарфлар ёрдамида турланади. Мана шу сўзлар

الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. - بيروت، 1993. -ص، 6230

الشيخ مصطفى الغلاييني. جامع الدروس العربية. - بيروت، 1993. -ص، 63.32

бирлик, биринчи шахс бирикма олмоши *ي* дан бошқа бирикма олмошлари билан изофа ҳолатида келганида бош келишиқда *вов* билан, тушум келишиғида *алиф* билан, қаратқич келишиғида эса *йой* билан ифодаланади. Масалан: «جَاءَ» «مَرَرْتُ بِأَيْتِكَ» «رَأَيْتُ أَبَاكَ»، «أَبُوكَ». Қолган сўзлар ҳам шундай турланади<sup>64</sup>.

Маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, эъроб масаласи араб наҳвидаги муҳим масалалардан бири бўлиб, уни кўпгина наҳвшунослар ўрганганлар ва ўз асарларида илмий тадқиқ қилганлар. Улар араб тилидаги барча сўзларни ўзгарувчи – муъраб ёки ўзгармайдиган – мабний каби турларга бўлиб, ҳар бир турга батафсил маълумотлар келтирганлар ва уларни мисоллар орқали тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилганлар.

Турланиш ҳодисаси ўзбек ва рус тилларида от сўз туркумида юз берса, тусланиш феъл сўз туркумига хос ҳодисадир. Араб тили грамматикасида эса турланиш ва тусланишга алоҳида грамматик ҳодисалар сифатида қаралмай, балки, улар эъроб, деб номланиб исм ва феълнинг эъробланиши, деб аталишини тадқиқотимиз давомида кўриб ўтдик. Бундан кўриниб турибдики, араб тилида исм билан боғлиқ бўлган сўз охиридаги ўзгаришлар ўзбек тили грамматикасида келишиқлар сифатида юритилар экан, феълнинг эъробланиши эса, ўзбек тилида феъл майллари мавзусида тилга олинади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. А. Абдужабборов. Араб тили. –Т.: Тошкент ислом университети, 2015.
2. Носирова М.А. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи. –Т.: ТошДШИ, 2005.
3. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. - М.: “Восточная литература” РАН, 2001.

1. الشيخ مصطفى الغلايينى، جامع الدروس العربية، بيروت، 1993. ص. 738
2. فؤاد نعمة. ملخص قواعد اللغة العربية. القاهرة. نهضة مصر. 1973. ص. 214
3. محمود الزمخشري. الانموذج في النحو. مصر. 1323 هـ/1987م. ص. 408

#### **Сарвиноз Қосимова**

*PhD, Араб филологияси кафедраси, ТошДШИ*

### **АРАБ ТИЛИДАГИ ПРЕДЛОГЛАРНИНГ СЕМАНТИКАСИГА ОИД МАСАЛАСИ**

**Аннотация.** Предлогларни қўллашда хатоликларга йўл қўймаслик учун предлогнинг таржимасини эмас маъносини тушунтириб ўтиши етарли эмас. Мазкур мақолада предлогларнинг турлари мисоллар ёрдамида предлоглар семантикаси моҳиятини очиқ беришга ҳаракат қилинди. Таржималар ва қиёсий таҳлил асоси мавзу ёритилди. Натижада предлогларнинг миқдори,

<sup>64</sup> الشيخ مصطفى الغلايينى. جامع الدروس العربية. – بيروت، 1993. ص. 193

турлари, гапдаги вазифаси, семантикаси, идеоматик иборалардаги ўрни аниқланди.

Араб тилишунослигида энг мунозарали муаммолардан бири араб тилида предлоғларнинг миқдори масаласидир. Аввалам бор, бу муаммо кўпроқ маълум гуруҳга мансуб сўзларга таалуқли. Бу сўзлар морфологик ва бошқа сабабаларга кўра исм сўз туркумига яқин, аммо семантик жиҳатдан ўзбек, рус ва бошқа тилларга кўмакчилар сифатида таржима қилинади.

Мазкур мавзу ўрганилган ишларда, албатта араб наҳвчиларнинг фикрлари ҳам берилган. Бунда асосан араб наҳвчилари бу сўзларни кўмакчилар, яни ёрдамчи сўзлар қаторига киритмасдан исм сўз туркумига киритишлари берилган ҳамда уларнинг бундай нуқтаи назарлари сабаби таҳлил қилинган. Мазкур таҳлилларда араб наҳвчилари бу сўзларни тузилишига этибор бериб, морфологик, яъни исмлар флексия бўйича турланади, кўмакчилар флексия бўйича турланмайди каби жиҳатдан исмларга киритишган, деган таъкид кўпроқ учрайди. Бундай таҳлилда бу сўзларнинг вазифаси ва семантикаси этиборга олинмаган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Предлог, ҳарфу-л-жарр, флексия, сўз туркумлари, асл предлог, от-предлог.

**Аннотация.** Чтобы избежать ошибок в использовании предлогов, недостаточно объяснить смысл перевода, а не перевод. В этой статье мы постарались проиллюстрировать значение семантики предлога, используя примеры. Тема перевода и основы сравнительного анализа были освещены. В результате определяются число, типы, функции, семантика и роль предлогов в предложении.

Одним из наиболее противоречивых вопросов в арабском языкознании является вопрос о количестве арабских предлогов. Прежде всего, эта проблема связана со словами определенной группы. Эти слова морфологически и по другим причинам близки к существительному, но семантически переводятся как вкладчики узбекского, русского и других языков.

В это исследование, конечно, включены мнения арабских лингвистов. В этом случае арабских писателей часто просили включить эти слова в категорию существительных без слова вспомогательных и проанализировали причины их отношения. В этих анализах чаще всего арабские лингвисты сосредотачиваются на структуре этих слов и включают морфологические, а именно имена в гибком, а вспомогательные не в гибком. В таком анализе функция и семантика слов игнорируются.

**Опорные слова и выражения:** предлоги, харфу-л-жарр, флексия, сўз туркумлари, собственно предлоги, именные предлоги.

**Summary.** To avoid mistakes in the use of prepositions, it is not enough to explain the meaning of the translation, not the translation. In this article, we tried to illustrate the meaning of the semantics of the preposition using examples. The topic of translation and the basics of comparative analysis were highlighted. As a result,



*the number, types, functions, semantics, and the role of prepositions in the sentence are determined.*

*One of the most controversial issues in Arabic linguistics is the question of the number of Arabic prepositions. First of all, this problem is connected with the words of a certain group. These words are morphologically and for other reasons close to the noun, but are semantically translated as contributors to Uzbek, Russian and other languages.*

*This study, of course, includes the views of Arab linguists. In this case, Arab writers were often asked to include these words in the category of nouns without the word auxiliary and analyzed the reasons for their relationship. In these analyzes, most often, Arabic linguists focus on the structure of these words and include morphological ones, namely names in the flexible, and auxiliary names in the flexible. In such an analysis, the function and semantics of words are ignored.*

**Keywords and expressions:** *Preposition, Harfu-l-jarr, inflection, with Turkumlari, asl preposition, preposition.*

Араб тилини ўргатиш бўйича адабиётларнинг кўплиги ҳамда предлоглар мавзуси узоқ ва батафсил ўтилишига қарамасдан талабалар томонидан предлогларни қўллашда хатоликларга йўл қўйилади. Хусусан, бу ҳолат она тилида қабул қилинган ўрин ва пайт тушунчалари хусусияти бошқа тилни ўрганаётган талабага таъсири билан боғлиқ.

Албатта бундай хатоларни олдини олиш учун араб тилидаги ҳар бир предлогнинг таржимасини эмас маъносини тушунтириб ўтиш каби урунишлар таълимда бор. Аммо аниқ ўгиришда она тилидаги хусусиятлар таъсири этмаслиги керак.

Шу сабабли икки тилда бирма бир қиёсий таҳлил этиш ўхшаш ва фарқли жиҳатларни ажратиб беради.

Масалан: *Ман уйдан бозорга бордим* жумласидаги *мин* предлоги ...дан маъносини берса. *Ман ишлашни утган хафтадан бери бошладим* жумласидаги *мин* предлоги вақтни билдирмоқда. Бу предлогни жумлани ўгиришда таржима қилинмаслиги ҳам мумкин, масалан: *Исломининг илмни тарқатишидаги хизмати нақадар катта* жумласида *мин* умуман таржима қилинмаган. У бу жумлада кучайтириш учунгина қўлланган.

Араб тилида предлоглар гапнинг бўлаклари орасидаги семантик ва грамматик муносабатларни билдирадиган воситадир. Феъл ва исмни лексик-семантик боғлаб турадиган ушбу муҳим туркум феълларнинг маъносига ҳам таъсирини кўрсата олади.

Араб тили тизимида 13та предлог саналади, улардан 7таси макон учун, 6таси вақтни ифодалашда қўлланади, булар орасида 4та предлог ҳам макон ҳам вақт учун ишлатилади.

Ҳар бир предлог контекстан келиб чиқиб, турли маъноларни англатади. Масалан *Мен омадинга хурсандман* жумласида *би* ...га деб таржима қилинса, *У калам билан езяпти* жумласидаги *би* билан, воситасида маъносида деб ўгирилади.

Шу билан бирга битта феъл икки предлог таъсирида турли маъноларни англатади, масалан: *Додам бир кишини қарғади. Додам бир кишини дуо қилди.* Бу ерда ала предлоги тасирида даа феъли қарғамоқ тарзида ўғирилган.

Шунингдек, баъзи турли предлоглар бир хил таржима қилиниши мумкин. Масалан *ан* ва *мин*. *Фалончидан сурамоқ.*

Предлоглар маъносига қараб асосий, қўшимча ва қўшимчага ўхшаш турларга бўлинади. Асосий турига асл маъносида келади, қўшимча турига асл маъносидан четлашиб кучайтирувни билдиради. Учунчи турига эса бу турдаги предлоглардан кейин сўз қоидага кўра қаратқич бўлсада аслида унинг келишиги контекстан кўрилади.

Араб тилшунослигида энг мунозарали муаммолардан бири араб тилида предлогларнинг миқдори масаласидир. Аввалам бор, бу муаммо кўпроқ маълум гуруҳга мансуб сўзларга таалуқли. Бу сўзлар морфологик ва бошқа сабабаларга кўра исм сўз туркумига яқин, аммо семантик жиҳатдан ўзбек, рус ва бошқа тилларга кўмакчилар сифатида таржима қилинади. Ушбу сўзлар вақт ва маконни билдириб, فوق - устида, تحت – тагида, امام – олдида, بعد – кейин, قبل – олдин, اثناء – пайтида ва бошқалардир. Баъзи тадқиқотчилар бу сўзларни қатъий равишда кўмакчиларга киритадилар. Баъзилари эса уларни гоҳ исм гоҳ кўмакчи, деб атайдилар. Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар ушбу сўзларни исм сўз туркумига киритадилар.

Мазкур мавзу ўрганилган ишларда, албатта араб наҳвчиларнинг фикрлари ҳам берилган. Бунда асосан араб наҳвчилари бу сўзларни кўмакчилар, яни ёрдамчи сўзлар қаторига киритмасдан исм сўз туркумига киритишлари берилган ҳамда уларнинг бундай нуқтаи назарлари сабаби таҳлил қилинган. Мазкур таҳлилларда араб наҳвчилари бу сўзларни тузилишига этибор бериб, морфологик, яъни исмлар флексия бўйича турланади, кўмакчилар флексия бўйича турланмайди каби жиҳатдан исмларга киритишган, деган таъкид кўпроқ учрайди. Бундай таҳлилда бу сўзларнинг вазифаси ва семантикаси этиборга олинмаган.

Морфологияга боғлиқ деган бундай таъкид баъзи чалкашликларга олиб келади. Чунки араб наҳвчилари бу сўзларни исмларга киритиб, уларнинг баъзилари флексия бўйича ўзгармас эканлигини таъкидлаганлар, масалан لى – “...да”. Демак, бу каби сўзлар ва кўмакчилар орасидаги чегара араб наҳвчилари учун флексияланадиган ва флексияланмайдиган сўзлар чегарасида эмаслиги кўриниб турибди.

Жумладан, араб наҳвчиларининг яна бир таъкидини келтиришимиз мумкин, яъни: асл кўмакчи ҳисобланадиган баъзи сўзлар маълум контекста исм сўз туркумига мансуб бўлиб қолиши мумкин. Масалан: عن – “...дан” кўмакчисидан олдин من – “...дан” кўмакчиси келганида, улар عن – “...дан” мураккаб конструкцияни ҳосил қиладилар. Бу ерда عن кўмакчиси қаратқич келишигидаги исм ўрнида келган, унинг фақат семантикаси ва вазифаси ўзгармоқда, морфологик жиҳатдан ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди.

Юқоридаги таҳлилларни таъкидини Зажжожи, Замахшарий, Даририй каби наҳвчиларнинг асарларининг тадқиқида кўришимиз мумкин. Улар исм ва феълларнинг ўзида маъно борлигини, кўмакчилар уларга қарама қарши

қўйилиб улар маъно учун келишларини таъкидлаганлар. Демак, бу сўзларнинг исмлар ёки кўмакчилар қаторига киритишда морфологик жиҳат сабаб бўла олмайди.

Мазкур сўзларни ўзбек арабшуноси Н. Ибрагимов от-предлоглар, деб, улар ўзларининг отлик хусусиятини йўқотмаган ва от сифатида келиши мумкинлигини таъкидлайди. Бу сўзлар предлог вазифасида келганида тушум келишигини олида. Э. Талабов ҳам худди шундай фикр билдириб, бу сўзларни равиш предлоглар, деб атайди. Улар бу сўзларни асл предлоглар қаторига қўшмайдилар, фақатгина ўзбек тили нуқтаи назаридан предлог вазифасида келадиган сўзлар, деб атайдилар.

Умуман олганда араб наҳвининг ҳолати ўрганилганда араб тили синтаксиси тадқиқи учун аниқ функционал характер хосдир. Хусусан, кўмакчиларни исмлардан фарқлаш учун уларнинг синтаксисдаги вазифасига эътибор берилади.

Мазкур маъруза орқали предлогларнинг гапдаги вазифаси ва таълимда предлогларни тушунтиришда қўлланадиган тавсиялар берилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абул Қосим аз-Зажжожий. Ал-Идох фи илали-н-наҳв. –Қоҳира, 1959. 54-б.
2. Р.Ш. Шарафутдинова. Принципы выделения предлогов в современном арабском языке // Восточная филология. М., 1971
3. А.А. Кавалёв, Г.Ш. Шарбатов. Учебник арабского языка. –Москва, 1998.
4. С.А. Кузьмин. Учебник арабского языка. –Москва, 2003.
5. Б.М. Гранде. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. –Москва, 2001.
6. Н. Ибрагимов, Юсупов. Араб тили. –Т.,
7. Э. Талабов. Араб тили. – Тошкент, 1993.
8. Носирова М. Махмуд Замахшарийнинг “Ал-унмузаж фи-н-наҳв” рисоласи. –Тошкент:ТДШИ, 2005.
9. С. Қосимова. Классик араб наҳвидан бошланғич маълумотлар. – Тошкент, 2011.

---

#### **Юсуф Хўжакулов**

*Катта ўқитувчи, Эрон-афгон филологияси кафедраси, ТошДШИ*

#### **ДАРИЙ МАТБУОТИДА АББРЕВИАТУРА**

**Таянч сўз ва иборалар:** қисқартма сўзлар, ўзлашмалар, матбуот тили, ОАВ, халқаро ташилотлар, давлат сиёсий тизими, фонетик ўзгариш, бош ҳарф.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярми ва йигирма биринчи асрнинг дастлабки икки ўн йиллигида Афғонистонда амалга ошаётган сиёсий жараёнлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги ўзгаришлар Афғонистоннинг расмий давлат тили бўлган дарий тили, айниқса дарий тилидаги матбуотда бевосита ўз аксини топмоқда. Мазкур жараёнлар дарий тилининг луғат таркибида янги сўзлар пайдо бўлишига асос бўлиб, улар турли грамматик усуллар, баъзи ҳолатларда ушбу жараён ва ўзгаришлар маъно жиҳатдан таржима шакли орқали ифодаланса, баъзан эса мазкур янги тушунча ва атамалар ўзларининг асл шакллари, яъни аслиятдаги шаклида берилганига гувоҳ бўламиз. Шарқ тиллари, айниқса дарий тилида ўн тўққизинчи асргача бўлган даврда деярли учрамайдиган ва унинг грамматик қурилиши жиҳатидан ғализ ва тушунарсиз ҳолатларга олиб келиш эҳтимоли юқори бўлишига қарши ўлароқ янги лексик бирликлар кириб келмоқда.

Дарий тилида жуда кам учрайдиган ва одатда кенгайтма шаклида ишлатилиб келинган янги сўзлар ишлатилаётганига гувоҳ бўламиз. Бу ҳолат айниқса матбуотда ишлатилаётган қисқартма сўзларда яққол ўз аксини топмоқда.

رہبری قوای مسلح افغانستان بیشتر از اشرف غنی به فرماندهی نیروهای **ناتو** در افغانستان پاسخگو و طرف هستند. (11:25.12.2019)

(دلېستګی اعضای سابق حزب دموکراتیک خلق به اشرف غنی، 25.12.2019)

Таржима: *Афғонистон Қуролли кучлари раҳбарияти Аиураф Ғанийга нисбатан кўпроқ НАТО кучларининг Афғонистондаги раҳбариятига бўйсунадилар ва у билан алоқада бўлиб турадилар.*

Мазкур жумладаги **нато** сўзи инглиз тилидаги қисқартма сўз шаклининг аслият шаклида ишлатилган ва ушбу сўз инглиз тилидан дарий тилига таржима ёки кенгайтма шаклида берилмаган.

پس از حدود 13 سال، با تحویل سال عملیات «نیروهای بین المللی همکاری امنیتی» یا **آیساف** در افغانستان پایان می یابد. (5:28.12.2014)

(آیساف در افغانستان: مأموریت طولانی نیروهای بین المللی، رسول رحیم، 28.12.2014، دوچی

ویلی)

Таржима: *Деярли 13 йилдан сўнг, янги йил кириб келиши билан “Халқаро хавфсизлик кучлари” ёки АЙСЕФнинг Афғонистондаги амалиётлари тугайди.*

Юқоридаги жумладаги **Айсиф** сўзи ҳам дарий тилида аслият шаклида ишлатилган бўлиб, баъзи ўринларда китобхонга тушунарлироқ бўлиши учун унинг дарий тилидаги таржимаси ҳам унинг эквиваленти шаклида қўштирноқ ёки қавс ичида келтирилади ва бу ҳолат китобхонга мазкур сўзнинг маъноси хатосиз, тўлиқ ва тушунарли бўлиши учун изоҳ ўрнида ишлатилади.

Инглиз тилидан ўзлашган қисқартма сўзлар дарий тилининг фонетик талабларига мослашади ва фонетик ўзгаришларга учрайди: НАТО (нато) сўзи таркибидаги “a” товуши чўзиқ “a” товушига, “o” товуши эса “u” товушига ўзгарган. Бу ўзгаришларни бошқа мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Афғонистондаги дарий тилидаги матбуотда европа тилларидан ўзлашган қисқартма сўзлардан билан бир қаторда бевосита дарий тилидаги сўз бирикмаларининг ҳам қисқартма шакли ишлатилиши кузатилади.

نزديك شدن امريكا و طالبان به توافق صلح، تجليل با شكوه از صدمين سالروز استقلال، برگزاري انتخابات‌هاي پارلماني و رياست‌جمهوري، رهايي انس حقاني و استادان دانشگاه امريكايي از زندان و ختم فعاليت **داعش** در ننگرهار، از مهم‌ترين رويدادهاي 2019 ميلادي در افغانستان بود. (11:02.01.2020)  
(2020 سالي سرنوشت‌ساز براي افغانستان، 02.01.2020)

Таржима: Америка ва Толибларнинг тинчлик келишуви бўйича ўзаро яқинлашишига эришиши, мустақиллик юз йиллик юбилейининг ҳашаматли нишонланиши, Парламент ва Президентлик сайловларининг ўтказилиши, Анас Ҳаққоний ва Америка университети ўқитувчиларининг қамоқдан озод этилиши ва Нангарҳорда ИШИД фаолиятининг тугатилиши милодий 2019-йилда Афғонистонда амалга оширилган ва бўлиб ўтган энг муҳим воқеалардандир.

Юқоридаги мисолда келтирилган **داعش** сўзи эса бевосита дарий тилининг ўзида мавжуд бўлган ва унинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ясалган **دولت اسلامی عراق و شام** сўз бирикмасининг қисқартма шаклидир.

Йигирманчи асрнинг саксонинчи йилларидан бошлаб ОАВ, дарий тилида нашр этилган газета ва журналларда ҳам ташкилотларнинг номлари ҳам қисқартма шаклида ишлатилган:

منشی عمومی کمیته مرکزی **ج.د.خ.ا.** (12:12.05.1367)

Таржима: Афғонистон Халқ Демократик Партияси (АХДП) Марказий комитети бош секретари.

Мазкур жумлада ишлатилган **ج.د.خ.ا.** қисқартмаси Афғонистоннинг собиқ Совет Иттифоқи билан сиёсий алоқалари таъсири остида рус тилида мавжуд СИКП (КПСС) қисқартма сўзи асосида ясалгандир, чунки йигирманчи асргача дарий тилида қисқартма сўзлар ишлатилмаган ва қисқартма сўзлар асосан йигирманчи асрнинг иккинчи ярми ва йигирма биринчи асрнинг ҳозирги кунига қадар ишлатила бошлангани кўзга ташланади.

Дарий тилидаги баъзи бир расмий ҳужжат ва ёзишмаларда ҳам дарий тили сўз бирикмаларининг қисқартма шакли ишлатилади.

بخش کنسولگری سفارت **ج.ا.ا.** در تاشکند فقط از برحالی مهر وزارت امور خارجه تأیید میکند.

(13:06)

Таржима: АИР нинг Тошкентдаги элчихонаси Консуллик бўлими фақат Ташиқи ишлар вазирлигининг муҳри ҳақиқийлигини тасдиқлайди.

Ушбу жумлада ишлатилган **ج.ا.ا.** қисқартмаси Афғонистон сўз бирикмасидан ясалгандир.

Мазкур қисқартма сўзлар сиёсий, ижтимоий, халқаро ташкилотларнинг номлари билан боғлиқ бўлиб, улар хорижий тиллар, айниқса европа тиллари таъсири остида кириб келмоқда.

Ушбу қисқартма сўзлар қуйидаги соҳаларга тегишли:

1. Давлат сиёсий тизими;
2. Халқаро ташкилотлар;
3. Давлат ташкилотлари.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ҳозирги кунгача бўлган даврида дарий тилидаги ОАВ ва матбуотида қисқартма сўзлар кўлами ошиб бормоқда. Мазкур қисқартма сўзларнинг дарий тилида ишлатилиши ҳозирги кунда дарий ОАВ ва матбуотида фаолият юритаётган кўплаб мухбир ва ходимларнинг чет элда

тахсил олиши, Афғонистоннинг кўплаб хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳалардаги алоқалари, жумладан, ҳарбий ташкилотларнинг Афғонистондаги фаолияти натижасидир.

Мисол тариқасида келтирилган қисқартма сўзлар сўз бирикмалари таркибидаги сўзларнинг биринчи товушларини ифодаловчи ҳарфларнинг йиғиндисидан ясалган. Дарий тилида қисқартма сўзларнинг бошқа турлари кўриб чиқилган материал ва мисолларда учрамади.

Баъзи ўринларда сўз бирикмалари таркибидаги баъзи сўзларнинг тушиб қолдирилиши ҳолати ҳам мавжуд бўлиб, мазкур тушиб қолган сўзлар сўз бирикмасининг умумий маъносига таъсир этмайди:

Қисқартирилган шакли: **وزير خارجه، وزير داخله**

тўлиқ шакли: **وزير امور خارجه، وزير امور داخله**

Ушбу сўз бирикмаларида **امور**(ишлар) сўзи тушиб қолдирилган.

Бу ҳолат ўзбек ва рус тилларида учрамади ва дарий тилида ҳам фақат ташкилотларнинг номлари билан боғлиқ сўз бирикмаларида учрайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Белоконь В.В. Иноязычные заимствования в лексическом составе современного литературного языка дари: В сопоставлении с персидским и другими близкородственными языками. Автореферат. М., 2006
2. Киселева Л.Н. Дари-русский словарь. М., 1986.
3. Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. М., 1985.
4. Ю.А. Рубинчик таҳрири остидаги Персидско-русский словарь, М., 1986
5. سعید حقیقی. فارسی دری ۱۰ سال پس از سقوط طالبان در افغانستان، کابل، ۲۰۱۱
6. [www.afghanistan.com](http://www.afghanistan.com)
7. [www.kabulnanth.de](http://www.kabulnanth.de)
8. [afghana.com](http://afghana.com)
9. [dawatnet@start.no](mailto:dawatnet@start.no)
10. [www.afghanpaper.com](http://www.afghanpaper.com)
11. [www.farsi.ru](http://www.farsi.ru)
12. روزنامه "حقیقت انقلاب ثور".
13. نکاحنامه به زبان دری.

---

### **Фарход Гисаров**

*Ўқитувчи, Туркий тиллар кафедраси, ТошДШИ*

## **УЙҒУР ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР**

**Аннотация.** Ушбу мақолада уйғур тилини ўқитишда қўлланиладиган интерфаол методлардан фикир юритилган. “Интерфаол” тушунчаси инглиз тилидаги “interact” (рус тилида “интерактив”) сўзидан олинган бўлиб, лугавий нуқтаи назардан “интер” –ўзаро, икки тарафлама, “act”-ҳаракат қилмоқ, иш

кўрмоқ каби маъноларни англатади. Интерфаол таълим -таълим жараёни иштирокчиларнинг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириши йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни таъминлашга асосланувчи таълим. Интерфаол методлар деганда- таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишига чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади.

Ўз навбатида интерфаол принципдарга изох бериб уни илмий термин сифатида қўлланган олимларнинг таътиқотларга мурожат қилинган ҳолда мазкур тушунча изохланган. Анъанавий таълим беришдан фарқли ўлароқ, интерфаол ўқитиши «таълим жараёнининг асосий иштирокчилари –ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизгин баҳс-мунозара, ўзаро фикр алмашиши имкониятига эгаллик асосида таъмин этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиши, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришида ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириши, “ўқитувчи– ўқувчи– ўқувчилар гуруҳи»нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари каби билан тавсифланади”.(1)

Интерфаол методларнинг таълимда қўлланиши ва унинг самарадорлиги ҳақиқидаги мулоҳазалар баён қилинган. Шу ўринда бугунги кунда тил ўрганишида тинглаб тушуниши, ешитиб ўрганиши каби нутқ фаолиятлари турлари бевосита аудиоматериаллардан, компьютер ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиб ўрганишида ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда. Бу усулларнинг барчасидан фойдаланишида ўқитувчи ўқувчиларни ўйлашга, изланишга, ақлий қобилият ва имкониятларни ишгасолишга жалб этади. Бундай интерфаол методлар ўқув жараёнида керак бўлувчи малака, хотира, фикрлаш, диққат ва тасаввур каби биларни шакллантирувчи ўқитиши усули ҳисобланади ва ўқувчи-ёшларни билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришига хизмат қилади. Уйғур тилини ўрганишида ҳам ўзбек тили воситачи тил сифатида намоён бўлади. Демак, талабалар “Уйғур алифбоси” мавзуси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим. Талабаларни билимларини текшириши ва умумлаштириши учун “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилади. Мантқиқий ва тизимли фикр юритиши кўникмаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикрларнинг кўпайишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириши учун хизмат қилади.

Назарий қойдаларни кургазмалий материаллар орқалий мустахкамлаш борасида таклифлар берилиб кўргазмалий материаллар хавола қилинган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Интерфаол методлар, Уйғур тили, Анъанавий таълим, Дидактик ўйинлар, Ақлий ҳужум, Юмалоқланган қор, Тармоқлар, Аудиовизуал, Венн диаграммаси

**Аннотация.** В этой статье рассматриваются интерактивные приемы, используемые при обучении уйгуров. Понятие «интерактивный» происходит от английского слова «взаимодействовать», которое в словарном выражении означает «взаимный», взаимозависимый, «действовать». Интерактивное образование - это образование, основанное на совместном, движении участников учебного процесса с целью приобретения знаний, навыков, квалификации и определенных моральных качеств. Интерактивные методы - это те, которые побуждают учащихся мыслить самостоятельно и находятся в центре учебного процесса. Когда эти методы используются, преподаватель поощряет ученика к более активному участию. Учащийся вовлечен в течение всего процесса. В свою очередь, комментирование интерактивных принципов и обращение к исследованиям ученых, которые использовали его в качестве научного термина, объясняется этим понятием. В отличие от традиционного обучения, интерактивное обучение основано на «сотрудничестве между ключевыми участниками учебного процесса - учителями, учениками и студенческими группами; совместный поиск решений в ситуациях, создание близости учеников с учебными материалами и уважение друг к другу как группы учитель-ученик-ученик; до и поддержки, близкие отношения, например, как описано в «духе единства. Есть комментарии по использованию интерактивных методов в образовании и их эффективности. В то же время такие виды речевой деятельности, как аудирование, понимание и слушание в процессе изучения языка, оказывают положительное влияние на обучение непосредственно с использованием аудиоматериалов, компьютеров и других методов. Используя все эти приемы, учитель поощряет учащихся думать, исследовать, использовать свои умственные способности и возможности. Эти интерактивные методы представляют собой способ обучения, который строит навыки, память, мышление, сосредоточенность и воображение, необходимые в процессе обучения и служить для развития знаний, навыков и способностей учащихся. Узбекский язык также используется в качестве посредника при изучении уйгурского языка. Поэтому студенты должны быть в полной мере осведомлены о предмете «уйгурский алфавит». Метод «мозгового штурма» используется для проверки и обобщения знаний студентов, развивает навыки логического и системного мышления. Непредоставление обратной связи может привести к множеству мнений среди студентов. Этот метод используется для развития творческого мышления у студентов. Были внесены предложения по укреплению теоретических принципов с помощью вымышленных материалов и предоставлены ссылки.

**Опорные слова и выражения:** интерактивные методы уйгурский язык традиционное образование дидактические игры, мозговой штурм снег округлый сети аудиовизуальный диаграмма Венна

**Summary.** This article discusses the interactive techniques used in teaching Uighurs. The concept of "interactive" comes from the English word "interact", which in a dictionary expression means "mutual", interdependent, "act". Interactive



*education is education based on the joint movement of participants in the educational process in order to acquire knowledge, skills, qualifications and certain moral qualities. Interactive methods are those that encourage students to think independently and are at the center of the learning process. When these methods are used, the teacher encourages the student to participate more actively. The student is involved throughout the process. In turn, commenting on interactive principles and referring to the research of scientists who used it as a scientific term is explained by this concept. Unlike traditional teaching, interactive teaching is based on “cooperation between the key participants in the educational process - teachers, students and student groups; joint search for solutions in situations, creating closeness of students with educational materials and respect for each other as a teacher-student-student group; up and support, close relationships, for example, as described in the “spirit of unity.” There are comments on the use of interactive methods in education and their effectiveness. At the same time, such types of speech activities as listening, understanding and listening in the process of learning a language have a positive impact on learning directly using audio materials, computers and other methods. Using all these techniques, the teacher encourages students to think, explore, use their mental abilities and capabilities. These interactive methods are a learning method that builds the skills, memory, thinking, concentration and imagination needed in the learning process and serve to develop students' knowledge, skills and abilities. The Uzbek language is also used as an intermediary in the study of the Uyghur language. Therefore, students should be fully aware of the subject “Uyghur alphabet”. The brainstorming method is used to test and generalize students' knowledge, develops the skills of logical and systemic thinking. Failure to provide feedback can lead to many opinions among students. This method is used to develop students' creative thinking. Suggestions were made to strengthen theoretical principles with the help of fictional materials and links were provided.*

**Keywords and expressions:** *interactive methods Uyghur language traditional education didactic games, brainstorming snow rounded network audiovisual diagram Venn*

Бугунги тезкор замонда хорижий тилларни ўқитишда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли–машғулотларни интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш, деб қаралмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлайди? Ушбу саволларга жавоб топишда дастлабки энг тўғри кадам таянч тушунча – «интерфаол» атамасининг луғавий маъноси билан танишишдир. “Интерфаол” тушунчаси инглиз тилидаги “interact” (рус тилида “интерактив”) сўздан олинган бўлиб, луғавий нуқтаи назардан “интер” –ўзаро, икки тарафлама, “аст”–ҳаракат қилмоқ, иш кўрмоқ каби маъноларни англатади. “Интерфаол педагогика” атамасини илмий термин сифатида 1975 йил немец тадқиқотчиси Ганс Фриц томонидан муомалага киритилган. Олим ўз тадқиқотида интерфаол жараённинг мақсади сифатида иштирокчиларнинг феъл

атвори ва ахлоқий сифатларининг ўзгариши ва яхшиланишини кўрсатиб ўтади. Иштирокчилар ўз шериклари ва ўзининг ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилган ҳолда ўз феъл атворини ўзгартиради.

1980 йиллардан бошлаб рус педагоглари томонидан амалиётда интерактив ўқитиш методлари қўлланила бошланди. Бу метод асосида билишнинг гуруҳли диалог шакли турарди. 1980 йилларнинг охиридан бошлаб, бир қатор тадқиқотчилар жумладан, В.В.Гузеев, М.В.Кларин, Е.С.Полат, В.А.Сластенин ўқитиш моделлари орасида нофаол ва фаолдан ташқари интерфаол ўқитиш моделини ҳам ажратиб кўрсата бошладилар. (2)

Интерфаол таълим -таълим жараёни иштирокчиларининг билим, кўникма, малака ҳамда муайян ахлоқий сифатларни ўзлаштириш йўлида биргаликда, ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатни ташкил этишга асосланувчи таълим.

Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат(диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятни олиб боришларини ифодалайди.

Интерфаол методлар деганда- таълим олувчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим олувчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олинishi;
- ўқиш шиддатини таълим олувчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб - қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;
- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

Америкалик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроунинг ўрганишларига кўра, шахснинг табиий физиологик-психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Яъни: шахс манбани ўзи ўқиганида 10%; маълумотни эшитганида 20%; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўрганида 30%; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараённи кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни эшитганида 50%; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида(сўзлаганида, билимларини намоёиш этганида) 80%; ўзлаштирилган билим (маълумот,ахборот)ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90% ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга экан.

Анъанавий таълим беришдан фарқли ўлароқ, интерфаол ўқитиш «таълим жараёнининг асосий иштирокчилари –ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизгин баҳс-мунозара, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгаллик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш,

шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи– ўқувчи– ўқувчилар гуруҳи»нинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, рухий birlikка эришишлари кабилар билан тавсифланади”.

Интерфаол таълим, ўз моҳиятига кўра, суҳбатнинг «ўқувчи–ахборот-коммуникацион технологиялар» шаклида ташкил этилиши ўқувчилар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакалар ўзлаштирилишини англатади.

Тил ўқитиш ёки адабиёт дарсларида талабаларнинг сўз бойликларини ошириш, оғзаки ва ёзма саводхонликлари даражасини кўтариш асосий мақсадлардан ҳисобланади. Бунда талабанинг фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор интерфаол усулларни қўллаш мумкин. Мустақил тафаккурни ривожлантиришга йўналтирилган дарсларда 3 босқич мавжуд бўлади: 1. Диққатни жалб қилиш босқичи. 2. Масалани англаш босқичи. 3. Фикрлаш босқичи. Интерфаол усулларни қўллаш бўйича умумий методик тавсиялар: Биринчи қоида: Аудиторияни шундай тайёрлаш керакки, бунда иштирокчилар кичик ёки катта гуруҳларда ишлаш учун ўтиришларига осон бўлиши керак. Столни шундай қўйиш керакки, улар ўзига қулай вазиятда кичик гуруҳ билан осон муносабатда бўлиши керак. Ижодий иш учун материаллар олдиндан тайёрланган бўлиши шарт. Иккинчи қоида: Жараён ва регламентга жиддий муносабатда бўлиш лозим. Бу ҳақида босида келишиб олиш керак ва уни бузмаслик лозим. Учинчи қоида: Тингловчиларнинг гуруҳларга бўлинишига жиддий еътибор бериш керак. (3)

Дарс давомида қўлланилган кўшимча материаллар (кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар, мультимедиа ресурслари):

**ئۇيغۇر تىلى ئاساس بىلىملىرى**

تىل تاۋۇشلىرى ۋە ھەرىپ

سۆزلەرنى تەشكىل قىلىدىغان تاۋۇشلار تىل تاۋۇشلىرى دەپ ئاتىلىدۇ.

تىل تاۋۇشلىرىنىڭ يېزىقتا ئىپادىلىنىشى ھەرىپ دەپىلىدۇ.

ھازىرقى زامان ئۇيغۇر تىلىدا 32 ھەرىپ بولۇپ، ئۇنىڭ سەككىزى سوزۇق تاۋۇش ھەرىپى، 24 ئۈزۈك تاۋۇش ھەرىپى.

ئاۋۇشلار

بوغۇم

سۆزلەر ئېغىزىدىن بىر ۋە بىر قانچە بۆلەكلەرگە بۆلۈنۈپ چىقىدۇ. سۆزنىڭ ئاشۇ بۆلەكلىرى بوغۇم دەپ ئاتىلىدۇ. ئۇيغۇر تىلىدىكى سۆزلەرنىڭ بىر بوغۇمدا بىرلا سوزۇق تاۋۇش ھەرىپى بولىدۇ.

Аввалига, уни ўз хошишига кўра қуриш керак. Кейин тасодифан танлаш тамойилидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тўртинчи қоида: Тингловчиларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада ишга жалб қилинган бўлиши керак. Бешинчи қоида: Тингловчиларнинг руҳан тайёргарлигига кўмаклашиш лозим. Гап шундаки, машғулотга келганларнинг ҳаммаси у ёки бу иш шаклига бевосита киришишга руҳан тайёр емаслар. Бунга маълум даражада хулқининг анъанавийлиги таъсир кўрсатади. Бу борада машқ қилишлар, таълим олувчиларнинг ишда фаол иштироклари учун доимий рағбатлантиришлар, таълим олувчининг ўзини намоён этиш учун имконият яратиш фойдали бўлади. Олтинчи қоида: Интерфаол усуллар асосида машғулотлар ўтказилганда гуруҳда таълим олувчилар сони кўпбўлмаслиги керак. Бу айниқса шарқ тилларини ўрганувчи гуруҳлар учун қўл келади. Одатда тил гуруҳлари 15 кишидан ошмайди. Бундай гуруҳларда энг мақбул таркиби 4-6 кишилардан иборат, кичик гуруҳларда самарали иш олиб бориш мумкин. Ҳозирги кунда замонавий дарсларни ташкил этишда қуйидаги интерфаол методлардан фойдаланилмоқда: видеотопишмоқ, ролли, ишбоп ва дидактик ўйинлар, ақлий ҳужум, тармоқлар, қарорлар шажараси, тажриба воситасида ўқитиш, бешинчиси ортиқча, қорақути, заковатли зукко, Б/Б/Б пинборд, зиг-заг, инсерт, Вейн диаграммаси, Т-шакли, ФСМУ, юзма-юз мулоқот, мунозара, ва бошқалар. Шу ўринда бугунги кунда тил ўрганишда тинглаб тушуниш, ешитиб ўрганиш каби нутқ фаолиятлари турлари бевосита аудиоматериаллардан, компьютер ва бошқа техника воситаларидан фойдаланиб ўрганишда ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда. Бу усулларнинг барчасидан фойдаланишда ўқитувчи ўқувчиларни ўйлашга, изланишга, ақлий қобилият ва имкониятларни ишга солишга жалб этади. Бундай интерфаол методлар ўқув жараёнида керак бўлувчи малака, хотира, фикрлаш, диққат ва тасаввур кабиларни шакллантирувчи ўқитиш усули ҳисобланади ва ўқувчи-ёшларни билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қилади

Уйғур тилини, хусусан, уйғур тилидаги харфларни оғзаки ва ёзма нутқда қўллашнинг кўникма ва малакаларини шакллантиришда қўлланиладиган айрим усулларга тўхталамиз:

“Уйғур алифбоси” мавзусини ўзлаштиришда қуйидаги интерактив усуллардан фойдаланилди. “Ақлий ҳужум”

Хорижий тилларни талабалар ўз она тиллари ёрдамида ўрганадилар. Уйғур тилини ўрганишда ҳам ўзбек тили воситачи тил сифатида намоён бўлади. Демак, талабалар “Уйғур алифбоси” мавзуси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим. Талабаларни билимларини текшириш ва умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилади. Бунда талабалар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир фикрга келинади. Бунда “Ақлий ҳужум” методининг оғзаки шаклидан фойдаланилади. Таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Мантиқий ва тизимли фикр юритиш кўникмаси ривожланади.

Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикрларнинг кўпайишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қилади.

Демак, таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганлиги сабабли, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:

1. Билдирилган фикрлар танқид қилинмайди ва баҳоланмайди.
2. Ҳар бир таълим олувчи қатнашиши шарт.

“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим олувчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;

2. Таълим олувчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадilar;

3. Таълим олувчиларнинг араб графикасидаги харфлар ҳақидаги фикрлари доскага тўпланади;

4. Фикрлар маълум белгилар бўйича гуруҳланади;

5. Юқорида қўйилган саволларга аниқ ва тўғри жавоблар танлаб олинади.

“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикрларнинг шаклланишига олиб келади;

- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;

- фикрлар визуаллаштирилиб борилади;

- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;

- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.

“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;

- таълим берувчидан юқори даражада эшитиш қобилиятининг талаб этилиши.

«БББ» график органайзери ўқувчиларга “Уйғур алифбоси” мавзуси бўйича билимлари даражасини баҳолай олиш имконини беради. Уни қўллашда ўқувчиларга ўқитувчи томонидан талабаларга қоғозда акс этган қуйидаги жадвал тарқатилади:

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
---------	-------------------	-------------

Ўқувчиларнинг алифбо мавзу бўйича тушунчаларга эгалик даражалари ўрганилади. Талабалар ўзлари билган тушунчаларни жадвалнинг биринчи устунига ёзиб қўядилар.

Ўқитувчи томонидан Уйғур алифбоси мавзусига доир янги тушунчалар берилади ва талабалар ўзлари билишни хоҳлаган тушунчаларни жадвалнинг иккинчи устунига ёзиб оладилар. Ўқитувчи мавзуга оид ёдда сақлаш қобилияти ривожланади;

“Юмалокланган қор” ўйин методининг камчиликлари:

- дарс жараёнида тартибни сақлаш қийинлашади;
- талабалар томонидан шовқин кўтарилиши мумкин;

«Кластер» график органайзери (Тармоқлар), Фикрларнинг тармоқланиши – бу педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчиларни бирон бир мавзунини чуқур ўрганишларига ёрдам бериб, ўқувчиларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрнинг эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоқлашларига ўргатади.

- Фикрларни тармоқлаш қуйидагича ташкил этилади:
- Хаёлга келган ҳар қандай фикр бир сўз билан ифода этиб кетма-кет ёзилади.
- Фикрлар тугамагунча ёзишда давом этавериш керак.

Иложи бориша фикрларнинг кетма-кетлиги ва ўзаро боғлиқлигини кўпайтиришга интилинади. маълумотлар билан батафсил таништирилади. Дарс сўнгида талабалар билиб олган тушунчаларини жадвалнинг сўнги устунига ёзиб кўядилар. Бу жадвал талабаларга олган билимларини баҳолаш имконини беради. Дарс сўнгида ушбу жадвал туширилган иш қоғозлари ўқитувчига йиғиб берилади. Ўқитувчи ушбу жадвалдаги устунларнинг талабалар томонидан тўлдирилиш даражасини ўрганиб чиқиши натижасида ўзига баҳо бериш имконига эга бўлади. Талабаларга янги мавзунини тушунтиришда қай даражада таъсир кўрсата олганлиги намоён бўлади.

“Аудиовизуал” методдан фойдаланган ҳолда чет тили ўргатишда ўқувчилар ўрганаётган материалларни бир вақтнинг ўзида ҳам тинглайдилар, ҳам экранда ёки расмларда кўрадилар. Ўқитиш фақатгина чет тилида олиб борилиб, тинглаш, кўриш ва эслаб қолиш каби кўникма-малакаларни шакллантирилади. Техник воситаларни кенг қўллашга мўлжалланган. Бунда ўқиш ва ўргатишнинг асоси оғзаки нутқ деб қаралади. Янги материал бутун структураларни тинглаш, кўриш орқали ўзлаштирилади.(4)

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гуруҳларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гуруҳларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни кадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гуруҳларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади.

**ھازىرقى زامان ئۇيغۇر ئېلىپبەسى**  
 ھازىرقى زامان ئۇيغۇر ئېلىپبەسى 32 ھەرپتىن تەركىب تاپقان بولۇپ، بۇ ھەرپلەرنىڭ تەرتىپى، شەكلى ۋە نامى تۆۋەندىكىچە:

نومۇرى	ئېلىپبە تىپى	ئىسمى	ئىسمى	ئېلىپبە تىپى	نومۇرى
1	ئىسىم	ئا	ئا	ئىسىم	14
2	ئىسىم	ئە	ئە	ئىسىم	15
3	ئىسىم	ب	ب	ئىسىم	16
4	ئىسىم	بە	بە	ئىسىم	17
5	ئىسىم	ت	ت	ئىسىم	18
6	ئىسىم	ج	ج	ئىسىم	19
7	ئىسىم	چ	چ	ئىسىم	20
8	ئىسىم	خ	خ	ئىسىم	21
9	ئىسىم	د	د	ئىسىم	22
10	ئىسىم	ر	ر	ئىسىم	23
11	ئىسىم	ز	ز	ئىسىم	24
12	ئىسىم	ژ	ژ	ئىسىم	25
13	ئىسىم	س	س	ئىسىم	26
27	ئىسىم	ئۆ	ئۆ	ئىسىم	30
28	ئىسىم	ۈ	ۈ	ئىسىم	31
29	ئىسىم	ۋ	ۋ	ئىسىم	32

**سوزۇق تاۋۇش ھەرپلىرى**

ئا ئە ئې ئى ئو ئۇ ئۆ ئۈ

**ئۈزۈك تاۋۇش ھەرپلىرى**

ب پ ت ج چ خ د ر ز ژ س ش غ ف ق ك گ ك ئ ل م ن ھ ۋ ي

Уйғур алифбоси мавзуси ўтилганда “Кичик гуруҳларда ишлаш” қуйидагилардан иборат бўлади:

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади. Мисол учун Уйғур алифбосидаги харфлар қандай гуруҳларга бўлиниши, унли ва ундошлар белгиланган қаторларга ёзиб чиқинг ва ҳаказо.
2. Кичик гуруҳлар белгиланади. Таълим олувчилар 3-5 кишидан иборат бўлишлари мумкин.
3. Кичик гуруҳлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
6. Кичик гуруҳлар баҳоланади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг афзаллиги:

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади.
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гуруҳлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

«Кичик гуруҳларда ишлаш» методининг камчиликлари:

• баъзи кичик гуруҳларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиши ёки шу вазиятнинг тескараси бўлиш эҳтимоли бор;

- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гуруҳлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;

“Юмалоқланган қор” ўйини методи. Бу метод шарқ тилларини ўрганиш жараёнида янги лексикани мустаҳкамлашда қўл келади. Бу метод талабаларнинг эслаб қолиш қобилияти ва нутқ кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилади. Уйғур тилида харфларни ёдда сақлаб қолиш

кўникмасини ҳосил қилишда ушбу методдан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Бу ўйинни янада самарали бўлиши учун жисмоний ҳаракатлар билан уйғунлаштириш мумкин. Ўйинни амалга ошириш шартлари қуйидагича: ўйинни амалга ошириш учун копток талаб қилинади. Талабалар доира шаклида жамланиб оладилар. Бир талаба бир харфни айтиб, коптокчани бошқа талабага улоқтиради. У талаба айтилган харфни такрорлайди ва яна бир харфни қўшиб айтади ва кейинги талабага коптокчани улоқтиради. Коптокчани олган талаба айтилган харфларни такрорлайди ва яна бир сон қўшиб кейинги талабага отади. Шу тариқа коптокни олган талаба харфларни кетма-кетлигини адаштириб ёки эсидан чиқариб қўйгунга қадар давом этади. Харфларда адашган талаба ўйинни тарк этади ва ўйин яна бошидан бошланади. Шу тариқа сўнги талаба қолгунга қадар давом этади. Ўйин сўнгида энг яхши хотира эгаси бўлган талаба баҳоланади.

“Юмалоқланган қор” ўйин методининг афзаллик томонлари:

- ўқув жараёнида таълим олувчиларда мотивация (қизиқиш)ни шакллантиришга ёрдам беради;

- барча талабалар фаол иштирок этадилар.

«Венн диаграммаси»график органайзери

График органайзер ўқувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш(синтезлаш) кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гуруҳларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади. График органайзер ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш яхши самара беради.

Педагогик тажрибаларни амалга оширишда асосий эътибор уларнинг самарали кечишига қаратилади. Уйғур тилини ўрганишда ҳам ўзбек тили воситачи тил сифатида намоён бўлади. Демак, талабалар “Уйғур алифбоси” мавзуси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим. Талабаларни билимларини текшириш ва умумлаштириш учун “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилади. Бунда талабалар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир фикрга келинади. Бунда “Ақлий ҳужум” методининг оғзаки шаклидан фойдаланилади. таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганлиги сабабли Бунда эса бир қатор шартларни инобатга олиш лозим.

Яъни: Педагогик тажриба самарадорлигини таъминловчи шартлар: тажрибанинг мақбул лойиҳа (дастур) асосида уюштирилиши; тадқиқот илмий фаразининг пухта асосланиши; тадқиқот объектлари ва усулларининг тўғри танланиши; тажриба ўтказилиш вақти ва давомийлигининг аниқланиши; зарур педагогик шарт-шароитлар (асбоб-ускуна, жиҳозлар, воситалар)нинг яратилганлиги; тажриба маълумотларини умумлаштириш, таҳлил қилиш ва натижаларни қайта ишлаш;



**ئۇيغۇر تىلى ئاساس بىلىملىرى**

تىل تاۋۇشلىرى ۋە ھەرپ

سۆزلەرنى تەشكىل قىلىدىغان تاۋۇشلار تىل تاۋۇشلىرى دەپ ئاتىلىدۇ.

تىل تاۋۇشلىرىنىڭ يېزىقتا ئىپادىلىنىشى ھەرپ دەپىلىدۇ.

ھازىرقى زامان ئۇيغۇر تىلىدا 32 ھەرپ بولۇپ، ئۇنىڭ سەككىزى سوزۇق تاۋۇش ھەرپى، 24 ئۈزۈك تاۋۇش ھەرپى.

ئۈزۈك تاۋۇش ھەرپلىرى

سوزۇق تاۋۇش ھەرپلىرى

بوغۇم

سۆزلەر ئېغىزىدىن بىر ۋە بىر قانچە بۆلەكلەرگە بۆلۈنۈپ چىقىدۇ. سۆزنىڭ ئاشۇ بۆلەكلىرى بوغۇم دەپ ئاتىلىدۇ. ئۇيغۇر تىلىدىكى سۆزلەرنىڭ بىر بوغۇمدا بىرلا سوزۇق تاۋۇش ھەرپى بولىدۇ.

Imlo bo'yicha jumla tuzinninglar.

1-بىز خەلق ۈچۈن پىشلىيمىز.  
 ۈلار موسكۋاغا ۇقۇش ۇچۈن كەلدى.

2-مەن سۇزۇشنى بلمەيمەن، لېكىن سۇزۇشنى ياخشى كۆرمەن.

Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг илғор усулларини қўллаш, ўқитиш жараёнида юқори натажаларга олиб келади. Таълим усулларини ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, уни турли-туман замонавий усуллар билан бойитиш таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасининг кўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкили қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очиқда интерфаол усулларни қўллаш ва таълим олувчиларни оммавий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади. Бу усуллар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади.

Интерфаол усулларнинг таълим жараёнидаги самарадорлигини қуйидагича тасвирлаш мумкин

Бу пирамидани таҳлил қилар эканмиз, ўқитиш самарадорлиги фаол усуллардан фойдаланилганда энг юқори бўлишига ишонч ҳосил қиламиз. Ёхуд, улар кўпроқ амалий, семинар ва мустақил ўқиш шаклларида фойдаланишга мойилдирлар. Шунинг учун ҳам, ўқитишнинг бу ташкилий шакллари салмоғи ва аҳамиятига янада кўпроқ эътибор бериш зарур. Бу, таълим олувчиларнинг амалий – касбий малакалари даражасини оширувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Метод танлаш нафақат ўқув мақсадидан, балки ўқув материал мазмунига ва бу фаннинг мураккаблигига боғлиқ. Бундан ташқари методларни танлашда талабаларнинг харфи, уларнинг ўқув имкониятлари, таълимнинг давомийлиги, ўқув-моддий шароитлар ва ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Уйғур алифбоси мавзусини ўқитишда энг самарали усуллардан бири ўйинли методлар деб айта олишимиз мумкин. Бу ўйинли методлар қўлланганда барча талабалар хотирасида унли харф, ундош харфлар ва сўзлар яхши қолганлиги аниқланди.

Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи ҳамда таълим – тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Иванова О.В. Проектирование интерактивной визуальной системы обучения инженерной и компьютерной графике/О.В.Иванова// Актуальные вопросы современной педагогической науки: в материале ИИИИ Международ. заочной научно-практ.конф., 20 ноября 2010г./ИИИ педагогики и психологии; редкол.:М.В.Волкова[И др.]-Чебоксаре,2010.

2. Полат Э.С., Бухаркина М.Е., Моисеева М.В., Петров А.К. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учебн.пос./Под ред.Е.С.Полат.-М.:Издательский центр”Академия”,1999.

3. Muxavedov O‘X., Usmonboeva M.X., Rustamov.S.S. Ta’limni tashkil etishda zamonaviy interfaol metodkar.T.:2016.

4. Inoyatov U.I., Muslimov N.A., Usmonboeva M., Inog‘omova D. Pedagogika: 1000ta savolga 1000ta javob: Metodik q’ollanma. -T: Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universtiteti,2012.

---

### **Умида Мавлянова**

*Катта ўқитувчи, Хитой тили ва адабиёти кафедраси, ТошДШИ*

## **ХИТОЙ ТИЛИДА СОННИНГ ИФОДАСИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада хитой тилида сон тушунчаси ҳақида маълумот берилган. Соннинг илм-фанда ҳам, кундалик ҳаётда ҳам турли вазифаларда ишлатилиши маълум бўлиб, математик миқдорийликнинг хилма-хиллиги ҳам сонлар билан бевосита боғлиқ бўлганлиги Қадимий Хитой мисolidан бошлаб берилганлиги мақолада акс этган. Шу билан бирга Қадимги Хитой башорат ёзувлари “инлар ёзуви” ҳақида ҳам ёзилган. Мақолада кўпгина рус ва дунё олимларининг сон ҳақидаги илмий изланишлари ўрганилган ва уларнинг фикрларидан мисоллар келтирилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Хитой, хитой тили, сонлар, математика, жадвал, ҳисоб тизими, башорат ёзуви, рақам, тур.

**Аннотация.** Данная статья посвящается числительным на китайском языке. Как известно числительные используются не только в науке, но используются также и в быту. Использование разнообразных математических чисел непосредственно связано с времён Древнего Китая. В статье написано об “иньских письмах”, которые считались гадательными надписями. Также изучены научные труды русских и мировых ученых, приведены примеры из них.

**Опорные слова и выражения:** Китай, китайский язык, числа, математика, таблица, система учёта, гадательные надписи, цифры, разряд.

**Summary.** This article provides information on the concept of numbers in Chinese. The fact that the number is known to be used in various tasks both in science and in everyday life, and the variety of mathematical quantities is also directly related to numbers is reflected in the article from the ancient Chinese example. At the same time, the ancient Chinese prophetic notes were also written about the "writing of the nest". In the article, the scientific research of many Russian and World Scientists on the number has been studied and examples of their views are given.

**Keywords and expressions:** Chinese, Chinese language, numbers, mathematics, table, calculation system, prediction writing, number, type.

Сон тушунчаси фундаментал илмий тушунчаларга тегишлидир. Ушбу предметни математика фани ўрганса-да, сонлар ва улар устидан амалиётлар илм-фаннинг барча соҳалари ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ишлатилади. Айтиш мумкинки, сонлар деярли тил каби барча жойларда мавжуд. Шу билан бирга сон тушунчаси тил билан бевосита боғлиқ бўлиб, тилда ўз ифодасини топади. И.А.Бодуэн де Куртенэ ушбу алоқани шундай таъкидлайди: “Миқдорий тасаввурлар, яъни математик фикрлаш (тафаккур) билан тақсимланган ва бирлаштирилган мажмуаси умумий борлиқ томонларининг бирини ташкил қилади. Миқдорий математик фикрлаш билан бирга тил тафаккурининг миқдорий томонини ҳам ўрганиш лозим[1].

Сон илм-фанда ҳам, кундалик ҳаётда ҳам турли вазифаларда ишлатилади. Сонлар ёрдамида биз ҳисоб натижаларини қайд қилишда (йигирма нафар, қирк йил), кўпликнинг унсур (элемент)лари ўртасидаги тартибни белгилашда (биринчи сўзга чиқувчи, миллионинчи яшовчи одам), бирон бир нарсанинг ўлчови натижаларини ифодалашда (бир ярим километрли йўл). Бундан ташқари, сон белгилари сўзлар, ҳарфлар ўрнида қўлланилиши мумкин, масалан, текстни кодлаш учун [2].

Математик миқдорийликнинг хилма-хиллиги (миқёс, макон миқдорийлиги: ўлчовли, икки ўлчовли, уч ўлчовли, кўп ўлчовли, ўлчовсиз; вақт миқдорийлиги, муайян жараённинг давомийлиги; маконга ҳам, вақтга ҳам тегишли сон миқдорийлиги; интенсивлик (шиддатлик), даража миқдорийлиги)ни таъкидлаб, И.А.Бодуэн де Куртенэ унинг барча турларини сонга тенглаштирганди, чунки “макон, миқёс ўлчови, уларнинг давомийлиги, даражаси ва шиддатлигини ҳисоблаб олиш мумкин”[3]. Муҳими шундаки, миқдорий ва сон тасаввурлар (тушунчалар)нинг бу хилма-хиллиги тилда у ёки

бу шаклда ўз ифодасини топади. Шунинг учун “тил тафаккурининг миқдорийлигига қизиқадиган ҳар бир тадқиқотчи юқорида кўрсатилган соф математик миқдорийликнинг барча соҳалар: талаффуз-эшитиш тасаввурлар соҳасида (психофонетика), морфология сўзининг кенг маъносидаги морфологик тасаввурлар соҳасида (гап морфологияси ёки синтаксис, сўзлар морфологияси, флексия, морфемалар ва уларнинг таркибий қисмлари морфологияси, бўғинлар морфологияси, фонемалар морфологияси), семантик тасаввурлар соҳасида; талаффуз-эшитиш тасаввурлардан фарқли равишда ёзув-кўриш тасаввурлар соҳасидадаги мосликларни излаши лозим” [Ўша ерда, 3146].

Мазкур мукамал ифодаланган фикр сон ва миқдорнинг тилдаги семантик майдон чегараларини аниқлаб берган, деб ўйлаймиз. Бироқ, ўзаро мутаносиб тил майдонларини таҳлил қилишдан аввал соннинг умумий семантикаси ҳамда сонга оид тасаввурларни тилда ифода этилиши жараёни ва ҳисоб тизимларини кўриб чиқиш керак.

Маълумки, сон фалсафий ва математик нуқтаи назаридан анчагина кенг абстракцияни намоён қилади, чунки унда “сифатловчи белгиларидан четлашган ҳолда предметлар кўплигининг миқдорини акс эттиради: “беш” сони турли предметларнинг мажмуасини ифодалаши мумкин: олмалар, гуллар, шаҳарлар, хис-туйғулар, давлатлар ва ҳ.к.”. Ва “бир-бирига тенг барча кўпликларда битта умумийлик, эҳтимол, сон бўлади”. Шу билан бирга сон тушунчасининг мураккаблиги ва қарама-қаршилигини таъкилаган ҳолда, Бодуэн де Куртенэ “ҳар қандай сифат миқдорга таянади, чунки предметларнинг бир-биридан сифат жиҳатидан фарқланишлар, бир томондан, муайян бир таркибий унсурларнинг мавжудлиги, иккинчи томондан эса – бошқа унсурларнинг йўқлигига асосланади” .

Миқдор ва сифат семантикаси ўзаро боғлиқлигини нафақат файласуфлар, балки тилшунослар томонидан ҳам қайд қилинган. Гегельнинг миқдор категорияси сифат ғоясидан холи эмаслиги тўғрисидаги фикрини шарҳлаб, Л. Д. Чеснокова шундай ёзади: “Масалан, 4 ва 5 сонлари ўртасидаги фарқлар уларнинг миқдоридаги сифатловчи фарқидан иборат: “тўрт” – тўртта birlikни бирлаштиришдан иборат сифатни ўз ичига олган бу муайян миқдорнинг номи бўлиб, бешта birlikни бирлаштиришдан иборат сифатни ўз ичига олган “беш” сонидан фарқ қилади; 4 ва 5 ўртасидаги миқдор-сифат фарқи битта birlikка тенг. Миқдорий ва сифат тавсифларнинг умумийлиги (бирлиги) айнан шундан ташкил топади”[4]. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб, тадқиқотчи миқдорни ифодалашда сифатлашнинг қуйидаги иккита турини ажратади – ички ва ташқи: муайян миқдорнинг сифати ички маъноси – бу айнан миқдорнинг хусусияти (айнан беш, уч ёки тўрт эмас); ташқи сифат тавсифи – бу ҳисобнинг объектларига ишорадир (“бешта китоб”, икки мартаба кирди” каби бирикмаларда олмалар эмас, айнан китоблар саналади; турли иш-ҳаракатлар эмас, балки “кирмоқ” ҳаракати) [Ўша ерда, 66].

Айтиш мумкинки, “сифат” ва “миқдор” категорияларининг диалектик умумийлиги (бирлиги) сонлар номланишининг категориал семантикасида ҳам ўз аксини топади: “бир”, “кўп”, “олтмиш”, “бир юз” ва ш.к. тушунчаларнинг

бирлиги миқдорни ифодалашдаги умумий ғоясига таянади, бу ғоянинг ўзи эса, мазкур сўзлар гуруҳининг сифат белгисидир. Бундан ташқари сон birlikлари орасидаги миқдорий фарқлар маиший онг томонидан сифатдаги фарқлар деб қабули қилиниши мумкин: олти бешдан *кўпроқ*, лекин еттидан *камроқ*, ўнта тухум бештадан *кўпроқ*.

Эҳтимол, сонни сўз орқали ифодалашнинг энантиосемиклигимуайян сўзлар гуруҳидаги лингвокультурологик коннотацияларнинг асоси (боши) бўлиши мумкин. Сон ғояси эса инсоният маданиятидаги чуқур илдизларга эга.

Турли халқлар қадимги афсонларида сонларнинг пайдо бўлишида худолар ва қахрамонлар номлари билан боғланар эди. Масалан, қадимги юнонликлар сонларни уларга Прометей берган деб ўйлашган. Бабилликлар ушуб нарса учун яримодам-яримбалиқ Оаннесни, мексикаликлар эса – патли илон Кецалькоатльни улуғлашар эди[5]. Қадимги Хитойда сонларнинг вужудга келиши қўйидагича талқин қилинади: одамзоднинг аждоди Фу Си учбурчак ёрдамида доира чизиб, унинг ичига 3, 4, 5 томонларга эга иккита учбурчакдан иборат тўғрибурчакни жойлаштирди. Ушбу сонлар орқали Фу Си борлиқнинг сонли тартибини аниқлаб олган экан[6].

Эҳтимол, илк босқичда сонларнинг пайдо бўлишига маданий сабаблар, яъни ҳар бир халқнинг турмуш тарзи, маиший ҳолати, унинг асосий меҳнати ва дунё ҳақидаги тасаввурлари таъсир кўрсатган. Масалан, атрофдаги оламни “вертикаль” бўйича ердаги, ер остидаги ва самодаги подшоҳликларга бўлган халқларда “уч” сони муқаддас сонга айланган эди. Бошқа халқларнинг тасаввурида эса, олам вертикал бўйича эмас, балки горизонтал бўйича бўлинган, улар дунёнинг тўрт томонини, тўртта “асосий шамол”ни билишган, бу халқларда “тўрт” сони муҳим роль ўйнаган эди. Таҳмин қилиш мумкинки, “вертикал дунёқараш” чегараланган ҳудудларда: ўрмонлар, тоғлардан яшаган халқлар, “горизонтал” эса, текислик, водийларда жойлашган элатларга хос бўлган.

Қадимги хитойликларда олам таркибининг модели беш аъзолик тасаввур қилинган: шимол, жануб, ғарб, шарқ, марказда эса – Самоости, шунинг учун ҳам “беш” сони муҳим роль ўйнаган: ҳисоблашнинг беш ўлчамли тизими Курашаётган Подшоҳликлар даври (эр.ав. V-III асрлар)дан муомала киритилган эди. Беш ўлчамли таснифий-нумерологик тизимнинг устунлиги ўша даврдаги бешта унсурли универсал схемаси билан изоҳланади. А.И.Кобзевнинг фикрига кўра, бу схема “бармоқларда санаш, маконни бешта қисм (олд, орқа, чап, ўнг, марказий)га бўлиш, йирик қора молнинг бош суяги ва суякларида беш ўлчамли фол очиш амалиёти каби маданий ҳодисалари билан генетик тарзда боғлиқ эди”[7].

Олимларнинг таҳмин қилишига, соннинг мавҳум (абстракт) тушунчалари бир неча босқичлардан ўтган. Одамлар ҳар бир овда ўлдирилган ҳайвонни ёки подадаги қўйни тахтада белги қўйиб, арқонда тугун бойлаб, қопчага тош солиб ва ҳ.к.ларни ишлатиб, санашни ўрганар эди. Дастлабки босқичда саналаётган кўплик тасодифий характерга эга бўлган. Бироқ, сон бўйича бошқа кўпликлар билан таққосланаётган дастлабки эталонли кўпликлардан энг “қулай” ва табиийси одамнинг қўл ва оёқларидаги бармоқлар эди. П.Лафаргнинг қайд

қилишига, “бизнинг тил шундан далолат берадики, инсон узунлик бирлиги учун ўзини қўлини, оёғини, кафтини қўллаган; қўл ва оёқ бармоқлари ҳисоб учун хизмат қилган” . Натижада қўл бармоқларини санашда кўпгина тилларда (шу жумладан, хитой тилида ҳам) ўнли рақамлар тизими ўз аксини топди, аммо баъзи тилларда тўртлик сонлар, ўн икки бармоқли<sup>65</sup> ва бошқа тизимлар сақланиб қолган[8]. Бироқ, бир хил типдаги ҳисоб тизимларида сўзлар ифодасида ҳам айрим фарқларни учратиш мумкин.

Масалан, қадимги хитой башорат ёзувларидан маълумки, иньлар (қадимги хитойликларнинг номи) ўнликларда ҳисобни ва фақат сонларнинг биринчи синфида амалга оширишган. Уларнинг энг катта сони 10.000 (*вань*) бўлиб, уни “бутун сон” деб аташган. Шу ердан ҳозирги кунда хитойликлар муомаласида сақланиб қолган “ўн минг йиллик умр” (*Вань су!*) тилаги тарқалди. Сўнг йирик сонлар ҳам пайдо бўлган, лекин ўн мингликлар тури (разряди)ни ажратиш хитой санок (ҳисоб) тизимининг фарқли жиҳати сифатида бугунги кунгача сақланиб қолмоқда. Қуйидаги жадвал мисолида қиёслаш мумкин:

Тур (разряд) номи	Рақам	Ўзбек тили	Хитой тили
Бирликлар	1	Бир	и (биринчи тон)
Ўнликлар	10	Ўн	Ши
Юзликлар	100	Юз	Бай
мингликлар	1000	Минг	Цянь
ўн мингликлар	10.000	ўн минг	<i>Вань</i>
юз мингликлар	100.000	юз минг	ши вань
миллионлар	1000.000	Миллион	бай вань
ўн миллионлар	10.000.000	ўн миллион	цянь вань
юз миллионлар	100.000.000	юз миллион	<i>и</i> (тўрттинчи тон)
миллиардлар	1000.000.000	Миллиард	ши и

Жадвалдан кўриниб турибдики, хитой тилида нафақат бирлик, ўнлик, юзлик ва мингликлар учун бир сўздан иборат номлар, балки ўн мингликлар учун ҳам шундай ном мавжуд. Ўзбек тилида шу каби сонлар мураккаб ном билан ифодаланади. Шу сабабли юқори разрядли сонларнинг номларида фарқ юзага келади. Ўзбек тилидаги “юз минг” хитой тилида “ўнта ўн минг”, “миллион” сони эса, хитой тилида – “юзта ўн минг”, “ўн миллион” сони – хитойча “мингта ўн минг” кўринишига эга. Шу билан бирга, хитойликлар “юз миллион” сўзини ифодалаш учун оҳанг бўйича бир сонига мос бўлган, лекин талаффуз бўйича бошқа тондаги бир сўзли эквивалентни ишлатишади. Шунинг учун “миллиард” сўзи хитой тилида “ўнта юз миллион” шаклига эга.

Шу каби фарқланиш сон ғоясининг ривожланиши турли маданиятларда бир хил бўлмагани билан изоҳланади. Содда ҳисоб тизимлари бугунги кунда

<sup>65</sup>Ўтмишда ўн икки бармоқли тизимнинг кенг тарқалганлиги ҳақида қуйидаги фактлар далолат беради: ханузгаа йил 12 ойга, кун (сутка) 24 соатга бўлинади, кундалик ҳаётда биз соатни фақат 12 гача санаймиз, сўнг ҳисобни бошидан бошлаймиз (*соат бир, соат икки*). Идишлар сервизлари 12 та персона (одам)га мўлжалланган, мебель мажмуаси ҳам 12 та студдан иборат. 12 рақами эртақ ва афсоналарда ҳам учрайди (ўн икки бошли аждар, илон ва ш.к.).

ҳам учратиш мумкин. Масалан, Сахалин ороли ва Амур дарёси қуйида яшовчи нивхларда сонлар саналаётган предметларга боғлиқ. Предметнинг шакли бу ҳолатда муҳим роль ўйнайди, масалан, нивхлар “иккита тухум”, “иккита тош”, “иккита кўрпа” каби бирикмаларда ҳар хил сонларни қўллайдилар. Шунингдек, айрим хабаш (негр) қабилалар ҳамда Тинч океан оролларида яшайдиган кичик халқлар бир хил сонни ифодалаш учун ҳар хил сўзларни ишлатади. Баъзи ривожланган тилларда қадимги ҳисоб тизимларнинг рудиментлари ҳам сақланиб қолган. Масалан, “ибер-кавказ тиллари, хитой тилида сонлар грамматик синфларга мос параллел шаклларга эга; нивх тилида турли синфлар предметлари (жонли, узун, юмалоқ, сузувчи ва х.к.лар)нинг номлари билан қўлланиладиган 26 турдаги сонлар мавжуд” .

Сонлар номлари ҳар қандай турдаги предметлар билан ишлатила олиниши даражасига етгунга қадар, яъни сон тушунчаси саналаётган предметлардан бутунлай абстрактлашгунча, инсон тафаккури мураккаб ва узоқ йўлни босиб ўтиши керак эди. Олимларнинг фикрига кўра, кардинал бутун соннинг ривожланиши жараёни “тилда сон кўринишида қайд қилинган абстракт бутун сонлар синфининг эталон кўплик сифатида ажраб чиқиши” билан якунланади. Айнан сонлар солиштириладиган тилларда сондаги семантик майдоннинг ядроси ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бодуэн де Куртенэ И.А. Количественность в языковом мышлении. М.,1963, 34-б.
2. Горский Д.П. Начальный этап формирования понятий о количественных и порядковых числах.М.,1961, 226-227-б.
3. Бодуэн де Куртенэ И.А. О смешанном характере всех языков.М., 1963, т. 2, 313-б.
4. Чеснокова Л.Д. Процесс счета и способы его выражения в современном русском языке. М., 1992, 5-б.
5. Депман И.Я. Виленкин Н.Я. За страницами учебника математики: Пособие для учащихся. М., 1989, 16-б.
6. Малявин В.В. Китайская цивилизация .М.,2000.317-б.
7. Кобзев А.И.Учение о символах и числах в китайской классической философии.М.,1994, 46-б.
8. Горелов В.И.Теоритическая грамматика китайского языка. М., 1998. 67-б.

---

***Нодир Нуриддинов***

*Ўқитувчи, Эрон-афгон филологияси кафедраси, ТошДШИ*

**КОМПОНЕНТИ ФЕЪЛНИНГ ҲОЗИРГИ ВА ЎТГАН ЗАМОН НЕГИЗИ  
БЎЛГАН КОПУЛЯТИВ ҚЎШМА СЎЗЛАР**

**Аннотация:** *Копулятив қўшма сўзлар лексикализация усули орқали ясалувчи қўшма сўзлардир. Копулятив гуруҳдаги қўшма сўзларнинг компонентлари семантик жиҳатдан тенг муносабатга эга бўлади. Мазкур мақола форс тилидаги копулятив қўшма сўзларга оид назарий фикрлар тадқиқи, тилшунос-эроншунос олимларнинг мавзу юзасидан билдирган фикрлари таҳлилга бағишланган. Мақолада копулятив қўшма сўз термини, унинг рус ва эронлик тилшуносларнинг асарларида ўрганилиши ҳақида сўз юритилиб, ҳозирги ва ўтган замон негизи орқали ясалган копулятив қўшма сўзлар манбалардан тўпланган мисоллар орқали структур-семантик жиҳатдан таҳлилга тортилади.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *копулятив қўшма сўз, ҳозирги замон негизи, ўтган замон негизи, лексикализация, содда феъл, сермахсул, структур-семантик таҳлил.*

**Аннотация:** *Копулятивные сложные слова – это такие сложные слова, которые образуются путём лексикализации. Компоненты копулятивных сложных слов семантически равноправны. Данная статья посвящается изучению теоретических представлений о персидских копулятивных сложных слов, и анализу взглядов лингвистов-иранистов по данному вопросу. В статье исследуется термин “копулятивное сложное слово” и его изучение в произведениях русских и иранских лингвистов. А также с примерами, собранными из источников, осуществляется структурно-семантический анализ копулятивных сложных слов, образованных от основ настоящего и прошедшего времени.*

**Опорные слова и выражения:** *копулятивное сложное слово, основа настоящего время, основа прошедшего время, лексикализация, простой глагол, продуктивный, структурно-семантический анализ.*

**Summary:** *Copulative compounds are such compound words that are formed by lexicalization. The components of copulative compounds are equal by semantic. This article is dedicated to study theoretical ideas (concepts) about copulative compounds and the analysis of the opinions of linguists-iranists on this theme. The article also discusses the term “copulative compound” and its studying in scientific works of Russian and Iranian linguists. As well as with examples collected from sources it is carried out structural-semantic analysis of copulative compounds formed by stems of present and past tenses.*

**Keywords and expressions:** *copulative compound, stem of present tense, stem of past tense, lexicalization, productive, structural-semantic analysis.*

**Кириш.** Форс тилининг тарихий ривожига копулятив сўз бирикмаларининг лексикализацияга учраши, компонентларининг ўзаро лексик-семантик, грамматик ва фонетик яқинлиги кузатилади. Бу турдаги қўшма сўзлар интерфикс билан икки лексик морфеманинг қўшилишидан юзага келади ва эрон тилшунослигида улар “копулятивлар”, “копулятив қўшма сўзлар” каби



номлар билан аталади. Форс тилига оид лингвистик адабиётларда бу терминлар айнан боғловчилитипдаги қўшма сўзларни ифодалаш учун ишлатилади [8:75].

КҚС (копулятив қўшма сўзлар)да детерминаторлар мавжуд бўлмайди, чунки унинг таркибий қисмлари семантик жиҳатдан тенг ҳуқуқлидир.

Рус эроншуносларининг XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларигача ёзилган асарларининг хронологик таҳлили [1], [3], [4], [2], [5] КҚС улар томонидан “қўшма сўзлар” бўлимида ўрганилгани ва *composita copulativa* номи билан аталганини кўрсатади.

Л.С. Пейсиков эса ўзининг “Очерки по словообразованию персидского языка” номли асарида копулятив қўшма сўзларнинг 15 банддан иборат турини келтиради [6:159-168].

Эронда нашр этилган форс тили грамматикаларида ҳам бу мавзу, одатда, қўшма сўзлар бўлимида ўрганилади. Айнан бир турдаги сўзларнинг ҳам қўшма сўзлар *کلمات مرکب kalemāt-emorakkab*, ҳам сўз бирикмалари *ترکیبات tarkibāt* сифатида ўрганилиши тез-тез кўзга ташланади. Эрон дастурнавислари томонидан копулятив бирликлар *کلمات مزدوج kalemāt-e mozdavaj* [12:110] “иккиланган, жуфт сўзлар”, *ترکیبات معطوف و معطوف الیه tarkibāt-e ma'tuf-o ma'tufon eleyh* [13:57] “боғланувчи ва боғловчи билан боғланган бирликлар”, *کلمات جفت kalemāt-e joft* [14:380] “жуфт сўзлар”, *اسمهای مرکب متوازن esmhā-ye morakkab-e motavāzen* [15:193] “копулятив қўшма отлар”, *ترکیب های عطفی tarkibhā-ye atfi* “боғловчили қўшма сўзлар”, *ترکیب متوازن tarkib-e motavāzen* “копулятив қўшма сўз”, *ساخت همپایه sāxt-e hampāye* [11:33] “тенг конструкция”, *کلمات پیوندی kalemāt-e peyvandi-ye morakkab* [10:81] “боғловчили қўшма сўзлар” каби терминлар билан аталади.

Тадқиқот мавзусига оид КҚСлар Эрон ёзувчиларининг асарлари ҳамда интернет сайтларидан олинган маълумотлар асосида тўпланди. Хусусан, Содиқ Ҳидоятнинг “سه قطره خون” (Техрон, 1331), Муҳаммад Али Жамолзоданинг “زن زيادی” (Техрон, 1331), Жалол Оле Аҳмаднинг “نفرین زمین” (Техрон, 1346), “پنج داستان” (Техрон, 1356), Муҳаммад Бехозиннинг “پشت بام حاج حسن” (Техрон, 1355), Жаъфар Шаҳрийнинг “حاجی دو باره” (Техрон, 1356), “شکر تلخ” (Техрон, 1357), “بادها خبر از تغییر فصل می” (Техрон, 1357), Жамол Мирсодиқийнинг “تهران قدیم” (Техрон, 1357), Аҳмад Маҳмуднинг “داستان یک شهر” (Техрон, 1370), Ислом Козимиянинг “قصه های کوچه دلخواه” (Техрон, 1347) каби асарлари тадқиқот ишимизга манба сифатида хизмат қилди. Манбалардан тўпланган мисоллар *محمد فرهنگ فارسی عامیانه* нинг *ابو الحسن نجفی*, [14] изоҳли луғати [14] ҳамда Ю.А. Рубинчик таҳрири остидаги “Персидско-русский словарь” [7] луғатида берилган маънолар асосида таҳлилга тортилди.

**Мақсад ва вазифа.** Тадқиқотнинг мақсади копулятив бирликлар, хусусан, таркибий қисмлари ҳозирги ва ўтган замон негизларининг бирикувидан иборат копулятив қўшма сўзларнинг структур-семантик таҳлилини амалга оширишдан иборат. Шу мақсадда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- копулятив қўшма сўзларга оид тадқиқотларни ўрганиш;
- манбалардан таркибий қисмлари ҳозирги ва ўтган замон негизлари бирикувидан иборат копулятив қўшма сўзларни аниқлаш;

– аниқланган копулятив қўшма сўзларнинг структур-семантик таҳлилини амалга ошириш.

**Усуллар.** Тадқиқот усули сифатида структур-семантик таҳлил усулидан фойдаланилди.

**Натижалар ва мулоҳаза.** КҚС таркибидаги ҳозирги ва ўтган замон феъл негизлари синтактик мустақил бўлмаган сўз морфема саналади. Манбалардан бундай ҳосилаларнинг қуйидаги тўрт тури кузатилди:

**1. Иккита бир хил ёки турли хил феъл ХЗНнинг бирикуви:** بندبر *bandbarband* “узлуксиз”, “тўхтовсиз” (*bastan* بستن “ёпмоқ”, “боғламоқ”), *jombojuš* “ҳаяжон”, “ғалаён”; “жонланиш”; “шовкин-сурон”, “қий-чув”; “ҳаракатчанлик”, “фаоллик” (*jombidan* جنبيدن “ҳаракатланмоқ”, *jomb* جنب “қайнамоқ”), (*jušidan* جوشيدان “қайнамоқ”), (*dāronadār* داروندار “бутун мол-мулк” (*dāštan* داشتن “эга бўлмоқ”), (*dārogir* داروگير “тортишув”, “жанг”; “қий-чув”, “тўпалон” (*dāštan* داشتن “эга бўлмоқ”, *gereftan* گيرفتن “олмоқ”) ва б.

Қуйидаги мисоллардаги *picotāb* پيچ و تاب *picotāb* КҚСлари қўшма феълнинг от қисми вазифасидадир:

*Az zur-e xande picotāb mixord* “Кулгунинг кучидан **буралиб** қоларди” (سه قطره خون، تهران، امير کبير، 1330، 46 صادق هدايت).

صبح تا عصر می خوابیدند. روزهاشان با دلتنگی و نق و نوق تمام می شد ... شبها انگار زنده می افتادندشندند و *Sobh tā asr mixābidand. Ruzhāšān bā deltangi va neyonuy tamām mišod ... Šab-hā engār zende mišodand va jombojuš mi-oftādand* “Эрталабдан кечгача ухлардилар. Кунлари норозилик ва зорланиш билан ўтарди. Кечалари худди тирилик қолгандек **ҳаракат**га тушардилар” (بادها، ۲۴۲).

*girodār* گيرودار КҚС (*gereftan* گيرفتن “олмоқ”) ва *dāštan* داردار “эга бўлмоқ” феъллари ҳозирги замон негизларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. *girodār* گيرودار КҚСнинг асл маъноси “уруш-жанжал”, “тўқнашув” бўлиб, оғзаки нутқда эса “банд бўлиш”, “машғул бўлиш” маъноларини ҳам англатади.

*Āyā -ye Hamid girodār-e xāndan-e ruznāte bud.* “Жаноб Ҳамид газета ўқиш билан **банд**эди” (مختار بهزاد، ۱۳۰۲، ۳۰۰-۳۰۱) “پشت بام “ حاج حسن 3-6).

Бир феълнинг бўлишли ва бўлишсиз шаклдаги ХЗН ўзаро бирикиб КҚС ҳосил қилади:

*U tamām-e dāronadāraš-rā az dast dād* “У бутун **мол-мулкидан** айрилди” (150-b) “داستان یک شهر” (Аҳмад Маҳмуд).

**2. Бир феълнинг ҳам ўтган, ҳам ҳозирги замон негизларининг бирикуви:** *bastoband* بست و بند “бириктиргич”, “қисқич”; “бирикма”, “бириктирилган жой”; “турник”, “ҳари” (*bastan* بستن “ёпмоқ”, “боғламоқ”), (*jostoju* جوستو “кидирув”, “тергов” (*jostan* جوستان “қидирмоқ”), (*sāxtosāz* ساخت و ساز “тайёрлик”, “тайёргарлик”, “вужудга келиш”, “тузиш”; “структура”, “тузилиш” (*sāxtan* ساختن “қурмоқ”), (*šostu* شوشو “ювиниш”, “чўмилиш”, “тахорат қилиш”; “ювиш” (*šostan* شوستان “ювмоқ”) ва б.

Abdolloh: mahall-e *budobāš-e sarān-e tālebān roušan ast niyāz be touzih nadārad* “Абдуллоҳ: Толибон раҳбарларининг **қароргоҳи** маълум, изоҳга ҳожат йўқ” ([www.tolonews.com](http://www.tolonews.com))

bastan феълининг ЎЗН ва ХЗН бирикувидан иккита КҚС ясалиши кузатилди. Биринчи ҳолатда ХЗН+ЎЗН (*bandobast* “махфий келишув”), иккинчисидан эса ЎЗН+ ХЗН (*bastoband* “турник”) шаклида тузилган бўлиб, таркибий қисмлар ўрнининг алмашиши КҚС маъносининг ўзгаришига сабаб бўлмоқда:

*Dādgostari-ye Ārjāntin: Zarbe-ye nehāyi bar bandobast bā rejim* “Аргентина адлияси: Давлат тузуми билан **махфий келишувга** берилган сўнги зарба” ([www.vimeo.com](http://www.vimeo.com))

Мисолларда келтирилган *roftorub* ва *roxtopaz* доخت ва *roftan* “супурмоқ” ва *duxtoduz* сўзларида *roxtan* “пиширмоқ”, *roftan* “супурмоқ” ва *duxtan* “тикмоқ” феълларининг ҳам ўтган, ҳам ҳозирги замон феъл негизлари кўшилиб КҚС ҳосил қилмоқда.

*Xāle-am az sobh to šām ta šam ba yekt va yez gaza va roft va rozb* *mašgul bud* “Холам эрталабдан кечгача **овқат пишириш** ва **тозалаш** билан машғул эди”. (А. Маҳмуд “داستان یک شهر” 94-b).

*Jelu-ye panjare nešaste bud va duxtoduzmi-kard* “Дераза ёнида ўтирган эди ва **тикувчилик** қиларди” (қисса 37-кўча, 37)

66 *gereftogir* КҚС А. Нажафийнинг фарси ғамияне луғатида “ишнинг секинлашишига сабаб бўлувчи катта тўсиқ” маъносини ифодалаган:

این آقا مهندس ما همه کارش را کرده، همه دقت و محاسبه ای که باید در کار بکند کرده، مصالح بی *In āyā mohandes-e mā hame kāraš-rā karde, hame deyyat-o mohāsebe-i ke bāyad dar kār bekonad karde, mosāleh-e bihesāb ham zir-e dastaš bude va az hič jehat gereftogiri nadāsteast* “Бизнинг бу жаноб муҳандис ҳамма ишини бажариб, ишда қилиши керак бўлган барча текширув ва ҳисоб-китобларни амалга ошириб, қўл остида беҳисоб зарурий воситалари бўлган ҳолда ҳеч бир жиҳатдан **катта тўсиққа** учрамаган” (81) (حاجی دوباره،)

Манбаларда *keštokār* “деҳқончилик”, “экин-тикин” КҚСга синоним сифатида *keštozar* сўзи ҳам ишлатилиб, феълнинг ХЗН *kār* ўрнига “экин” маъносини англатувчи арабча ўзлашма *zar* сўзи ишлатилган.

3. Турли феълларнинг ўтган ва ҳозирги замон негизларининг бирикуви: *charidoforuš* “олди-сотди”, “савдо-сотик”, “савдо битими” (*charidan* *charid* (ЎЗН) “сотиб олмоқ”, *foruxtān* *forušt* (ХЗН) “сотмоқ”), *xoftoxiz* “ҳаяжон”, “безовталиқ”; “бирга (бир уйда) яшаш”; “аста-секинлик”, “мўътадиллик” (*xoftān* *xoft* (ЎЗН) “ухламоқ”, *xāstan* *xiz* (ХЗН) “ўриндан турмоқ”, “уйғонмоқ”), *gaštogozār* “сайру саёҳат, тамоша учун турли жойларга сафар” (*gaštān* *gašt* (ЎЗН) “айланмоқ”, *gozār* *gozār* (ХЗН) “қўймоқ”), *jastoxiz*

، ابو الحسن نجفی. فرهنگ فارسی عامیانه (جلد دوم). تهران: نیلوفر، ۱۳۷۸، ص. ۶۶۱۲۳۱

“сакраш”, “ирғиш” (جاست *jast* (ЎЗН) “сакрамоқ”, خاستن *xāstan* (ХЗН) “ўриндан турмоқ”, “уйғонмоқ”).

می خواستم آن ده پانزده روز را مال خودم باشم، به گشت و گذاری، یا ددر رفتنی، یا دیدن شهر تازه  
*Mixāstam ān dah pānzdah ruz-rā māl-e xodam bāšam, be gaštogozāri, yā dadar raftani, yā didan-e šahr-e tāze-i* “Ўша ўн-ўн беш кун ўз ихтиёримда бўлишини хоҳлардим, сайру-саёҳатга, ё кўча дайдишга, ёки бир янги шаҳарни кўришга”  
(نفرین زمین، ۲۰۸)

#### 4. Турли феълларнинг ўтган замон негизларининг бирикуви:

Компоненти феълнинг ўтган замон негизи бўлган копулятив қўшма сўзларнинг интерфикс орқали бирикуви кузатилади: آمد و شد *āmadošod* “уёқданбуёққаюриш”; “ҳаракат”; “бир-бириникўришгабориш” (آمدن *āmadan* “келмоқ”, شدن *šodan* “бўлмоқ”, “айланмоқ”), آمدورفت *āmadoraft* “уёқдан буёққа юриш; “ҳаракат”; “бир-бирини кўришга бориш” (آمدن *āmadan* “келмоқ”, رفتن *raftan* “бормоқ”, “кетмоқ”), رفت و آمد *raftoāmad* “борди-келди”, “ҳаракат”, “алоқа” (رفتن *raftan* “бормоқ”, “кетмоқ”, آمدن *āmadan* “келмоқ”), خورد و خورد *zadoxord* “жанжал”, “тўқнашув” (زادن *zadan* “урмоқ”, خوردن *xordan* “емоқ”) ستاد و ستاد *dādosetād* “савдо-сотик” (دادان *dādan* “бермоқ”, ستادن *setādan* “олмоқ”), نیامد و نیامد *āmadonayāmad* “шубҳали ривожланиш” (آمدن *āmadan* “келмоқ”), برگشت و برگشت *gaštobargašt* “қийин”, رفت و برگشت *bargaštan* “қайтмоқ”, برگشتن *gaštan* “айланмоқ”, برگشتن *bargaštan* “қайтмоқ”), رفتن *raftan* “бормоқ”, برگشتن *bargaštan* “қайтмоқ”), رفتن *raftan* “бормоқ”, برگشتن *bargaštan* “қайтмоқ”), رفت و رفت *kuftoruft* “мукулларнинг чарчаши”, “қаттиқ чарчаш”; “таъна”, “танбех” (кўч.маъно) (رفتن *kuftan* “урмоқ”, “янчмоқ”, رفتن *ruftan* “супурмоқ”), رفتن *goftan* “айтмоқ”, گفت و گفت *goftoşonud*, شنید و شنید *goftoşenid* “диалог”, “суҳбат” (رفتن *goftan* “айтмоқ”, شنیدن *šenidan* “эшитмоқ”).

Hālā ke bābām rafte  
*bud safar digar māne’i barā-ye raftoāmad bā Asyar āyā nadāštam* “Ҳозир отам сафарга кетган вақтда энди Асғар Оға билан алоқа (борди-келди) қилишимга монёлик йўқ эди”. (پنج داستان، ۴۴)

Miravam ruberu mišavam va  
*agar lāzem šod zadoxord mikonam* “Юзлашишга кетяпман ва агар керак бўлса муштлашаман” (شکر تلخ، ۵۹۰)

Манбалардан тўпланган мисолларда *kuftoruft* КҚСнинг “мукулларнинг чарчаши”, “қаттиқ чарчоқ” ва “таъна”, “танбех” каби икки хил маънода ишлатилиши кузатилди:

Bā in moštomāl,  
*andakandak kuftoruft-e moštari birun miāmad* “Бу уқалаш (массаж) билан аста-секин миждонинг қаттиқ чарчоғи чиқарди” (تهران قدیم، ۲۴۸)

*kuftoruft-e mādar va xāharaš-rā šenidam* ...  
“Онаси ва опасининг таъна-ю танбехини эшитдим” (زن زیادى، ۱۰۶)

**Хулоса.** Манбалардан тўпланган мисоллар таҳлили натижасида компоненти феълнинг ҳозирги ва ўтган замон негизи бўлган КҚСнинг қуйидаги 4 та модели аниқланди: иккита бир хил ёки турли хил феъл ХЗНнинг бирикуви (11 та), бир феълнинг ҳам ўтган, ҳам ҳозирги замон негизларининг бирикуви (12 та), турли феълларнинг ўтган ва ҳозирги замон негизларининг бирикуви (4 та), турли феълларнинг ўтган замон негизларининг бирикуви (11 та).

Шунингдек, бир феълнинг бўлиши ва бўлишсиз шаклдаги ҲЗН ўзаро бирикиб, КҚС ҳосил қилиши, баъзи КҚСлар кўшма феълнинг от қисми сифатида келиши, феълнинг ўЗН ва ҲЗН таркибий қисмларининг ўрин алмашиши КҚС маъносининг ўзгаришига сабаб бўлиши аниқланди. Компоненти феълнинг ўЗН бўлган КҚС (11 та) асосан содда феъллардан ясалиши кузатилди. Мазкур содда феъллар (14 та) орасида *آمدن āmadan*, *رفتن raftan*, *شدن šodan* феълларининг сермахсуллиги аниқланди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Березин И.Н. Грамматика персидского языка. Казань, 1853. 494 с.
2. Бертельс Е.Э. Грамматика персидского языка. Л., 1926. 129 с.
3. Залеман К.Г., Жуковский В.А. Краткая грамматика новоперсидского языка с приложением метрики и библиографии. СПб., 1890, 107 с.
4. Жафар М. Грамматика персидского языка. 2-е изд. (с участием академика Ф.Е.Корша). М., 1901, С. 247-254.
5. Жирков Л.И. Персидский язык. Элементарная грамматика. М., 1927. 207 с.
6. Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. М., 1973. 200 с.
7. Персидско – русский словарь в двух томах под. ред. Ю.А.Рубинчика. М.: Русский язык, 1983. I том 800 с, II том 864 с.
8. Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. – М., 1981. 276 с.
9. ابو الحسن نجفی. فرهنگ فارسی عامیانه. تهران، نیلوفر. ۱۳۷۸
10. ان کلباسی. ساخت اشتقاقی واژه در فارسی امروز. تهران: موسسه مطالعات و تحقیقات فرهنگی. ۱۳۷۱
11. بشیر جم. چگونگی تشکیل ترکیب های عطفی و تمایز آنها از گروه های نحوی // مجله پژوهش های زبانشناسی. تهران، ۱۳۹۱
12. خسرو فرشیدورد. دستور امروز. تهران، ۱۳۴۸
13. محمد جواد شریعت. دستور زبان فارسی. تهران، ۱۳۷۰
14. محمد معین. فرهنگ فارسی. شامل سه بخش: لغات، ترکیبات، خارجی. جلد 6-1. تهران، ۱۳۷۵
15. علاء الدین طباطبایی. ترکیب در زبان فارسی // نامه فرهنگستان ۹/۳. تهران، ۱۳۹۰
16. [www.tolonews.com](http://www.tolonews.com)
17. [www.vimeo.com](http://www.vimeo.com)

*Арипов Махаммадҷон*

*Ўқитувчи, Туркий тиллар кафедраси, ТошДШИ*

## НИКОҲДА АЙТИЛАДИГАН ТИЛАК ВА ДУОЛАР

*Аннотация. Никоҳ куні айтиладиган Туркча тилак ва олқишлар адабий асарлар, илмий мақолалар ва сўзлашув нутқда мавжудлари орасидан саралари*

ажратиб олинди. Уларнинг таржимаси ва қўлланилиш вақти ҳақида мисоллар берилди. Туркияда тўй билан боғлиқ маросимлар ҳар бир вилоятнинг ўзига хос маҳаллий удимлари билан бирга билдирадиган тилаклари ҳам мавжудлигини исботлайди. Тўй куни келган меҳмонларнинг келин ва куёвга ҳамда уларнинг ота-онасига ва ёшларга ҳам айтадиган тилаклар уларнинг руҳиятига ўзининг ижобий таъсирини кўришимиз мумкин. Ота томонида ўз қизига айтилган тилакда ҳам самимийлик ҳамда қаттиқ огоҳлантириш маъноларини кўриш мумкин. Ушбу мақолада никоҳ куни келин ва куёв учун айтиладиган тилак ва олқишлар орасидан саралари саралаб олинган. Уларнинг семантик жиҳатлари таҳлил қилиша қаратилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** *düğün alkışı/algışı* (тўй дуоси), *gelin alkışı*, (келин дуоси), келинни мадҳ этиш туркулари

**Аннотация.** Турецкие пожелания Дня свадьбы отбирались из существующих литературных произведений, научных статей и речи. Приведены примеры их перевода и время применения. Свадебные церемонии в Турции доказывают, что в каждой провинции наряду с местными традициями есть свои пожелания. Пожелания гостей в день свадьбы для жениха и невесты, а также их родителей и молодежи, мы можем увидеть положительное влияние их настроение. Пожелания отца к дочери также можно рассматривать как слова искренности и серьезного предупреждения. В этой статье мы отобрали наилучшие пожелания для жениха и невесты. Их семантические аспекты предусмотрены для анализе.

**Опорные слова и выражения:** Свадебная молитва, молитва невесты, категории хвалит невесты

**Summary.** Turkish wedding day wishes were selected from existing literary works, scientific articles, and speech. Examples of their translation and application time are given. Wedding ceremonies in Turkey prove that each province has its own wishes along with local traditions. Wishes of guests on the wedding day for the bride and groom, as well as their parents and youth, we can see the positive impact of their mood. Father's wishes for his daughter can also be seen as words of sincerity and serious warning. In this article, we have selected the best wishes for the bride and groom. Their semantic aspects are provided for analysis.

**Keywords and expressions:** Wedding prayer, bride prayer, categories praises the bride

Шарқда яшайдиган халқлар бой маданий меросга эгадир. Бу халқлар урф одатлари ва миллий қадриятларида бу сўзимизга кўплаб исбот топшимиз мумкин. Барчамизга маълумки туркий халқлар оилавий ришталарни мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор қаратадилар. Оилавий муносабатлар, яқин қариндош уруғчилик муносабатлари ва хаттоки бегоналар билан ҳам яқин оилавий муносабат ўрнатадилар. Бу муносабатларда тўй маросимининг ўрни каттадир. Тўй турк халқи ижтимоий маданий ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлган катта ҳаражат сарфланадиган ва бир неча миллий урф одатларни ўзида

мужассам этган, тантанадир. У кенг миқёсда нишоланадиган маросим ҳисобланади. Тўйга келин ва куёвни яқин таниган инсонлар ҳамда оила ришталари боғланаётган икки хонадонга қадрли бўлган инсонлар таклиф қилинади. Таклиф қилинган катта ва кичик меҳмонларнинг барчаси оила қураётган келин ва куёвни ўпиб ёки масофадан туриб уларга бахт саодат, фаровон ҳаёт, келажакда фарзандли бўлишларини тилаб тилак/олқиш/дуолар билан табриклайдилар. Бу туркларнинг маданиятида кенг тарқалган одатлардан биридир.

*Allah ağız dadıynan geçinme nasib etsin* (Аллоҳ гўзал ҳаёт насиб этсин), *Allah ayırmasin* (Аллоҳ (бир бирингиздан)айирмасин). *Allah başka yüz göstermesin* (Аллоҳ бошқа юз кўрсатмасин), оила қураётган ёшларни ажрашиб кетмасликлари ва бошқа оила қурмасликлари тиланади. *Allah bir yastıkta kocalatsın* (Аллоҳ бир ёстикда кўпайтирсин), *Allah güle güle geçinme nasib etsin* (Аллоҳ ҳурсандчиликда яшашни насиб қилсин), *Allah mutlu etsin./ Allah mesud etsin* (Аллоҳ бахтли қилсин/Аллоҳ харли қилсин). *Allah muhabbetinizi artırsın* (Аллоҳ муҳаббатингизни зиёда қилсин). *Allah ölene kadar ayırmasin* (Аллоҳ умрингизни охиригача бирга қилсин). Қўйидаги икки тилак тўйда иштирок этаётган оила қурмаган ёшларга қараб айтиладиган тилаклардир. *Allah sana da kısmet etsin* (Аллоҳ сенга ҳам тақдир қилсин), *Allah olmayannara da nasib edsin* (Аллоҳ оила қурмаганларга шундай кунлардан тасиб қилсин.), *Allah size bol bol çocuklar versin* (Аллоҳ қўша қўша фарсандлар берсин) бу тилак ҳозирга кунда тўйларда кам айтилаётган тилаклардфн ҳисобланади. Чунки замонавий ёшлар кўп болалик бўлишни истамайдилар. Аввалари турк оилаларда ҳам 5,6 нафардан ортиқ болаларни тарбия қилишар эди. Эндиликда бундай дуолар ёши улуғлар томонида айтилмоқда. *Darısı bekârların başına Sizlarğa ҳамнасиб қилсин.* (уруғи, дони оила қурмаганларни бошига сочқув) бу тилак тўйи бўлаётган келин ва куёвнинг турмуш қурмаган дўстларига айтилади. Уларга ҳам шундай кунлар насиб қилсин деган маънода айтилади. *Güle güle geçinsinler* (Ҳурсандчиликда яшасинлар), *Hayırlısı olsun* (хайрли бўлсин), *Sonları güzel olsun inşallah* (Худо хоҳласа оқибатлари гўзал бўлсин), *Allah torun torbaya karıştırırsın* (Аллоҳ ували жували қилсин) каби тилаклар билдирилади.

سَمَّيْتُهُ يَحْيَى لِيَحْيَى وَ لَمْ يَكُنْ إِلَى رَدِّ أَمْرِ اللَّهِ فِيهِ سَبِيلٌ

(Sammaytuhu **Yaḥyá** li-**yaḥyá** wa lam yakun 'Ilá raddi 'amril-lāhi fihi sabīl<sup>un</sup>)

75.

Маъноси: «**Яшаб қолиши** учун уни **Яҳё** деб атадим, Аммо Аллоҳнинг иродасига қарши чора йўқ».

Биринчи сўз يَحْيَى (Yaḥyá) – атоқли от, иккинчи сўз эса ҳозирги-келаси замон феъли, «яшамоқ» маъносида.

2. Тўлиқ-бирикмали омоним (الْجِنَاسُ التَّامُّ مُرَكَّبٌ – al-jinās<sup>u</sup> at-tāmm<sup>u</sup> murakkab<sup>un</sup>) – бу хил омонимлик бир мустақил маъноли содда сўз ва бирикма ўртасида юзага келади. Бунда бирикма бир сўз ва бошқа бир сўзнинг бир қисми жамланмасидан иборат бўлиши ҳам мумкин.

Тўлиқ-бирикмали омоним 4 турли бўлади:

А) Тўлиқ-бирикмали-ясама омоним (الْجِنَاسُ التَّامُّ مُرَكَّبٌ الْمَرْفُوعُ – al-jinās<sup>u</sup> at-tāmm<sup>u</sup> murakkab<sup>un</sup> al-marfuw). Бунда бир сўз бошқа сўзнинг бир қисми билан бирга яхлит олинганда, бошқа бир сўзга омонимлик ҳосил қилади. Масалан:

الْمَكْرَمَةُ مَهْمَا اسْتَنْطَعْتُ لَا تَأْتِيهِ لِتَقْتَنِي السُّودَدَ وَالْمَكْرَمَةُ

(Al-**makra mahmā** ma-staṭa'tu lā ta'tihi, Li-taqtaniya as-su'dada wa-l-**makramah**)<sup>76</sup>.

Маъноси: «**Сен ҳар қанча макр қилма, саховат ва мойиллигингни яшира олмайсан**».

<sup>74</sup> 'Abd<sup>u</sup> al-Qāhir<sup>i</sup> al-Jurjāniyy<sup>u</sup>. 'Asrār<sup>u</sup> al-balāghat<sup>i</sup>. –Bayrūt: Dār<sup>u</sup> al-kitāb<sup>i</sup>, 2001. –§.15.

<sup>75</sup> 'Aliy al-Jarām, Muṣṭafá 'Amīn. Al-balāghat<sup>u</sup> al-wāḍiḥat<sup>u</sup>. –London: Dār<sup>u</sup> al-ma'ārif<sup>i</sup>, 1999. –§.263. (таржима бизники).

<sup>76</sup> 'Aliy al-Jarām, Muṣṭafá 'Amīn. Al-balāghat<sup>u</sup> al-wāḍiḥat<sup>u</sup>. –London: Dār<sup>u</sup> al-ma'ārif<sup>i</sup>, 1999. –§.264.

Байтнинг биринчи мисрасидаги сўз + бўғин (**al-makra mah**) биргаликда иккинчи мисра охирида келган бутун сўз (**al-makramah**) билан омоним бўлмоқда.

Б) Тўлиқ-бирикмали-ўхшаш омоним (الْجِنَاسُ التَّامُّ مُرَكَّبٌ الْمُتَشَابِهُ – al-jinās<sup>u</sup> at-tāmm<sup>u</sup> murakkab<sup>unn</sup> al-mutashābih<sup>u</sup>). Бунда бир сўз бутун бирикма билан ҳам ёзилишда, ҳам талаффузда омонимлик ҳосил қилади. Масалан:

إِذَا مَلَكَ لَمْ يَكُنْ ذَاهِبَةً فَدَعَا فَدَوَّلَتْهُ ذَاهِبَةً

(‘Idhā malakun lam yakun **dhāhibah**, Fada’hu fadawlatuhu **dhāhibah**)<sup>77</sup>.

Маъноси: «Агар подшоҳ мурувватли бўлмаса, Огоҳлантурки, давлати тезда кетгувчидир».

Бу байтда биринчи мисра зарбидаги сўз билан иккинчи мисра ажзидаги сўз ҳам қофиядош, ҳам омонимдир. Кўринишидан бу сўзлар бир хил сўзга ўхшаса-да, аслида биринчи мисрадаги ذَاهِبَةً (dhāhibah) сўз бирикмасидир (+ ذَاهِبَةً), яъни «мурувват эгаси» маъносида.

В) Тўлиқ-бирикмали-боғланган омоним (الْجِنَاسُ التَّامُّ مُرَكَّبٌ الْمَلْفُوفُ – al-jinās<sup>u</sup> at-tāmm<sup>u</sup> murakkab<sup>unn</sup> al-malfūf<sup>u</sup>). Омонимларнинг бу ўзига хос тури бўлиб, бунда бир мустақил маъноли сўз бошқа бир сўз бирикмаси билан талаффузда ўхшаш бўлади, бироқ ёзувда кичик фарқ кўзга ташланади. Масалан:

فَقُلْ لِنَفْسِكَ أَيُّ الضَّرْبِ يُوجِعُهَا ضَرْبُ النَّوَاقِيسِ أَمْ ضَرْبُ النَّوِيِّ قَيْسِي

(Fa-qul li-nafsika ‘ayy-i-d-ḍarba yūja‘ahā, Ḍarba-n-nawāqīsi ‘am ḍarbu-n-nawīya qīsi)<sup>78</sup>.

Маъноси: «Ўзингдан сўра, қандай зарб сенга оғриқ беради: Кўнғироқ зарбими ёки фироқ зарбими, фарқлаб айт!»

Ушбу мисолдаги биринчи омоним бир мустақил сўз – النَّوَاقِيسُ (an-nawāqīs<sup>i</sup>) сўзи бўлиб, ناقوس (naqus – «кўнғироқ»)нинг кўплигидир. Иккинчи омоним эса «от + феъл» бирикмасидан иборат: النَّوِيُّ (an-nawīya) «айрилик, фироқ» маъносини англатувчи от; قَيْسِي (qīsi) эса قاس (qāsa – «қиёсламоқ») феълининг буйруқ майлидаги шаклидир.

Г) Тўлиқ-бирикмали-тўқилган омоним (الْجِنَاسُ التَّامُّ مُرَكَّبٌ الْمَلْفَقُ – al-jinās<sup>u</sup> at-tāmm<sup>u</sup> murakkab<sup>unn</sup> al-mulaffaq<sup>u</sup>). Бу хил омонимлар бирикмалар (конструкциялар) ўртасида кузатилади. Масалан:

فَلَمْ تَضَعْ الْأَعَادِي قَدْرَ شَانِي وَ لَا قَالُوا فَلَانَ قَدْرَ شَانِي

(Fa-lam taḍa ‘i-l-‘a ‘ādī **qadra shānī**, Wa lā qālūw fulānūn **qad rashānī**)<sup>79</sup>.

Маъноси: «Шаъним даражалари чегара билмас, «Фалончи мени сотиб олган», демаслар».

II. Тўлиқ бўлмаган омоним (الْجِنَاسُ غَيْرُ التَّامِّ – al-jinās<sup>u</sup> ghayr<sup>u</sup> at-tāmm<sup>i</sup>) – бундай омонимларнинг ўзак таркибидаги бир ёки бир неча ўринларида муайян фарқ бўлиши мумкин. Бу фарқ ўзак ҳарфларининг сонидан, ёки уларнинг талаффузида, ёки диакратик белгиларида кузатилиши мумкин, худди шунингдек, маъносида ҳам. Шу фарқлар асосида араб тилшунослари тўлиқ бўлмаган омонимнинг бир неча турларини ажратиб кўрсатадилар:

<sup>77</sup> Қаранг: ўша манба, ўша бет.

<sup>78</sup> ‘Aliy al-Jarām, Muṣṭafā ‘Amīn. Al-balāghat<sup>u</sup> al-wāḍiḥat<sup>u</sup>. –London: Dār<sup>u</sup> al-ma‘ārif, 1999. –Ў.264.

<sup>79</sup> Қаранг: ўша манба, ўша бет.

1. Сўзнинг талаффузи ва диакратик белгилари билан фарқ қилувчи омонимлар. Бу навни қадим куфий хатининг имло қоидалари билан боғлаб тушунтириш тўғрироқ бўлар эди. Куфий хатида ёзувда ҳарфнинг диакратик белгилари, сўзларнинг қисқа унли ҳаракатлари ўз ифодасини топмайди. Демак, шу хусусиятларни ҳисобга олганда, талаффузи ва диакратик белгилари билан фарқни намоён қилувчи омонимлар икки хил бўлади:

А) Тўлиқ бўлмаган-тахриф омоним (جِنَاسٌ تُحْرِيفٌ – jinās<sup>un</sup> taḥrīf<sup>un</sup>) – сўзма-сўз таржима қилинса, «нотўғри талаффуз» демакдир. Аслида бу ўринда бирор сўзни ҳақиқий нотўғри талаффуз қилиш эмас, балки ёзилиши бир хил, аммо ўқилганда қисқа унли ҳаракатлар ҳисобига бир-биридан муайян тарзда фарқланувчи сўзлар назарда тутилмоқда.

Б) Тўлиқ бўлмаган-тасҳиф омоним (جِنَاسٌ تَصْحِيفٌ – jinās<sup>un</sup> taṣḥīf<sup>un</sup>) – сўзма-сўз таржимаси «нотўғри ёзилиш» бўлиб, бу турда икки сўзнинг ўзак таркибидаги ҳарфлар ўз диакратик белгилари билан фарқ қилиши кузатилади.

2. Тўлиқ бўлмаган омонимларнинг иккинчи хили ўзак таркибидаги ундош товушларнинг талаффузи асосига кўра қисмларга ажратилади:

А) Тўлиқ бўлмаган-музореъ омоним (الجناس المضارع – al-jinās<sup>u</sup> al-muḍarī‘) – ўзак таркибида талаффузи ўхшаш, махражи бир-бирига яқин ундош товушлар мавжуд сўзлар ўртасида кузатилади.

Б) Тўлиқ бўлмаган-лоҳиқ омоним (الجناس اللاحق – al-jinās<sup>u</sup> al-lāḥiq<sup>u</sup>) – бундай сўзларда асосий фарқни келтириб чиқараётган ундош товушлар ҳосил бўлиш ўрнига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Мухтасар айтганда, зикр этилганлардан араб тилида шаклдошлик ҳодисаси бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– шаклдошлик (омонимия ва паронимия) ва кўпмаънолилик (полисемия) бошқа-бошқа ҳодисалар бўлиб, ҳар иккиси ҳам «al-mushtarak<sup>u</sup> al-lafziyy<sup>u</sup>» мавзусининг қамров доирасига киради ва шу йўналишда ўрганилади;

– замонавий тилшунослиқда омонимларнинг тўлиқ (الجناس التام – al-jinās<sup>u</sup> at-tāmm<sup>u</sup>) ва тўлиқ бўлмаган (الجناس غير التام – al-jinās<sup>u</sup> ghayr<sup>u</sup> at-tāmm<sup>i</sup>) турлари ажратилади. Бу турлар ҳам ўз ўрнида бир неча навларга таснифланади. Тўлиқ омоним (الجناس التام – al-jinās<sup>u</sup> at-tāmm<sup>u</sup>)нинг содда, содда-ўхшаш, содда-ўхшаш бўлмаган, бирикмали, бирикмали-ясама, бирикмали-ўхшаш, бирикмали-боғланган, бирикмали-тўқилган навлари бор. Тўлиқ бўлмаган омоним (الجناس غير التام – al-jinās<sup>u</sup> ghayr<sup>u</sup> at-tāmm<sup>i</sup>) эса ўзаро талаффузи ва диакратик белгилари билан фарқ қилувчи, таҳриф, тасҳиф, музореъ-лоҳиқ каби навларга ажратилган.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Tavfiq<sup>u</sup> Muḥammad<sup>un</sup> Shāhin<sup>un</sup>. Al-mushtarak<sup>u</sup> al-lughawiyy<sup>u</sup>: nazariyy<sup>an</sup> wa taṭbīq<sup>an</sup>. –al-Qāhirat<sup>u</sup>: Maktabat<sup>u</sup> Wahbat<sup>a</sup>, 2007. – 397 ʃ.

2. ‘Umar ‘Ahmad Mukhtār. Al-mu‘jam<sup>u</sup> al-mawsū‘iyy<sup>u</sup> li-alfāẓ<sup>i</sup> al-Qur’ān<sup>i</sup> al-kaṛīm<sup>i</sup> wa qirā’ātih<sup>i</sup>. -Ar-Riyāḍ<sup>u</sup>: Suṭūr<sup>u</sup> al-ma‘rifat<sup>i</sup>, 2002. – 1504 ʃ.

3. Jalāl<sup>u</sup> ad-dīn<sup>i</sup> as-Suyūṭiyy<sup>u</sup>. Al-mazhar<sup>u</sup> fi ‘ulūm<sup>i</sup> al-lughat<sup>i</sup> wa ‘anwā‘ihā. – Bayrūt: Al-maktabat<sup>u</sup> al-‘asriyyat<sup>u</sup>, 2004– 651 ʃ.

4. ‘Abd<sup>u</sup> al-Qāhir<sup>i</sup> al-Jurjāniyy<sup>u</sup>. ‘Asrār<sup>u</sup> al-balāghat<sup>i</sup>. –Bayrūt: Dār<sup>u</sup> al-kitāb<sup>i</sup>, 2001. – 120 ʃ.

5. 'Ibn<sup>u</sup> Durustawayh. Taṣ'ḥīḥ<sup>u</sup> al-faṣīḥ<sup>i</sup> wa sharhih<sup>i</sup>. –Al-Qāhirat<sup>u</sup>, 2004. – 599 ṣ.
6. 'Aliyy<sup>un</sup> 'Abd<sup>u</sup> al-Wāḥid<sup>i</sup> al-Wāfiy. 'Ilm<sup>u</sup> al-lughat<sup>i</sup>. –Bayrūt: 2007. – 236 ṣ.
7. Sibawayh<sup>i</sup>. Al-kitāb<sup>u</sup>. 4 mujallad. –Al-Qāhirat<sup>u</sup>: Maktabat<sup>u</sup> al-Khanajī, 2008. – 446 ṣ.; 432 ṣ.; 662 ṣ.; 494 ṣ.
8. Al-Mubarrid<sup>u</sup>. Ma-ttafaqa lafzah<sup>u</sup> wa-'khtalafa ma'nāh<sup>u</sup>. –Bayrūt: Dār<sup>u</sup> al-'ilm<sup>i</sup>, 2006. – 225 ṣ.
9. Ibn Manzūr. Lisan<sup>u</sup> al-'arab<sup>i</sup>. 2-jild. –Bayrut: Dār<sup>u</sup> Ṣādir, 2009 – 646 ṣ.
10. Quṭrub<sup>u</sup>. Al-muthallath<sup>u</sup>. –Bayrut, 2000. – 124 ṣ.
11. 'Ibn<sup>u</sup> as-Sayyid<sup>i</sup> al-Batalyawsiyy<sup>u</sup>. Al-muthallath<sup>u</sup>. 2 mujallad. – Baghdād: Dār<sup>u</sup> Rashīd, 2004. – 524 ṣ.; 593 ṣ.
12. Ibn<sup>u</sup> Mālīk<sup>in</sup>. Al-'Ikmāl<sup>u</sup> al-'I'lām<sup>i</sup> bi-tathlīth<sup>i</sup> al-kalām<sup>i</sup>. –Bayrut, 2000.
13. Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. Т. 4. – М.-Л.: Изд-во АН СССР, 1957.

### **Муқаддасхон Валиева**

*Стажёр-ўқитувчи, Эрон-афгон филологияси кафедраси, ТошДШИ*

## **ФОРС ТИЛИДА ИСМИЙ ҚИСМИ “SAR” СЎЗИ БИЛАН ИФОДАЛАНГАН ҚЎШМА ФЕЪЛЛАРНИНГ КОННОТАТИВ МАЪНОЛАРИ**

**Аннотация.** *Ҳозирги замон форс тилида қўшма феълларнинг исмий қисми сифатида от, сифат, равиш, сифатдош каби сўз туркумлари қатнашиши мумкин. Уларнинг ичида исмий қисми от сўз туркуми билан ифодаланган қўшма феъллар сермахсул саналади. Қўшма феълларда коннотатив маънонинг хилма-хиллиги ҳам айни шу турдаги феълларда қўп учрайди. Чунки қўшма феъллардаги маънонинг кенглиги бевосита феъл исмий қисмининг маънолари билан боғлиқ.*

*Мақоламизда исми қисми “sar” сўзи билан ифодаланган қўшма феъллар таҳлилган тортилган. Сабаби ушбу сўз билан қатнашган қўшма феъллар катта миқдорни ташкил этиб, бу орқали коннотатив маъно ҳосил қилишида от сўз туркумининг функциясини кўрсатиши, мақсад қилиб олинган. Бу мақсадни амалга ошириши учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:*

- лугатлардан “sar” сўзининг маъноларини аниқлаш;
- форсий манбаларда исмий қисми “sar” сўзи билан ифодаланган қўшма феълларни йиғиб, улар қандай маъноларда келганлигини ўрганиш;
- қўшма феъл исмий қисмининг коннотатив маъно ҳосил қилишидаги ўрнини тадқиқ қилиш;

*Тадқиқотимиз давомида компонент таҳлил методидан фойдаланиб, қўшма феъл коннотатив маъноларини ҳосил қилишида, исмий қисм ва кўмакчи феълнинг роли аниқланди. Натижасида سر sar сўзнинг 8 та маъноси борлиги шулардан, 5 таси қўшма феълнинг коннотатив маъносини ҳосил қилишига таъсир этганлиги аниқланди, ҳамда, исмий қисми سر sar сўзи билан*

ифодаланган қўшма феълларнинг қўмакчи қисми сифатида , افتادن , انداختن , گرفتن , каби содда феъллар қатнашиб, 15 хил маъноси таҳлилга тортилди, натижада, от сўз туркуми қўшма феълнинг исмий қисми бўлиб келганда, коннотатив маъно ҳосил бўлишига, бошқа сўз туркумларига нисбатан таъсири катта эканлиги аниқланди.

**Таянч сўз ва иборалар:** Коннотатив маъно, денотатив маъно, исмий қисм, қўмакчи феъл, қўшма феъл, форс тили.

**Аннотация.** В современном персидском языке именная часть сложных глаголов могут использоваться существительными, прилагательными, местоимениями, причастиями. Среди них, сложные глаголы, именная часть которых представлены существительными являются наиболее продуктивными. Разнообразие коннотативного значения встречаются именно в этих глаголах. Потому что чем шире значение именной части тем шире коннотативное значение глагола.

В нашей статье мы проанализировали сложные глаголы, именная часть которых представлено словом «sar». Потому что, такие сложные глаголы составляю большую часть, включенные в себя это слово, имеют большое количество и предназначены для указания функции составляющего существительного слова в формировании коннотативного значения. Для этой цели были определены следующие задачи:

- определение значения слова «sar» из словарей;
- изучить из персидских источников значения сложных глаголов именная часть которых представлены с существительным «sar»;
- изучить роль существительной части сложного глагола в формировании коннотативного значения;

В нашем исследовании, используя метод компонентного анализа, для определения роли именной части и вспомогательного глагола выражение коннотативного значения. В результате «sar» имеет 8 значений, 5 из которых внесли свой вклад в формирование коннотативного значения сложного глагола, а также определили участие простые глаголы такие как , افتادن , انداختن , گرفتن , کردن , داشتن , رسیدن , آوردن , آمدن , کشیدن , خوردن 15 различных значений. Результате мы выяснили что, сформирование коннотативное значение сложных глаголах именная часть которых, выражается существительными по сравнению с другими более продуктивно.

**Опорные слова и выражения:** Коннотативное значение, денотат, именная часть, вспомогательный глагол, сложный глагол, персидский язык.

**Summary.** In modern Persian, the nominal part of complex verbs can be used by nouns, adjectives, pronouns, participles. Among them, complex verbs, the noun of which are represented by nouns, are the most productive. A variety of connotative meaning is found precisely in these verbs. Because the wider the meaning of the inscribed part, the wider the connotative meaning of the verb.

In our article, we analyzed complex verbs, the nominal part of which is represented by the word "sar". Because, such complex verbs make up the bulk

*included in this word, have a large number and are intended to indicate the function of the component noun in the formation of the connotative meaning. For this purpose, the following tasks were identified:*

- *definition of the meaning of the word "sar" from dictionaries;*
- *to study from Persian sources the meanings of complex verbs whose nominal part is represented with the noun "sar";*
- *to study the role of the noun part of the complex verb in the formation of connotative meaning;*

*In our study, using the method of component analysis, to determine the role of the nominal part and auxiliary verb, the expression of connotative meaning. As a result, "sar" has 8 meanings, 5 of which contributed to the formation of the connotative meaning of a complex verb, and simple verbs such as گرفتن, انداختن, افتادن, خوردن, کشیدن, آمدن, آوردن, رسید different meanings. As a result, we found out that the formation of the connotative meaning of complex verbs whose nominal part is expressed by nouns in comparison with others is more productive.*

**Keywords and expressions:** *Connotative meaning, denotative meaning, nominal part, auxiliary, complex verbs, Persian language.*

**Кириш.** Форс тилининг луғат таркиби жуда бой. Коннотация ҳодисаси эса сўзларнинг маъно кирраларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, таржима жараёнида сўзларни қайси маънода қўлланганлигини аниқлаш, сўзларни ўз ўрнида қўллаш ва таржима бадиий чиқишига ҳам хизмат қилади. Форс тилшунослигида лексикология, семантика, стилистика бўйича амалга оширилган ишлар кўп бўлишига қарамай, коннотация ҳодисаси чуқур таҳлил этилмаган. Ушбу таҳлилни, муҳим систематик майдонлардан бири, гап тузишда фаол иштрок этадиган, феъл сўз туркумидан бошлаш керак.

Форс тилида қўшма катта қисмни ташкил этади. Қўшма феълларнинг исмий қисми сифатида ҳам моносемантик ҳам полисемантик сўзлар иштирок этади. Улар туб форсий ёки ўзлашма сўзлар бўлиши мумкин. Қўшма феълларнинг исмий қисми от, сифат, форсий ёки арабий сифатдош, равиш ҳамда ундов сўзлар билан ифодаланиши мумкин. Биз тўплаган мисолларда исмий қисми от, сифат, равиш, сифатдош билан ифодаланган олд кўмакчисиз қўшма феълларни учратдик.

**Мақсад ва вазифа.** Тадқиқот мақсади – исмий қисми “sar” сўзи билан ифодаланган қўшма феълларни таҳлилга тортиш орқали, от сўз туркумининг қўшма феъл таркибида коннотатив маъно ҳосил қилиш функциясини ўрганиш. Бу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- луғатлардан “sar” сўзининг маъноларини аниқлаш;
- форсий манбаларда исмий қисми “sar” сўзи билан ифодаланган қўшма феълларни йиғиб, улар қандай маъноларда келганлигини ўрганиш;
- қўшма феъл исмий қисмининг коннотатив маъно ҳосил қилишидаги ўрнини тадқиқ қилиш;

**Усуллар.** Тадқиқотда қўшма феъл коннотатив маъноларини ҳосил қилишда, исмий қисим ва кўмакчи феълнинг ролини аниқлаш мақсадида, компонент таҳлил методидан фойдаланилди .

Исмий қисми от сўз туркуми билан ифоланган қўшма феъллар катта қисмни ташкил қилади. Исмий қисм вазифасида отнинг барча семантик қатлами қатнашиши мумкин. Мавҳум отлар ичида ҳаракатни ифодаловчи арабий масдарлар катта қисмни ташкил этади: استفاده *estefāde* “фойдаланиш” – استفاده کردن *estefāde kardan* “фойдаланмоқ”.

از تو استفاده کرد تا فرار کنه... [2,81]

*Az to estefāde kard tā ferār kone...*

Қочиб кетиш учун сендан **фойдаланди**...

Қўшма феълнинг исмий қисми сифатида кўпинча, ҳаракатни ифодаловчи туб форсий отлар қўлланиши мумкин: افزایش *afzāyeš* “кўпайиш” – افزایش دادن *afzāyeš dādan* “кўпайтирмоқ” ва б.

این شد که بعضی کشاورزها گلھی پرندھهاشون رو افزایش دادن [ 11 ] .

*In šod ke ba 'zi kešāvarzhā galeye parandehāšunru afzāyeš dād.*

Айрим деҳқонлар ўз қушларининг сурувини **кўпайтирдилар**.

Конкрет отлар ичида инсон ва ҳайвонлар тана аъзолари номи қўшма феълнинг исмий қисми бўлиб келганда, ўша тана аъзолари ҳаракатини ифодалаб келиш орқали, унда коннотатив маъно ҳосил қилади. سر *sar* сўзи шулар жумласидан.

سر *sar* сўзи полисемантик сўз бўлиб, “бош”, “бошланғич”, “юқори”, “яқун”, “қопқоқ” каби маъноларга эга. Қуйида феълларга қўшилиб янги маъно ҳосил қилишини кўриб чиқсак:

سر رسیدن *sar rasidan*

رسیدن *rasidan* содда феъли سر *sar* сўзи каби полисемантик сўз бўлиб, “етмоқ, етиб бормоқ”, “эришмоқ”, “англамоқ”, “улгурмоқ” маъноларига эга. Бу сўзлар қўшма феъл компонентлари бўлиб келганда янги коннотатив маъноларни ифодалайди. Қуйидаги гапларга эътиборимизни қаратсак.

من عجله داشتم که این صحبت را تمام کنیم زیرا می ترسیدم کسی سر پرسد. [ 4,10 ]

*Man ajalle dāštam ke in soxbatrā tamām konim zirā mi tarsidam kasi sar berasad.*

Мен бу суҳбатни тамом қилишимизга шошилар эдим, чунки кимдур **тўсатдан келиб қолишидан** кўрқар эдим.

Бу гапда қўшма феълнинг иккала компоненти ҳам ўз денотатив маъносини йўқотиб “тўсатдан(қўққисдан) келмоқ” коннотатив маъносига ўзгармоқда.

سر آوردن *sar āvardan*

آوردن *āvardan* содда феъли “етказмоқ”, “келтирмоқ”, “олиб келмоқ” маъноларига эга. Бу феъл سر *sar* сўзи билан қўшма феъл компоненти бўлиб келганда янги коннотатив маъноларни ифодалайди. Қуйидаги гапга эътиборимизни қаратсак.

از پشت در زنی... فریاد می زد: چه خبر است؟ مگر سر آورده ای؟ [3,10]

*Az pošte dar zani ... faryād mi zad če xabar ast? Magar sar āvardevi?!*

Эшик ортида бир аёл .. бақириб, нима гап? Наҳотки, **қайтиб келдингиз?!**

Бу гапда қўшма феълнинг иккала компоненти ҳам ўз денотатив маъносини йўқотиб, “қайтмоқ, қайтиб келмоқ” кесатув маънода келиб, гапга салбий бўёқ бермоқда.



### سر کردن *sar kardan*

رفت توی آن اتاق و این اتاق . هر جا سر کرد، دید هیچ کس آنجا نیست. [10،132]

*Raft tu-ye ān otāq va in otāq. Har jā sar kard, did hič kas ānjā nist.*

У хонадан бу хонага борди. Ҳамма ерга кириб чиқди ва ҳеч ким йўқлигини кўрди.

Юқоридаги гапда *سر sar* сўзи *کردن kardan* “қилмоқ” феълига қўшилиб қўшма феъл ҳосил қилган. Бу қўшма феълнинг иккала компоненти ўз денотатив маъносини йўқотиб “кириб чиқмоқ” коннотатив маъносини ифодаламақда.

### سر کشیدن *sar kašidan*

کشیدن *kašidan* содда феъли *سر sar* каби полисемантик сўз бўлиб, “тормоқ, чўзмоқ”, “илмоқ”, “чизмоқ”, “етакламоқ”, “сўрмоқ”, “солмоқ”, “чидамоқ” маъноларига эга. Қуйидаги гапларда бу сўзлар қўшма феъл компонентлари бўлиб келганда янги коннотатив маъноларни ифодалалаганини кўрдик:

در را باز می کند و توی کوچه سر می کشد. [8،74]

*Darrā bāz mikonad vat u-ye kuče sar mi kašad.*

Эшикни очиб, кўчага бош суқди.

فردا که تا عصر از اتاق در نیامده بود همسایه ها به اتاقش سر کشیده بودند... [2،136]

*Fardā ke tā asr az otāy dar nayāmade bud hamsāyehā be otāyaš sar kašide*

### *budand*.

Кеча асргача хонасидан чиқмагани учун қўшнилари хонасига кирдилар.

Биринчи гапда қўшма феъл компонентлари ўз маъноларини қисман йўқотиб “бош суқмоқ” маъносида келган бўлса, иккинчи гапда компонентлар ўз денотатив маъноларини йўқотиб “рухсатсиз кирмоқ, бостириб кирмоқ” коннотатив маъноларида қўлланилмоқда.

### سر خوردن *sar xordan*

خوردن *xordan* содда феъли *سر sar* каби полисемантик сўз бўлиб, “емоқ”, “ичмоқ”, “ютмоқ”, “ўзлаштирмоқ”, маъноларига эга. Бу сўзлар қўшма феъл компонентлари бўлиб келганда янги коннотатив маъноларни ифодалайди. Қуйидаги гапга эътиборимизни қаратсак.

آن وقت ها اگر جوانها بیعاری می کردند دل آدم قرص بود که آخرش سر می خوردند و توبه می کنند.

[7،145]

*Ān vaythā agar javānhā bi'āri mikardand del ādam qors bud ke āxeraš sar mi xordand va towbe mi konand.*

Ёшлар ахлоқсизлик қилган пайтлари, инсон қалбида охири пушаймон бўлиб, тавба қилишларини аниқ билади.

Бу гапда қўшма феъл компонентлари ўз маъноларини йўқотиб “пушаймон бўлмоқ, афсусланмоқ” коннотатив маъносида келмоқда.

### سر آمدن *sar āmadan*

آمدن *āmadan* содда феъли *سر sar* каби полисемантик сўз бўлиб, “келмоқ”, “ёғмоқ”, “эшитилмоқ”, “бошламоқ”, “ярашмоқ (кийимга нисбатан)”, “муносиб бўлмоқ” маъноларига эга. Бу сўзлар қўшма феъл компонентлари бўлиб келганда янги коннотатив маъно ҳосил қилади.

سال سر نیامده بود که سود و سرمایه هر دو از کفش رفت. [3،32]

*Sāl sar nayāmade bud ke sud va sarmāye har do az kafaš raft.*

Йил ҳали тугамаган, фойда ва сармоянинг ҳар иккиси қўлдан бой бериди.

Бу гапда феъл компонентлари ўз денотатив маъноларини йўқотиб “тугамоқ” коннотатив маъносида келмоқда.

#### **сар افتادن *sar oftādan***

افتادن *oftādan* содда феъли полисемантик сўз бўлиб, “йиқилмоқ”, “қўлдан бой бермоқ”, “йўқотмоқ” маъноларига эга. Бу феъл *sar* сўзи билан қўшма феъл компоненти бўлиб келганда янги коннотатив маъноларни ифодалайди. Қуйидаги гапга эътиборимизни қаратсак.

خیلی در زدم و کسی جواب نداد. یکهو سر افتادم که ارباب تقی می گوید همین روزها با اهل و عیال می خواهد برود بیلاق. [3,51]

*Xeyli dar zadam javāb nadād. Yakhu sar oftādam ke arbāb taqi mi guyaad hamin ruzhā bā ahl o ayāl mo xohad beravad yaylāq.*

Росса эшикни тақиллатдим, ҳеч ким жавоб бермади. Бир пайт Жаноб Тақи шу кунларда аҳли аёли билан яйлоқга бормоқчи эканлиги эсимга тушди.

Бу гапда феъл компонентлари ўз денотатив маъноларини қисман йўқотиб “эсига келмоқ, тушуниб етмоқ” коннотатив маъносида келмоқда.

#### **сар انداختن *sar andāxtan***

انداختن *andāxtan* содда феъли полисемантик сўз бўлиб, “отмоқ”, “улоқтирмоқ”, “йиқитмоқ”, “чопмоқ”, “ёпмоқ”, “тери ташламоқ”, маъноларига эга. Бу феъл *sar* сўзи билан қўшма феъл компоненти бўлиб келганда янги коннотатив маъноларни ифодалайди.

یک دفعه دو تا سبزقا دیدیم که پنداری با هم سر انداخته بودند. [4,126]

*Yek da'fe do tā sabzqabā didim ke pendāri bā ham sar andāxte budand.*

Бир пайт қарасам иккита қизилиштон худди бир-бири билан беллашётгандек эди.

Бу гапда феъл компонентлари ўз денотатив маъноларини йўқотиб “беллашмоқ, куч синашмоқ, мусобақалашмоқ” коннотатив маъносида келмоқда.

#### **сар گرفتن *sar gerfetan***

گرفتند *gerfetan* содда феъли *sar* каби полисемантик сўз бўлиб, “олмоқ”, “тутмоқ”, “қабул қилмоқ”, “эга бўлмоқ”, “ушламоқ”, “олиб қўймоқ”, “ёпмоқ”, “тоширмоқ” маъноларига эга. Қуйидаги гапларда бу сўзлар қўшма феъл компонентлари бўлиб келиб, янги коннотатив маъноларни ифодаламоқда.

اگر این کار را با مهارت انجام بدهید من مطمئنم که معامله سر می گیرد. [9,78]

*Agar in kār rā bā mahārat anjām bedehid man motmaynam ke toāmele sar migirad.*

Агар бу ишни маҳорат билан амалга оширсак, ишончим комилки, битим тузилади.

نماز تمام شد. مادرم و خاله سر سجاده نشستند ... قرآن سر گرفتند. [107,2]

*Namāz tamām šod. Mādaram va xāle sar-e sajde nešastand ... Qorān sar gereftand.*

Намоз тамом бўлди. Онам ва холам саждага ўтириб, Қуръон ўқишни бошладилар.

Юқоридаги гапларда *سر گرفتن sar gerfetan* кўшма феълининг компонентлари ўз денотатив маъноларини йўқотиб биринчи гапта “амалга ошмоқ, мақсадга етмоқ” маъносида келган бўлса, иккинчи гапта “ўқимоқ” коннотатив маъноларида қўлланилмоқда.

Тадқиқотимиз давомида нафақат олд кўмакчисиз кўшма феъллар кўриб чиқилди, балки, олд кўмакчиларнинг коннотатив маънога таъсири ҳам таҳлил қилинди.

*از سر گذاشتن az sar gozāstan*

در زندگی سختیهای بسیاری را از سر گذرانده است. [4,287]

*Dar zendegi saxtihā-ye besyārirā az sar gozarānde ast.*

Ҳаётида кўп қийинчиликларни **кўрган**.

*از سر گذاشتن az sar gozāstan* олд кўмакчили кўшма феълининг денотатив маъноси “бошидан ўтказмоқ” дир. Келтирган мисолимизда кўшма феъл кўчма маънода “бошдан кечирмоқ” қўлланилмоқда.

*از سر گرفتن az sar gereftan*

بردیتمش حکیم، ترکش داد، اما دو باره از سر گرفت. [4,317]

*...Hakim, tarkeš dād, ammā do bāre az sar gereft.*

Ҳақим ғазабга келди портлади, аммо яна қайта **бошлади**.

*از سر گرفتن az sar gereftan* олд кўмакчили кўшма феълининг денотатив маъноси “бошидан олмоқ” дир. Бу гапта кўшма феъл исмий қисми *سر sar* нинг коннотатив маъноси доминантлик қилиб, кўмакчи феъл ўз маъносини йўқотиб, “бошламоқ” коннотатив маъносида қўлланилмоқда.

*به سر بردن be sar bordan*

من چطور می توانم با این زنی که کولی قرشمال توی این خانه به سر ببرم؟ [4,89]

*Man četowr mi tavānam bā in zani ke kuli qaršemāl tu-ye in xāne be sar bebaram?*

Мен бу лўли аёл билан бу уй ичида қандай **яшайман?**

*به سر بردن be sar bordan* олд кўмакчили кўшма феълининг денотатив маъноси “бошга олиб бормоқ” дир. Келтирган мисолимизда кўшма феъл компонентлари ўз маъноларини йўқотиб “яшамоқ” коннотатив маъносида қўлланилмоқда.

*به سر داشتن be sar dāstan*

آن ایمانی که کشتار آدمیزاد را روا بداند حق نیست... حالا می فهمی که ما چه به سر داریم؟ حفظ

نفوس مردم. [9,129]

*Ān imāni ke koštār-e ādamizādrā ravā bedānand haq nist... hālā mi fahmi ke mā če be sar dārim? Hefz nofus-e mardom.*

Одамийзодга ўлим раво кўрган, у ишонч нотўғри... ҳозир ҳаёлимизда қандай **ўй борлигини** биласизми? Халқ нуфузини сақлаш.

*به سر داشتن be sar dāstan* олд кўмакчили кўшма феълининг денотатив маъноси “бошда бўлмоқ” дир. Келтирган мисолда феъл компонентлари “қандайдир ўйда бўлмоқ” кўчма маъносида қўлланилмоқда.

*به سر رسیدن be sar rasidan*

قصه ما به سر رسید. [10,131]

*yesse-ye mā be sar rasid.*

Бизнинг ҳикоямиз ўз **ниҳоясига етди**.

به سر رسيدن be sar rasidan олд кўмакчили кўшма феълининг денотатив маъноси “бошига етмоқ”дир. Келтирган мисолимизда “тугамоқ” коннотатив маъносида қўлланилмоқда.

**Хулоса.** Форсий манбалардан тўпланган мисоллар таҳлили натижасида куйидаги хулосаларга келинди:

- кўриб чиқилган луғатларда سر sar сўзнинг “бош”, “бошланғич”, “бош (нумератив)”, “якун”, “юқори”, “қопқоқ”, “ўй-фикр”, “куч-қувват” каби 8 та маъноси борлиги кўриб чиқилиб, шулардан 5 таси кўшма феълнинг коннотатив маъносини ҳосил қилишга таъсир этганлиги аниқланди;

- исмий қисми سر sar сўзи билан ифодаланган кўшма феълларнинг кўмакчи қисми сифатида گرفتن *gerfetan*, انداختن *andāxtan*, افتادن *oftādan*, خوردن *xordan*, کشيدن *kašidan*, آمدن *āmadan*, آوردن *āvardan*, رسيدن *rasidan*, داشتن *dāštan*, کردن *kardan* каби содда феъллар келиб, 15 хил маъноси таҳлилга тортилди, натижада, от сўз туркуми кўшма феълнинг исмий қисми бўлиб келганда, коннотатив маъно ҳосил бўлишига, бошқа сўз туркумларига нисбатан таъсири катта эканлиги аниқланди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: Наука, 2001. –204 с.

2. اسلام کاظمیہ، قصہ های کوچہ دلبخواہ، تهران، زر، 1347.

3. اصغر مکارمی، شبگرد، تهران، آبشارف، 1342.

4. ایرج پزشکزاد، دائی جان ناپلئون، تهران، 1351.

5. پرویز دوائی، باغ، تهران، زمینہ، 1360.

6. جعفر شهری، شکر تلخ، تهران، امیر کبیر، 1357.

7. جمال میر صادقی، چشمهای من خسته، تهران اشرفی، 1345.

8. جمال میر صادقی، دوالپا، تهران، 1356.

9. صادق هدایت، حاجی آقا، تهران، امیر کبیر، 1334.

10. صادق هدایت، نوشته های پراکنده، تهران، 1334.

11. [www.PnuNews.com](http://www.PnuNews.com) (Эрон Ислом Республикасининг расмий ахборотлар сайти)

### *Diyora Maxmudova*

*Tayanch doktorant, Arab filologiyasi kafedراسي, ToshDShI*

## ARAB TILSHUNOSLARINING ISHTIQOQQA BO‘LGAN YONDASHUVLARI: O‘XSHASH VA FARQLI JIHATLAR

*Annotatsiya. Ma’lumki, arab tilida so‘z yasalişinigi bir necha xil usullari bor bo‘lib, ulardan biri ishtiqoq sanaladi. Ishtiqoq o‘zak so‘z va hosilaning o‘rtasidagi shakl va ma’no jihatdan bo‘luvchi aloqalarini saqlab qolgan holda yangi so‘z yasalişini bo‘lib, arab tilida bunday usulda yasalgan so‘zlar ko‘pchilikni tashkil qiladi.*

*Ushbu maqolada hozirgi arab tilida ishtiyoq usulida yangi soʻzlarning yasalishi, unga qoʻyiladigan shartlar, klassik hamda yangi arab tilshunoslarining ishtiyoq xususida bildirgan fikr-mulohazalari keltirilgan boʻlib, ular misollar orqali izohlab berilgan. Shuningdek, ishtiyoq usuli bilan yasalgan hosila soʻzlar-mushtaqotlar haqida ham maʼlumot berilgan boʻlib, ular avloddan avlodga oʻtib kelayotgan lugʻatlardagi mushtaqotlar hamda yangi yaratilgan mushtaqotlarga boʻlib oʻrganilib, ularga misollar keltirib tushuntirish berilgan.*

**Tayanch soʻz va iboralar:** *ishtiyoq, mushtaqotlar, oʻzak, leksik va grammatik elementlar.*

**Аннотация.** *В данной статье даётся информация об образовании новых слов по методу иштикак-словообразование, и о производных слов-муштаккот, а также их виды в нынешнем (современном) арабском языке.*

**Опорные слова и выражения:** *иштикак (словообразование), муштаккот (производные слова), корень, лексические и грамматические элементы.*

**Summary.** *There are a number of different ways of making words in Arabic, one of which is ishtikak. The new word is the word, while the formative and meaningful connections between the enthusiastic word and the derivative are retained, and many of the words in Arabic are made up of these words.*

*This article describes the creation of new words in the Arabic language with enthusiasm, the conditions attached to it, and the comments made by classical and new Arab linguists about their enthusiasm and illustrated by examples. It also provides information on the word-for-word derivatives, which are read in terms of syllables from generation to generation, as well as explaining newcomers.*

**Keywords and expressions:** *ishtikak (wordformation), mushtakkats (new words), root, lexical and grammatical elements.*

**Kirish.** Jahon tillari ichida oʻziga xos til qurilish sistemasiga ega boʻlgan arab tili oʻziga xos grammatik, leksik xususiyatlari bilan koʻplab tilshunoslar hamda til ixlosmandlarining eʼtiborini oʻziga jalb qilib kelmoqda. Maʼlumki, arab tili dunyo tillari oilasining somiy tillar guruhiga kirib, bu guruhga kiruvchi tillarda mavjud soʻzlarning barchasi asosan uch undoshli boʻlib, ularda affiksatsiya rivojlangandir. Uch harfli-oʻzakli boʻlgan arabcha hosila soʻzlarning koʻpchilik qismi kengaytirilgan asosga, toʻrt harfli oʻzaklilari esa sodda asosga ega. Arab tilida soʻz yasalishi “ishtiyoq” deb ataladi. Arab tili bu borada eng sermahsul va jahon tillari ichida ishtiyoq qonuniyatlari boyligi nuqtayi nazaridan barchasidan ajralib turadi.

**Maqsad va vazifa.** Maqolaning maqsadi arab tilshunosligida soʻz yasalishi-ishtiyoqning qay darajada oʻrganilganligi hamda ushbu mavzuga arab tilshunoslarining yondashuvlarini oʻrganishdir. Hamda ushbu maqsaddan kelib chiqqan holda quyidagi vazifalar belgilandi:

- Arab tilida soʻz yasalishi-ishtiyoq mavzusini oʻrganish;
- Ishtiyoqqa berilgan taʼriflarni oʻrganib, ularni guruhlarga boʻlish;
- Berilgan taʼriflarning guruhlanishini misollar orqali izohlash.

“Al-ishtiqoq” atamasi ikki xil ma’noga ega bo’lgan. Birinchi holda soʻzning ma’nosini talqin qilish, uning kelib chiqishini aniqlash, uning soʻz oʻrni bilan yagona oʻzak orqali birlashtirilgan genetik aloqalarni aniqlash maqsadlarida soʻzning oʻzak asosini aniqlash nazarda tutilgan. Mazkur terminning keyinchalik boshqa ma’noda qoʻllanilishi esa toʻgʻridan toʻgʻri yangi leksik ma’noli soʻzlarni hosil qilish bilan bogʻliq boʻlib, “soʻzning ikkinchi bir soʻzdan soʻz yasovchi va hosilaning oʻrtasidagi shakl va ma’no jihatdan aloqalarini saqlab qolgan holda yasalishini anglatgan”. Birinchi marta Ibn Jinniy asarida berilgan ushbu keng taʼrif soʻz yasalishining toʻrt turini belgilash uchun nazariy asos sifatida xizmat qiladi. Shu oʻrinda ishtiqoqqa nisbatan qoʻyiladigan shartlarni ham zikr etib oʻtishni lozim, deb topdik va ular quyidagilardir:

1. Ikki soʻz tarkibidagi asliy harflarning bir-biriga oʻxshash boʻlishligi;
2. Ikki soʻz tarkibidagi asliy harflar joylashish tartibining ham bir-biriga muvofiq boʻlishi;
3. Ularning maʼnolaridagi mutanosiblik.

Ishtiqoqda harflardagi mutanosiblik emas, balki maʼnolardagi mutanosiblik muhim ahamiyatga ega; Ishtiqoq atamasiga koʻplab olimlar turlicha taʼrif berganlar. Biz shartli ravishda ishtiqoqqa berilgan ushbu taʼriflarni ikkiga boʻlishimiz mumkin:

1. Klassik (mumtoz) arab tilshunoslarining ishtiqoqqa boʻlgan yondashuvlari;

2. Zamonaviy arab tilshunoslarining ishtiqoq boʻyicha bildirayotgan fikrlari .

Arab tilshunoslarining ishtiqoqqa boʻlgan yondashuvlarini ikki guruhga boʻlinishining asosiy sababi, ulardan bir guruhi ishtiqoqda asosiy shart soʻzning maʼno jihatdan yangilanishidir, degan fikrni yoqlab chiqsalar, ikkinchi guruh esa soʻz maʼnosining yangilanishi ishtiqoqda muhim emas, degan fikrni aytadilar.

Aslida ishtiqoq mavzusini arab olimlari hijriy I asrdan boshlab oʻrganganlar. Arab tilining asosi boʻlmish ishtiqoq haqida Sibavayhiyning “Al-Kitob”, Halil ibn Ahmadning “Al-Ayn”, Aʼlamning “Ismlarning yasalishi”, Ibn Manzurning “Lisanul-arab”, Ibn Durayd, Asmaʼiy, Ibn Jinniy, Abu Ali Al-Forsiy kabi olimlarning asarlarida maʼlumotlar berilgan. Qadim davrlarda ham olimlar ishtiqoq mavzusiga turlicha taʼrif berganlar, ammo ular tomonidan ishtiqoqqa berilgan barcha taʼriflarni umumlashtirib turuvchi bir jihat - bu taʼriflarning deyarli barchasining zamirida “bir soʻzdan oʻrtadagi maʼno jihatdan bogʻliqlik boʻlgan holda yangi bir soʻzning yasalishi” degan mazmun mavjud. Misol tariqasida yuqorida nomlari zikr etilgan baʼzi olimlarning ishtiqoqqa nisbatan bergan taʼriflarini koʻrib chiqsak. Masalan, Ibn Manzur ishtiqoq tushunchasiga quyidagicha taʼrif bergan<sup>80</sup>:

"أشتقاق الكلام: الأخذ فيه يميناً وشمالاً، وأشتقاق الحرف من الحرف: أخذه منه"

“Soʻz yasalishi: undagi oʻng va chap tomonlardan harfdan harfning olinishidir”. Ibn Manzurning ushbu taʼrifini birinchi guruhga mansubdir, sababi unda asosiy eʼtibor soʻz qurilishiga qaratilgandir.

Olim Abdulhamid abu Sikkinning quyidagi taʼrifi esa ishtiqoqqa nisbatan yondashuvlarning ikkinchi guruhiga mansubdir. Olimning ishtiqoqqa bergan taʼrifi quyidagicha<sup>81</sup>:

<sup>80</sup>“Lisanul-arab”, Bayrut, 2005-y. 10-b.

<sup>81</sup>“Al-ishtiqoq va isruhu fi numuvvil-lugʻaviyyi”, h.1399-y., 15-b.

“فقد عُرف الاشتقاق بتعريفات عدة؛ منها أنه أخذ صيغة من أخرى مع اتفاقهما معنى ومادة أصلية، وهيئة تركيبها؛ ليدل بالثانية على معنى الأصلية بزيادة مفيدة؛ لأجلها اختلفا حروفاً وتركيباً أو هيأة”

“Ishtiqoq bir necha ta’riflar bilan ma’lumdir. Ulardan- ma’no, asliyat va tarkib tuzilishi jihatdan o‘zaro muvofiqlikda, bir shakldan boshqa bir shaklning olinishidir; ikkinchi ta’rif esa harflar, tarkib va tuzilish jihatdan farqlanishi sababli asliyat anglatgan ma’noning yanada tugal mazmunni ifodalashiga dalolat qiladi”.

Shuningdek, arab tilshunoslaridan Imom Ahmad ibn Foris o‘zining “Assohibiyu” deb atalgan kitobida “القياس” - “qiyoslash”, “solishtirish” so‘zini ishtiqoq ma’nosida keltiradi:

“ ليس لنا اليوم أن نخترع ، و لا أن نقول غير ما قالوا ، و لا أن نقيس قياسا لم يقيسوه لأن في ذلك فساد اللغة و بطلان حقائقها... و نكتة الباب أن اللغة لا تأخذ قياسا نقيسه الآن نحن”

“Biz bugun na bir (yangi so‘z) o‘ylab topa olamiz, biz faqatgina ular aytganlarini ayta olib, ular solishtirgan narsalarini o‘zaro qiyoslay olamiz; chunki bunda tilning tanazzulga yuz tutishi hamda undagi haqiqatlarning yaroqsiz bo‘lib chiqishi bordir... Qizig‘i shundaki, til, biz, ayni damda, solishtirayotgan narsaning o‘lchamini olmaydi”.

Arab tilida avloddan avlodga o‘tib kelayotgan lug‘atlardagi mushtaqotlar (“hosila so‘zlar”) mavjud bo‘lib, klassik arab tilshunoslarining ishtiqoqqa bo‘lgan yondashuvlarini aynan ular orqali izohlash mumkin. Bunday mushtaqotlar qadimdan mavjud bo‘lib, bu guruhdagi so‘zlar hozirgi davr insonlari tomonidan yaratilmagan, balki fe‘lning shakllarini ma’lum bir vaznlarga solish orqali muloqotda qo‘llab kelangan. Bunday mushtaqotlarga fe‘l boblari, aniq va majhul daraja sifatdashlar, o‘rin-joy, qurol-aslah nomlari kabilar kiradi. Masalan, arab tilidagi “yurmoq”- u yuruvchi (هو ماش u yuruvchi) - u to‘xtamasdan piyoda yurayapti, yurayapti, ماشي مشيا fe‘lini olsak, (الفاعل) (shin harfi tashdidlangan) ko‘p (mubolag‘a shakli), (bu odamlarning park tomon bo‘lgan yo‘lagi) (o‘rin-joy nomi) (اسم مكان) (ya’ni falonchi falonchidan ko‘ra yurishga qodirroq yoki ko‘proq yuradi) -sifatning ortirma darajasi (أفعل) (bu suyanish orqali yurishni) (اسم آلة) (هذه ممشاة الطفل لتلك التي يتعلم المشي بالاستناد عليها. تفضيل) (odamning) qadam tashlashi (يكسر الميم اسم هيئة).

Zamonaviy arab tilshunoslari esa bu mavzuga o‘zgacha tarzda yondashib kelmoqdalar. Ishtiqoqning zamonaviy talqinida so‘z,shakl jihatdan deyarli o‘zgarishga uchramaydi, balki, asosan, ma’no jihatdan o‘zgaradi, yangilanadi. Zamonaviy tilshunoslar “Ishtiqoq” atamasiga nisbatan “الاستحداث” “الاستئناف” “yangilanish”, “الإتشاء” - “qurilish” tushunchalarini qo‘llaydilar. Ushbu atamalar orasida ishtiqoq mavzusiga nisbatan eng ko‘p talqin etiladigani bu-“الاستحداث” dir.

Yangi arab tilshunoslari qatoriga Abulqosim Zajjojiy, Husayn Al-Mursafiy, Abdulloh Amin, Muhammad Siddiq Hasanxon kabilarni kiritish mumkin.

Abulqosim Zajjojiy ishtiqoqni “الاستئناف” nomi bilan ta’riflagan<sup>82</sup>:

“ معنى الاشتقاق أن يوضع شيء مستانفا على أصل سبق”

“Ishtiqoqning ma’nosi biror bir narsaning o‘zidan avvalgi narsani yangilab turishidadir”.

<sup>82</sup> “Ishtiqoq asma Alloh”, Damashq, 1983-y., 283-b.

Ahmad Ibn Al-Hasan esa ushbu tushunchaga nisbatan "الاقطاع", ya'ni "kesib olish" degan ta'rifni qo'llagan<sup>83</sup>:

"اقتطاع فرع من اصل يدور في تصاريفه مع ترتيب الحروف و زيادة المعنى"

"O'zakning bir bo'lagini ajratib olinishi undagi harflar tartibi o'zgarishi va ma'noning ortishi doirasida sodir bo'ladi".

Imom Ali ibn Muhammad ishtiyoqni "النزع", ya'ni "ajratib olish", "olib qo'yish" tushunchasi bilan sharhlagan<sup>84</sup>:

"نزع لفظ من آخر بشرط مناسبتها معنى و تركيبها ، و مغايرتها في الصيغة"

"Shaklning farqlanishi hamda o'zaro ma'no va tarkib jihatdan muvofiq bo'lishlik sharti bilan bir so'zning boshqa bir so'zdan ajratib olinishi".

Ishtiyoqqa nisbatan ikkinchi guruh yondashuvining tarafdorlari fikriga ko'ra, ishtiyoq bu so'zning qaytadan hosil bo'lishi, yaratilishi bo'lib, aynan shu jarayonda ishtiyoqning asosiy maqsadi namoyon bo'ladi. Bunda shunday so'zning hosil bo'lishi nazarda tutiladiki, ushbu so'z (mushtaqot) avvalgi lug'atlarda umuman tilga olinmagan bo'ladi. Misol uchun insoniyat taraqqiyoti davomida ta'lim, aloqa, asbob-uskunalar, maishiy va hokazo sohalarda yangi so'zlarning hosil bo'lishida ishtiyoqdan ko'zlangan asosiy maqsad zohir bo'ladi. Masalan :

مطيف (تلفاز) ، مصعد ، مناس (انتركم) هاتف

Ya'ni:

Televizor, lift, internet, telefon

Ayni shu yangi hosil bo'lgan so'z o'zidan avvalgi so'zning ko'chirma shakli yoki bo'lmasa surati hisoblanadi. Buni quyidagicha izohlash mumkin:

"المطيف" yasalgan, u televizorni anglatadi. U uzoqdagi narsalarni keltirib, ularni ajratib ko'rsatadi, bu narsalar tushga yoki sharpalarga o'xshagani uchun shunday nomlangan. "الشعلة" - "shu'la" so'zidan "المشعل" - "yondirgich" yoki boshqacha qilib aytsak, "razetka" so'zi hosil bo'lgan, bu so'zlarning asosida esa umumiy "yoqmoq" degan ma'no bor. Yoki "القيس" so'zidan yasalgan "المقيس" tushunchasi ham shu ma'noni anglatadi.

"نشوب" (burma) so'zi fe'lidan olingan bo'lib, bu so'z oyoq-kiyim, sumka va kiyim-kechaklarning chetlariga ip yoki tugma o'rniga qo'yiladigan tolasimon, mayda narsa. "نشوب" fe'lining o'ziga kelsak, u bir biridan osonlikcha ajralmaydigan ikki narsaning bog'lanishi, degan mazmunni ifodalaydi. "مسوقة" so'zi aslida "البنطلون" - "oyoq" so'zidan kelib chiqqan bo'lib, hozirda bu so'z "shim" so'zini ifodalaydi, negagi u ikki oyoqqa to'laligicha kiydiriladi.

"طرفية" so'zi "faks" ma'nosini berib, "الطرف" so'zi ko'zni yumib- ochish, degan ma'noni beradi ("bir zumda" degani ham), faksga javob qaytarish tezligiga ko'ra, u shu nom bilan atalgan "مؤناة" so'zi ham "الآن" so'zi<sup>85</sup> o'rnida qo'llanilib, "faks" ni ifodalashda "رسالة مؤناة" yoki "رسالة طرفية" birikmasidan foydalaniladi.

Demak, har qanday yangi hosil bo'lgan so'zning anglatayotgan mazmuni ma'nosi olingan so'zga muvofiq bo'ladi (aynan o'xshash emas).

<sup>83</sup> "Zahiratul-ishtiyoq", Qohira, 2006-y. 30-b.

<sup>84</sup> Majmuatun shafiiyatun (199/1)

<sup>85</sup> Uni "الناسوخ", deb ham ataganlar, aslida bu bulan nusxa ko'chirish uskunasi nazarda tutilgan. Bu atama ham "faks" tushunchasini ifodalashga to'g'ri keladi, biroq u tezlikka ishora qilmaydi.



**Xulosa.** Arab tilshunoslarining ushbu tildagi soʻz yasalishi-ishtiyoqqa bergan taʼriflarini oʻrganishdan quyidagi xulosalar keldik:

Shu paytga qadar arab tilshunoslari tomonidan ishtiyoqqa turlicha taʼriflar berilgan boʻlib, ular soʻzning shakl va maʼno jihatdan qay darajada oʻzgarishlarga uchrashiga koʻra ikki guruhga boʻlinadi. Birinchi guruh olimlari ishtiyoq bu soʻzning shakl jihatdan oʻzgarishi asosida soʻz yasalishi degan fikrni olgʻa sursalar, ikkinchi guruh tarafdorlari esa ishtiyoqdan koʻzlangan asosiy maqsad soʻzning yangi maʼnoni kasb etgan holda yasalishida namoyon boʻladi, degan fikrni bildiradilar. Fikrimizcha, ikkinchi guruh tarafdorlarning bildirgan fikrlari oʻrinlidir. Sababi til doimiy harakatda boʻlib, unda mavjud soʻzlar ham doimiy ravishda oʻzgarib turadi, ushbu oʻzgarishlar nafaqat shakl jihatdan, balki, maʼno doirasida ham sodir boʻladi. Ishtiyoq esa tilda yangi maʼnoli soʻzlarning hosil boʻlishi hamda tilning doimiy rivojlanishda boʻlib, boyib borishiga xizmat qiladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. الاشتقاق [“Al-ishtikak”] ، القاهرة، س.1956، ص.124
2. ابن المنظور، لسان العرب، [Ibn Manzour, “Lisaan al-arab”]، مصر، ص. 135
3. ابن السيد، المخصص [Ibn As-Sayyid, “Al-Muxassas”]، بيروت، ص.123
4. الاتفاق المباني و اختلاف المعاني [“Ittifaqul-mabaani va ixtilaaful-maʼaniy”] ص.6
5. كتاب العين [“Kitaabul-aʼyn”] ، القاهرة، ص.164
6. الاشتقاق و اثره في النمو اللغوي [“Al-ishtiqaaq va isruhu fin numuvvil-lugʻaviyyi”] ص.1399 س.ه.، ص. 15
7. م.ح.ح.الجبلى، ظاهرة الاشتقاق [M.H.H.Al-Jabal, “Zaahiratul-ishtiqaaq”] القاهرة، س.2006، ص.41
8. Арабско-русский словарь [Arabsko-russkiy slovar], Ташкент, 1994 год

#### **Камола Рахматжоновна**

*Таянч докторант, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё тиллари кафедраси,  
ТошДШИ*

### **ҲИНДИЙ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЎРИН-ПАЙТ КЕЛИШИГИ ШАКЛЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШ ЖИҲАТЛАРИ**

**Аннотация.** Мақолада ҳиндий ва ўзбек тилларидаги отга оид келишик категорияларидан бири ўрин-пайт келишиги шаклларининг қўлланилиш жиҳатлари мисоллар ёрдамида ёритилди. Таҳлиллар йирик ҳиндишунос олимлардан Липеровский В.П., О.Г.Ульциферов, ўзбек тилишуносларидан М.Ирисқулов, Т.Рустамов, Қ.Сапаевларнинг назарияларига асосланиб амалга оширилди. Ишда тавсифий ва чоғиштира усуллардан кенг фойдаланилди. Танланган тиллардаги изоморфизм ва алломорфизм ҳолатлари ўрин-пайт келиши орқали ёритилди.

**Таянч сўз ва иборалар:** аналитик, агглютинатив, аффикс, послелог, изоморфизм, алломорфизм.

**Аннотация.** В статье на примерах представлены категории падежей существительных в употреблении хинди и узбекского языков, а именно формы локативного падежа. Анализ основан на теориях великих индологов В.П.Липеровского, О.Г.Ульциферова, узбекских лингвистов М.Ирискулова, Т.Рустамова, К.Сапаева. В работе широко использовались описательный и сравнительный методы. Ситуации изоморфизма и алломорфизма в выбранных языках были выделены локативными падежами.

**Опорные слова и выражения:** аналитический, агглютинативный, аффикс, послелог, изоморфизм, алломорфизм.

**Summary.** In the article, categories of noun cases in the use of Hindi and Uzbek languages, namely the forms of locative case, were presented using examples. The analysis is based on the theories of the great indologists V.P.Liperovsky, O.G.Ulsiferov, uzbek linguists M.Iriskulov, T.Rustamov and Q.Sapayev. Descriptive and comparative methods were widely used in the work. The incidence of isomorphism and allomorphy in the selected languages was highlighted by the locative cases. Situations of isomorphism and allomorphy in the selected languages were distinguished by locative cases.

**Keywords and expressions:** analytical, agglutinative, affix, poslelog, isomorphism, allomorphy.

Мазкур мақола Ҳинд-европа тиллари оиласининг ҳинд-орий тиллари гуруҳига мансуб ҳиндий ҳамда Олтой тиллар оиласининг туркий тиллар гуруҳига хос ўзбек тилларидаги отга оид келишик категорияларидан бири ўрин-пайт келишиги шаклларидаги қиёсий жиҳатдан батафсил тадқиқ этиш масалаларига бағишланган.

Тадқиқот натижасида маълум бўлдики, ҳиндий тилида отларнинг келишиклари масаласида турли хил ёндашувлар мавжудлиги боис, унга турлича таъриф берилади. Шуни ҳисобга олган ҳолда келишиклар сони ҳам ҳар хил кўрсатилади. Шу нуқтаи назардан ҳинд тилшунос олимларининг фикрларида ҳам яқдиллик мавжуд эмас. Тадқиқот жараёнида бир неча машҳур ҳинд тилшунос олимларининг ҳам назарий, ҳам амалий асарлари билан танишиб чиқилди. Тўпланган маълумотларга таянган ҳолда олимларнинг фикрлари икки гуруҳга бўлинди.

Биринчи гуруҳ тилшуносларининг фикрича, гапда иш-ҳаракат билан унинг бажарувчиси ўртасидаги алоқасини келишиклар ифодалайди<sup>86</sup>. Мазкур гуруҳ олимлари кўпчиликни ташкил этади. Бу гуруҳ тилшуносларининг фикрича, ҳиндий тилида олтига келишик мавжуд: бош келишик, қаратқич келишиги, тушум келишиги, жўналиш келишиги, ўрин-пайт ва чиқиш келишиклари дир.

Иккинчи гуруҳ вакилларидаги фикрича, келишиклар гапда сўзларни бир-бирига боғлаш учун хизмат қиладиган грамматик категориядир<sup>87</sup>. Бу гуруҳ

<sup>86</sup> इन्द्र चन्द्र शास्त्री “हिन्दी व्याकरण” दिल्ली, 1976.-पृ०.53

<sup>87</sup> विजय पल सिंह “समान्य हिन्दी ” दिल्ली, 1989 -पृ०.85

олимларининг фикрича, ҳиндий тилидаги келишиқлар сони саккизта: бош келишиқ, қаратқич келишиғи, тушум келишиғи, жўналиш келишиғи, ўрин-пайт келишиғи, чиқиш келишиғи, асбоб-ускуна келишиғи, мурожаат келишиғи. Фикримизча, бу гуруҳ олимлари ҳиндий тилидаги келишиқларга анъанавий ёндашганлар. Бу гуруҳ олимлари қадимғи санскрит тилига асосланган ҳолда келишиқ категориясини талқин қилганлар.

Ҳиндий тилида келишиқ маънолари послелоглар, яъни қўшимча ва кўмакчи орасидаги оралиқ масофани эгалловчи морфемалар ёрдамида ифодаланади. Ўзбек тилида эса олтита келишиқ мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирига махсус аффикслар хосдир.

Ҳиндий тилида ўрин-пайт келишиғи *mei va par* послелоглари ёрдамида ифодаланади. Гапда бундай послелогли бирикмалар объектив ва локал муносабатни ифодалайди ва замонавий ҳиндий тилида бу каби бирикмалар жуда кенг тарқалган. Мақолада мантиқий узвийликка таяни, ҳиндий тилида отга хос ўрин-пайт келишиғи шаклларида *mei* послелоги танлаб олинди.

Рус ҳиндшунос олими О.Г.Ульцеферовнинг фикрича, послелогга хос маънони унинг кенгайиши ва торайишига қараб белгилаб бўлмайди, сабаби бу маъноларни нафақат послелогнинг семантик, балки синтактик-семантик кўрсаткичларига кўра таҳлил қилиш керак. Яъни унинг от ва феъл олдида қўлланилишини ҳам инобатга олиш керак<sup>88</sup>.

*mei* послелоги нейтрал послелоглар сирасига киради, у от ва феъллар билан сўз бирикмасини ҳосил қилади. Бунда тобеъ компонент доимо субстанциал маънога эга бўлади. Мазкур послелог бирон бир предмет ёки шахс, жараённинг “*ичида*” ёки “*ичига*” каби маъноларни ифодалайди. О.Г.Ульцеферовнинг фикрича, табиийки бу маънолар *mei* послелоги қўлланилиш доирасини торайтиради<sup>89</sup>.

Локал муносабатларни ифодалашда энг кенг тарқалган усул, бу *mei* послелоги ёрдамида иш-ҳаракат бажарилган жой кўрсатилади. Бунда тобе компонент сифатида умумий ўрин-жойни ифодаловчи отлар қўлланилади, послелогли бирикма, иш-ҳаракатнинг содир бўлиш, рўёбга чиқиш, воқеа-ҳодисанинг юз бериш ўрнини билдиради: *Mein itna: hi: ja:nti: huN ki meiN a:pki: huN oar sadev a:pki: rahu:Ngi:, is ji:van mei hi: nahi:N, balki anant tak*<sup>90</sup>. ‘Мен шуни биламанки, мен сизникиман, ҳамиша сизники бўламан, бу ҳаётдагина эмас, балки маҳшаргача’. *Mere liye duniya: mei koi: devta: nahi:N, koi: guru: nahi:N, koi: ha:kit nahi:N*. ‘Мен учун дунёда биронта маъбуд, биронта авлиё, биронта ҳоким йўқ’<sup>91</sup>. Мазкур гапларда *ji:van* ‘ҳаёт’, *duniya*: ‘дунё’ умумий ўрин-жойни билдирувчи отлар *mei* послелоги билан бирикиб, локал муносабатларни ифодаламоқда. Синтактик жиҳатдан эса мазкур жумлалардаги *mei* послелогли бирикмаси ҳол вазифасидадир.

<sup>88</sup> Ульцеферов О.Г. Словосочетания в хинди. – Москва, Наука, 1971.-с.85.

<sup>89</sup> Ўша асар.-с.86.

<sup>90</sup> प्रेमचंद, मानसरोवर – 2, दिल्ली.- पृ०15.

<sup>91</sup> Vahi:- पृ०14

Изланишлар натижасида ҳиндий ва ўзбек тиллари тизимида ўрин-пайт келишиги мавжудлиги ва улар синтактик-семантик жиҳатдан асосан изоморфизм ҳолатида эканлиги

Ҳиндий ва ўзбек тилларида ўрин-пайт келишиги қуйидаги маъноларда ишлатилади:

1. Шахс ва нарсанинг ўрнини билдиради: *Uske mukh par ulla:s tha: aor aNkhoN mein garv*<sup>92</sup> 'Унинг юзида хиралик ва кўзларида гурур бор эди'. Ушбу гапдаги *mukh par* 'юзида' ҳамда *aNkhoN mein* 'кўзларида' бирикмалари танланган икки тилда ҳам синтактик маъно-муносабатига кўра ҳол вазифасини ифодаламоқда.

Тўнюқук хоқон эмас, қолаверса, унинг битиги ёрлиқ ё юрт эгасининг битиги ҳам эмас. Лекин, таъкидлаш керак, битиг Тўнюқукнинг ким ўтгани, халқ эрки йўлида хоқонлар билан елкама-елка туриб курашган миллий қахрамоннинг улуғ хизматларини хоқонлиқ олдида, келажак авлодга яна бир бор таъкидлаб қўйиш учун ёзилган баёнотидир. Ушбу нуқтаи назардан битиг расмий тус олади. Шунинг учун бошламани *Bilgä Toñuquq-bän* («(Мен) билга Тўнюқук-ман») деб берилгани тўғри.

Бу жумла матннинг бошламаси бўлиб, уни уч компонентга ажратиш мумкин: биринчиси – муаллифнинг унвони (*bilgä*); иккинчи компонент – оти (*Toñuquq*), унга қўшилаётган *-bän* – учинчи компонент -шахс-сон қўшимчаси бўлиб, кесимликни таъминлайди. Ушбу бошлама қуйида берилган матн Тўнюқукнинг сўзлари эканлигига ишорадир. Шундан сўнг *Özüm Tabğaç äliñä qilintim* («Ўзим Табғач элида вояга етдим») жумласи билан асосий қисмга кўчилади.

У. Серткаянинг таъкидлашича, бу ерда икки жумла бор: матндаги *bän* сўзи шахс-сон қўшимчаси бўлиб, биринчи жумланинг кесимини шакллантиради. Ундан кейинги *özüm* ни эса кейинги жумланинг эгаси сифатида ўқилгани маъкул: *Bilgä Toñuquq-bän. Özüm Tabğaç äliñä qilintim*. Шунда маъно ҳам бир оз ўзгаради: «(Мен) билга Тўнюқукман. Ўзим Табғач юртида вояга етдим» (Sertkaya 1995,41–44).

Жумланинг бундай шаклда ўқилиши битигнинг расмий мақомини ҳам таъминлайди, муаллифнинг мақсадига ҳам мос тушади.

Матнни ана шу кўринишда бошлаш эпиграфика тарихида кенг тарқалган. Енисей теварагидан топилган битигларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Енисей битиглари марҳумларнинг тилидан битилиб, уларда марҳумнинг кўзи тириклигида эришган ютуқлари, етиша олмаган армонлари ҳикоя қилинган. Битигларнинг айримлари Тўнюқук битигидаги сингари қабр эгасини танитишдан бошланади. Масалан, Кулуг апа битиги: *Külüg apa-ben.* – «(Мен) Кулуг опа-мен» (E.20.2); Яруқ тигин битиги: *Er atim Yaruq tigin-ben.* – «Эр отим Ёруқ Тегиндирман» (E.19.1); Эл Тўғон битиги: *Atim El Toyan Tutuq-ben.* – «Отим Эл Тўған Тутуқмен» (E.1.2); Кўк тириг битиги: *Er atim Kök Tirig-ben.* – «Эр отим Кўк Тиригмен» (E.51.1); Бег Тарқан Ўга Тириг битиги: *Beg Tarqan Ögä Tirig-ben.* – «(Мен) Бег Тарқан Ўга Тиригмен» (E.53.3) деб бошланган. Бунинг сингари мисоллар талай. Бари эпиграфик матн тузишда адиб ва тарихчи Тўнюқук ишлаб чиққан анъанага эргашади.



Муҳими, ушбу бошламаларнинг барида битиг эгаларининг отлари ва унвонларидан сўнг *turur* кўмакчиси талаб қилинади, шахс-сон кўшимчалари эса мантиқан ана шу феълга боғланади: *(Ben) Qutluḡ Čigši (turur)-ben*, яъни «(Мен) Қутлуғ Чигси(дир)ман» сингари.

**III.** Ёзма ёдгорликлар тилида таъкид маъносини берувчи *-ol* боғламаси ҳам кесимликни таъминлайди.

Маҳмуд Кошғарийнинг ёзишича, *-ol* – от ва феълларга кўшиладиган таъкид кўшимчасидир. Бунга келтирган мисоллари шундай: *ol meniḡ oḡlum-ol* – «у ҳақиқатан менинг ўғлимдир»; *ol ewkā barmiš-ol* – «у уйга ҳақиқатан боргандир» (ДЛТ,30).

Қадимги туркий тилда ушбу кўшимча фикр тугаллиги, аниқлигини билдириб, вазифаси ҳозирги ўзбек тилидаги *-dur* га тўғри келади. Мисолларга эътибор беринг:

*Türk bodun yämä bulıanč-ol, tämiš. Oḡuzi yämä tarqanč-ol, tämiš.* – «Турк халқи ҳам саросимададир, – дебди. – Ўғузи ҳам тарқоқдир, – дебди» (Топ.22).

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида:

*Uquš körki til-ol, bu til körki – söz,  
Kiši körkü yüz-ol, bu yüz körkü – köz.* –

«Уқувнинг кўрки тилдир, бу тилнинг кўрки – сўз,  
Кишининг кўрки юздир, бу юзнинг кўрки – кўз» (QBN.10a,23).

*Bu Küntüḡdi tegli törü-ol köni,  
Bu Aytoldi tegli qut-ol, kör anı.* –

«Бу Кунтуғди дегани(м) чин адолатдир,  
Бу Ойтўлди дегани(м) бахтдир, унга бир боққин» (QBN.19b,12).

Ёки уйғур ёзувида битилган қадимги туркий васиқаларнинг хотимасида ҳужжатга урилган тамғаларнинг кимга тегишли эканлигини англаувчи компонентлар шундай берилади:

*Bu tamḡa biz, ikägüniḡ-ol.* – «Бу тамға биз, иккимизникидир» (ТХ.1,18v).

*Bu tamḡa men, Tıtsuniḡ-ol.* – «Бу тамға мен, Титсуникидир» (ТХ.1,20v).

Араб ёзувли туркий матнларда *-ol* боғламаси *alif-vāv-yā* [яъни, **اول**] билан ёзилиб, ўзи боғланаётган сўздан ажратилади. Ҳозирги нашрларда бу кўринишини баъзан *ol* олмоши билан қориштириб юбориш ҳоллари ҳам учраб туради. Бир мисол келтирамиз.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида *-ḡan, -gän / -qan, -kän* кўшимчаси билан ҳосил қилинган сифатдошлар тўғрисида сўз юритар экан, улар ҳаракат ва ҳолатнинг изчил қайталаниб турувчи маъносини ҳам беришини таъкидлайди. Бундай сўзларни у алоҳида гуруҳга ажратган. Шу ўринда *-ol* боғламаси билан келган жумлаларни мисол қилиб келтиради.

Муҳими шундаки, айрим нашрларда бу жумлалардаги боғламани олмош билан қориштириб юборганлар.

Масалан, асарнинг 1960 йилги Тошкент нашрида: *ol bu ot ol kishi ni udiyan* гапани ҳозирги ўзбекчага «бу дори у одамни ҳар вақт ухлатади» деб; *ol kishi ol yoldan aziyan* гапани «бу одам кишини доим йўлдан оздиради»; *bu er ol soz uniyān* гапани «бу одам доим сўзини унутади»; *bu aš ol kishi ni ačuryān* гапани эса «бу овқат одамнинг қорнини тез очирадиган; тез ҳазм бўладиган» деб ўгирганлар (қаранг: МК.І.169–171).

Юқоридаги мисоллар ҳозирги ўзбек тилига тўғри ўгирилган эмас. Яхши томони, унда ҳаракат ва ҳолатнинг тез-тез қайталаниб турувчи маъноси берилган. Бироқ, катта камчилиги, *-ol* боғламасининг маъносини ўгирмада бера олмаганлар; у кишилиқ ва кўрсатиш олмошлари билан қориштириб юборилган.

Ўзбекча ўгирмани тўғри бериш учун, биринчи галда, транскрипцияда *-ol* боғламасини ўзи бирикаётган сўзга чизикча билан боғлаб чиққанимиз яхши. Ана шунда гапнинг маъносини тушуниш ва ҳозирги тилга ўгириш қулай кечади.

Илк жумладаги *-ol* боғламаси *ot*, яъни «дори» сўзини таъкидлаш учун; иккинчи гапда *kishi* сўзини, учинчисида *er* ни, сўнггисида эса *aš* сўзини таъкидлаш учун ишлатилаётир. *-yan* кўшимчасини олган сифатдошларга эса, изчил қайталаниб турувчи маъно юклаб чиқамиз. Ана шунда ўгирмамиз анча текис ва грамматик жиҳатдан тўғри чиқади.

Энди ўқиб кўринг: *ol bu ot-ol kishi ni udiyan* – «бу ўша, кишини ухлатиб кўядиган доридир»; *ol kishi-ol yoldan aziyan* – «у одамларни доим йўлдан оздирадиган кишидир»; *bu er-ol soz uniyān* – «бу, сўзини унутадиган кишидир»; *bu aš-ol kishi ni ačuryān* – «бу, кишининг қорнини тез очирадиган, тез ҳазм бўладиган овқатдир» (қаранг: ДЛТ,76).

«Девону луғати-т-турк»нинг куйидаги икки нашрида ҳам бу гаплар тўғри таржима қилинган: А. Эржиласун ва З. Аккўюнлунинг биргаликда чоп эттирган туркча таржимасида ушбу жумлалар куйидагича: «*bu, insanı devamlı uyutan ilaştır*», яъни «бу, инсонни давомли ухлатадиган доридир»; «*bu, insanları devamlı yoldan çıkararı insandır*», яъни «бу инсонларни давомли йўлдан чиқарадиган инсондир»; «*bu, sözü çok unutan adamdır*», яъни «бу сўзни кўп унутадиган одамдир»; «*bu, çabuk hazmedilen ve çabuk ačıktıran yemektir*», яъни «бу, тез ҳазм этиладиган ва тез очиктирадиган емакдир» (қаранг: ДЛТ,79–80).

А. Рустамов асарнинг русча нашрида юқоридаги жумлаларни шундай таржима қилган: «это – лекарство, которое всегда усыпляет человека»; «это человек, который вечно сбивает людей с [правильного] пути»; «это – человек, который часто забывает слова»; «это – пища, быстро переваривающаяся, быстро вызывающая голод» (қаранг: СТС.І.156–158).

#### ***er-* тўлиқсиз феъли**

Ҳозирги ўзбек тилида *e-* тўлиқсиз феъл бўлиб, у *edi, ekän, emiš, emäs, esä* сингари шаклларда ишлатилади. Булардан *emäs* бўлишсиз феъллар ясайди, *esä* боғловчидир.

Тўлиқсиз феълнинг *edi, ekän, emiš* шакллари алоҳида ишлатилмайди, лекин феъллар билан қўлланганда ҳаракат-ҳолатнинг давомийлигини билдиради. Отлар (исм гуруҳидаги сўзлар) билан қўлланганда эса уни кесимга айлантиради ва б.

Ҳозирги *e-* тўлиқсиз феъли қадимги туркий тилда *är--er-*, унинг замон, майл шакллари эса *ärđi~erđi, ärkän~erkän, ärmiş~ärmis / ermiş~ermis, ärmäz~ärmäs / ermäz~ermäs, ärsä~ersä* шаклларида ишлатилган.

Маълумки, *är--er-* бошда мустақил бўлиб, кейинчалик тўлиқсиз феълга айланган. У ёзма ёдгорликлар тилида икки хил кўринишда учрайди:

1) Ҳозирги ўзбек тилида бўлгани сингари тўлиқсиз феъл бўлиб келади:

*Türk bodun Tabıaçqa körür ärti.* – «Турк халқи Табғачга қарам эди» (Топ.1).

*Äki ülügi atlıy ärti, bir ülügi yaday ärti.* – «Икки қисми отлиғ эди, бир қисми яёв эди» (Топ.4).

2) Мустақил феъл бўлиб, «мавжудлик» маъносини билдиради. Мисолларга эътибор беринг:

*Näñ näñ sabim ärsär, bängü taşqa urtum.* – «Ҳар қандай сўзим бўлса, мангу тошга ёздим» (Ка.11).

*Anča qazyanmış, itmiz älimiz, törümüz ärti.* – «Шундай қозонилган, тикланган элимиз, ҳукуматимиз (бор) эди» (К.12).

*Ol antay osuyluy çoyluy yalınlıy küçlüg küsünlüg elig xannıñ uluyi xatunınta toymış körgäli sewiglig, körklüg meñizlig üç oylanı erti.* – «Ўша тадбирли-чўғли, шон-шавкатли элиг хоннинг катта хотинидан туғилган кўркли-суюкли, истараси иссиқ уч ўғлони бўлар эди» (АҲар.270).

*Et-öz ersär, beksiz meñsüz titir.* – «Эт-ўз мавжуд бўлса, беқарору, ўткинчи туруп» (АҲар.272).

Ёдгорликларда *er-* феъли *erdilär erđi, erđi ersä* шаклларида ҳам учрайди. Масалан, «Ўғузхоқон» достонида: *Oşul oyulnuñ öñlügi çırayi kök erđi, ayizi ataş qizil erđi, közläri al, saçları, qaşları qara erđilär erđi.* – «Ўша ўғилнинг юз-чиройи кўркли эди, лаблари оташ мисол қизил эди, кўзлари хумор, сочлари, қошлари қора эди» (ОД.1.5–7).

«Кутадғу билиг»да: *Uđir erđiñ ersä, tur ač emdi köz.* – «Ухлаётган эрсанг, тур, энди кўзингни оч» (ҚВ.80).

Ҳозирги *kimsä* сўзи тарихан кишилиқни билдирувчи *kim* ҳамда «мавжудлик (существо)» маъносидаги *ersä* сўзларининг бирикувидан ясалган: *kimsä<kim+ersä*. Ёки ҳозирги *närsä* сўзи «буюм, нарса» маъносидаги *näñ* ҳамда *ersä* сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган: *närsä<näñ+ersä*. Яна қиёсланг: ўзбек тили тарихида қўлланган *nämärsä(<nämä+ersä)* сўзи «наrsa, буюм» маъносини билдиради.

**Хулоса.** Туркий тилларда гапнинг кесими феъллар билан ҳам, феълдан бошқа сўз туркумлари билан ҳам ифодаланади. Феълнинг кесим вазифасида келиши унинг энг муҳим грамматик белгисидир.

Нутқда ҳам, матнда ҳам от-кесим, биринчи галда, бирор бўлақни ажратиб кўрсатиш, маънони урғулаш, яъни гап урғуси (логик урғу)ни таъминлашга хизмат қилади. Нутқда ушбу бўлақ бошқаларига қараганда кучлироқ айтилади. Шунинг билан бирга, гап қурилишининг грамматик-услубий жиҳатдан такомиллашуви, гап қурилишида стереотип қайтариқлардан қочиш, услубий гўзалликка, ихчамликка интилиш принциpidан келиб чиққан ҳолда феълдан бошқа туркумдаги сўзлар ҳам кесим бўлиб кела олади.

Гапда феълдан бошқа сўзларнинг кесим бўлиб кела олишини нутқ ва матн амалиётидаги узоқ асрли тарихий такомил натижаси, деса бўлади. Бироқ кесимнинг феълдан бошқа туркумдаги сўзлар билан ифодаланиши нисбий ҳодисадир. Чунки у от-кесим бўлгани билан, ҳар қандай ҳолатда, мантиқан *tugur*, ҳозирги ўзбек тилида эса *-dir* боғламасини талаб қилади. Демак, гап қурилишида ҳар қачон ҳам мантиқан феълга зарурат туғилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

*ДЛТ* – Девону луғати-т-турк [Туркий сўзлар девони]. Нашрга тайёрловчи Қосимжон Содиқов. – Тошкент, 2017.

*DLT* – Kâşgarlı Mahnud. Dîvânu Lugâti't-Türk. Giriş – Metin – Çeviri – Notlar – Dizin. Hazırlayanlar: Ahmet B. Ercilasun – Ziyat Akkoyunlu. – Ankara, 2014.

*E* – енисей битиглари: Малов С.Е. Енисейская письменность тюрков. – М.–Л., 1952.

*МК* – Махмуд Кошғарий. Туркий сўзлар девони (Девону луғотит турк). Уч томлик. I том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. Муталлибов. – Тошкент, 1960.

*RQ* – Содиқов Қ. «Роҳату-л-қулуб» китоби. // *Islom tafakkuri*. Maxsus son. – Toshkent, 2019. В. 97–108.

*СТС. I*. – Махмуд Кāшгари. Дивāну лугāти-т-турк (Свод тюркских слов). Перевод на русский язык с комментариями академика Алийбека Рустами. В трех томах. Том 1. – Ташкент, 2017.

*ТХ* – Содиқов Қ. Илк ва ўрта асрларда яратилган туркий ҳужжатлар. – Тошкент, 2016.

*QBN* – «Кутадғу билиг»нинг Вена (Ҳирот) нусхаси: Wien, ÖNB, Cod. A.F.13: *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. A. Viyana Nüshası (Tırkıbasım). – Ankara, 2015;

*QBN* – «Кутадғу билиг»нинг Наманган (Фарғона) нусхаси: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, 1809 кўрсаткичли қўлёзма. *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. B. Fergana Nüshası (Tırkıbasım). –Ankara, 2015;

*QBQ* – «Кутадғу билиг»нинг Қоҳира нусхаси: Миср Миллий кутубхонаси, 168- кўрсаткичли қўлёзма: *Yusuf Has Hacib*. Kutadgu Bilig. C. Kahire Nüshası (Tırkıbasım). – Ankara, 2015.

---

**Зокиржон Орипов**

*Филология фанлари доктори, профессор*

### **МАНБАЛАРДА ҲАҚ ТОПГАН ОЛИМ**

*Учёный нашедший правду в источниках. Решение Президента Узбекистана ПР 2956 от 24.05.2017. было долгожданным и в изучении древних источников Центральной Азии на арабской графике. В недавнем прошлом*

одним из известных источноковедов был Файзиев Турғун, изучавший источники об Амуре Тимуре и тимуридах и опубликовавший ценные научные труды по данному вопросу.

*Scientist finding truth in sources. Resolution of the president of Uzbekistan PP 2956 from 24.05.2017 was long awaited in study the of ancient written sources of Central Asia in Arab graphics. In recent past one of the famous sources researchers was Fayziev Turgun, who studied sources about Amir Timur and Timurids and had published precious scientific works on data theme.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан буюк алломаларимизнинг илмий-маънавий меросини асраб-авайлаш ва чуқур ўрганиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлмоқда.. Президентимизнинг мазкур қарори кўп асрлик маданий ва илмий ютуқларимиз акс этган ёзма ёдгорликларни сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

Ота-боболаримиздан қолган улкан маънавий бойлик, қўлёзма асарлар Қизилқум саҳросига сочилиб кетган олтинни эслатади. Авлодларимиз яратган бу асарлар дунё кутубхона, музейларига сочилиб кетган. Жаҳондаги бирорта машҳур кутубхона йўқ-ки, у ерда халқимиз тарихи ва адабиётига тегишли қўлёзма асар бўлмасин. Британия Музейи, Париж Миллий Кутубхонаси, Оксфорд, Кэмбриж, Сорбонна, Харвард, Йел университети кутубхоналари, Голландия, Олмония, Испания, Италия, Ватикан китобликлари, ҳамда Туркия, Эрон, Ҳиндистондаги кутубхоналарда кўплаб ёзма адабиётларимиз намуналари асраб келинмоқда эди (Хайрулла Ҳикматли)<sup>101</sup>. Энди улар Ватанда ҳам тадқиқ этилиб, ҳақиқий маънавий бойлигимизга айланади.

Манба ва манбашунослик тарих, маданият, санъат, адабиёт, шунингдек, табиий ва аниқ фанлар сингари бир қатор йўналишлар бўйича илмий тадқиқотларда калит вазифасини ўтайдиган муҳим соҳадир. Чунки, ёзув пайдо бўлиши билан инсоният тамаддуни жараёнини битикларда муҳрлаб қолдириш имконияти яратилди. Жумладан, тарихи бой халқимизга ҳам ўтмиш аждодлардан беҳисоб илмий, маданий ва ижтимоий мерос қолган. Илм-фаннинг барча соҳаларига доир нодир китоблар, турли даврларда ҳукмдорлар томонидан чиқарилган фармонлар, амалдор ва ҳокимларнинг васиқа ҳужжатлари, археологик топилмалар, ҳунармандлик буюмлари, меъморий обидалардаги нақшу нигорлар, қўйингки, ҳатто қабр тошларидаги битиклар каби ўз даври ҳақида қимматли маълумот берувчи бу бебаҳо мерос манбашуносликнинг асоси ҳисобланади. Уларни ўрганиш бўйича ҳали миллий манбашунослигимиз олдида улкан вазифалар турибди. Шу нуқтаи назардан,

<sup>101</sup> Хуршид Даврон кутубхонаси.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мазкур қарори соҳага қаратилган юксак эътиборнинг амалий ифодаси сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Қадимий қўлёзма манбаларни тадқиқ қилиш фидоийликни талаб қиладиган жуда машаққатли иш. Шунинг учун ҳам бу соҳа мутахассислари кўп эмас. Бизнинг қадимий қўлёзма манбаларимиз Ўрхун-Енисей тошбитикларидан тортиб, кейинчалик асосан араб ва форс тиллари ва ёзувлари иншо этилган китобу саҳифалардир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақилликка эришгунимизга қадар, хусусан, ўтган асрнинг 70-80 йилларида, яқин-яқинларгача Тошкент давлат шарқшунослик институтини битирган мутахассисларнинг аксари ҳозирги замон араб босма ёзуви бўлган насх ёзувида билим олгани сабаб, қадимий қўлёзмаларни раво ва тўғри ўқий олмайди ёки литографияларда настаълиқ ёзувида чоп этилган асарларни ҳам қийиналиб ўқийди. Бу манбашуносликдаги турғунлик муҳитига сабаб бўлиши табиий. Албатта, давлатимиз раҳбарининг қарорига асосан, Тошкент давлат шарқшунослик институти Тошкент ислом университети билан биргаликда қўлёзмалар билан ишлаш малакасига эга ёш мутахассислар тайёрлаш ва ёш кадрлар захирасини шакллантириш борасида амалга ошириладиган ишлар бу борадаги муаммоларни бартараф этади. Яқин ўтмишда ҳам бизда ҳамма турдаги арабий хатларни тўғри ўқий оладиган мутахассислар бўлган, улардан бири Файзиев Турғун домла эди.

Файзиев Турғун домла 1926 йил 26 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1945-1951 йиллар Ўрта Осиё давлат унверситети Шарқ факультетининг хорижий шарқ мамлакатлари тарихи бўлимида таҳсил олди. Урушдан кейинги йиллар шароитида, ижтимоий, иқтисодий қийинчиликларга қарамай, емакка ҳам, китоб-дафтарга ҳам пул топиш қийин вақтда Файзиев Турғун домла сабр ва шукур билан яхши ўқиган экан. У билан бирга ўқиган курсдошлари орасида истеъдотли ёшлар кўп экан. Улардан бири кейинчилик Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонига сазовор бўлган Пиримкул Қодиров бўлиб, у даврларларда Шарқ факультетининг хорижий шарқ мамлакатлари тарихи бўлими талабалари ким яхши ўқишга ўзаро мусобақалашар экан. Файзиев Турғун яхши ўқиши билан тилга тушган экан. Турғун домла меҳнат фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлабди. Унверситетда пухта ўқиган ёш мутахассис Турғун Файзиев 1958 йилдан Ўз ФА илмий котибиятида академик-котиб ёрдамчиси лавозимида хизмат қилди. Шундан сўнг Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтига аспирантурага ўқишга кирди. Илмий – ижодий ҳаётининг асосий қисми мазкур институт фаолияти билан боғлиқ бўлган заҳматкаш манбашунос олим Файзиев Турғун домлани билимдон, жасур деб эслайдилар. Билимдонлиги араб ёзувидаги ҳар қандай мураккаб манбани ўқий ва тавсиф эта олишида экан, жасурлиги сиёсий аҳвол қандай бўлишидан қатъий назар Темур ва темурийларга тўғри, холис, одил баҳо бераолишида экан. Файзиев Турғун домланинг қимматли асарларидан бири “Темурийлар шажараси” номли китоби сўз бошида домла ёзади: “Темурийлар шажараси” номли китобни яратиш менинг учун тасодифий фикр маҳсули эмас. 1961 йил Ўзбекистон ФА Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтига ишга келганимдан сўнг турли-туман қўлёзма асарларни мутолаа қилиш бахтига

муяссар бўлдим. Табиийки, хилма-хил қўлёзма манбалар орасида соҳибқирон Темур ва унинг авлодларга оид катта-кичик маълумотлар учрай бошлади. Кейинчалик мвнбаълардан олган маълумотларни фикран жамлаб мушоҳада қилганимда, темурийлар сулоласига мансуб бўлган шахзода ва маликаларнинг сон-саногии йўқдек туюлди, шунингдек уларнинг ҳар бирини мамлакат ҳаётида тутган мавқеъи турлича эканлиги кўз ўнгимда гавдалана бошлади. Ана шундан ўнг, Темурийлар шажарасини тузиш масаласи бутун вужудтмни камраб олди. Аммо, у замонлар бошқа давр эди. Зеро Темур, темурийлар ҳақида китоб нашр эттириш уёқда турсин, ҳатто ошқора фикр юритишни ўзи ҳам оғир муносибатларни келтириб чиқорар эди.

Ушбу асар Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Шарофиддин Али Яздийнинг (1454вафоти) “Зафарнома”, Ибн Арабшоҳнинг (1389-1450) “Ажойиб ул-мақдур фи ахбори Таймур” (Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари), Камолиддин Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413-1482) “Матлаи саъдаи ва мажмаи баҳрайн” (Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки денгизнинг қуйилиш жойи), Фасих Ҳавофийнинг (1375 йилда таваллуд топган), “Мажмуал и-Фасихий” (Фасихийнинг тарихлар мажмуаси), Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483-1530) “Бобурнома”, Ғиёсиддин Муҳаммад Хондамирнинг (1475-1535) “Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар” (Инсон хабарларида дўстларнинг таржимаи ҳоли) ва “Хулосатул ахбор”, Гулбадан бегимнинг (1523-1603) “Ҳумоюнома”, “Темур тузуклари”, Абулфазл Алломийнинг (1551-1602) “Акбарнома”, Бобурийлар салтанатинин тўртинчи ҳукумдори Жаҳонгиршоҳнинг (1569-1627) “Жаҳонгирнома” (Жаҳонгир тузуклари) ҳамда қатор катта-кичик ҳажмдаги қўлёзма манбалар асосида ёзилди. Шунингдек мазкур манбаларни таҳлил этиш жараёнида, Касталия қироли Генрих III нинг (1390-1407) элчиси Руи Гонсалес де Клавйхонинг “Кундаликлари”, Х.Вамбери, В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский ишларини кўриб чиқдим. Бинобарин, ҳазрат Амир Тмурга бўлган эҳтиромим ўлароқ “фарзандларимга менадан хотира бўлиб қолар” – деган умид билан мазкур асани хуфиёна уйда ишлашга жазм қилдим. Аллоҳга шукурлар бўлсинким, замонлар ўзгарди, ватанимиз завол тунидан қутилиб, мустақиллик тонгига етишди. Шу боис мен ҳам мазкур асаримни Сиз азизларнинг муҳокамангизга ҳавола этиш бахтига мушарраф бўлдим.<sup>102</sup>

Файзиев Турғун домланинг “Темурийлар шажараси” номли китобининг “Соҳибқирон Амир Темур Курагон” аталмиш бобини ўқишни ўзидаёқ кўнглимда бир ҳаяжон уйғонди-ки. Уни ичимга сиғдиrolмай қолдим. Бу мақтанишми, фаҳрми, шукрми билолмадим. Файзиев Турғун домла ёзади – ки, “мўғул истебдодига қарши озодлик байроғини жасуруна баланд кўтариб майдонга чиққан ва халқнинг асрий эзгу нияти – мустақилликни қўлга киритган етук тарихий шахс Амир Темурдир. Жаҳонгир Амир Темур Мовароунаҳрни мўғул истилочиларидан тозалаб, марказлашган улуғ давлат барпо этди. Айрим тарихчилар Амир Темурнинг қонхўр босқинчиликда Чингизхон билан бир ўринга қўядилар. Чингизхондан ўз юртида нима мерос қолди? Фақат Курнлен

<sup>102</sup> Т.Файзиев. Темурийлар шажараси. “Ёзувчи” наширёти–“Ҳазина”.1995.Б.9,10.

яйловида тошдан ўйиб ишланган баҳайбат ташбакагина қолди, холос. (Бу ташбақа Чингизхоннинг чодирини ёнига ўрнатилган эди.) Амир Темур фаолиятини эса тарихий ҳужжатлар ва осори антиқа обидалар гувоҳлик бериб турибди

Амир Темур Самарқандни жаҳонддги энг катта ва гўзал шаҳарга айлантирмоқчи эди. Шаҳар атрофида майда қишлоқлар барпо этиб, уларга дунёнинг энг катта шаҳарларини номини берган эди. Чунончи: Боғдод, Дамашқ, Миср, Шероз, Султония, Мадрид, Париж шулар жумласидандир. Кези келганда шуни ҳам айтиш лозим-ки, Андижон вилоятидаги Асака шаҳрининг номи Япониянинг Осака шаҳридан олинганмикин деган тахмин ҳам бор.<sup>103</sup>

Турғун домла Файзиевнинг илмий – ижодий ҳаётининг асосий қисми Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти фаолияти билан боғлиқ бўлди. Бу ерда у аспирантликдан тортиб етакчи илмий ходимгача бўлган шарафли йўлни босиб ўтди. Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти фаолияти давомида Турғун Файзиевга Ўзбекистон шарқшунослигининг кекса вакиллари Абуфаттоҳ Расулов ва Абдулло Носиров ҳам, шарқшунослигининг номдор вакиллари Б.Аҳмедов ва Қ.Мунировлар ҳам - ҳамма самимий ҳурмат ва меҳр билан муомала қилишар экан. Сабаби, 300 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи, “Эл-юрт ҳрмати” ордени ва “Шухрат” медали совриндори Турғун Файзиев<sup>104</sup> камтарин, камгап, адолатеша олим бўлган эканлар. Турғун домланинг асарлари ичида Ўзбекистон ФА аъзоси Бўрибой Аҳмадов “Ҳаммага керак китоб” деб атаган тақризида келтирилган гаплар Т.Файзиевнинг фақат “Темурийлар шажараси” китобигагина эмас, балки бсшқа асарларига ҳам тегишлидир, жумладан, Т.Файзиев.Темурий маликалар. Т.: “А.Қодирий “ нашриёти.1994. Мирзо Улуғбек авлодлари.Т.: “Ёзувчи” нашриёти-1994. Т.Файзиев.Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва унинг аводлари.Т.: 1996. .Файзиев. Ҳусайн Байқаронинг сирли ўлими. -Т.: “ Ёзувчи” нашриёти “Ҳазина”.1996. Т.Файзиев. Зебунисо. Т.: “Фан”.1991. Т.Файзиев. Занги Ота. Т.: 1993. ва бошқаларга нисбатан ҳам шу гапни айтиш мумкин. Т.Файзиевнинг мазкур асарларининг ҳар бири ўқувчи кўнглида аждодларга олам-олам ҳурмат ва Ватанга чексиз меҳр-муҳаббат уйғотади. Амир Темур илм-фаннинг риёзиёт, ҳандаса. меъморчилик, фалакиёт, алабиёт, тарих, мусиқа соҳаларининг равнақига катта эътибор берган. Бунга мисол, Амир Темур паноҳида Абдулқодир Мароғий Маказий Осиёда биринчи бўлиб<sup>12</sup> мақом назариясини ишлаб чиқди (А.З.). Алишер Навоийни ёзишича, Темур слтанати давридан бошлаб мамлакатда туркий адабиёт кенг кўламда ривожлана бошланган. Амир Темурнинг ўзи ҳам шеърятни зўр эҳтирос билан қараганлиги ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Темур Кўрагон... агарчи назм айтмоққа илтифт билмайдурлар. Аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳол ва мавқеда ўқибдиларки, анингдек бир байт ўқиш минг янги байт айтқонуча бор.” Амир Тмурнинг шакли шамойили қандай эканлигини тасаввур этиш учун, аввало унинг душмани, таниқли араб тарихчиси Аҳмад ибн Муҳаммад ибн

<sup>103</sup> Т.Файзиев. Темурийлар шажараси. “ Ёзувчи” нашриёти–“Ҳазина”.1995.Б.37-41..

<sup>104</sup> Ўзбекистон швқшуновлари библиографияси. Тузувчи Алимудла Ҳабибуллаев. Т.: “фан ва технолоя”.2011.Б..150.. .



Арабшоҳнинг “Ажойиб ул мақдур фи ахбори Теймур” номли асарида келтирилган маълумотларда мурожат қилсак мақсадга муваффиқ бўлса ажаб эмас. “Темур гавдаси келишган, узун бўйли одам эди. Пешонаси очиқ, калласи катта, овози жарангдор бўлиб, кучи жасрулигидан қолишмас эди. Оқиш юзини оч қизил ранг жилвалантуриб турар эди. Ўнг қўл ва ўнг оёғи майиб. Қарашлари ёқимли. елкалари кенг, бармоқлари тўлиқ, қовурғалари узун, мускуллари кучли эди.”<sup>105</sup>

Шундай қилиб, Т.Файзиевнинг арабий ва форсий нодир манбалар асосида келтирилган илмий хулосаларига суяниб, таъкидлашимиз мумки-ки, Соҳибқирон Амир Темурнинг ишлари ҳам, шакли шамойили ҳам улуғвор бўлган.

### ***Зокиржон Орипов***

*Филология фанлари доктори, профессор*

## **АМИР ТЕМУР ПАНОҲИДА ИЖОД ҚИЛГАН МУСИҚАЧИ**

### **Музыкант творивший под покровительством Амира Тимура**

Когда сын Амира Тимура Мираншах правил Табризом за несоблюдение дворцовой этики Хафезу (певец дворца) назначили наказание - смертную казнь, но Хафезу удалось скрыться и перебраться в Багдад, в 1339 году Амир Тимур захватил Багдад, встретился с Хафезом и, услышав его голос, изумился, простил его и отправил в Самарканд, Дальнейшая творческая судьба Хафеза, будущего выдающегося музыканта Абдулгадира бин Гейби Мараги (1353 - 1435) прошла под покровительством Амира Тимура. Мараги принадлежат такие известные трактаты по музыковедению как مقاصد الالحن (Назначение мелодий), جامع الالحن (Совокупность мелодий) и другие, он одним из первых в Центральной Азии изучил и описал دوازده مقام (Двенадцать макомов).

### **Musician creating under Amir Timur's protection**

While Amir Timur's son Miranshakh was ruling Tabriz, he designed a punishment and put to death Khafez (the palace singer) for breaking palace rules, but Khafez managed to escape and moved to Baghdad, in 1339 Amir Timur occupied Baghdad, there he met Khafez and on hearing his voice he was so amazed that he forgave him and sent to Samarkand. A further creative destiny of Khafez, an outstanding musician Abdulgadir bin Gaibi Maragi (1353-1435) passed under Amir Timur's protection. Such famous treatises on music as مقاصد الالحن (Purpose of melodies), جامع الالحن (Totality of Melodies) and others belong to Maragi, he was one of the first who explored and described دوازده مقام (Twelve makams).

Мўғиллар истилосидан сўнг 1370 йил Самарқанд тахтига ўтирган Буюк бобокалонимиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг азму шижоати, заковат ва донишмандлиги туфайли Мовароуннаҳр мустақил бир давлат сифатида бирлашди, мамлакат ичида тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши давлатнинг

<sup>105</sup> Т.Файзиев. Темурийлар шажараси. “Ёзувчи” нашриёти—“Хазина”.1995.Б.37.

иктисодий ва маданий жиҳаттан ривожланганди, илм-фан, адабиёт ва санъат, архитектура, хунармандчилик равнақ топди. Амир Темур пойтахти Самарқандни ободонлигига жиддий эътибор берган. Турли мамлакатлардан Самарқандга хунармандлар, олимлар, шоирлар, санъаткорлар, фозилу фузало тўпланди. Соҳибқирон Амир Темурнинг бу доно амаллари бутун Мовароуннаҳр, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари маданияти ва саъатини янада яқинлашувига ва ривожига олиб келди. Амир Темур илм-фан ва санъат намояндаларини ўз ҳимоясига олар эди. Шу туфайли Амир Темур даврида Самарқандда кўп уламо ва санъаткорлар етишиб чиқди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ саройида, Табризда хизмат қилаётган вақтда созанда ва ҳофиз Абдулқодир Мароғий бир гуноҳи сабаб Мироншоҳ ғазабига учрайди, ўлимга ҳукм этилади, аммо Мароғий хийла билан Бағдодга қочади. 1393-йил Амир Темур Бағдодни эгаллаганда Мароғий билан учрашади ва у зотнинг тиловатининг гўзаллигига ва нафасининг чуқурлигига таҳсинлар ўқиб, гуноҳини афв этади. Шундан сўнг Абдулқодир Мароғий барча илмий ва ижодий ишлари Соҳибқирон Амир Темур раҳнамолигида ўтади. Амир Темур паноҳида Абдулқодир Мароғий Маказий Осиёда биринчи бўлиб 12 мақом назариясини ишлаб чиқди.(А,З.) Бу ҳақда Ҳазрат Алишер Навоий ёзадики, “Хожанинг<sup>106</sup> камолотидан бири қуръон ҳифзи ва қироат илми эрди, филҳол бийик ун била қуръон ўқумоқ қилдиким, ул ҳазратнинг<sup>107</sup> ғазаби лутфқа мубаддал бўлуб, ... Андин сўнгра Хожага илтифот ва тарбиятлар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди. Идрок ва фаҳм аҳли билурким, йиллар қариларда мундоқ латиф сўз воқеъ бўлмас. фазил ва камол аҳли сори боқиб, бу мисраъни ба вақт ўқудиким:

Абдол зи бийм чанг бар музҳаф зад  
(Қаландар қўрқувдан Қуръонга чанг солди)”<sup>108</sup>

Бу ҳақда таниқли темурийшунос олим Турғун домла Файзиевнинг “Темурийлар шажараси” монографиясида ёзилган.<sup>109</sup>

Соҳибқироннинг тарбияти, маънавий ва молиявий рағбатлантиришлари туфайли машҳур ҳофиз, созанда, бастакор ва атоқли мусиқашунос олим даражасига кўтарилган Абдулқодир Мароғий 1353 – йили, Эрон Озарбайжонининг Мароға шаҳрида таваллуд топган.

Мароғийнинг отаси Мавлоно Ғойибий ўз даврининг таниқли шахси бўлган экан. Абдулқодир Мароғий ўзининг “Мусиқа мақсадлари” асарида шундай ёзади: “Менинг отам Ғойибий турли илмларда жуда маҳоратли эди, хусусан мусиқада. Мени билимли бўлишимда, айниқса мусиқада билимдон бўлишимда унинг хизмати каттадир.”<sup>110</sup>

Абдулқодир Мароғий мусиқашунос олим бўлмасдан олдин ҳофизу-л-Қуръон, созанда ва хонанда сифатида машҳур бўлди.

<sup>106</sup> Абдулқодир Мароғийнинг

<sup>107</sup> Амир Темурнинг

<sup>108</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис.Т.:”Фан”-1967 Б.167.

<sup>109</sup> Т.Файзиев. Темурийлар шажараси. “Ёзувчи” нашриёти –“Ҳазина”. 1995. 38-40.

<sup>110</sup> З.Орипов. X - XV асрлар Марказий Осиё мусиқа манбашунослиги. Т.; 2017. Б. 107./

Манбаларни хабар беришича, у туркий, араб ва форс тилларини бир текис яхши билган ва бу тилларда адабий бадий ва илмий ижод қилган. Мароғий туркий халқларнинг мумтоз шеърлятида лириканинг бир шакли бўлган “туюк” жанрида шеърлий асарлар яратган ва омоним сўзлар воситасида сўз ўйини қилиб, шеърларининг бадий қийматини юксак даражаларга кўтарган. Мароғий ўзининг шеърларини, хоссатан “туюк” жанридаги туркий шеърларини Сегоҳ, Ушшоқ, Наво мақомларига қўйиб ижро этмоқни тавсия этади. Абдулқодир Мароғий мусикашуносликка оид назарий асарларини Амир Темур саройида ва паноҳида ёза бошлаган. Абдулқодир Мароғий мусикашуносликка оид назарий асарларини Амир Темур ҳар сафарда ўзи билан олиб юрувчи Соҳибқирон Абдулқодир Мароғийнинг илмий ишларига шароит яратиш мақсадида, 1398-йил апрелидан 1399-йил 27-апрелигача давом этган Ҳиндистон юришида қатнашмаслигига, Самарқандда қолишлигига ижозат беради ва “ўн икки мақом ижрочилиги ривожланган бир даврда бу масалага доир назарий асар ёзмоқликни тавсия этади.”<sup>111</sup>

Бу иш кейинча ўзбек мусикаси тарихида анаънага айланди, масалан, Навоий Ҳаъзратлари ҳам мусика амалиётчилари учун назарий асарлар ёзмоқни бир неча мутахасисга тавсия этан. Хондамирнинг “Мукоримул ахлоқ” асарида айтилганидек, “Навоийнинг кутубхонасида ва Навоий томонидан ҳар жиҳаттан таъминланган ҳолда” ёзганлар; **2.** Зайнулобидин Ҳусайний “Қонунни”; **3.** Камолиддин Биноий “Рисола дар мусиқий”; **4.** Мир Муртоз “Рисолаи мусиқий”; **5.** Абу Алишоҳ Бўка “Аслул васл”; **6.** Ҳожи Шаҳобиддин Абдулло Марварид “Рисолаи мусиқий”; **7.** Маҳмудий “Рисола дар илми мусиқий” ва Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи мусиқий” асари яратилган.

1405-йил Абдулқодир Мароғий *جامع الالحان* – “Мусика тўплами” асарини ёзиб тугатган. *جامع الالحان* – “Мусика тўплами” асарида “ўн икки мақом”нинг номланишлари ва тартиби шундай берилди: *عشاق* (Ушшоқ); *نوى* (Наво); *بوسليك* (Буслик); *راست* (Рост); *حسيني* (Ҳусайний); *حجاز* (Ҳижоз); *راهوي* (Роҳавий); *زنكوله* (Зангула); *عراق* (Ироқ); *إصفهان* (Исфаҳон); *زيرافكند* (Зирофканд)-(иккинчи, қўшимча аталиши – *كوجك*(кучэк)); *بزرگ* (Бузург).

Сафийуддин Урмавий – Бағдодий (1216-1294) ва форсий забон муаллифлар - Ҳожа Абдулқодир Мароғий (1353 - 1435), Абдурахмон Жомий (1414-1492) кабилар 12 мақомни таҳлил ва тавсиф этганлар. Деяли бирхил.

Аммо, уларнинг ҳар бири масалани мустақил ҳал қилган

Абдулқодир Мароғийнинг мусикашуносликка оид куйидаги асарлари маълум:

1. *مقاصد الالحان* – “Мусика мақсадлари”;
2. *كنوز الالحان* - “Мусика хазиналари”;
3. *جامع الالحان* – “Мусика тўплами”;
4. *كتاب لحنية* – “Мусика китоби”;
5. *فوائد عشرة* – “Ўнта фойда”;
6. *زبدة الادوار في شرح رسالة الادوار* - “Даврлар рисоласининг шарҳида асос даврлар” ёки *شرح الادوار* – “Даврлар шарҳи китоби” аталмиш асар;

<sup>111</sup> <http://www.encyclopaediaisiamica.com/mfdkhai2.php?sid=4360>

– كتاب الادوار Урмавийнинг Сафийудин “Рухпарвар” – روحباروار 7. “Даврлар китоби” асарининг туркий таржимаси.

Соҳибқирон Амир Темурнинг марҳамати туфайли шуҳрат топган, юқори даражаларга эришган миннатдор олимлар, санъаткорлардан бири Абдулқодир Мароғий Соҳибқирон вафотидан сўнг темурийзодаларнинг саройларида, хусусан, Шохрух мирзо саройида хизмат қилди ва 1435 – йил Ҳирот шаҳрида вафот этди.

Абдулқодир Мароғий мусикашуносликка оид рисоаларини, ўша давр Мовароуннаҳрда адабиёт ва илм тили бўлган - форсийда ёзган, лекин уларни туркийда битган шеърлари билан тугаллаган, масалан, مقاصد الالحان “Мусика мақсадлари” рисоласи хотимасида битилган туркий шеърый мисралар қаторида куйидаги маснавийлар ҳам бор:

صوت در پرده نوى برين ابيات تركى :

ای جان جهان بحر صفا بیزنى اونوتمه

و ای ماه جبین مهر لقا بیزنى اونوتمه

حق دین دیلابورجان و کول عمرونک اوزاقى

وردوم بود و رور صبح و مسابیزنى اونوتمه

اول دم که یوزونک بیرسه شها حسن زکاتى

کر بوملیا حاضر بوگدا بیزنى اونوتمه

آیرلمدی جانوم قیلیج ایلا ایشیکو نکدین

گر چرخ و فلک قیلدی جدا بیزنى اونوتمه

Наво пардасидаги бу туркий байтлар савти:

Эй жони жаҳон, бағри сафо, бизни унутма,

Ва, эй моҳи жабин, меҳри лиқо, бизни унутма,

Ҳақдин дилаюр жону кўнгул умринг узоқий,

Вадур бу дурур субҳу масо бизни унутма,

Ул дамки, юзинг берса, шаҳ-о, ҳусн закоти

Кубу малия ҳозир бу гадо, бизни унутма,

Айрилмади жоним қилич ила эшигунгдин,

Гар чархи фалак қилди жудо, бизни унутма<sup>112</sup>,

Амир Темур фармони билан Абдулқодир Мароғий 1397 йили сарой мусикачилари бошлиғи қилиб тайинланган эди. Унинг ижодий камолоти учун барча имкониятлар яратилган эди.

Абдулқодир Мароғий ўзининг мусикашуносликка оид асарларида Абу Наср Форобий (873-950), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Мансур ибн

<sup>112</sup> تقي بينش. تعليقات مراغي مقاصد الالحان. تهران. 1966 متن ص

Зайланинг(вафоти 1049 йил) муסיқий илмий тадқиқот услубларини давом эттириб, ривожлантириб, Сафийуддин Урмавийнинг (1216-1294) “Даврлар китоби” асарига ижодий ёндашади. Абдулқодир Мароғийнинг 1366 ҳижрий (1987 милодий) йил Техронда нашр этилган “Муסיқа тўплами”(“Жомиу-л-алхон”) асарининг таркиби билан танишишнинг ўзиёқ муаллифнинг нақадар чуқур илмий муסיқий тафаккурга эга эканини кўрсатади. Муқаддима, 12 асосий боб ва хотимадан иборат бўлган асарда муסיқа, муסיқашунослик, муסיқа амалиёти масалаларидан тортиб муסיқа асбоблари, 12 машҳур даврлар (мақомлар), 24 шуъба, 6 овоз тизими ўрганилади. Мароғий муסיқий рисоалари Шарқ муסיқа амалиёти ва назариясининг ривожига муҳим ўрин тутди, уларда “Дувоздаҳ мақом”- “Ўн икки мақом” муסיқа тизими назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган, ашула ва чолғу ижрочилигига оид амалий кўрсатмалар берилган. Мароғий асарларидан кейинги давр олимлари - Ҳусайний (XV аср), Кавкабий (XVI аср), Чангий (XVII аср) кабилар ижодий фойдаландилар ва Мароғий муסיқа рисоаларини юқори баҳоладилар.

Абдулқодир Мароғийнинг ижрочилик ва бастакорликдаги юксак маҳорати Ибн Арабшоҳ, Шарофиддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий асарларида ва 1404 – 1406 йиллар Самарқандда бўлган Испания элчиси Гонзалес де Клавихо кундаликларида таъкидланади.<sup>113</sup>

Амир Темур саройидаги Абдулқодир Мароғий фаолиятининг асосий қисмини илмий ижоди ташкил этади. Унинг илмий фаолияти Соҳибқирон Амир Темур саройида 1330-йилларнинг ўрталаридан бошланган. Мароғийнинг илмий мероси, муסיқашуносликка оид рисоалари дунёни кўпчилик муסיқий-шарқшуносларининг эътиборини тортиб келмоқда.

1393-йилдан 1435 йил - умрининг охиригача Соҳибқирон Амир Темур ва темурийзодалар раҳнамолигида бўлиб, Шарқ муסיқаси, туркий муסיқа ривожига улкан хисса қўшган, “Шашмақомнинг” ҳом ашёси бўлган “Дувоздаҳ мақом”- “Ўн икки мақом” муסיқа тизимини назарий жиҳатдан биринчилардан бўлиб ишлаб чиққан ҳофиз, созанда, бастакор ва атоқли муסיқашунос олим Абдулқодир Мароғий (1353 - 1435) хизматлари ўзбек миллий муסיқаси ривожига ҳам улкандир.

Самарқандда 2015 йил 27-30 август кунлари ўтказилган “Шарқ тароналари ”X-Халқаро муסיқа фестивали доирасида “Шарқ халқлари муסיқа маданиятининг муштараклиги” номи билан Халқаро илмий-назарий конференцияда эронли олим, доктор Бабақ Хазроий “Абдулазиз ибн Абдулқодир Мароғий, Эрон ва Усмонли муסיқа маданиятининг муштараклиги” мавзусида гапириб, Абдулқодир Мароғийнинг авлодлари ҳам ота йўлидан кетганлигини таъкидлаб ўтди, жумладан кенжа ўғли Абдулазизнинг муסיқа назариясига оид “Нағма ва Тўла адвор”асари ва набираси Муҳаммаднинг “Мақосидул-адвор” (Даврлар мақсадлари) китоби ҳозирда Истамбулдаги “Нури Усманий” кутубхонасида сақланмоқда деди. Демак, Амир Темурнинг

---

<sup>113</sup> Сурайё Агаева и другие. Музыкальные инструменты средневековья в трактатах Абдулгадира Мараги. Баку 2019.

Абдулқодир Мароғий олдиға қўйган тавсияси Абдулқодир Мароғий авлодлари томонидан ҳам бажариб келинмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1) Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўн учинчи том. Мажолис ун-нафоис.Т.:”Фан”-1967 Б.167.
- 2) Т.Файзиёв. Темурийлар шажараси. “ Ёзувчи” наширёти –“Хазина”. 1995. 38-40.
- 3) З.Орипов. X - XV асрлар Марказий Осиё мусқа манбашунослиги. Т.; 2017. Б. 107.
- 4) Сурайё Агаева и другие. Музыкальные инструменты средневековья в трактатах Абдулгадира Мараги. Баку 2019
- 5) تقي بينش. تعليقات مراغي مقاصد الالحن. تهران. 1966

---

### **Шорустам Шамусаров**

*Доктор филологических наук, профессор, кафедра Арабская филология,  
ТашГИВ*

### **Зебо Насруллаева**

*Магистрант, специальности «Лингвистика (арабский язык)», ТашГИВ*

## **ОБУЧЕНИЕ АРАБСКОМУ ЯЗЫКУ В АРАБСКОМ ХАЛИФАТЕ**

***Аннотация.** Вопросы образования в настоящее время прочно занимают главные позиции в области формирования совершенного человека, гармонично развитой личности. Это вопрос не местного, а глобального значения. Не чужд он и их историей входит в лингвострановедческий модуль преподавания арабского языка. Проблема получения знаний и методов приобщения к ним через воспитание и обучение в арабском мире имеет давнюю историю. В доисламский период это были практические знания и навыки необходимые для выживания в суровых условиях кочевой жизни. С приходом Ислама во времена пророка Мухаммада с.а.в. появляются новые подходы к проблеме знаний. В этот период знание предстаёт в виде божественного откровения- Корана. Задачей обучения становится познание предписаний и истин нового учения, соединения духовного и физического совершенствования людей с целью их активного участия в распространении Ислама и арабского языка. По мере развития и укрепления Арабского Халифата происходит дальнейшее совершенствование образовательной системы, возникает педагогическая наука. Создаются школы нового типа- медресе, в которых помимо богословских наук изучались и светские науки. В данной статье речь идёт о развитии арабской языковедческой традиции. Представлены школы, где разрабатывалась теория арабского языкознания, и описывается влияние арабского языка также рассматривается обучение арабскому языку в Арабском Халифате.*

**Опорные слова и выражения:** лингвистика, языковедческая традиция, грамматика, фонетика, арабский халифат, диалект.

**Аннотация.** Ҳозирги кунда талим масалалари баркамол ривожланган шахсни шакллантиришида замонавий позицияда турибди. Бу маҳаллий масала эмас, балки глобал аҳамиятга эга. Уларнинг тарихи ажнабий эмас ва араб тилини ўқитиш лингвистик ва минтақавий модулга киритилган. Араб дунёсида таълим ва тарбия орқали билим олиш муаммоси ва у билан танишиш усуллари узоқ тарихга эга. Исломигача бўлган даврда бу кўчманчи ҳаётнинг оғир шароитларида омон қолиш учун зарур бўлган амалий билим ва кўникмалар эди. Пайгамбар Муҳаммад с.а.в даврида Исламнинг пайдо бўлиши билан илм-фан муаммосига янги ёндашувлар пайдо бўлади. Бу даврда билим илоҳий ваҳий шаклида Қуръон намоён бўлади. Ўрганиш вазифаси янги таълимнинг қонун-қоидалари ва ҳақиқатларини ўрганиш, одамларнинг маънавий ва жисмоний яхшиланишини уларнинг Исламни ёйишида фаол иштирок этишлари учун бирлаштиришидир ва араб тилини ўргатиш. Араблар ривожланиб кучайган сайин таълим тизими янада такомиллашиб, педагогика фани юзага келади. Илоҳиёт илмларига қўшимча равишда мактаблар яратилмоқда, дунёвий фанлар ўрганилди. Ушбу мақола араб тилишунослик анъаналарининг ривожланиши ҳақида Араб тилишунослиги назарияси ривожланган ва араб тилининг таъсири тасвирланган мактаблар тақдим этилган, шунингдек, Араб халифалигида араб тилини ўқитиш ҳам кўриб чиқилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** тилишунослик, лингвистик анъана, грамматика, фонетика, араб халифалиги, тил лаҳжаси.

**Summary:** Training issues are now firmly in the main position in the field of the formation of modern man, a harmoniously developed. This is not a local issue, but a global one. It is not a stranger to their history and is included in the linguistic and regional module of teaching the Arabic language. The problem of obtaining knowledge and methods of familiarizing with in through education and training in the Arab world has long history. In the pre-Islamic period, this was the practical knowledge and skills necessary for survival in the harsh conditions of nomadic life. With the advent of Islam in the time of the Prophet Muhammad, new approaches to the problem of knowledge appear. In this period, knowledge appears in the form of divine revelation the Qur'an. The task of learning is to learn the precepts and truths of the new doctrine, to combine the spiritual and physical improvement of people with the aim of their active participation in the spread of Islam. As the Arab caliphate develops and strengthens, the educational system is further improved, and pedagogical science arises. Schools of a new type- madrasah are being created, in which, in addition to the theological sciences, secular sciences have been studied. This article is about the development of the Arabic linguistic tradition schools are presented where the theory of Arabic linguistics was developed and the influence of the Arabic language is described teaching of the Arabic Caliphate is also considered.

**Keywords and expressions:** linguistics, linguistic tradition grammar, phonetics, Arab Caliphate, dialect.

**Вступление.** Вопрос истории возникновения арабской лингвистики до настоящего времени не был тщательно исследован. По мнению учёных арабская языковедческая традиция складывается на основе научных трактатов, посвящённых классическому арабскому языку и написанных исключительно на этом языке. Возникшая в результате эмпирического изучения классической арабской речи поэтической и прозаической, арабская языковедческая традиция характеризуется практической направленностью. В период становления науки об арабской словесности в её создании и развитии принимают участие представители разных народов.

Существует три точки зрения на происхождение арабской филологии:

- 1) туземное происхождение;
- 2) возникновение под греческим влиянием;
- 3) возникновение под индийским влиянием; Согласно Исхаку Исфакхани (умер 418 году по хиджре) – «Аллах дал людям достаточно информации, чтобы они могли понять друг друга, а остальное произошло – благодаря человеческому согласию» [1:32]. По мнению В.Ф.Гиргаса, быстрое развитие арабской грамматики зависит от стремления мусульман правильно интерпретировать священный Коран. Есть много противоречивых подходов, в том числе традиций, которые повлияли на быстрое развитие арабской лингвистики в то время. По словам Б.Б.Брокельмана, И.Лихтенштеддера, А.Меца, Ф.Претория, Ф.Преториуса, арабы создали собственную грамматику на основе произведения Аристотеля «Логика» [2:63]. Немецкий учёный К.Фоллерс предположил, что арабская грамматика составлена подобно грамматике «Панини» [3:132 - 156]. Позже К. Брокельман присоединился к этому мнению. Наиболее важным фактором в решении этой проблемы является следующие: Арабы, которые начали завоевание с момента появления Исламского Халифата, захватили цивилизованные страны, которые были осведомлены об индийской и греческой науке и использовали научную базу, созданную для формирования и развития арабского языкознания. С середины VIII-го века были переведены многие книги на арабский язык с греческого, персидского и сирийского языков. Хотя научные исследования народов Азии, Африки и Европы использовались при формировании арабской лингвистики, тем не менее, они напрямую не копировали. Результатом этих изучений стала грамматическая теория, которую арабские учёные разработали и представили самостоятельно.

**Анализ и обсуждение.** Арабский язык делится на три основных этапа:

- 1) Доисламский период; Арабские учёные называют это временем невежества «جاهلية». Он продолжался до VII века.
- 2) Классический период – (VII–XVIII) века; А) начало раннего классического периода – (VII–X) века; Б) классический период – (X – XVIII) века;
- 3) Новейший период - с XIX века по сей день; Официальный статус языка Корана вывел арабский язык на передний план среди главных мировых языков, каким и является в наше время. Поворотным моментом в арабском языке считается 651 год хиджры, когда Коран был переписан. Коран – это первый и



самый главный памятник арабской письменности, литературы, истории и религии. Следовательно, VII – век в истории арабского языка называется поворотным веком. Образование в 632 году Арабского Халифата и распространение мусульманства на всём аравийском полуострове и Ближнем Востоке способствовало интенсивному развитию и расцвету арабского языка и привели к необходимости обучать арабскому языку, языку государственности и языку Корана и изучать этот язык [4:2]. Халифат быстро распался на ряд независимых и полунезависимых владений, в которых официально деловым и научным языком служил арабский в его классической форме, закреплённой в Коране и сильно отличавшейся от многочисленных живых диалектов. Задачи установления норм которого обуславливаются в дальнейшем сферой его функционирования во всех отраслях общественной жизни Арабского Халифата. Таким образом – как это имело место и в эллинистическом мире – возникла необходимость, во- первых, обучать арабскому языку многочисленные «туземные» народы, во- вторых защитить «чистоту» классического языка от влияния других языков, в – третьих, уберечь его от влияния арабских диалектов, в – четвёртых, объяснить те места Корана, которые были уже малопонятны. Арабы сумели творчески освоить все накопленные в течении предыдущих веков как в эллинистической науке, так и в индийской науке, и тем, что они смогли глубоко проникнуть в структуру арабского языка, серьёзно обогатив науку о языке многими важными положениями. Хотя научное исследование использовалось в формировании арабской лингвистики, но они не позволяли непосредственно копировать и переписывать. Всё самое лучшее и оригинальное создавалось в средневековом арабском языкознании в VIII-XIV веков, до монгольских завоеваний. Есть документальные свидетельства, что активная деятельность арабских языковедов продолжалась и позже, до завоевания турками Константинополя в 1453 году.

В Арабском Халифате, халифы уделяли пристальное внимание изучению арабскому языкознанию наряду с развитием естественных и гуманитарных наук. Занятию языком и именно арабским здесь отводилось почётнейшее место. Инициатива создания арабской грамматики приписывается самому халифу Али ибн Абу Талибу (599 – 661 гг.). В VII веке описанием отдельных грамматических явлений арабского языка занимается лингвист басриец Абуль-Асвад ад- Дували, которая является автором первого свода правил арабского языка и первой системы огласовок для арабского письма. Однажды он услышал, как некий человек произнес цитату из священного Корана неправильно. Услышав это, ад- Дували воскликнул: «Я никогда не думал, что дело дойдёт до такого». После этого он немедленно принялся за работу.

Он выделил три части речи: имя, глагол, частицы, ввёл знаки для кратких гласных, затрагивал вопросы словоизменения и прочих [5:3]. Он ввёл в арабское письмо дополнительные графические знаки для обозначения гласных фонем, служащих для выражения словоизменения. Но ни одна из его книг не сохранилось до наших дней. Информация о его деятельности была получена из других источников [6:9]. Его учениками были Насра ибн 'Асыма, Яхья ибн Ямар, Анбаса ибн Мадан аль- Фихри и самый выдающийся из них Абу Амр

Иса ибн Умар ас- Сакафи. К этому времени относится также деятельность Насра ибн Асыма и Яхья ибн Ямары, которые создали системы диакритических знаков для различения ряда сходных по начертанию арабских графем. Диакритические знаки применяются главным образом в буквенных и отчасти слоговых типах письма для изменения или уточнения значения отдельных знаков. В 735- 736 годах появилась первая известная нам арабская грамматика. Арабская языковедческая традиция получает начало в единой науке об арабской словесности и выделяется как самостоятельное учение о грамматике и лексике классического арабского языка и об арабской риторике в результате дифференциации филологических исследований.

Бу насрнинг энг илк бадий намуналари хитобалар, рисоалар, васиятлар, таквқиботлар мақол-маталлар, қиссалар ва ҳикматлар (ҳикматли сўзлар) – Ал Жаҳизнинг “Ал байан ват табйин” Ибн абд Раббихи ал Андалусийнинг “Иқд ал Фарид”, Ал Мубарраднинг “Ал Камил”, Абул Фароҳ ал Исфаҳонийнинг “Китабул ағани”, Ат Табарининг “Тариху Ат Табари”, Ал Масъудийнинг “Муруж аз заҳаб” каби қатор адабий-тарихий асарларида бизгача етиб келган.

Яна жоҳилиятда араблар сажъни билишган. Бу билим кўпроқ маъжусийларнинг коҳинлари фаолиятида кенг ишлатилган. Бу коҳинлар ўз қабилаларига хитоблар қилишган ва нутқларини қофияли прозада айтишган. Нутқдаги сўзларнинг оҳангдошлиги, гап охиридаги сўзларнинг қофияланиб келиши, нотиқлик қилаётган коҳинларнинг ҳаракатлари, имо-ишоралари ва ниҳоят уларнинг овоз оҳанглари атрофдагиларга жуда кучли таъсир кўрсатган. Шу боис бўлса керак, манбаларда "жоҳилиятдаги коҳинлар қофияли насрда сўзлаганлари учун уларни шоирлар билан тенглаштиришган. Жоҳилиятдаги шоирлар/коҳинларга жин-шайтонлар ҳомийлик қилишади ва доим уларга ҳамроҳ бўлиб уларни ҳимоя қилишади, уларга шундай ғайритабиий куч-қудрат берилганки, улар инсонни сўзлари билан сеҳрлаб қўя олишади ва ҳ.к. деган маълумотлар ҳам учрайди.(7)

Аммо ислом дини ва унинг вакиллари нутқнинг бу турини ёмон кўриб, уни таъқиқлаб қўйишди. Негаки, улар сажъда айтилган нутқлар жоҳилият коҳинларини эсга солишдан, маъжусийларнинг исломдан кейин ҳам сақланиб қолган муқаддас қадамжоларида яна коҳинлар ҳукмронлиги жонланишидан хавфсирар эдилар. Бироқ нутқнинг бу тури батамом истиҳдомдан чиқиб кетди ёки абадийга таъқиқлаб қўйилди дея олмаймиз. Дарҳақиқат, бундай нутқлар пағгамбар даврида умуман қўлланилмаган бўлиши мумкин, бироқ хулафоу рошидунлар, улардан кейин уммавий халифалар даврида яна қўлланилган.

Арабларда илк араб бадий насри ва эҳтимолки, энг машҳур насрий жанрларидан бири бу хитоба яъни нотиқлик санъати асарлари бўлган. Олис тарихга юзланиб, араб халқининг ўша узок ўтмишини ўрганар эканмиз, нотиқлик санъати бу араб халқига гўёки яратилиш замонидан юқтирилган туғма иқтидордек кўз ўнгимизда гавдаланади, бу сомий халқлар шафқатсиз табиий муҳитда кун кўриб, ҳаёт учун курашиб яшашга маҳкум бўлсалар-да, Яратганнинг ўзи уларга табиатан жуда бой ва жозибали тил ҳадя этганига гувоҳ бўламиз.

Хитоба *خطابة* "хитаба ёки хатаба" сўзи луғатларда "1. хатиблик, ваъзхонлик; 2. нотиқлик санъати", "нутқ, нутқ сўзлаш, ваъз айтиш" деб таржима қилинади. Аммо унга насрий жанр атамаси сифатида шундай таъриф берилади: "Нотиқлик санъати (хитоба) грек тилида риторика – омма олдида нутқ қилиш маҳоратини англади; нотиқ(хатиб)нинг ўз нутқи ёрдамида тингловчиларга самарали таъсир этиш йўлини намоён этади(8) Арабларда эса бу санъат жоҳилиятданок бошланиб, илк ислом даврларида, кейинроқ уммавий халифалар ҳукмронлиги асрларида ўзининг юксак камолига етди.

Арабий матнларда хитоба сўзи балоғат (*بلاغة و فصاحة*) ва фасоҳат сўзлари билан доим ёнма-ён келади, бу икки сўз эса бизнинг онгимиз ва шуъуримизга сиғадиган даражадаги сўз қудрати, тил равонлиги ва тил имкониятларини юксак маҳорат билан қўллай олиш санъатидан дарак беради. "Араблар жоҳилия даврларидаёқ фасоҳат, байан билан ажралиб

турар ва улар талаб қилинган ўринларда хитоба санъатларини ишга солар эдилар. Улардан бизга етиб келган намуналарда биз қадим араб хатиб-нотиклари сўз санъатини қанчалар мукамал билганларини ва ана шу қобилиятлари орқали ўзларининг олис тарихларини бугунгидек тасвирлай олганликларини кўришимиз мумкин”. (9) Жоҳилиятда араблар ҳадис(сўз) ва калом(гап,нутқ)да жуда қудратли бўлишган,айнан сўз қудрати билан мутлақ эркинликдан завқланишган.Бундай қудрат шундай бир ўз жарангига эга бўлганки — у фақат сўзловчи ва эшитувчи юзма-юз турганда туғилган ва ўз таъсир кучини бир неча баробар ошириб, сўз қудратини намоён этган.Айни шундай вазиятларда хатиблар тилига балиғ иборалар,нишонга беҳато урадиган ҳикматлар келган. Араб адабиёти ва ҳатто таъбир жоиз бўлса, араб адабий жанрлари ҳақидаги илк дарслик “Ал байан ват таъйин” муаллифи Ал - Жаҳиз ёзади: ”Араблардаги хитоба бу араб тилини бутун мазмун-моҳияти билан энг юксакларга олиб чиқишга ўзини бағишлашдан бошқа нарса эмас ва унда(хитобада) сўз ўз йўлланувчисига эга бўлиши керак, ва шу ҳолатда сўзлар қуюлиб келади”(10) Жоҳилият даври нотиклари хитобалари ҳақидаги бу фикрлар албатта риторика – нотиклик санъатига бериладиган таърифдан мутлақо фарқ қилмайди.

Шу ўринда араблар ҳаётини, хусусан, уларнинг минг йиллик адабий тарихини ўрганиш борасида улкан ишларни тадқиқотларни амалга оширган кекса авлод шарқшуносларининг хулосаларини асло инкор этмаган ҳолда, мавзу юзасидан ўрганишларимиз жараёнида баъзи қарама-қарши фикрларга ҳам дуч келганимизни айтиб ўтишни лозим топамиз.

“Араб адабиёти тарихчилари арабларда бадий насрнинг пайдо бўлиши юзасидан турли хил фикрларни билдирадилар. Баъзи адабий тарихчилар наср арабларда Қуръон нозил бўлишидан бирозгина аввалроқ пайдо бўлган ва у исломдан аввалроқ аллақачон мавжуд эди ва Абдул Ҳамид ал Катиб ва Ибн ал Муқаффа бадий насрни тўла тасдиқламагунча ривожланишда давом этди десалар,бошқалари араблар Абдул Ҳамид ал Катиб ва Ибн ал Муқаффагача арабларда мутлақо наср бўлмаган деган иддаони илгари суришади.

Шубҳа йўқки, исломгача бадий наср – бу сўзнинг тўлиқ маъно моҳияти билан арабларда машҳур бўлмаган. Араблар насрни қадим сомиёларнинг ёзма асарларидан ўзлаштирганлар ва бу асарлар бирон тартиб ёки қоидаларга амал қилмаган сўзлашув тилида бўлган. Улар ўзаро боғланмаган сўзлар мажмуаси бўлиб, боғланмаган иборалардан таркиб топган, ва ягона маъно англатмаган.Фақат ислом дини дунёга келгачгина, наср янада кенгроқ тарқала бошлади ва унда кам бўлса-да бадий маҳорат унсурлари намоён бўла бошлади.” (11) деб ёзган эди машҳур араб адабиётшуноси Ҳанна ал Фахури ўз даврида. Аммо олима яшаб ўтган даврдан бери ҳам арабшунослик,хусусан араб адабиётини чуқур ўрганиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилди ва баъзи илмий қарашлар ўзининг акс ифодасини ҳам зоҳир қила бошлади.

Арабларнинг жоҳилиятдан то бугунги замонавий давргача адабиёти тадқиқ қилинган қатор илмий тадқиқотларга таяниб ва жоҳилиятдан хабар берувчи айни арабий манбаларни ўзимиз ҳам қайта-қайта ўрганганимиз ҳолда, биз арабларда нотиқлик жоҳилият даврларидаёқ юқори даражада мавжуд бўлган деган қарашни илгари сураимиз.

Тадқиқотимиз мавзуси хитоба жанри жоҳилиятда ҳам юксак бадий шаклда бўлганини жуда кўп тарихий адабий адабиётларда учратамиз. Ва эҳтимолки, араб олимаси ва унга эргашувчи баъзи шарқшуносларнинг юқоридагига ўхшаш қарашлари айни ўша фикрлар билдирилган даврларда арабларнинг жоҳилият замонларидаги илк маданий ва бадий ҳаёти ҳақидаги маълумотларнинг етарлича тартибли ва чуқур ўрганилмагани оқибатидир.

Жоҳилиятда барча араблар хитобанинг ривожланиши учун ўз ҳиссаларини кўшишган, бироқ баъзи араб қабилалари бу адабий насрий жанрнинг гуллаб яшнаши учун алоҳида улкан ҳисса кўшиб, бор имкониятларини ишга солишганки, уларни алоҳида қайд этмасликнинг иложи йўқ. Ана шундай қабилалар орасидан ўз асрининг машҳур хатиб-нотиқлари етишиб чиқдилар. Улар сирасига удван қабиласидан Омир бин аз Зарб, асад қабиласидан Рабиъа бин Ҳазар, шайбон қабиласидан Ваҳани бин Кубайса, калб қабиласидан Зухайр бин Жаннаб, тай қабиласидан Жундуб бин Аммор ҳамда ияд қабиласидан Уксум бин Сайфи ва ва Қус бин Саидаларни алоҳида зикр этиш жоиздир.

Жоҳилиятдаги машҳур нотиқлар номлари ва хитоба жанрининг жоҳилиятдаёқ мавжуд бўлгани ҳақидаги қарашлар бир қатор Оврупо шарқшунослари асарларида ҳам келтирилади. ”Исломгача бўлган араб нотиқларининг номларигина баъзи манбаларда бизгача етиб келган. Ади бин Зайд ал-Абади, Кувайлад бин Амр ал-Ғатфони, ал-Ушара бин Кобир, Каъб бин Луваййа, Ибн Аммор ат-Тайи, ал-Зибрикони бин Бадр каби нотиқлар ал-Жоҳизнинг ”Ал-Байан ват-Табйин” асарида номи келтирилгани нотиқларнинг озгина вакиллари дир. Араб тилидаги энг илк наср шакли бу хутба (нотиқлик санъати, ваъзлар ва турли хилдаги нутқлар) бўлиб, улар Ибн Абд Раббихининг ”Иқд ал фарид”, Абул Фароҳ ал Исфаҳонийнинг ”Китабул ағани” каби классик тўпламларда ва Ал-Жоҳиз, Ал Мубаррад, Ибн Қутайбаларнинг асарларида бизгача етиб келган.(12)

Арабларнинг жоҳилиятдаги хитобаларини ўрганар эканмиз, ўқиймиз:” Арабистон саҳна (драмага) асарига айланди, ва у муфдаҳара яъни сўз жанги сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Бу сўз санъати мумтоз араб адабиётининг бир жанрини ташкил этган ҳолда, яна бугунги кунга қадар давом этаётган оғзаки халқ тилида, суҳбатларида ҳали ҳамон давом этмоқда. Бу нутқлар қадим даврлар энг буюк нотиқларининг сўзма сўз ифодалари деб қабул қилиниши керак эмас, балки улар баъзи бир вазиятлар учун тўқилган нутқ ҳам бўлиши

мумкин.Аммо араблардаги ҳайратланарли хотира тарихий нутқларда араб тилини ва бутун маъно моҳиятини сақлаб қола олган.”(13)

“Араб афсоналари бир қанча хитобаларни шахси мавҳум Қус бин Саида ал Ияди, Нажроний (епископ) Ҳарис бин Каабга тааллуқли бўлганлигини хабар беради”(14).. Аммо машҳур нотик Қус бин Саида Ал Иядининг номи бизгача етиб келган деярли барча арабий манбаларда учрайдики, биз камтарона тарзда инглиз шарқшуносларининг бу шахс ҳақидаги фикрларига бир оз шубҳа билдирамиз...

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки,арабларда жоҳилият асрларида хитоба бадий насрнинг илк шакли сифатида ва бадий наср талабларига жавоб берадиган даражада мавжуд бўлган. Жоҳилият даврининг кўплаб машҳур нотиклари номлари, уларнинг хитобаларидан парчалар оз ҳажмда бўлса ҳам бизгача етиб келган.

Арабистон ярим оролида бут санамларга сиғиниш ва умуман кўп худолилик ҳукм сурган бўлса-да, бундай эътиқод якка Худоликни Юксак илоҳиятга - Аллоҳга сиғинишга асло тўсқинлик қилмас эди. Борлиқнинг яккаю ягона яратувчиси бўлган Аллоҳга жоҳилиятда фақат маълум бир тоифа одамлар-ханифларгина ибодат қилишар, уларнинг ҳамма нарсада фақат яхшилик кўриши ва фақат яхшилик қилиш кераклиги ҳақидаги қарашлари ва ўз ҳаётларини шу асосда кечиришлари ўз замондошларининг уларга катта эҳтиром кўрсатишига сабаб ҳам бўларди.(15)

Фикрларимизнинг далили сифатида жоҳилиятдаги ана шундай ханиф нотикларидан Қус бин Саида ал Иядининг машҳур хитобасидан бир бадий таржимани эътиборингизга ҳавола этамиз:

“Эй инсонлар! Қулоқ солинг ва огоҳ бўлинг! Кимки яшаса, у бир кун ўлади, Кимки ўлса, у йўқликка юз тутди. Ҳар бир келувчи келувчидир. Тун зим-зиёдир (яъни зулмат хавотирли ишлар учун қулайдир), кун эса тинч-осуда. Фалак буржлар (юлдузлар туркумлари) соҳибидир, юлдузлар эса нур сочувчилардир.Денгизлар тошиб мавжланур, тоғлар эса жойидан силжимас, ер эса текис майдондир, дарёлар эса эргашувчидир (оқувчидир) Самода донишмандлик (хар нарсадан хабардорлик ) бор, ерда эса ибрат-сабр бор.

Одамларга не бўлди:улар(олдинга) кетурлар ва (орқага) қайтмаслар?! Улар (ўз ҳаётларидан) рози эмасларми, на муқим яшамаслар, на тарк этиб кетмаслар ва на уйқуга кетмаслар?!

Қус Аллоҳ номи билан қасам ичурки бунда (бу ишларда) унинг гуноҳи йўқдир! Дарҳақиқат Аллоҳнинг ўз дини бордир,ва у инсонга у истаган барча нарсани берди,бу дин сизларнинг динингиздан афзалроқдир. Аммо сизлар бу ишни (динни) инкор этувчилардандирсизлар!”(16)

Бу - биз илмий тадқиқотимиз мавзуси сифатида юқорида кўриб чиққанимиз хитоба жанрининг жоҳилиятдаги намунасидан бир кичиккина парчадир. Қус бин Саиданинг ушбу хитобаси арабий



забонда шу қадар чиройли қофияли сўзлар, карама-қарши ўхшатишлар жуда бой; ҳамда ҳали ислом дунёга келмаган жоҳилият замонида, кўп худодилик, бут-санамларга сифиниш ҳукм сурган пайтда-тавҳид (яккахудодлик) тамойилларини илгари сурган. Бу машхур хитоба ўз эшитувчиларига мурожаат қилиб, бутун инсониятни ягона илоҳиятга ибодат қилишга чорлаган. Бу хитобадаги бадий тасвир воситалари ва фалсафий қарашлар эса унинг тўлақонли адабий наср намунаси эканлигини яққол исботлайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. "The status of the poet in jahiliyya" Professor Khurshid Rizvi Hamdard Islamicus Vol .VI No.2 p 97
2. И.М. Фильштинский История арабской литературы V-X века. Москва главная редакция восточной литературы, 1985. стр.245
3. И.М. Фильштинский История арабской литературы V-X века. Москва главная редакция восточной литературы, 1985. стр.245
4. Arabic literature to the end of the umayyad period The Cambridge history of arabic literature © Cambridge University Press 1983.p.115.
5. Закий Мубарак "Ан наср ал фанний фил қарн ар робиъ ал ҳижриййи" 1-жилд, 57-б, Муассасатул Ҳиндави Ал Қоҳира 1934й.
6. Закий Мубарак "Ан наср ал фанний фил қарн ар робиъ ал ҳижриййи" 1-жилд, 57-б, Муассасатул Ҳиндави Ал Қоҳира 1934й.
7. "The status of the poet in jahiliyya" Professor Khurshid Rizvi Hamdard Islamicus Vol .VI No.2 p 99
8. Н.Ғойибов, Д.Юсубов, А.Мавлянов "Нотиклик санъати" Тошкент -2012, 7-бет
9. Татаввурил хитаба фи зиллит танаафусис сиёасийи фил асрил уммавийин. Филадельфия ,2015/2016. Мухаммад Аҳмад Дзаъбин ал Хавалида. 12-13б.
10. Ал Жаҳиз, Абу Амр бин Баҳр "Ал байаан ват табйин" Таҳқиқ Абдус Салам Мухаммад Ҳорун. Мактабату Ал Жаҳиз, Байрут, Лубнан, жузь 3, саҳифа -28.
11. Ханна аль-Фахури. История арабской литературы. Том 1. Пер.с арабского. М. Изд-во иностранной литературы. 1959г. 244 стр.
12. Arabic literature to the end of the umayyad period The Cambridge history of arabic literature © Cambridge University Press 1983.p.115.
13. Arabic literature to the end of the umayyad period The Cambridge history of arabic literature © Cambridge University Press 1983.p.117.
14. Arabic literature to the end of the umayyad period The Cambridge history of arabic literature © Cambridge University Press 1983.p.117.
15. В.Ф.Панова, Ю.Б.Вахтин «Жизнь Мухаммеда» Москва Издательство политической литературы, 1990 .стр.23-24
16. Аҳмад Закий Сафуут "Жамҳарату хутаб ал араб" Ал аср ал жаҳилиййу. Ал мактабатул илийя, Байрут Лубнан -1933. Ал жузь аввал саҳифа. 38

## **“САДДИ ИСКАНДАРИЙ”ДА “ДИЛ” ЎЗАК МОРФЕМАСИ АСОСИДА ЯРИМАФФИКСЛАР БИЛАН ЯСАЛГАН СЎЗЛАР**

*Аннотация.* Ҳозирги замон форс тилида яримаффиксларнинг икки тури, яъни исмий ва феълий яримаффикслар бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Бу борада ўзбек ва рус эронишунос олимлари ҳамда эрон тилишуносларининг қарашлари фарқланади. Шунини таъкидлаш керакки, амалга оширилган тадқиқотларда яримаффиксларнинг пайдо бўлиши ҳамда қўлланилиши даври ҳақида маълумотлар учратмаймиз. Аммо классик давр бўйича қилинган баъзи илмий ишларда яримаффикслар хусусиятига эга бўлган кўпгина воситалар аффикслар қаторида кўрилганини кузатишимиз мумкин. Бундай талқин эса ясовчи воситаларнинг имконияти ва хусусиятларини чегаралаб қўяди.

Тадқиқотимиз натижасида классик форс тили давридаги асарларда феълий ва исмий яримаффикслар орқали ясалган кўплаб сўзларни учратдик. Айтиши жоизки, классик форс тилида “Фоний” тахаллуси билан ижод қилган Алишер Навоий ҳам ўзининг туркий тилдаги асарларида форсий яримаффикслар қатнашган сўзларни юқори маҳорат билан қўллаган. Шундай асарларидан бири “Хамса”нинг “Садди Искандарий” дostonидир.

Мақолада “дил” ўзак морфемаси ва форсий исмий ҳамда феълий яримаффикслар орқали ясалган сўзлар таҳлилга тортилади. Тадқиқот давомида *dilafrūz*, *dilārā*, *dilārām*, *dilāsāy*, *dilāvar*, *dilfirēb*, *dilnavāz*, *dilpazīr*, *dilpisand*, *dilxarāš*, *purdil*, *xišdil* каби сўзлар яримаффикслар орқали ясалган сўзлар деб топилди. Булардан фақат *purdil*, *xišdil* сўзлари исмий яримаффикслар орқали, қолганлари эса феълий яримаффикслар орқали ясалган сўзлардир. Кўриб чиқилган ясама сўзларда яримаффикслар “дил” ўзак морфемасига қўшилиб, бир бутун маънони ҳосил қилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** “Садди Искандарий”, исмий яримаффикс, феълий яримаффикс, ўзак морфема, маъно, феълнинг ҳозирги замон негизи, сўз ясалиши, ясама сўз.

*Аннотация.* Ряд исследований был проведен по двум видам полуаффиксов – именным и глагольным в современном персидском языке. В этом отношении различаются взгляды узбекских и русских иранистов от иранских языковедов. Нужно отметить, что в проделанных исследованиях не встречаются сведения о возникновении и употреблении полуаффиксов. Однако в некоторых научных работах, проведенных по классическому периоду, наблюдается рассмотрение многих средств, имеющих свойства полуаффиксов в составе аффиксов. Данный подход ограничивает возможности и свойства словообразующих средств.

В результате исследования мы встретили большое количество слов, образованных с помощью глагольных и именных полуаффиксов в классический

период персидского языка. Можно сказать, что Алишер Навои, который писал произведения на классическом персидском языке под псевдонимом “Фани”, также употреблял с высоким мастерством слова, имеющие персидские полуаффиксы в своих тюркских сочинениях. Один из таких произведений – это “Садди Искандари”, входящий в состав “Хамсы”.

В статье подвергаются анализу слова, образованные с помощью корневой морфемы “дил” и персидских именных, а также глагольных полуаффиксов. В процессе исследования найдены такие слова, как *dilafrūz*, *dilārā*, *dilārām*, *dilāsāy*, *dilāvar*, *dilfirēb*, *dilnavāz*, *dilpaḏīr*, *dilpisand*, *dilxarāš*, *purdil*, *xušdil*, образованные с помощью полуаффиксов. Из них только *purdil*, *xušdil* образованы именными полуаффиксами, а остальные глагольными. В рассмотренных производных словах полуаффиксы, присоединяясь к корневой морфеме “дил” дают целостное значение.

**Опорные слова и выражения:** “Садди Искандари”, именной полуаффикс, глагольный полуаффикс, корневая морфема, значение, основа настощего времени глагола, словообразование, производное слово.

**Summary.** A number of researches was conducted on two types of semi-affixes – nominal and verbal in modern Persian. In this regard, the views of Uzbek and Russian Iranists differ from Iranian linguists. It should be noted that in the conducted researches there is no information about the origin and use of semi-affixes. However, in some scientific works conducted over the classical period, has been given as affixes a lot of elements, that have the properties of semi-affixes. This approach limits the capabilities and properties of word-forming elements.

As a result of the research, we came across a large number of words formed with the verbal and nominal semi-affixes in the classical period of the Persian language. It can be said, that Alisher Navoi, who wrote works in the classical Persian language under the pseudonym “Fani”, also used with great mastery the words that have Persian semi-affixes in his Turkic compositions. One of these works is “Saddi Iskandari”, which is part of “Khamsa”.

In this article are analyzed the words formed with the stem “dil” with Persian nominal and verbal semi-affixes. During the research, were found such words as *dilafrūz*, *dilārā*, *dilārām*, *dilāsāy*, *dilāvar*, *dilfirēb*, *dilnavāz*, *dilpaḏīr*, *dilpisand*, *dilxarāš*, *purdil*, *xušdil* formed with semi-affixes. Only *purdil*, *xušdil* among them, are formed by nominal semi-affixes, and the rest by verbal. In the considered derivative words, semi-affixes, joining the root morpheme “dil”, give a entire meaning.

**Keywords and expressions:** “Saddi Iskandari”, nominal semi-affix, verbal semi-affix, root morpheme/ stem, meaning, stem of the present tense of the verb, word formation, derivative word.

**Кириш.** Ўрта асрларда яратилган ёзма ёдгорликларни ўрганиш жуда қизиқарли ва фойдали эканлиги ҳаммага маълум. Ушбу асарларни ҳозирги кунгача кўпгина олим ва олималар турли жиҳатдан ўрганганлари ҳамда тадқиқот натижалари орқали мамлакатимиз маданияти, тили ва адабиёти, халқнинг фалсафий қарашлари ҳақида турли тасаввурлар ҳосил қилиш мумкин.

Мазкур даврда ижод қилган буюк сўз устаси Алишер Навоий асарлари ва унинг маҳорати ҳақида ҳам кўпгина тадқиқотларда турфа хил қарашлар кузатилади.

Шундай тадқиқотлардан бири ушбу мақолада акс этиб, унда Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида учраган “дил” ўзак морфемасига бириккан форсий яримаффикслар ҳамда мазкур ясама сўзларнинг семантикаси таҳлил қилинади.

“Садди Искандарий” достонининг частотали луғати [2] да “дил” ўзак морфемаси асосида ясалган турли частотага эга 39 та сўз учрайди. Улар қуйидагилар: *āsūdādīl, āšuftādīl, bēdīl, daryādīl, dilafrūz, dilārā, dilārālīg, dilārām, dilāsāy, dilāvar, dilāvarlīg, dilāvaršifat, dilāzurda, dilband, dilbar, dilbastaliq, dildār, dildārīg, dīlfirēb, diljō, diljōyliq (diljōyluq), dilkaš, dilkašlik, dilkašnavā, dilkušāy, dilnavāz, dilpazīr, dilpisand, dilrabāyandaliq, dilsōхта, dilxarāš, dilxāh, nādīlpazīr, purdil, ravšandīl, šāhibdīl, šērdīl, xušdīl, yakdīl*. Шулардан 12 таси феълий ва исмий яримаффикс, қолганлари композиция, аффиксация ва транспозиция орқали ясалган сўзлардир.

Юқорида номи зикр қилинган дostonда “dil” сўзи 4 марта мустақил равишда учрайди. Ушбу сўзнинг маъноси Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. I. Б. 485]да қуйидагича берилган: 1) юрак, кўнгил, дил; 2) кўнгил, хотир, жон; рух, майл, хоҳиш, ҳавас. М. Муиннинг луғати [6. Т. 2. Б. 1546]да эса 1) юрак (тана аъзоси); 2) қорин; 3) қалб, ички дунё; 4) жон; 5) бош мияси; 6) дарахт ва шу кларнинг маъзи; 7) ичи, ўртаси; 8) марказ; 9) жасорат; 10) *масав*. ориф, ошиқ; 11) *масав*. ҳақ асрорининг маҳзани каби маънолари келтирилган.

**Мақсад ва вазифа.** Тадқиқот мақсади – “dil” ўзак морфемага форсий яримаффикслар ва улар бириккан сўзларнинг маъносини ўрганишдир. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидаги “dil” ўзак морфемага форсий яримаффикслар қўшилган сўзларни аниқлаш;

- “dil” ўзак морфемали ясалмалар таркибидаги исмий ва феълий яримаффиксларни ўрганиш;

- “dil” ўзак морфемага форсий яримаффикслар бириккан сўзларнинг байтдаги маъносини тадқиқ қилиш.

**Усуллар.** Тадқиқот усуллари сифатида структур ва семантик таҳлилдан фойдаланилган бўлиб, “dil” ўзак морфема ва форсий яримаффиксли сўзлар структур ҳамда семантик жиҳатидан таҳлил қилинди.

**Натижалар ва мулоҳаза.** Тадқиқот натижасида *dilafrūz, dilārā, dilārām, dilāsāy, dilāvar, dīlfirēb, dilnavāz, dilpazīr, dilpisand, dilxarāš, purdil, xušdīl* каби сўзлар яримаффикслар орқали ясалган сўзлар деб топилди. Ҳар бирини “Садди Искандарий” достони [3]да алоҳида кўриб чиқамиз<sup>114</sup>.

*dilafrūz:*

Yukungāč, tilāb šāh Fērūzni,

Uzātib kalāmi dilafrūzni. (39/201)

<sup>114</sup> Бундан сўнг байтлар “Садди Искандарий” достонидан келтирилган бўлиб, биринчи сон фасл ва иккинчи сон байт рақамини билдиради.

Ушбу байтдаги *dilafrūz* сўзи “*dil*” ўзак морфема ва “*afrūz*” (افروختن) “ёқмоқ”, “ёритмоқ”; “ёнмоқ”, “ёруғ бўлмоқ”; “олов ёқмоқ” [6. Т. 1. Б. 314] феълининг ҳозирги замон негизи) феълий яримаффиксидан ташкил топган. Мазкур сўз Б. Ҳасанов луғати [4. Б. 78]да “кўнгил очувчи, шод қилувчи”, Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. I. Б.485]да “дилни ёритувчи, кўнгилни шод этувчи”, А.А. Деххудо луғати [5. Т. 7. Б. 9686]да “дилни ёқувчи, дилни шод қилувчи; хурсанд қилувчи; маъшук, маҳбуб; шод; хурсандчилик билан” каби маънолари келтирилган. *Dilafrūz* сўзи мазкур байтда “калом (сўз)”га нисбат берилган бўлиб, “*қалбни ёритувчи*”, яъни “*шод, хурсанд қилувчи*” маъносида қўлланилган.

***dilārā*:**

Bāri nāma mazmūni birdek payām,

***Dilārā*** soz u xātirāsā kalām. (31/100)

Юқоридаги байтда *dilārā* сўзи “*dil*” ўзак морфемасига “*ārā*” (آراستن) “зеб-зийнат бермоқ”; “тартибга келтирмоқ”; “тайёрламоқ”; “мақсад қилмоқ”; “жиҳозламоқ”; “ҳамоҳанг қилмоқ”; “эҳтиёжни қондирмоқ”; “мансабга тайинламоқ”; “нақш бермоқ”; “обод қилмоқ”; “барпо қилмоқ”; “шод қилмоқ” [6. Т. 1. Б. 39] феълининг ҳозирги замон негизи) феълий яримаффикси бириккан. Ушбу сўз Б. Ҳасанов луғатида берилмаган. Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. I. Б. 489]да “кўнгил беага, кўнгилни юмшатадиган; севгили”, А.А. Деххудо луғати [5. Т.7. Б. 9675]да “дилоро, кўнгилни безайдиган, кўнгилни хурсанд қиладиган, бахтга сабаб бўлган одам; маҳбуб, маъшук, маъшуқа” каби маънолари келтирилган. *Dilārā* сўзи мазкур байтда ҳам “сўз”га нисбат берилган бўлиб, “*қалбга зийнат берувчи*”, яъни “*қалбни хурсанд қилувчи*” маъносида қўлланилган.

***dilārām*:**

Āu šah nešā vaqt oldi ārāmḡir,

***Dilārām*** ilā jāmdin kāmgīr. (72/8)

Ушбу байтдаги *dilārām* сўзи “*dil*” ўзак морфема ва “*ārām*” (آرامیدن) “ором олмоқ”; “тинчланмоқ”; “ухламоқ”; “сўнмоқ”; “сабр қилмоқ”; “амин бўлмоқ”; “жой олмоқ”; “хавотир йўқолмоқ” [6. Т. 1. Б. 41] феълининг ҳозирги замон негизи) феълий яримаффиксидан ташкил топган. Мазкур сўз Б. Ҳасанов луғатида берилмаган. Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. I. Б. 485]да “дилором, кўнгилни ўзида тутувчи; маҳбуба, севикли; шахс номи”, А.А. Деххудо луғати [5. Т. 7. Б. 9678]да “дилга ором берувчи, дилнинг ором топишига сабаб бўладиган, хотиржам қиладиган, дилга таскин, тасалли берадиган; алдовчи, ажиб, ёқимли; дўст, маҳбуб, маъшук, маъшуқа, дилбар, дилдор; хотиржам” каби маънолари берилган. *Dilārām* сўзи келтирилган байтда инсонга нисбат берилган бўлиб, “*севикли ёр*” маъносида қўлланилган.

***dilāsāy*:**

Salur erdi har kun alar sāri koz,

Tapib dilpisand iš, ***dilāsāy*** soz. (85/7)

Юқоридаги байтда *dilāsāy* сўзи “*dil*” ўзак морфемасига “*āsāy*” (آسودن) “тинчлик топмоқ”; “дам олмоқ”; “ухламоқ”; “тўхтамоқ”; “хурсандчилик билан ўтказмоқ”; “роҳатланмоқ” [6. Т. 1. Б. 56] феълининг ҳозирги замон негизи)

феълий яримаффикси бириккан. Ушбу сўз Б. Ҳасанов луғати [4. Б. 78]да “ёқимли” маъноси, Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. I. Б. 489]да “кўнгилга хуш ёқадиган, ёқимли, ғамхўр, дилни ёқловчи”, А.А. Деххудо луғати [5. Т. 7. Б. 9676]да “дилга ором берадиган, таскин-тасалли берадиган” каби маънолари келтирилган. Dilāsāy сўзи мазкур байтда “сўз”га нисбат берилган бўлиб, “қалбни роҳатлантирувчи”, яъни “қалбга ёқадиган” маъносида қўлланилган.

***dilāvar:***

Yetišmāk hamān u yetišgān zamān,

**Dilāvar** qolidin yiqilmāq hamān. (27/299)

Мазкур байтдаги dilāvar сўзи “dil” ўзак морфема ва “āvar” (آوردن) “етказмоқ”; “намоён қилмоқ”; “айтиб бермоқ”; “дунёга келтирмоқ”; “сабаб бўлмоқ”; “кўрсатмоқ” [6. Т. 1. Б. 41] феълининг ҳозирги замон негизи) феълий яримаффиксидан ташкил топган. Ушбу сўз Б. Ҳасанов луғати [4. Б. 78]да “мард, жасур” маъноси, Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. I. Б. 486]да “ботир, қаҳрамон, паҳлавон; маъқул, хуш келадиған; кўнгил кўтарувчи, хурсанд қилувчи”, А.А. Деххудо луғати [5. Т. 7. Б. 9683]да “баҳодир, жангчи, жасур, дилдор, шижоатли” каби маънолари берилган. Dilāvar сўзи мазкур байтда инсонга нисбат берилган бўлиб, “жасорат кўрсатган”, яъни “баҳодир” маъносида қўлланилган.

***dilfirēb:***

Kelib ġamzayī šōx ila **dilfirēb**,

Libās iġra ānġa ki imkān zēb. (52/61)

Ушбу байтдаги dilfirēb сўзи “dil” ўзак морфемасига “firēb” (فريفتن) “алдамоқ”; “фирибгарлик қилмоқ”; “алданмоқ” [6. Т. 2. Б. 2543] феълининг ҳозирги замон негизи) феълий яримаффикси бириккан. Мазкур сўз А.А. Деххудо луғати [5. Т. 7. Б. 9714]да “кўнгилни алдовчи, кўнгилни мафтун қилувчи, дилрабо, дилкаш, ёқимли” маънолари берилган. Б. Ҳасанов луғати [4. Б. 79]да “кўнгилни алдовчи, жозибали; гўзал” маъноси, Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. I. Б. 491]да “кўнгилни алдовчи; мафтун қилувчи, йўлдан оздирадиған; дилрабо, дилбар” каби маънолари келтирилган. Dilfirēb сўзи юқоридаги байтда ёрга нисбат берилган бўлиб, “кўнгилни алдовчи”, яъни “мафтун қилувчи” маъносида қўлланилган.

***dilnavāz:***

Iki šāh bir-birga aylab niyāz,

Takallum qilib har biri **dilnavāz**. (52/169)

Мазкур байтдаги dilnavāz сўзи “dil” ўзак морфема ва “navāz” (نواختن) “тасалли бериш учун силамоқ”; “эркаламоқ”; “илтимосни бажармоқ”; “чалмоқ (муסיқа асбоби)”; “қўшиқ айтмоқ”; “ерга урмоқ” [6. Т. 4. Б. 4827] феълининг ҳозирги замон негизи) феълий яримаффиксидан ташкил топган. Ушбу сўз Б. Ҳасанов луғати [4. Б. 78]да “кўнгиллови” маъноси, Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. I. Б. 488]да “дилни овловчи, дилни яйратувчи, кўнгилни овловчи; севгили, маъшуқа”, А.А. Деххудо луғати [5. Т. 7. Б. 9725]да “дилни эркаловчи, дилга тасалли берувчи, дилга ёқувчи; маъшук, маъшуқа, маҳбуб, дилором, дилжўй” каби маънолари берилган. Dilnavāz сўзи мазкур байтда

“такаллум”га нисбат берилган, шу сабабли “*ёқимли*” сўз маъносида қўлланилган.

***dilpazīr:***

Skandarġā ul soz kelib ***dilpazīr***,

Sukūt oldi ħikmat bilā nāguzīr. (75/20)

Ушбу байтдаги *dilpazīr* сўзи “*dil*” ўзак морфемасига “*pazīr*” (پذیرفتن “қабул қилмоқ”; “вазифасига олмоқ”; “эътироф этмоқ”; “миннатдор бўлмоқ”; “маъқулламоқ”; “афзал кўрмоқ”; “бўйсунмоқ” [б. Т. 1. Б. 711] феълининг ҳозирги замон негизи) феълий яримаффикси бириккан. Мазкур сўз А.А.Деххудо луғати [5. Т. 7. Б. 9693]да “дил қабул қилувчи, дилхоҳ, маҳбуб, матлуб”, Б. Ҳасанов луғати [4. Б. 78]да “кўнгил тилаган; ёқимли” маъноси, Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. I. Б. 491]да “ёқимли, гўзал; маъқул, кўнгилдагидек, хуш келувчи” каби маънолари берилган. *Dilpazīr* сўзи ушбу байтда “сўз”га нисбат берилган ва “*дил қабул қилувчи*”, яъни “*маъқул*” маъносида қўлланилган.

***dilpisand:***

Saġā pand bermak emas ***dilpisand***,

Keraktur maġā yuz kiši bersa pand. (81/70)

Мазкур байтдаги *dilpisand* сўзи “*dil*” ўзак морфема ва “*pisand*” (پسندیدن “қабул қилмоқ”, тасдиқламоқ”; “афзал кўрмоқ”, “танламоқ”; “лойиқ билмоқ”; “яхши ҳисобламоқ”; “мақтамоқ” [б. Т. 1. Б. 789] феълининг ҳозирги замон негизи) феълий яримаффиксидан ташкил топган. Ушбу сўз Б. Ҳасанов луғати [4. Б. 78]да “ёқимли” маъноси, Э.И. Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. I. Б. 489]да “кўнгилга хуш келадиган, ёқимли, мақбул”, А.А.Деххудо луғати [5. Т. 7. Б. 9725]да “дил ёқтирадиган, мақбул, мойил, талабгор” каби маънолари берилган. *Dilpisand* сўзи юқоридаги байтда “панд”га нисбатан қўлланилган ва “*дил қабул қиладиган, афзал кўрадиган*”, яъни “*дилга хуш келадиган*” маъносида қўлланилган.

***dilxarāš:***

’Ayān aylaban nuktayi ***dilxarāš***,

Der erdi yu kozdin tokar erdi yāš. (81/68)

Юқоридаги байтда *dilxarāš* сўзи “*dil*” ўзак морфемасига “*xarāš*” (خرایشیدن “тирнамоқ”; “кесмоқ, яраламоқ” [б. Т. 1. Б. 1405] феълининг ҳозирги замон негизи) феълий яримаффикси бириккан. Ушбу сўз Б.Ҳасанов луғати [4. Б. 79]да “кўнгилни тирновчи, қайғу солувчи” маъноси, Э.И.Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. I. Б. 491]да “кўнгилни тирновчи, кўнгил дардларини кўзғовчи”, А.А.Деххудо луғати [5. Т. 7. Б. 9697]да “дилга озор берувчи; азоб берувчи; кўрқинчли” каби маънолари берилган. *Dilxarāš* сўзи мазкур байтда “нукта (фикр)”га нисбатан қўлланилган бўлиб, “*қалбни тирновчи, яраловчи*”, яъни “*озор берувчи*” маъносида қўлланилган.

***purdil:***

Yānā ***purdilē*** kirdi maydānġa tund

Ki, gurzidin erdi qayā tīġi kund. (64/50)

Ушбу байтдаги *purdil* сўзи “*pur*” (پُر “тўла”, “тўлган”, “тўлдирилган”; “жуда”; “лиммолим”; “йиғилган” [б. Т. 4. Б. 4743]) олд қўшимча шаклидаги

исмий яримаффикс ва “dil” ўзак морфемасидан ясалган. Мазкур сўз А.А.Деххудо луғати [5. Т. 4. Б. 4775]да “жасур, жасоратли, шижоатли, кўрқмас, баҳодир; олийжаноб”, Б.Ҳасанов луғати [4. Б. 225]да “юрakли, жасур” маъноси, Э.И.Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. II. Б. 586]да “кўнгли тўқ, ўзига ишонган; юракли” каби маънолари берилган. Purdil сўзи ушбу байтда жангчига нисбатан берилган бўлиб, “жасоратга тўла”, яъни “жасур, кўрқмас” маъносида қўлланилган.

***xuṣḍil:***

Skandar bolub **xuṣḍil** ul ḥāldin,  
Tanūmand olub koṅli bu fāldin. (27/125)

Юқоридаги байтда xuṣḍil сўзи “xuṣḥ” (خوش “қандай яхши!”, “фаровонлик”; “яхши”, “ёқимли”; “шод”, “хурсанд”; “мазали”; “тинч”; “меҳрибон”; “соғлом”; “чиройли”, “тўзал”; “ширин”; “қайнона”; “қариндош” [6. Т. 6. Б. 8868-8871]) олд қўшимча шаклидаги исмий яримаффикс ва “dil” ўзак морфемасидан ҳосил бўлган. Ушбу сўз Б. Ҳасанов луғатида берилмаган. Э.И.Фозилов таҳрири остидаги луғат [1. Т. III. Б. 440]да “кувончли, хурсанд, шод”, А.А.Деххудо луғати [5. Т. 6. Б. 8881]да “хурсанд, бахтиёр; софдил” каби маънолари берилган. Xuṣḍil сўзи мазкур байтда Искандарга нисбатан “хурсанд, шод” маъносида қўлланилган.

**Хулоса.** Алишер Навоий “Хамса”сининг “Садди Искандарий” достонида учраган “дил” ўзак морфемаси ва форсий исмий ҳамда феълий яримаффикслар орқали ясалган сўзлар таҳлили бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Тадқиқот натижасида dilafrūz, dilārā, dilārām, dilāsāy, dilāvar, dilfirēb, dilnavāz, dilpaṣṣir, dilpisand, dilxarāṣ, purdil, xuṣḍil каби сўзлар яримаффикслар орқали ясалган сўзлар деб топилди.

2. Кўриб чиқилган сўзларнинг ясашида форсий феълий яримаффикслар 10 та, исмий яримаффикслар эса 2 тани ташкил қилади. Бундан феълий яримаффиксларнинг сўз ясашида аҳамияти катта эканлиги келиб чиқади.

3. Таҳлил қилинган сўзлардаги “dil” ўзак морфемаси яримаффикслар билан бирикиб, яхлит маънолар бергани кузатилди. Шунингдек, dilafrūz, dilārā, dilārām, dilāsāy, dilāvar, dilnavāz, dilpaṣṣir, dilpisand, dilfirēb, purdil, xuṣḍil каби сўзлар ижобий маънони англатса, dilxarāṣ сўзи эса салбий маънони билдиради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати, I-IV жилдлар. – Тошкент, 1983-1985. I – 1983. – 646 б. II – 1983. – 642 б. III – 1984. – 622 б. IV – 1985. – 636 б.

2. Қуронбеков А., Имомназаров М., Нишанбаева А., Каландаров М. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг санама (частотали) сўзлиги. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2018. – 120 б.

3. Қуронбеков А., Маннонов А., Имомназаров М. ва б. Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони конкорданси. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2016. – 832 б.

4. Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Т.: “ФАН”, 1993. – 374 б.



5. دهخدا علی اکبر. لغتنامه، 14 جلدی. تهران، 1993-1994. جلد 1 – 1993. 1532 ص. جلد 2 – 1993. 1536 ص. جلد 3 – 1993. 1548 ص. جلد 4 – 1994. 1554 ص. جلد 5 – 1994. 1552 ص. جلد 6 – 1994. 1552 ص. جلد 7 – 1994. 1552 ص. جلد 8 – 1994. 1552 ص. جلد 9 – 1994. 1552 ص. جلد 10 – 1994. 1552 ص. جلد 11 – 1994. 1552 ص. جلد 12 – 1994. 1552 ص. جلد 13 – 1994. 1552 ص. جلد 14 – 1994. 1011 ص.
6. معین محمد. فرهنگ فارسی. 6 جلدی. تهران، 1992. جلد 1 – 1992. 1472 ص. جلد 2 – 1992. 1297 ص. جلد 3 – 1992. 1465 ص. جلد 4 – 1992. 1353 ص. جلد 5 – 1992. 1229 ص. جلد 6 – 1992. 1121 ص.

### **Нилуфар Холбобоева**

*Ўқитувчи, Мумтоз филология кафедраси, ТошДШИ*

## **ХОЛИС ҒАЗАЛИЁТИНИНГ ҒОЯВИЙ ЮКСАКЛИГИ**

**Аннотация.** Ўзбек мумтоз шеърятининг ҳам бутун тараққиёти давомида, аниқроғи ХХ асрнинг иккинчи чорагигага газал етакчи мавқега эга бўлди. Бундан Холис ижоди мустасно эмас. Шоир ижодий меросида газалнинг устувор бўлиши табиий ҳол эди. Чунки Хоразм адабий муҳитида Холис яшаган даврда эпик шеърятга нисбатан лирика, хусусан газалнавислик кенг ёйилган бўлиб, бу ҳол мусиқа санъатининг ривожини билан ҳам боғлиқ эди. Холис анъанавий газалнависликда ранг-баранг ҳамда гўзал газаллар яратди. Холис анъанавий газалнависликда ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Бунда:

а) Холис ижодида анъанавий газалчилик намуналари миқдор ва ҳажм жиҳатдан нисбатан кўламдордирлиги.

Холис газалиёти фақат кўламдорлиги ва мавзу доирасининг хилма-хилдиги билан эмас, балки гоёвий юксаклиги, мазмун моҳиятининг чуқурлиги ва бадиий нафосатнинг ўзига хос таровати билан ҳам аҳамиятлидир. Шоир меросининг етакчи жанри газалнинг асосини ишқий – лирик мавзу ташкил этади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки газал жанрининг пайдо бўлган пайтиёқ, асосан, аёлларни мадҳ этиши воситаси вазифасини бажарган. Шоир ижодидаги ишқий газалларнинг ўзини ҳам гоёвийлик жиҳатидан гуруҳларга ажратилиши ўринли. Чунки уларнинг баъзиларида хижрон изтироблари, ошиқнинг руҳий ҳолати ўз ифодасини топса, баъзилари маъшуқанинг мадҳига, таъриф – тавсифига бағишланади.

Холис ижодида маҳбуба мадҳига, таъриф-тавсифига бағишланган газаллар салмоқли ўрин тутуди. Маҳбубани таърифлашда шоир кўпроқ ташбеҳ санъатига мурожаат қилади: унинг қошини ўқ-ёйга, юзини қизоришини ҳинадан ҳам қизилроқ тусга киришига, кўзларини жаллодга, лабларини оби ҳаётга қиёс этади.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ғазал, талмех, ташбеҳ, муболага, жаллод, ўқ-ёй.

**Аннотация.** В течение всего развития узбекской классической поэзии, если быть точным, до второй четверти двадцатого века, Газаль занимал лидирующее положение. Поэзия Халисы не исключение. Естественно, что

газель была преобладающей частью творческого наследия поэта. В литературной среде Хорезма лиризм, особенно газализм, был широко распространен в эпической поэзии во времена Халиса, и это было связано с развитием музыки. Он создал красочные и красивые газели в традиционной сокровищнице. Это также имеет свои особенности в традиционной в газальности. В то же время:

а) Относительный размер и объем традиционных образцов газелей в работах Халиса.

Произведение Халиса важен не только для его размера и разнообразия, но также и для его идеологической элегантности, глубины его сущности и элегантности художественной элегантности. Ведущий жанр наследия поэта - романтически-лирическая тема в основы газели. Это не случайно. Со времени появления жанра газели он в значительной степени служил средством восхваления женщин. Также целесообразно классифицировать романтических в творчестве поэта на идеологические группы. Поскольку в некоторых из них отражаются чувства смущения и психического состояния любовника, некоторые посвящены восхвалению и описанию богини.

Газели, посвященные гимну, описанию и описанию любовника, играют значительную роль в творчестве Халиса. Описывая любимого, поэт ссылается больше на искусство красноречия: стрелять по бровям, поворачивать лицо более красноватым, чем красное, глаза палача и губы жизни.

**Ключевые слова и словосочетания:** газал, талмех, ташибех, муболага, палач, стрелять.

*Summary.* During the whole development of Uzbek classical poetry, to be precise, until the second quarter of the twentieth century, ghazal had a leading position. It is no exception. It was natural that ghazal was the predominant part of the poet's creative legacy. In Khorezm's literary environment, lyricism, especially ghazalism, was widespread in epic poetry during Khalid's time, and this was due to the development of music. He has created colorful and beautiful ghazals in the traditional Treasury. It also has its own peculiarities in the traditional Treasury.

*In:* The relative size and volume of traditional ghazal samples in the works of the Khaleefah.

An impartial ghost is important not only for its size and variety, but also for its ideological elegance, the depth of its essence, and the elegance of artistic elegance. The leading genre of the poet's legacy is the romantic-lyrical theme at the heart of the ghazal. It is not accidental. Since the emergence of the ghazal genre, it has largely served as a means of praising women. It is also appropriate to classify the romantic ghosts in the poet's work into ideological groups. Because in some of them the feelings of embarrassment and the mental state of the lover are reflected, some are devoted to the praise and description of the goddess.

The ghazals devoted to the hymn, description and description of the lover play a significant role in the work of the Kholis. In describing the beloved, the poet refers more to the art of eloquence: to shoot his eyebrows, to turn his face reddish more than red, his eyes to the executioner, and to the lips of water.

*Keywords and expressions: Ghazal, talmeh, imbecile, exaggeration, executioner, arrows.*

Холис XIX асрда яшаб ижод этган Хоразм адабиёти намояндаларидан биридир. Холис девонидаги ғазалларнинг кўпчилиги 10 байтдан ошади. Мумтоз адабиётмизда анъанавий ғазалларнинг аксари 7-8 байтли ғазаллардир. Шоир бир ўринда маҳбубанинг ҳусни жамолини ойга, куёшга, сўзларини қанду шакарга, бошқа ўринда эса унинг юзи шу қадар нурафшонки, ҳаттоки осмондаги ой ва куёш ҳам унинг нурига муҳтож, ундан нур ато этишини тилашади.

Бир ғазалида ошиқ ёрнинг гўзаллигини васф этиб шундай дейди: эй ой юзли ёрим, гўзалликлар, ҳусннинг энг юксак чўққисидасан. Тонгнинг ёқимли саболари ичра эрта баҳор чечаклари каби мубораксан. Кейинги байтда эса ёрига тилаклар йўллайди: бахтинг қадаҳи қувонч, шодлик майи билан лиммолим бўлсин, ушбу бахт майини борича ичиш сенга насиб этсин.

*Ҳусн авжи узра чиқдинг, эй маҳлиқо, муборак,  
Мундақ арусинг олсун субҳ-у сабо муборак.  
Жоми муродинг айлаб мамлутароб майидин,  
Комингча нош қилмоқ болсун сенга муборак.*

Маъшуқанинг эгма қошлари ўққа ташбеҳ қилинади: бу ўқлар ошиқ калбини яралайди. Ошиқни жонини олувчи бу ўқ-ёй сенга муборак бўлсин. Шоир ёрнинг кўзларини ҳам жаллодга ташбеҳ қилади. Чунки ошиқ учун гўзал ёрнинг кўзлари жон олувчидир. Жаллод кўзларинг ишқ аҳли учун офатдир. Лекин жонга қувват бергувчи, жонга роҳат бергувчи ширин юзинг муборак бўлсин.

*Эгма қошинг яширганларинг айга ўқ,  
Айларга қатл ошиқ бу ўқ-йа муборак.  
Жаллод кўзларингдур ишқ аҳлига жамғалиқ,  
Ширин юзингдур асир-у ҳам жонфизо муборак.*

Холис бир ғазалида, сенинг гул каби юзунг, менинг булбул каби кўнглимни шайдо қилса муносибдир. Дур каби дона-дона, қимматли сўзларинг жоним ичра макон тутса ҳам муносибдир. Байтда маъшуқа юзи гулга, ошиқ кўнгли булбулга ташбеҳ қилинган.

*Юзунг гул қилса кўнглум булбулин шайдо муносибдур,  
Сўзин дур айласа жон жаннати наво муносибдур.*

Ҳамма жабрларнинг менга бир ён бўлса, бу маҳрумлик бир ёндир. Яъни, мени шаҳриёр – подшоҳ лутфидин маҳрум қилдим. Байтда издивож санъати қўлланилган. Издивож санъати – лафзий гўзалликлар жумласидан бўлиб, моҳияти икки ёки ундан ортиқ қофиядош сўзни ёнма-ён ёки бир-бирига яқин қилиб келтиришдан иборат. *Ҳар ён, бир ён* сўзлари бир мисрада бир-бирига яқин қилиб келтиришдир.

*Бари жавринг эрур ҳар ён менга аммо бу бир ёнким,  
Бўлубдур муддати маҳрум лутфи шаҳриёр этдинг.*

Турли зулмлар қилиб ҳолимни ожиз, кўнглимнинг ғамини зиёда қилдинг. Поёнсиз дард ва машаққатларга дучор қилдинг. Мазкур байтда ҳам издивож

санъати қўлланилган. *Ҳолим* ва *кўнглим*, *забун* ва *афзун* сўзлари бир-бирига қофиядош. Мазкур бадий мисранинг оҳангдорлигини таъминлаган.

*Қилиб бу зулм ила ҳолим забун кўнглим гамин афзун,  
Тугамасдур айла муҳаббатга алқисса дучор этдинг.*

Яна бир ғазалида шоҳнинг турли сифатлар мадҳ этилиб, унинг раҳбарликлари Ҳизр ва Илёсларга қиёсланади. Улар эса олиниб талмеҳ санъати ҳосил қилинган. Кўплаб ерларни сайр қилиб, мамлакатларни ўзига бўйсундириб соғ қайтдилар.

*Ҳизр ила Илёс олуб ҳажр-у бир ижро раҳбари,  
Сайр этиб комилча шоҳ-у кешваристон келди соғ.*

Байтда ёр гўзалликлари васф этилади: қаддинг сарвдек, юзларинг гул, кўзларинг нарғис, сочларинг райҳон кабидир. Ошиқ улар олдида ўзини жаннатдагидек ҳис қилади. Байтда тансиқ ус-сифот санъати қўлланилган. У – маънавий санъатлардан бўлиб, унинг етук намуналарини мумтоз ва ҳозирги ўзбек шеърлятида кўплаб учратиш мумкин.

*Қаддинг сарву юзунг гул кўзларинг нарғис ҳатинг райҳон,  
Саре кўйинг десам гар, жаннати аъла муносибдур*

Ошиқ ўзининг бу ғариб аҳволини ҳаммадан яширади. Лекин, неча бора бу қонли ёшларини яширса ҳам, ошкор бўлиб қолади. Байтнинг биринчи мисрасида тазод қўлланилган. Яширмоқ ва зоҳир (ошкор бўлмоқ) сўзлари орқали тазод ясалган. Шунингдек ошиқ кўзларидан оқаётган аламли ёшлар қонга ташбеҳ қилинган.

*Неча яшурсам элдин оҳ қон ёшим қилур зоҳир,  
Ёқ эрса ошиқ сиррин айламак аҳфа муносибдур.*

Яна бир ўринда шоир душманларимни шод этиб, дўстларимни эса ғамгин қилди. Ҳар доим янги-янги дардларга сазовар қилди. Байтда икки марта тазод санъати қўлланилган. *Дўст* ва *душман*, *шод* ва *ғамгин* сўзлари тазодни ҳосил қилган.

*Душманим шод этибон дўстларимни ғамгин,  
Ҳар замон ўзгача бир ғамга сазовар этти.*

Хулоса қилиб, Холис девонинидаги ғазаллари ҳажм жиҳатидан анча катта. Шоир ижодида беш ва етти байтли ғазаллар кам учрайди. Ғазалларнинг кўпчилиги ўн ва ундан кўп байтдан иборат.

Холис ғазалларида туркий билан бир қаторда арабий ва форс-тожик тилидаги сўзлар кенг қўлланилган. Ғазалларда сингармонизм ҳодисаси сақлаб қолинган. Сўзларда унлилар ингичка-йўфонлигига мосланган ҳолатда қўшимчалар қўшилган.

Шоир ғазалларида бадий тасвир воситаларининг кенг фойдаланган. Мисол учун ғазалларда талмеҳ, ташбеҳ, муболаға, издивож, тазод каби бадий санъатлардан кенг фойдаланган. Холис ғазалларининг мавзу кўлами нуқтаи назардан анча кенг : маъшуқа васфи, ошиқнинг ўтли ҳижрон дамлари, ҳукмдор мадҳига бағишланган ғазаллар.

Холис ўзининг ғазалларида мумтоз адабиётимиздаги анъанавий образ ва тимсоллардан унумли фойдаланади. Бадий санъатларни маҳорат билан қўллайди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎзР ФА ШИ 1035 рақамли қўлёзма.
2. ЎзР ФА ШИ 1164 рақамли қўлёзма.
3. Хожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? –Т.: Шарқ, 2001.
4. Комилов Н. Маънолар оламига сафар. –Т.: Тамаддун, 2012.

*Дилфуза Садриддинова*

*Стажёр-ўқитувчи, Араб филологияси кафедраси, ТошДШИ*

### “MARĀḤU-L-ARWĀḤI” АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

**Аннотация.** *Мазкур мақола Аҳмад бин Али бин Маъсуднинг مراح الارواح “Marāḥu-l-arwāḥi” номли асари асосий манба сифатида олинган, чунки бу асар диёримизда шу кунгача илмий тадқиқ қилинмаган, араб сўзларини ўзгаришига сабаб бўлувчи омиллар тилишунослик нуқтаи назаридан батафсил таҳлил қилинган. Ушбу манба бўйича бир қатор олимлар шархлар ёзган. Улардан Шамсалмилла вад-Дин Адул Фазоил Амад бин Али бин Масъуд, Суютий, Ҳожи Халифалар. Фарб олимларидан машҳур француз шарқшуноси Де Сасси ҳам асарга ва муаллифга доир ўз фикрларини билдириб ўтган. Чунки унга таъриф берган илк тилишунос олим Ҳасан Поша бин ЁАла ад-Дин ал-Асвад ан-Никсорий ҳижрий 827 (милодий 1424) йилда вафот этган. VIII-XII асрларда яратилган Аҳмад бин Али бин Маъсуд асари “Marāḥu-l-arwāḥi” асари ўз даврдаги бошқа асарлардан тузулиши фарқли ўлароқ ўзига хос принципларига эга. Айнан шу принциплар ушбу мақолада ўз аксини топган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *тадқиқот, манба, қўлёзма нусхалар, шарх, изоҳ, сарф, наҳв*

**Аннотация.** *Данная статья посвящена источнику Marāḥu-l-arwāḥi Ахмада бин Али бин Масуда, потому что эта работа до сих пор не исследована в нашей стране, и она была подробно проанализирована с лингвистической точки зрения. Ряд ученых прокомментировали этот источник. Среди них Шамсалмилла Вад-Дин Адул Фазейл Амад бин Али бин Масуд, Суюти, Хаджи Халифа. Известный французский востоковед Де Сасси также поделился своими взглядами на произведение и автора. Поскольку первый лингвист, который описал это, Хасан-паша бин Ала ад-Дин аль-Асвад ан-нацари умер в 827 году (1424 г. н.э.) Работа Ахмада бин Али бин Масуда в 18-м и 12-м веках в отличие от других работ того времени, у него есть свои принципы. Эти принципы отражены в этой статье.*

**Опорные слова и выражения:** *исследование, источник, рукописные копии, отзывы, комментарии, морфология*

**Summary:** *This article is dedicated to the source of Marāḥu-l-arwāḥi Ahmad bin Ali bin Masoud, because this work has not yet been studied in our country, and it has been analyzed in detail from a linguistic point of view. A number of scientists*

*commented on this source. Among them are Shamsalmilla Wad-Din Adul Fazail Amad bin Ali bin Masoud, Suyuti, Haji Khalifa. The famous French orientalist De Sassi also shared his views on the work and the author. Since the first linguist who described this, Hassan Pasha bin Ala al-Din al-Aswad al-Nawzari died in 827 (1424 AD) The work of Ahmad bin Ali bin Masoud in the 18th and 12th centuries unlike other works of that time, he has his own principles. These principles are reflected in this article.*

**Keywords and expressions:** *research, source, handwritten copies, reviews, comments, morphology*

Халқимиз тарихининг энг ёрқин саҳифалари ислом одоби тарихи билан мунаввардир. Бу ўз навбатида араб тили билан бевосита боғлиқ. Араб тилини ўрганиш халқимиз тарихида, муболағасиз айтиш мумкинки, ҳеч вақт тўхтамаган, арабларнинг ўзларидан ортиқроқ ва пухтароқ ўрганилган бўлса, ўрганилганки, асло кам бўлмаган. Исмоил ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замахшарийларнинг номларини тилга олиш юқоридаги фикримизга ёрқин далилдир.

Бизнинг ушбу танлаган мавзуимиз Аҳмад бин Али бин Масъуднинг «Маръаху-л-арвāҳи» асари ўрганилмаган асарлар сирасига киради. Араб тилини ўрганишга киришган ҳар бир толиби илм, аввало, сарфга мурожаат қилади. Ишимизнинг долзарблиги эса унда биз сарфни ўтмишда тилшунослар томонидан қандай ўрганилганлиги, унинг мустақил илм сифатида ажралиб чиққанини баён этиб, унинг фойдаси, тил ўрганишдаги ўрнини белгилашга ҳаракат қилганмиз.

Араб морфологиясининг – сарфига оид XIII асрда ёзилган أحمد بن علي بن مسعود Аҳмад бин Али бин Маъсуднинг «مراح الارواح» «Маръаху-л-арвāҳи» асари ўтмишнинг ана шундай нодир намуналаридан бири саналади. Мазкур мақолада асарнинг қўлёзма нусхалари ёритиб ўтилади. Ушбу асар ҳақида гапиришдан аввал, унинг муаллифига ҳам тўхталиб ўтишни лозим деб топдик.

Муаллифнинг тўлиқ исми Шамсалмилла вад-Дин Адул Фазоил Амад бин Али бин Масъуд бўлиб, афсуски, биз унинг «Маръаху-л-арвāҳи» асарининг муаллифи эканлигидан бўлак, бошқа маълумотларга эга эмасмиз. Машҳур тилшунос олимлар ҳаётини ўрганган Суютий ушбу асарга «инсонлар ихтиёрига тақдим этилган машҳур, ихчам китобдир» деб таъриф бера туриб, أحمد بن علي بن مسعود Аҳмад бин Али бин Маъсуднинг «مراح الارواح» «Маръаху-л-арвāҳи» асаридан ташқари бошқа унинг ҳаёти ва таржимаи ҳоли ҳақида ҳеч қандай маълумот топа олмаганини қўшимча қилган<sup>115</sup>.

Тилшунос олим Ҳожи Халифа ҳам ушбу асарга таърифлар келтирган, лекин муаллифнинг ўзи ва ҳаёти ҳақида тўхталиб ўтмаган<sup>116</sup>.

Машҳур француз шарқшуноси Де Сасси ҳам асарга ва муаллифга доир ўз фикрларини билдириб ўтган. Унинг тахмин қилишича, Аҳмад бин Али бин Масъуд ҳижрий VIII (милодий XIII) асрнинг бошларида яшаб ўтган. Чунки унга

<sup>115</sup> بغية الرعاة للسيوطي 1 / 347 (665). – ص. 247.

<sup>116</sup> كشف الظنون لحاجي خليفة 2 / 1651

таъриф берган илк тилшунос олим Ҳасан Поша бин ʼАла ад-Дин ал-Асвад ан-Никсорий ҳижрий 827 (милодий 1424) йилда вафот этган.<sup>117</sup> Де Сассининг асосларини инобатга олган ҳолда, унинг бу таҳмини ҳақиқатга яқин эканлигини таъкидлашимиз мумкин.

Шунингдек Суютий “Марāху-л-арвāхи” муаллифи бўлмиш Аҳмад бин Али бин Масъуд ва Ибн Саққа номи билан машҳур бўлган Аҳмад бин Али бин Масъуд бин Абдуллоҳни икки турли шахс деб фарқлаб кўрсатган.<sup>118</sup> Ибн Саққа ҳам тилшунос олим бўлиб, ўз вақтининг машҳур мударрислари Ал-Хашшоб ва Абдул-Вақтдан таълим олган ва 613-ҳижрий вафот этган.

“Марāху-л-арвāхи”га Ал-Бағдодий томонидан “فتح الفتاح في شرح المراح” ёки “فتح الفتاح بقوت الارواح” номли шарҳлар ёзилган бўлиб,<sup>119</sup> ўз навбатида бу шарҳларга Тожиддин Абдул-Ваҳҳоб ибн Иброҳим ибн Маҳмуд ибн Али ибн Муҳаммад ал-Урдий ал-Халабий аш-Шофий (вафоти ҳижрий 967, милодий 1559-йил) томонидан ҳам шарҳлар битилган. Аш-Шофийнинг шарҳига эса “شرح المتن الحادي” “العزّي” ва “الحادي”, “متن الحادي” каби асарларнинг муаллифи бўлмиш Тожиддин Абдал Ваҳҳоб ибн Иброҳим ибн Абдал Ваҳҳоб аз-Занжоний (вафоти ҳижрий 654, милодий 1256-57-йил) томонидан шарҳ ёзилган.<sup>120</sup> Аммо бу баъзи тушунмовчиликларни келтириб чиқаради. Чунки “Марāху-л-арвāхи” нинг муаллифидан бир аср аввал яшаган Занжонийнинг ўзидан кейин яшаб ўтган олимнинг шарҳига шарҳ ёзиши ақлга сиғмайди.

Албатта, биз Аҳмад бин Али ҳижрий VIII асрнинг бошлари (милодий XIII)да яшаган ва Ибн Саққа ва у айнан бир киши деб таҳмин қилишимиз, унинг асарларига шарҳлар ёзган. Аш-Шофий ва Занжонийнинг шарҳларини аслида икки хил бўлиб, бир хил ном берилган асарлар дейишимиз мумкин. Лекин бизда етарлича асосли далиллар, Аҳмад бин Алининг ҳаёти ҳақида маълумотлар бўлмаганлиги сабабли, юқоридаги таҳминларни асосли ёки асоссиз деб аташ мушкулдир.

XIII асрда яшаб ўтган суриялик тилшунос ва олий унвонли роҳиб (архиепископ) Фарҳат ўзининг “بحث المطالب” асарида Аҳмад бин Алига “صاحب المراح” яъни “Марāх соҳиби”, “Марāх ёзувчиси” деб таъриф беради.<sup>121</sup>

Юқоридагиларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда Шамсалмилла вад-Дин Абул Фазоил Аҳмад бин Али бин Масъуд таҳминан VII/XIII асрларнинг охири, VIII/XIV асрларнинг бошида яшаб ўтган етук тилшунос олим бўлган. Буни унинг асарларига келтирилган гўзал таърифлар ва кўп сонли шарҳлардан ҳам англаш мумкин.

Францияда Париж шаҳридаги Миллин кутубхонасида 4173 инвентар рақами остида сақланаётган номи маълум бўлмаган тўпلامда “مراح الأرواح” дан сўнг 38-саҳифада “العزّي” келтирилган. Бу тўпلامда 53-бетда “المقصود”, 69-бетда эса “بناء الأفعال”, 79-бетда “الأمثلة المختلفة” келтирилган.

<sup>117</sup> أحمد بن علي بن مسعود. مراح الأرواح. ص 233

<sup>118</sup> بغية الوعاة للسيوطي 1 / 347 (665). - ص 247.

<sup>119</sup> كشف الظنون لحاجي خليفة 2 / 1651 - ص 280.

<sup>120</sup> بغية الوعاة للسيوطي 1 / 347 (665). - ص 250.

<sup>121</sup> Joysee Akesson. Arabic morphology. B. 18.

Худди шу кутубхонада 4182 рақам остида сақланаётган қўлёзма асарлар тўпламида "العزّي" нинг ўрнига сарфга оид бўлган Ибн Ҳожибнинг "الشّافية" си келтирилган. "الشّافية" бу Замахшарий (вафоти ҳижрий 538) нинг "المفصل" асарининг морфологияга оид қисмининг янги ва қисқартирилган кўринишидир.

Ушбу 3 машхур асар, яъни "العزّي", "الشّافية" ва "مراح الأرواح" тилшунос олим Замахшарийга бориб тақалади. "المفصل" нинг муаллифи Замахшарийга эса Сибавайҳийнинг "الكتاب" асари ўз таъсирини ўтказган. Сибавайҳийнинг устози эса Ал-Халил бин Аҳмад бин Умру бин Тамим ал-Фараҳидий (вафоти ҳижрий 175 йил) бўлиб, у "Араб тилининг буюк тузувчиси" деган ном олган.<sup>122</sup>

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонаси фондида нодир қўлёзма ва босма асарлар сақланувчи бўлимида "مراح الأرواح" нинг ўнгга яқин қўлёзма ва босма нусхалари мавжуд. Қўлёзма нусхалар асосан насх ва настаълиқ ёзувларида 1251, 1300, 1283, 1287, 1853 йилларда ёзилган. Уларнинг ўлчамлари ва саҳифалари сони бир-биридан фарқ қилади. Босма нусхаларнинг аксарияти XIX-XX асрларда тайёрланган. Баъзи нусхаларда асарнинг асосий матни саҳифанинг ўрта қисмига ёзилган бўлиб, унинг четидаги хошиясига асосий матнга шарҳ битилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 6452 рақамли қўлёзма сақланмоқда. Қўлёзма «А» нусха сифатида қабул қилинди.

Китоб асл муқовасида сақланган. Асар 6 варақдан иборат, 27x16 ўлчовли. Ҳар вараққа 17 сатрдан матн жойлаштирилган.

Асар насх хатида ёзилган. Асарнинг аксарият қисми юпқа Шарқ қоғозига битилган. Асардаги мавзу номлари ажратиб кўрсатилган. Қайси котиб кўчирганлиги ҳақида маълумот йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги "Маръаху-л-арвāхи" нинг 8558 рақамли қўлёзмасини «Б» нусха сифатида қабул қилинди. Асарнинг мазкур нусхасининг варақлари чириган. Қўлёзманинг биринчи варағини четлари йиртилган бўлиб тепасида муҳр бор, хошияси тўла шарҳлардан иборат. Асардаги боб, фасллари қизил сиёҳда ёзилган варақлари кўкимтир. Қўлёзма жами 61 (1b-61b) саҳифадан иборат.

Мазкур нусха Jumada II, 1222/август, 1807 йили котиб احمد بن موسى البلغارى – Аҳмад дин Мусо Балғарий томонидан ёзилган. Қўлёзма 22x16,5 ўлчовли Шарқ қоғозига кўчирилган. Асар насх хатида қора сиёҳда ёзилган. Муқоваси жигарранг.

Мазкур қўлёзманинг «А» нусхадан фарқи шуки, бу нусхада матндан тушиб қолган ёки хато кўчирилган сўз, ибора, бирикма ва ҳато гаплар асар хошиясига чиқариб ёзиб қўйилган. Баъзи хато кўчирилган сўзлар устидан чизик тортилиб шу сатр хошиясига матннинг тўғри шакли ёзилган. Колофонига куйидагича ёзилган:

<sup>122</sup> أحمد بن علي بن مسعود. مراح الأرواح. ص-233



تمت النسخه الشريفه موسوم بمراح الأرواح من علم الصرف فى يد حقير فقير كثير... أحمد بن موسى بلغارى تاريخ ينجم جمادى الاخر سنة 1222 در روز دو شنبه تمام شد

“Марāху-л-арвāхи” нинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 7738 сақланиш рақами остида рўйхатга олинган ва уни шартли равишда «В» нусха деб белгиланди.

Ушбу нусха анъанавий «Басмала» билан бошланган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 39 (98b-137a) варақни ташкил этиб, ҳар бир вараққа 10 қатордан матн жойлаштирилган. Асар 20.5x12,5 см ўлчовли Шарқ қоғозига кўчирилган.

Китоб кичкина ҳажмли муқоваси сариқ ўртада нақши бор. Муқоваси оддий қоғоз муқова. Мазкур қўлёзма тўлиқ бўлиб, китобнинг хотимаси билан якунланган. Унга кўра ушбу қўлёзма 1251/1835 йилда ёзиб тугатилган.

Колофони қуйидагича ёзилган:

تمت الكتاب بعون الملك الوهاب

“Марāху-л-арвāхи” асарининг қўлёзмалардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. 10703 сақланиш рақамли ва шартли равишда «Г» нусха деб белгиланди.

Асар 1986. саҳифада анъанавий «Басмала» билан бошланган.

Қўлёзма настаълик хатида Шарқ қоғозига кўчирилган. Қоғознинг ўлчови 25x15.5 см бўлиб, 15 қатордан иборат. Китобнинг муқоваси шикастланган.

Қўлёзма 1986 саҳифадан рақамланиб, 32 саҳифани ташкил қилади. Сарлавҳалар, муҳим деб топилган барча сўзлар қизил ранг билан ажратилган.

Мазкур қўлёзма нуқсонли нусха ҳисобланади. Китоб 2306. саҳифада котибнинг хотимаси билан тугаган. Унга кўра қўлёзма 1270/1854 йилда ёзиб тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги “Марāху-л-арвāхи” нинг 10689 сақланиш рақамли қўлёзмасидир. Бу қўлёзма «Д» нусха сифатида қабул қилинди.

Мазкур қўлёзма Шарқ қоғозига кўчирилган. Қўлёзманинг варақлари тўлиқ. Қўлёзма матнидан тушиб қолган сўзлар, гаплар котиб томонидан саҳифа ҳошиясига махсус белги қўйиб киритилган.

“Марāху-л-арвāхи” асарининг бошқа қўлёзма нусхаларидан фарқли равишда сарлавҳалар, боб ва фасллар қизил рангли сиёҳда ёзилган. Жадвалга солинган атрофи тилла сув юргизилган сариқ кўк чизиқли шарҳсиз ёзилган. Мазкур нусха кўчирилган йили номаълум. Асар 6 варақдан иборат, 24,5x15 ўлчовли. Ҳар вараққа 15 сатрдан матн жойлаштирилган бўлиб, настаълик хатидақора ранг сиёҳда ёзилган. Ушбу асар мансабдор одам томонидан буюртма қилинган бўлиб қандайдир сабабларга кўра қўлёзма чала қолган охирига етказилмаган.

“Марāху-л-арвāхи” нинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондидаги 6528 сақланиш рақамли қўлёзмаси шартли равишда «Е» нусха деб белгиланди.

Асар анъанавий «Басмала» билан бошланган. “Басмала”нинг тепасида мухр қўйилган. За варақда, ўртасида ҳамда иуунинчи боб деган жойга ҳам мухр қўйилган.

Мазкур нусха хаттот **عثمان** – Усмон томонидан унча чиройли бўлмаган насх хатида кўчирилган. Қўлёзма матнидан тушиб қолган сўзлар, жумлалар котиб томонидан саҳифа ҳошиясига киритилган.

Асосий матн 22.5/16.5 ўлчовли ҳар саҳифага 11 қатордан матн жойлаштирилган. Саҳифалар рақамланмаган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 55 варақ. Муқоваси йиртилиб, титилган. 62/63 варақлар орасида қўшимча варақча бор. Калафонига қуйидагича ёзилган:

تم هذا الكتاب بعون الله تعالى و حسن توفيقه في بلدة يشاور حفظ الله تعالى عن أفات الزمان و كاتب  
و مالك فقير عثمان غفر الله له و لو الديه

“Марāху-л-арвāхи” қўлёзмалардан яна бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади. **6481** рақамли нусха шартли равишда «*Ё*» нусха деб белгиланди.

Матн ҳар бир саҳифага 15 қатордан жойлаштирилган, жами 36 варақ. Асар 222б. саҳифадан бошланган. Варақнинг ўлчови 26.5x15,5 см. Мазкур қўлёзма оддий нусха бўлиб, нусхалар бир бирига ёпишгандан хатларни кўпи ўчиб кетган. Ҳошияси, шарҳи йуқ, муқоваси нақшли картондан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 4850 инвентар рақамли қўлёзма бўлиб, уни шартли “Ж” нусха деб белгиланди.

Асар 343б. саҳифада анъанавий «Басмала» билан бошланган.

Қўлёзма настаълиқ хатида Шарқ қоғозига кўчирилган. Қоғознинг ўлчови 26.5x15.5 см бўлиб, 17 қатордан иборат. Китобнинг муқовасида учта мухр бор. Асарга шарҳлар кам ёзилган. Баъзи варақларнинг қатор оралиғида изоҳлар бор.

Қўлёзма 343б саҳифадан рақамланиб, 19 саҳифани ташкил қилади. Сарлавҳалар, муҳим деб топилган барча сўзлар қизил ранг билан ажратилган. Қўлёзма 1272/1855-1856 йилларда ёзиб тугатилган.

4144 инвентар рақамли қўлёзма Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланади. Ушбу нусхага шартли равишда “3” нусха деб белгиладик. Ушбу қўлёзма юқорида кўриб чиққан қўлёзмамиз “Ж” нусха билан бир хил кўчирилган.

1756 рақамли нусха 1283/1866-1867 йили кўчирилган. Асар 55 варақдан иборат, 25.5x15 ўлчовли. Ҳар вараққа 13 сатрдан матн жойлаштирилган.

Асар 373б. саҳифада анъанавий «Басмала» билан бошланган. Асар настаълиқ хатидан ёзилган. Асардаги мавзу номлари ҳар доим ажратиб кўрсатилган. Муқовасига шикаст етган ранги қора оддий картондан.

“Марāху-л-арвāхи”нинг Тошкентда сақланаётган қўлёзмалари ўзининг саводли кўчирилганлиги, тўлиқлиги ва яхши сақланганлиги билан ажралиб туради. Улар асарни ўрганишда муҳим ишончли вазифани ўтайди.

“Марах ул-арвах” асари тўғрисида хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, юқорида келтириб ўтилган маълумотларга кўра, ушбу асарнинг бир қанча қўлёзма ва шарҳлари мавжуд бўлиб, унинг хар бири турли хил йилларда келтирилган.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида 6452 сақланиш рақамли "مراح الأرواح" أحمد بن علي بن مسعود (Аҳмад бин Али бин Маъсуднинг “Марāху-л-арвāҳи”) асари тошбосмаси.
2. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида 8558 сақланиш рақамли "مراح الأرواح" أحمد بن علي بن مسعود (Аҳмад бин Али бин Маъсуднинг “Марāху-л-арвāҳи”) асари тошбосмаси.
3. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида 7738 сақланиш рақамли "مراح الأرواح" أحمد بن علي بن مسعود (Аҳмад бин Али бин Маъсуднинг “Марāху-л-арвāҳи”) асари тошбосмаси.
4. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида 10703 сақланиш рақамли "مراح الأرواح" أحمد بن علي بن مسعود (Аҳмад бин Али бин Маъсуднинг “Марāху-л-арвāҳи”) асари тошбосмаси.
5. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида 10689 сақланиш рақамли "مراح الأرواح" أحمد بن علي بن مسعود (Аҳмад бин Али бин Маъсуднинг “Марāху-л-арвāҳи”) асари тошбосмаси.
6. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида 6528 сақланиш рақамли "مراح الأرواح" أحمد بن علي بن مسعود (Аҳмад бин Али бин Маъсуднинг “Марāху-л-арвāҳи”) асари тошбосмаси.
7. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида 6481 сақланиш рақамли "مراح الأرواح" أحمد بن علي بن مسعود (Аҳмад бин Али бин Маъсуднинг “Марāху-л-арвāҳи”) асари тошбосмаси.
8. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида 4144 сақланиш рақамли "مراح الأرواح" أحمد بن علي بن مسعود (Аҳмад бин Али бин Маъсуднинг “Марāху-л-арвāҳи”) асари тошбосмаси.
9. ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази фондида 1756 сақланиш рақамли "مراح الأرواح" أحمد بن علي بن مسعود (Аҳмад бин Али бин Маъсуднинг “Марāху-л-арвāҳи”) асари тошбосмаси.

*Davronbek Abdullayev*

*Stajer-o 'qituvchi, Arab filologiyasi kafedrasi, ToshDSHI*

## **SAYYID SHARIF JURJONIYNING “TA’RIFOT” ASARIDA QUR’ONI KARIMDAN IQTIBOSLAR KELITIRILISHI**

Sayyid Sharif Jurjoni boshqa olimlar kabi Qur’oni Karimdan iqtibos keltirgan. Undan iqtibos keltirishi hojatga qarab bo‘lgan. Agar u bir qancha iqtiboslar keltiradigan bo‘lsa, avval Qur’oni Karimdan iqtibos keltirishdan boshlagan, so‘ng

ikkinchi bo‘lib Hadisi sharifdan iqtibos keltirgan, so‘ngra esa uchinchi bo‘lib arab adabiyotidan iqtibos keltirgan.

Ta‘rifot kitobida ko‘plab o‘rinlarda iqtiboslarga murojaat qilingan. Ulardan ba‘zilari Qur‘on oyatlaridan, ba‘zilari Hadisi nabaviydan, yana ba‘zilari arab adabiyotidandir. Ushbu iqtibos keltirish arab tilshunoslari an‘anasiga muvofiqdir. Sarf va nahv olimlari izoh uchun misollar keltirgandek Sayyid Sharif Jurjoniy ham hojat tug‘ilgan paytda misollar keltirib o‘tadi<sup>123</sup>.

Jurjoniy ‘‘Ta‘rifot’’da asosiy manba sifatida birinchi navbatda Qur‘onga tayangan. Lug‘atdagi so‘zlarni izohlashda Qur‘on oyatlaridan dalil va misol sifatida iqtibos olingan bo‘lib, unda 45 ta sura oyatlaridan 71 ta misol keltirilgan. Misollarning aksariyati quyidagi suralardan olingan:

البقرة	Baqara	9 ta misol
الأعراف	A‘rof	4 ta misol
الغاشية	G‘oshiya	3 ta misol
الأنبياء	Anbiyo	2 ta misol
سبأ	Saba	2 ta misol
القصص	Qasos	2 ta misol
النحل	Nahl	2 ta misol
ص	Sod	2 ta misol
النساء	Niso	2 ta misol
المائدة	Moida	2 ta misol
الزمر	Zumar	2 ta misol
الإنسان	Inson	2 ta misol

Sayyid Sharif Jurjoniy o‘zining ‘‘Ta‘rifot’’ kitobida o‘zi so‘z yuritayotgan mavzuni izohlash uchun iqtibos va misollar keltirgan. Ya‘ni, Jurjoniy Qur‘oni Karimdan iqtibos keltirganda lafzga emas, ma‘noga misol keltiradi<sup>124</sup>. Bu aksar holatlardadir. Ammo, ba‘zan uni lafzga ham misol keltirganini ko‘rishimiz mumkin.

U iqtibos olish uchun Qur‘oni Karimga murojaat qilganida a‘zida ehtiyojga qarab uni bir necha oyatni iqtibos keltriganini ko‘rasiz. Masalan, bir qancha o‘rinlarda ikki oyat bilan iqtibos keltirgan. Ulardan biri ‘‘tarse’’ istilohining ta‘rifidadir<sup>125</sup>:

*Tarse’ – ikki qarindan birida yoki undan ortig‘idagi saj‘dir. Bunda lafzlar vaznda teng, ajzlar barobar bo‘ladi. Alloh taoloning qavlidek:*

(إن إلينا إيابهم. ثم إن علينا حسابهم)

**25. Zero, qaytishlari yolg‘iz O‘zimizgadir!**

**26. So‘ngra ularni hisob-kitob qilish ham faqat Bizning zimmamizdadir<sup>126</sup>.**

*Yana Alloh taoloning qavlidek: (إن الأبرار لفي نعيم. وإن الفجار لفي جحيم)*

**13. Albatta, yaxshilar (mo‘minlar) ne‘mat (jannat)dadirlar.**

<sup>123</sup> منصور علي عبد العزيز. الجهود الاصطلاحية المعجمية في كتاب التعريفات للجرجاني. ليبيا. جامعة طرابلس. كلية اللغات الدراسات العليا. قسم اللغة العربية. 2015. ص 58

<sup>124</sup> هدى مناصر. منهج الشريف الجرجاني (ت816هـ) في الكشف عن دلالة المصطلحات من خلال معجمه: التعريفات. مجلة العلوم الانسانية. عدد 40. جامعة قسنطينة، الجزائر. 2013. ص 114-116.

<sup>125</sup> منصور علي عبد العزيز. الجهود الاصطلاحية المعجمية في كتاب التعريفات للجرجاني. ليبيا. جامعة طرابلس. كلية اللغات الدراسات العليا. قسم اللغة العربية. 2015. ص 59

<sup>126</sup> G‘oshiya surasi, 25,26-oyat

#### 14. *Fojirlar esa do'zaxdirlar*<sup>127128</sup>.

Sabr istilohining ta'rifida esa uchta oyatdan iqtibos keltirgan<sup>129</sup>:

الصبر... لأن الله تعالى أتى على أيوب، صلى الله عليه وسلم، بالصبر بقوله: ﴿إنا وجدناه صابراً﴾ مع دعائه في رفع الضر عنه بقوله: ﴿وأيوب إذا نادى ربه أي مسني الضر وأنت أرحم الراحمين﴾، ... قال تعالى: ﴿ولقد أخذناهم بالعذاب فما استكانوا لربهم وما يتضرعون﴾

*Sabr... chunki Alloh taolo Ayyub alayhissalomni sabr bilan ushbu qavilda maqtagan: {Darhaqiqat Biz (Ayyubni) sabr qilguvchi holda topdik<sup>130</sup>} undan zararni ko'tarishdagi duosi bilan {Ayyubning esa Parvardigoriga nido qilib: "(Parvardigorim,) menga musibat yetishdi. O'zing rahmlilarning rahmlirog'idirsan", - deb iltijo qilgan paytini (eslang)<sup>131</sup>}, ... va amalni qiyinchiliklari bilan qilish davosi bo'lmasligi uchun {Mana, Biz ularni azobga tutdik. Ular esa na Parvardigorga bo'yin egdilar va na (tavba) tazarru qildilar<sup>132133</sup>}.}*

Jurjoniyning bir o'rinda Qur'ondan bir kalima iqtibos qilgan. "Kalimatu-l-hadroti" istilohida u "Allohning "كُنْ" qavliga ishora" deb o'tgan. Ushbu kalima Yosin surasining 81-oyatida kelgan<sup>134</sup>.

Uning ikki ketma-ket oyatdan iqtibos keltirganiga mutarrif istilohida guvoh bo'lishimiz mumkin<sup>135</sup>:

المطرف: هو السجع الذي اختلفت فيه الفاصلتان في الوزن، نحو: ﴿ما لكم لا ترجون لله وقاراً. وقد خلقكم أطواراً﴾ فوقاراً، وأطواراً، مختلفان وزناً.

*Mutarrif: unda ikki fosila vaznda farq qilgan saj'dir. Masalan:*

**13. Nega sizlar Allohni ulug'lashni (ibodat qilishni) o'ylamaysizlar?!**

**14. Holbuki, U sizlarni bosqichma-bosqich yaratgan bo'lsa?!<sup>136</sup>**

*Shunda va وقارا va أطواراً vaznda farqlidir<sup>137</sup>.*

Uchta ketma-ket oyatni esa "tansiq" istilohida ko'rishimiz mumkin<sup>138</sup>:

تنسيق من صنعة البديع: هو ذكر الشيء بصفات متتالية، مدحاً كان، كقوله تعالى: ﴿وهو الغفور الودود نو العرش المجيد فعلاً لما يريد﴾. أو ذمماً، كقولهم: زيد الفاسق الفاجر اللعين السارق.

*Tansiq: badiy san'atlardan bo'lib, bir narsani ketma-ket sifatlar bilan zikr etishdir. U maqtov bo'lishi mumkin:*

**14. U (mo'minlarga) mag'firatli muhabbatli zotdir.**

**15. (U) arsh sohibi bo'lmish buyuk zotdir.**

**16. (U) istagan narsasini amalga oshirguvchidir<sup>139</sup>.**

<sup>127</sup> Infitor surasi, 13,14-oyat

<sup>128</sup> علي بن محمد الجرجاني. التعريفات. ص 78-79

<sup>129</sup> منصور علي عبد العزيز. الجهود الاصطلاحية المعجمية في كتاب التعريفات للجرجاني. ليبيا. جامعة طرابلس. كلية اللغات الدراسات العليا. قسم اللغة العربية. 2015. ص 59

<sup>130</sup> Sod surasi, 43-oyat

<sup>131</sup> Anbiyo surasi, 82-oyat

<sup>132</sup> Muminun surasi, 77-oyat

<sup>133</sup> علي بن محمد الجرجاني. التعريفات. ص 172

<sup>134</sup> منصور علي عبد العزيز. الجهود الاصطلاحية المعجمية في كتاب التعريفات للجرجاني. ليبيا. جامعة طرابلس. كلية اللغات الدراسات العليا. قسم اللغة العربية. 2015. ص 59

<sup>135</sup> منصور علي عبد العزيز. الجهود الاصطلاحية المعجمية في كتاب التعريفات للجرجاني. ليبيا. جامعة طرابلس. كلية اللغات الدراسات العليا. قسم اللغة العربية. 2015. ص 59

<sup>136</sup> Nuh surasi, 13,14-oyat

<sup>137</sup> علي بن محمد الجرجاني. التعريفات. ص 280

<sup>138</sup> منصور علي عبد العزيز. الجهود الاصطلاحية المعجمية في كتاب التعريفات للجرجاني. ليبيا. جامعة طرابلس. كلية اللغات الدراسات العليا. قسم اللغة العربية. 2015. ص 59

<sup>139</sup> Buruj surasi, 13-16-oyatlar

*Yoki yomonlash bo'lishi mumkin: Zayd fosiq, fojir, la'nati, o'g'ri*<sup>140</sup>.

Yana bir o'rinda Jurjoniyning 6ta ketma-ket oyatlarni keltirganiga duch kelamiz<sup>141</sup>:

المطابقة: هي أن يجمع بين شيئين متوافقين وبين ضديهما، ثم إذا شرطهما بشرط وجب أن تشتترط ضديهما بضع ذلك الشرط، كقوله تعالى: ﴿فَأَمَّا مَنْ أُعْطِيَ وَاتَّقَى، وَصَدَّقَ بِالْحُسْنَى. فَسَنِيسِرْهُ لِلْإِسْرَى. وَأَمَّا مَنْ بَخِلَ وَاسْتَغْنَى. وَكَذَبَ بِالْحُسْنَى. فَسَنِيسِرْهُ لِلْعُسْرَى﴾

**Mutobaqa** ikki muvofiq va ikki ularning ziddini jamlashdir. U ikkisiga bir shart qo'yilsa, ikki ziddiga unga teskari shart qo'yilishi kerak. Alloh taoloning qavlidek:

**5. Bas, kimki (zakot va sadaqotlarni) bersa va (Allohdan) qo'rqsa,**

**6. hamda go'zal (narsa)ni tasdiq etsa,**

**7. bas, unga oson (yo'l)ni muyassar qilurmiz.**

**8. Ammo, kimki baxillik qilsa va (o'zini) behojat (boy) sanasa,**

**9. hamda go'zal (narsa)ni yolg'onga chiqarsa,**

**10. bas, unga og'ir (yo'l)ni "muyassar" qilurmiz**<sup>142 143</sup>.

Jurjoni 3 ta oyatdan ikki o'rinda iqtibos keltirgan. Qolgan barcha iqtibos keltirilgan oyatlar bir marotaba asarda keltirilgan. Ushbu uchta oyat quyidagilardir:

A'rof surasining 72-oyati (نعم va بلى so'zlarida):

Parvardigoringiz Odam bolalarining bellaridan zurriyotlarini olib: «Men Parvardigoringiz emasmanmi?», deb, o'zlariga qarshi guvoh qilganida, ular: Haqiqatan Sen Parvardigorimizsan, bizlar bunga shohidmiz», deganlarini eslang! Qiyomat kunida: “Bizlar bundan bexabar edik”, demasliklaringiz uchundir.

Hijr surasining 30-oyati (taqdir bayoni va mufassisr istilohlarida):

﴿فَسَجَدَ الْمَلَائِكَةُ كُلُّهُمْ أَجْمَعُونَ﴾

Barcha-barcha farishtalar unga (ya'ni, Odamga) sajda qildilar.

Naml surasining 22-oyati (muzdavaj tazmin va muzdavaj istilohlarida):

﴿فَمَكَتْ غَيْرَ بَعِيدٍ فَقَالَ أَحَطْتُ بِمَا لَمْ تُحِطْ بِهِ وَجِئْتُكَ مِنْ سَبَّأٍ بِنَبَأٍ يَقِينٍ﴾

So'ng uzoq (vaqt) qolmay (hudhud kelib) dedi: "Men sen ogoh bo'lmagan narsalardan ogoh bo'ldim va senga Saba' (shahri)dan ishonchli xabar keltirdim.

Jurjoni yuqorida ta'kidlab o'tganimizdek, dalil va misol uchun Qur'oni karimdan iqtibos keltirgan. Uni dalillash uchun keltirgan iqtiboslariga quyidagilarni misol qilishimiz mumkin<sup>144</sup>:

الخاطر...وشيطاني، وهو ما يدعو إلى مخالفة الحق، قال الله تعالى: ﴿الشيطان يعدكم الفقر ويأمركم بالفحشاء﴾.

Xotir... va shaytoniy bo'ladi. U haqqa xilof qilishga chaqiradiganidir. Alloh taolo aytadi:

268. Shayton sizlarni (agar infoq-ehson qilsangiz) kambag'al bo'lib qolishingizdan qo'rqitadi va fahsh ishlarga buyuradi<sup>145146</sup>.

<sup>140</sup> علي بن محمد الجرجاني. التعريفات. ص 93  
<sup>141</sup> منصور علي عبد العزيز. الجهود الاصطلاحية المعجمية في كتاب التعريفات للجرجاني. لبيبي. جامعة طرابلس. كلية اللغات والدراسات العليا. قسم اللغة العربية. 2015. ص 60

<sup>142</sup> Layl surasi, 5-10-oyatlar

<sup>143</sup> علي بن محمد الجرجاني. التعريفات. ص 279  
<sup>144</sup> منصور علي عبد العزيز. الجهود الاصطلاحية المعجمية في كتاب التعريفات للجرجاني. لبيبي. جامعة طرابلس. كلية اللغات والدراسات العليا. قسم اللغة العربية. 2015. ص 60

<sup>145</sup> Baqara surasi, 267-oyat

<sup>146</sup> علي بن محمد الجرجاني. التعريفات. ص 129

العزيمة: في اللغة: عبارة عن الإرادة المؤكدة، قال الله تعالى: ﴿ولم نجد له عزماً﴾ أي لم يكن له قصد مؤكد في الفعل بما أمر به. وفي الشريعة: اسم لما هو أصل المشروعات، غير متعلق بالعوارض.

**Azimat:** lug'atda ta'kidlangan irodadir. **Alloh taolo aytadi: (va Biz unda azm (qat'iyat)ni ko'rmadik), ya'ni unda buyurilgan ishda ta'kidli qasd bo'lmadi. Shariatda esa u shariatga qo'yilgan narsalarning aslidir, uning orizalarga (sodir bo'luvchi narsalarga) aloqasi yo'q.**

Misol uchun keltirgan iqtiboslaridan “muzdavaj tazmin” istilohini ko'rishimiz mumkin:

والتضمين المزدوج، هو أن يقع في أثناء قرائن النثر والنظم لفظان مسجعان بعد مراعاة حدود الأسجاع والقوافي الأصلية، كقوله تعالى: ﴿وجنتك من سبأ بنبأ يقين﴾.

Muzdavaj tazmin (juft tazmin): nasr va nazm qarinalari asnosida saj' va asl qofiyalar hadlari rioya qilinganidan so'ng ikki saj'langan lafz kelishidir. U Zot taoloning qavlidek: **(Senga Saba' (shahri) dan aniq bir xabar keltirdim<sup>147</sup>)<sup>148</sup>**.

Shuningdek, mutobaqa istilohida ham misol uchun iqtibos keltirilgan<sup>149</sup>:

**Mutobaqa** ikki muvofiq va ikki ularning ziddini jamlashdir. U ikkisiga bir shart qo'yilsa, ikki ziddiga unga teskari shart qo'yilishi kerak. Alloh taoloning qavlidek:

**5. Bas, kimki (zakot va sadaqotlarni) bersa va (Allohdan) qo'rqsa,**

**6. hamda go'zal (narsa)ni tasdiq etsa,**

**7. bas, unga oson (yo'l)ni muyassar qilurmiz.**

**8. Ammo, kimki baxillik qilsa va (o'zini) behojat (boy) sanasa,**

**9. hamda go'zal (narsa)ni yolg'onga chiqarsa,**

**10. bas, unga og'ir (yo'l)ni "muyassar" qilurmiz<sup>150</sup> <sup>151</sup>**

Jurjoniy Qur'oni karimdan iqtibos keltirar ekan, iqtibosni ma'lum bir so'zlarni muqaddima qilib keltirgan holda boshlagan. Masalan u ixlos, tavba, javhar, xotir, ibdo kabi istilohlarni قال الله تعالى – “Alloh taolo aytdi” deb, ihtiros, iyhom, bala, ta'vil, tatmim, xotibiyya istilohlarini esa قوله تعالى – “U zot taoloning so'zi” deb, al-ismu-l-a'zam, tajohulul orif, tarse', tazmin, tansiq, jalva, jam'ul kasro istilohlarini كقوله تعالى – “Uning so'zi bilan” kabi iboralar bilan boshlagan. Ba'zi istilohlarga esa muqaddima sifatida ibora keltirmagan. Ularga istiqomat, taxis, tazlil, ta'lil, sirrus sir va qurb kabi istilohlarni misol qilishimiz mumkin<sup>152</sup>.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. منصور علي عبد العزيز. الجهود الاصلحية المعجمية في كتاب التعريفات للجرجاني. ليبيا. جامعة طرابلس. كلية اللغات الدراسات العليا. قسم اللغة العربية. 2015.
2. هدى مناصر. منهج الشريف الجرجاني (ت816هـ) في الكشف عن دلالة المصطلحات من خلال معجمه: التعريفات. مجلة العلوم الانسانية. عدد 40. جامعة قسنطينة، الجزائر. 2013.
3. علي بن محمد الجرجاني. التعريفات.

<sup>147</sup> Naml surasi, 22-oyat

<sup>148</sup> علي بن محمد الجرجاني. التعريفات. ص 84  
<sup>149</sup> منصور علي عبد العزيز. الجهود الاصلحية المعجمية في كتاب التعريفات للجرجاني. ليبيا. جامعة طرابلس. كلية اللغات الدراسات العليا. قسم اللغة العربية. 2015. ص 60

<sup>150</sup> Layl surasi, 5-10-oyatlar

<sup>151</sup> علي بن محمد الجرجاني. التعريفات. ص 279  
<sup>152</sup> منصور علي عبد العزيز. الجهود الاصلحية المعجمية في كتاب التعريفات للجرجاني. ليبيا. جامعة طرابلس. كلية اللغات الدراسات العليا. قسم اللغة العربية. 2015. ص. 60

**Низора Хаджиева**

Стажёр-ўқитувчи, Мумтоз филологияси кафедраси, ТошДШИ

## **ҚАДИМГИ ТУРКИЙ БИТИГЛАРДА РАНГ-ТУС АНГЛАТУВЧИ СИФАТЛАР ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**

**Аннотация.** Маълумки, сифатлар жонзот ва нарса-ҳодисаларнинг белгисини ифодалайдиган сўз туркумидир. Бундай сифатлар предметнинг турли кўринишларини, шакл ва форма белгиларини ифодалаш учун қўлланилади. Ранг-тус билдирувчи сифатлар отлашишга мойил бўлади. Улардаги отлашиш хусусияти, айниқса семантик ранг-барангликни ва кўчган маъноларини юзага келтиради. Қадимги туркий тилда ранг англатувчи сифатлар семантик сермаънолик хусусиятига эга.

Мақолада ўрганиладиган мавзу қадимги туркий тилда қўлланган ранг-тус англатувчи сифатларнинг кўламини аниқлаш ҳамда сифатларнинг ҳам лингвистик, ҳам бадиий-эстетик жиҳатдан ўрганишга бағишланган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Сифат, битиг, ранг, қора, оқ, лингвопоэтика, эпитет, маъно, бадиийлик, тазод.

**Аннотация.** Хорошо известно, что прилагательные - это слова, которые представляют символы живых существ и событий. Красочные прилагательные стремятся снимать. Огневые свойства в них порождают семантическое разнообразие и движущие значения. В древнетюркском языке красочные атрибуты имеют смысловое значение. В статье рассматривается область применения красочных атрибутов, используемых в древнетюркских языках, а также лингвистическая и художественная эстетика прилагательных.

**Опорные слова и выражения:** прилагательные, письменность, цвет, чёрный, белый, лингвопоэтика, эпитет, значение, антитеза

**Summary:** It is well known that adjectives are words that represent symbols of living things and events. Colorful adjectives tend to shoot. The fire properties in them give rise to semantic diversity and driving meanings. In the ancient Turkic language, colorful attributes have semantic meaning. The article examines the scope of the colorful attributes used in the ancient Turkic languages, as well as the linguistic and artistic aesthetics of adjectives.

**Keywords and expressions:** adjective, color, black, white, epithet, lingvopoetic, main

**Кириш.** Ўзбек тилида сифат лексемаларнинг, хусусан, ранг-тус билдирувчи сифат лексемаларнинг услубий восита сифатида поэтик нутқда қўлланиш имкониятлари, турли маъно нозикларини ифодалаш учун хизмат қилиши, қўллаш даражаси, семантик структураси ҳозирга қадар тилшуносликда



махсус ўрганилган эмас. Услубият бўйича яратилган дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам бу ҳақида аниқ маълумотларни учратмаймиз<sup>153</sup>.

Бундай сифатлар предметнинг турли кўринишларини, ифодалаш учун қўлланилади. Ранг-тус билдирувчи сифатлар отлашишга мойил бўлади. Улардаги отлашиш хусусияти, айниқса семантик ранг-барангликни ва кўчган маъноларини юзага келтиради. Қадимги туркий тилда ранг англатувчи сифатлар семантик сермаънолик хусусиятига эга. Уларга бирма-бир тўхталиб ўтамиз.

**Мақсад ва вазифа.** Қадимги туркий битигларда ранг-тус англатувчи сифатларнинг лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқ этишдир. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Қўлланган ранг тус англатувчи сифатларни аниқлаш;
- Аниқланган сифатларнинг бадиий жиҳатдан ўрганиш.

**Натижалар ва мулоҳаза.** Тадқиқот натижасида *qara, qizil, ar, aq, kök, yağiz* каби сифатлар сўзлар деб топилди. Ҳар бирини алоҳида таҳлилда кўриб чиқамиз.

*Qara* сўзининг асл маъносида ранг-тус ётади, яъни кўмир, қурум, қорақуя, мўм каби предметлар туси қора орқали ифодаланади. Қора кўпинча оқ сўзининг антоними бўлиб хизмат қилади.

А.Н.Кононов таъкидлаганидек: *Qara* сифати туркий тилда қуйидаги маъно турларига эга:

1. қора, тим қора, хафа, бахтсиз;
2. халқ, омма, мол;
3. ер, қуруклик;
4. қиялик<sup>154</sup>.

Баъзи бир сўз бирикмаларида *qara* сифати кўшимча маъноларга эга бўлади.

1. “Катта”, “йирик”
2. оддий

Қора кўпинча оқ сўзининг антоними бўлиб хизмат қилади.

*Qara* ўзбек тили луғат фондининг энг қадимги ва асосий сўзларидан ҳисобланади. У тарихий меросларда ва қадимги ёзув ёдгорликларида учрайди:

*Anča bilinlär ädgü ol!Qara öpgük soz tidi ödmän körmän ürkittin tir. Anča bilin<sup>155</sup>.*

### **Мазмуни:**

Шундай дейишади: қора попушак (қуш) хатто бир йилда ҳам ўзгармайди (рангги оқармайди, қўлга ўрганмайди)

*Qara* сифатлексемаси нутқда фақат предметнинг рангини кўрсатиш мақсадида қўлланганда, эмоционал-экспрессивликдан холи бўлади, унинг вазифаси ранг тўғрисида хабар, маълумот бериш билангина чекланади. Нафақат *qara* балки барча ранг-тус сифатларига ҳам худди, шу фикрни айтиш мумкин. Масалан, *qara qalam*. Ушбу мисолда ҳеч қандай услубий маъно хусусиятларига

<sup>153</sup>Қўнғуров Р. Сифат стилистикаси / Ўзбек тили стилистикаси.–Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 109.

<sup>154</sup>Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник, 1975. – С.161.

<sup>155</sup>Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М-Л, 1951. – С. 81.

дуч келмаймиз. Чунки бундай бирикма услубий бۆёқдорликдан холи ҳисобланади. Урхун-Енисей ёдгорлигидан бир мисол келтирамиз.

*Qarağan qağan.... Tün udimati, kundüz olurmati, qizil qanım tükäti, qara tärim yügürti.*<sup>156</sup>

Маъноси: Қапаған хоқон тун ухламади, кун ухламади, қизил қонимни тугатиб, қора терим югуриб, меҳнатимни, кучимни бердим-ку, ахир.

Ушбу гапда қўлланилган *qizil* ва *qara* сифат лексемаларига эътибор қаратсак. Тўнюқуқ битигидан бизга маълумки, Тўнюқуқ Элтариш хоқон даврида кўпгина жангларга бошчилик қилган ва жанг қилган. Турк хоқонлиги учун қилган меҳнатлари ва хизматлари ниҳоятда кўп эканлигини биламиз. *Qizil* сифат лексемаси *qanım* сўзи билан бирикма бўлиб келмоқда. Биз биламизки, қоннинг ранги қизил. Лекин муаллиф бу ерда *qizil qanım* деб айнан қоннинг рангини таъкидламаяпти, аксинча қанчалик кўп машаққат чеклигани, қанчадан қанча лашкарларни вафотини, яъни қонлар тўкилганини, бундан ташқари жангда ғолиб бўлиш осон кечмаганлигини таъсирли ифодалаш учун қўллаган. Энди, *qara tärim* сўз биркмасини таҳлил қилсак. Бу ерда бадийликни яққолроқ кўрамиз. Чунки, инсоннинг териси қора рангда бўлмаслигини биламиз. Муаллиф бу ерда бадийлик ва таъсирчанликни ошириш мақсадида “тер” сўзига *qara* сифат лексемасини қўшмоқда. Бу ерда сифат лексемаси рангни билдирмасдан, аксинча муаллифнинг кайфияти ва ҳолатини кўрсатмоқда. Яъни, инсоннинг не машаққат ила бажарган ишидан қаро терга ботганлигини намоён қилиш учун қўлланилган. Юқорида келтирган мисолимиздан сифатларда яширин кенг маъно борлиги гувоҳи бўлди. Айнан тарихий жараёндаги вазиятнинг тасвирини муаллиф сифатлар лексемасидан жуда ўринли фойдаланган. Айнан бу мисолимизда муаллифнинг кайфияти ва ҳолатини янада аниқ тасвирлашимиз учун жуда катта бадий тасвир восита сифатида сифат лексемалари қўлланилган. Шу ўрнида айтиб ўтиш жоизки, бу ерда нафақат сифатлар бадийлигига таъсири катта, балки, бошқа бадий тасвир воситалари ҳам мавжуддир. Масалан, тазод яъни, “қаршилантериш” санъати ҳам учрайди. *Tün va kundüz* сўзлари мисол бўла олади.

Бундан ташқари, *qara* сифати “оддий” деган маънони ҳам англатади.

Мўюн-чўр матнида хоқон тахт учун бўлган курашда босқинчи эмаслигини айтади:

*Qara igil buduniğ yoq qilmadim, äbin barqin yulmadim. Keyin aydim, turğuru kötim: kentü bidunum tedim, udu keliñ, tedim, Kodun bardim, kelmädi*<sup>157</sup>.

**Мазмуни:** Оддий халқни йўқ қилмадим. Ўтовларини, уйларини, йилқиларини тортиб олмадим. Мен уларга жазо тайинладим “Сизлар менинг халқимсиз”, дедим. Менга эргашинг дедим, келмади.

Мазкур конструкцияда қара сифати ранг билдирмай “оддий”, “мавқе жиҳатдан паст” деган маънода қўлланилган. Бундай сўз лингвистик майдон

<sup>156</sup>Содиқов Қ. Туркий тил тарихи.– Т.:ТДШИ, 2009. –Б. 291.

<sup>157</sup>Содиқов Қ. Туркий тил тарихи. –Т.:ТДШИ, 2009. –Б. 290.

орқали образли контекстга қараб силжийди. Сўз семантик системанинг элементи сифатида контекстда бадий восита бирлиги билиб хизмат қилади.

Ушбу мисолда кўп марта келтирилган қара халқ ибораси ўзига хос сифат даражаси бўлиб, оддий, юпун яшайдиган доимо оғир меҳнатдан бели букилиб юрадиган, ҳар қанча меҳнат қилса ҳам бойий олмайдиган халқ тили билан айтилганда бири “икки бўлмайдиган”, фақат куни ўтганидан хўрсиниб яшайдиган ва уларнинг фарзандлари ҳам, шу ҳолатда қолиб кетадиган одамларга нисбатан ишлатилган. Қора халқ одатда, аҳолини асосий кўпчилигини ташкил қилувчи имкониятлари доимий равишда чекланган кўли калта, косаси оқармайдиган, оми лекин керак бўлганда хонлик хизмати учун хоҳлаганча сафарбар қилинадиган ва бунинг учун ҳақ тўланмайдиган одамлардир. Одатда, жангу жадалларда жабр чекадиган халқдир.

Ушбу мисолдан кўриб туришимиз мумкинки, оддий ва ишчи халққа нисбатан ҳам *qara* сифати ишлатилган. Бу ерда *qara* сифатизининг асосий маъносида эмас, балки образлиликни яққол ифодаловчи вазифасида қўлланилган.

Ранг билан боғлиқ урф-одатлар, анъаналар, кундалик турмуш ҳодисалари қадимги кишиларнинг эстетик тафаккури тўғрисида ёрқин тасаввур берувчи бир воситадир. Оқ ранг кун ёруғлигининг мифологик эквиваленти бўлиб, ҳар доим эзгулик мазмунини касб этган, шунингдек, бу ранг ҳаётбахш омиллар – сут ва буғдойни, чанқоқликни босувчи, танани покиза қилувчи – сувни, булутлар, ҳалоллик, ёруғлик кабиларни ўзида ифода этган. Шу боис энг қадимги даврлардан оқ ранг билан эзгулик, кўпайиш ва илоҳийлик каби хусусиятлар боғланади. Туркий халқлар тарихининг шаманлик даврига оид маълумотларга кўра, оқ ранг улуғлик, адолат, кучлилик маъноларида кенг қўлланилган. Олтойликларда оқ ранг тўғрилиқ, гўзаллик, улуғворлик маънолари билан бирга, улуғ тангрининг яратувчилик ва яхшилик кучларини йиғувчилик сифатларини ҳам билдирган бўлса<sup>158</sup>, Жанубий Сибирдаги туркий халқларда эса оқ ранг эпик ва тарихий ном сифатида ҳам учрайди: Оқ Қон, Оқ Мўлат ва бошқалар. Н.Б.Бахилинанинг эътирофи этишича, қадимги руслар учун оқ ранг фариштанинг мартабаси, саодатли қиёфасини тамсил этган<sup>159</sup>. Африка халқлари эса оқ рангни шодлик ва бегуноҳлик аломати деб билишган. Мусобақада ғолиб чиққан ва озод қилинган қулга оқ кийим кийдиришган<sup>160</sup>. Шунингдек, оқ сўзи билан боғлиқ кўплаб географик номлар мавжуд – Оқдарё, Оқсув, Оқсой ва ҳоказо. Қизиқарлиси шундаки, бу атамалар бевосита ранг билан боғлиқ бўлмай, балки қор сувларига тўйинишдан пайдо бўладиган чучук сувли дарёга нисбатан ишлатилади. Бу ҳолат қирғизларда, озарбайжонларда, қозоқларда, олтойликларда ҳам учрайди<sup>161</sup>.

<sup>158</sup>Молчанова. Прилагательные семантических полей «чёрный цвет» и «белый цвет» в ономастиконе алтайцев // Советская тюркология. – № 3. – Баку, 1985. – С. 39.

<sup>159</sup>Бахилина Н. История цветообозначений в русском языке. – М.: Наука, 1979. – С. 26.

<sup>160</sup>Миронова Л.Н. Цветоведение. – Минск.: Высшая школа, 1984. – С. 85.

<sup>161</sup>Молчанова О.Т. Прилагательные семантических полей «чёрный цвет» и «белый цвет» в ономастиконе алтайцев // Советская тюркология. – № 3. – Баку, 1985. – С.38.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари, шунингдек, ўзбек халқи жуда қадимдан чорвачилик билан шуғулланиб келганлари туфайли, уларнинг лексикаларида чорвачиликка оид сўз-терминлар каттагина ўринни эгаллайди. Шуниси характерлики, кўпчилик уй хайвонлар (мас., от, сигир, туя, қўй, ит, мушук, қуёш кабилар) ранг-туслари жиҳатдан бир-бирларига жуда ўхшаш бўлишларига қарамай, баъзи ранг-тус терминлари фақатгина отларга хос бўлиб қолган, улар отдан бошқа нарсаларнинг ранг ифодаси учун қўлланмайди.

Отларнинг тусларидаги турли туман ранглар, уларнинг товлама хиллари, бир-бирларидан фарқларнинг жуда нозик томонлари кўп бўлиши мумкин. Лекин уларга ном беришда ранг-туслар бирмунча гуруҳлаштириб олинган.

Туркий битигларда ҳам оқ сифати бир неча ўринда қўлланилган.

*Ar qoy, aq arğuğ ulğartdim, basiniğma yağiğ kälürür ärtim, qağanimin sü äldimiz, täñri yarliqazu*<sup>162</sup>.

**Мазмуни:** Кўнғир қўй, оқ отни улғайтирдим. Босадиган ёвни поймол қилғучи эдим. Хоқоним билан лашкар тортдик, тангри ёрлиқасин!

*Alp Šalčī aq atin binip tägmis*<sup>163</sup>.

**Мазмуни:** Алп Шалчи оқ отини миниб ҳужум қилибди.

Битигларда учрайдиган энг кўп иборалардан бири отлар билан боғлиқдир. Одатда, отлар ҳақида фикр юритилганда, уларнинг сифати рангига қараб ажратилган. Масалан, оқ отга нисбатан юқори мақом берилган. Оқ от бек минадиган асосий чопқир, ақлли улов ҳисобланган. Оқ отга нисбатан саман от яъни, бақувват, ниҳоятда тез чопадиган, жангларда шитоб билан чиқиб кетадиган, чайир, чидамли, қолаверса, оқ ранги шарқ мамлакатларида поклик, эзулик, тинчлик, ҳаллоллик ифодаси деб қаралган.

Ушбу мисолда кўриниб турибдики, хайвонларнинг рангини таъкидлаб, уни қандай отни улғайтирилганига эътибор берилмоқда. Сабаби, оқ ранг поклик, тинчлик рамзи ҳисобланади.

Бадий матнларида бошқа ранг-тус сифат лексемалари ҳам кенг қўлланилган. Чунончи, сариқ сифат лексемаси ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин.

*Ol yärkä bän bilgä Tonuquq tügürtük ücün sariğ altun, ürün kümüş, qiz qoduz, ägri täbi, ağı buñsuz kältürti*<sup>164</sup>.

**Мазмуни:** Ўша ерга мен-билга Тўнюқуқ етказиб борганим учун сариқ олтин, оқ кумуш, зотдор хўтиз, ўрқачли туя, шоилардан ҳисобсиз келтирди.

Ушбу гапда анчагина сифатлар лексемасидан фойдаланилган. Масалан, *sariğ, ürün, qiz, ägri*. Бу сифатларнинг ўзининг ранг-тус англатувчи вазифасидан ташқари, улар гапнинг бадийлигини ифодалашга ҳам хизмат қилади. Улар билиан бирга келаётган сўзларга эътибор қаратсак. *Sariğ altun, ürün kümüş, qiz qoduz, ägri täbi* сўз бирикмаларини таҳлили шуни кўрсатадики, биз олтиннинг сариқлигини, кумушнинг оқлигини, туянинг ўрқачи борлиги ҳақида биламиз. Бу ерда бу сифатлар уларнинг хусусияти ҳақида таъкидлаш учун қўлланилган. Демак, нарса ва хайвонларни хусусиятларини алоҳида санаб ўтиш учун муаллиф ушбу сифат лексемаларидан фойдаланган. Бу нарса ва хайвонларнинг

<sup>162</sup>Содиқов Қ. Туркий тил тарихи. –Т.:ТДШИ, 2009. –Б. 294.

<sup>163</sup>Ўша китоб. – Б. 306.

<sup>164</sup>Содиқов Қ. Туркий тил тарихи. – Т.:ТДШИ, 2009. – Б. 308.

қийматини ошириш ҳамда ўша кезлардан ушбу ҳадиялар қимматбаҳо бўлганлигини ифодалаш мақсадида қўлланилган. Ушбу мисолимиздан яна бир қизиқ фактга дуч келишимиз мумкин. Қадимги туркий тилда оқ рангни ифодаловчи *aq* сифатидан ташқари яна *ürün* сифат лексемасидан фойдаланилганлигини кўришимиз мумкин.

Кўк ранг билдирувчи сифати ҳам катта тарихий даврни босиб ўтган. У Култигин битигида ҳам бугунги маъносида учрайди:

*Üzä kök täñri asra yağiz yär qilintuqda ikin ara kisi oğli qilinmis*<sup>165</sup>.

**Мазмуни:** Юқорида кўк осмон пастда қўнғир ер яратилганда иккисининг орасида инсон боласи яратилган.

Ёдномадаги таъкидлаш эпитетлари ичида бошқаларига нисбатан нутққа кўп тасвирийлик бағишлайдиган ранг билдирувчи эпитетлардир. Бундан ранг характеристикаси ташқи кўриш таассуротлари асосида, баъзан мифологик тасаввурлар асосида географик муҳит, урф-одат билан боғлиқ равишда пайдо бўлади. Бундан ташқари, умумлаштирувчи идеаллашган маънога ҳам эга бўлади.

Осмоннинг кўк рангда ва ернинг қўнғир рангда эканлиги азалдан маълум. Бу ерда осмон ва ернинг доимий белгисини таъкидлаб кўрсатиш мақсадидагина *kök* сифати билан *yağiz* сифати эпитет сифатида қўлланилган. Бундай эпитетлар асоси реал заминга эга. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, реал бўлмаган, шартли асосга эга бўлган эпитетлар ҳам мавжуд. Агар осмон ва ерни ҳам нутқда таъкидлаб кўрсатиш мақсад қилиб олинмаганганда эди, бу эпитетлар қўлланмаган бўларди.

Ушбу мисолда кўриниб турибдики, қўлланилган *kök* сифати билан *yağiz* сифати осмон ва ерни қандайтусда эканлигини таъкидлаш учун қўлланилган. Бу эса ўз навбатида, матнни бадиийлик жиҳатини ва тасаввур қилишни кенгроқ ҳис қилишга хизмат қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қўнғуров Р. Сифат стилистикаси / Ўзбек тили стилистикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1983. – Б. 109.
2. Кононов А.Н. Семантика цветообозначений в тюркских языках // Тюркологический сборник, 1975. – С.161.
3. Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. – М-Л, 1951. – С. 81.
4. Молчанова. Прилагательные семантических полей «чёрный цвет» и «белый цвет» в ономастиконе алтайцев // Советская тюркология. – № 3. –Баку, 1985.– С. 39.
5. Бахилина Н. История цветообозначений в русском языке. – М.: Наука, 1979. – С. 26.
6. Миронова Л.Н. Цветоведение. – Минск.: Высшая школа, 1984. – С. 85.
7. Содиқов Қ. Туркий тил тарихи. – Т.:ТДШИ, 2009. – Б. 291.

<sup>165</sup> Содиқов Қ. Туркий тил тарихи.– Т.:ТДШИ, 2009.– Б. 302.

# ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ АДАБИЁТИ

\* \* \* \* \*

*Раъно Ходжаева*

*Филология фанлари доктори, профессор, Хорижий шарқ мамалкатлари адабиёти кафедраси, ТошДШИ*

## **БАДИЙ АДАБИЁТ МАТНИ БИЛАН ИШЛАШДА ТАРЖИМА ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ**

*Аннотация:* Ушбу мақола методологик характерга эга бўлиб “адабиётишунослик” мутахассисликда ўқитаётган магистр талабалар матн билан ишлаш жараёнида қўллаш мумкин бўлган усуллари кўриб чиқади. Мақолада талаба бадиий ёки назарий оригинал асарларининг матни билан танишганда, уларни у ёки бу шарқ тилидан она тилига таржима қилганда, магистр ишида бу матнга ёндашганда ушбу матн тилини маданий омил сифатида қабул қилиши керак. Ўрганилаётган шарқ тили шу тилда гаплашаётган халқнинг тарихи, анъаналари, қадриятлари, одатлари ва бошқа лингвоэтник жиҳатлари тўғрисида тасаввур яратади. Магистрант матннинг миллий ва замонавий руҳини хис лозим. Маълумки, Шарқ мамлакатларнинг ўрта аср мумтоз адабиёти тили ҳозирги замондаги адабиёт тилидан бирмунча фарқ қилади. Мақола муаллифи араб адабиёти мисолида, унинг тили ўрта асрлардан ўзгариб боришини, унда баъзи эскирган сўзлар тушиб қолишини, янги сўзлар кириб келишини кузатади, ва турли босқичларда то содаллашиб халқ сўзлашув тили – “ал оммияга” яқинлашини, то мурракаблашиб мажозий, матн ости маъноларга мойил бўлишини қайд қилади (масалан адабиётда “янги мавж” – миср модернизми кучайган даврда). Шунингдек мақолада адабиётишунослик терминлари билан алоҳида ишлаш зарурлиги кўрсатилади. Шарқ адабиётишунослик терминларини билиш учун она тилидаги ушбу терминларини яхши ўзлаштириш лозим. Акс холда талаба бу терминларни мазмун – моҳиятини тушуна олмайди, муқобиласини топа олмайди.

Мақолада адабиётишунослик таҳлил учун зарур бўлган усуллар – методларга катта аҳамият берилган. Тадқиқот муваффақиятли чиқиши таҳлил учун аниқ ва равшан кўйилган, муаммони ечишга йўналтирилган усулни топиш билан боғлиқ. Акс холда ишни самарали бўлиши қийин. Мақолада анъанавий кенг тарқалган (масалан: қиёсий-тарихий) усулларидан ташиқари лингвопоэтика, герменевтика каби замонавий методлар кўрилиб чиқилган ва уларнинг хусусиятлари аниқланган.

Структурализм ва постструктурализм каби методларга турлича муносабат бўлганига қарамай, мақолада бу методлар ҳам адабий – асар тўғрисида тасаввуримизни бойитгани, ва умуман адабиётишунослик таҳлил имкониятларини кўпайтирганини қайд этилди.

*Таянч сўз ва иборалар: адабиётшунослик, таҳлил усули, лингвопоэтик, “янги мавж”, термин, герменевтика, структурализм, постструктурализм.*

**Аннотация.** Настоящая статья имеет методический характер и рассматривает методы работы с оригинальным текстом в ходе обучения магистрантов по специальности “литературоведение”.

В статье отмечается, что магистрант при изучении специальных текстов теоретических или художественных произведений, при переводе их с восточных языков, при написании магистерских работ на основе оригинального материала, должен рассматривать язык как культурный фактор, дающий представление об истории, традициях, ценностях, обычаях носителей этого языка. Сталкиваясь с лингвоэтническими элементами языка, магистрант должен чувствовать как национальный дух, как и дух времени, когда произведение было написано. Известно, что средневековой классический язык многих восточных литератур несколько отличается от их современных эквивалентов. На примере языка арабской художественной литературы автор статьи показывает как изменился арабский литературный язык от средневековья, избавляясь от архаизмов и обогащаясь за счёт неологизмов, то упрощаясь и сближаясь с разговорным “аль -оммия”, то усложняясь и приобретая аллегоричность с подтекстом в период “египетского модернизма” – новой волны в литературе. В статье также отмечается необходимость работы с литературоведческими терминами, причём знание значения терминов в изучаемом языке требует знания этих терминов в изучаемом языке требует знания этих терминов на родном языке, чтобы уметь найти эквивалент и правильно применить.

В статье большое значение придаётся методом литературоведческого анализа и отмечается, что выбор метода является определяющим успех любого начного исследования и гарантией решения поставленной проблемы. Работа без ясного и точного понимания каким местом предпочтительно пользоваться вряд ли будет плодотворной. В статье кратко характеризуются несколько методов современного литературоведческого анализа и их особенности. В первую очередь это лингвопоэтика, сочетающая в себе методы литературоведческого анализа с методом лингвистического анализа, использующего все достижения языкознания. Затем отмечается герменевтика, требующего максимально объективного толкования текста и выявляющие его скрытого смысла.

Останавливаясь на структурализме и постструктурализме автор статьи замечает, что при всём различии подхода к этим методам, они расширили литературно-теоретическое мышление, обогатили представлениео художественном произведении, расширили возможности художественном произведении, расширили возможности художественного анализа в современном литературоведении.

**Опорные слова и выражения:** литературоведение, методы анализа, лингвопоэтика, “новая волна”, термин, герменевтика, структурализм, постструктурализм

*Summary.* This methodological article examines the methods of working with the original text during the training of undergraduate students commencing “Literary studies” course.

The article notes that an undergraduate student should consider the language as a cultural factor that gives an idea of history, traditions, values, and customs of native speakers of this language meanwhile studying special texts of theoretical or artistic works, translating them from oriental languages, writing master’s work based on original material,. Faced with the linguo-ethnic elements of the language, the undergraduate student must comprehend both the national spirit and the spirit of the period when the work was written. It is known that the medieval classical language of numerous Eastern literatures are somewhat differs from their modern equivalents. On the example of Arabic literature the author shows how the Arabic literary language has changed from the Middle Ages, getting rid of the archaisms and enriching by neologisms, further, it had been simplified and bonded with the colloquial “Al-Amiya”, then it became more complicated and acquired allegorical subtext during the “Egyptian modern art” , a new wave in the literature. The article also notes the need to work with literary terms, and knowledge of the meaning of terms in the studied language requires knowledge of these terms of these terms in the native language in order to be able to find equivalents and correctly apply them.

A significant importance is attached in the article to methods of literary analysis and the choice of method which is decisive for success of any scientific research and a guarantee of a problem solution. It is unlikely that the work which has no clear and precise understanding of which method is preferable to use will be fruitful. So, the article briefly describes several methods of modern literary analyses and their features. First of all, it is “linguistics and poetics” combining the methods of literary analysis with the methods of linguistic analysis using all the achievements of linguistics. Then the method of hermeneutics is noted, which requires the most objective interpretation of a text and identification of its hidden meaning.

Focusing on structuralism and poststructuralism, the article’s author underscore that hence having differences in approach to these methods, they expanded literary and theoretical thinking, enriched the idea of work of art, expanded the possibilities of artistic analysis in modern literary criticism.

**Keywords and expressions:** literary analysis, method, linguistic ethics, new wave, literary term, hermeneutics, linguistics and poetics, poststructuralism.

**Кириш.** Магистратура босқичида адабиётшунослик мутахассислиги бўйича курсларда талабалар шарқ миллий бадиий адабиёт матнлари билан назарий ва амалий машғулотлар таржималар асосида ўтказишади, тадқиқотлар ёзишади, таржималар қилишади. Магистрант талаба аслиятдаги манбалар билан ишлаши учун ушбу тилни билиши, адабиётшунослик фанидан маълум қўникмаларга эга бўлиши лозим. Талаба тўрт йил мобайнида бакалаврият босқичида миллий тилни ўрганади, 1 босқичда “Адабиётшуносликка кириш”, 2 - 4 босқичларда “Адабиёт тарихи” ва 4 босқичда “Адабиёт назарияси” фанларни ўзлаштиради. Магистратура босқичида талабанинг олган билимлари янада кенгаяди ва такомиллашади. Аммо мутахассислик бўйича янги поғонага ўтган



талабадан махсус курсларда матнлар билан ишлашда, материалларга ижодий ёндашув талаб қилинади. Бу ўқитиш жараёнида бадий адабиёт ва адабиётшуносликка оид матнлар билан ишлаганда тилни маданий омил эканлигини алоҳида назарда тутиш лозим. Умуман олганда тил ва маданиятни ажратиб бўлмайди. Ўрганилаётган миллий тил шу тилда гапирувчи халқларнинг тарихи, маданияти, анъанаси, қадриятлари ҳақида ахборот беради. Демак, талаба иш давомида тилнинг лингво этник унсурлари билан тўқнашади ва матннинг хусусиятидан келиб чиқади. Матнлар ўрта аср мумтоз адабиёти ёки замонавий адабиётга мансуб бўлиши мумкин. Одатда бу матнлар орасида катта фарқ бўлиб, талаба уларга ижодий ёндашиши лозим. Масалан, мумтоз араб тили бу Қуръони Карим тили, ҳадислар тили, мақомалар тили, буюк шоирлар Абу Таммом, ал Бухтурий, ал Мутанаббий, ал Маорий тилидир. Замонавий адабий араб тили XIX асрдан ан Наҳда юксалиш давридан шакллана бошлади. Янги ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар натижасида араб тилининг янгиланишига эҳтиёж пайдо бўлди: яъни воқелик билан алоқа йўқотган сўзлардан халос бўлиш, янги сўзлар (неологизмлар) ни кирғизиш, атамалар тизимини ривожлантириш, янги тушунчалар, иборалар киритиш ва ҳ.к. Баъзида эски сўзлар янги маънолар касб этади, араб тилининг олдин истеъмолда бўлмаган қирралари очилади. Маърифатпарлик даврида адабиёт тилини соддалаштиришга қаратилган тамойиллар пайдо бўлди, кеч ўрта асрлар адабиёти хос бўлган жимжимадорлик, риторикага ҳаддан ташқари берилиш, узундан узун дидактика насиҳатгўйликдан воз кечилди.

**Мақсад ва вазифалар.** Бадий тилнинг янги тартиб меъёрлари XX аср бўсағасида янги адабий жанрлар, айниқса янги ҳикоя ва тарихий роман, шаклланиши билан фаоллашди. Ўша давр учун Жиржи Зайдон (1886-1914) асарларининг тили адабий тил намунаси сифатида хизмат қилди. Бу тил лўнда, мураккаб иборалар ва ҳашамдорликдан холи тил эди. Жиржи Зайдон тилга жонли организм деб сифат берган эди ва у эволюцион қонунларига бўйсунуш керак деб ҳисобларди. Тўғри, баъзи танқидчилар унинг тарихий романлари тилини қурукликда, ҳатто жўнликда айблар эдилар. Лекин янги араб адабиётининг энг йирик ёзувчилари айнан Жиржи Зайдондан тил маҳоратини ўрганишди, уни ўзларига устоз деб билишар эдилар. Машҳур ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий Жиржи Зайдон асарларини турк тилидаги таржима орқали ўқиб, уни ўзининг ғойибона устози ҳисоблаган.

“Тамсир” ҳаракатининг асосий шиорларидан бири адабий тил “фусҳа”ни омма сўзлашув тили “ал оммия”га яқинлаштириш бўлди. Натижада шу давр ёзувчилари асарларининг тили нафис, жилвадор, ифодали, ҳис туйғуларни етказиб берувчи лексемаларга бойлиги билан ажралиб туради.

Демак, асл манбалар билан ишлаган талаба матн қайси даврга мансублигини англаши керак, чунки тил орқали ўша давр руҳи, ҳолати, шароити ва муҳити етказиб берилади. Шунингдек бу босқичда қандай адабий йўналишлар ва оқимлар пайдо бўлганлигини, қандай янги жанрлар вужудга келгани ёки ўзгаргани, нутқий тил қандай сайқалланганилиги билан ҳам танишиши лозим. Масалан Мисрдаги “Янги мавж” новаторлик оқими услуби (XX аср 60 йиллар) олдинги авлод услубидан анча фарқ қилади. “Янги мавж”

намояндалари асарларингинг тили мураккаблашиб мажозий тус олади, матности маъноларга бой, “ассоциатив фикрлаш” рўй беради, унинг натижасида “онг оқими” услуби юзага келиб, шаклий жиҳатдан изчил бўлмаган, ташки кўринишдан мантиксиз жумлалар бирин – кетинлиги кузатилади. Аммо асарнинг ботиний маъноси ёзувчинг ижодий ниятига бўйсунтирилган ва ўқувчи бундай адабиёт тили билан ишлашда муайян кўникмага эга бўлиши лозим.

Яна бадий асарларда замонавий тамойиллардан бири – ўрта асрлар анъанавий жанрлари бўлмиш “рихла”, “солнома”, “расоил ихванийя”, “ривоят”, “қисса” услубларига қайтиш ва ўша давр тил унсурларидан (масалан сажъни ишлатишда) кенг истифода этишда кузатилди (Жамол ал- Ғитоний, Юсуф ал - Қуайид). Реалистик араб адабиётида замонавий жаҳон адабий оқимлари таъсирида яна бир услубий ўзгариш – бу лўнда, куруқ, хужжатларга асосланган, ҳис – туйғуларни ифодаловчи лексемалар камроқ ишлатилган хужжатли романларнинг пайдо бўлиши. Хужжатли қисмларда матн тили расмий, эмоционал бўёқлардан холи бўлиб, илмий тилга ўхшаб кетади.

**Усуллар.** Ҳозирги кунда бадий асарни тадқиқ этишда адабий таҳлил матндаги бадий нутқ шакллари, ритми, интонацияси, синтактик фигуралар, нутқ таъсирчанлигини оширувчи воситаларни ўрганиш – тилшунослик талқини билан уйғунлаштирилса тадқиқ иш янада самарали ва қизиқарли чиқади. Шу жиҳатдан бадий нутқ билан ишлашда “тилнинг эстетик вазифасидан” келиб чиқилади. Асар матни ўзига хос хусусиятлари адабиётшунослик доирасида ва тилшунослик доирасида уйғунлаштириб ўрганиш соҳаси “лингвистик поэтика” – “лингвопоэтика” деб аталади. Бадий асарда тилнинг айнан эстетик вазифасини намоён бўлишини ўрганувчи “лингвопоэтика” филология илмлари ичида анча турғунлашган ва алоҳида фан сифатида ўрганилади. Унда адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, поэтика каби адабиётшуносликка оид масалалар лингвистик стилистика, тил тарихи, лексикология, этимология (сўзларнинг келиб чиқиши), семасиология (тил бирликлари, маънолари), каби тилшунослик масалалари билан ҳамкорликда иш кўради.

Ихтиссосликка оид билим ва малака хосил қилиш учун ўқув жараёнида адабиётга оид терминларни тушуниш ва уларни тўғри қўллай билиш ҳам жуда аҳамиятли. Бир томондан ўрганилаётган тил лексикаси талабалар томонидан қай даражада эгалланганлиги, иккинчи томондан адабиётшунослик фанида ўрганилаётган назарий мавзулар билан қанчалик таниш эканлиги аниқланади. Агар талаба булар билан таниш бўлмаса матнни тушунмаслиги мумкин, натижада фанни ўрганишга бўлган қизиқиш сусайиши, лексикани ёмон ўзлаштириши, атамалар учун эквивалентини ўз она тилида топа олмаслик каби салбий ҳолатлар рўй беради. Айниқса атамалар билан ишлаш мураккаб иш ҳисобланади, чунки талаба терминларни ёдлаши эмас, балки маъно – моҳиятини тўғри тушуниши, уни амалиётда тўғри қўллашга алоҳида эътибор бериши лозим. Миллий тилда ўқитишга мўлжалланган махсус курсларда адабиётшунослик атамалари билан боғлиқ ўзига хос муаммолари ҳам пайдо бўлиши мумкин. Масалан муайян мамлакат адабиётшунослигига фақат хос

бўлган айрим атамалар мавжудки, улар бошқа жойларда қўлланилмайди (“янги мавж”, “Нахда” ҳаракати).

Тажриба шуни кўрсатадики, араб адабиётшунослари ўзларида пайдо бўлган атамалардан ташқари уларни шакилланишида бошқа тиллар атамаларини истеъфода транслитерация, калькалаш, тавсиф ёки изохлаш воситалари қўлланади.

Транслитерация–араб харфлари билан бошқа тиллардан ўтган атамаларни ёзиш ва маъносини сақлаб қолиш. Масалан: сюрреализм–سورياليه , монтаж – مونتاج . булар янги атамалар. Ўзбек тили учун аксарият арабий истилоҳлар таниш: “мажоз”, “масал”, “қасида” ва бошқалар, чунки улар айнан араб тилидан ўзлаштирилган.

Калькалаш – орқали атамларни ясалиши, яъни бошқа тилдаги атамани айнан таржима қилиш орқали ёки унга тақлидан яратилган атамалар. Масалан: иррационализм – ال لا عقليه , импрессионизм – الايطباعى , интертекстуаллик – تناص , экспрессионизм – الوجوديه , онг оқими – تيار الوعى , ва бошқалар.

Адабтация воситаси, яъни бошқа тилдан олинган терминни араб тилига мослаштириш. Масалан: ёзиш техникаси – تقنيه المکتابه .

Ҳозирги замонавий араб адабиётшунослигида жуда кўп неологи терминлари учрайди, яъни эски сўзлар янги маъно касб этиши мумкин.

Бадиий адабиётнинг матни билан ишлашда яна бир самарали натижаларига олиб келадиган тадқиқ усули – бу герменевтика усули. Герменевтика – матнни талқин қилиш ва тушуниш назариясидир, ва у азалдан адабий ёдгорликларни талқин қилиш жараёнида ривожланиб келди.

Герменевтикада муаллиф шаҳсияти, тарихий ва маданий муҳит эътиборга олинади. Герменевтика ўзига матнни тилшунослик нуқтаи назардан таҳлилини ҳам жалб этади, чунки оригинал асарнинг бадиий тили қанчалик умумий тил қодаларига бўйсиниши аҳамиятга эга.

Герменевтика ифодавий – тасвирий воситаларга ҳам катта эътибор беради, шу жумладан истиора, мажоз, аллегория, рамз, гипербола ва ҳоказо. Агар поэтика ифодавий – тасвирий воситалар бадиий асарни шакллантиришда қандай роль ўйнаганлигини таҳлил этса, герменевтика уларнинг таҳлили орқали асарнинг маҳфий яширин маъносини қидиради, ташқи ташқи маънодан фарқли ўлароқ ботиний сирли маъносини излайди. Бадиий матн билан ишлашда герменевтика тадқиқ усули бир нечта босқичларга бўлинади:

1. Матнни дастлаб юзаки инстинкт даражасида бевосита англаш ва ёндошиш. Бу жараёнда тадқиқотчи талабанинг тажрибаси, билими, хабардорлиги аҳамиятли.

2. Матнга ақлий ёндошиш, изохлаш ва шарҳлаш. Бу жараён тадқиқот учун муҳим, чунки асарнинг ҳақиқий ботиний моҳияти, намоён бўлади. иккинчи тушунтуриш жараёни биринчи тушунтиришдан анча мукамал бўлиб, уни бойитади.

3. Ниҳоят, хулоса чиқариш, босқичи икки олдинги босқичларнинг натижаларини уйғунлаштириб синтези сифатида тақдим этади.

Яна бир метод бу формал метод бўлиб, унинг принциплари бадиий асарнинг ички тузулишига қаратилган, бадиий шаклга қаратилган. Бу методнинг

тарафдорлари орасида бизнинг машҳур рус олимлари Ю.Н.Тьянов, В.Б.Шкловский, В.Жирмунскийларни кўрамиз. Адабий асарга ёндошувида формалистлар ҳаётни бадиий акс эттирувчи омил эмас, балки қандай шакл унсурлари, уни бадиий асар сифатида шаклланишида иштирок этганбадиий тил компонентлари, сюжет кўриниши, композициясига эга, шеърда эса – ритм, метр жиҳатларига эътибор бериб, матндан ташқарида қолувчи ва кўпроқ мазмун билан боғланувчи социологик ёки тарихийлик олимлари инобатга олинмайди. Юқорида зикр қилинган олимлар сўнг мазмунни шаклдан ажратиб бўлмасоигини тан олишди, аммо формал метод англо – америка мактабида “янги танқидчилик”, сўнг структурализмга асос бўлди.

Бу метод ўзини асарнинг ички таркибининг объектив таҳлил қилувчи сифатида намоён қилди ва догматик адабиётшуносликка ўзини зид кўйди. Бу фан ижодий методлар ва услублар тез алмашув жараёнида олдин Европада, кейин Россияда пайдо бўлди (Ю.М. Лотман ва В.Ю. Борев).

Стуртурализм ҳам тарихийлик жиҳатларга эътибор бермайди. Уни қизиқтирган яқка муаммоли савол бу: “асар қандай яратилган?” саволидир. Конструкциялар, лексик унсурлар, персонажларнинг жойлашиши, матнда намоён бўлиши, яъни ҳар бир бадиий деталь инобатга олинади. Булардан келиб чиқиб муаллифнинг маънасига мойиллиги, ёки қаршилиги аниқланди, аммо ҳиссиёи, интуиция даражасида.

60-70 йиллар филолог-семиологлар гуллаган даври. Семиотик таҳлил матнда сигнал таркибларини ўрганади. Семиотик таҳлил белги сифатни англатади. Бу таҳлилда такрорий сўзлар, жумлалар, манзара-эпизодлар, портрет тафсилотлари инобатга олинади. Предмет ифодаланганлиги ёзувчини умумий ижодий тажрибасида ҳисобга олинади, аммо асарлар тексти билан боғланади.

Савол туғилиши мумкин, структурализм қайси жиҳатдан тилшуносликдан фарқ қилади, уни ҳам объектига, тилни белгилар системасига қаради-ку? Тилшунослик матнга, жумлага, сўзга ўз қоидалари, қонунлари исботи учун материал сифатида ёндошади, грамматика, яъни компонентлари – фонетика, грамматик, лексик бирликлари ўртасидаги ўзаро боғланиш ва муносабатларини текширади. Адабиётшуносликда структурализм тилшунослик ютуқларига таяниб тасвир воситаларининг эстетик томонларини ўрганди – бадиий нутқ шакллари, ритм, интонация, шеър синтаксиси экспрессивлиги (таъбир таъсирлиги) оширувчи каби тушунчаларга дуч келади. Демак “структурал адабиётшунослик” ёки “семиотик таҳлил” каби тушунчалар бевосита тилшунослик ютуқлари асосида юзага келгандир.

XX аср 70 йилларгача бу метод анча қўлланилди, аммо сўнг танқидга учради, биринчи навбатда постструктурализм структурал методнинг асарни тарихийлигига бефарқ қаралганлигини рад этди, асарни бетакрор уникал семантикасига, муаллифга, ҳатто ўқувчига эътиборсизлигини танқид остига олди. Айтишади: структурал адабиётшуносликда тилшуносликка, лингвистикага бурилиш бўлса постструктурализм антрополог инсон томон бурилишини амалга оширди, яъни инсон томон бурилди.

Матн таҳлилида структурализмнинг давомчиси бўлса ҳам, лекин энди муаллифнинг маъно яратишдаги фаолияти инобатга олинади ва адабиётни ўзига хослиги назарда тутилади.

Лекин постструктуал адабиётшуносликнинг ҳам ўзига хос жиҳатлари бор. Унинг пайдо бўлиши 80-йилларга тўғри келади, бу даврда жаҳон адабиётида постмодернизм адабиётни ривожлангани кузатилади. Постструктуал адабиётшунослик постмодернизм каби маданиятни азалий матнлар мажмуаси, йиғиндиси сифатида қабул қилади. Матнлар мустақил маънога эга, ўз эҳтиёжларини қоплайдиган жиҳат. Ҳа, муаллиф асар яратди, лекин унинг матнининг маъноси муаллиф назарда тутгандан бошқача бўлиши мумкин. Матн устунлик келиб, муаллифни ҳатто суриб қўйиши мумкин, чунки у вазифасини бажарди, кейинги талқин учун материал яратди. Постструктурализм билим, тадқиқот учун матни тушунишга шарҳ ва изоҳ қила олишга қаратилган. Ҳар ким бу матнни ўзича талқин қилиши мумкин, яъни ҳамма уни туғрисида ўзига мулоҳаза қилиши мумкин.

Постструктуал адабиётшунослик ўз талқинларда замон ва масофа чегаралари емирилади, ўтмишга жуда катта эътибор берилади, унга тақлид қиладию, унга асослар ва негизлар қидирилади. (Хорхе Борхес, Гарсия Маркес, Суналлоҳ Иброҳим ва бошқалар. Бизнинг фикримиз бу метод постмодернизм адабиёт методи (“матн ўйини”, “муаллиф ўлими”, интертекстуаллик, ҳамма матнлар олдиндан мавжуд, ёндошувларда турли талқинлар).

Постструктуал адабиётшунослиги герменевтика билан боғлиқ, уни янги кўриниши, янги қиёфаси деса бўлади.

Шундай қилиб, ўрганилаётган тилда махсус адабиётни ўқиётган магистр талаба матнлар билан ишлаганда ўз билимларини чуқурлаштиради, соҳа бўйича атамалар билан танишади, бадий ва назарий матнларга ижодий ёндошишга ўрганади, турли усуллар қўллайди, энг муҳими адабиётшуносликда етук мутахассис бўлиб шаклланишига интилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Наима Мурад. Диросат адабий ва қираатун. Жамиъату “Айн аш Шамс”. Қоҳира 2001й.
2. Иностранные языки в подготовке кадров. Материалы научно-практической конференции от 21 апреля 2007г. УМЭД
3. Йўлдошев М., Ядгаров Қ. Бадий матнинг лисоний таҳлили. Нозомий номидаги Тошкент давлат педагогика Университети. Т. 2007й.
4. Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтик асослари. Фан. 2007й.
5. Қуронов ва бошқалар. Адабиётшунослик луғати. Тошкент 2010й.

**Муҳаммадҷон Имомназаров**

Филология фанлари доктори, профессор, Хорижий шарқ мамлакатлари  
адабиёти кафедраси, ТошДШИ

## **ИСЛОМ МИНТАҚА МАДАНИЯТИ РИВОЖИДА “МАЖОЗ ТАРИҚИ” БОСҚИЧИ ЁХУД АЛИШЕР НАВОИЙ МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ЖАҲОНШУМУЛ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация:** Шарқнинг, айниқса, мусулмон минтақа маданиятининг бир эътиборга молик хусусияти бор. Буерда кейинги авлод олдингилар эришган қадриятларни инкор қилиш йўлидан бормади, балки уни эътироф этиб қабул қилиб олади-да, янада бойитиш, ривожлантириш йўлидан боради. Шеъриятда бунга хамсачилик анъаналари яққол мисол бўлаолади. Тадқиқотчилар учун бу ҳолатдан келиб чиқадиган мушкул муаммо шундаки, кейинги авлод яратган адабий мероснинг асл маънавий моҳиятини англаб етиш учун ундан аввалги такомил жараёнларидан жиддий хабардорлик талаб қилинади. Жумладан, улуғ аллома ва мутафаккир шоир Алишер Навоий бундан беш аср илгари ўз илмий ва бадиий ижоди билан мукаммал шакллантириб берган минтақа маданияти ривожига олиқ босқич - **"Мажоз тариқи"**нинг асл моҳияти ва бугунги кундаги жаҳоншумул аҳамиятини тўлиқ англаб етиш учун нафақат ундан олдинги "Сунна босқичи" (VIII-IX асрлар), "Мусулмон маърифатчилиги" (X-XI асрлар), "Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичи" (XII-XIII асрлар) кабиларни, балки Ғаззолий, Низомий, Деҳлавий каби аллома ижодкорларнинг ўзига хос қарашларини ҳам чуқур ўзлаштирган бўлиш лозим. Шундагина буюк ажодимиз яратган беқиёс маънавий бойликнинг жаҳоншумул қудратини тўлақонли ҳис қилишимиз ва жаҳон афкор оммасига етказиб бераолишимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида айни бугунги кунда, яъни XXI аср бошланишида ижтимоий-маънавий воқеъликда инсоният дуч келаётган қатор оғриқли муаммолар ечимига мукаммал жавобларни топа олишимизга ёрдам бериши шубҳасиз.

**Аннотация:** На Востоке, особенно, в мусульманской региональной культуре, есть своя особенность. Здесь не принято критиковать или отрицать достижения предыдущих поколений, наоборот, принимать и развивать дальше, обогащать их. Наглядный пример этого в поэтическом творчестве - традиция создания "Пятериц." Для исследователей главная трудность в связи с этой тенденцией в том, что ему приходится серьезно ознакомиться всей предыдущей историей развития проблемы, чтобы правильно разобраться в сущности того литературного наследия, которое является его предметом изучения. В том числе, чтобы полноценно оценить сущность и общечеловеческое значение для современности идеи **"Мажоз тариқи"** ("**метода метафоры**"), как высшего этапа в развитии региональной культуры, в совершенстве обоснованной теоретически и всесторонне раскрытой в своем художественном творчестве Алишером Навои пять веков тому назад, не только надо быть хорошо ознакомленным предыдущими

*этапами этого развития, как "Этап Сунны" (VIII-IX века), "Этап мусульманского Просвещения" (X-XI асрлар), "Этап развития суфийских орденов и Ирфан" (XII-XIII асрлар), но также хорошо разбираться в творческих достижениях таких великих мыслителей - предшественников Навои, как Газали, Низами, Деҳлеви, Джамии и ряда других. Только тогда можно верно оценить и понять всю мощь и значение того бесценного духовного богатства, которое создано нашим великим предком и применить его для решения сложнейших задач, возникающих перед человечеством в нашем XXI веке, в пути социально-духовного развития.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида "Улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашифётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир" дейилади.

Марказий Осиёдан етишиб чиққан диний ва дунёвий илм аҳлининг жаҳон илм-фани ва маънавий тараққиётига қўшган бемисл ҳиссаси маълум ва машҳур. Аммо яна бир ҳақиқатни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, аждодларимиз яратган бадиий адабиёт намуналари ҳам ўз бағрида не-не сирларни яшириб келмоқда ва умумбашарий ижтимоий-маънавий тараққиётда уларнинг ўрни ва аҳамияти ҳануз етарли очиб берилган деб айтиш қийин. Жумладан, улуғ аллома ва мутафаккир шоиримиз Алишер Навоийнинг илмий ва бадиий ижодига муурожаат қиладиган бўлсак, бугун, яъни XXI аср бошланишида ижтимоий-маънавий воқеъликда инсоният дуч келаётган қатор оғриқли муаммолар ечимига мукамал жавобларни айтиш ушбу XV асрда, яъни давримиздан 500 йил илгари яратилган барҳаёт меросдан қидирсак асло янглишмаймиз.

Шарқнинг, айниқса, ислом дунёси маънавиятининг бир эътиборга молик хусусияти бор. Буерда кейинги авлод ўтган авлод эришган қадриятларни инкор қилиш йўлидан бормайди, балки уни эътироф этиб қабул қилиб олади-да, янада бойитиш, ривожлантириш йўлидан боради. Шеърятда ҳам шундай. Бунга хамсачилик анъаналари яққол мисол. Мумтоз адабиёт тадқиқотчилари учун бу ҳолатдан келиб чиқадиган жуда мушкул муаммо шундаки, кейинги авлод яратган бадиий мероснинг асл маънавий моҳиятини англаб етиш учун ундан олдинги бутун бадиий такомил жараёнларидан мукамал хабардорлик талаб қилинади. Яна хамсачилик анъанасини мисол оладиган бўлсак, Низомий дostonлари мазмун-моҳиятини теран англамай туриб, на Деҳлавийни, на Жомийни, на Навоийни тўлиқ англаб етиб бўлмайди. Балки аждодларимиз яратган маънавий бойликнинг бутун жаҳоншумул қудратининг сири ҳам шундадир.

Алишер Навоий асарлари маънавий мазмунини англаб етишнинг, назаримда, уч босқичи мавжуд. Аллома шоирнинг авлодларга қолдирган

ўғитларини теран тушуниб етишимиз учун шу уч қатлам ҳақида муайян тасаввурларга эга бўлишимиз зарурдир.

Уларнинг биринчиси Навоий замонидан то ҳанузгача энг зукко зиё аҳлидан тортиб оддий фикр эгаси ва шеър мухлиси биринчи кўздан кечиришдаёқ ёқтириб қоладиган, руҳида ёруғ туйғулар ва дилида эзгу ҳислар уйғотадиган умумбашарий мумтоз мазмун. Буни ўтган аср адабиётшунослигида бироз ижтимоий жиҳатига урғу берган ҳолда кўпинча “*халқчиллик*” атамаси билан англатилар эди. Дарҳақиқат, аллома шоир илк шеърлариданоқ хосу ом дилига кириб бора олгани бежиз эмас. Аммо бундай хислат фақат Навоий шахсига, фақатгина унинг бадиий ижодига хос нарса бўлмай, дунё адабиётининг барча улуғ намояндаларига тааллуқлидир.

Алишер Навоий асарлари маънавий мазмунидаги иккинчи қатлам эътиқодий ва ирфоний туйғуларга алоқадор бўлиб, бу жиҳатни ўз даврининг хос кишилари, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, “*аҳли маъни*” яхши идрок этган ва юксак қадрлаган. Ўтган асрда яратилган аксарият тадқиқотларда олимлар, турли сабабларга кўра, одатан биринчи қатлам мазмунлар доирасини тадқиқ этиш билан чекландилар ва фақат баъзи академик даражасида фикрловчи устозларгина бу бадиий олам мазмунининг иккинчи қатлами ҳам мавжуд эканлигига енгил ишоралар қилиб ўтдилар. Бу босқични жиддийроқ ўрганиш иши деярли мустақиллик даври билан бошланди ва ҳали олдинда кўп ишлар турган бўлса ҳам, бугунги кунда бу йўналишда илк қадамлар кўйила бошланганини мамнуният билан эътироф этса бўлади.

Алишер Навоий маънавий меросининг туб моҳияти ва ҳақиқий қудратини белгиловчи энг теран ва олий мазмунлар тўғрисида фикрлаш, ростини айтганда, ҳали кўпчиликнинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Биз бугун шулар ҳақида бир шингил сўзлаб ўтишга ҳаракат қилмоқчимиз.

Навоий ўзининг энг охирги - 1500 йилда ёзиб тугатган хулосавий асари “*Маҳбуб ул-қулуб*” нинг биринчи қисмидаги “*Назм гулистонининг хушнама қушлари*” деб номланган 16-бобида ўтмиш шоирларни таърифлар экан, уларни бирнеча гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳ - “*нуқуди кунузи маърифати илоҳийдин ганийлар ва халқ таърифидин мустағнийлардур*” – (“илоҳий маърифат хазинаси жавоҳирлари билан бойиган ва халқ таърифига эҳтиёж сезмаганлардир”) бўлиб, бу гуруҳ намояндаларидан энг буюклари сифатида Шайх Фариддин Аттор ва мавлоно Жалолоддин Румийлар тилга олинади. Уларни Навоий “**ҳақиқат тариқининг суханварлари**” деб номлайди ва бу гуруҳнинг “*мақсадлари назмдин асрори илоҳий адоси ва маърифати номутаноҳий имлосидиш ўзга йўқтур*” (“Буларнинг шеър ёзишдан мақсади илоҳий сирларни баён қилмоқ ва чексиз маърифат тарқатмоқдир”) Аллома таърифларидан ушбу шоирларнинг соф **тасаввуф адабиёти** вакиллари эканлиги аён бўлади

Иккинчи гуруҳни Навоий “*ҳақиқат асрорига мажоз тариқин махлут қилибдурлар*” (ҳақиқат сирларига мажоз йўлини аралаштирибдурлар”) деб таъриф қилади ва бу гуруҳга Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий, Санойй, Ҳофиз Шерозийларни мансуб этади.



Учинчи гуруҳ - Анварий Абивардий, Заҳир Форёбий, Абдулвосеъ Жабалий, Хоқоний Ширвоний, Асириддин Аҳсикатий, Камол Исфаҳоний, Салмон Соважий, Хожуйи Кирмоний, Носир Бухорий, Котибий Нишопурий, Шоҳий Сабзаворий ва бошқалардан иборат бўлиб *"мажоз тариқи адоси алар назмига золиб ва алар бу шевага кўпрак роғибдурлар"* деб таърифланадилар.

Устози Абдурахмон Жомийни муаллиф *"аввалги табақа равиши ва каломида ҳам шарифмақол ва сўнги табақанинг ҳам адоси латойифида соҳибкамол"* деб таърифлайди.

Навоий ўзининг олдинроқ таълиф этилган бошқа асари - *"Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад"*да шу мавзу биринчи марта тилга олинган бўлиб, унда ўша даврнинг нуфузли арбобларидан Ҳирот жавонмардларининг пири ва ёш Алишернинг ҳомийларидан Паҳлавон Муҳаммад билан бўлган бир суҳбатда Навоий устози Мавлоно Лутфийни *"мажоз тариқи"*да ва XIV асрда Озарбайжонда яшаб ўтган туркигўй шоир Сайид Насимийни эса *"ҳақиқат тариқи"*да ижод этган шоирлар сифатида таърифлайди. Демак, Навоийнинг ёшлик чоғидаёқ *"ҳақиқат тариқи"* ва *"мажоз тариқи"* иборалари икки алоҳида адабий йўналиш сифатида талқин этилган ва аллома умри охирида бу мавзунини алоҳида қайд этиб ўтишни лозим топган экан. Гарчи бу атамалар олдинроқ ҳам навоийшунослар томонидан эсга олиб ўтилган бўлса-да ханузгача уларнинг мазмун-моҳияти навоийшуносликда батафсил изоҳлаб берилган эмас. Ваҳоланки, бугунги кунимизда ушбу атамалар остида мутафаккир шоир назарда тутган моҳиятлар ниҳоятда долзарблик касб этиб турипти. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, муаммо шарҳини анча қадимдан бошлашга тўғри келади.

Маълумки, VIII-IX асрлардан шакллана бошлаган мусулмон минтақа маданияти маънавий жиҳатдан ўз ривожига бирқатор такомил босқичларини босиб ўтган. Улардан биринчиси **Сунна босқичи** бўлиб, дастлабки икки асрни ўз ичига қамраб олади. Бу босқичда Муҳаммад (сав) ҳадислари йиғилди ва Имом Бухорий бошлаб берган ҳадисшунослик илми ўзининг олтин даврини бошдан кечирди. Ундан кейин X-XI асрларни **"Мусулмон маърифатчилиги"** босқичи деб аташ мумкин. Бу даврда калом илми, фалсафа, ботиния йўналишлари оламшумул натижаларни қўлга киритиб, тасаввуф йўналишида ҳам дастлабки назарий асарлар яратила бошланди. **Ақлга, мантиқий тафаккурга таяниш** ушбу даврнинг етакчи тамойили бўлиб, нафақат Форобий, Мотуридий, Ибн Сино ва Беруний сингари илму-фалсафа намояндалари, балки Рудакий, Абу Шукур Балхий, Фирдавсий, Носир Хусрав, Юсуф Хос Ҳожиб сингари таниқли бадий сўз санъаткорлари томонидан ҳам бу тамойил очик эътироф этилди.

Аммо ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаёт ўзгариб борарди. Буюк маърифатчиларимиз умид қилган адолатли жамият хануз орзу-армонлигича қолиб келарди. Умар Хайём ўз ҳаёти ва ижоди мисолида **маърифатчилик босқичининг яқунловчиси сифатида намоён бўлди, аммо** кучайиб келаётган тасаввуфга хайрихоҳлик кўрсатмади. Аллома ақл кучининг синганини кўрди ва ўкинч билан эътироф этди, бироқ ҳали ҳаёт чоғидаёқ туғилиб келаётган янги

йўналишни пайқамади ва иқрор этмади. Бу вазифани унинг улуғ замондоши **Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий** (1058-1111) мукаммал адо этди.

Кучли мутакаллим ва фикҳ олими бўлиб етишган Ғаззолий улуғ вазир Низомулмулк (1063-1092)нинг эътиборига тушиб, Низомия мадрасасида дарс беришга жалб этилди. Аммо аср охирларида кучли руҳий изтиробга тушган Ғаззолий ўзининг бутун мударрислик ва фақиҳлик фаолиятини тўхтатиб, ҳажга йўл олди ва тасаввуф сулукига бош уриб, 11 йил мобайнида зоҳидлик ва таркидунё билан кун кечирди. Шу давр ичида ўзининг энг машҳур ва мукаммал асари - «*Эҳёи улум ад-дин*»ни ёзиб тугатди.

Ғаззолийнинг фалсафий қарашлари мусулмон минтақа маънавиятининг маълум бир босқичи яқунланиб, янги босқич бошланаётганидан ёрқин бир нишона эди. Унинг энг буюк ихтироси ўз қудратини қўлдан бой берган **ақлга таяниш** тамойили ўрнига **кўнгилни поклаш** тамойилини жорий қила билганлигидадир. Бу тамойилнинг олға сурилиши минтақа маънавий такомилида янги босқич – **Тасаввуф тариқатлари ёхуд ирфон босқичининг** бошланганини билдирар эди. Улуғ алломанинг «*Эҳёи улум ад-дин*» асаридаги ғоялар ихчамлашган тарзда «*Кимёи саодат*» номи билан форс тилида баён қилинган бўлиб, бу асар муқаддимасида биринчи марта инсон вужудида **кўнгил – подшоҳ, ақл – вазир**, деган ғоя олға сурилади. Ўзининг якуний асарида аллома шундай ёзади: “*Билгилки, танинг мисоли шаҳарга ўхшашидир... Дил - бу шаҳарнинг подшоҳи. Ақл бу шаҳар подшоҳининг вазиридир.*” Дарҳақиқат, инсон ҳар доим ҳам ақл йўриғи билан иш юритабермайди. Кўпинча, ақл кўрсатмаси эмас, кўнгил хоҳиши инсонни бошқаради. Кўнгил истаклари не кўйларга солмайди, деган ибора бежиз эмас. Демак, ишни **кўнгилни поклашдан** бошламоқ керак, деб хулоса қилади аллома. Кўнгилни поклаш эса риёзат билан бўлади. Тасаввуф йўли айна **риёзат йўлидир**. Ғаззолийнинг ушбу қарашлари минтақа халқлари маънавий камолотини **ислом маърифатчилиги** босқичидан **тасаввуф ирфони** босқичига ўтишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, деб бемалол хулоса қилиш мумкин.

Минтақа маънавий такомилидаги бу эврилишлар аста-секин бадий ижодга ҳам таъсир кўрсата бошлади. Агар X-XI асрлар минтақа адабиёти асосан дунёвий мавзуларни куйлаган бўлса, XII асрдан Санойй, Анварий, Ҳоконийлар мисолида ирфоний адабиёт етакчи ўринга кўтарила бошлади.

Энди Ғаззолийнинг **кўнгил** хусусидаги қарашларига қайтадиган бўлсак, бу мавзуга **Низомий Ганжавий** (1141-1203) ўзининг биринчи достони “*Махзан-ул-асрор*”нинг муқаддима бобларида алоҳида ўрин ажратганини эслаб ўтиш керак бўлади. XII асрнинг буюк форсийнавис шоири ўз асарига **кўнгил** ҳақида алоҳида беш боб киритади. Улардан биринчиси “*Кеча васфи ва кўнгилни таниш ҳақида*” (“*Дар тавсифи шаб ва шинохтани дил*”), деб номланган. Унда шоир “*Ушбу кўк тоқ остида кўнгил қиссасини сўйлаки, қулоққа ёқадиган назма шудир. Йўлдан оздирувчи ҳою ҳавасларни нари сур, сенга ҳақ йўлни кўнгил кўрсатади, сен кўнгилни таниб ол*” деб эътироф этади. Шоир кўнгилни Ҳожа, инсон табиатининг тарбиячиси деб ҳисоблайди.

Шу ўринда ушбу достоннинг номини бироз изоҳлаб ўтиш жуда муҳим. Академик Е.Э.Бертельснинг “Низомий” монографиясида келтиришига кўра,

меърож тунида Муҳаммад (сав) арши аъло остида кулфлоглик бир хона кўриб Жаброилдан «*Бу қандай макон?*» деб сўрабди. Жавоб бўлибдики: «*Эй, расулуллоҳ, бу макон теран маънолар хазинасидир ва сенинг умматларинг ичидаги шоирлар тили ушбу хазинанинг калити турур*». Достоннинг биринчи байти шу ривоятга ишорадир:

*Бисмиллоҳир-рахмонир-роҳим*

*Ҳаст калиди дари ганжи ҳаким.*

(«Шафқатли ва меҳрибон Оллоҳ номи билан» ояти

(Олий) донишманд ганжинаси эшигига калитдир).

Асар номи ҳам «*Сирлар хазинаси*», яъни, олий ҳақиқат сирларини қаърига яширган тилсим маъносидадир. Демак, XII аср шоири ўз асарини энди бу фоний дунё лаззату ташвишларини эмас, балки илоҳий сирларни баён этишга бағишламоқчи. Бу изоҳлар ирфоний адабиётнинг мавзулари олдинги дунёвий адабиётнинг мадҳия, хамрия, ҳижо ва тағаззулларидан қай даража фарқ қилишини ойдинлаштирувчи мисоллардир.

Низомий ишқни куйлайди. Аммо ҳечқаерда уни "*ишқи ҳақиқий*" (яъни илоҳий ишқ) ёки "*ишқи мажозий*" (яъни дунёвий ишқ) деб ажратмайди. Бундай фарқлашлар, мавжуд далилларга кўра, XIII аср - соф тасаввуфий адабиёт энг юксак босқичига кўтарилган Аттор ва Румийлар даврда шаклланди. Низомий "*Хамса*"сига XIII аср охири - XIV аср бошларида биринчи бўлиб жавоб ёзган Амир Хусрав Дехлавий ўзининг "*Ширин ва Хусрав*" достони муқаддима қисмидаги "*Ишқ ҳақида*" номли алоҳида бобида мен "*ишқи ҳақиқий*"ни эмас, балки "*ишқи мажозий*"ни куйлайман, деб очик таъкидлаб ўтади. Кейинроқ 1316 йилда маҳаллий мавзуда ёзилган "*Дўвалрони ва Хизрхон*" ишқий достонининг якунида ҳам бу асарида "*ишқи мажозий*"ни куйлаганини яна эътироф этади. Чунки, деб изоҳлайди шоир, "*ишқи мажозий*" ҳақиқат ишқига элтувчи йўлдир. Бу ўринда ҳинд шоири пайғамбаримиз (сав) номидан айтилган "*ал-мажозу қантарат ул-ҳақиқа*" ("*мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир*") деган ҳадисга ишора қилади.

Низомий Ганжавийнинг **кўнгил** ҳақида қарашлари унга татаббу қилиб ёзилган Дехлавий ва Жомий достонларида ҳам ривожлантирилади. Биз уларга тўхталиб ўтирмай, Навоийнинг "*Ҳайрат ул-аброр*" достонига келадиган бўлсак, ушбу мавзудаги бобларнинг биринчиси шундай номланади: "*Кўнгул таърифидаким, кўнгул тилагандек қилилмайдурур ва анинг васфин соҳибдилликга мавсуф бўлгон кишидин ўзга киши билмай дурур. Кўнгулсиз роқим хомасин рақамкаш қилмоқ ва бу рақам саводи билан кўнглин хуш қилмоқ.*" Эътибор берилса, Навоий сарлавҳадаёқ масала моҳиятига урғу бериб, аввало "*кўнгул*"ни "*кўнгул тилагандек*" яъни кўнгилдагидек таърифлаш иложсиз эканлиги, уни фақат "*соҳибдил*", яъни "*кўнгил эгаси*" деб аташга арзигулик инсонгина мукамал тасаввур эта олишга қодир эканлигини таъкидламоқда. Боб қуйидагича бошланади:

*Субҳи азал қилди чу деҳқони сунъ*

*Одами хокийни гулистони сунъ.*

*Эсти насиме у гулистон сари,*

*Сунбулу сарву гулу райҳон сари,*

*Ким бу раёҳинга етишти футух,  
Ўйлаки тан гулианига кирди рух.  
Эрмас эди анда гараз ҳеч гул,  
Ғайри кўнгулким, гараз эрди кўнгул.*

Туркигўй шоир татаббуъ тамойилига тўлиқ риоя қилиб, бобнинг ҳар бир сатри, ҳарбир байти билан ҳам салафларига жавоб бермоқда, ҳам мутлақо янги манзара яратмоқда. Агар барча салафлари “*кўнгил қиссаси*”ни қоронғу тушишидан бошлаган бўлсалар, Навоий суҳбатни мажозий маънодаги “*субҳи азал*”, яъни “*азал тонги*”дан бошламоқда, шу билан бирга пири муршиди Жомий изидан бориб илк инсоннинг яратилишидаёқ мақсад “*кўнгил*” (Жомийда “*гунчайи дил*”) эканини таъкидламоқда. Тасвир худди Жомийдаги каби бошдан-оёқ икки маъноли бўлиб, тонг, тонгги майин шабада, унинг ёрдамида “*гулу райҳон*”лар хуш бўйининг таралиши каби табиат тасвири бир вақтнинг ўзида ибтидода илк инсоннинг яралиши, унга Оллоҳ ўз руҳидан дам уриб ҳаёт бахш этиши, шу билан Оллоҳ руҳининг макони бўлган кўнгилнинг шакллантирилиши каби ирфоний тасвирлар шеърхон тасаввурида мувозеъ ва уйғун ҳолатда намоён бўлишига эришилган.

Боб давомида салафлари кўтарган масала – ирфоний тушунча бўлган “*кўнгил*”ни инсон танасининг моддий узви бўлмиш “*юррак*” билан чалкаштириш хато эканлиги ҳақида хитоблар келади. Шу ўринда шоирнинг салафлари барчаси форсий тилда ижод этгани туфайли улар икки маъноли “*дил*” сўзи асосида ўз фикрларини баён этишга мажбур бўлган бўлсалар, ўзбек шоири икки алоҳида “*кўнгил*” ва “*юррак*” сўзларини ишлатиш билан бу муаммога узил-кесил барҳам беради. Илгарироқ Жомий ўз достонида дилни гул ғунчасига (“*гунчайи дил*”) ўхшатган эди. Навоий ирфоний ва моддий тасаввурларни аралаштирмаслик масаласида изчиллик кўрсатиб, “*кўнгил*”ни на “*гул гунчаси*”га, на “*қон*”, на “*пайкон*” (ўқ ёки найза учи) ва умуман “*рангу бў*” (яъни моддийлик хусусиятларига) эга бирор бир шаклга нисбат бериш (ҳатто бадий ташбих сифатида ҳам) мутлақо хато эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади:

*Эй ки кўнгул васфи баён айладинг,  
Сен бу кўнгулни не гумон айладинг.  
Гулиани жисминг аро гул гунчаси,  
Битса гумон этма кўнгул гунчаси.  
Ғунча эмаским, бу кўнгул қон эрур,  
Ё бўялиб, қон аро пайкон эрур.  
Йўқки, бу бир шакл дурур рангу бў,  
Ҳар не керак бўлсун, агар бўлса бу.  
Ғар бу дурур ҳар нимаким жони бор,  
Жисмида бу гунча сифат қони бор.  
Ҳам они дажжол топиб, ҳам наби,  
Ийси била тенгму бўлур маркаби?*

Орада Низомий талқинига ҳам ишора сезилади:

*Ғар бу эса Хожжа, ўзин муттасил — Қайси кўнгул бирла дегай аҳли дил?*

Маълумки, ганжалик шоир “кўнгул”ни “Хожа” деб атаган, шу билан бирга натурфилософик талқинларга ҳам ўрин қолдириб, шоирнинг хаёлан инсон ички оламига кириб бориши тасвирида “дил”ни “етти халифа”, яъни инсон танасининг моддий узвлари – ўпка, қораталоқ, жигар, ўт пуфаги, буйрак ва ҳ.к.лар билан боғлиқ ҳолда тилга олган эди. Қисқаси, туркий тил имкониятларидан унумли фойдаланган устоз шоир икки тушунчани – ирфоний “кўнгул” билан моддий “юррак”ни бошқа-бошқа унсурлар сифатида алоҳида номлаб, тўлиқ бир-бирдан ажратиб қарашга муяссар бўлди:

*Бу худ эмас жазм сен истар кўнгул,  
Гар бу кўнгул бўлса сен андин тўнгул.  
Бу ки кўнгул дерсен эрур бу юрак,  
Исм кўнгул бирла анга муштарак.*

Шундан сўнг “кўнгул”нинг ҳақиқий таърифи бошланади:

*Кўнгул эрур булбули бўстони роз,  
Кудс ҳаримида бўлуб жилвасоз.  
Ройиҳаи жаннати аъло ҳам ул,  
Партави мисбоҳи тажалло ҳам ул.  
Солик ани ариши муалло деди,  
Сўфи ани олами кубро деди.  
Айни назоҳатда бу аъзам жаҳон,  
Борча жаҳон аҳли кўзидин ниҳон.  
Каъбаки, оламнинг ўлуб қибласи,  
адри йўқ андоқки кўнгул каъбаси,  
Ким бу халойиққа эрур саждагоҳ,  
Ул бири холиққа эрур жилвагоҳ.*

Бу таърифлар шоир салафларининг ҳеч бирида йўқ. Шу билан бир вақтда Навоийнинг таърифлари олдин ўтган устозларнинг ушбу мавзудаги мулоҳазаларининг мантиқий хулосаси эканлиги ҳам ҳақиқатдир.

Боб давомида шоир пири муршиди ақидасини ривожлантириб кўнгул гавҳарини ҳосил қилиш учун нималар лозим эканлиги ҳақида ёзади. Аммо Навоийнинг бу борадаги қарашлари устозидан тамомила фарқ қилади. Агар Жомий масалани ўша давр тасаввуф сулуклари ёндошувида талқин қилиб, то бир пири муршид этагини ушламас экансан, мақсадга ета олмайсан деган хулосани баён қилган бўлса, Навоий масалага ниҳоятда кенг қарайди:

*Топқуча ганжинаи асрорлиқ,  
Кўп қилибон солики атворлиқ.  
Каъбага ҳам қатъи манозил қилиб,  
Дайрга ҳам таййи мароҳил қилиб,  
Ҳам етибон аҳли муножот аро,  
Ҳам тушубон кўйи харобот аро.  
Гоҳ бўлубон муътакифи хонақаҳ,  
Шайх они тоатга қилиб рўбараҳ.  
Гоҳ кириб дайри фано сори маст,  
Муғбача олида бўлуб бутпараст.  
Гоҳ қилиб шамъга парвоналиқ,*

Гоҳ пари ишқида девоналиқ,  
 Гоҳ висол ичра бўлуб айш соз,  
 Гоҳ фироқ ўтига айлаб гудоз...  
 Дарду бало тоғида Фарҳод ўлуб,  
 Тирноғ анга тешиш нўлод ўлуб..  
 Ё йўлуқуб моҳрухи дилкаше,  
 Дашти малоҳат аро лайливаше,  
 Ишқида саргашта чу гардун ўлуб,  
 Дард биёбонида Мажнун ўлуб...  
 Водие қолмай ул анга етмаган,  
 Қатъида такмили сулук этмаган,  
 Ориз ўлуб жумлаи ҳолот анга,  
 То бўлубон касби камолот анга,  
 Олам аро ҳар не кўруб, касб этиб,  
 То лақаби олами кубро этиб...  
 Кимга бу олам сари очилса йўл,  
 Олам аро аҳли дил ул бўлди ул...

Масала ниҳоятда жиддий бўлганлиги сабабли дostonдан мавзуга оид иқтибосни бирмунча тўлиқ келтириш лозим топилди. Агар Жомий достонида муаммо фақат пири муршид суҳбатлари билан ҳал қилиб қўяқолинган бўлса, Навоий вазиятни бу қадар соддалаштирмайди. Шоир энг аввало масалага якка инсон маънавий камолоти эмас, умумбашар маънавий такомилни нуқтаи назаридан ёндошади. Бунда Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”си таъсирини ҳам сезиш мумкин. Инсоният маънавий камолотнинг юқори чўққиларига эришиш йўлида фақат Каъба зиёрати билан чекланмай, шайх Санъон сингари дайр, яъни христиан роҳибларининг таркидунёчилик макони (монастирь) сирлари билан ҳам танишмоғи, бутпарастлар аҳволдан ҳам хабар топмоғи, хонақоҳ ва харобот аҳлининг дардларига ҳам ошно бўлмоғи, парипайкарлар ишқида девона бўлиб, висол лаззатини ҳам, айрилиқ азобини ҳам бошидан кечирмоғи, Фарҳод сингари тирноғ билан тоғ қазиб, Мажнун каби дашту биёбон кезмоғи, хуллас, бу ёруғ дунёнинг барча аччиқ-чучугини тотиб, роҳату машаққатларини бошдан кечирмоғи кераклигини, то ўтда ёниб, сувга чўммагунча инсон маънавий камолотга эришуви мушкул эканлигини мусулмон минтақасида кенг тарқалган бадийий тимсоллар орқали ифодалаб бермоқда. Жомий суҳбатлари билан Навоий ҳайратлари орасидаги фарқ “*ҳақиқат тариқи*” билан “*мажоз тариқи*” орасидаги жиддий тафовутни ва ҳар бирининг ўзига хос йўлини яққол гавдалантирувчи намуна сифатида қабул қилинса, назаримизда, янглишилган бўлмайди.

Шундай қилиб, келтирилган қиёсий мисол ва таҳлиллар кўрсатадики, бадийий ижодда татаббуъ услуби ниҳоятда жозибакор ва мўъжизавий ҳодиса экан. Бунда салафнинг ютуқлари мутлақо инкор қилинмаган ҳолда мавзуни унинг этиб келган жойидан илгарилаб, янада теранроқ ва мукамалроқ талқин қилишга интилиш асосий мақсад ва мўлжал бўлар экан. Агар шу ниятни амалга ошириш қўлидан келмаса, бу ишга уриниш ҳам бефойда бўлиб, адабиёт тарихида номи абадий муҳрланиб қолишига умид қилмаса ҳам бўлади.

**Низомий** XII аср иккинчи ярмида яшаб ижод этди. Бу даврда тасаввуф тариқатлари энди шаклланиб келаётган пайт бўлиб, узлатга чекиниш масаласи хануз кун тартибидан тушиб қолган эмас эди. Бу даврда тасаввуф арконлари мукамал шаклланган эмас, тасаввуф ва ирфон фарқланган эмас эди. Фақат шоир наздида узлатга чекиниш бу дунё хою ҳавасларидан юз ўгириш (ва ғаму ташвишларидан қочиш) эмас, балки бир нафас хилватда кўнгил билан роз айтишиш орзуси эди. Маълумки, кўнгил туйғулар ошиёни. Уни турли хою ҳаваслардан поклаш керак. Покланган кўнгилда энди фақат **имон қолади, ишқ қолади**.

Ҳақиқий мумтоз шеърят фақат пок кўнгил билан, имон ва ишққа тўлиқ кўнгил билан дунёга келади. **Дехлавий**ни “*Хамса*” ёзишга ундаган нарса ҳам шу эди. У Низомий дostonлари билан танишар экан, ўз дил дардига малҳам топди, 100 йил олдин яшаган ганжалик шоир мисолида ўзига “*қайғудои*” топди. Аммо давр бошқа, ҳинд шоирининг қалбини ўртаган дардлари бошқа эди. Ўтган 100 йил орасида тасаввуф шеърятининг буюк намояндалари Аттор ва Румийлар яшаб ўтдилар. Энди улардан ўтказиб бу мавзуда бир нарса яратиш имкондан ташқари эди. Амир Хусрав шу сабабли “**ҳақиқат ишқи**”ни эмас, “**мажоз ишқи**”ни куйлашини рўйи-рост эълон қилди.

**Жомий** тасаввуфнинг орифлик даражасига етишган пири муршиди сифатида ўз асарларида ирфоний ғояларни куйлашни мақсад қилди. Шу сабабли кўнгил таърифида ҳам ажойиб мажозий тасвирлар беришидан қатъи назар, якуний хулосада давр тасаввуфий андазалари доирасини тарк этмади. Унинг тасвирида “*кўнгил*” – рамзий “*мурид*”га айланиб рамзий “*пири муршид*”нинг табаррук ботиний суҳбати натижасида камолга етиши ифодаланди. Алишер Навоий масалага буткул янгича ёндошади. Аввало “*Ҳайрат ул-аброр*”да “*хилват*”лар ёки “*суҳбат*”лар хусусида эмас, балки “*кўнгил*”нинг “*ҳайрат*”лари ҳақида сўз кетади. Навоий **кўнгилнинг ҳайратланишини** тасвирлайдики, бунинг ўзи инсон маънавий тараққиётида буюк кашфиёт эди. Бутун улуғвор форс мумтоз адабиётида хануз бу масала кун тартибига қўйилмаган эди. **Кўнгилнинг ҳайратланиши – бу буткул Янги давр нишонаси** эди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Бу хулосани икки оғиз шарҳлаб ўтишга эҳтиёж бор. Навоий кўнгил ҳақидаги биринчи бобда татаббуъ қоидаларига биноан салафларига бирма-бир жавоблар бериб якунлагач, **уч ҳайрат** давомида кўнгилнинг Халлоқи олам яратган **табиат, коинот, инсон вужуди** доирасидаги чексиз **мўъжизалардан** ҳайратга тушиб, бу уч олам унсурларининг барчаси ўз **сонё** (яратувчи)си - “*қодири мутлақ ёди*” билан банд эканлигини англаб етгач, шундай хулоса қилади:

*Мулк ўзию тахт ўзию шох ўзи,  
Борча ўзи, борчадин огоҳ ўзи.  
Нафса чун ориф ўлуб мў-бамў,  
Фойиз ўлуб «қад арафа раббаху».*

Бу сатрларда аввало яна татаббуъ қоидаларига садоқат бор. “*Хамса*” оламининг илк асосчиси ўз дostonининг биринчи мақолотида Инсоннинг яралиши ҳақида ёзиб -

*Он ба гуҳар ҳамқадару ҳамсафи,  
Ҳам маҳаку ҳам зару ҳам сайрафи*

(Унинг зотига кўра гавҳарга тенг софлиги,

Ўзи ҳам зар, ҳам заргар, маҳак тоши ҳам ўзи) – деган бўлса, Навоий салафи сўзларини кенг маънода шарҳлаб, **Халлоқи олам яратган табиат, коинот, инсон вужуди доирасидаги чексиз мўъжизалардан ҳайратга тушиб, “бақо биллоҳ” мақомига етишган кўнгилни “мулк ҳам, тахт ҳам, шоҳ ҳам ўзи эди”,** деб хулоса қилмоқда. Бу “**кўнгил**” энди якка инсон кўнгли эмас, балки **маънавий камолот касб этган инсоният кўнглининг рамзидир,** Навоийнинг келажак орзусидир. “*Ўз нафсини англаб етган Парвардигорини англаб етади*”- бутун табиат, коинот, инсон вужуди доирасидаги чексиз мўъжизаларни қамраб олиш ва англаб етиш учун эса инсоният яхлит бир вужудга айланиши талаб қилинади, бу юмуш бир кишининг қўлидан келадиган юмуш эмас. Румий қалбини ўртаган дард Навоий орзусида даво топмоқда.

Шундай қилиб, **устози ўтмишни якунлаб бергач, шогирди келажакдан башорат қилмоқда.** Пири муршид тарбиятида “*Ҳаққ ул-яқин*”га етишган мурид инсоният келажагини басират кўзи билан яққол кўриб, биз – бугунги авлодга борар йўлимизни равшан кўрсатиб бермоқда. Биз буерда фақат “*Ҳайрат ул-аброр*”нинг муқаддима қисмидаги кўнгил ҳақида айтилганларга қисқача тўхтаб ўтдик. Аслида ислом минтақа маданияти ривожиди Деҳлавий ва Навоийлар мукаммал асос солган “Мажоз тариқи” босқичини тўлиқ таърифлаб бериш учун бу икки забардаст аллома шоирлар ижодини мукаммал ўрганиб, бугунги кун кўзи билан қараб изоҳлаб бериш талаб этилади. Шундагина Алишер Навоий маънавий меросининг бугунги кун учун умумбашарий аҳамияти кўз олдимизда тўлақонли намоён бўлади.

---

**Тамара Ходжаева**

*Доктор филологических наук, профессор, кафедра Языков Южной и Юго-восточной Азии, ТашГИВ*

## **РАССКАЗ ХИНДИ КОНЦА XX НАЧАЛА XXI ВЕКА**

***Аннотация.** В статье анализируются статьи индийских критиков и литературоведов начала XXI века о тенденциях новеллистики хинди конца XX и начала XXI века, что не было предметом специального рассмотрения, но требует пристального внимания как в теоретическом, так и в практическом плане.*

***Опорные слова и выражения:** связи с духовностью, с историей, сравнение прошлого и настоящего, расширение социального диапазона новеллистики, чувство преодоления, душевная достоверность, политическая тематика*

Поскольку новеллистика литературы Индии XXI века нуждается в пристальном внимании как неотъемлемая и быстро развивающаяся значимая



часть всеиндийского литературного процесса, данная статья ставит целью рассмотреть данную проблему, опираясь на новые работы индийских критиков и сборники рассказов, вышедшие Индийская критика, в частности, Ганга Прасад Вимал в работе «Создание современного рассказа»<sup>166</sup> Джотиш Джоши в статье современная критика<sup>167</sup>, известный литературовед профессор Девендер Чоубей в статье «Мир современного рассказа и вопросы социального преобладания»<sup>168</sup> анализируя период развития малой эпической прозы после 60х годов отмечают, что рассказ хинди отражает наиболее существенные и значимые события в политической и общественной жизни Индии конца 60х – 80х годов, наиболее остро и болезненно поражающее всё жизненное пространство страны. Как отмечает Д. Чоубей «эти рассказы по своему языку, стилю, отражению времени стремятся к большей реалистичности»<sup>169</sup>. Это рассказы Вшиванатха Трипатхи, Нирмал Вармы, Амарканта, Мохан Ракеша, Камлешвара, Р. Ядава. Главная, основная черта и сила этих произведений – в их связях с эпохой своей страны, в их непрерывной внутренней связи с духовностью, т.е. в рассказах конца 60х-80х годов важным является не только мысли, цели, стиль автора, но и историческая правда, правда истории страны. Примером может служить рассказ Нилам Чатурведи «Дом».

Главным действующим лицом рассказа является дом. Автор избрала для выражения своих мыслей необычный прием. Дом живет, думает, переживает, страдает. Рассказ ведется от имени самого дома. Стены дома самые лучшие свидетели, очевидцы происходящего в них. Лишь дом может увидеть и услышать то, что недоступно другим. Много изменений претерпел дом, много несправедливости видел за годы своего существования. Построил его сикх, причем поверх могил старого кладбища. Первого хозяина разорил хинду, хинду продал его мусульманину. Новый хозяин мусульманин вдохнул в этот дом новую жизнь. Но выросли сыновья и потребовали у него раздела имущества. Скандалы убили бедного отца. Разорив его, сыновья уехали в Пакистан. Лишь старая мать, брошенная и никому не нужная, осталась в старом доме. Но ее смерть заставила сыновей вернуться. Но только лишь для того, чтобы сдать его кому-нибудь за деньги. Жилье превращается во временное пристанище незнакомых людей. Им и в голову не приходит, что у дома есть душа, что и дом жаждет теплоты, заботы, уюта. По вине одной из распутных квартиранток дома рушится порядочная семья, разбито сердце порядочной честной женщины, и она покидает дом. И еще много страданий своих жильцов видит дом. Даже каменные его стены чувствуют эту боль. Но им ничего не остается, как терпеть всё.

Индия, страдающая от раздоров, религиозных противоречий, земля, брошенная сыновьями, общество, страдающее от безхозяйственности и падения нравственности – темы многих рассказов сборника, одним из которых является «Дом». В последнем абзаце рассказа особо бросается в глаза идея автора

---

<sup>166</sup> Г. П. Вимал. « Самкалин кахани ка рачनावидхан». 1976

<sup>167</sup> Дж. Джоши. Самкалин алочна. Самкалин сахитья самачар - ян-фев. 2014, 1-2

<sup>168</sup> Д. Чоубей. Самкалин хинди кахани ки дунья аор самай - окт-ноябрь 2004.

<sup>169</sup> Там же, стр. 51

связать образ жилого дома с более широким понятием. Большой дом – это Индия. Основная идея рассказа – призыв к единству, к социальной сознательности, к ответственности перед собой, перед близкими людьми, перед обществом. Дом – это душевное тепло, защита, это самое родное место, и это родная земля, это – Родина.

«Кто заложил мой фундамент – хинду, сикх или мусульманин? С какими мечтами он принялся за дело? В любом случае он, должно быть, с лучшими намерениями совершил обряд своей религии. Но я не смог остаться в его религии. Я принадлежу тому, кто становится хозяином этих стен. Кто-то делает из меня Хиндустан, кто-то – Пакистан, кто-то Халистан. Хотя почва от этого не меняется – я построен на древних могилах. Кто может уточнить мою религию? Она тоже легко продается, как и я сам. Все считают, что я исповедую ту религию, к которой относятся мои жильцы. Но моя религия – это быть домом, защитой, крепостью. А отнюдь не индуизм, сикхизм, ислам или христианство<sup>170</sup>.

Из кажущейся бессвязности отдельных эпизодов жизни дома возникает своеобразное содержание рассказа. Главный принцип построения рассказа – сравнение прошлого и настоящего дома, и в этом сравнении и раскрывается смысл событий, поступков, ощущается взаимосвязь отдельных событий. Вот это сращение жизни и смерти дома, в которых как бы сама действительность сравнивала жизнь и смерть дома, давала читателю возможность искать причины и их осмысление. Созвучие фактов, эпизодов создает в рассказе ту порой страшную правду бытия, которую не всегда могут пережить люди. И конечно, здесь незримо присутствуют переживания рассказчика, они окаймляют рассказ.

Отличие рассказов этого периода от «нового рассказа» в том, что в нём чувствуется беспокойство об исчезновении, разрыве романтических отношений.

В рассказы 80-90х годов врываются стремительно проблемы, связанные с глобализацией, нестабильностью экономического развития: это рассказы Удай Пракаша и Аруна Пракаша (в 90х годах) о событиях в Пенджабе 1984 года, о выступлениях рабочих в Бихаре М. Арифа, о жизни простых людей, каждодневных проблемах Санджея Кхати, о проникновении потребительской тенденции во все сферы жизни Манож Чопры, о рыночной экономике, ее формах, изменениях и влиянии на жизнь в рассказах Акхилеша, Прем Кумара Мани, о новом экономическом укладе в деревне Ома Шармы, о жизни крестьян в 90х годах и реальностях этой жизни Авадеша Прита. Как мы видим, рассказы 90х годов расширили социальный диапазон проблематики новеллистики.

Рассказы 90х годов связывают современную жизнь и происходящие в ней события с сюжетной линией независимо от того относятся ли они к «женским рассказам» или рассказам «далит», либо к другому направлению.

---

<sup>170</sup> Н. Чатурведи. Дом. Избранные рассказы. Дели, 1989. стр. 163 (на яз.хинди)

Отличительная черта рассказов 90х годов в том, что, когда герой рассказа совсем задавлен, опускает руки, то его мобилизация сил, его знания не позволяют ему сломаться.

Даже после того, как под ударами судьбы, обстоятельств, несправедливости он ошибается, сгибается, он снова выпрямляется. Новое чувство, чувство преодоления (с помощью всех возможных физических и духовных сил) и победы над поражением – основной нравственный, моральный и духовный мотив рассказов и в них налицо чувства и мысли автора (Г.П.Вимал, Санджив, Манож Рупра).

По мнению Омы Шармы в 90-х годах проблемы экономического характера еще не поддаются успешному освещению в рассказах писателей, но рассказы об отношениях мужчины и женщины удаются куда лучше. Это рассказы Виманшу Дикхята, Кришнабихари («Две женщины» - «До ауратен»), Акхилеш («Пение»)<sup>171</sup> и другие. В этих рассказах раскрывается тема неприемлемых с точки зрения традиционной морали поступков индийской женщины, которая даже слишком дорогой ценой хочет быть счастлива в чувствах, в любви. У одних это вызывает осуждение, другие считают, что изменившееся общество заостряет неудовлетворенность женщины как в личном, так и социальном плане. В некоторых рассказах это уже становится ненужным течением<sup>172</sup>.

Особо критики отмечают новеллистику Санджива, его рассказ «Гибель». Достоинство рассказа, отмечает Ома Шарма, в том, что «подняв рассказ от привычного уровня, он представляет его в полностью завершенном виде, отличающимся цельностью как по форме, так и по содержанию, что делает его современным, сильным новеллистом»<sup>173</sup>. Это прослеживается и в рассказах Приявада и Маножа Рупры.

Необходимо отметить еще один аспект новеллистики. Дело в том, что благодаря достижениям демократии, политика превращается и во всеобъемлющую, и в опасную силу. Рассказов на эту тему мало, хотя есть рассказы освещающие эту проблему на местном локальном уровне. Так, Мэтра Пушпа («Игроки в шахматы» - «Шатранж ке кхилари»), Джаинандин («Сок – не сок» - «Рас – на рас»), Девендра («Поиск революции» - «Кранти ки талаш»).

В слоях общества, именуемых бездомными, а также особо заслуживающих внимания прослойке престарелых людей произошли изменения. Потери родных, ущербность, чувство ненужности, наполняющее образ жизни этих людей приводят к появлению чувства опустошенности, безысходности положения. Примером может послужить рассказ Санджива «Мать» («Ма»), Сатьена Кумара «Незаконченное письмо» («Адхури читтхи»), Говинда Мишры «Бессидие» («Бebas»). Меняющиеся с течением времени отношения, связи представлены в рассказе Говинд Мишры «Война» («Юдх» - между отцом и сыном), Насиры Шармы в рассказе «Возвращение бога»

---

<sup>171</sup> Ома Шарма. Рассказ последнего десятилетия. Новая эстетика литературы. Дели, 2014. стр. 413

<sup>172</sup> Там же.

<sup>173</sup> Там же. стр 413.

(«Кхуда ки вапаси» - между мужем и женой), Санжея Кхати в рассказе «Температура» («Букхар» - о семье). Эти рассказы отображают жизнь средних слоев населения с их современными понятиями, представлениями, сомнениями, трудностями.

В последнем десятилетии XX века невозможно не заметить еще одну тенденцию: быстрота изменения общественно-политического сознания отсталых слоев населения и женщин. Сюда не относится литература «далит» (об униженных и бесправных) и «женская литература» (творчество женщин-новеллистов). Так, в рассказе Говинд Мишры «Какое голубое небо» («Асман китна нила хе») главный персонаж – Швета должна ехать за рубеж учиться и сохраняя столь желанную для нее свободу она говорит: «Два года – это немалый срок. Нам не следует связывать друг друга. После возвращения из Оксфорда мы поженимся, если что-то не случится. Но если до этого тебе встретится кто-то лучше меня... или мне встретится кто-то, то...». В рассказе «Ная замана» («Новое время») Чандракишора Джайсавала не получив справедливость в панчаяте за физическое насилие необразованная, слабая женщина чтобы достучаться в двери правосудия направляется в город. «В перспективе деревенского региона это не меньше чем как революция». В этом контексте заслуживает внимания и рассказ Санджива «Безбрежность океана» («Сагар симрант»). В таких рассказах поступь шагов времени можно и слышать, и видеть. Если в предыдущие десятилетия, как правомерно отмечают российские индологи, «рассказы несут в себе отпечаток новых общественных условий и ощущение душевной запутанности женщины»<sup>174</sup>, то рассказы 90-х годов раскрывают тему осознание женщиной своего места и роли в современно новых условиях, показывая социальные изменения в поведении женщины.

Сборник рассказов начала XXI века «Рынок ступеней» писательницы Мукты (лауреата премии Гьянпитх) привлек внимание индийских литературоведов, в частности Сурендра Тивари, автора рассказов, драм, романов, редактора 16 книг.

Сборник состоит из 11 рассказов, в основном, охватывающих «женскую» проблематику, но встречается и «мужская». В рассказе «На мраморной улице» («Сангмармар ки сарак пар») <sup>175</sup>. Джени, молодая девушка, верящая в прогрессивно растущую роль западной культуры, для которой любовь и секс равнозначны, считает, что жизнь с каким-либо мужчиной – это обычное, естественное явление. Но когда она влюбляется в юношу Навина, она понимает, что любовь и секс – это разные вещи. В свете всех своих предыдущих связей она считает себя недостойной Навина, не соглашается на его предложение о женитьбе и отдаляется от него. Совершенно потерянный Навин пробует потопить свое горе в наркотиках и затем погибает. Через 15 лет Джени встречается с соседкой, когда-то вместе проживавшей с ней в квартире. И теперь в ее устах звучат совсем другие слова о любви: «Я много раз думала, чтобы Навин принял меня в другом виде – как будто я рыба, а он – море, как

<sup>174</sup> Очерки истории литератур Индии (X-XX вв.). Санкт-Петербург, 2014. стр. 156.

<sup>175</sup> Сурендра тивари. «Рынок ступеней». ж. Современная индийская литература. Сентябрь-октябрь, 2007. стр. 150

будто я мотылек, а он тенистое дерево, я – голубка, а он – небо. Каждое мгновение я хотела прикоснуться к Навину, но тело продолжало оставаться препятствием. Сейчас у меня осталось только одно утешение в том, чтобы его душа нашла успокоение...».

Трагедия Джени – в неудовлетворенной потребности в истинных, высоких чувствах, взаимоотношениях. Она подменена телесной, которая лишила ее подлинной поэзии любви. Это помешало ей увидеть чудо в самой себе, что молодость свободно и бескорыстно дает и берет любовь. Через годы она поняла, что разные этапы жизни создают совершенно различные чудеса взаимоотношений. И в чувствах должна быть тонкая культура, а еще лучше – высокая. Автор нашла яркие краски для изображения возможной, но упущенной любви, любви ощущаемой душой. В монологе Джени в конце рассказа каждая деталь достоверна по-бытовому, но она же причастна к высокому обобщению и философскому иносказанию.

Таким образом, равновесие между реалистическими картинками и условными элементами, между психологической достоверностью и смелым обобщением и определяет интерес к рассказам 90-х годов и рассказам XXI века, и они ставят перед читателями такие вопросы: куда идет современное индийское общество с точки зрения решения социальных и морально-этнических проблем, каковы их последствия? Современный бешенный темп жизни и меняющиеся ценности и традиции – что в результате? Вопросы важные, значимые, неоднозначные, тем более для такой страны как многоязычная Индия.

#### **Использованная литература:**

1. Очерки истории литератур Индии. С-Петербург, 2014.
2. Ома Шарма. Рассказ хинди последнего десятилетия. Новая эстетика литературы. Дели, 2014. на яз. хинди.
3. Н. Чатурведи. Дом. Избранные рассказы. Дели, 1989. на яз. хинди.
4. Дж. Джоши. Самкалин алочна. Самкалин сахитья самачар. ян. - фев. 2014.
5. Д. Чоубей. Самкалин хинди кахани ки дуния аор самай. окт. - ноябрь. 2014.
6. Сурендра Тивари. Рынок ступеней ж. Современная индийская литература. сент. - окт. 2007. на яз. хинди.

---

#### **Улфатхон Муҳибова**

*Филология фанлари доктори, профессор, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё тиллари кафедраси, ТошДШИ*

#### **ҲИНД ЭПОСЛАРИНИНГ БОШҚА ТИЛЛАРДАГИ НУСХАЛАРИ**

*Аннотация. Ушбу мақола қадимги Ҳиндистон эпослари ва уларнинг Ҳиндистоннинг бошқа тиллардаги, хусусан, синдхи, тамили, телугу, маратхи,*

малаялам каби адабиётларга, шунингдек, қўшни мамлакатлар адабиётига, жумладан, қадимий Ява халқи, Вьетнам, Таиланд адабиётларига ҳам кириб боргани ва шу эпослар асосида уларнинг ўз миллий эпослари шаклланганлиги, улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар, эпосларнинг миллий адабиёт ривожига таъсири, эпосларнинг шарқ ва ғарб тилларига қилинган таржималари, эпослар асосида яратилган турли тиллардаги тадқиқот ишлари каби масалаларга бағишланган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Вьетнам, Таиланд Рам, насрий Сери Рам, Испытание адом Андхра Бҳагавадгита Джанака урф одатлар вейшья эпос Гопинатх шеърий Сожжение змей сюжет баёни

**Аннотация.** Настоящая статья освещает вопросы влияния древнеиндийских эпосов на южноиндийскую литературу, в частности, литературу на языках синдхи, тамили, телугу, маратхи, малаялам, а также на литературу соседних стран, таких как древнеяванская литература, таиландская и вьетнамская литература, рассматривает взаимодействие эпосов, формирование собственных вариантов национальных эпосов, сходство и различие между этими эпосами, воздействие эпосов на развитие национальных литератур Индии, переводы эпосов на восточные и западные языки, а также исследовательские работы на различных языках, касающиеся особенностей данных эпосов.

**Summary.** This article discusses the influence of ancient Indian epics on South Indian literature, in particular, literature in Sindhi, Tamil, Telugu, Marathi, Malayalam, as well as on literature of neighboring countries, such as ancient Java literature, Thai and Vietnamese literature, considers the interaction of epics, the formation of their own versions of national epics, similarities and the difference between these epics, the impact of epics on the development of national literatures in India, translations of epics into eastern and western languages, as well as research on different languages relating to specific data of epics.

Қадимги ҳинд эпослари Рамаяна ва Маҳабхарат Ҳиндистон халқлари адабиёти ривожига жуда катта аҳамият касб этган. Бу ҳақда Ҳиндистонда ҳам, ундан ташқарида ҳам жуда кўп илмий тадқиқот ишлари<sup>176</sup> олиб борилган ва ҳанузгача давом этмоқда, десак адашмаган бўламиз.

Эпослардан кейинги давр, яъни мелодий биринчи минг йиллик адабиётининг санскрит тилидаги илк ёзма адабиёт намуналари бўлган драматургия, ундан кейинги ўрта асрлар даври, яъни Бобурийлар даврида ўз тараққиёт чўққисига эришган бҳакти адабиётини тадқиқ этишда маълум бўлдики, шу даврнинг энг катта адабий мероси бўлган бҳакти адабиёти айни мана шу қадимги эпослар асосида ривожланганлигини кўрамыз. Лекин, бу ўрта аср адабий меросидаги эпосларнинг аҳамияти билан боғлиқ масалалар. Ундан

---

<sup>176</sup> Vedprakash Shastri. Shrimadbhagavad aur Sursagar ka varnya vishay ka tulnatmak adhyayan. Agra,1969. Chavly Surnarayan Murti. Teelugu Ram sahitya ka sanskritic, samajik aur neytic adhyayan. Madras,1966. Gopal Reddy. Hindi aur telugu ke Krishna kavayjn ka tulnatmak adhyayan. Maysur ва б.

аввал эса эпослар жуда кенг доирада турли миллий адабиётлар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатган. Хусусан, Ҳиндистон жанубидаги дравид тиллар гуруҳига мансуб тамил, телугу, каннар, маратхи ва малаялам тилларидаги адабиёт ривожига эпосларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга моликдир. Ҳиндистонда бугунги кундаги ҳиндулар дини (ҳиндуизм)нинг шаклланиш асосида Рамаёна ва Маҳабҳарата эпослари ётади, лекин у вақтларда бу диний таълимот вишнуизм номи билан юритилган. Жумладан, Ч.С.Муртининг ёзишича: *“Мелодий VIII асргача Андхра штатида буддавийлик ва жайнлар дини кенг тарқалган эди. Ундан кейин Шива маъбудига эътиқод (шиваизм) кучайди. Лекин, XI асрларга келиб Маҳабҳарат эпоси телугу тилига таржима қилинди... Чалукья давлатининг шоҳи Ражраж таниқли шоир Нанная Бхаттга “Маҳабҳарат” эпосини таржима қилишни топширади. Ундан кейин эпос яна икки марта таржима қилинади ва .... шу асосда эпосдаги вишнуизм (ҳиндулар дини) дини кенг тарқала бошлади”*.<sup>177</sup> XIII асрларга келиб Рамаёна эпосининг ҳам телугу тилига таржима қилиниши Андхра штатида вишнуизмни яна ҳам мустақамланишига олиб келди. Ушбу асар Андхра халқи учун кўп жиҳатдан аҳамиятга эгадир, чунки асарда ўша давр шоҳликлари, халқнинг ўша даврдаги ҳаёт тарзи, дунёқараши, телугу тилининг хусусиятлари, тарихий воқеалар ва номлар баён этилган.

Телугу тилидаги Рамаёна қадимги санскрит тилидаги Рамаёнадан **фарқи шундан иборат бўлганки**, унга Андхра халқининг шоҳлари, миллий қаҳрамонлари, Андхра штатидаги шаҳарлар, маҳаллий халқнинг урф одатлари, миллий хусусиятлари сингдирилган. Жумладан, Рамаёна воқеалари бўлиб ўтган Айодхя шаҳри ўрнига ўша давр Андхра штатидаги йирик шаҳар Ўругалнинг номи учрайди. Андхра Рамаёнасида санскрит Рамаёнасида акс этган барча воқеа ва ҳодисаларнинг, жумладан, шаҳарларда вейшьялар<sup>178</sup> жамиятининг мавжудлиги, кўчаларда зотдор отлар ва филларнинг, четдан келтирилган туяларнинг, қимматбаҳо тошлар дўконининг бўлиши кабилар ҳар иккала эпосда ҳам мажудлиги санскрит эпосининг Андхра адабиётига таъсирини яққол намён этади. Лекин, санскрит ва телугу тилларидаги Рамаёнани қиёсий ўрганган Ч.С.Мурти *“ҳар иккала эпосни ўқиган ўқувчида шимол ва жануб тушунчаси йўқолади. Рамнинг намунали образи ҳаммани ўзаро тенглаштиради, кимдир унинг аҳлоқидан таъсирланса, кимдир эътиқодидан таъсирланади”*<sup>179</sup>, - деган ҳолда Рам образининг энг муҳим, умуминсоний жиҳатларига ўз эътиборини қаратади. Рамаёна эпосининг яна бир қанча таржималари XIX асрларда ҳам амалга оширилган, улар орасида айниқса, Гопинатхнинг таржимаси алоҳида ўрин тутади, деб ёзади тадқиқотчи.

Маҳабҳарат эпоси ҳам жанубий Ҳиндистон халқлари адабиёти ривожига катта ўрин тутади. Ушбу эпос ҳинд халқи учун яна шуниси билан кадрлики,

<sup>177</sup> Chavly Surnarayan Murti. Teelugu Ram sahitya ka sanskritic, samajik aur neytic adhyayan. Madras, 1966. - Б.254.

<sup>178</sup> Вейшья: аёллар касби бўлиб, улар учун ташкил этилган махсус жамиятларда ракс тушиб, кўшиқ айтиб одамларни вақтини хуш қилиш учун хизмат қиладиган аёллар.

эпос мазмуни таркибида ҳиндуларнинг муқаддас китоби “Бхагавадгита”<sup>180</sup> (“Худо қўшиқлари”) китоби ҳам етиб келган. Эпос таркибидаги айни мана шу китоб бутун Ҳиндистон халқлари адабиётининг ҳар бир даврига турли тарзда кириб борган. Қайси бир миллий адабиётда ҳиндуизм билан боғлиқ қандайдир асар яратилса, ёки ундан образ, сюжет ёки мотив олинса, албатта, у Маҳабхарата ёки Рамаэна эпоси билан боғлиқ саналади. Жумладан, ўрта асрларда яратилган бхакти адабиёти бутун мазмун моҳияти билан Рам ёки Кришна билан, демак, Маҳабхарата ва Рамаэна билан боғлиқдир. Чунки, бхакт шоирлар ўз ижодида Рам ёки Кришнани тарғиб қилиш мақсадида тинимсиз эпосларга мурожаат этганлар ва ўрта асрларда мана шу санскрит тилидаги икки эпос халқ тилларида яна қайта яратилган. Кришнабхакт шоирлар Маҳабхарата эпосини, рамбхакт шоирлар Рамаэна эпосини қайта яратганлар. XX асрда санскрит тилидаги қадимий эпослар билан ўрта асрларда халқ тилларида қайта яратилган эпосларни қиёслаш бўйича кўпгина тадқиқот ишлари амалга оширилган. Улардан бири Вед Пракаш Шастри 1969 йилда “Бхагавадгита ва Сурсагар” номли китобини нашр эттирган. Унда бхакт шоир Сурдаснинг Маҳабхарата эпоси асосида яратилган Сурсагар асари, Бхагавадгита ва Андхра халқининг Андхра Маҳабхагада асарларини қиёслаб “Бхагавадгита”га Андхра Маҳабхагада асари ҳар жиҳатдан яқин эканлигини аниқлаган<sup>181</sup>.

Эпосларнинг қўшни халқлар адабиёти ривожига таъсири масаласига келсак, бунга биргина рус тадқиқотчиси В.И.Брагинскийнинг малай тилидан ўгирилган антологиясининг кириш қисмида ёзган ушбу сўзларини мисол келтириш мумкин: *“Примером литературного синтеза может служить само малайское литературное самосознание, которое в ряде аспектов определяется, с одной стороны, санскритской (в древнеяванском варианте), а с другой – мусульманской эстетикой и также представляет собой их сплав”*<sup>182</sup>.

Антологияда ҳиндларнинг “Рамаэна” ва “Маҳабхарата” эпосларининг малай тилида яратилган нусхаларининг рус тилига таржимаси келтирилган. Қадимий Ҳиндистоннинг қадимий Явага таъсири нафақат адабиётда балки, ҳар соҳада бўлган. Биринчидан, тилига, хаттоки бугунги кунда ҳам малай ёки индонез тиллари “малай бхаса”, “индонезия бхаса” дейилади, яъни малай тили, индонез тили, деб қўлланилади. Бхаса сўзи санскрит тилида “бхаша” деб талаффуз қилинади ва “тил” деган маънони англатади. Шунга кўра ҳиндий тили ҳам “ҳинди бхаша” дейилади. Бундай мисоллар жуда кўп. Мавзуга яқинлашиш учун ўша эпосларга мурожаат этамиз.

Ҳиндларнинг “Рамаэна” эпоси малай тилида “Сери Рама ҳақида қисса” деб номланган. Бу асар малакка салтанатида XII асрлардн бошлаб оғзаки тарзда тарқала бошлаган, лекин унинг кенг тарқалган вақти XV-XVI асрларга тўғри келади. Малай халқи эпоснинг умумий мазмуни сақланган ҳолда, унга айрим

<sup>180</sup> Бхагавадгита бхагван - Худо, Яратган ҳамда гита - қўшиқ деган маънони англатади. Китоб эса “Худонинг қўшиқлари ёки сўзлари” деб таржима қилинади. Унда Маҳабхарата персонажларидан маъбуд Кришнанинг Аржунга берган борлик, Олий рух, инсон ва ҳаёт ҳақидаги ўғитлари ётади.

<sup>181</sup> Вед Пракаш Шастри. Шримадбхагада аор Сурсагар. Агра, 1969. - Б.152.

<sup>182</sup> В.И.Брагинский. “Сказания о доблестных, влюбленных и мудрых номли”. Антология классической малайской прозк. М.,1982. – С.18.



Ўзгартиришлар киритиб малайча “Рамаяна” эпосини яратган. Малай ва ҳинд эпосларидаги персонажларни қиёслайдиган бўлсак, улар ўртасидаги фарқ унчалик катта эмаслиги кўзга ташланади, масалан, ҳинд ва малай эпосидаги ном ва атамаларни келтирамиз – Вишну- Махабисну, Дашаратха-Дасарат, Лакшман –Лаксамана, ракшас-раксаса, Хиранеьякашип-Сиранчак ва х.к. Айрим номлар ўзгармаган, улар Сита Деви, Равана, Махаража ва бошқа бир қанча. Лекин, айрим номлар соф малайчага ўзгартирилган, жумладан, Серенди тоғи, шаҳарлар Бирусаха, Лагур Катагина, исмлар Бибисанама, Сура Паедаки, Партала Сегенда ва бошқалар. Икки эпосни қиёслашда умумий бош сюжет сақланганлиги (12 йиллик сургун ва бошқа воқеалар) ва айрим киритма сюжетлар малай халқига мослаштирилганини кузатиш мумкин.

Қадимий Ява халқи айрим тарихий ёзувлар ёки оғзаки етиб келган маълумотлар орқали тахмин қиладики, малай халқи ҳиндларнинг “Махабхарата” эпоси билан IX асрлардаёқ таниш бўлган. Лекин унинг ёзма нусхасига келсак у фақат XV аср бошларига тўғри келиши аниқланган. Малайлардаги “Махабхарата”нинг илк нусхаси “Беш пандавлар ҳақида қисса” номи билан яратилган. Бу икки эпосларда ҳам исмлар малай тилига мослаштирилган, яъни Хастинапур-Астинапур, Бхим-Биму, Аржун-Аржуну, Накул-Сакулу, Сахдев-Садеву, Гхатоткач-Гатотача, Абхиманью-Абиманью, лекин бутунлай ўзгартирилган номлар ҳам бор, Юдхитхир-Дармавангсу ва бошқалар.

Демак, ушбу кичик бир мақолада икки катта эпоснинг қиёсий таҳлилини бериш имкон доирасида эмаслигини таъкидлаган ҳолда шуни аниқ айтиш мумкинки, Малайзия ва Индонезиянинг қадимий Ява давридаги адабиёт Ҳинистоннинг икки йирик эпоси “Рамаяна” ва “Махабхарата” эпослари асосида ривожланганлигига гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Бу икки эпос яратилганидан бери турли тилларга ёки ўгирилади, ёки улардан андоза олган ҳолда бошқа худди шундай эпослар бошқа миллий тилларда яратилган. Жумладан, Вьетнам ва Таиланд<sup>183</sup> халқлари адабиётида ҳам ҳинд эпосларидан нусха кўчирилганининг гувоҳи бўламиз...

Навбатдаги масала эпосларнинг таржималари ва улар бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ҳақидаги маълумотларга эътибор қаратишдан иборат.

“Рамаяна” ва “Махабхарата” эпосларининг ҳинд тилларига ва хориж тилларига таржималарини амалга ошириш ишлари ўрта асрлардан бошланган. Жумладан, бобурий шоҳлардан [Акбар шоҳ топшириғи билан](#) XVI асрда [Бадауни](#) томонидан форс тилига таржима қилинган. Кейинчалик биргина “Махабхарата” эпосининг ўзи синдхи, тамил тилига (IX аср), телугу (Нанная Бхатта XI аср; Тиккана XIII аср, Эррана XIV аср), каннара (XV аср), малаялам, маратхи, (Муктешвар XVII аср), бенгал (30 дан ортиқ таржима нусхалари) ва бугунги замонавий ҳиндий (XIX асрда) тилларига ўгирилган.

**Хориж тилларидан** - араб тилига (Абу Салиха ибн Шуаиба ибн Джами), форс тилига («Маджма' ат-таварих» номи билан), қадимий яван тилига (X аср), француз тилига (инглиз тилидан XVIII асрда), немис тилига (XIX асрда Ф.

<sup>183</sup> Осипов Ю.М. “Сказание о Раме в Сиаме (Таиланде)” М.:1974.

Шлегель таржимасида), итальян тилига (XIX аср), инглиз тилига (XIX асрда ва 2003 йилда Дж. Л. Фицджеральд таржимасида), рус тилига (1840—1850 йиллар илк таржима, XX асрда тўлиқ таржимаси [В. И. Кальянов](#) томонидан), АҚШда инглиз тилида (2005 йилда нашр этирилган) таржима қилинган.

Эпоснинг булардан ташқари яна сюжетлар баёни, шеърый ва насрий таржималари ҳам эълон қилинган. *Сюжет баёни* А.Г.Смирнова (1899 й.), Г.Ф.Ильин (1958й.), Э.Н.Темкин ҳамда В.Г.Эрманлар (1963) томонидан рус тилига таржима қилинган. *Насрий таржималари* рус ҳиндшунос олими П.А.Гринцер томонидан, шунингдек, «Испытание адом» (1997), «Диалог Джанаки и Яджнавалкьи», «Царь Джанака и отшельница Сулабха» (2002й.).

*Шеърый таржималаридан* рус тилида “Сожжение змей” (1958й.), Махабхарата (1969й.), Махабхарата. Рамайна (1974й.), Махабхарата (2000й.) каби таржималар нашр этилган.

Эпослар кўпгина монографик тадқиқотларга ҳам асос бўлган, жумладан, Древнеиндийский эпос (П.А.Гринцер, 1974), “Сказание о Раме в Сиаме (Таиланде)” (Осипов Ю.М., 1974й. ёки 1984), “Главная героиня древнеиндийского эпоса Махабхарата и эпоса телугу” (Е.В. Танонова, 2011й. дисс. автореферати),

Инглиз тилидаги монографик тадқиқотлардан Indian Influences on English, American and European Literature, Asia Society. (P. Lal, 2001й.)

Ҳиндий тилида эса “Mahabharat ke adhar par rachi gayi rachnaen” – “Махабхарат асосида яратаилган асарлар” номли монография нашр этилган.

Хулоса қилиб айтганда, қадимий ҳинд эпослари “Рамайна” ва “Махабхарата” билан боғлиқ ушбу мақола кўлимизда мавжуд манбалар асосида тайёрланди. Аслида, ушбу мавзу бўйича катагина монографик тадқиқот ишини ёзиш имконияти мавжуд ва бу келажак ишларга дебеча бўлади деб умид қиламиз, зеро, ҳар икки эпос ҳам ҳақиқатан ҳам жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган, жаҳон халқлари адабиётида эпик жанрдаги илк ва жуда катта ҳажмдаги қаҳрамонлик эпослари бўлиб, уларнинг мазмунида инсон ҳаёти, олам, борлик, жамият, давлат, миллат ва инсонлар ўртасидаги мавжуд жамики муносабатлар ҳақида зарурий илмлар баён этилган. Шу боис ҳам улар ўрта асрлардан бери жаҳоннинг кўпгина тилларига ўгирилиб келинган ва ханузгача бу иш давом этиб келаётганига ҳеч қандай шубҳа йўқдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

#### **Рус тилида:**

1. Древнеиндийский эпос. -М.:1974. Б.7
2. Древнеиндийский эпос. М., 1974.
3. «Испытание адом». СПб, 1997. С.51-84.
4. Махабхарата. Калининград, 2002. (Диалог Джанаки и Яджнавалкьи.
5. Махабхарата. М., ХЛ. 1969.
6. Махабхарата. Рамайна. М., ХЛ. 1974.
7. Махабхарата. М., 2000. (336 стр).
8. Осипов Ю.М. Сказание о Раме в Сиаме. М.:1984. Б.271
9. Осипов Ю.М. “Сказание о Раме в Сиаме (Таиланде)” М.:1974.

10. Сказание о доблестных, влюбленных и мудрых. Антология классической малайской прозы. Москва, 1982.

11. Сожжение змей. М., ГЛИ. 1958.

12. Танонова Е.В. "Главная героиня древнеиндийского эпоса Махабхарата и эпоса телугу". Дисс. автореферати. Спб., 2011.

13. Царь Джанака и отшельница Сулабха. 71 стр.)

#### **Хиндий тилида:**

14. Махабхарат ке адхар пар рачи рачнаен. (Махабхаратага асосланган асарлар). Дехли.

#### **Инглиз тилида:**

15. Lal P. Indian Influences on English, American and European Literature, Asia Society. 2001

---

### **Адхамбек Алимбеков**

*Филология фанлари номзоди, доцент, Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси, ТошДШИ*

## **НАВОИЙ ВА ҲУСАЙН БАЙҚАРО ДРАМАСИ БАДИИЯТИ**

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Навоий ва Бойқаро" драмасы таҳлил қилинади. Асарнинг драматургиямиздаги аҳамияти, унинг адабиётимиз учун қай даражада янгилик бўлганлиги, асар гоёси ҳақида фикр билдирилади. Драмада Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг бир умр ажралмас дўст бўлганлиги тарихий ҳақиқатга мос равишда бадиий тарзда очиб берилганлиги кўрсатилади. Мақолада асардаги образлар – Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Ҳадича Бегим, Бадиуззамон, Беҳзот, Хондамир ва бошқа образларнинг драмада қандай яратилганлиги ҳақида ҳам сўз юритилади. Мақолада Алишер Навоий ҳақида шўролар даврида ёзилган асарларда, хусусан Уйғун ва Иззат Султонларнинг "Алишер Навоий" драмасыда замонасининг таъсири бўлганлиги, зотан у вақтда яратилган асарларда ҳукмрон мафкуранинг таъйиқидан қутилиб бўлмалиги ҳам яхши кўсатилган. Драмани ёзишдан драматургнинг мақсади Навоий ва Бойқаро орасидаги узилмас ришталарни тасвирлаш эканлиги ва муаллиф буни муваффақиятли амалга оширгани ёритиб берилган. Мақоланинг асосий мақсади муаллиф олдида қўйган гоё асарнинг моҳияти Навоий ва Ҳусайн Байқаро дўстлигини бадиий тарзда қандай ёритганлигини кўрсатишидир.

**Таянч сўз ва иборалар:** Хуросон, валиаҳд, вазири аъзам, маҳди улё, музаввир, девон, муаррих, хаттот, ясовулбоши, амирлашкар, тавжжсуҳ, марғуб, канизак.

**Аннотация.** В статье анализируется драма "Навои и международные богатеи" народного писателя Узбекистана Мухаммеда Али. Важность произведения в нашем драматурге, в какой мере оно является новинкой для нашей литературы, выражена идея произведения. В драме показано, что

*Алишер Навои и Хусейн Бойкаро были друзьями на всю жизнь и художественно раскрывались в соответствии с исторической действительностью. В статье также рассказывается о том, как создавались образы в произведении – Алишер Навои, Хусейн Бойт Интернешнл, Хадич Бегим, Бадьюзамон, Бехзат, Хондамир и другие образы в драме. В статье хорошо отражено в произведениях об Алишере Навои, написанных в советский период, в частности, то, что гармоничные и изысканные султаны имели влияние своего времени в драме "Алишер Навои", и что они не могли избавиться от гнета господствующей идеологии в произведениях, созданных в то время. Цель драматурга из сочинения драматурга состояла в том, чтобы изобразить нерушимые узы между Навои и Интернационалом, и автор успешно это осуществил.*

**Опорные слова и выражения:** *Хорасан, наследный принц, министр-член, Махди, Музаввир, Девон, муаррих, Хатт, ясовулбаши, Амирлашкар, тавдждюх, маргуб, канизак.*

**Summary:** *The article analyzes the drama "Navoi and Khusein Baykara" written by Uzbek writer Mukhammad Ali. Article distinguishes importance of the drama in dramaturgic field, novelty and ideology. In the drama, literary described deep friendship between Alisher Navoi and Khusein Baykara based on historical facts. Described about main characters of the drama - Alisher Navoi, Khusein Baykara, Khadija Begym, Baddiuzzaman, Behzad, Khandamir etc. The article is well reflected in the works about Alisher Navoi written during the Soviet period, in particular, that the harmonious and Izzat Sultan had the influence of their time in the drama "Alisher Navoi", and that they could not get rid of the yoke of the dominant ideology in the work created at that time.*

**Keywords and expressions:** *Khorasan, crown Prince, Minister member, the Mahdi, Musavvir, Devon, muarry, the Hutt, soulbury, Mirlacher, tujuh, margub, kanzak.*

**Кириш.** Хусайн Байқаро ва Алишер Навоийнинг муносабатлари хусусида турлича қарашлар мавжуд. Собиқ шўролар даврида ёзилган асарларда уларни бир-бирга қарама-қарши қўйиш ҳолалири ҳам мавжуд. Ваҳоланки, тарихий ҳақиқат бошқача. Улар бир умр ажралмас дўст бўлганлар. Мақолада Навоий ва Хусайн Байқаро ўртасидаги муносабатлар тарихий ҳақиқатга мос равишда талқин қилинган кўрсатиш асосий масаладир.

Мақолада Навоий ва Хусайн Байқародан бошқа тарихий шахслар: Хондами, Бехзод, Бадиуззамон, Ҳадичабегим образлари ҳақида ҳам фикр юритилади.

**Мақсад ва вазифалар.** Мақолада Алишер Навоий ҳақида шўролар даврида ёзилган асарларда, хусусан Уйғун ва Иззат Султонларнинг "Алишер Навоий" драмасида замонасининг таъсири бўлганлиги, зотан у вақтда яратилган асарларда ҳукмрон мафқуранинг таъйиқидан қутилиб бўлмаслиги ҳам яхши кўсатилган. Драмани ёзишдан драматургнинг мақсади Навоий ва Бойқаро орасидаги узилмас ришталарни тасвирлаш эканлиги ва муаллиф буни

муваффақиятли амалга оширгани ёритиб берилган. Мақоланинг асосий мақсади муаллиф олдиға қўйган ғоя асарнинг моҳияти Навоий ва Ҳусайн Байқаро дўстлигини бадиий тарзда қандай ёритганлигини кўрсатишдир.

**Усуллар.** Мақола мавзусини ёритишда, асосан, қиёсий-тарихий ва тавсифлаш усулларидадан фойдаланилди.

**Натижалар ва мулоҳаза.** Улкан адибларнинг адабиётнинг турли жанрларида ижод қилиши истеъдод салоҳиятидан далолат. Муҳаммад Али драматургия жанрида ҳам қалам тебратиб бир нечта асарлар ёзди. Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа уйи 2018 йили адибнинг драматик асарларини “Навоий ва Бойқаро” номида китоб қилиб чоп этди. “Навоий ва Бойқаро” ўн бир кўринишли тарихий драма прологи билан, “Амир Темурнинг келини” ўн икки сахнали радиоспектакль “Жаҳонгир Мирзо” романи асосида ёзилган. Қорақалпоқ халқ эпоси “Маспошшо” мотивлари асосида битилган 4 парда 9 кўринишли “Маспошшо ва Ойпарча” радиоспектакли, “Улуғбек Мирзонинг сўнгги куни” тўрт сахнали пьесаси, “Рамаёна” эпоси мотивлари асосида ёзилган тўрт парда, пролог ва эпилог билан ўн бир кўринишли тарихий драмаси китобдан жой олган. Буларнинг ичида “Навоий ва Бойқаро” драмаси Муҳаммад Алининг драматургик маҳоратини кенгроқ намоён қилгани билан яққол ажралиб туради.

Ўзбек адабиётида улуғ Алишер Навоий мавзуси алоҳида масала. Навоий мавзуси муқаддас, ёритилиши жиҳатидан жуда мураккабдир, бемисл меҳнат, изланишни, ижод моҳиятини англаб олишни талаб этади. Уни уйдлаш осон иш эмас. Навоий ижоди – чиндан ҳам, уммон каби теран, унинг тубига етиш мушкул. Уни ўрганиш учун, йиллар, умр етмайди. Бадиий адабиётда у ҳақда асарлар бармоқ билан санарли: улуғ адиб Ойбекнинг “Навоий”, “Тули ва Навоий”, О.Мухторнинг “Навоий ва рассом Абулхайр” номли асарлари, Иззат Султон ва Уйғунларнинг “Алишер Навоий” драмаси, “Навоий Астрободда”, “Навоий Самарқандда” сингари сахна асарлари, ҳикоялар, дostonлар, шеърлар ёзилган.

Халқ тарихида ўтган улуғ шахс сиймосини бадиий адабиётда ёритиш бу тарихий шахсни халққа янада яқинлаштиришга, ўқувчини эса ўша тарихга ошно қилишга холис хизмат этади. Навоий шундай даҳоки, унинг захматларга тўла ҳаёти, буюк ижоди ўнлаб, юзлаб асарларга мавзу бўла олади. Лекин бир жиҳати бор: яширишнинг ҳожати йўқ, бу мавзуда қалам тебратишга ҳамма ҳам журъат қилавермайди. Жуда масъулиятли вазифа! Эҳтимол, шу сабабли улуғ шоир ва мутафаккир ҳақида асарларимиз камдир. Амир Темур ҳақида роман-эпопея яратган адиб Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али дадил бу мавзуга қўл урди, қўл урганда ҳам, бор масъулиятни сезиб, бу ишга киришди: у “Навоий ва Бойқаро” (2015) номли тарихий драмасини яратди. Беш пардали драма классик услубда ёзилган бўлиб, прологи билан ўн бир кўринишдан иборат. Драма даставвал “Жаҳон адабиёти” журнали, (2016 йил, 9-10-11 сонлар)да эълон қилинди. Кейин “Навоий ва Бойқаро” китобидан жой олди (Чўлпон нашриёти, 2018).

Қизиқарли сюжет асосига қурилган бу драмада адабиётимизда илк марта улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ва Хуросон подшоси Султон Ҳусайн

Бойқаро ўртасидаги садоқату ихлосга йўғрилган буюк дўстлик ўқ томир қилиб олинадиган ва юксак пардаларда тараннум этилади. *“Асарда мени ўйлантирадиган жиҳат ягона, бу зоя – деб ёзади Габриэль Маркес. - Унинг зояси ўқувчини қизиқтириши учун аввал ўзимни маҳлиё этиши керак. Мен асло кўрмаган, билмаган ва ҳис қилмаган нарсам ҳақида ёзмайман. Агар қаҳрамонимнинг руҳиятига киролмасам, асарнинг туғилишини орзу қилмасам ҳам бўлади”.* (“Асар туғилади, ёзувчи ўлади”, “Китоб дунёси” 2016. 9 ноябрь).

Навоий ва Бойқаро ўртасидаги бутун умр мазмунига айланган узилмас дўстлик рўшнолигини, роҳат-фароғату машаққатини чуқур ҳис қилгани, асар қаҳрамонининг руҳиятига кира олгани учун ҳам Муҳаммад Али шу мавзунини дадил танлади, дейиш мумкин.

Адиб ўз ижодий ниятига қандай эришганини кузатишдан олдин, бир ҳолатга диққатни қаратмоқ лозим бўлади.

Алишер Навоий ҳақида ёзилган драматик асарларнинг энг машҳури Иззат Султон ва Уйғунларнинг “Алишер Навоий” драмаси бўлиб, шу мавзудаги асарларнинг энг сараларидан саналса-да, замонасозликдан, тузумнинг мафкуравий тазйиқидан ҳоли эмасди. Умуман, собиқ шўролар даврида нафақат мазкур драма, балки ўша даврда яратилган барча асарларда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин эди.

“Алишер Навоий” драмасининг ёзилганига етмиш беш йил бўлди. Замонасозликка бориб бўлса ҳам(бошқа иложи ҳам йўқ!) Алишер Навоийни жамият ичига олиб кириш(сал бўлмаса, шоирни “сарой адабиёти”га киритиб кўйишлар ҳам мумкин эди), уни адабиётимиз қуёши эканини таърифлаш, халқ вакили қилиб кўрсатиш, подшога муҳолиф сифатида талқин этиш(эсингиздами, фарзандлар жанжалларидан ҳориган, бемор Бойқаронинг “Саройда қолинг, Алишер!” деган илтижосига, Навоий қатъий қилиб: “Кетаман! Халқимга, ижодимга!” дейди ва бизлар саҳнада бу манзарани кўриб, олқишлаб қарсақлар чалганмиз!) йўлидан борилган. Тарихан чекинишлар ҳам кузатилади. Чунончи, Мўмин Мирзо қатл этилишида Мажидиддиннинг ҳеч алоқаси йўқ, Мажидиддин Мўмин Мирзо фожиасидан уч йил олдин оламдан ўтган эди. Навоий севгилисидан Гулини ҳарамга олиб кетганларини эшитиб, подшо ҳарамига(?) тап тортмай кириб келади, ҳатто Ҳусайн Бойқаро кўз ўнгида Гулини кўлида кўтариб олиб чиқиб кетади... Бунга ақл бовар қилмайди, кўнгил кўтармайди. Бу ҳолатлар, албатта, мантиқан тўғри эмас!

Муҳаммад Али ўз асарида мавзуга мутлақо янгича ёндошади. Кўз олдимизда бошқа Навоий ва Бойқаро намоён бўлади. Ёзувчи тарихий адолат, ҳақиқатни тиклаб берди. Тарихий адолат аслида нимадан иборат эди? Биз драмада Алишер Навоий билан Султон Ҳусайннинг болалиқдан то умрининг охиригача ялакат мағиздай қадрдон ва ажралмас дўст бўлганларини, бири бирига яшолмасликларини, ҳар қандай шароитда ҳам Навоийнинг дўстини ташлаб кетмаганини, кетолмаслигини, дўстни севганда қусури билан севиши лозимлигини, мухтасар айтсак, мустаҳкам дўстлик шарафланганини кўрамай. Ҳусайн Бойқаро, шоҳ ва шоир, Навоий асарларининг муҳаррири, “Ҳазойин ул-маоний”дай улкан куллийетни жамлашга, девонлар тузишга илҳомлантирган, ундаган, кўмак берган азиз инсон ва дўст! Навоийнинг ўзи бу ҳақда, агар

Султони Соҳибқирон ҳиммат кўргизмаганларида, “Хазойин ул-маоний”дек “душвор иш”ни битириб бўлмас эди, дейди. Куллиётни тайёрлаш жараёни ҳақида эса Навоий шундай ёзади: “...ашъор... эллик, олтмиш ё юз газалга яқин йигилса эрди, ҳазрати Султони Соҳибқироннинг фирдвосо суҳбатидаву сипеҳрфарсо ҳазратида ҳозир қилиб арзга еткурур эрдим ва ул ҳазрат аларга шафқат юзидин боқиб(яъни синчиклаб ўқиб), қайси маъно шўхнингким таркиби хилъатида ва алфози кисватида бетакаллуфлик (яъни гализлик, хато) кўрса, ўз ганжинани замири хизонасидин муносиб алфоз(сўз) била ул либосларга тағйир(яъни таҳрир қилиб) бериб ва ул алфоз кисватида санойиъ жавоҳиридин номуносиблиг(яъни ўрнига тушмаган иборалар учраса) маълум қилса, ўз хизонайи хотири ганжхонасидин ёқуту лаъли рангин ва гавҳару дурри самин била ул зебу зийнатга табдил(ўзгартириб) еткуруиб, ҳар газални тартиб юзидин ўз ўрнига рақам қилур эрди...”<sup>184</sup> Икки дўстнинг бир-бирига меҳрибонлиги, эътибори, жонкуярлиги, фидойилиги нечоғлик ибратли! Бундай дўстликка тан бермай илож йўқ. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” саккизинчи мажлисини тўлиқ “Султони соҳибқироннинг(яъни Султон Ҳусайннинг – А.А.) латиф табъи натойижи зеболари”(яъни ғазаллари) тавсифига бағишлагани ҳам диққати шоён ҳодиса-да!

Қанчалар оғир ҳаётий синовларга(масалан, Навоий бағоят ардоқлаган, катта умидлар боғлаган юксак салоҳиятли Мўмин Мирзо қатли каби оғир фожиа) дуч келганига қарамай, бу дўстликнинг бузилмагани, собитлиги икки тарихий шахснинг буюк қалб эгалари эканидан нишона. Бу улуғ дўстликни бадий акс этдириш нияти, авлодларга ўртак қилиб кўрсатиш ғояси муаллифга тинчлик бермагани шубҳасиз. Дўстлик лейтмотиви асар мазмунига, зимнига сингдириб юборилган, уни ичидан нурлантириб туради.

Драманинг муқаддимаси рассом Беҳзод ва тарихчи Хондамир учрашувидан бошланади. Хондамирнинг тилидан айтилган қуйидаги мисраларда асарнинг ёзилишдан мақсад ўз ифодасини топгандек:

*Бундай дўстлик учрамагай ҳануз жаҳонда!  
Васф этсалар арзир уни шеърда, дostonда!  
Султон ила Алишернинг тарихи ажиб,  
Бир-бирига болаликдан эрурлар ҳабиб...*

Тарихчи Хондамир Беҳзодга Алишер билан Ҳусайн болалик чоғларида мактабда бирга сабоқ олиб юрганларида бўлган воқеани ҳикоя қилади. Устоз бир бош ва қилич расмини чизиб шогирдларига шарҳлашни буюрибди, ёш Бойқаро қиличга, Алишер эса бошга шеър битибдилар. Буни кўрган устоз мамнуният ила, Ҳусайнга саркарда бўлиб юрт тузишни, Алишерга эса, унинг сўзларида илоҳий учкун кўрганини, бир кун олов бўлиб ёнажагини, бинобарин буюк шоир бўлишини башорат қилгандек сўз айтади, ялакат мағиздек ажралмас дўст бўлингизлар, дея дуо қилади:

<sup>184</sup> Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. . Т., 2011. Ғаройиб ус-сигар. 16-17-бетлар.

*Умид ила устоз шундоқ қилибди дуо:  
“Дўст бўлингиз, кўриб қолсин ҳайратда дунё!  
Алишер ва Ҳусайнбек – ялакат магиз,  
Ҳар иккинги бўлинг азиз, азиздан азиз!..”*

Ҳаётда бундай бўлган ё бўлмаганидан қатъи назар, муаллиф асарни безашда шундай ривоятлардан фойдаланадики, бу асар мазмунини теран очишга хизмат қилади, бойитади. Асарнинг бундай сўзлар билан бошланиши бўлажак воқеаларга ишора, асар маъзини англашга йўналтирилган калитдир. Алишер Навоийни яхши билган, унга ҳурмати баланд бўлган шахс (Хондамир) тилидан айтилган худди шу сўзларда муаллиф нимага икки буюк шахс дўстлигини асарга мавзу қилиб олганини асослайди.

Биринчи кўринишдаги Бойқаронинг сўzlари унинг Навоийга бўлган муносабатини аниқ кўрсатади:

*Ғазал мулкин султони ул, Соҳибқирони,  
Жаҳонларни айлағай жам унинг жаҳони.  
Она тилин ардоқламиш, меҳру ҳавас-ла,  
Ўлгон тилга жон, руҳ бермиш, Масиҳ нафас-ла.*

Яна, шунингдек, Бойқаронинг:

*Низомиддин Мир Алишер – низоми диндур,  
У ўз халқин виждонидур, бу – ҳақдир, чиндур!*

каби сўzlари Бойқаронинг Алишер Навоийга нечоғлик ҳурмати баланд эканини намоён этади. Тарихий шахслар ҳақида ёзилган асарларда уларнинг ўзлари ёзган адабий меросидан имконини топиб меъёрида истеъфода этиш қаҳрамонлар тийнатиини очишда жуда қўл келади. Драматург бундай усулдан унумли фойдаланган. Қуйидаги сатрларда Мўмин Мирзонинг қатлидан дили озурда Навоийнинг изтироблари, нолалари жуда таъсирли ифодаланган::

*Кўриб, нега тушмайди ой ерга узилиб?  
Нега кўриб осмон тоқи кетмас бузилиб?  
Мангу осмон тўнқарилиб қуламас ғамдан?  
Офтоб чак-чак бўлиб оқмас эриб аламдан?..*

Бойқаронинг:

*Ота –ўғил тил тополмас дунё экан бу,  
Олтин қадаҳ тутадую – ичида оғу... -*

сўzlари бағоят ишонарли чиққан, қаҳрамонлар руҳиятини ўзида тўлиқ акс этдиради, кўнгилларни титратади.

Алишер Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг мушоираси, ёки Алишернинг Мўмин Мирзо билан учрашуви, шоирнинг мирзога айтган “Умидим шул, омон бўлу умидингга ет!” сўzlари шоир кўнглини яққол очиб беради. Бу нутқларда



персонажларнинг ички дунёси ниҳоятда ишонарли ва таъсирли тарзда ифодаланганини кўрамиз.

Навоий билан Ҳусайн Бойқаронинг диалогда Қуръон тутиб дўст бўлишган икки шахснинг бир-бирига муносабати жуда теран очилган. Дўстни ҳимматию қусури билан севиш, минг бало келса-да қасамни бузмасдан қалб нури билан ардоқлаш туйғулари ниҳоятда таъсирли сатрларда ифодаланади. Бундай бўлиш учун шахс, ким бўлишидан қатъи назар, буюк инсон мақомида бўлиши керак. Драмада сўз сиғмаган ҳолатларда паузалар, қаҳрамонлар ҳолатларини тасвирланишига эътибор қаратилади. Алишер Навоийдек буюк шоирни шеърда гапиртириш... бу ниҳоят мушкулдир, лекин, муаллиф бунинг уддасидан чиқа олгани таҳсинларга лойиқ. Бунга қувониш керак.

Навоийнинг дўст сифатида, юрт қайғусини ўйловчи давлат арбоби сифатида қилган ишларидан яна бири – Бойқаронинг ўғли Бадиуззамон билан яраштириб қўйгани, яъни юртга кўп талофат келтирувчи урушнинг олдини олганлигидир. Алишер Навоий шундай сўзларни топиб айтадики, қилич яланғочлаб турган ўғил пушаймон еб, феълидан қайтиб, ота хузурига келишга рози бўлади:

*Расулulloҳ дебдурларки, тангри таоло-  
Ризо бўлур магар ота қачонки ризо!  
Ҳайхот, ота газабига учраган ўғлон,  
Худонинг ҳам газабига қолгай бегумон!  
Адиб Аҳмад дейди: бўлсун фарзандлар ҳушёр:  
Ота хато қилса, хато саналмас зинҳор!  
Савоб дея қабул қилгил ота хатосин,  
Даф этгай сўнг тангри чархнинг минг бир балосин!*

Отанинг улуғлигини хўп таърифлаган Алишер Навоий ўғлидек кўрадиган Бадиуззамонга: “Отам заифлашиб қолди деб ўйлаб шу ишларни қиляпсизми?”- дея айтган қуйидаги сўзлари бугунги кунда ҳам ҳар бир фарзанд қулоғига қуйиб оладиган сўзлардир:

*Асл фарзанд айни ота заифлигида  
Эъзоз айлаб, савобларга қолади жуда!..  
Ҳушёр бўлинг: ота кучи ҳар ишидадур,  
Ота кучи - дуосию қарғишидадур!*

Драма иштирокчиларининг аксарияти тарихий шахслар. Бадиий тўқима сифатида кирганлар ҳам, асар асосий ғоясини очишга, бош қаҳрамонлар образининг ёрқинроқ чиқишига хизмат қилганини айтиб ўтиш керак.

Драманинг яна бир жиҳати, асарда олимларга, умуман Навоий атрофидаги ижодкорларга кенг ўрин берилганидир. Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод, тарихчи Хондамир, Муҳаммад Бадахший (олим, Навоийнинг дўстларидан), моҳир хаттот Султон Али Машҳадий шулар жумласидан. Катта истеъдод эгаларининг инсонийликда ҳам ҳамиша ўрناق эканлиги Навоий тимсолида намоён бўлган.

Асарда Бойқаронинг суюкли рафикаси Ҳадича-бегим, бепарзанд Опоқ-бегим, канизаклар Давлатбахт, Сумансолар образлари ҳам ҳар бирининг мавқеига яраша чиройли, ишонарли, муносиб чизилган. Маҳди улё Ҳадича-бегимнинг кирдикорларидан безган Бадиуззамоннинг куйидаги фикрлари аёлларга умумий берилган баҳодек:

*Аёл киши яхши бўлса, унга баҳо йўқ,  
Аёл киши, ёмон бўлса, унга даво йўқ...*

Уларни яхши ёмон - икки қутбга ажратиш нотўғри бўлурди. Аммо ҳар бирининг ўз манфаати йўлидаги ҳаракатлари уларнинг кимлигини кўрсатади. Сумансо: “Сўзлаб беринг, опа! Ишқ эртагин эшитмак ҳам савобдир! Ишқ достони дардга даво, дейдилар!» сўзлари ҳазрат Навоий ижодидаги ишқи илоҳийни улуғланишига, ишқни кўнгил беагаги деб билишига ишорадек.

Давлатбахт-бегимнинг Алишер кимнидир севгани, ва бу қиз ногаҳон бетобланиб вафот этгани, шунинг учун Алишер дунёдан ёлғиз ўтмоқликни ихтиёр этгани ҳикоя қилиши, ҳатто шоирнинг шу ҳақда ёзган рубоисини келтириши ўқувчини ишонтириш кучига эга. Навоийнинг кўнглида ишқ бўлмаса шундай ишқ олови ёниб турган шеърлар ёзармиди!

Асардаги аёллар образининг бошида Ҳадича-бегим туради. Унинг ўзига хос характери, шижоати, худбинлиги, макри яхши очилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, шу вақтгача ёзилган тарихий асарларда Ҳадича-бегим персонаж сифатида талқин қилинарди. Драмада у илк марта бош қаҳрамонлардан бири сифатида намоён бўлади, Мўмин Мирзонинг қатл қилинишига асосий айбдорлардан бири сифатида тасвирланади. У – она, бор-йўғи икки фарзанд кўрган, бириси онасининг уринишлари билан бир йилгина Ҳирот ҳокими бўлиб турган Шоҳ Ғариб Мирзо, у оламдан ўтган, биргина ўғли – Музаффар Мирзо қолган. У обрў-мартаба учун, ўғли учун курашади, бу йўлда ҳеч нарсадан қайтмайди. Кўз олдимизда тирик инсондай намоён бўлади. У курашишга, ноҳалол қадамлар босишга мажбур! Музаффар Мирзога тахт олиб бериш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, ножўя тутумлари шунини кўрсатиб турибди. “Оҳ, бу охирамоннинг болалари! Булар бизни адоий тамом қиладур! Адоий тамом қиладир-да, гўрга тиқиб тинчийдур! Болалар эмас, балолар! Юракларим қон бўлиб кетди!” сўзлари боласидан озорланган замондош аёлнинг гапидек киради қулоғингизга. Тарихий мавзудаги асарнинг замонавийлиги ҳам шундай ҳолатларда кўринади.

Шуниси эътиборга сазоворки, ёзувчи асарда Ҳадича-бегимни қораламайди-оқламайди, ҳаёт ҳақиқати қандай бўлса шундай кўрсатиб беради. Ҳадича-бегимга баҳо беришни эса ўқувчининг ўзига қолдиради.

Бойқаро – Бадиуззамон Мирзо – Мўмин Мирзо... Ёзувчи бу уч шахс орасида юз берган фожиани жуда нозиклик билан кўрсатади. Бадиуззамон Мирзо Балхга кетаётган, ўғлининг келажагини ўйлаб, уни Астрободга ҳоким қилиб қолдиради, шу ердан кетмайсан, деб қаттиқ тайинлайди. Бойқаро мастликда Астрободни Ҳадича-бегимнинг талаби ва устакорлиги билан ўғли Музаффар Мирзога бериш ҳақида фармонга қўл қўйиб юборади. Мўмин Мирзо

икки ўт ўртасида қолади: бобоси фармонини бажарсинми, отасининг сўзини адо этсинми?.. Фармонни бажарса, отаси сўзига қарши боради, ота сўзини қилса, фармондан бўйин товлаган бўлиб чиқади... Оқибатда Мўмин Мирзо фитна қурбонига айланади, бу ерда ўқувчи, албатта, ўғлининг нимжон елкаларига оғир юк ортган Бадиуззамон Мирзони кўпроқ айбдор кўради... Фармонни тайёрлаган вазир Низомумулк икки ўғли билан қатл этилади, Мўмин Мирзони ўзича ўғлим деб, хаёлида ардоқлаб ҳавас қилиб юрган подшонинг хотини Опоқ-бегим жинни бўлиб қолади... Буларнинг барчаси Бойқаро билан Навоий дўстлигига рахна солиш, барбод этиш учун уюштирилади...

Ёзувчи ана шу фожеани ишонарли, санъаткорона тасвирлайди драмада...

Ўнинчи кўринишда Балхдаги Бадиуззамон ўрдаси сахнаси берилади. Бадиуззамон ёлғиз, ёруғ хаёллар оғушида. Ташқарида кўшинлар шай, у Астрободга боради ва Мўмин Мирзо салтанатини мустаҳкамлаб қайтади... Бирдан Мўмин Мирзо қатл этилгани хабарини етказадилар. Мана ўша ҳолат тасвири:

Х и р о в у л с а р д о р и  
(йиғламсираб)

*Суюкли шахзода... Мўмин Мирзодан... айрилибқолибм-и-из! (Хўнграб юборади). Абулғози Баҳодирхон ўз набирасини қатл этишига фармон берибдурлар...*

*Б а д и у з з а м о н*

*Ё, Олло!.. Адашмадингму?! Нима деяётгонингни биласенму? Ўғлим-а?! (Аламдан кўзларини катта-катта очиб) Мўмин Мирзо ўғлим шахид кетибдур!.. Шаҳид кетибдур!.. О-о-о!!..*

Чап томонда оқ кийимда М ў м и н М и р з о руҳи кўринади.

*М ў м и н М и р з о р у ҳ и*

*Ёш эдим мен, орзуларим мўдан-мўл эди.  
Излагоним фақат донгил, тўғри йўл эди.  
Ҳали биро гуноҳ қилиб улгурмгандим,  
Ёр лабининг болин татиб ҳам кўрмагандим.  
Ёр сочини силамадим ошиқлар мисол,  
Четлаб ўтди мени, нетай, иқбол, истиқбол.  
Ҳали отам хизматини қилолганим йўқ,  
Ватан, эл деб куймоқ сеҳрин билолганим йўқ...*

*Б а д и у з з а м о н*

*Отамга тик боққаним-чун – Ҳақ тақозоси! –  
Парвардигор менга шундоқ берди жазосин!  
Ўғлим, ўғлим! Ташлаб кетма шўрлик отангни!..*

Б а д и у з з а м о н узоқлашаётган Мўмин Мирзога интилиб ета олмайди  
Рух ғойиб бўлади. Бадиуззамон гурсиллаб ерга кулайди.

Бадиуззамон ҳолати ишонарли чизилганлиги, Мўмин Мирзонинг хар  
биридан алам томиб турган армонли сўзлари асар қимматини оширган.

Воқеалар боришидан изтиробга тушган, улуғ устозни аяган Хондамир  
Навоийга шундай савол беради. Бу асарнинг авж нуқтасида драманинг асосий  
мазмунини очиб бериш учун ёзувчига имкон яратади:

Х о н д а м и р

*Ҳазрат, афв этадилар... Султон Байқаро сизнинг яқин дўстингиз бўла  
туриб, сизга озор етказди, ардоқли Мўмин Мирзони – ўз набирасини қатл  
этдирди! Сиздай улуғ зот бунга қандоқ чидайдурлар? Шундай қабоҳатга йўл  
қўйган киши билан дўст бўлиши мумкинми? Бундоқ кишидан юз ўгирмоқ энг  
тўғри йўлдир!*

Н а в о и й  
(инграб)

*Оҳ, Хондамир! Хондамир! Нозик жойдан тутдингиз... Қандоқ юз ўгирай?  
Шоҳ ғозий билан бир умрлик дўстмиз, умримнинг бойлиги Султон Хусайн  
билан дўстлигимдир. Умрим поёнига етиб турганда ногоҳоний бир сабаб деб,  
қандоқ қилиб бир умрлик тоат–ибодатимдан айрилай, бу дунёлигимни  
совурай? Бу адолатдан эрмас!... Шоҳ Ғозий бу гуноҳни билиб эмас, билмасдан,  
гафлатда қилиб қўйди! Ёнма–ён туриб мен ҳам гафлатда қолдим-ку!.. Ҳозир  
дўстимга жуда ҳам оғир, унга маломат тошини отиши эмас, балки дардини  
енгиллатадиган малҳам сўзларни айтмагим, юпантирмагим жоиз. У – ёлғиз!  
Унинг мендан ўзга дўсти йўқдир! Ҳаммаси худонинг иродаси!*

Алишер Навоийнинг мана шу сўзларида драманинг моҳияти очилади,  
буюк шоирнинг садоқатли ва оқибатли инсон эканлиги ярқ этиб кўриниб  
турибди.

Драманинг ўнинчи кўринишида Навоий Бойқарога айтган сўзларида  
дўстликни улуғлаш яна юқори пардага кўтарилади:

*Ёдимдадир, ўқир эдик мактабда икков,  
Ўн ёшда биз, чаққон, жўшқин, пуришддат, олов.  
Аҳд-паймон қилдик айлаб қасамёд бизлар:  
“Қуръон тутиб дўст бўлайлик умрбод бизлар!  
Айб иш қилса, дўст ёқасин дарҳол тутуши йўқ,  
Озор чекиб, ё дўстини ташлаб кетиши йўқ...”  
Бошимизга тушса ҳамки минг турли бало,  
То ушбу дам биз қасамни бузмадик асло!  
Дўстни дўстдек севмак керак, қалб нури билан,*

## *Фазилати, қимматию қусури билан...*

Муҳаммад Али “Навоий ва Бойқаро” драмасида мустаманд, далер, таважжух, марғуб, муқарраб, итмом каби ва бошқа архаик сўзларни ўрни билан, матнга заха етмайдиган қилиб қўллайдики, бу асарнинг тарихийлик оҳангига жило бағишлайди. Ўша давр ижтимоий ҳаёт ва адабий муҳитини пухта ўрганилганлиги асарнинг етук чиқишида муҳим омиллардан бўлган, десак адашмаймиз. Асарни Фарғона вилоят драма театрида, Қозоғистонда Сайрам театрида қойилмақом қилиб сахналаштирган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли режиссёр Марат Азимов: *“Спектаклнинг муваффақиятли чиқишида драма муаллифининг ижодий маҳорати, тарихий мавзуда кенг тажрибага эга экани ҳам муҳим рол ўйнади”*—дея тўғри таъкидлаганди. (“ЎзАС”. 2017. 10 февраль.) 2017 йилда Фарғона театри Тошкентга гастролга келиб, драмани Ўзбекистон Миллий театри сахнасида қўйганида уч кун давомида зал томошабинларга лиқ тўла бўлди. Драматик сахналардан ҳаяжонга тушган кўплаб томошабинлар асар қаҳрамонларига ҳамдард бўлиб, кўзларига ёш келганини яширмадилар.

“Навоий ва Бойқаро” драмасининг аҳамияти, биринчидан, асарда тарихимиздаги икки буюк шахс Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг ёрқин образлари чизилганида, дўстликни қадрига етувчи инсонлар эканликларининг намоён бўлишида, Айтиш мумкинки, жаҳон тарихида буюк шахсларнинг бундай самимий дўстлиги кам учрайди.

Иккинчидан, драмада Алишер Навоийсиз Ҳусайн Бойқаро давлати пойдор бўлмаслиги, айна пайтда Алишер Навоийнинг Навоий бўлишида Ҳусайн Бойқаронинг ўрни беқиёслиги, бу икки шахс бир-бирисиз шу даражага етолмаслиги ўз бадий ифодасини топган, дўстлик инсонни камолотга етакловчи улуғ инсоний фазилатлиги асар мағзига сингдирилган.

Учинчидан, яна таъкидлаш жоиз, Муҳаммад Али ўз асарида Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларини тўғри талқин қилиб, тарихий ҳақиқатни тиклаб берди, адолат қарор топишига катта ҳисса қўшди.

“Навоий ва Бойқаро” асари бир-бирига содиқ, ажралмас икки буюк дўст, тарихимизнинг икки буюк сиймосига қўйилган ҳайкалдай бўй кўрсатиб турибди. У Алишер Навоийдек буюк сиймога бағишлангани туфайли ҳамда етуклиги, мағзи тўқлиги билан адабиётимизнинг мумтоз асарларидан бири бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Муҳаммад Али яна бир нечта драма, радиоспектакллар ёзган. Унинг “Амир Темурнинг келини”, “Мирзо Улуғбекнинг сўнгги куни” асарлари адиб ижодида етакчи мавзу бўлган Амир Темур ва темурийлар ҳақидадир.

“Амир Темурнинг келини” асари “Жаҳонгир Мирзо” романи мотивлари асосида ёзилган бўлиб, бунда кўпроқ Амир Темурнинг келини Хонзода-хоним бош планда тасвирланади. Радиоспектакль ҳам романдагидек, Амир Темурнинг невараси Муҳаммад Султоннинг дунёга келиши билан якунланади.

Шу аснода тинчимас адибнинг “Амир Темур” операси учун либретто ёзиб берганини ҳам айтиб ўтаемиз. Либретто муаллифнинг “Амир Темур чамани” китобида нашр этилди.<sup>185</sup>

“Мирзо Улуғбекнинг сўнгги куни” асарида персонажлар кўп эмас. Замон ҳам қисқа. Воқеа милодий йилнинг 1449 йил 24 октябрь окшомида Самарқандда бўлиб ўтади. Яъни мана шу бир кун тасвирида Мирзо Улуғбек ҳаётининг бутун фожиаси акс этдирилган.

“Маспошшо ва Ойпарча” радиоспектаклида фольклорга хос адабий унсурлар устивор ва бу табиий ҳам. Адиб бу эпосни ўзбек тилига ўгиради, у асосида сахна асари ёзади. Муҳими, бу радиоспектакль орқали ўзбек халқи қорақалпоқ халқ оғзаки ижодининг гўзал бир намунаси билан танишади. Радиоспектакль ёзишнинг ўз қонун-қоидалари бор. Сахнага қўйиладиган пьеса талабларини радиоспектаклдан талаб қилиш ножоиз. Радиоспектакль қорақалпоқ халқ эпоси “Маспошшо”нинг мазмунини тўла қамраб олганлиги билан аҳамиятли.

“Ҳиндистон маликаси” тарихий драмасида ҳам муаллиф ўзи таржима қилган ҳинд эпоси “Рамаяна”нинг энг қизиқарли воқеаларини ихчамлаб драма ёзди.. Шаҳзода Раманинг Шива ёйини кўтариши ёдингизга Алпомишнинг ёй кўтаришини солса, асар сўнгида адолат тантанаси барча халқлар фольклори эзгуликни куйлаши билан ҳамоҳанглигининг гувоҳи бўламиз. Асардаги қаҳрамонлар характери улар сўзларида яхши очилган.

**Р а м а**

*Иш қилмай мақтанмоқ инсофдан эмас,  
Бу йўлдан юрмаган оқил донолар.*

**С и т а х о н и м**

*(Раванага)  
...Қуёш ойни кафтда, ё ўтни элтмоқ этакда –  
Хаёл қилибсан, кўпам куч етмаса керак-да.*

*Шоҳона шер ва шақал аро билмассан фарқни,  
Ирганч сув ила сандал аро билмассан фарқни,  
Сен – чоҳда хас, бимассан Рама –шуълаи барқни!*

*Агар сен арпа шавла солинган коса бўлсанг,  
Амрита тўла қадаҳ қаришингда Рама, билсанг!*

Бу сўзларда миллий колоритнинг сақлангани алоҳида эътиборга молик. “Ҳиндистон маликаси” драмаси ўзбек адабиётида ва адиб ижодида ҳинд мавзусининг ёритилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

<sup>185</sup> Муҳаммад Али. Амир Темур чамани. Т., 2019. DAVR PRESS. 158-185-бетлар.

Муҳаммад Алининг драматург сифатида маҳорати Максим Горькийнинг “Сўнгилар”, В.Маяковскийнинг “Қандала”, С.Михалковнинг “Хавфли алоқалар” драмаларини таржима қилганида ҳам яққол намоён бўлди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Муҳаммад Али. Навоий ва Ҳусайн Байқаро драмаси. Тошент- 2019
2. Абдуқодир Ҳайитметов. Навоий лирикаси. Тошкент-2017

---

### **Дилафруз Мухиддинова**

*Филология фанлари доктори, доцент, Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси мудири, ТошДШИ*

## **ЗАМОНАВИЙ АРАБ ЁЗУВЧИСИ ЗАКАРИЯ ТАМЕР ИЖОДИДА ОНГ ОҚИМИ ВА ТАСВИРИЙЛИК**

**Аннотация.** *Мазкур мақолада неореализмнинг магик, психологик, интеллектуал реализм каби оқимлари вужудга келиши масалалари акс эттирилган. Реализм билан бир қаторда адабиётда экзистенциализм, сюрреализм, экспрессионизм, “онг оқими” адабиёти, футуризм, абстракционизм каби кўплаб янги оқимларни ўзида мужассам этган модернизм йўналиши шакллана бошлади. Мана шу жараёнларда кўплаб замонавий араб ёзувчилари ижод қилишди ва ҳар бирида ўзига хос услубда намоён бўлди. Мақолада замонавий араб ёзувчиси Закария Тамер ижодида онг оқими ва тасвирийлик масаласи ёзувчининг “Негр одам” ҳикояси асосида ёритилган. Таҳлил жараёнида онг оқими хусусиятлари, ёзувчининг бадиий маҳорати таҳлил қилинган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *Реализм, неореализм, магик реализм, психологик реализм, интеллектуал реализм, модернизм, сюрреализм, абсурд, экзистенциализм, “онг оқими”, ассоциативлик, коллаж.*

**Аннотация.** *В данной статье отражены вопросы возникновения таких течений неореализма как магический, психологический, интеллектуальный. Наряду с реализмом в литературе начало формироваться направление модернизма включающий в себе новые течения таких как экзистенциализм, сюрреализм, экспрессионизм, литература “потока сознания”, футуризм, абстракционизм. В такой атмосфере творили многие арабские писатели и каждый из них имел своеобразный стиль. Данная статья посвящена проблеме потоку сознания и изобразительности в творчестве современного арабского писателя Закарии Тамер на примере рассказа “Человек негр”. В статье анализируются особенности потока сознания в рассказе и художественное мастерство писателя.*

**Опорные слова и выражения:** *Реализм, неореализм, магический реализм, психологический реализм, интеллектуальный реализм, модернизм, сюрреализм, абсурд, экзистенциализм, “поток сознания”, ассоциативность, коллаж.*

*Summary. The article reflects issues of origins of the main streams of neorealism such as magic realism, psychological and intellectual realism. Along with realism, modernism that includes new streams such as existentialism, surrealism, expressionism, the literature of “stream of consciousness”, futurism, abstractionism has started to form. New Arabic writers created their works in this atmosphere and each of them had their original style. This article is dedicated to the stream of consciousness problem and descriptiveness in the creation of the modern Arabic writer Zakaria Tamer on the example of the story “People Negro”. The stream of consciousness features in the stories and the writer’s artistic skills are analyzed in this article.*

**Keywords and expressions:** Realism, neorealism, magical realism, psychological realism, intellectual realism, modernism, surrealism, absurdity, “stream of consciousness”, associativeness, collage.

**Кириш.** XX аср адабий жараёнида реализмнинг табиий ривожланиши жараёнида магик, психологик, интеллектуал реализм каби оқимлари вужудга келиб уни неореализм деб аталишга сабаб бўлди. Реализм билан бир қаторда адабиётда экзистенциализм, сюрреализм, экспрессионизм, “Онг оқими” адабиёти, футуризм, абстракционизм каби кўплаб янги оқимларни ўзида мужассам этган модернизм йўналиши шакллана бошлади. Сўнг ўзида реализм тамойиллари ва модернистик ёзиш санъатларини ўзида мужассам этган постмодернизм йўналиши ривожлана бошлади.

**Мақсад ва вазифалар:** XX асрнинг иккинчи ярми ҳикоянавислигида замонавий йўналиш ва оқимларнинг таъсири ва мослашув жараёнини, хусусан “онг оқими” хусусиятларини очиб бериш.

**Усуллар:** қиёсий тарихий, қиёсий типологик методлардан фойдаланилди.

**Натижа ва мулоҳазалар:** Умумжаҳон адабий алоқалари таъсири натижасида XX аср иккинчи ярмига келиб Машриқ араб давлатлари адабиётида, хусусан ҳикоянавислигида ҳам реализм методи билан ёнма-ён турли замонавий йўналиш ва оқимлар шакллана бошлади. Унинг маҳсули сифатида XX аср иккинчи ярмида ижод қилган бир қатор араб ҳикоянавислар замонавий оқимлар ва бадиий ифода услубларига (“تيار الوعي” (“онг оқими”), “التقطيع” (фрагментарлик), “المونتاج السينمائي” (киномонтаж), “كولاج” коллаж, “هلوسة” (галлюцинация), матн тагида матн ва б.) ижодий ёндашган ҳолда араб халқининг дунёқараши, қадриятлари, миллий хусусиятларига мутаносиб бўлган янги ҳикоя кўринишларини, янги типларини яратдилар. Бадиий ижоддаги мазкур ижодий ранг-баранглик Миср, Сурия, Ироқ, Ливан, Иордания, Фаластин каби араб давлатлари адабиётида бир вақтнинг ўзида шаклланди. Бадиий адабиётдаги ғоявий-эстетик ўзгаришлар, биринчи навбатда, ижодкорлар бадиий тафаккуридаги ўзгариш билан боғлиқ эди. Ёзувчиларнинг борлиқни, инсонни янгича идрок қилишларида улар яшаб турган муҳитга шахсий муносабатининг аҳамияти беқиёс даражада ошди. Машриқ араб давлатлари адабиётида мазкур янгиланиш жараёнларининг юзага келишига маълум ички ва ташқи омиллар сабаб бўлди. Ички омиллар сифатида XX аср ўрталарида Яқин Шарқ



мамлакатлари, хусусан, араб дунёсида муҳим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришларнинг рўй бериши, жумладан, араб-исроил уруши, араб мамлакатларидаги ички низолар, зиддият ва қарама-қаршиликлар, иқтисодий тенгсизлик, аёллар ҳуқуқлари, шахс эркинлиги учун кураш ва бошқа шу каби ҳолатларнинг адабиётга таъсирини эътироф этиш мумкин. Шунингдек, шарқ халқларига хос бўлган кузатувчанлик, воқеликнинг ички моҳиятига эътибор билан қараш, унинг асл мазмунини қидириш ва бу хусусиятларнинг мусиқа, шеърят, борлиқни англаш фалсафасида кузатилишини ҳам ички омил сифатида таъкидлаш жоиз. Ташқи омиллардан Ғарб адабиётининг, ундаги замонавий йўналиш ва оқимларнинг таъсирини, уларнинг намояндалари Томас Манн, Жеймс Жойс, Виржиния Вульф, Франц Кафка, Марсел Пруст, Жан Пол Сартр, Альбер Камю каби кўплаб адибларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, замонавий араб адабиётида юзага келган янгиланиш босқичида жаҳон адабиётидаги замонавий йўналиш ва оқимлар мослашиш жараёнини бошидан ўтказди. Замонавий араб ҳикоянавислиги жаҳон адабий жарёнидаги турли замонавий йўналиш ва оқимларнинг мазмун-моҳияти ва бадиий тасвир ва ифода воситаларини ўзлаштириш жараёнида бир вақтнинг ўзида миллийликни, миллий колоритни, шарқона қадрият ва бой адабий меросининг анъаналарини сақлаб қолишга интилиш кучайди. Араб ёзувчилари янги услубдаги ҳикояларда ўрта аср адабиётининг ҳам шаклан, ҳам мазмунан анъаналарини янгиланган, бойиган, мураккаблашган кўринишда давом эттиришни мақсад қилган ҳолда замонавий миллий араб ҳикоясини яратдилар. Замонавий араб ҳикоянавислигида мазмунан янгиланиш тамойиллари ёзувчиларнинг замонавий мавзуларни ёритиб беришда муқаддас диний китобларда, ривоятларда келтирилган пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар, жаҳон адабиётидаги ёки миллий адабиётдаги мифологик ва асотирий образларга билвосита ёки бевосита мурожаат этишларида кузатилмоқда. Шаклан янгиланиш тамойиллари эса замонавий ҳаётий муаммоларни тасвирлаш жарёнида асар композициясида “ҳикоя ичида ҳикоя”, тарихий хроника, рихла (саёҳат), масал-ҳикоя каби ўрта аср адабиёти анъаналарини истеъфода этилишда намоён бўлмоқда.

Замонавий араб ёзувчилари юқорида келтирилганидек, ҳам ўз адабий мерослари, ҳам модернистик бадиий тасвир воситаларини уйғунлаштирган ҳолда ижод қилмоқдалар. Айниқса, модернистик йўналишларидан “онг оқими” дан унумли фойдаланмоқдалар. “Онг оқими”<sup>186</sup> адабиётда шахснинг реаллик билан тўғридан-тўғри боғланмаган маънавий, руҳий дунёсини бадиий тасвирлашдир. XIX асрда Стендаль, Л.Толстой, Ф.Достоевский каби буюк ёзувчилар қалами орқали фундаменталбадиийянгилик-психологиктаҳлилгаасоссолинган. XX асрда эса, реализмдаги бу бадиий ютуқлар «онг оқими» адабиёти томонидан эгалланди, ривожлантирилди ва чуқурлаштирилди. Жаҳон адабиётида “онг оқими” йўналишининг асосчиси сифатида машҳур ирланд ёзувчиси Жеймс Жойс (“Улисс” романи 1922) ҳисобланади. Ж.Жойснинг “Улисс” романида профессор

---

<sup>186</sup>“Онг оқими” - инг.тил. “stream of consciosness” – атамаси биринчи бор Уильям Жеймс томонидан 1890 йилда “Психология асослари” – “Principles of Psychology” китобида киритилган.

А.Саидов таъкидлашича, “Қаҳрамонлардан бирининг ички ва ташқи дунёси биргина вақт оралиғида тасвирланади (оғзаки воситаларда бунинг уддасидан осон чиқса бўлади). Унинг фикрлари бир қанча қаватларга бўлинибгина қолмай, идрок этилаётган атроф олам рамзлари, бошқа кишилар билан фикрлашиш ва суҳбатлашишлар ўзи унинг чуқур шахсий хотиралари билан назокат ила йўғрилиб кетади” [3; 4-б.].

Адабиёт назариясида «онг оқими»га турли хил таърифлар мавжуд. Биз ўз ишимизда «онг оқими» - персонажларнинг мантиққа боғланиб қолмаган эркин шаклда фикр ва туйғуларини тасвирлашдир» [5; 319-с.], деган назариясига асосланган ҳолда тадқиқ этамиз. Шу жумладан, таниқли суриялик ёзувчи Закария Тамернинг З.Тамернинг "الرجل الزنجي" – “ар-Ражул-ул-занжий” (“Негр одам”) ҳикоясида ҳаёт қийинчиликлари ичида ёлғиз қолган, жамиятдан, инсонлардан руҳан бегоналашаган инсон ўй-қарашлари, ҳис-туйғулари, руҳий олами, ички “мен”ини “онг оқими” услуби орқали акс эттирилган.

З.Тамер жаҳон миқёсида танилган араб ҳикоянависи саналади. Унинг қалмаиға мансуб асарлар ўзининг чуқур маъноси ва рамзийли билан, фалсафий мушоҳада ва мажозга бойлиги билан, ҳам шаклан, ҳам мазмунан, ҳам услубият жиҳатидан бетакрорлиги билан ажралиб туради. З. Тамер ҳар кунги ҳаётнинг одатий ва таниш қирраларини ўзгача кўринишларда тасвирлаб, оддий ҳолатларнинг нотабий жиҳатларини тасвирлайди. Ёзувчи қаҳармонларнинг олами мураккаб. Уни мутафаккир санъаткор сифатида араб оламининг зиддиятли муаммолари – ижтимоий келишмовчиликлар, шахс эркинлиги, замонавий инсоннинг онгининг инқирози ва бошқалар қизиқтиради. Албатта, З.Тамер бу мавзуларни ёритган биринчи адиб эмас. У яратган асарларнинг бадиияти ва борлиқни кузатиш шакли билан китобхонлар ҳамда мунаққидлар эътиборини ўзига жалб қилади. З.Тамернинг қаламига “Оқ отнинг кишнаши” (1960), “Қукунлардаги баҳор” (1963), “Чақмоқ” (1970), “Ёнғинлар Дамашқи” (1973), “Йўлбарслар ўнинчи кунда” (1978), “Нуҳ нидоси” (1994), “Кулажакмиз” (1998), “Эҳ!” (1998), “Етилмаган узум” (2000), “Синган тиззалар” (2002), “Типратикан” (2005) ва бошқа ҳикоялар тўплами муаллифидир.

З.Тамер ҳикояларининг сюжети кўпинча эртақларни эслатади ва бир томндан содда, иккинчи томндан эса рамзий ишораларга бойлиги билан машғурдир. Унинг асарлари кўпинча ўткир қиррала, сиёсий-ижтимоий тазйиқ, ҳамда эксплуатацияга қарши сюрреалистик нишонларга тўладир. З.Тамер ҳикояларининг аксариятида инсонларнинг бир-бирига нисбатан муносабатида одамгарчиликларнинг йўқолиб бориши, инсоннинг ёлғизланиб қолиши, бегоналашиви, ҳаёт инсон учун шафқатсиз каби модернистик тамойиллар ҳукм суради. З.Тамер ижодида араб адабий анъаналрига хос поэтик рамзлар ҳозирги жаҳон адабиёти услублари билан уйғунлашиб кетган. Унинг адабий услубига хос ҳислат, тежамкорлик ва ихчамлик, услубдаги тағмаънога эғалиқдир. З.Тамер қаҳрамонларининг олами жуда мураккаб ва зиддиятлидир. Адиб чуқур фикр юритувчи бўлган адиб араб оламидаги аччиқ ҳаётий муаммолар: ижтимоий қарма-қаршиликлар, зиддиятлар, бугунги инсоннинг кафияти, ички борлиғи, бегоналашиви ҳолати, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги азалий

кураш, инсон борлиғи, унинг ички “мен”ини очиб бериш каби долзарб масалалар хусусияда бош қотиради.

Шу жумладан, 3.Тамернинг "الرجل الزنجي" (“Негр одам”) ҳикоясида ҳаётдан, ҳаёт қийинчиликларидан, ишидан кўнгли қолган инсоннинг зиддиятли кайфияти, чалкаш-чулкаш фикрлари, қаҳрамоннинг он оқими орқали ифодаланган. 3.Тамер қаҳрамоннинг руҳиятидаги кучли ўзгаришлардаги фикрлар оқимини унинг ўзидаги иккинчи қиёфаси “негр одам” образи орқали баён этади:

*“Негр одам менинг ягона дўстим, у мени чин дилдан яхши кўради ва мендан бир лаҳза айрилмайди. У менинг ичимда яширинган. У шаҳарлардан узоқда тугилган, боладек яхши, безубор. Баъзи пайтларда ҳаддидан ошиб эҳтиётсизлик ҳам қилиб қўяди. Мен у билан тез-тез гаплашиб тураман. Бирга гаплашамиз, кулашамиз, йиғлаймиз. Бир неча кун аввал ҳонамда гаплашиб ўтирганимда, секингина онам кириб қолди ва мен унга эътибор бермадим, шунда онам менга кулиб деди: “Жинни бўлдингми? Ўзинг билан ўзинг гаплашиб ўтирибсанми?” Унга ҳеч нарса демадим. Агар мен унга ёлғиз қолган кунларимда ўзим кашф қилган янги дўстим ҳақида гапириб берсам у мени тушунмайди” [1; 21-б.].*

3.Тамер мазкур ҳикояда ҳикоя бош қаҳрамонининг ўзи кашф этган “негр одам” қиёфасида бир танада икки хил қиёфани, икки хил оламини, яъни инсоннинг ташқи ва ички қиёфасини акс эттиришга ҳаракат қилади. “Негр одам” – бу унинг ички “мен”и нинг образидир. Бунда инсон табиатининг мураккаблиги, унинг хоҳиш-истаклари йўлида эзгулик ва ёвузлик ўртасида кураш кетиши ва натижада қай бири ғолиб бўлса, ўшанинг устун келиши таъкидланади. Ҳикоя қаҳрамони табиатан уятчан инсон бўлиб, у ўзини ўраб турган одамлардан, оламдан кўрқади ва ички “мени”, яъни негр одам орқали реал воқеликда бажара олмайдиган хоҳиш-истакларини амалга оширади.

Мазкур ҳикоянинг композицияси анъанавий услубдан мутлоқ фарқ қилиб, модернистик бадиий тасвир воситалари коллаж<sup>187</sup> (“كولاج”)дан фойдаланилади. Шунини таъкидлаш жоизки, коллаж санъати, кўпинча “онг оқими” услубидаги асарларда кўпроқ истеъфода этилади. “Негр одам” ҳикоясида бош қаҳрамоннинг фақат фикрларига қурилган воқеа-ҳодисалар изчил равишда берилмай, бир-бирига боғланмаган тарзда, алоҳида берилади ва боғланмаган ҳолда киритилади. Ҳикоя қурилишидаги бу тизим унинг бир неча қисмларга бўлиниб, сонлар билан ажратилишида акс этади. Ҳар бир қисмда ҳикоя бош қаҳрамони ва унинг ички қиёфаси негр одам билан боғлиқ онги ва реал воқеликдаги воқеалар бир-бирига боғланмаган тартибда алоҳида равишда берилади. Ҳикоянинг биринчи қисмида бош қаҳрамоннинг ўз ичида негр одамнинг кашф қилиши ва у билан гаплашиши орқали қаҳрамоннинг ижтимоий-психологик ҳолати тасвирланади:

*“Негр одам куйиниб йиғлади ва деди: “Сен қулгилсан. Юр уйимизга қайтайлик. Сен қулгили махлуқсан. Кийимларинг эски-туски, сочларинг тўзғиб*

<sup>187</sup>Коллаж (фр. collage – ёпиштириш) - атама сифатида биринчи бор XX аср бошларида модернистик рассомликда, хусусан Брак ва Пикассо расмларида истеъфода этилган.

*ётибди, анчадан бери сартарош қўлига тушмаган. Мен унга дедим: “Сен мискинсан, бечорасан, эй, дўстим. Мен ҳам сен каби бечораман. Ҳаёт гўзал, лекин баъзи махлуқотлар уни аянчли қилиб қўйган. Юр уйимизга қайтайлик” [1; 22-б.]*

Ҳикоя қаҳрамонининг ўз-ўзига нисбатан танқидий қарашини негр одам фикрлари баёни орқали ифодаланади. З.Тамер қаҳрамоннинг онг оқими орқали унинг камбағал, ночор қатламдан эканлиги, ижтимоий келиб чиқиши туфайли кўриниши ҳам яхши эмаслиги, тартибсизлиги акс эттирилади.

Ҳикоянинг иккинчи қисмда ҳикоя қаҳрамони мутлақо бошқа қиёфада гавдаланди, бунда коллаж услуби орқали биринчи қисм воқеасига боғлиқ бўлмаган бошқа воқелик тасвирланади. Ҳикоя қаҳрамонининг қаҳвахонадаги дўстлари билан ўтказган вақтичоғлиги баён этилган. Ҳикоянинг учинчи қисмида иккинчи қисмга боғлиқ бўлмаган ҳикоя қаҳрамонинг суйган қизи билан ишқий муносабатлари тасвирланади. Шунини таъкидлаш жоизки, З.Тамернинг “Оқ отнинг кишнаши” ҳикоялар тўпламига киритилган барча ҳикояларида эротик тасвирлар устунлик қилади. Бу ҳақида мисрлик танқидчи Сабри Ҳафиз “Закария Тамер – нотинч дунёда саёҳатчи” номли мақоласида шундай дейди: “Тамернинг эротик тасвирлари – бу қаҳрамоннинг ўта эҳтиросли ҳолати бўлиб, мажбурлаш ҳолатига ўтган энгиб бўлмас хоҳишидир” [2; 249-с.]. Мана шундай қаҳрамоннинг энгиб бўлмас эҳтиросли хоҳиши “Негр одам” ҳикоясида ҳам акс эттирилган. Ҳикоянинг тўртинчи қисмида қаҳрамоннинг ташлаб қўйган ишига, яъни фабрикага қайта боришга қарор чиқариш ҳолати ички мени, яъни дўсти негр одам билан маслаҳатлашиши орқали баён этган. З.Тамер мана шу қисмда асар қаҳрамонининг фабрикада қора ишчи эканлигини баён қилиб, ўз ишидан норози кайфиятга эга инсоннинг руҳияти акс эттирилган. Бешинчи қисмда фабрикага ишига қайтиб борган қаҳрамоннинг бошлиғи билан зиддиятли муносабати кўрсатилган:

*“Негр одам менга газабланиб деди: агар ҳозир сен унга бўйсунсанг, мен сени ташлаб кетаман. Унинг сўзларини эшитиб ўзини айбдордек ҳис қилиб туриш уят.*

*-Ишла, ишла.*

*- Унинг башарасига туфла.*

*- Мени ишдан ҳайдашади.*

*- Ҳа, сени ишдан ҳайдашади. Бу уларнинг сени жазолаш учун ягона жазосидир. Ва сен йўқотган инсонийлик қад-қимматини қайтарасан, сени олдинга ташқарига чиқишга барча йўллар очилади. Бир оз вақтдан кейин даҳшат билан қора ишчилар орасидан чиқиб кетдим” [1; 28-б.]*

Ҳикоянинг бу қисмида қаҳрамоннинг ишига нисбатан муносабати очилади. Ёзувчи негр одам образи орқали фабрика қора ишчисининг руҳий, маънавий, ижтимоий ҳолатини акс эттирган. Фабрикаларда қора ишчиларнинг оғир меҳнати, уларга нисбатан паст назар билан қараш, уларнинг ҳақ-хуқуқларининг топталиши, эркинлиги йўқлиги каби муносабатлар ҳикоя қаҳрамонининг сабрини тугатиб бормоқда эди. З.Тамер ҳикоя қаҳрамонидаги ташқи муҳитга нисбатан норози кайфияти, ичидаги иккиланишлари, бир қарорга кела олмаслиги, фикрлар олишуви каби ҳолатлари қаҳрамоннинг ички

“мени” орқали юзага чиқади. Ҳикоя қаҳрамони ички “мени”, яъни негр одам орқали ноҳақликка, адолатсизликка нисбатан қарши туришга куч топади ва ўзи ҳохламаган иш жойидан кетади. Ҳикоянинг сўнги олтинчи қисм эса ишдан кетган, руҳий озодликка чиққан, лекин яна ҳаёт аталмиш уммон ичида ташвишлар гирдобидида қолган инсон қисмати билан яқунланади. Ҳикоянинг ўзгача композицияси, яъни олти қисмдан ташкил топиши бир инсоннинг ҳаётига тегишли воқеа-ҳодисаларни, ҳаёлида, онгида кечган ўй-кечинмаларини ёритишда асосий восита бўлиб ҳисобланган. Ҳар бир қисм инсоннинг мураккаб табиатидаги товланишлар, эврилишлар, ички зиддиятларини очиб берган. Ҳикояда экзистенциализм фалсафаси ғоялари илгари сурилиб, З.Тамер “Оқ отнинг кишнаши”, “Момақалдирик” тўпламларидаги кўпчилик ҳикояларидаги каби “абсурд ҳаётда ёлғиз қолган инсон” тимсоли гавдаланади.

**Хулоса** қилиб айтганда, адибнинг асосий концепцияси – “Ҳаёт гўзал ва ҳаёт ғамгиндир”. З.Тамерга тегишли бўлган ўткир равишдаги қуйидаги иқтибос унинг ҳақиқий халқпарвар ва эркесвар инсон, шу ўринда, ўз миллати ва халқи, умуман бутун дунёдаги инсоният ҳаётига нисбатан бефарқ эмаслиги исботлаб беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. – زكريا تامر. سهيل الجواد الأبيض. الأعمال القصصية. رياض الرئيس الكتب و النشر. 2001. 140 ص.
2. Али-заде Э.А. История литературы Сирии XIX –XX веков. – Москва: Восточная литература. 2007. –249 с.
3. Бобрикова Е.Н. Средства связности текста в литературе «потока сознания»: (на материале романа Джеймса Джойса «Улисс»). Автореферат дис... кан. фил. наук. Ростов – на – Дону. 2008. 21 с.
4. Жойс Ж. Улисс саргузаштлари. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон. 2013. – 838 б.
5. Теория литературы. Литературный процесс. 4-х т. – Москва: ИМЛИ РАН, «Наследие». 2001. Т.4. – 319 с.

---

#### ***Пошшажон Кенжаева***

*Филология фанлари доктори, доцент, Туркий тиллар кафедраси мудири,  
ТошДШИ*

### **ЮСУФ ОТИЛГАН ҲИКОЯЛАРИДА ПОСТМОДЕРНИСТИК ИФОДАНИНГ ТАЛҚИНИ**

**Аннотация.** Маълумки, XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб турк ҳикоячилиги шакл-мазмун жиҳатидан янада тараққий эта бошлагани кузатилади. Турк адабиётшунослари бу даврни “Янги изланишлар даври” деб номладилар. Бу давр ҳикоячилиги Ю.Отилган, Ф.Эдгу, Я.Қоплон, Н.Дуруэл, Ҳ.Су, Ж.Кавукчи, Ў.Карабулут, А.Қутлу, М.Мунган, М.Гурели, А.Ҳ.Ҳаксал, Б.Узунер, А.Юрдақул, М.Ўзтош, К.Башар, К.Дўрук, Ф.Чичекўгли, А.Тунч,

*М.Кутлу, С.Илери, Ж.Шакар, С.Ёлсизучанлар сингари янги номлар билан бойиди. Уларнинг ҳикояларида жанр имкониятлари ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан кенгайди. Жанр таркибига фалсафий-бадиий, индивидуал-психологик, ижтимоий-маиший ва пейзажга хос унсурлар кириб кела бошлади. Ғарб адабиётидаги кўринишлари билан айнан бўлмаса-да, миллий эстетика, турк насри доирасида шаклланган модернизм, постмодернизм элементлари пайдо бўлди.*

*Ушбу мақолада турк адабиётининг модернист ёзувчиларидан бири Юсуф Отилган ижоди, унинг ҳикоячиликдаги маҳорати илмий жиҳатдан тадқиқ этилди. Адиб ҳикояларида қаҳрамон хатти-ҳаракати асосан, иложсиз, мажбур, маҳкум, қийналган, ҳаётда кўп нарсалар чеклаб, тақиқлаб қўйилган вазиятлар фонида акс эттирилади. Бу ёзувчининг жамият ва инсон, одам ва унинг ҳаёти мазмуни ҳақидаги кузатишларининг бадиий натижасидир. Адибнинг Ғарб адабиёти таъсирида ёзилган асарлари, хусусан, “Уйдаги”, “Катакнинг нариги томони”, “Яшаб бўлмайди” сингари ҳикоялари таҳлил қилинган. Таҳлилга тортилган ҳикоялардаги энг муҳим жиҳат шундаки, 90-йиллардан кейин турк ҳикоячилиги янги сифат босқичига кўтарилди. Бу даврдан бошлаб, турк ҳикоянавислари реал ҳаёт муаммоларини инсон психологик ҳолатлари фонида тасвирлаш тамойилини ижоднинг бош принципига айлантирдилар. Бундай тасвир тамойиллари Ю.Отилган ҳикоялари мисолида асослашга ҳаракат қилинди.*

*Умуман, Ю.Отилган сингари ҳикоянавислар томонидан янги турк ҳикоячилигига олиб кирилган модерн услуби на Ғарб модернизми, на замонавий турк насри анъаналарини такрорламаслиги билан ўзига хосдир. Бундай ўзига хослик ўзининг ментал хусусиятларини замонавий усулда намоён этган шарқона модерн услубида ўз аксини топди.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *турк адабиёти, Ю.Отилган, ҳикоя жанри, постмодернизм, услуб, қаҳрамон, тасвир, таъсир.*

**Аннотация.** *Как известно, в 80-х гг. XXв. турецкая новеллистика переживает бурный расцвет, получивший название «периодом новых исследований» и нашедший отражение в сочинениях Ю.Атилгана, Ф. Эдру, Я.Каплана, Н.Дуруэла, Х.Су, Ж.Кавукчи, У.Карабулут, А.Кутлу, М.Мунган, М.Гурели, А.Х.Хаскала, Б.Узунера, А.Юрдакула, М.Узташа, К.Башара, К.Дурука, Ф. Чичеуглу, А.Тунч, М. Кутлу, С.Илери, Ж, Шакара, С.Ёлсизучана. Благодаря этому жанр расширил свои возможности, как с содержательной, так и формальной точек зрения. Жанр новеллы обогатился своеобразными философско-художественными, индивидуально-психологическими, социально-бытовыми и пейзажными элементами, благодаря чему обнаружилось сходство с европейской новеллистической традицией, а также были усилены элементы модернизма, постмодернизма, присущие турецкой прозе и национальной эстетике.*

*Статья посвящена исследованию творчества представителя турецкого модернизма Юсуфа Атилгана. В своих рассказах писатель рисует героя, попавшего в трудные жизненные обстоятельства, связанные с ограничениями*

и запретами. Рассмотрены произведения писателя, написанные под влиянием западной литературы, в частности, таких, как «Домашняя девочка», «За клеткой», «Нет выхода». Важная особенность исследуемых рассказов заключается в том, что в 90-х годах и позднее турецкая проза поднялась на новый качественный уровень. Начиная с этого периода, турецкие новеллисты возвели в ранг главного принципа - изображение реальных проблем человека на фоне психологических состояний.

Ю.Атилган и, в целом, писатели модернисты внедрили в турецкую новеллистику уникальный стиль модерна, который не существует ни в Западном модернизме, ни в современных традициях турецкой прозы. Эта уникальность получила свое воплощение в современном стиле восточного модерна.

**Опорные слова и выражения:** турецкая литература, Ю.Атилган, жанр рассказа, постмодернизм, стиль, герой, изображение, влияние.

*Summary.* It is well known that since the 1980s, Turkish storytelling has begun to develop in terms of form and content. Turkish literary scholars call this period the "New Era." The storytelling of this period are Y.Atilgan, F.Edgu, Y.Kaplan, N.Duruel, H.Su, C. Kavukchi, O'.Karabulut, A.Kutlu, M.Mungan, M.Gureli, H. Haksal, B.Uzuner, A.Yurdakul, M.Oztash, K. Bashar, K.Douruk, F.Chichekoglu, A.Tunch, M.Kutlu, S.Ileri, J.Shakar, S.Yolsizuchan. In their stories, the possibilities of the genre expanded in both content and form. The genre includes philosophical, artistic, individualistic, psychological, social, and landscape elements. Though not exactly the Western literature, the elements of national aesthetics, modernism and postmodernism formed within the Turkish prose.

This article explores the work of Yusuf Atilgan, one of the modernist writers of Turkish literature, and his skill in storytelling. In the stories of the writer, the heroic behavior is mainly reflected in the circumstances of the impossible, forced, condemned, tortured, and restricted in life. It is the artistic result of the writer's observation of society and the human, the person, and the meaning of his life. The writer's works, influenced by Western literature, have been analyzed in particular, such as "At Home", "Beyond the Cage", "Can't Live". The most important aspect of the analyzed stories is that after the 90s, Turkish storytelling has moved to a new level of quality. Since that time, Turkish storytellers have made the principle of describing real-life problems against the background of human psychological states the main principle of creativity. Attempts to justify such images are based on the stories of Y.Atilgan.

In general, the modern style introduced by the new Turkish storytellers, such as Y.Atilgan, is unique in that neither Western modernism nor modern Turkish prose is replicated. This peculiarity is reflected in the oriental modern style, which showed its mental features in a modern way.

**Keywords and expressions:** Turkish literature, Y.Atilgan, story genre, postmodernism, style, hero, expression, effect.

**Кириш.** XX аср турк адабиёти, хусусан, ҳикоячилигида реалистик анъаналарни ижодий давом эттирувчи асарлар билан бир қаторда янги шаклий изланишлар ҳам кўзга ташланади. Шу билан бирга инсон маънавий олами, дунёқараши ва туйғуларини бадиий акс эттириш тамойиллари янгиланиб, одам руҳий дунёсини бутун мураккаблиги билан тадқиқ ва таҳлил этишга эътибор янада кучайди. 1970-1980 йиллар турк ҳикоячилиги Ғарб адабиётига юзланди, постмодернизм, экзистенциализм сингари тушунчалар кириб кела бошлади. Ҳикоянавислар Ф.Кафка, Ж.Жойс, В.Вулф, У.Фолкнер, А.Камю асарларидан таъсирланди, қаҳрамон яратиш ва услуб жиҳатдан ўхшашликлар пайдо бўлди.

Турк ҳикоячилиги 1970 йиллардан кейин ҳам ички, ҳам ташқи тараққиёт таъсири натижасида янги изланишларга юз тутди. Ғарб ҳикоячилиги таъсиридаги тараққиётда модернистик, постмодернистик тушунчалар юзага келди; билвосита анъанавий ҳикоялардан анча фарқли янги ҳикоя шакли пайдо бўла бошлади<sup>188</sup>. Бунда албатта Юсуф Отилганнинг ижоди, хусусан ҳикоялари муҳим аҳамият касб этади. Турк ҳикоячилигининг модернист ёзувчиларидан бири ҳисобланган Ю.Отилган жанрнинг баракали ижодкори бўлмаса-да, санокли ҳикоялари билан турк адабиётида чуқур из қолдирди.

**Мақсад ва вазифа.** XX аср турк ҳикоячилигидаги услуб янгиланишлари, замон ва қаҳрамон психологиясини илмий асослаш мақсадида Юсуф Отилган ҳикоялари таҳлилга тортилди. Шунингдек, янги (модерн) турк ҳикоячилигининг хусусиятларини белгилаш, Ю.Отилган ижодининг бадиий тамойилларини аниқлаш мақолаининг вазифаси ҳисобланади.

**Усуллар.** Ю.Отилган ҳикоячилигининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда адабий-эстетик, психологик таҳлил усулларида фойдаланилди.

1960 йиллардан эътиборан жанрнинг янги ифодаларини излаш натижасида ижодкорлар қисман бўлса ҳам постмодернизмнинг баъзи хусусиятларидан фойдаланиб ижод қилдилар. Уларнинг биринчиси Юсуф Отилган ҳисобланади<sup>189</sup>. Дарҳақиқат, Ю.Отилган “Катакнинг нариги томони”, “Яшаб бўлмайди”, “Чиқа олмаган”, “Уйдаги”, “Соатларнинг тикирдиси”, “Калта минорадан бошқа” сингари ҳикоялари билан постмодернизм хусусиятларини ифодалаб берди.

Юсуф Отилган бизда модернистик адабиётнинг йўлбошчиларидан бўлган ва ўзи яшаган давридаги ёзувчиларга нисбатан анча фарқли мавзуларда, услубда роман ва ҳикоялар қаламга олган ёзувчидир<sup>190</sup>.

Юсуф Отилган (1921-1989) “Бекорчи одам”(1959) ва “Она юрт меҳмонхонаси” (1973) номли романлари билан танилган ёзувчи бўлиб, тирикчилигида “Калта минорадан бошқа” (1960) номли ягона ҳикоялар тўпламини нашр этди. Вафотидан кейин барча ҳикоялари жамланиб “Исёнчи”(1993) асари нашрдан чиқди. Отилган ҳикояларида анъанавий ва

<sup>188</sup> Çetışli İ., Balçı Y., Kolaç E. Cumhuriyet Dönemi Türk Nesri. Anadolu Üniversitesi. Eskişehir-2012. –S.49.

<sup>189</sup> Külahlıođlu İ.A. Cumhuriyet Dönemi Türk Hikayesi. Yeni Türk Edebiyatı. (1839-2000). Edit. Ramazan Korkmaz. Ankara-2015. –S.364.

<sup>190</sup> Güngör B. Yusuf Atılgan’ın Hayatı, Eserleri ve Fikirleri (1921-1989). Yüksek Lisans Tezi. Marmara Üniversitesi, İstanbul-2014. –S.14.



замонавий ҳаёт ўртасидаги тўқнашувларни, шахс руҳиятида намоён бўлган тангликларни, турли сабаблар билан юзага келган зиддиятларни ҳаётда борлигича акс эттиради. (...) Барча мавзуларнинг ортида инсон ҳаётини остин-устун этган модернизм таъсири бор<sup>191</sup>.

Эътибор бериб назар солсак, Юсуф Отилганнинг аксарият қаҳрамонлари ҳаётдан норози, эркинликка, мустақилликка интилувчан, шу сабабли ҳам атрофидаги ҳиссиз, туйғусиз одамлардан безиган. Улардан узоқлашгиси ва ўзининг “ички олами”да яшагиси келади. Адибнинг “Уйдаги” ҳикояси қаҳрамони ҳатто дунёга келтирган онасидан ҳам бегонасирайди.

Ҳикоянинг қаҳрамони асосан ўз-ўзи билан суҳбатлашади, бошқаларга ҳам ўзича баҳо беради, фикрини бошқаларга билдирмайди. У атрофидагиларга дардини очишга одатланмагани учун қувончу қайғуси ҳам ўзининг ичида. Ҳар қандай ҳаётӣ-руҳӣ жараён фақат унинг ички оламида рӯй беради.

“Катакнинг нариги томони” асарида ҳикоячи яшаётган катагидан қочишни ўйлаган товукдир. Товук ва катак параллелизмида эркинлик мавзусини ёритган ёзувчи катакнинг нариги томони сўз бирикмаси орқали қолиплардан четга чиқиш, ўзи қўмсаган, кутган ҳаётни акс эттиради. Асарда катак хўжайини – қалби пок аёл, ҳикоячи товук, хўроз ва нариги товуклар ижтимоӣ ҳаётга ўхшатиш ҳисобланади<sup>192</sup>.

Ёзувчи ҳикояларида баъзан мазмунни кучайтириш учун жонлантиришдан ҳам унумли фойдаланади. Жонлантиришлар шунчаки эффект учун эмас, балки ўқувчига қаҳрамон сезимларини англашда ёрдам кўрсатиш учун қўлланган. “Катакнинг нариги томони” ҳикоясида нутки йўқ парранда – товук жонлантирилади, яъни нутқ эгаси сифатида кўрсатилади. Ёзувчи бир катак ичида яшаётган хўроз ва товуклар орқали жамиятдаги баъзи одамлар ҳаётини акс эттиради. Товук бошқа товуклардан фарқли ўлароқ бир хилликдан зерикади, узоқлардан кўринаётган бепоён ҳовлилар унинг хаёлини ўғирлайди ва диққинафас катагидан қочиш тараддудига тушади. Қочади ҳам, аммо сал қолса итнинг ўлжасига айланарди. Хўжайини пайдо бўлди-ю итнинг чангалидан кутқарди, ярадор бўлди.

Оппоғим бир кун катакнинг нариги томонида нималар бўлаётганига қизиқади ва бу ердан қочишга қарор қилади, фақат бу жуда мушкул иш. Чунки катак панжаранинг темири узун ва ниҳоясиз кўринарди. Шунга қарамасдан бир куни тонгда катакдан қочишнинг уддасидан чиққан Оппоғим ваҳший итнинг чангалига илинади. Шу заҳоти хўжайини келиб уни кутқаради ва катакка олиб келади. Қочиш ташаббуси омадсиз кечган Оппоғим, омадсизликка қарамай яна катакнинг нариги томонига бориш ва у ердаги кенг ҳовлиларни кўриш истагидан воз кечолмайди<sup>193</sup>.

<sup>191</sup> Çetışli İ., Balcı Y., Kolaç E. Cumhuriyet Dönemi Türk Nesri. Anadolu Üniversitesi. Eskişehir-2012. –S.45.

<sup>192</sup> Işık H.C. Türk Öykücülüğünde 1950 Kuşığı ve Varoluşçuluk. Yüksek Lisans Tezi. T.C. Celal Bahar Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Yeni Türk Edebiyatı Anabilim Dalı. Manisa-2008. –S.96.

<sup>193</sup> Güngör B. Yusuf Atılgan’ın Hayatı, Eserleri ve Fikirleri (1921-1989). Yüksek Lisans Tezi. Marmara Üniversitesi, İstanbul-2014. –S.27.

Шунга қарамай товук барибир катакнинг нариги томонини, бепоён ҳовлилардаги хўроз-товуқларга ҳавас қилади, кўнглининг туб-тубидан яна қочиш истаги уйғонади:

*“Ama ben her zamandan çok şimdi kocaman avluların özlemine duyuyorum. Duvarların ardında o uçsuz bucaksız dünyada daha iyi tavuklar arasında, daha anlayışlı horozlarla geçecek günlerin özlemiyle doluyum. Bıktım buradan. Kaçacağım. Ama köpekler varmış, başka canavarlar varmış, olsun. Bu defa kanatlarımı açar uçuveririm, hırpalatmamam kendimi onlara. Şimdi de bir şeyim yok. Yalnız ensem sancıyor az az. Hele o geçsin, hele kanatlarım az daha uzasın kaçacağım buradan.”*<sup>194</sup>

(Аммо мен ҳозир ҳар доимгидан ҳам кўпроқ кенг ҳовлилар соғинчини ҳис қиляпман. Деворлар ортида, бепоён оламнинг эркин товуқлари орасида, фаросатли хўрозлар билан ўтажак кунларнинг соғинчи билан тўла қалбим. Бу ерлар жонимга тегди. Қочаман. Аммо итлар, бошқа жониворлар бор, майли. Бу гал қанотларимни қоқаман-у учиб кетаман, ўзимни уларга ем қилиб қўймайман. Ҳозир ҳам ҳеч нарса бўлгани йўғ-у фақат оз-моз энсам санчийди. Ҳали бу оғриқлар ўтиб кетсин, қанотларим салгина ўссин, бу ерлардан қочиб кетаман.)

Ёзувчи қаҳрамонларини қарама-қарши характерлар, зиддиятли воқеалар фониди тасвирлайди. Шу сабабли ҳам қаҳрамонлар аламзада, ички нафратга тўла, пессимист ҳолатда акс эттирилади. Улар орзу қилмайдилар, чунки улар қарор қабул қилиб бўлган одамлар. Ҳаётдан, борликдан, одамлардан йироқлашишга интиладилар, ўзларининг руҳий дунёсида яшайдилар. Адибнинг “Яшаб бўлмайдими” ҳикояси қаҳрамони ана шундай қаҳрамонлар сирасига киради. Ҳикоя қаҳрамони жамият томонидан масхара қилинади, ғурури ерга урилади. Оиласида ота томонидан, мактабда ўқитувчилар томонидан, кўча-кўйда эса тенгдошлари томонидан кетма-кет “руҳий зарба”га дуч келади. Унинг табиатидаги асосий белги-хусусият шундан иборатки, у ўз қобиғига беркинган, бошқалардан ажралиб қолган тунд инсон.

Ҳикоя воқеалари бевосита бош қаҳрамон тилидан баён этилади. Бу эса воқеаларнинг бир оз субъектив талқинини юзага келтиради. Аммо қаҳрамоннинг ўзига тегишли ички ҳолатларни ҳам очиқ-ойдин баён этиши ҳикоя ҳаққонийлигини оширади.

Юқорида айтганимиздек, қаҳрамон доимий хўрликлар, турткилар ичида яшайди. Бир гал у чиройли аёлга қарагани учун ёнидаги кишидан мушт еб, ерга йиқилади. Аммо бошқа бир нотаниш киши унга ёрдам беради, атрофда йиғилиб масхара қилаётган одамларни нари ҳайдайди. Бу меҳрибон кишининг исми Али эди. Али уни “хона”сига олиб келиб, юзидаги қонларни артади. Шу ерда қаҳрамон психологиясида носоғлом, ғайритабиий бир ўзгариш юз беради. У ўз нажоткорини яхши кўриб қолади. Айнан яхши кўргани боис киши билмас уйига бориб ўлдиради. Ҳикоя қаҳрамонини бундай мудҳиш жиноят қилишга ундаган мантиқ битта эди. Унингча, ваҳший, ёвуз, бегона одамлар яшайдиган

<sup>194</sup> Atılğan Yu. Kumesin Ötesi / Bütün Öyküleri (Таржима бизники – П.К.) Yayı Kredi Yayınları. İstanbul-2002. – S.15.

бу жамиятда Али сингари яхши одамлар яшашга қийналади. Уларни бундай азобдан қутқариш керак. Бунинг чораси эса ўлдириш. Ю.Отилган ушбу ҳикоясида бошқа барча ҳикояларидагидан мураккаброқ, мантикий ечимсиз муаммони кўтаради. Ушбу ғайритабиий ходисанинг бадий-психологик тасвирини берар экан, ўқувчини ўз қаҳрамонининг руҳан бемор эканига ишонтиради. Ҳақиқатан ҳам, ушбу қаҳрамон қилган ишни фақат телбагина амалга ошириши мумкин. Ушбу қаҳрамон бир томондан рус ёзувчиси Ф.Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо” романидаги Роскольниковни эслатади. Аммо унинг қилмиши Роскольниковникидан ўн чандон ошиб тушади. Агар Ф.Достоевский қаҳрамони ижарачи кампирни ўлдириш учун жиндеккина асосга эга бўлса, Ю.Отилган қаҳрамони ўзи яхшилик кўрган, яхши кўрган одамни ўлдиради:

“- *Neyin var senin, hasta mısın? dedi birden.*

- *Yoo, çok iyiyim, dedim.*

*Gerçekten de öyleydim.*

- *Şarap var dolapta; birer bardak içeriz ha?*

*Dolaba doğru yürüdü. Ben de yürüdüm. Önce dönecek sandım; oysa sendeliyormuş. Havanelini sağ elime aldım; bütün gücümle vurduğuma başına. Yüzükoyun düştü. Odayı korkunç bir gürültü kapladı. Nice sonra döşemeye kan aktı. Öylesine yeğindim ki hop desem uçacaktım; sivrisinek gibi. Şimdi kendimi öldürebilirdim.”<sup>195</sup>*

(“ - Нима бўлган сенга, касалмисан? – деди тўсатдан.

- Йўқ, жуда яхшиман, - дедим.

Ҳақиқатан ҳам шундай эдим.

- Жавонда шароб бор, бир-икки қадаҳ ичсак-чи?

У жавон томонга юра бошлади. Мен ҳам орқасидан бордим. Ортга қайтгандек туюлди, гандираклаётган экан. Ўнг қўлим билан тўқмоқни олдим ва бор кучим билан бошига урдим. Юзтубан йиқилди. Хонада даҳшатли шовқин кўтарилди. Бир оз ўтиб гилам қонга булғанди. Ўзимни шундай енгил ҳис қилдимки, бир нафасда чивинга ўхшаб учиб кетардим гўё. Энди ўзимни ўлдирсам бўлади.)

Мавҳум туйғулар қаҳрамонни ҳар хил ўй-хаёлларга етаклайди. Атрофида юз бераётган ҳар хил тубанликни ҳам, инсонийликни ҳам кўриб туради, тушунади, аммо уларнинг бирортасига муносабат билдирмайди. Унинг ичидаги руҳий олишув, ўзидан норозилик, бирор нарсага муносабат билдирмаслик бу шахсни бора-бора маънавий таназзулга олиб келади.

**Хулоса.** Адиб ҳикояларида ҳаётнинг адоқсиз зарбалари қаршисида ночор қолган одамларнинг қисмати, уларнинг тирикчилиги ўнгланишига на йўл, на имкон борлиги кўрсатилади. Ёзувчи қаҳрамонлари юрадагидан тақдир сўқмоқлари борган сари мураккаблашиб, оғирлашиб бораётганлигини тасвирлайди. Ҳикояларнинг қаҳрамонлари аксарият ҳолларда вазият устидан ғолиб чиқолмай ора йўлда қолишади.

<sup>195</sup> Atılğan Yu. Yaşanmaz / Bütün Öyküleri (Таржима бизники – П.К.) Yayı Kredi Yayınları. İstanbul-2002. –S.60.

Кўриб турганимиздек, Ю.Отилган ижодига жаҳон адабиётининг таъсири кучли. Шу боис адибни кўпроқ инсон ичида, кўнглида кечаётган жараёнлар тасвири қизиқтиради. Воқеа, муаммога нисбатан руҳий жараённи ифодалаш устувор ўринда туради. Ёзувчининг ижоди, асарлари бир қатор адабиётшунослар эътиборига тушиб, ўз илмий талқинини топган.

Янги турк адабиётининг йўлбошчи ёзувчиларидан бири Юсуф Отилган романлари, қолаверса ҳикоялари билан ўзидан кейинги модернизм ва постмодернизм ёзувчиларга доимий илҳом манбаси бўлиб келди<sup>196</sup>.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Atılgan Yu. Evdeki / Bütün Öyküleri. Yapı Kredi Yayınları. İstanbul-2002.
2. Atılgan Yu. Saatların Tıkırtısı // Türk Edebiyatından Öyküler 1. (Hazırlayanlar: Ercan E., Önemli İ.) İnkılap. İstanbul-2014.
3. Güngör B. Yusuf Atılgan'ın Hayatı, Eserleri ve Fikirleri (1921-1989). Yüksek Lisans Tezi. Marmara Üniversitesi, İstanbul-2014.
4. Dirlikyapan Ö.J. Yusuf Atılgan'ın Kentinde Sınırdaki Yürüyen Öykü Kişileri. // Turkish Studies. 9/3 Winter 2014. Ankara-Turkey.
5. Işık H.C. Türk Öykücülüğünde 1950 Kuşağı ve Varoluşçuluk. Yüksek Lisans Tezi. T.C. Celal Bahar Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Yeni Türk Edebiyatı Anabilim Dalı. Manisa-2008.
6. Külahlıoğlu İ.A. Cumhuriyet Dönemi Türk Hikayesi. Yeni Türk Edebiyatı. (1839-2000). Edit. Ramazan Korkmaz. Ankara-2015.
7. Oğuz O. Yusuf Atılgan'ın Hikayelerinde Kent. // Turkish Studies. 7/1 Winter 2012. Turkey.
8. Çetişli İ., Balcı Y., Kolaç E. Cumhuriyet Dönemi Türk Nesri. Anadolu Üniversitesi. Eskişehir-2012.

---

#### **Шахло Аҳмедова**

*Филология фанлари номзоди, Иқтидорли талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини таъкил этиши бўлими бошлиғи, ТошДШИ*

### **БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ҲИКОЯНАВИСЛИГИДА ЯНГИ БАДИИЙ УСЛУБИЙ ТАМОЙИЛЛАР**

**Аннотация.** *Бирлашган Араб Амирликлари ўрта аср араб адабиёти ўрнига келган замонавий турдаги ўз адабиёти жуда кеч, яъни XX асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган Араб мамлакатлари сирасига киради. Шунга қарамасдан, аксарияти ахлоқ, панд-насиҳат берувчи сентиментализм ва романтизмнинг бадиий тамойилларига асосланган илк амирликнинг ҳикоялари ичида етук реализм намунаси бўлганлари ҳам (Муҳаммад Мурр ижодиди) ва ҳаттоки, модернизм (Абдуллоҳ Мурр ижодиди) каби ҳикоялар ҳам учрайди.*

---

<sup>196</sup> Güngör B. Yusuf Atılgan'ın Hayatı, Eserleri ve Fikirleri (1921-1989). Yüksek Lisans Tezi. Marmara Üniversitesi, İstanbul-2014. –S.IV.

1980-йилларда Амирликлар адабиётида реалистик йўналиш барқарор ривожланган даврда аксарият ҳикоянавислар модернизм эстетикасига мурожаат этдилар. Улар ўз ҳикояларида объектив реаллик тасвиридан ёрқин ифодаланган сюжетдан воз кечиб, ўзига хос субъектив акс этган онгинг ички ҳолатига ўз эътиборларини қаратишган. Бунда баъзи бир олимлар (Мирям Жума Фараж, Суад Арими, Хараб Захейри, Сальма Матар Сайф) араб шеъриятига хос бўлган метафора ва қиёслаш, ўзига хос лексик-синтактик конструкцияларга тўйинган асарнинг мураккаблашган тилидан фойдаландилар. Натижада, араб адабиётишуносларида “шеърий модернизм” номини олган ўзига хос услубни вужудга келтирдилар. Бундан ташқари, мазкур даврдаги баъзи амирликлар ҳикояларида магик реализмнинг унсурлари (Абулҳамид Аҳмад Абдулҳамид ва Сальма Матар Сайф ижодида), абсурд эстетикаси (Забиййи Хамис ижодида) ва постмодернистик пародаси (Сальма Матар Сайф ижоди)да кузатиш мумкин.

Амирлик ҳикоянавислари асарларининг мавзулари БАА жамиятининг ҳам реалия, ҳам муаммоларини қамраб олиш билан бир қаторда умумбашарий фалсафий муаммоларни ҳам ўз ичига киритган (БасемаЮнус ва Жума Феруз ижодида). Баъзи бир асосий мавзулар, яъни хориждаги меҳнат муҳожирлиги ва тарихга айланаётган анъанавий турмуш тарзини қўмсаш БАА ҳикоянавислигини Форс кўрфази бошқа араб мамлакатларининг адабиётларига яқинлаштириши баробарида замонавий араб адабиёти контекстида ўзига хослик касб этади.

**Таянч сўз ва иборалар:** Бирлашган Араб Амирликлари, “шеърий модернизм”, араб адабиёти, ҳикоя, услуб, сеҳрли реализм, онг оқими, постмодернизм, сентаментализм.

**Аннотация.** Объединенные Арабские Эмираты относятся к числу тех арабских стран, в которых собственная литература современного типа, пришедшая на смену средневековому арабскому адабу, появилась довольно поздно-лишь в 70-е годы XX в. Тем не менее уже среди самых ранних эмиратских рассказов, подавляющее большинство которых базировалось на художественных принципах нравоучительного сентиментализма и романтизма, встречались рассказы, представляющие собой образцы зрелого реализма (в творчестве Мухаммеда аль-Мурра) и даже модернизма (в творчестве Абдаллаха аль-Мирри). В 1980-е годы при устойчивом развитии в эмиратской литературе реалистического направления многие новеллисты обращаются и к эстетике модернизма, отказываясь в своих рассказах от изображения объективной реальности, выраженной сюжетности и сосредоточиваясь на “внутренних” состояниях сознания, в котором объективная реальность получает причудливое, субъективное преломление. При этом некоторые авторы (Мирям Джума Фарадж, Суад аль-Аrimi, Хараб аз-Захери, Сальма Матар Сейф) используют усложненный язык повествования, насыщенный свойственными арабской поэзии сравнениями и метафорами, витиеватыми лексико-семантическими конструкциями, воспроизводя, таким образом, специфический стиль, пролучивший у

арабистов-литературоведов название “поэтический модернизм”. Также в некоторых эмиратских рассказах этого периода можно наблюдать черты магического реализма (в творчестве Абд аль-Хамида Ахмеда Абд аль-Хамида и Сальмы Матар Сейф), эстетики абсурда (в творчестве Забийи Хамис) и постмодернистской пародии (в творчестве Сальмы Матар Сейф). Тематика произведений эмиратских новеллистов охватывает как реалии и проблемы эмиратского общества, так и общечеловеческие, философские проблемы (в частности, в творчестве Басемы Йунус и Джума аль-Фейруз). Некоторые ключевые темы, такие как трудовая иммиграция из-за рубежа и ностальгия по уходящему в прошлое традиционному жизненному укладу, роднят эмиратскую новеллистику с литературами других арабских стран Персидского залива и одновременно придают ей своеобразие в контексте современной арабской литературы в целом.

**Опорные слова и выражения:** Объединенные Арабские Эмираты, арабская литература, “поэтический модернизм”, рассказ, метод, магический реализм, поток сознания, постмодернизм, сентиментализм.

*Summary.* The United Arab Emirates are one of those Arabic countries where national literature of modern type – which replaced Arabic medieval *adab*—came into existence as late as in the 1970s. Nevertheless, among the earliest Emirati short – stories, most of which were based on the principles of moralizing sentimentalism and romanticism, one could find samples of mature realism (in Muhammad al – Murr’s writings) and even of modernism (in Abdullah al – Mirri’s writings). In the 1980s along with the steady development of the realistic trend in Emirati fiction, many writers turned to the aesthetics of modernism by abandoning in their works the idea of objective, reality, as well as clear plots, and concentrating instead on “internal” states of the mind, in which the objective reality is odd, subjectively transformed. Moreover, some writers (Miryam Jum’a Faraj, Su’ad al – Arimi, Harib al – Zahiri, Salma Matar Sayf) used a complicated language of narration, full of similes and metaphors typical for Arabic poetry, as well as ornate lexical – syntactical constructions, reproducing thus a specific style, which was named by scholars of Arabic literature ‘poetic modernism’. Besides, in some Emirati short – stories of that time, one can find features of magic realism (in Abd al – Hamid Ahmad Abd al – Hamid’s and Salma Matar Sayf’s works), absurdism ( in Zabiyya Khamis’s works) and post – modernist parody ( in Salma Matar Sayf’s works). The themes of Emirati short – stories embrace Emirati local realities and problems, as well as general human and philosophic subjects ( in particular, in Basima Yunis’s and Jum’a al – Fayruz’s writings).

**Keywords and expressions:** the United Arab Emirates, Arabic literature, “poetic modernism”, story, method, magical realism, stream of consciousness, postmodernism, sentimentalism.

Бирлашган Араб Амирликлари ўрта аср араб адабиёти ўрнига келган замонавий турдаги ўз адабиёти жуда кеч, яъни XX асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган Араб мамлакатлари сирасига киради. Форс кўрфази амирликлари

давлатчиликка эга бўлиш арафасидагина (1971) ўша пайтда Миср олий таълим муассасаларида таълим олаётган баъзи бир ёш амирликлар Миср нашрларида ҳикоя жанрига типологик жиҳатдан яқин бўлган ўзларининг илк асарларини нашр этдилар. 1970-йиллар бошида Бирлашган Араб Амирликларида ўрта ва олий таълимнинг замонавий тизими шакллана бошлади, ўз нашрлари ривожланди, бу эса, ёзувчи ёшлар доирасининг кенгайишига кўмаклашиб, миллий публицистика ва бадиий насрни барқарор ривожланиши учун асос яратди.

1970-80 йилларда ҳикоялар ёзишни бошлаган амирлик наср ёзувчилари ижоди ҳақида сўз юритилар экан, амирлик бадиий насрининг тадқиқотчиси бўлган Али Муҳаммад Рашид уларни амирлик ҳикоянависларининг “биринчи авлоди” деб номлайди[1:22]. Мазкур ёзувчиларнинг аксариятининг ҳикоялари “*Биз барчамиз денгизни яхши кўрамыз*” (*Куллуна нуҳибб аль-бахр, 1986*) ва “*Соҳил кўшиғи, саҳронинг увиллаши (Нашид ас-сахиль, сафир аль-барр, 2001)*” деб номланган жамоа тўпламларига киритилган. Бу тўпламлар БАА Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган<sup>197</sup>.

Тадқиқотчи Рашид Абу Шуайр фикрича, ҳикоя жанрининг мезонларига тўлиқ жавоб берувчи БААда илк нашр этилганбу асар - ихтисослиги бўйича педагог ва филолог бўлган Шайха Муборак Нахий (1952 йил Шаржада туғилган)нинг “*Кетиш*” (1970) ҳикояси бўлди [2:12]. Ёзувчининг илк тўплами ҳам худди шундай номланди – “*Кетиш*” (*ар-Рахил, 1992*). Унга амирлик нашриётларида чоп этилган ҳикоялари киритилди.

Ҳаддан зиёд сентиментал оҳангларга тўла бўлган Шайха Нахий ҳикояларининг катта қисмининг асосий мавзуси чуқур қайғуга сабаб бўлган шахсий ҳаётдаги бахтга бўлган қизларнинг орзу-умидлари эди. “*Кетиш*” ҳикоясининг қаҳрамони кўшни йигитга турмушга чиқмоқчи, бу йигит ҳам қизни севади, аммо қизнинг ота-онаси уларнинг никоҳига розилик бермайди ва ёш йигит кетишга қарор қилади. “*Иллюзия нурлари*” ҳикоясининг қаҳрамони ўзининг тоғасининг ўғлини севади, у эса қариндошлари фикрича, унга эр бўлиши лозим, у йигит хорижга ўқишга кетади ва у ерда оила қуради. “*Худди шу кун келди*” ҳикоясининг қаҳрамони севикли ёрини хориждан келишини кутади, одамлар уни у ерда турмуш қурган дейишларига карамай, ундан олинган мактуб қизнинг кўнглида мактубни ўқимасдан орзу-умидларини хурсандчилигига сабаби бўлади. “*Ҳеч қаерга олиб бормайдиган йўл*” ҳикоясининг қаҳрамони ёшлигида ўғай она зулмидан қийналади, кейин эса ундан тезроқ қутилиш истагида бўлган отаси билан ўғай онаси биргаликда у қизни руҳан касалманд қари чолга турмушга беради ва унинг азоблари давом этади. “*Симлардаги бармоқлар*” ҳикоясидаги эркак анча олдин ўз оиласини ташлаб кетган бўлади ва телефон гўшагида ўзининг катта бўлган қизининг овозини эшитади ва натижада унда нафис ҳиссиётлар пайдо бўлади ва у қайтишга қарор қилади. “*Қамалда*” ҳикоясининг қаҳрамони эрининг доимо хиёнат қилган ва ичишга ружу қўйган эрининг хулқ-атворидан азоб чекади.

---

<sup>197</sup>Бу ерда ва кейинги саҳифаларда ҳикоялар тўпламининг номи ўзбек тилига таржимаси ва транслитерацияда берилади. Ҳикоялар номини эса фақат ўзбек тилидаги таржимаси берилади

Аммо аёлга эри оғир ҳолатда касалхонага тушиб қолганлиги ҳақидаги хабар келганда, аёл “... *йўқ, йўқ, йўқ бўлиши мумкин эмас, биз ҳали яшашни бошламадик-ку*”, дея бақиради [3:48].

1980-1990 йиллар биринчи ярмида ШайхаНахий томонидан ёзилган ҳикоялар унинг иккинчи тўплами – “*Шимол шамоллари*” (*Рийах аш-шималь*, 1999)га киритилган. Уларда муаллифлик услубини ўзгаришини сезиш жуда осон: энди қаҳрамонларнинг ички ҳолатининг тасвири, уларнинг ҳиссиёт ва кечинмалари, баъзида эса тушунарсиз, ёки умуман тушуниб бўлмайдиган сюжет контекстидаги онг оқими биринчи ўринга чиқади. Ҳикоя алоҳида ўзига хос “шеърлаштирилган” тилда олиб борилади, бу тил ўзига хос лексик-синтактик хусусиятлар билан фарқланади.

Тўпламнинг баъзи бир ҳикояларида сюжет ва ҳаракатреалистик кўринишда аниқроқ берилган, булар қаторига “*Деворларнинг ҳам қулоғи бор*” ҳикоясидаги ҳибсга олинган маҳбуснинг ўз ишидан нафратланган қамоқхона ходими билан суҳбати, ёки “*Безовталиқ*” ҳикоясидаотасининг вафотидан сўнг оиласини бир ўзи боқишга мажбур бўлган амирлик ҳаётининг бир куни. Бундан ташқари, “*Шимол шамоллари*” ҳикоясида 1994 йилда Шимолий Яман армияси Аден шаҳрини қамалга олган вақтида аденик бир оиланинг ғамлари ва азоблари тасвирланган.

Рашид АбуШуайранинг таъкидлашича, ШайхаНахий билан деярли бир пайтда Абдуллоҳ Сақр Мирр (1952 йилдаДубайда туғ.) ҳам ҳикояларни ёзишни бошлади. Шоир, моҳир футболчи бўлган Абдуллоҳ Сақр Миррининг “*Карталар*” тўплами (*аль-Хашаба*, 1975) БАА муаллифи нашр этган ҳикояларнинг илк тўплами эди[2:12].

Унинг биринчи нашри цензура туфайли китобхонларгача етиб бормади; такроран у 1999 йилда қайта нашр қилинди.

Муаллиф учун цензура тўсиқлари кутилмаган воқеа бўлмади, афтидан, у ўзини “адабий исёнкор” деб ҳисоблаган. Бу ҳақда тўплам учун танлаган эпиграфлар гувоҳлик беради. Тўпламнинг барча ҳикоялари “қоронғу” модернизм эстетика руҳида ёзилган. Бу йўналиш шу даврга келиб, баъзи бир араб мамлакатлари, Халиж мамлакатларида ҳам тарқалган эди. Аммо БААларининг вужудга келаётган янги ҳикоянавислиги учун ҳали ҳам эстетик жиҳатдан ўзгача эди[4:135-142]. Тўпламнинг қисқа ҳикоялари аксарият ҳолларда аллегорик, сюрреалистик ва абсурд тасвирлар бўлиб, уларни бир маъноли тарзда талқин қилиш қийин, улар китобхонларда пессимизм, чорасизлик, бегоналашиш ҳиссиётини вужудга келтиради. Ҳаддан зиёд йўловчилари кўп бўлган автобусга қўлида китоб билан тўла портфели билан чиқмоқчи бўлган ва якунида бераҳм ва бефарқ йўловчилар кўз олдида ғилдирак остида вафот этган инсон араб зиёлиларининг тақдирини ифодалайди деб, тахмин қилиш мумкин (“*Ўлаётган дунё кечинмалари орасида руҳланиш*” ҳикояси). Порнографик унсурлар билан тасвирланган аёлни бир гуруҳ эркаклар томонидан зўрланиш саҳнаси эса, мусулмон жамиятидаги аёл ҳолатининг ўзига хос аллегорияси бўлиши ҳам мумкин (“*Сеанс*”). Муаллиф нарсаларни мавжуд бўлган анъанавий ҳолатини қабул қилмаслиги ҳақидаги фикр билвосита тарзда бир нечта ҳикояларда “Қоронғу, ёвуз куч” сифатида қандайдир соқолликлар,



яъни араб адабиётида анъанавийчиликнинг кенг тарқалган рамзи билан ҳам тасдиқланади.

Ал-Миррнинг амирлик ҳикояси ривожланишининг мазкур бошланғич босқичидаги модернистик сайъ-ҳаракатлари оммавий тақлидга сабаб бўлмади. Аксарият ижодни бошловчи ёзувчилар атрофдаги муҳитга, воқеликка реалистик ва сентиментал романтик нигоҳда, яъни нуқтаи назарда бўлиб, камдан-кам ҳолда модернизм эстетикасига мурожаат этган. Бундай ёзувчилар сирасига Али Абдулазиз Шархан (1950 йилда Рас-ал-Хайма туғ.) ҳам мансубдир. У моҳир филолог бўлиб, Буюк Британияда таълим олган ва кейинчалик БААларининг олий таълим тизимида юқори лавозимларни эгаллаган. Унинг *“Қайғу”* (*аш-Шака*, 1977) номли тўпламидаги ҳикоялари ғоявий-бадий жихатдан хилма-хилдир. Баъзи бирлари романтик услубда, бошқалари, реалистик ва сентиментал руҳда ёзилган бўлса, учинчилари, модернизм руҳида ёзилган. Бундан ташқари, ёзувчининг маҳаллий шевани қўллаши ўзига хос хусусият бўлди, айниқса, диалог ва ички монологларда шевани ҳикояга ўзига хос алоҳида миллий колоритни бериш мақсадида қўлланган. Тўпламнинг номи ўзи далолат берганидек, ҳикояларнинг асосий устувор мавзуси инсоннинг азоб-уқубатлари, булар нефтдан олдинги даврлардаги амирликларнинг ҳаёт тарзининг шафқатсиз шароитлари билан шартланган, ёхуд нефть даврида ҳаётнинг янги тарзига ўтиш билан боғлиқ бўлган муаммолар билан шартланади. Нефтдан олдинги даврда денгизчилар, балиқчилар, дур олиб чиқувчилар ва қишлоқ хўжалигидаги ишчиларнинг оғир ҳаётига *“Хайр севиқлиларим!”*, *“Тубсиз чуқур”*, *“Азоб-уқубат”*, *“Ўлимдан сўнги хурсандчилик”*, *“Абу Аббод”* каби ҳикоялар бағишланган.

*“Тратуардаги кўз ёши”* ҳикояси илк бор меҳнат муҳожирлари муаммосига бағишланган. Меҳнат муҳожирларининг БААларида ўз моддий ҳолатини яхшилашга бўлган орзу-умидлари пучга чиқади. Модернистик эстетикада ёзилган *“Орзу ва воқелик фожеаси”* ва *“Йўқотилган вақт ҳақидаги ўйлар”* ҳақидаги ҳикоялари БААларида ҳаётнинг ўзгараётган шароитларига инсон мослашувининг мураккаблиги, қийинчилиги туфайли вужудга келган ёлғизлик, бегоналашиш, чорасизлик ҳиссиётларини кўрсатиб беради. *“Эски деворни севиб қолган”* қаҳрамонона-романтик ҳикоя ўз оиласига денгизчининг ўлими ҳамда қишлоғини йўқ бўлишига сабабчи бўлган инглиз денгизчилариданинқиқом олган оддий денгизчининг қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя қилади. Ҳикоядаги ҳаракат афтидан, XIX аср биринчи чорагида бўлади, бунда Британия флоти Форс кўрфази қароқчиларига қарши ҳарбий компаниялар оширган эди.

Маълумоти бўйича филолог ва БААликлари таълим вазирлигининг ходими бўлган Абдурид Хасан Сажвани (1957 йилда Шаржада туғ.) ўз ҳикояларини амирликларнинг нефть даври бошланғичига қадар ва ўзининг ҳаётига бағишлади. 2000- йиллар бошига қадар у уч тўпламни эълон қилди: *“Ўша даврлар”* (*Залика-з-заман*, 1978), *“Қизнинг хатоси”* (*Заллат ал-азара*, 1981) ва *“Воз кечии”* (*ар-Рафд*, 1992). Ҳажми бўйича кичик бўлган биринчи тўпламга кирган ҳикояларнинг мавзуси бирлашган амирликнинг нефть даврининг олдинги ҳаёти мавзусига айланди. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи

шундай ёзади: “Қийин ва қайғуга тўла, шон-шуҳратли ва қаҳрамонона бўлган аجدодлари яшаган ўтмиш ҳақида билишни истаган барча янги авлодлар” ва бу қийинчиликларни бартараф этиб яшаган ўтмишдагиларга, ўша даврда азоб чеккан ва бахтсиз бўлган барчага”[5:24]. Китобхонда биргаликда азоб чекиш, меҳр ҳиссиётини уйғотишга қаратилган ҳаддан зиёд сентиментал услубда муаллиф қадимги амирликларнинг ибтидоий хўжалик ҳаёт тарзини тасвирлайди. Бу ҳаётда инсонларни касалликлар, очлик ва турли жароҳатланишидан ўлими оддий ҳолат эди. Дурни денгиз остидан олиб чиқадиганларнинг ишлари айниқса хавфли эди: “Ўтмиш кўз ёшлари” ҳикояси қаҳрамонини оёғини ақула тишлаб, узиб ташлаган. “Эриб кетган умид” ҳикоясидаги қаҳрамон аёлнинг эри ҳам худди шундай ҳолатга тушган. “Денгиз қонуни” ҳикоясида эса кемада бетоб бўлиб қолган сув остига шўнғувчини жамоанинг бошқа аъзоларига касаллиги юқмаслиги учун кема капитани уни борт ортидан денгизга ташлаб юборишни буюради. Ичимлик суви манбалари йўқ шароитда инсонларнинг бошидан кечган азобларига “Чанқоқ ва жазирама” ҳикояси бағишланган. “Ўтмиш замонларда” ва “Руҳларга тўла қудуқ” ҳикояларида ёзувчи ўша даврдаги бидъатлар ҳақида ҳикоя қилади.

Тўплам ҳикояларининг аксарияти ахлоқ, маънавият масалаларига бағишланган, бу ҳаттоки, уларнинг номларидан ҳам билиниб туради. Бу ҳикоялар муаллифнинг маърифий тафаккурининг ёрқин ифодасидир. Ўзидан олдинги адиблар каби ас-Сажвани меҳнаткашлик ва ишчанлик (“Ва фаровонлик келди”, “Ва шамлар ёқилди”), меҳрлилиқ ва ёрдамга шайлиқ (“Эзгу юрак”, “Эзгулик мевалар”)ни шарафлайди, қаттиққўллиқни танқид қилади, (“Мазлумнинг нидолари”), маккорлиқни (“Адолатли жазо”) мағрурлиқни (“Надомат кўз ёшлари”), енгилтақлиқ (“Гўзалиқ ва фаришта чизгилари”), муҳаббат эмас, ҳисоб-китоб асосида никоҳ тузиш (“Юракнинг қули”, “Тинчланиш уйқуси”) ва ҳ.к.

Ёзувчининг кейинги икки тўпламида унинг муаллифлик услуби ўзгариши сезилиб туради: ҳикоя қилиш кўп сўзли бўлиб қолади, у қиёслаш ва метафораларга, ўзига хос лексик-синтактик тузилмаларга тўйинади, бу эса баъзи бир ҳикоялар мантиғини идрок этишни жуда мураккаблаштиради. Муносабатда эса бу икки тўпламнинг ҳикоялари амирликларнинг нефтдан олдинги даврдаги қайғу ва ғамга тўла тасвирини эмас, аксинча, ўтмишга кетаётган қадриятва анъаналарни улуғлашга бағишланади: яъни бунда оилавий қабила алоқаларининг мустаҳкамлиги, қишлоқ хўжалиги ва хурмо пальмасининг қадрияти, денгиз овларининг романтикаси куйланади “Харобалар” ҳикоясининг қаҳрамони - қарши капитандир, уни ўз фарзандлари қариялар уйига жойлаштириб, уни унутадилар ва у ўзининг охири кунларини аввалги денгиз овлари ҳақидаги хотиралари билан ўтказади. “Пальмалар онаси” ҳикоясининг қаҳрамони – қари аёл, у эрининг вафотидан сўнг бутун ҳаётини бағишлаган хурмо пальмали плантациясини сотиб юборади. Ер харидори хорижлик инсон пальмаларни йўқ қилиб ташлаганда, аёл қайғудан соғлиғини йўқотади. Энди у фалаж бўлиб ётади, унинг қўшнилари эса уни ҳаётини ва натижада нима бўлганини муҳокама қиладилар.

Янги даврда амирликларнинг ҳаёт тарзининг ўзгариши мазкур ҳикояларда салбий жиҳатдан кўрсатилган. “*Турғунлик*” ҳикоясининг қаҳрамони балиқ бозоридаги савдогарбир неча кундан бери ҳеч нарса сота олмайди: одамлар янги балиқдан воз кечиб импорт консерваларига ўтмоқда. Бозорнинг барбод бўлиши нефт қазиб олинганлиги сабабли Форс кўрфази сувларига заҳарли моддалар кўшилгани билан ҳам боғлиқдир. Одамлар бу сувларда тутилган балиқни ейишдан хафсирайдилар. “*Кутуш*” ҳикоясидаги чолга БААлари ҳукумати янги уйни ажратиб берди, бу уй шаҳар бош режасига мувофиқ бузиладиган эски уй ўрнига берилди. Аммо чолнинг собиқ кўшнисини ва дўсти бу уйга кўчиб олди ва пора орқали уйни ўз номига расмийлаштирди. Чол адолат излаб кўп мартаба ҳукуматга ҳамда жамиятга ҳам мурожаат қилди. Қишлоқ жамоаси барбод бўлиши ва ҳокимият органлари бюрократлашуви шароитида ҳеч ким унга ёрдам бера олмайди. “*Орзу*” ҳикоясининг қаҳрамони АҚШдаги ўқишини муваффақиятли тугата олмасдан, ўз ватанига америкалик аёли билан қайтди. Аёли бирлашган амирликдаги эри билан қашшоқликка рози бўлиб яшай олмайди ва Америкага қайтишга жазм қилди. Аёлини аэропортга олиб кетаётганда қаҳрамон ўз ёшлиги, зироатчи ота-онасининг оғир ҳаёти, АҚШдаги ўтмиши ва БААдаги ўзининг кейинги ҳаёти ҳақида ўйлаб кетади. “*Аҳмоқлик*” ҳикоясидаги ёш амирлик доимий равишда хорижга бориб келади. Ота-онасига Қувайтга пул топишга боряпман дейди, аммо аслида у Банокда наркотик савдоси билан шуғулланади. Полиция унинг вафоти ҳақида ота-онасига хабар берганидагина, ота-онаси фарзанди аслида нима билан шуғулланганини билади.

Замонавий амирликлар ҳаётининг кенг тасвири Муҳаммад Мурр (1954 йил Дубайда туғ.) ҳикояларида кўрсатилган – бу муаллиф XX асрнинг энг кўзга кўринган амирлик ҳикоянависидир. АҚШда таълим олган, 70-йиллар иккинчи ярмида Бирлашган Амирлик нашриёти Ахборот воситаларида ўз фаолиятини бошлаган муаллиф 1990-йиллар бошига келиб ҳикоялар тўпламини нашр этди. “*Ўзга турдаги муҳаббат*” (*Хубб мин нау ахар, 1978*), “*Охирги фурсат*” (*аль-Фурса аль-ахира, 1981*), “*Дўстлик*” (*Садақа, 1981*), “*Бироз ҳамдардлик*” (*Шай мин аль-ханан, 1985*), “*Кутилмаганлик*” (*аль-Муфаджа, 1985*), “*Жасмин*” (*Йасмин, 1986*), “*Хаббуба*” (1986) “*Тақдир*” (*Насиб, 1986*), “*Юракдаги макон*” (*Макан фи-л-қалб, 1988*), “*Кўзнинг қорачиги*” (*Куррат ал-айн, 1988*), “*Нозик, нафис овоз*” (*ас-Саут ан-наим, 1989*) 1992 йилда муаллифнинг барча асарлари 3 жилдлик тўплам сифатида нашр этилди (ҳаммаси бўлиб 145 та ҳикоя).

Муҳаммад Мурр замонавий Дубайнинг ҳаётини, яъни маиший томонини тасвирловчи ёзувчи мақомига эга бўлди: унинг сюжетларининг аксарияти, бу ҳақиқий дубайликларнинг тақдирларини турли эпизодларига асосланган ҳаётини воқеалардир. Албатта, бу сюжетларнинг барчаси ҳам кенг умумлаштирув даражасига кўтарилмасда (тасвирланаётган вазият ва характерлар, акс ҳолда, ниҳоятда индивидуал, ғайриоддий породоксал), аммо улар биргаликда замонавий дубайлик араблар ўрта синфининг ижтимоий ва хусусий ҳаётининг кенг панарамасини ташкил қилади. Муҳаммад Муррнинг муаллифлик услуби ҳаддан зиёд соддалик ва аниқлиги билан ажралиб туради. Умуман, араб насри учун хос бўлган тил “безаклари” ҳамда ҳикоянинг тузилмаси ва образлиги

билан модернистик тажрибалар унга бегонадир. Ёзувчига хос бўлган кузатувчанлик китобхон осонгина таний оладиган турли ҳаётий вазиятларни жуда ҳам ишончли тасвирланишида ёрқин ифодаланади. Унинг ҳикояларидаги диалоглар доимо жонли ва табиий, улар айнан шу лаҳзага мувофиқдир.

Албатта, Муррнинг замонавий Дубай жамияти учун типик бўлган ижтимоий-маданий муаммоларни сатирик йўналишда акс этган ҳикоялари энг катта бадиий қадриятга эга. Бу айниқса, архаик бўлган оилавий никоҳ анъанаси, яъни келин оиласи ҳақидаги фикрга асосланган ота-оналар танлови асосида уйланиш каби сюжетларга тегишлидир.

“*Тақдир*” ҳикоясининг қаҳрамони ёш, ўзига ишонган офицер уйланишга қарор қилади ва онаси ҳамда холаларига келин танлашни илтимос қилади. Аёллар келинга номзодларнинг рўйхатини тузишади, уларнинг келиб чиқишини, оиласидаги удум, урф-одатларни ва молиявий жиҳатларини таҳлил қилишади ва совчиликка боришади. Аммо бирин-кетин белгиланган, режалаштирилган номзод қизнинг ота-онасидан рад жавобини оладилар. Ўзига ишончли йўқотган ва умидсиз бўлган офицер тасодифан бир қиз билан танишади. Бу қизнинг оиласи ҳақида ҳеч нарса билмайди, бироздан сўнг улар бахтли бўлиб, оилавий иттифоқ, яъни никоҳ тузадилар.

“*Ҳамад Ғави қандай уйланди*” ҳикоясининг қаҳрамони, аксинча, уйланиш ҳақида ҳали ҳам ўйламайди. Аммо унинг онаси ўғлининг бундай бўйдоқ юришидан хавотирланиб, ўғли ярим беҳуш бўлган ҳолатда ундан никоҳга розилик олади ва қўшнилариининг қизига совчиликка чиқади. Ёш йигит уйланишга мажбур бўлади, чунки у уйланмаса, уйда жанжал ва шаънисизликка дуч келади.

“*Жасмин*” ҳикоясида ёш йигит мусулмончилик анъаналарини бузиб, унга очикдан-очик табассум қилган, бозорда тасодифан учратган қизни севиб қолади. У бир неча кун мобайнида унинг кетидан юриб қизни ва унинг онасини кузатади, ва бу пайтда қиз доимо унга табассум қилади, ва ниҳоят аёллар яшайдиганжой манзилени билади. Йигит қизнинг уйига ўз қариндошларини совчи қилиб юборади, аммо қўшнилари унга ғалати хабарни айтишади, у танлаган қизнинг ақли заиф экан. О.Генди руҳидаёзилган ҳикояларни бундай кутилмаган яқун топиши адиб-Мурр ҳикоялари учун хосдир.

Ал-Муррнинг баъзи бир ҳикоялари АҚШдаги БААлик талабаларининг ҳаётига бағишланган, бу ҳаёт ҳақида ёзувчи нафақат эшитган, балки ўзи ҳам шундай ҳаётда яшаган. Бу ҳикояларда амирликларни Ғарб маданияти билан танишиш тажрибасининг тасвири жуда ҳам қизиқарли тасвирланган. Бу вазиятларда кўплаб ҳажвий лаҳзалар учрайди. Ёзувчи Ғарбий маданият, жумладан, поп-маданият, Ғарбликинсон менталитетининг ажойиб билимини намоён қилади. “*Англиялик хотин ёзувлари (хатлари)*” ҳикоясида ғарблик инсон менталитети айниқса, ёрқин намоён қилинади: Дубайда амирлик эри билан яшаётган инглиз аёли тилидан ёзувчи араб учун ниҳоятда аниқ бўлган араб жамиятидан ғарблик инсон олган тасавурларни баён этади.

Баъзи бир ҳикояларда ал-Мурр амирликларидаги муҳожир мавзусини очиб беради. Бу ҳикояларда осиелик муҳожирларнинг тақдири аксарият ҳолда ачинарлидир. Масалан, “*Газетадаги эълон*” ҳикоясининг қаҳрамони

покистонлик муҳожирни амирликлар наркосавдосида ишлашдан воз кечганлиги сабаб шафқатсизларчи ўлдирадилар. Бунда вафот этган инсонни шахси ҳеч кимни қизиқтирмаслиги сабабли қотиллик ёпиқлигича қолиб кетишини биладилар. “*Вентилятор тагидаги*” ҳикоясида бошқа покистонлик суиқасд қилади, чунки унинг узоқ йиллар давомида ишлаётган Бирлашган амирлик “хўжайинлари” севган қизига уйланиш учун зарур бўлган пулни олишҳақидаги илтимосини рад этадилар. Ёзувчи албатта, оддий амирлик иш берувчиларни айбламаяйди, у БАА даги Осиёлик муҳожирларни “иккинчи нав” инсонлар деб ҳисоблашларини кўрсатиб беради.

Муҳаммад Мурр ҳикояларини Бирлашган Амирликларининг янги ҳаёти билан танишиш учун ҳақиқий қўлланма деб аташ мумкин. Балки айнан шу сабабли бу ҳикоялар тўплами хорижликларни ўзига жалб этган. Бу икки ҳикоялар тўплами инглиз тилига таржима қилиниб, нашр этилган[6].

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин-ки, 1980 - йиллар бошидан бошлаб, араб шеърийтига хос бўлган қиёслаш ва метафоралар жуда ҳам безакли лексик-синтактик конструкцияларга тўйинган асарнинг мураккаблашган тили кўплаб араб, жумладан, Халиж ёзувчиларнинг муаллифлик услубининг асосий хусусиятига айланди. Халиж араб мамлакатларининг бу услубдан фойдаланган ҳолда араб адабиётида марказий ўринни анъанавий тарзда эгаллаган тасвирни гўёки тиклашга ҳаракат қиладилар ва бу тасаввур “нима ҳақида ёзиш?” саволидан кўра муҳимроқ ҳисобланган “қандай ёзиш” саволидан иборат эди. Бошқача қилиб айтганда, араб адабиётининг анъанавий ҳолати бўлган мазмунга нисбатан шаклнинг устувор аҳамияти, жумладан, асарнинг тили деган ҳолатидан келиб чиқиб, улар Ғарб адабиётидан ўзлаштирилган ҳодиса реализмдан ҳам бир пайтнинг ўзида фойдаланадилар. Шеърийтни идрок этиш каби ҳолатидек бундай услуб матн маъносини англаш жараёнида китобхон ва матн ўртасида фаол ўзаро таъсирни талаб қилади. Бундан ўлароқ, мазкур ёзувчилар асарларида шаклнинг мураккаблиги ҳамда сюжетнинг белгиланган доирасидан асарни озод этиш каби модернизм тамойилларига риоя қилинади. Уларнинг асарларининг ўзига хос хусусияти муаллифлар араб адабий тилининг бой луғати ва риторик услубларидан фойдаланган шеърий услубидир. Уларнинг асарлари лирикага хос бўлган, яъни риторик безаклар, метафора, нутқнинг бошқа шакллари, икки маъноли ва кўп маънолилик, у ёки бу нарсага билвосита кўрсатиш каби лирикага хос томонлар билан ажралиб туради. Бундай асарнинг тил услуби китобхондан персонаж ва сюжетга оид бўлган фрагментар ва метафорик ахборотни батафсил йиғиб-териб бирга уйғунлаштириб, талқин қилишни талаб қилади, бу эса, матннинг маъносини тушунишга олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Rashid Ali Mohammad. Al Qissa wa-l-riwaya wa-adab al-atfal fi dawlat al-Imarat al-arabiyya al-muttahida: madkhal tawthiqi Khaimah. Markaz al-dirasat wa al-wathaiq, 2009.ص.22.
2. Abu Shuayral-Rashid. Madhkalilaal-qissaal –qasiraal-imaratiyya: dirasa Sharjah Ittihadkuttabwa-udabaal-imarati, 1998.ص.12.

3. Al-Nakhi Shaykha Mubarak. AlRahil. Sharjah. Manshurat Ittihadkuttabwa-udabaal Imarat 1992. ص.48.

4. Kirpichenko. V.N., SafronovV.V. Istoriyayegi petskoy literaturi XIX-XX vekov.M.:Vost.lit., 2003. T:2. S.135-142.;

5. Al-SajwaniAbdal-Rida. Dhalika-z-zaman Abu Dhabi Muassasat Abu ZabiIi-itiba a wa-l-nashr 1978. ص. 24.

6. Al Murr Mohammad. Dubaitales London: Forestbooks, 1991. 176 p.; Al-Murr Mohammad. Thewink of Mona Lisaand othershortstoriesfromthe Gulf. London: Motivate Rublishing.1994. 199 p.

---

**Мактуба Муртазаходжаева**

*Катта ўқитувчи, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё тиллари кафедраси,  
ТошДШИ*

**ТАМИЛ ЁЗУВЧИСИ ЧИННАППА БҲАРАТИНИНГ “ПАВЛАЙИ”  
РОМАНИДА АЁЛ ОБРАЗИГА ЧИЗГИЛАР**

***Аннотация.** Мақолада Ҳиндистоннинг бошқа адабиётлари каби тамил адабиёти ҳам бой тарихга эга эканлиги, ҳатто қадимийликда санскрит адабиёти билан тенгдошлиги хусусида сўз юритилади. Шунингдек, тамил адабиётининг серқирра ижодкори Чиннаппа Бҳаратининг “Павлайи” романида аёл образларининг чизгилари келтирилади. “Павлайи” мазкур ёзувчининг бошқа асарларидан қизиқарли сюжет ва юксак бадиияти билан ажралиб туради. Романнинг етакчи мавзуси ўзининг муҳаббати йўлида ноанъанавий кураш йўлини танлаган ҳинд аёлининг ҳаётини акс эттиришдан иборат. Чиннаппа Бҳаратининг “Павлайи” романи ҳинд жамиятидаги аёллар тақдири, ҳинд жамиятидаги бева аёлларга бўлган муносабат масаласини ва умуман, аёл қалбининг куч-қудратини Павлайи ва Танкамма образлари орқали жамияти учун ноанъанавий тарзда очиб беради. Ёзувчи аёлларнинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши лозим ва аёл зотининг ички тугёнлари нималарга қодир, деган саволларга ўзига хос тарзда ечим топишга уринади. Реалистик йўналишида қалам тебратувчи тамил ёзувчиси Чиннаппа Бҳаратининг “Павлайи” романида синфлар ва табақалараро кураш, ишчилар муаммоси эмас, аксинча ўзининг чин муҳаббати йўлида аёл томонидан кўтарилган кучли кураш асарнинг асосий гоаясидир.*

***Таянч сўз ва иборалар:** тамил адабиёти, реализм, наср, романчилик, образлар таснифи.*

***Аннотация.** В статье говорится о том, что тамильская литература, как и другая индийская литература, имеет богатую историю, что даже по своей древности эквивалентна санскритской литературе. Также представлены черты женских персонажей из романа знаменитого многогранного тамильского писателя Чиннаппа Бхарати «Павлайи». «Павлая» отличается интересным сюжетом и высокой художественностью от других*

произведений этого автора. Основная тема романа - отразить жизнь индийской женщины, которая выбрала путь нетрадиционной борьбы за свою любовь. В романе Чиннаппа Бхаратти «Павлай» раскрывается представление о судьбе женщин в индийском обществе, об их отношении к вдовам в индийском обществе и о силе души женщины в целом через образы Павлая и Танкаммы. Автор пытается выяснить, какую именно роль женщины играют в обществе и на что способны женщины из-за душевных волнений. В романе «Павлай» Чиннаппа Бхарати, пишущего в жанре реализма, основная идея - это не борьба между классами, не проблема рабочих, а идея сильной борьбы, которую подняла женщина ради своей настоящей любви.

**Опорные слова и выражения:** Тамильская литература, реализм, проза, романизм, классификация (характеристика) образов

*Summary. The article says that Tamil literature, like other Indian literature, has a rich history, which is equivalent in its antiquity to Sanskrit literature. Also presented are the features of female characters from the novel by the famous multi-faceted Tamil writer Chinnappa Bharati "Pavlai". "Pavlai" is distinguished by an interesting plot and high artistry from other works by this author. The main theme of the novel is to reflect the life of an Indian woman who chose the path of unconventional struggle for her love. The novel Chinnappa Bharati "Pavlai" reveals the idea of the fate of women in Indian society, their relationship to widows in Indian society and the power of the soul of a woman as a whole through the images of Pavlai and Tankamma. The author is trying to figure out exactly what role women play in society and what women are capable of because of emotional turmoil. In the novel "Pavlai" by Chinnappa Bharati, writing in the realism genre, the main idea is not a struggle between classes, not a problem of the workers, but the idea of a strong struggle that a woman raised for her true love.*

**Keywords and expressions:** Tamil literature, realism, prose, romanism, classification (characteristic) of images

Икки минг йиллик тарихга эга бўлган тамил адабиёти қадимийликда санскрит адабиёти билан тенгдош. Ҳиндистоннинг бошқа халқлари адабиёти каби тамил адабиёти ҳам ривожланиш борасида бир неча босқичларни босиб ўтган.

Қадимий давр тамил адабиётининг унинг пайдо бўлиши ва тамил тилида яратилган илк ёзма манбаларни ўз ичига олади. Далил сифатида “Сангам”<sup>198</sup>, “8 та тўплам” (“Еттутохей”) ва “Ўнта қўшиқ китоби” (“Паттупатту”), бизгача етиб келган илк грамматик асар “Толькаппиям” келтириш мумкин. Бундан ташқари Тамилнаду штатида жайнизм ва буддизмнинг тарқалиши натижасида пайдо бўлган жайн ва буддавий адабиётининг меросини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Тамил адабиётининг кейинги даври шива ва вишну бҳакти таъсири билан тавсифланади. Жанубий бҳакти шимолий (VII-XII асрлар) бҳактидан анча

---

<sup>198</sup> “Сангам” – учта шеърлий тўплам бўлиб унда 473 та шоирларнинг турли жанрлардаги шеърлари мавжуд.

аввалроқ пайдо бўлган ва бу йўналишдаги меросга 12 табаррук вишну бҳакт шоирлар (алварлар) қаламига мансуб асарлар кирилади.

Тамил адабиёти ривожланишининг кейинги босқичи тамил тилига, мумтоз санскрит асарларининг таржимаси, ҳиндувийликнинг қайта тикланиши<sup>199</sup> ҳамда жанубга мусулмонларнинг кириб келиши ва ҳинд-мусулмон маданияти чатишувининг пайдо бўлиш каби жараёнлар билан боғлиқдир.

Кейинги босқич XVI-XVIII асрларни ўз ичига олади ва бу даврда тамил адабиётида таназзул кузатилади. Инглизларнинг Тамилнаду штатида кириб келиши, ғарб ва христиан динларининг таъсири, янги мазмун ва йўналишдаги адабиёт пайдо бўлди.

XIX асрда маърифий адабиётнинг пайдо бўлиши, Европа андозаси бўйича ўқув муассасаларининг ташкил қилиниши, қадимги тарих ва адабиётга қизиқишнинг ортиши, миссионерлар фаолиятининг кучайиши—буларнинг барчаси замонавий тамил тили бўйича грамматика ва луғатларнинг яратилишига олиб келди. Шу асрда тамил публицистикаси шаклланди. Тамил тилида илк ойнома ва рўзномалар, илк замонавий тамил насри, илк роман<sup>200</sup> пайдо бўлди.

XX аср – миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши, адабиётда ҳақиқий ҳаётга кескин бурилиш янги авлод ёзувчиларининг пайдо бўлишига (Субраманья Баради ва бошқалар), замонавий тамил тилининг шаклланишига олиб келди.

Изланишлар шуни кўрсатадики, тамил тилида аввал назм шаклланган бўлиб, романчилик жанри XIX асрга келиб шиддат билан ривожланди.

Тамил насрчилигининг асосий мавзуси қилиб ижтимоий-маданий ҳаёт, маърифатпарварлик ғоялари, аёллар муаммоси каби долзарб масалалар олинган.

XX асрнинг 60-70 йилларида тамил адабиётида энг юқори чўққиларни забт этган ижодкорлар талайгина. Жумладан, таниқли адиблардан Аримуту Наварала (1823-1879), С.Ведаянагам Пиллаи (1826-1889), Аммейатта Мадавия (1874-1926), Б.Р.Раджам Айяр (1872-1898)ларнинг сермаҳсул ижодлари шу давр насрчилиги, хусусан романчиликни ривожлантирди. Тамил адабиётида янги жанр ҳисобланган роман жанри кўплаб ижодкорларни элга танитди.

Замонавий тамил адабиёти намояндаси Чиннаппа Бҳарати XX аср тамил романчилигининг етук намояндаси бўлиб, бугунги кунда у тамил адабиётида реализм йўналишининг асосчиси Субраманья Баради мактабининг давомчиси сифатида ижод қилиб келмоқда.

Чиннаппа Бҳарати 1935 йил Намаккал шаҳрида ўртаҳол деҳқон оиласида таваллуд топган. У ёшлигиданоқ ишчи ва деҳқонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоячи адиб сифатида шаклланди. Унинг ўзи деҳқон оиласидан чиққанлиги боис, қишлоқда аҳлининг ғам-ташвишлари, чекаётган азобларини ҳис қила

<sup>199</sup> “Рамайна” эпосининг тамилча вариатининг яратилиши, XIII-XIV асрларда эса “Бҳарата авлодлари ҳақида афсона” кабилар.

<sup>200</sup> С.Ведаянагам Пиллаининг “Пиратаб Мудалиярнинг тарихи” романи илк роман ҳисобланади. Мазкур роман 1876 йилда ёзилган бўлиб, 1879 йилда нашр этилган.



олган. Ч.Бхарати ўз халқиининг урф-одатлари, анъаналари ва миллий маданиятини яхши билган. Айнан мана шундай тажрибаларга эга адиб ўз асарларида реал ҳаётни, меҳнаткашларнинг оғир ва машаққатли ҳаётини тўла қонли ёрита олган. У ўз атрофидаги муҳитга бефарқ қарамаган, оддий инсонларга бўлган ҳурматини асарларида яққол акс эттирган.

Чиннаппа Бхарати ўз ижодини назмдан бошлаган. Унинг 2 та шеърий тўплами бир йилда, яъни 1954 йилда чоп этилди. 1957 йилда Москвада ўтказилган Халқаро ёшлар фестивалида Ҳиндистон вакили сифатида иштирок этди. Бунгача Чиннаппа Бхарати 1955 йилда Индонезия пойтахти Бандунг шаҳрида ўтказилган Осиё-Африка тинчлик конференциясида тамилнадулик талаба сифатида иштирок этган эди. Ўқишни тугатгач сиёсат билан шуғуллана бошлади. У “Жадҳа” ҳаракатида фаол иштирок этди. Чиннаппа Бхарати сиёсий жараёнларда олган тажрибаларини ўз асарларида моҳирона тасвирлаб берган. Чиннаппа Бхарати сиёсий курашчи, реалистик ёзувчи бўлиш билан бир қаторда бир неча йил тамил тилидаги “Чемблр” журналининг бош муҳаррири бўлиб ишлади. 1954 йилда адибнинг илк хикоялар тўплами нашр этилди.

Ҳаётини тажриба, ижодий маҳорат Чиннаппа Бхаратини роман жанрига қўл уришга ундайди. Унинг илк романи “Чанқов” (“Даҳм”) 1976 йилда нашр этилди, бу роман унга машҳурлик келтирди. 1985 йилда “Иттифоқ” (“Сангам”), 1991 йилда “Шакар” (“Саркара”), 1996 йилда “Павлайи” ва 2006 йилда “Кончилар” (“Сурангал”) романи чоп этилди. “Иттифоқ” романи учун 1985 йилда Давлат мукофоти билан тақдирланган, “Чанқов” романи энг яхши ўнталик романлар сарасига киритилди.

Чиннаппа Бхаратининг ижоди бошланган XX асрнинг иккинчи ярми кўпгина адиблар учун синов даври бўлди. Уларнинг кўпчилиги очикдан-очик энди санъат равнақи учун эмас, балки жамият равнақи учун ижод қилишларини билдирганлар.

Чиннаппа Бхарати бадиий асар яратишда ўзига хос усулни қўллайди. Бу усул шундан иборатки, унда у бирон-бир муаммони ўз асарида кўтармоқчи бўлса, шу муаммо келиб чиққан муҳитда аввал ўзи яшаб кўради, ушбу масаланинг энг нозик жиҳатларини ўз руҳиятида ҳис қилиб кўради, шундан кейингина асар ёзишга киришади. Адибнинг бу усулда яратган асарларига “Кончилар”, “Иттифоқ” ва “Шакар” каби романларини кўрсатиш мумкин. Жумладан, “Иттифоқ” романини ёзиш учун Чиннаппа Бхарати Колли тепалигида яшовчи қабилалар билан бирга бир чодирда яшайди. Уларнинг оғир ҳаёти ва уларга нисбатан қилинаётган адолатсиз зуғумларни аввал ўзи ҳис қилиб кўрган, шундан кейин бу муаммони ўз асарида акс эттиргани сабаб бўлса керак, унинг асарлари туб маънода реалистик ва таъсирчан бўлиб чиқади.

Чиннаппа Бхаратининг назм ва насрда яратилган асарлари хусусида сўз борганда, унинг серқирра ижод эгаси эканлиги ва унинг ижодида реализм асосий ўринни эгаллашини, асарларининг асосий ғояси ижтимоий-сиёсий кураш, қишлоқнинг оғир ҳаёти, синфий тафовутлар, феодализмнинг адолатсизлиги, ишчиларга бўлган ноҳақ муносабатлар, ноанъанавий севги можаролари каби масалалар ёритилганини кузатиш мумкин. Шу ўринда “Павлайи” романига алоҳида тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбек хиндшунослигида тамил адабиёти ўрганилмаган соҳа бўлиб, бугунги кунда тамил романнавислиги Чиннаппа Бҳарати ижоди мисолида илк бор тадқиқ этилмоқда. Бу борада биринчи қадам адибнинг “Павлайи”<sup>201</sup> романи “Жаҳон адабиёти” журнали саҳифаларида чоп этилиши бўлди.

Чиннаппа Бҳарати Лев Толстойни ўзига устоз, ижодий илҳом берувчи ижодкор сифатида тан олади ва ўзининг “Павлайи” романини Лев Толстойнинг “Анна Каренина” романидан илҳомланиб ёзганини алоҳида таъкидлаб ўтган.<sup>202</sup>

“Павлайи” ёзувчининг бошқа асарларидан қизиқарли сюжет ва юксак бадиияти билан ажралиб туради. Романнинг етакчи мавзуси ўзининг муҳаббати йўлида ноанъанавий кураш йўлини танлаган хинд аёлининг ҳаётини акс эттиришдан иборат. Романда жамият қонун-қоидалари, ота-онанинг истак-хоҳишига қарши чиқа олмаган Павлайи ўз севгисидан воз кечиб, кўшни қишлоқда яшовчи Перияннаннинг этагидан тутишга мажбур бўлади. Аслида, Павлайи севган йигит ҳеч кими йўқ бир камбағал бўлгани учун қизнинг ота-онаси фарзандини унга беришни истамайди ва ер-мулкка эга бўлган Перияннанни куёвликка танлашади...

Перияннан иродали, сабрли, меҳнатқаш, етим ўсиб ҳаётнинг оғир-енгилига бардош беришга болалигидан кўниккан йигит. У ёшлигидан она меҳрини кўрмагани боис, турмушининг илк кунлариданоқ Павлайини қаттиқ севиб қолади. Шунинг учунми, Павлайининг собиқ ошиғи борлигини эшитганида ҳам, хотини уни ташлаб кетганида ҳам бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмайди. Агар ҳаёт мажбур қилмаганида, қаттиқ бетоб бўлмаганида, балки паст табақа вакиласи Танкамма билан яшашга ҳам рози бўлмасди, чунки оилага, севган хотинининг қайтиб келмаслигини билса-да, хиёнат қилиш Перияннан табиатига зид эди...

Гарчи Павлайи турмуш қурган аёл бўлсада унинг қалбида илк севгиси ғалаба қозонади ва аёлни бугунги оилавий бахтига ўз қўли билан қум сепишга мажбур қилади...

Роман воқеаларида ўндан ортиқ персонаж иштирок этади. Уларнинг айримлари воқеаларда бевосита қатнашган, ўз номига эга бўлса, бошқалари асар воқеалари тизимига персонажлар ёки муаллиф нутқи орқали киритилган, айрим ҳолларда уларга ном берилмаган (Павлайининг ошиғи, ўғли, ота-онаси, Перияннаннинг бува-бувиси, амакисининг хотини кабилар). Романдаги аёллар образини биринчи ва иккинчи даражалига ажратиш мумкин. Адиб хинд жамиятида бугунги кунда ҳам учрайдиган айрим қоқоқ урф-одатлар ва қарашларни кескин танқид остига олиб, аёллар ҳам ўз овозига эга экани, қизларни турмушга беришда уларнинг истак-хоҳишларини ҳам эътиборга олиш зарурлиги ғоясини илгари суради.

Павлайи, воқеалар ривожига кўра, қишлоқнинг содда бир қизи, беғубор севги соҳибаси, итоаткор хотин, меҳнатсевар она, ўз муҳаббати йўлида курашувчи жасур аёл сифатида тасвирланади. Павлайи ўн йиллик тинч-тотув

<sup>201</sup> “Жаҳон адабиёти”, Тошкент, 2015 йил, 1-2-сонлари (Роман мақола муаллифи томонидан таржима қилинган)

<sup>202</sup> Намакал шаҳрида жойлашган уйдаги иш стол устида турган Лев Толстойнинг ҳайкалига ишора қилиб айтган сўзларидан маълум бўлди. (2012 йилдаги учрашувдаги суҳбатдан)

турмушидан воз кечиб, ўзини шол бўлиб, ёлғиз қолган собиқ ошиғининг хизматига бағишлаши ҳинд жамиятида кўз кўриб-қулоқ эшитмаган воқеа эди.

Аёлнинг қалбига озор берган аввалги изтиробларининг бот-бот уйғонишини ёзувчи катта маҳорат, ташбихлар билан тасвирлайди:

*...Павлайи хизматкорларга ҳам меҳрибон эди. Уйида нима бўлса, уларга ҳам илинардди. Кўнглидаги гапларни ҳар қандай ҳолатда ҳам сир бой бермай келарди. Атрофдагиларнинг олдида доим бир гапириб, ўн кулар, ўзини гами йўқ одамдек тутарди. Бегоналар у ёқда турсин, ҳатто ўз эрига ҳам собиқ ошиғи билан боғлиқ ўтмиш хотиралар ҳақида лом-лим демасди. Буларнинг барини ташлаб кетгунга қадар зўраки сукут билан ўзининг гуноҳкор ўтмишини яшириб келди. Шу боис ҳамма уни чин юракдан севар, иззат-икром қилар эди....*

*....Бу бечора Павлайини ташқаридангина биларди...Унинг дилидаги дарди ва кечинмаларини қаяқдан билсин? Денгиз тўлқинларининг юқори қисми тинч кўрингани билан тағида жўш урган унинг оқимига ўхшаб, юрагида унсиз тугён ураётган туйғулар бўронини ким ҳам биларди?..<sup>203</sup>*

Романдаги яна бир жабрдийда аёл – Танкамма. У ҳеч кими йўқ, фарзанд кўрмаган бева, хат-саводсиз, жамиятда ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган куйи табақа вакили бўлишига қарамасдан, вазмин, ҳаёт қийинчиликларини кўрган мушоҳадали аёл. Ҳинд жамиятида эса беваларга анча паст назар билан қаралади, одатда, улар ҳаётнинг рангин жабҳаларидан узилган ҳолда яшайдилар. Танкамма ҳам шулар жумласидан.

Павлайи кетиб қолгач, Перияннаннинг рангсиз, бефайз ҳаётига Танкамма аввалига мардикор аёл сифатида кириб келади. Кейинчалик ҳамдард, маслакдош ва жамият тиш-тирноғи билан қарши чиқса ҳам беникоҳ ёстикдош даражасига етиб бориб, йиллар давомида орзуга айланган ҳомиладорлик бахтига эришади, лекин иродали аёл сифатида фарзандининг бахтсиз келажаги ҳамда шаънини ҳимоя қилиш учун нафақат ўз ҳаётига, балки зурриёти ҳаётига ҳам зомин бўлади.

Ҳинд жамиятидаги аёлнинг ўрни Танкамма қиёфасида ҳам очиб берилади. У орқали ёзувчи ҳинд жамиятидаги бева аёлга нисбатан бўлган салбий муносабатга ўз муносабатини билдиради. Яъни, бева қолган аёл ҳам қайта оила қуриб, бахтли ҳаёт кечириши мумкин! Ҳолбуки, Ҳиндистонда ҳозирги кунгача сақланиб қолаётган эскича қарашларга кўра, бева аёлнинг (неча ёш бўлишидан қатъий назар) турмуш қуриши мумкин эмас, деб қаралади. Муаллиф эса бундай ёндашувларни танқид остига олиб, аёлга буюм сифатида қараш яна қачонгача давом этиши мумкин, наҳот инсон тақдирининг, кадр-қимматининг, қалб туйғуларининг заррача ҳам аҳамияти бўлмаса, деган кескин фикрларни ўртага ташлайди.

*...Танкамма бир лаҳза ҳанг-манг бўлиб қолди. Бир бева учун бундай фикрга бориш ва ҳою ҳавасга берилиш ярашармикан? Жамиятда асрлардан бери яшаб келаётган анъаналарни шунча осонлик билан буза оладими? Нима, бу ижтимоий қоида шунчалик мустаҳкаммидики, уни ҳеч қачон бузиб бўлмаса? Бева аёлга рафиқа бўлиш яна насиб этмайдими? Хўш, жамиятнинг барча*

<sup>203</sup> “Жаҳон адабиёти”.– Тошкент, 2015 йил, 2-сон, 52-бет.

қонун-қоидалари фақат бевалар учун яратилганми? Ишлаш истаги бўлган аёллар фоҳиша ҳисобланадилар, улар учун бошқа йўл йўқ. Дин, ҳуқуқ ва яхши хулқ-атворга эътиқод қилувчилар бу масалаларда чурқ этмайдилар. Бунда маданият, тарбия тарафдорлари аёл туйғуларига нега зов бўладилар? Аёлнинг туйғуси, ор-номусини рўкач қила туриб, унга доғ туширадилар. Бева қолган бирон аёл ўз хоҳишига кўра қадрини билиб яшашни истаса, жамият нима учун унинг бундай яшашига имкон бермайди? Унга нега ярамас ва ахлоқсиз деган тамгани босадилар? Аёлнинг ҳусни таважжухига мафтун бўлиб, унга боладай осилиб оладиган эркак унинг бевалигини эшитгач, бу бир эркакнинг хотини бўлишига арзимайди, деб нега ҳаммадан ажратиб қўядилар? Лекин энг ёмони шундаки, ўша аёл лаззат воситасига айланганда эркаклар унинг баданидан лаззат олиши учун ўзларини томдан ташлайдилар. Покдомон бўлиб яшасам ҳам бу одамлар ўйлаб-нетиб ўтирмай, шармандалик тамгасини ёпиштирадилар. Шундан сўнг кимгадир боғланиб яшагандан нима фойда? Шўрлик Танкаманинг вужуди ларзага келиб, маъсум дили пора-пора бўлди...<sup>204</sup>

Романдаги характерли аёл образлардан яна бири бу Павлайининг онасидир. Она сифатида фарзандининг бахти, келажаги, айниқса, оила, қиз бола шаъни йўлида ҳеч нарсдан тап тортмайдиган аёл. Она Павлайининг ошиғидан беникоҳ ҳомиладор бўлиб қолганини сезиб қолгач, ҳомирани дори бериб йўқотади ва ими-жимиди Павлайини қўшни қишлоққа узатиб юборади. Она образи қизининг турмушини сақлаб қолиш учун ўзининг панду-насихатларини аямайдиган аёл сифатида тасвирланади.

...Онанинг юраги хапқиқиб кетди. Оловни ўчириш мумкиндир, бироқ юракда ловуллаб турган муҳаббат оташини ким ўчира олади? Унинг бу борада ўз тажрибаси йўқ эди, лекин шундай тажрибали, кўпни кўрган одамларни билар эди. Бир неча кунгача хотираларнинг яшиндек чарақлаган чизиқлари унинг юрагини тарк этмади... Юкли бўлибоқ етилган мевалар бевақт тўкилиб тушгани каби мана шу зойиб бўлган хотиралардан сўнг юраги ҳувиллаб қолди.

Она хавотир ичида деди:

- Жоним қизим, кўпам ўйлайвериб сиқилма. Уй-рўзгор, мол-ҳолларга қарасанг, миянгадаги ортиқча ўй-хаёллар ўчиб кетади. Яна Худо бериб қолса, ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетасан. Анави каттарулик қиз бор-ку, Деваи, Канувапатти қишлоғига тушган. Ўша ўз қишлоғидаги бир йигит билан юрган экан. Ўша йигитга тегаман, агар ўшанга бермасанглр, ўзимни қудуққа ташлайман, деб қўрқитар экан. Лекин ота-онаси бўш келмади. Бир қариндошларига узатишди. Куёв тўғрисида турли гап-сўзлар тарқалди. Тўйдан сўнг қачон хотини уйига борадиган бўлса, куёв ҳам у билан бирга келадиган бўлди. Уни ёлғиз ҳеч қаерга юбормасди. Вақти келиб болалик бўлибди. Ана шундан кейин аввалги муҳаббатидан асар ҳам қолмади. Ёшликнинг завқу-шавқи ана шунақа бўлади. Уй, оила, орзу-ҳавас, иш-юмуш – бунақа нарсалар ҳақида умуман ўйламайди. Ёшликдаги ҳавас юракни тилкалайверади. Яхши-ёмон, қариндош-уруғчилик ҳақидаги гаплар унинг тушига ҳам кирмайди. Қачонки ўша ҳавас юракдан чиқиб, ўзини англаб етганидагина ақли киради. Оғзида тиши йўқ

<sup>204</sup> “Жаҳон адабиёти”. – Тошкент, 2015 йил, 2-сон, 83-бет.

камтир кўмик мужийман дегани билан мужий олармиди? Ўзимнинг ақлли қизимсан-а? Қўй, ҳаммасини эсингдан чиқар...

Ҳаяжонга берилиб, қизига шунча насиҳат қиламан деб у шунча гапни топиб-топиб гапириб юборганига ўзи ҳам ҳайрон бўлди..<sup>205</sup>

Романни ўқиш жараёнида ўқувчида “Нима учун асарга Павлайи номи берилди, асарда Перияннаннинг ҳам тақдири ёритилган-ку?” деган савол пайдо бўлиши табиий. Лекин, асар билан тўлиқ танишиш шуни кўрсатадики, романда аёлнинг барча ички кечинмалари тўлиқ равишда очиб берилган. Жумладан, Павлайининг болалиги, муҳаббати, оила ва умр йўлдоши олдидаги бурч-масъулияти ҳамда асар сўнгида ақлига бўйсунмаган туйғуларининг куч-қудрати жуда таъсирли ёритиб берилган. У муҳаббатидан воз кечиб, бутун умрини ўз оиласига бағишлаган аёл сифатида яшаши мумкин эди. Бироқ Павлайи қалбидаги озод туйғуларига эрк бериб, ҳеч ким кутмаган йўлни ташлашга аҳд қилди. Муаллиф бу билан аёлнинг ҳам инсон экани, у ҳам худди эркаклар каби бахтли яшашга ҳақлилиги, аёлга ожиза деб қараш ноўринлиги, агар у истаса ҳаётнинг ҳар қандай тўсиғини енгиб ўтиши мумкинлиги, ҳар бир аёлнинг жамиятда ўз ўрни борлигини таъкидламоқчи бўлади. Юқоридаги мулоҳазалардан “Ёзувчи аёл ҳар қандай вазиятда қалбига қулоқ солиб иш тутиши керак, деган фикрни илгари сурмоқда” қабалида хулоса чиқармаслик керак. Асло! Павлайи ҳаёт торозисининг бир палласига бир вақтлар кўнгил қўйган, ханузгача унута олмаган, бугун тузалмас оғир дардга чалинган бир инсонни, иккинчи палласига ўтмиши учун уни ҳеч қачон айбламаган, унга бахт бера олган умр йўлдошини кўяди ва ўзига ўзи савол беради: “Бугун торозининг қайси палласини танлашим керак?!”

Бир сўз билан айтганда, Чиннаппа Бҳаратининг “Павлайи” романи ҳинд жамиятидаги аёллар тақдири, ҳинд жамиятидаги бева аёлларга бўлган муносабат масаласини ва умуман, аёл қалбининг куч-қудратини Павлайи ва Танкамма образлари орқали жамияти учун ноанъанавий тарзда очиб беради. Ёзувчи аёлларнинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши лозим ва аёл зотининг ички туғёнлари нималарга қодир, деган саволларга ўзига хос тарзда ечим топишга уринади.

Одатда, ҳинд ёзувчиларининг асарларида эзгулик ёвузликдан устун келади ва эзгулик доим ғалаба қозонади. Аммо, “Павлайи” бундан истисно. Роман якунида Танкамма ҳаётдан кўз юмади, Павлайининг тақдири, келажаги мавҳумлигича қолади. Бу мавҳумлик китобхонни чуқур мушоҳадага ундайди. Минг йиллик урф-одатларга кўр-кўрона эргашиш, ожизлик, аёлни ҳақ-ҳуқуқсиз яшашга, ҳатто қурбонликка маҳкум этган жамиятдаги тенгсизлик, адолатсизлик, табақаларга ажратиш романда уч-тўрт персонажнинг маънавий кураши мисолида очиб берилган.

Жамиятнинг қонун-қоидаларига кўр-кўрона эргашиш, ожизлик, асар қаҳрамонларидан етарлича қурбонлик талаб қилади. Шундай қилиб, уч-тўрт персонажларнинг маънавий курашининг навбатма-навбат акс этирилиши бутун бир жамиятдаги тенгсизлик, адолатсизлик китобхонда савол уйғотади:

<sup>205</sup> “Жаҳон адабиёти”.– Тошкент, 2015 йил, 1-сон, 63-бет.

- Павлайи ўз севгилиси билан бахтли бўлишга ҳақлимиди?
- Танкамма иккинчи марта турмуш қуришга ҳақлимиди?

Реалистик йўналишда қалам тебратувчи тамил ёзувчиси Чиннаппа Бхаратининг “Павлайи” романида синфлар ва табақалараро қураш, ишчилар муаммоси эмас, аксинча ўзининг чин муҳаббати йўлида аёл томонидан кўтарилган кучли қураш асарнинг асосий ғоясидир. Адибнинг ушбу романи XX асрнинг иккинчи ярмида, Ҳиндистонда хотин-қизлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилаётган вақтда нашр этилади. Адиб бу асари орқали жамиятда аёллар ҳам овозга эга эканлигини, қизларни турмушга бериш арафасида уларнинг истак-хоҳишларини ҳам эътиборга олиш зарурлигини илгари суради. Ҳинд жамиятида аёллар масаласида учраб турадиган айрим чиркин урф-одатларни, қарашларни кескин қоралайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Т. Бобоев. Адабиётшунослик асослари. Тошкент, 2002
2. Р.Иномхўжаев. Роман таҳлили. Тошкент, 2002
3. Pavlayi. (тамил тилида Мадрас, 1996 й., хиндий тилида Дехли, 2001 й., ўзбек тилида “Жаҳон адабиёти” 2015 йил 1-2-сонлари)
4. Sanved. Chinnappa Bharati. Varg chetna ke jujharu sahityakaar. April. 2011. Nayii Delhi
5. Chinnappa Bharathi's novels. A critical study. Chennai, 1996 (“Чиннаппа Бхаратининг романлари. Танқидий ёндашув” 1996 йил Мадрас)
6. The all India seminar on the lirerary works of K.Chinappa Bharathi at Namakkal on 19-20 th July 2008, 90-бет
7. Л. В. Бычихина, А.М. Дубянский. «Тамильская литература». Москва, 1987 г., (201, 204 – бетлар)
8. “Литература стран зарубежного Востока 70–х годов”. Москва, 1982 г.
9. «Проблемы индийского романа». Москва, 1974 г.

#### ***Наргиза Саидова***

*Преподаватель, кафедра Литературы стран зарубежного Востока, ТашГИВ*

### **НАЧАЛЬНЫЙ ЭТАП ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННОГО ЖАНРА НОВЕЛЛИСТИКИ В САУДОВСКОЙ ПРОЗЕ**

**Аннотация.** Данная статья посвящена начальному этапу формирования современного жанра новеллистики в саудовской прозе.

*Первоначальный этап просветительства на Аравийском полуострове пришёлся на начало XX века в 1910 – 1926 годы в период турецкого владычества, задолго до наступления эпохи «нефтяного бума», и связан с появлением первых печатных изданий на территории самой крупной и развитой провинции Османской империи Хиджазе.*

*Повсеместное распространение просветительских идей началось в 1926 году с приходом к власти основателя государства Саудовской Аравии Абд ал-*

Азиза ибн Абд ар-Рахмана ибн Сауда, и продолжалось вплоть до шестидесятых годов XX века. Годы правления ибн Сауда, явились основным катализатором вяло текущих процессов Просветительства на Аравийском полуострове, и дали мощный толчок развитию саудовского общества.

Большое влияние на развитие просветительского движения и процессы литературного обновления на Аравийском полуострове оказали иммигранты из арабских стран, раньше других, оказавшихся в сфере европейского влияния. Являясь носителями передовых идей евроцентризма, они указывали на необходимость общественных преобразований и социальных реформ в саудовском обществе.

Периодические издания стали основным орудием идеологов аравийского просветительства, они давали им возможность выхода к рядовому читателю, что позволяло высказывать свои мысли и суждения по различным проблемам. Национальная пресса явилась не только проводником просветительских идей на Аравийском полуострове, но и сыграла более важную роль, чем в других арабских странах, в процессе становления художественной прозы нового типа в саудовской литературе. Постепенное развитие жанра рассказа происходило именно в русле просветительно – реформаторских воззваний, газетных и журнальных статей, и других публицистических жанров, которые преобразовывались в художественные произведения, объединяемые под названием просветительской литературы.

Первые признаки появления жанра рассказа в саудовской литературе относятся к 30 годам XX века. Ранние образцы повествовательного искусства саудовской литературы не отвечали требованиям жанра рассказа. В них отсутствовала сюжетная линия, сплачивающая все части произведения в единое целое и превалировали дидактические нотки.

Первоначальный этап становления саудовского рассказа представляет собой период увлечения новой формой художественной словесности, имеющей краткий объём, позволяющей быстро реагировать на изменения реальной действительности, и служащей действенным рычагом для претворения в жизнь просветительских идей.

**Опорные слова и выражения:** публицистика, евроцентризм, катализатор, «нефтяной бум», реформаторские воззрения, литературная критика

**Аннотация.** Ушбу мақола Саудия насридаги новеллистиканинг замонавий жанрини шакллантиришининг дастлабки босқичига бағишланган.

Арабистон ярим оролида тағлим дастлабки босқичи "нефт боом" даври бошланишидан олдин, Туркия хукмронлиги даврида 1910 – 1926 йилларда йигирманчи асрнинг бошида келди, ва Ҳижоз Усмонли империясининг энг йирик ва ривожланган вилоятида худудиди биринчи босма нашрлар келиши билан боғлиқ.

Тағлим зояларининг кенг тарқалиши 1926 йилда Саудия Арабистони давлатининг асосчиси Абд Ал-Азиз ибн Абд ар-Раҳмон ибн Сауднинг ҳокимиятга келиши билан бошланган ва XX асрнинг 60-йилларига қадар давом

этган. Ибн Сауд ҳукмронлиги йиллари Араб ярим оролида маърифатнинг давом этаётган жараёнлари учун асосий катализатор бўлиб, Саудия жамиятининг ривожланишига кучли туртки берди.

Арабистон ярим оролида таълим ҳаракати ва адабий янгилашни жараёнларини ривожлантиришига катта таъсир кўрсатадиган Араб мамлакатларидан келган муҳожирлар, бошқалар олдида, эвропа таъсирида бўлган. Эуросентризм нинг илгор гояларини олиб борган ҳолда, улар Саудия жамиятида ижтимоий ўзгариш ва ижтимоий ислоҳотлар зарурлигини таъкидладилар.

Даврий наирлар арабий маърифат идеологларининг асосий воситаси бўлиб, уларга оддий ўқувчига кириш имкониятини берди, бу эса ўз фикрларини ва фикрларини турли муаммолар бўйича ифодалашига имкон берди. Миллий матбуот нафақат Арабистон ярим оролидаги маърифий гоялар дирижёри, балки Саудия адабиётида янги турдаги бадиий насрни шакллантириш жараёнида бошқа Араб давлатларига қараганда ҳам муҳим рол ўйнади. Ҳикоя жанрининг босқичма – босқич ривожланиши айнан маърифий-ислоҳотчилик, газета ва журнал мақолалари ҳамда маърифий адабиётлар номи билан бирлаштирилган бадиий асарларга айлантирилган бошқа публитсистик жанрлар қаторида бўлиб ўтди.

Саудия адабиётида ҳикоя жанрининг пайдо бўлишининг дастлабки белгилари XX асрнинг 30 йилларига тўғри келади. Саудия адабиётининг ҳикоя санъатининг дастлабки намуналари ҳикоя жанрининг талабларига жавоб бермади. Уларда ишнинг барча қисмларини бир бутунга бирлаштирадиган ва дидактик эслатмаларни устун қўядиган ҳикоя линияси йўқ эди.

Саудия ҳикоясининг шаклланишининг дастлабки босқичи-бу ҳақиқат ўзгаришига тезда жавоб беришига имкон берадиган ва таълим гояларини ҳаётга татбиқ этиши учун самарали восита бўлиб хизмат қиладиган қисқа ҳажмдаги бадиий адабиётнинг

**Таянч сўз ва иборалар:** публицистика, евроцентризм, катализатор, «нефт буми», реформатор қарашлар, адабий танқид.

*Summary. This article is devoted to the initial stage of the formation of the modern genre of short stories in Saudi prose.*

<sup>214</sup> (751йилда Араб армияси томонидан Шарқий Туркистон худудида Танг империяси кўшинлари (618-907) мағлубиятга учрайди, шунинг учун Ҳиндистон билан бир қатор маданий алоқалар йўқолади)

<sup>215</sup> www. aprobacia.ru

<sup>216</sup> Шакунтала-Хинд шоири ва драматурги Калидаса қаламига мансуб, санскрит драмаси.

<sup>217</sup> www. aprobacia.ru/ 郑振铎编《中国文学史》下册. 当代世界文学出版社, 北京2008

3. Хинд драмасида амалдорлар, подшолар, брахманлар, файласуфлар арияси ва репликаларида *санскрит тилида* ёзилган бўлса, оддий халқ персонажлари *праkrit (оддий халқ тили)* тилида берилган экан. Хитой драмаларида ҳам худди шундай амалдорлар, подшолар, конфуцийчилар, даочилар, буддистлар ариялари ва репликалари *вэньянъ яъзы* тил услубида берилган, оддий халқ персонажлари *байхуа суъзы* тил услубида берилган.

Яна бир қатор шу каби параллел хусусиятлари келтириб ўтилган. Шу тариқа санскрит драматургиясининг ўрта аср хитой адабиётида драма жанрининг пайдо бўлишига катта таъсир кўрсатди.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хитой адабиётида барча тур ва жанрлар пайдо бўлиш қади даврларга тўғри келади. Қадимги хитой адабиёти – оғзаки ва ёзма ёдгорликларда ўз ифодасини топган, чунки сўзлашув тили ва адабий тилнинг ривожланиши ёзувнинг ривожланишини кўп жиҳатдан белгилаган. Қадимги адабиёт бўлими ўз анъаналарини ўзининг антик адабиётидангина олган Хитой адабиётининг таянч нуқтаси сифатида ҳам муҳимдир, зеро XIX аср охиригача унга жаҳон адабиётининг буддизм билан боғлиқ бўлган ўрта асрлар хинд адабиётидан бошқа бирон-бир адабиёти маълум бўлмаган. Албатта Хинд буддизми Хитой орқали Узоқ шарқ мамлакатларига тарқалган ва ҳар бир мамлакатда маҳаллий эътиқодларга мос келувчи янгича шакл-шамойил касб этган. Хитой адабиёти хазинаси турли жанрлар ва сулолаларга мансуб шеърӣй ва насрий асарлар тўпламлари, шарҳловчилар ва уларнинг мактаблари яратган асарлар, айрим муаллифларнинг китоблари, рисоалар, адабиёт ҳақида мақолалар, турли-хилдаги китоблардан иборат. Аммо, ёзув ёдгорликларини йиғиш ва уларни тизимга солиш бўйича катта иш олиб борилганига қарамай, Хитойда ўз адабиёти назариясини яратиш зарурлиги узоқ вақтгача англабмаган. Бу жараён эса XX аср бошларига келиб амалга оширила бошланган. Хусусан, мақолада таҳлил қилмоқчи бўлган драма жанрининг хитойда пайдо бўлиши, ҳамда ривож топиши ҳақидаги тадқиқотлар ҳам XX аср бошларига келиб амалга оширилган. Бу тадқиқотлар илк бор адиблар Суй Дишан ва Жэн Жэндо томонидан олиб борилди. Унга кўра хитойда драма жанрининг пайдо бўлиши хинд маданияти ва санскрит драмасининг хитойга кириб келиши билан боғлиқ эканлиги таъкидлаб ўтилган.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. 中国文学史/北京-2013。
2. 许地山. 梵剧体例及其在汉剧上底点点滴滴, 《小说月报》第十七卷号外, 1925 [xueshu.baidu.com](http://xueshu.baidu.com).
3. Китайская драматургия и театр [Электрон] АБИРУС. – 2015.
4. Китайская классическая драматургия [Электрон ресурс]/ Синология. Ру: история и культура Китая. – 2015.
5. Сорокин, В.Ф. Китайская классическая драма: вопросы жанровой специфики / В. Ф. Сорокин // Проблемы Дальнего Востока. – 1977.

## **Ойдин Турдиева**

*Филология фанлари доктори, Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси, ТошДШИ*

### **ЭРОНЛИКЛАРНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАРИ**

**Аннотация.** Эрон минтақаси халқларининг фольклори тарихий асослари қадим замонларда яшаган аждодларнинг архаик тасаввурлари асосида юзага келган мифологик эпосга бориб тақалади. Форс фольклори бошқа шарқ халқлари фольклори сингари ўз халқи дунёқарашини, маънавий оламини ўзида мужассамлаштирган буюк қадриятлардан биридир. Минг йиллар давомида яратилиб, бадиий жиҳатдан сайқалланган форс сўз санъати намуналарида эзгулик, ҳалоллик, гўзаллик, садоқат, адолатни тарғиб қилиши каби умуминсоний қарашлар ўз ифодасини топган. Форс фольклори дунё халқлари фольклорининг эпик анъаналари билан бевосита алоқадорликда ривожланиб, тараққий этиб келган. Мазкур мақола мана шундай бой ўтмишига эга бўлган форс фольклорининг, хусусан эронликларнинг миллий байрамлари ва уларнинг нишонланиши тарихига бағишланган. Ҳар бир халқнинг ўзига яраша байрамлари, урф-одатлари, маросимлари бўлади. Агар биз дунё халқларининг ҳаётига назар ташласак, бир-бирига ўхшамаган, турли-туман байраму маросимларни кўрамиз. Эрон халқининг пайдо бўлиши тарихи қанчалик узоққа бориб тақалса, унинг миллий байрамлари, анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ҳам шунчалик теран тарихий илдизларга эга. Барча халқларда тарихий ҳодисаларга, миллий ва инсоний ҳодисаларга бозлиқ байрамлари бўлгани каби эронликларнинг ҳам қатор миллий байрамлари мавжуд. Мақолада сада ва чоршанбесури байрамларининг нишонланиши ҳақида тўхталиб ўтилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Эрон, миллий байрамлар, сада байрами, Авесто, зардўштийлар, мубад, чоршанбесури, ожил

**Аннотация.** Историческая основа фольклора народов иранского региона восходит к мифологическому эпосу, возникшему на основе архаических представлений предков, живших в древности. Персидский фольклор, как и фольклор других восточных народов, является одной из величайших ценностей, воплощающих в себе мировоззрение, духовный мир своего народа. Такие общечеловеческие принципы, как пропаганда добра, честности, красоты, верности, справедливости нашли свое отражение в высокохудожественных образцах персидского словесного искусства, созданных в течение тысячелетий. Персидский фольклор развивался в прямом контакте с эпическими традициями фольклора народов мира. Эта статья посвящена истории национальных праздников иранцев, обладающих богатым прошлым, и знакомит с традициями их празднования. У каждого народа есть свои праздники, обычаи, обряды. Если посмотреть на жизнь народов мира, то мы увидим разные праздничные обряды, отличные друг от друга. Чем длиннее история появления иранского народа, тем глубже исторические корни его

национальных праздников, традиций, обычаев, обрядов. Во всех странах, как и у иранского народа, существует ряд праздников, связанных с историческими событиями, с крупными моментами в жизни общества и человека. В статье рассказывается о праздновании сада и чаршанбе сури.

**Опорные слова и выражения:** Иран, национальные праздники, праздник сада, Авесто, зороастрийцы, зороастрийский жрец – мубад, чоршанбесури, аджилъ

*Summary. The historical basis of the folklore of the peoples of the Iranian region goes back to the mythological epic that arose on the basis of archaic representations of ancestors who lived in ancient times. Persian folklore, like the folklore of other Eastern peoples, is one of the greatest values that embody the worldview and spiritual world of its people. Such universal principles as the promotion of goodness, honesty, beauty, loyalty, and justice are reflected in highly artistic examples of Persian verbal art created over thousands of years. Persian folklore developed in direct contact with the epic traditions of the folklore of the peoples of the world. This article is devoted to the history of national holidays of Iranians with a rich past, and introduces the traditions of their celebration. Each nation has its own holidays, customs, and rituals. If you look at the life of the peoples of the world, you can see different festive rites that distinguish from each other. The longer the history of the Iranian people, the deeper the historical roots of their national holidays, traditions, customs, and rituals. In all countries, as well as in Iran, there are a number of holidays associated with historical events, with major moments in the life of society and people. The article describes the celebration of the Sada and Charshanbe Suri.*

**Keywords and expressions:** Iran, national holidays, Sada, Avesto, zoroastrians, zoroastrian priest – mubad, Charshanbe Suri, agil.

Ҳар бир халқнинг ўзига яраша байрамлари, урф-одатлари, маросимлари бўлади. Агар биз дунё халқларининг ҳаётига назар ташласак, бир-бирига ўхшамаган, турли-туман байраму маросимларни кўрамиз. Эрон халқининг пайдо бўлиши тарихи қанчалик узоққа бориб тақалса, унинг миллий байрамлари, анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ҳам шунчалик теран тарихий илдизларга эга.

Эронликларнинг исломгача бўлган энг қадимги ва гўзал байрамлардан бири جشن سده – сада байрами ҳисобланади. Барча сақланиб қолган манбаларда бу байрам энг қадимий миллий байрам сифатида тилга олинади. Бу байрам баҳман<sup>218</sup> ойининг 10 санасида нишонланади. Зардўштийлар тақвимида кўра сада қишнинг юзинчи куни ҳисобланади. Эронийларнинг қадимий тақвимларида йилнинг 150 куни қиш ва 210 куни ёз кунлари ҳисобланган. Шу асосида баҳман ойининг ўнинчи санаси бўлмиш сада байрами қиш бошланишидан юз кун ўтганига далолат беради. Бошқа томондан зардўштийларнинг эътиқодига кўра шу кундан эътиборан одамлар олов билан

<sup>218</sup> Баҳман – эронликлар шамсий йилининг 11-ойи бўлиб, милодий 21 январдан 19 февралга тўғри келади бў

ошно бўлганлар, тунни ҳам худди кундек иссиқва ёруғ ўтказа олганлар ва шу сабабдан сада кечасидан кейинги тунларни худди кунлардек ҳисоблаганлар. Шу асосида баҳман ойининг ўнинчисидан Наврўз байрамигача, яъни баҳорнинг илк кунигача 50 кун ва 50 тун қолди, яъни бу жами сад – 100 рақамини ташкил қилади деб ҳисоблашган.

Абу Райҳон Берунийдан келган ривоятларга қараганда бу байрам кечасида қадимги эронликлар зарарни даф қилиш мақсадида аланга ёқиб тутун чиқаришган. Аланга ёқиб, олов айлантириш ва ёввойи ҳайвонларни ҳайдаш, ўйин-кулгу билан вақтичоғлик қилиш бу байрам маросимларининг бир қисмини ташкил қилган. Ҳозирги кунга келиб бу байрам шоду хуррамлик билан ўтказилади. Орадан минглаб йиллар ўтиб кетганига қарамасдан эрон халқи орасида, хусусан зардушт жамоалари орасида бу байрам ҳали ҳам сақланиб қолган. Бу байрамни ҳозирги кунда зардуштийлар қуйидагича нишонлайдилар: Баҳман ойининг ўнинчи санаси қуёш ботиш пайтида қишлоқ аҳолиси ўз уйларининг энг баланд томларига чиқади (Қуёшнинг бутунлай ботганига ишонч ҳосил қилиш учун). Сахро буталари, шох-шаббаларни ўзига хос тарзда устма-уст териб чиқадиар. Қуёш кўринмай, ҳамма ёқни қоронғу қоплаши билан хонадон улуғи буталарга олов ёқади. Олов шуълалари ҳавога кўтарилиши билан хонадон аҳлининг шоду хуррам овозлари янграй бошлайди. Қуруқ шох-шаббаларнинг ўзига хос тарзда чарсиллаб ёниши, қоп-қора тутуннинг осмонга кўтарилиши, ёшу қари, эркагу аёлларнинг олов атрофида айланиб қўшиқ куйлаши садолари байрамга янада шукуҳ бағишлайди. Ёшлар яна биёбонлардан ўтин териб келиб гулханни қиздирадидлар. Гулхан атрофида чарх уриб рақсга тушадидлар. Гулхан устидан сакрайдилар.

Мамлакат ичкарасидаги – Техрон, Караж, Язд, Кермон, Ахвоз, Шероз, Исфаҳон зардуштийлари ва мамлакатдан ташқаридаги Европада (Швеция), Америка (Калифорния), Австралия зардуштийлари бу байрамни ҳар йили жуда катта тантана билан нишонлайдилар. Кермон, Язд ва Шерозда бу байрамда бутун аҳоли иштироқ этади, ҳатто маросимни четдан туриб кузатиш ҳам жуда мароқли. Кермонда бу байрамнинг ўтказилиши бутун дунёга машҳур. Мамлакат пойтахтида ҳам бу байрам жуда шукуҳли тантана билан нишонланади. Бироқ Техронда бўлиб ўтадиган мазкур байрамда зардуштийлардан бошқалар иштироқ этмайдилар.

Қадим даврлардан бошлаб халқ ва диний раҳнамолар мазкур сада байрамини нишонлаш учун катта тайёрганрликлар кўрганлар. Бу байрамдаги энг муҳим иш – алангани ёқиш учун ўтин йиғиш ҳисобланади. Баҳман ойининг тўққизинчи куни, яъни байрамдан бир кун олдин бутун халқ, хоҳ ёш бўлсин, хоҳ қари, хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак ўз бирдамлигию иттифоқлигини кўрсатиш масадида қуриган бутаю шох-шаббаларни териб, йиғиш учун шаҳардан ташқарига чиқиб кетадилар. Ўтин йиғиб бўлингач, тайёр ўтинлардан конуссимон шаклдаги хирмон ташкил қиладилар. Бу конуссимон ўтинлар хирмони **сада** номи билан машҳурдир. Мазкур сада хирмонининг диагонали 12 метрдан 14 метргача ва хирмоннинг баландлиги 5 метрдан 9 метргача бўлиши мумкин. Бу байрам жараёнида мазкур хирмонни ёқишгани учун бу маросимни **сада ёқиш** деб ҳам аташади.

Байрам куни эса одамлар ўз касбу корларини, ишларини эртароқ тугатиб, узоқ-яқиндан ўтин тўпланган жойга етиб келадилар. Баъзи минтақаларда бу кунни расмий дам олиш куни деб ҳам эълон қилишган. Дехқонлар ҳам ўз ўрнида маросим охирида келадиган янги йил ризқ-рўз барака олиб келиши учун оташ кулидан олиб кета олишлари учун сада хирмога ўзлари билан ҳеч бўлмаса бир шох ўтин олиб келадилар. Ҳар бир хонадон ерга гилам тўшайди, ожил<sup>219</sup> ва турли таомлар тановул қиладилар, суҳбат қурадилар. Ўзига хос байрам дастури ижро этилади: мусиқа чалинади, шохномахонлик, ривоятлар айтиш, сахна кўринишлари тун чекиниб тонг отгунча давом этади.

Олов ёкишнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бўлиб, оқ рангли либос кийган қўлида машъала тутган мубадлар<sup>220</sup> Авестонинг оловга мақтов (ҳамд) айтиш билан боғлиқ қисмларини ўқиб хирмоннинг тўрт тарафидан олов ёқадилар. Шундай қилиб қоп-қоронғу тунга иссиқлик ва ёруғлик бағишлайдилар. Шундан кейин бутун хирмон атрофи одамлар билан тўлади. Мусиқалар янграб одамлар сада олови сўнгунга қадар хурсандчилик қилиб рақс тушадилар. Сада байрамида халқ ва мубадлар қуйлайдиган оловга ҳамд айтиш қўшиғи “Авесто” китобидан жой олган. Бу мақтов 97-ясна деб ҳам аталиб, “Маздаясна” адабиётининг муҳим қисми ҳисобланади. Қуйида шу қўшиқдан парча келтириб ўтилади:

یتا اهو وییریو !  
ستایش و نیایش،  
و هدیه ی خوب و هدیه ی آرزو شده،  
و هدیه ی دوستانه را آرزو دارم،  
برای تو ای آتش، ای پسر اهورا مزدا  
قابل ستایش و نیایش هستی،  
قابل ستایش و نیایش باشی،  
در خانهء مردمان  
خوشبخت باشد آن مرد،  
که تو را بستاید، به راستی فرستاید  
هیزم در دست، برسم در دست  
شیر در دست، هاون در دست

(1)

Мақтов бўлсин, ҳамд бўлсин  
Яхши ҳадя, кутилган ҳадя,  
Дўстона ҳадяни орзу қиламан  
Сен учун эй Олов, эй Ахурамазданинг ўғли  
Сен ҳамду санога лойиқсан,  
Сен ҳамду санога лойиқсан,  
Одамларнинг уйидаги  
Сени қўлга киритган, тўғрилиқка йўналтирган одам

<sup>219</sup> Қовурилган писта, бодом, ёнғоқ, ерёнғоқ, қовоқ ва қовун данаклари шундай номланади.

<sup>220</sup> Зардушт қоҳинлари

Бахтли бўлсин.  
Қўлда ўтин, қўлда барсам<sup>221</sup>,  
Қўлда сут, қўлда ҳовонча.

(۲)

هيزم [برايت] فراهم شود  
بوي خوش فراهم شود  
خورش فراهم شود  
اندوخته فراهم شود  
برنايي به نگاهباني تو بُواد  
آگاهي به نگاهباني تو بُواد  
اي آتش، اي پسر اهورا مزدا

(2)

Сен учун ўтин тайёрлансин  
Ёқимли ҳид тайёрлансин  
Сен учун хуреш<sup>222</sup> тайёрлансин  
Захира тайёрлансин  
Ёшлик сени қўриқласин  
Огоҳлик сени қўриқласин  
Эй олов, эй Ахирамазданинг ўғли.

(۳)

سوزان باشي در اين خانه  
بي گمان سوزان باشي در اين خانه  
فروزان باشي در اين خانه  
شعله‌ور باشي در اين خانه  
به زماني ديري  
تا به فرشگردي (رستاخيز) توانا  
همچنان تا به فرشگردي تواناي نيك

(3)

Бу уйда ёниб тургин  
Шубҳасиз бу уйда ёниб тургин  
Бу уйда порлаб тургин  
Бу уйда шуъла таратиб тургин  
То қудратли қиёмат кунига қадар  
Яхши кучлар уйғонгунига қадар  
Узоқ муддат ёниб тур.

Эронликларнинг энг қадимги миллий байрамларидан яна бири бу – хар  
йилнинг охири чоршанба кечаси катта шукуҳ ва тантана билан

<sup>221</sup> Зардўштийларнинг ибодат маросимида ишлатиладиган ингичка хивичлар

<sup>222</sup> Помидор қайласида сабзавотлар билан димланиб тайёрланадиган майда тўғралган гўшти таом

нишонланадиган **چهارشنبه سوری** – чоршанбесури байрамидир. Бу байрам янги йил – Наврўзга бир неча кун қолганда ва йилнинг энг сўнгги чоршанбасига тўғри келади. У кунда эронликлар уйларини тозалашга киришиб кетадилар. Бу ишда эркагу аёл, йигитлару қизлар баб-баравар хизматда бўлганлар. Улар гиламлар, пардаларни, хонадон жиҳозларини тозалаганлар. Уларнинг эътиқодларича уйдаги ҳамма нарса, ҳаттоки эгнилардаги либосларигача янги йил кириб келгунига қадар топ-тоза бўлиши керак бўлган. Уй кўтариш маросими ҳозирги кунгача Наврўз байрамига яқин қолганда ҳамма жойда амалга оширилади. Эронликларнинг бу байрам билан боғлиқ жуда кўп қизиқарли маросимлари мавжуд.

Чоршанбесури байрамнинг қадимий ва энг чиройли асосий маросими аланга ёкиб унинг устидан сакрашдир. Бу маросим сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси амалга оширилади. Чоршанбе сури маросимларининг ҳаммаси йилнинг энг сўнгги чоршанба кечасида амалга оширилади. Оловни ҳовлиларига, кўчалар ёки бир майдонда аланга олдирадилар. Бир неча буталарни устма-уст қўйиб, унинг устидан сакраш асносида куйидаги иккиликни куйлайдилар:

زردى من از تو  
سرخی تو از من

Бунинг маъноси шуки, касалликлар ва нохушликларни узоққа улоқтирамиз, сиҳат-саломатликни ўзимизда олиб қоламиз. Буталар куйиб, ёниб бўлгач, ундан қолган кулни йиғиб, девор четига тўкадилар. Кулни тўккан киши эшикни қоқиши керак ва ундан уй ичидагилар сўрайдилар:

– Ким у эшик қоққан? У жавоб беради:

– Менман.

Уй ичкарасидагилар яна сўрайдилар:

– Қаердан келдинг?

– Тўйдан.

– Нима келтирдинг?

– Соғлик, саломатлик.

Чоршанбесури байрамнинг яна бир ўзига хос одати бу **کوزه شکنی** – “кўза синдириш” маросимидир. Унга кўра хонадондаги эски кўзалардан бирининг ичига туз, кўмир ва бир неча тангаларни солиб оиланинг ҳар бир аъзоси бу кўзани бошидан бир айлантириб олиши керак. Охирги киши ҳам кўзани бошидан айлантириб бўлгандан кейин ўша кўзани томдан кўчага қараб улоқтиради ва дейди:

– Бизнинг дарду балоларимиз шу кўзани ичида кўчага кетсин!

Қадимдан эронликлар чоршанбесури байрамида ожил тайёрлаб, тановул қилишади. Чоршанбесури ожили шўр ва шириндир. Уни мушкулкушо – мушкулларни ечадиган ожил дейдилар. Яъни асли шўр ҳисобланган ожилга бу сафар шафтоли қоқиси ва туршак, баргак, майиз, нўкл<sup>223</sup>, шакар, пишлоқ ва ёнғоқ мағзини ҳам қўшиб тайёрлайдилар. Бу ожилни тайёрлашни бирон бир муроду мақсадларининг ижобати учун назр, эҳсон қиладилар. Эронликларнинг

<sup>223</sup> Шарқ қандолат маҳсулоти бўлиб, шакарли писта, ёнғоқ ва бодом



этикодига кўра, бундай ожилни чоршанбесури кечасида тановул қилиш яхшилиқ ва бахт аломати деб ҳисоблайдилар.

Чоршанбесури кечасида ёшлар ва катталар Наврўз байрами учун олиб қўйган янги либосларини киядилар. Кичкина болачаларга ҳам янги либослар кийдирадилар. Чоршанбесурининг шавқу завқи Наврўз байраминикидан кам эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, эронликларнинг юқорида номлари келтирилган байрамларидан ташқари яна кўплаб номоддий маданий мероси мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти турли-туман маросимлар, ўйин-кулгулар билан нишонланади. Бу байрамларнинг аксарияти ўзбек ва қардош халқларимиз байрамлари билан муштарак.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. 1990 سید علی میرنیا. فرهنگ مردم. تهران
2. 2001 فرهنگ اصطلاحات ادبی. ویرایش جدید. تالیف سیما داد. تهران
3. Mir هفت سین، حاجی فیروز، بابا نوروز، ننه سرما و .. درگفتگو با جلال‌الدین کزازی. Jalaleddin Kazzazi. March 22, 2012.
4. И.Худоёр. Ш.Муҳаммадов. Форсча-ўзбекча муштарак мақоллар. Тошкент 2002.

---

### **Шукрия Назирова**

*Катта ўқитувчи, Хитой тили ва адабиёти кафедраси, ТошДШИ*

## **ХИТОЙДА “АЁЛЛАР АДАБИЁТИ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

**Аннотация.** *Мазкур мақола Хитойда “Аёллар адабиёти” тушунчаси пайдо бўлиш сабаблари, унинг ўзига хос хусусиятлари, унинг “маданий инқилоб” даври адабиётидан фарқли жиҳатлари, тематикаси, образлар тизими каби масалаларнинг ечимига қаратилган. Бу йўналишдаги адабиётнинг пайдо бўлиши Хитойнинг сиёсий ҳаёти, ижтимоий-маданий муҳити билан чамбарчас бўлиб, у адабиёт тарихида ўзидан кейинги босқичга замин тайёрлади. Адабиёт тарихининг бу босқичини ўрганмай туриб, замонавий хитой адабиёти, хусусан, аёллар адабиётининг ривожига ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиш мушкул. Хитойда “аёллар адабиёти” тушунчаси расман илмий муоамалага киритилган. Бугунги кунга қадар хитой аёллар адабиётига бағишланган тадқиқотлар сони айтарли даражада кўп эмас.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *“маданий инқилоб”, адабий йўналиш, аёллар адабиёти, ижтимоий-сиёсий вазият, адабий жараён.*

**Аннотация.** *В данной статье рассматриваются причины возникновения понятия «женская литература» в Китае. Его особенности и отличия от литературы периода «культурной революции». Появление литературы в этой области неразрывно связано с политической жизнью Китая и социально-*

культурной средой, которая заложила основу для более позднего этапа истории литературы. Без изучения этого этапа литературной истории трудно получить полную картину развития современной китайской литературы, особенно женской литературы. .

**Опорные слова и выражения:** «культурная революция», литературное направление, женская литература, общественно-политическая ситуация, литературный процесс.

*Summary.* This article discusses the causes of the concept of "women's literature" in China. Its features and differences from the literature of the period of the "cultural revolution". The emergence of literature in this area is inextricably linked with the political life of China and the socio-cultural environment, which laid the foundation for a later stage in the history of literature. Without studying this stage of literary history, it is difficult to get a complete picture of the development of modern Chinese literature, especially female literature. .

**Keywords and expressions:** "cultural revolution", literary direction, women's literature, socio-political situation, literary process.

Жамиятда аёлларнинг ўрни, мавқеи, ҳуқуқи масаласи ҳар доим баҳсли ва долзарб масалалардан бири бўлиб келган. «Аёллар адабиёти» “女性文学” тушунчаси ҳам шу масалаларнинг ажралмас, узвий бир қисми ҳисобланади. Аёллар томонидан яратилган асарларни бадий ижоднинг алоҳида тури сифатида ўрганилиши масаласининг ўзи ҳам баҳсли. Чунки баъзи халқлар адабиётида аёллар ижоди тарихи қадим даврлардан бошланган бўлса-да адабий ҳодиса сифатида жуда кеч ўрганила бошланган. “Аёллар адабиёти” тушунчаси ҳам турли халқлар адабиётида турли даврларда турли вазиятлар тақозоси билан пайдо бўлган. Баъзи халқларда эса таниқли аёл ижодкорлари бўлгани ҳолда улар “аёллар адабиёти” номи билан алоҳида ажратилмайди. Бугунги кунда аёлларнинг асарлари кўплаб чоп этилмоқда, уларга бағишланган махсус конференциялар ўтказилмоқда. Аёлларнинг ижоди нафақат адабиётчилар, балки психологлар, файласуфлар, социологлар, тарихчиларнинг ҳам тадқиқот объектига айланди. Ҳозирда “аёллар адабиёти” тушунчаси хусусида турли бир-бирига зид қарашлар ва ёндашувлар мавжуд. Адабиёт жинсга қараб бўлинмайди, адабиёт фақат яхши ёки ёмон бўлиши мумкин, “аёллар адабиёти” бу асоссиз бир тушунча деган қарашлар ҳам бор. Ва аксинча, адабиёт бўлинадиган “адабиёт ҳозир ҳам бўлинадиган, илгари ҳам бўлинган, фақат, эркаклар адабиёти – бу адабиёт, аёллар адабиёти – бу резервация, деган иддао билан бўлинадиган”<sup>224</sup>, деган фикрлар илгари сурилган. Шунингдек, “табиат аёлларга истеъдод учқунини ажратиши мумкин, лекин ҳеч қачон даҳони бермайди”<sup>225</sup>, “аёллар шеърляти – онгсиз тақлид”<sup>226</sup> дея аёл ижодкорлар ижодига менсимай, паст назар билан қарашлар ҳам мавжуд бўлган. Бизнингча, инсон ўзининг ижодий

<sup>224</sup>Арбатова М., Женская литература как факт состоятельности отечественного феминизма. //Преображение. 1995. № 3. – С.27

<sup>225</sup>Пономарев С.И. Наши писательницы. — СПб., 1891. – С.20-22

<sup>226</sup>Мандельштам О. Литературная Москва // Мандельштам О.Э. Сочинения в 2 тт. Т.2 — М., 1990. – С.275-276

қобилиятини жинсидан қатъий назар намоён қилиш имконига эга. Ва бадий асарнинг қиммати унинг бадий баркамоллиги, унда кўтарилган муаммонинг долзарблиги, умумбашарий қадриятларнинг нечоғлик ифода этилгани ва, энг муҳими, инсон тақдирининг жумбоғ-у ечимлари, инсоннинг ботини-ю зоҳири тасвирининг ҳаққонийлиги билан белгиланади.

Шу ўринда, “аёллар адабиёти” тушунчасига ҳам бироз ойдинлик киритсак. Турли манбаларда бу тушунчага қуйидагича таъриф берилади. Жумладан, “Аёллар адабиёти” (ингл. Women's fiction) – бу аёл ўқувчиларга мўлжалланган китобларни ифодаловчи умумий истилоҳ бўлиб, ишқий романларни ҳам ўз ичига олади. Аёллар адабиётини аёллар ижодидан фарқлаш керак<sup>227</sup>, деб таъкидланади. Табиийки аёл ижодкорлар нафақат аёллар мавзусида бошқа мавзуларда ҳам ёзишлари мумкин. "Romance Writers of America" ташкилоти аёллар адабиётини “ҳаётидаги ўзгаришлар, шахс сифатидаги улғайиш чегарасида турган аёллар ҳақида яратилган ва сотишга мўлжалланган роман”лар, деб таъриф беради. Бу таърифда таъкидланишича, аёлнинг бу ўсиш йўлидаги сафари туйғуларга йўғрилган фикрлашини, шунингдек, унинг шахсини ва бошқа одамлар билан муносабатини ўзгартирадиган хатти-ҳаракатларини батафсил акс эттиради<sup>228</sup>. Демак, “аёллар адабиёти” деганда, бир гуруҳ олимлар “аёлларга бағишланган, аёллар мавзусидаги” асарларни тушунишса, иккинчи бир гуруҳ олимлар “аёл ижодкорлар томонидан яратилган асарлар”ни. Биз иккинчи гуруҳ олимлари нуқтаи назарига қисман қўшиламыз. Бизнингча, аёллар мавзуси бадий асарнинг тематик кўламини ифодаловчи ҳодиса бўлса, аёллар адабиёти – бадий ижоднинг яратувчиси билан боғлиқ ҳодисадир; қисман дейишимизнинг сабаби, ўзи эркак ижодкор бўла туриб “аёл тилидан” аёл руҳиятини, ички дунёсини маҳорат билан ёритиб берган жуда кўплаб ёзувчилар бор. Ёзувчи ёки шоир (жинсидан, ёшидан қатъий назар) образ яратар экан “ўзга” (яъни аёл, эркак, ёш, қари ва ҳ.о.)нинг руҳиятига кириши, унинг тилидан гапириши шарт.

Аёллар адабиётининг пайдо бўлиши масаласи жаҳон адабиётшунослигида бу масала жуда кўплаб тадқиқотларнинг объекти бўлган. Бунинг асосий сабаби, маълум бир даврда муайян бир халқнинг адабиётига кўплаб аёл ижодкорларнинг кириб келиши билан боғлиқдир. Ва табиийки, аввал ҳодиса пайдо бўлади, кейин унинг номи.

Хитойда “аёллар адабиёти” тушунчаси расман илмий муоамалага киритилган. Бугунги кунга қадар хитой аёллар адабиётига бағишланган тадқиқотлар сони айтарли даражада кўп эмас. Бу ўринда россиялик синологларнинг амалга оширган тадқиқотлари эътиборга молик. Жумладан, россиялик олим Д.В. Львовнинг “Жизнь и творчество современной китайской писательницы Ван Аньи” (Замонавий хитой адибаси Ван Аньининг ҳаёти ва ижоди) номли номзодлик иши мамлакат адабий ҳаётида ўзига хос ўрин эгаллаган, Хитойда “маданият инқилоб”дан кейин ижод майдонига кириб

<sup>227</sup>[https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%96%D0%B5%D0%BD%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F\\_%D0%BB%D0%B8%D1%82%D0%B5%D1%80%D0%B0%D1%82%D1%83%D1%80%D0%B0](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%96%D0%B5%D0%BD%D1%81%D0%BA%D0%B0%D1%8F_%D0%BB%D0%B8%D1%82%D0%B5%D1%80%D0%B0%D1%82%D1%83%D1%80%D0%B0)

<sup>228</sup>What is RWA-WF?, Romance Writers of America, 2011, с. 4. Проверено 11 февраля 2013. Архивнаякопия от 25 января 2013 на WaybackMachine

келган машхур адибалардан бири Ван Аньи 王安忆(1954 йилда туғилган) ҳаёти ва ижодининг тадқиқига бағишланган<sup>229</sup>. Олим ишда ўнлаб роман, йигирмага яқин қисса, юздан ортиқ ҳикоя, эссе, киносценарийлар муаллифи, ўнлаб асарлари хорижий тилларга таржима қилинган Ван Аньининг уч қисса ва бир романини илмий истеъфода этади. Ишнинг эътиборли жиҳати шундаки, Ван Аньи шахсининг барча қирралари, унинг ҳам ижодкор, ҳам жамоатчи сифатидаги фаолияти, адиба ижодининг тараққиёт босқичлари, унинг таржимаи ҳоли ҳақида нисбатан тўлақонли тасаввур бера олган.

Н.К. Хузиятованинг “Модернистские тенденции в творчестве китайских писателей 1980-х годов как поиск идентичности в контексте глобализации” номли номзодлик диссертацияси хитой адабиётида модернизм тамойилларининг шаклланиши, бу йўналишда ижод қилган адиблар асарлари илмий истеъфода этилади. Тадқиқотчи модернист ёзувчилар қаторида замонавий хитой адабиётининг энг кўзга кўринган адибаларидан ҳисобланган Цан Сюэ ижодини ҳам таҳлилга тортади. У Цан Сюэ модернистик услубининг шаклланишида муҳим ўрин тутган омиллар Франц Кафка, Самюль Беккет ва Эжен Ионеско ижоди ҳамда Хитойда содир бўлган 4-Май ҳаракати адабиёти анъаналари эканлигини алоҳида эътироф этади<sup>230</sup>. Маълум бўладики, Хузиятова аёллар адабиёти ҳодисасига махсус чуқур тўхталмайди, аммо бу адабиётнинг йирик вакили бўлган Цан Сюэ ижодига диссертациянинг учинчи бобининг икки фаслини махсус бағишлагани диққатга сазавордир. Шунингдек, олима томонидан замонавий хитой модернистик адабиётининг илк намояндаларидан ҳисобланган адиба Лю Сола ижоди ҳам метод нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилинади. Шуниси эътиборлики, хитой адабиётида модернизм методининг энг йирик вакиллари булар аёл ижодкорлар бўлиб, айнан уларнинг асарларида ўша давр учун тамомила янги ва ноодатий бўлган бадиий ижод техникаси қўлланила бошланган. Айнан бу адибалар ижоди туфайли ғарб адабиётидаги нореалистик оқимлар ва йўналишлар тажрибаси мумтоз анъаналарга содиқ бўлган хитой адабиётига ўзлаша бошланди.

Хитой аёллар адабиётининг алоҳида намояндалари ижоди тадқиқ қилинган монографик тадқиқотлардан ташқари баъзи мақолаларда ҳам бу мавзуга мурожаат қилинган. Хусусан, А.А.Дмитреванинг “Формирование творческой индивидуальности Чжан Цзе” (张洁Чжан Цзе ижодий шахсиятининг шаклланиши)<sup>231</sup> номли мақоласида замонавий хитой адабиётининг йирик намояндаси бир қанча роман, қисса ва ҳикоя, эсселар тўплами муаллифи, асарлари дунёнинг бир неча тилларига таржима қилинган, жаҳон ва хитой ҳукуматининг адабиёт соҳасидаги юксак мукофотлар соҳиби бўлган Чжан Цзенинг адабий фаолияти, ижодининг тараққиёт босқичлари, ўзига хос хусусиятлари илк бор тадқиқ этилади. Мақоланинг эътиборга молик

<sup>229</sup>Львов Д.В. Жизнь и творчество современной китайской писательницы Ван Аньи. - Санкт Петербург, 2007 (канд.дис.)

<sup>230</sup>Хузиятова Н.К. Модернистские тенденции в творчестве китайских писателей 1980-х годов как поиск идентичности в контексте глобализации. – Санкт- Петербург, 2008. – С. 19-22 (автореф.на соис.кан.филол.н)

<sup>231</sup>Дмитрева А.А. Формирование творческой индивидуальности Чжан Цзе//Вестник Московского Университета. Сер 13. Востоковедение. 2008. №3 Стр.40-50

жихати шундаки муаллиф Чжан Цзе ижод босқичларини таснифлаб ўрганар экан, ҳар бир босқичда ўзига хос леймотив вазифасини бажарган мавзуларга алоҳида урғу беради. Бундай ёндашув муайян бир босқичда нега айнан шу мавзулар етакчилик қилганига ойдинлик киритиши баробарида адибага замондош бўлган бошқа ёзувчилар ижоди, давр адабий жараёни ҳақида ҳам тассавур беради.

Мамлакат тарихида XX асрнинг бошларида содир бўлган икки йирик ижтимоий-сиёсий воқеа: Синьхай инқилоби<sup>232</sup> ва “4-май ҳаракати”<sup>233</sup> Хитойда ғарб либерал қарашларининг, фалсафий тафаккурининг хитой жамоатчилиги фикрига таъсири кучайди. Бу ҳаракатларнинг аъзоларининг асосий мақсади хитойнинг анъанавий маданияти ва ғарб илм-фан ва маданиятининг энг ижобий илғор тажрибаларини уйғунлаштирган ҳолда Янги маданиятни яратиш эди<sup>234</sup>. 20-йилларнинг охирида Мао Цзэдун адабий идеологияси етакчи идеологияга айланди. Бу даврда аёлларнинг феминистик руҳдаги ҳаракатларининг кучайишига сабаб бўлди. Янги хитой адабиётида “аёллар адабиёти”нинг алоҳида бир ҳодиса сифатида ривожланиши айнан шу даврдан бошланди. Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, агар қадимги хитой адабиётида шеъриятнинг мавқеи юксак бўлган бўлса, энди бу даврга келиб аёлларнинг насрий асарлар ёзиш тажрибалари кучайди.

1937-йилда Япония билан бошланиб кетган уруш ҳаракатлари Хитойни ҳудудий жиҳатдан бир неча қисмга бўлинишига сабаб бўлди. Натижада турли ҳудудларда турли бошқарув тизими шаклланди ва бу ҳудудларда яшаб ижод этган ёзувчиларнинг бир хил муаммоларга турлича ёндашуви кузатилади. Уруш бу давр адабиётининг етакчи мавзусига айланди. Бир сўз билан айтганда XX аср биринчи ярмида содир бўлган икки йирик воқеа Хитой-Япония уруши (1937-1945) ва граждандар уруши (1946-1949) аёллар адабиётининг ривожига, бу даврда яратилган асарларнинг мазмун-мундарижаси, ёзувчиларнинг ижодий услубига кучли таъсир кўрсатди.

XX аср биринчи ярми аёллар адабиётини шартли равишда 2 босқичга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

- 1) 20-30 йиллар адабиёти
- 2) 40-50 йиллар адабиёти

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки 40-50 йиллар аёллар адабиёти ривожини Иккинчи жаҳон уруши ва ўтган асрнинг 40-йилларидаги Хитойдаги граждандар уруши йилларига тўғри келди. Айнан мана шу муҳим сиёсий омил туфайли мамлакатда тизим алмашинуви содир бўлди. Табиийки, ҳукмрон тизимнинг мафкураси, энг аввало, маданият, санъат ва адабиётга жиддий

<sup>232</sup>Синьхай инқилоби– 1911-1913 йилларда Хитойда содир бўлган инқилоб бўлиб, бу ҳодиса туфайли маньжурларнинг Цин сулоласи ҳукмронлигига барҳам берилиб, Хитой республикаси (1911-1949) эълон қилинди.

<sup>233</sup>“4-май ҳаракати” – 1919 йилнинг май-июнь ойларида мамлакатда ёшлар томонидан содир этилган оммавий ҳаракат бўлиб, у японлар томонидан ишғол қилинган Шаньдун провинциясидаги собиқ германия концессияларини Хитойга қайтариб бериш таклифини рад қилган Париж тинчлик конференцияси қароридан сўнг юзага келган.

<sup>234</sup>Чжэн Юнфу, Лу Мэйи. Чжунго фунюй тунши, миньго цзюань (Республика даврида Хитой аёли тарихи). Ханчжоу, 2010.- Б.21

таъсир кўратади. Адабиёт ҳукуматнинг сиёсий қуролига айланди. Турли адабий ҳаракатлар, йўналишлар ривожланди. Бу эса, ўз навбатида, ўша давр адабий муҳит манзарасини намоён этади. Халқ фожеаси, зиёлиларнинг уруш пайтидаги изтироблари, урушнинг оддий инсонлар тақдирига таъсири каби масалаларнинг қаламга олиниши бадиий жиҳатдан юқори савиядаги асарларнинг ҳам яратилишига туртки бўлди. XX асрнинг 50-йилларига келиб, Мао Цзэдуннинг адабий идеологияси бутун мамлакат бўйлаб ҳал қилувчи кучга айланди. Бу идеологиянинг асосида адабиётнинг ижтимоий-сиёсий самарадорлигини ошириш турарди. Бир сўз билан ифодалашда, адабиёт синфий, сиёсий манфаатларга хизмат қилиши, бўйсунуши лозим эди. Мазкур идеология ҳар қандай ижод эркинлигини тақиқлар эди. Натижада бу сиёсатга қарши бўлган ва уни қўллаб қувватламаган кўплаб ижодкорлар хорижга чиқиб кетдилар. Аксарият ёзувчилар таржималар билан шуғуллана бошладилар. Айни шу йиллари ҳам аёллар адабиёти ривожланишда тўхтамади. Аксинча, жуда кўплаб шоира ва адибалар адабиёт саҳнасига кириб келдилар. Юань Цзин, Цао Мин, Бай Лан, Су Цин, Ян Цзян, Цжан Айлин, Люй Бичэн ва бошқа ўнлаб ижодкор шулар жумласидандир. Уларнинг ижоди турли дунёқараш ва ғояларнинг ифодаси бўлиб, бадиийлик жиҳатидан ҳам фарқланади. Улардан айримлари мавжуд вазиятга теран қараб, бадиий баркамол асарлар яратган бўлсалар, айримлари Коммунистик партия ғояларининг тарғиботчи, мафкура хизматчиси сифатида фаолият юритганлар.

---

**Шахноза Асқарова**

*PhD катта ўқитувчи, Фарбий Европа тиллари кафедраси, ТошДШИ*

## **ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА СЎЗ ТАКРОРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Аннотация.** *Мазкур мақолада фонографик воситалар такрорининг инглиз ва ўзбек тилларидаги ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Унинг бадиий асар қаҳрамонлари руҳиятидаги ички ҳаяжон, хурсандлик, хафа бўлиши, розилик, ҳайратланиши, сўроқ, норозилик каби ҳолатларни тасвирлашда, шунингдек, белги-ҳолатнинг ортиқ-камлик даражасини таъкидлашдаги аҳамиятига эътибор қаратилган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *бадиий асар, халқ оғзаки ижоди, нутқ, қаҳрамон, термин, руҳий ҳолат, реприза.*

**Аннотация.** *В данной статье раскрываются особенности фонографические повторы в английском и узбекском языках. Большое внимание уделяется его роли в описании таких психологических состояний героев художественных произведений как волнение, радость, обида, согласие, удивление, недоумение, недовольство, а также в указании высокого или низкого уровня свойств и состояний.*

**Опорные слова и выражения:** художественное произведение, устное народное творчество, речь, герой, термин, психическое состояние, реприза.

*Summary.* In given article open the particularities of the phonographically repetition in Uzbek and English. Big attention is spared its dug such psychological conditions of the heroes of the literary work in description as emotion, joy, insult, consent, surprise, perplexity, discontent, as well as in instruction high or low level characteristic and conditions.

**Keywords and expressions:** literary work, spoken public creative activity, speech, hero, term, psychic condition, reprise.

Назарий жиҳатдан олганда замонавий тилшуносларнинг бугунги кундаги қизиқишлари нутқдан самарали фойдаланиш, аввало, орфография, талаффуз ҳамда грамматика масалаларига қаратилган. Тил ва маданият орасидаги ўзаро алоқалар лингвистик адабиётда кам ўрганилган бўлиб, етарлича ёритилмаган. Бунинг сабаби қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин. Бир томондан, грамматика, орфография, орфоэпия муаммоларига қаратилган анъанавий нуқтаи назар – бирламчи аҳамиятлилик нутқий ҳодисалар жараёни ҳамда тил фаолияти билан боғлиқлигида бўлиб, тил бирликларининг товушли ва ёзма кўринишлари, грамматик қоидалар ҳам бунда акс этади. Она тилида бўлгани каби хорижий тилда ҳам уларнинг уйғунлашуви нутқ ифодалашнинг биринчи ва асосий аспекти сифатида учраши мумкин. Бошқа томондан эса, мазкур бўлимларнинг барчаси – грамматика, орфография, орфоэпияда – асрлар оша сайқал берилган мукамал қоидалар тизими мавжуд бўлиб, улар юзлаб, ҳатто, минглаб китоблар ва саноксиз луғатларда ўз аксини топган.

Англаш мушкул эмаски, бу мутлақо грамматикада (ёхуд орфографияда, ёки орфоэпияда) ҳамма жиҳатлар аниқ-равшан ниҳоясига етган, барча қоидалар маромига етказиб таърифланган, жамики муаммолар ўз ечимини топган, деган маънони билдирмайди. Мавжуд инсоният тилининг реал фаолияти унинг шаклу-шамойилидаги барча рангбарангликда, узлуксиз ўзгариш ва тараққиётида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тилшуносликнинг исталган бўлимида “хулоса чиқариш”дек имкониятни истисно этади. Шунга ўхшаш мулоҳазалар нутқ ҳақидаги фаннинг алоҳида бўлимларида катта ёки кичик ишланмалар хусусида ҳам бориши мумкин.

Тил инсонларнинг мулоқот воситаси бўлиб, унинг ёрдамида айнан шу жамиятнинг маданияти дунё билан изчил ва узлуксиз алоқада бўлади, пировардида, буларнинг бари жамият тараққиёти даражасини белгилайди. Инсоният жамияти ривожидagi муҳим омил тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири, алоқаси, боғлиқлигида ўз аксини топади.

Тилшуносликда нутқнинг таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида бир неча ифода воситалари қўлланилади. Улардан бири такрор бўлиб, у сўзловчи нутқини таъсирчан қилиб ифодалаш ва тингловчида маълум воқеа ёхуд ходисага нисбатан хиссий қўзғалишни уйғотиш ҳамда нутқдаги маълум баёнларни алоҳида таъкидлаш учун хизмат қилади. Ундан гапирувчи шахс кучли ҳис-ҳаяжон таъсири остида бўлганида фойдаланилади. Такрор кенг тарқалган

стилистик услублардан бири сифатида ҳар хил жанрлар, рангбаранг асарлар ҳамда турли матнларда учрайди. Сўнги пайтларда у лингвистик матнда тадқиқотнинг фаол объектига айланиб бормоқда. Жамиятда нутқда такрорнинг ифодаланиши қадимий усуллардан бўлиб, ундан қироатхонлик, ибодат жараёнларида, лапар айтиш ва шеърятда кенг тарзда фойдаланилган. Шунингдек, такрор айрим дуолар ифодаси, халқ оғзаки ижоди, айниқса, аллалар айтишда фаол иштирок этган. Такрорий нутқ онгу шуурга сингиб боради, яъни амалий аҳамиятга эга лексик бирлик ҳисобланади. Шу боис ҳам лексик жиҳатдан такрор кенг тарқалган стилистик услублардан биридир. У турли жанрлар, ранг-баранг асарлар ҳамда ҳар хил матнларда учрайди. Атоқли тилшунос олим И.Р.Гальперин таъбири билан айтганда, “Такрор – маълум ифода, абзац ёки матндаги сўз, сўз бирикмаси ё гапнинг айнан қайтарилишидир”<sup>235</sup>. Демак, таъкидлаш мумкинки, нутқдаги такрор воситаси бадиий асарлар жанрларининг турли кўринишларида нутқ эффе́ктини ҳосил қилувчи мустаҳкам бирлик ҳисобланиб, семантик ва функционал ўзига хосликни ифода этади. Бизнингча, лексик такрорни тадқиқ этиш муаммоси ўз ечимини тўлалигича топмаган бўлиб, жумлалар орасидаги алоқа воситаси тил қонуниятига асосланиши, яъни муҳим бирлик сифатида матндаги ифодавий семантик алоқа ундаги микдорий белгилар билан ҳар хил нутқ турига асосланган матнларда коммуникатив функцияни бажариши билан алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Кўплаб тадқиқотчилар лексик такрорга бағишланган масалалар ҳал бўлган деб ҳисоблашади. Аммо такрорнинг товуш такрори, антоним такрор каби турлари ҳали кенг ёритилмаган бўлиб, даставвал бу терминга аниқ таъриф бериш керак. Такрор деганда, В.Г.Гакнинг фикрига кўра, ўхшаш ёки бошқа-бошқа тил бирликларининг атайин (товуш, морфема, сўз, бирор синтактик конструкция) бир марта қўлланиши билан кутилаётган маъно англашилмаганда, уларнинг формал ёхуд семантик тарзда икки ва баъзан ундан кўп бор (бир гап, абзац ёки бутун бир матн таркибида) қўлланишига асосланган матн ифодаловчи усулни тушунилади.

Матнда такрорни аниқлаш учун қуйидаги белгиларни инобатга олиш керак бўлади (бунда барча хусусиятлар мавжудлигини кўрсатиш муҳим ҳисобланмайди): ўхшаш ёки қарама-қарши ифода ёхуд маъновий нотўлиқлик, функционал-грамматик мутаносиблик, такрорланувчи компонентлар жойлашувидаги синтактик бир хиллик. Такрор воситаси фонетика, лексика, морфология ва синтаксисда қўлланилади. Демак, сўз, сема, фонема, морфема, лексик бирликлар, шеърый мисралар, жумлалар, қаторлар, умуман мавзу ҳақида фикр юритиш имконини беради. Товуш такрори – тил фаоллиги ҳодисаси бўлиб, унинг юзага келиш ёки келмаслиги тўлалигича шеърый оҳангли матнларга боғлиқ бўлади.

Таъкидлаш жоизки, алоҳида аҳамиятга молик семантик ва эмоционал тарзда ифодаланувчи сўз такрорларда яширинган бўлиб, уни тўлиқ тушуниш учун: сатирик тасвир ва маъно кучайтирилиб, шеърдаги умумий кайфиятни тасвирлаш мақсадида қўлланилади. Лексик такрор – мулоқот нутқини ташкил

<sup>235</sup> Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. – М., Изд-во лит-ры на иностр.яз., 1958.



этиш усули бўлиб, у ёки бу лексик-синтактик бирликларнинг тузилмавий жиҳатдан аниқ функцияни бажаришидир.

Тил тизими бирликлари воситасида инсонларнинг теварак-атрофга бўлган ўзаро муносабатлари ва турли кечинмалари ифодаланади. Бадиий асарда эса ёзув орқали рухий ҳолатни ифодалаш анча мушкулдир. Дарвоқе, ўзбек ва инглиз тилларидаги бадиий асар қахрамонлари руҳиятидаги ички ҳаяжон, хурсандлик, хафа бўлиш, розилик, таажжуб, ялиниш, хайратланиш, олқиш, сўроқ, таъкид, норозилик каби ҳолатларни тасвирлашда, шунингдек, белги-ҳолатнинг ортиқ-камлик даражасини таъкидлашда ёзувчилар унли ёки ундошларни бирдан ортиқ ёзиш усули – фонографик воситалардан фойдаланадилар. Бунда тегишли товуш поэтик таъкид олади.<sup>236</sup> Масалан: *Отабек мастларча кулди:*

– *Ммменга зарурати бўлмаса кккимга бор?! (А.Қодирий, “Ўтган кунлар”)*

*Узо-оқ йўл, аҳйо-онда бир келади, қато-ор иморатлар, йўла-аб турсам, дунёни иши қизиқ (А.Мухтор).*

Тилшуносликда лексик такрор сўз маъносини кучайтиришдаги беқиёс аҳамияти жиҳатдан синтактик-стилистик восита, деб ҳам юритилади. Мазкур восита гап қолипида, яъни унинг сатҳида шаклланади. Лексик такрор ифода воситаси сифатида маънони кучайтириш, интенсивликни ифодалаш ва эмоционаллик учун хизмат қилади. Сўзловчи ўз сезгиларига, кўникмаларига таянган ҳолда муайян иборанинг нутқ муҳити билан мос эканлигини англаб, сифатни миқдор билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу эса ўз навбатида лексик такрорни юзага келтиради. Масалан:

1. *Oh, turn it off! I'm sick of all this talk, talk, talk of war. Can't you think of anything else (Myrer A. The Last Convertible. – London, 1979. - 572p.)*

2. *She could think of things she would like to do, of clothes she would like to wear, and of places she would like to visit (Dreiser Th. Sister Carrie. Higher School Publishing House. – Moscow, 1968. - 593 p.).*

Дарҳақиқат, лексик такрор деганда бир фикр ҳамда уни қамраб олувчи алоқа бирликлари таркибидаги бир сўз, сўз бирикмаси ёки гапнинг такрорланиши тушунилади. Кузатувимизга кўра, тилшунослар лексик такрорнинг оғзаки нутқда фаол қўлланишидаги хусусиятларига тадқиқот объекти сифатида асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан эътибор бера бошладилар. Тадқиқотчи П.Нобили такрорни икки асосий: лингвистик ва когнитив омилга кўра тадқиқ этади. У Э.Рохмер фильмини таҳлил қила туриб, оғзаки нутқда учрайдиган саккиз хил такрорни фарқлади. Тўла ёки қисман такрорланувчи элементларнинг мезонини икки гуруҳга бўлди: такрор ва реформуляция.

П.Нобили такрор деганда ҳарф, товуш, сўз, жумла сегментлари – кичик ифодаларнинг тўлиқ такрорланишини тушунади. У лексик ёки синтактик характердаги турланиш билан такрорланишни реформуляция, деб атайди.

Бу икки гуруҳнинг биринчиси – такрорга тадқиқотчининг қуйидагича ёндашувида: гапирувчининг беқарорлиги асосида вужудга келувчи уятчанлик,

---

<sup>236</sup> Юлдашев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол.фан докт.илмий даражасини олиш учун ёзган диссер. Т., 2010. 188-б.

завқ-шавқ, таъсирчанлик каби туйғулари ҳамда шундай беқарорлиги туфайли юзага келадиган такрор бўлиб, у сўзловчининг суҳбатдошга ўз фикрини тушунарли қилиб етказиш мақсадида механик талаффузда тез-тез кузатиладиган паузаларда тегишли (зарур) сўзларни қўллашида кўришимиз мумкин.

Шунга кўра лексик такрор учта кенжа турга эга бўлади:

1. Нарратив-дескриптив жанрга хос такрорлар.

2. Нарратив-дескриптив жанрга хос стилистик функцияларни бажарувчи такрорлар.

3. Матн яхлитлиги тузишилишини таъминловчи дискурсив функциядаги такрорлар назарда тутилади.

4. Фатик такрор гапирувчилар ўртасидаги мулоқотга йўналтирилган бўлиб, унинг дискурсив функцияси қуйидагиларда намоён бўлади: эътиборни ўзига жалб қилиши, тингловчи диққатини ушлаб туриши, вақтдан ютиши ва ўзаро тушунишни таъминлаши.

5. Ортикча такрор. Суҳбатдошнинг диққатини жалб қилиш учун фойдаланиладиган сўзларни ишонарлилик билан етказилишида, бизнингча такрорнинг бу тури баҳсли аргументатив жанрларда кўп учрайди. Ортикча такрор суҳбат чоғида предметга диққатни жамлаш, эмоционал-экспрессив ва коннотатив функцияларни амалга оширади:

Иккинчиси реформуляцияга, яъни вариацияли такрорга тадқиқотчи тўлдирувчи такрор – реприза ва ассоциатив реприза, деб баҳо беради. Реформуляция ифодадаги мазмунни ҳамда металингвистик назоратни автоматик тарзда тўғрилашда иштирок этади. Улар нутқни ташкил қилиш босқичларини олдиндан билишга имкон беради. Булар:

1. Тўлдирувчи (тузатувчи) такрорлар тўсатдан пайдо бўладиган нутқда тез-тез учраб туради. Улар ўзида парадигматик элемент билан қисман алмашинувчи такрорларни ўзида мужассамлаштиради.

2. Турланувчи репризалар ўзида тузатишларни, гапирувчи нутқда синтагматик элементнинг қўшилиши, ўзгариши ёки йўқ бўлиши билан тўлдиради. Улар маънони ажратади ва риторик функцияни бажаради.

3. Ассоциатив репризалар – турли-туман вариацияли лексик ҳамда морфологик мулоҳазалар билан келувчи такрорлар бўлиб, П.Нобили уларни “ассоциатив анафоралар” билан таққослайди. Демак, илк элементга бирор янги элемент йўлланса, улар узлуксиз ҳаракатни ҳис қилиш оқибатида юзага келади.

Ассоциатив репризалар семантик муносабатнинг ҳар хил турларига асосан қуйидаги: қисман синонимия, гиперонимия, гипонимия, градация, антонимия каби турларга бўлинади. Шундай қилиб, учта: формал, дискурсив ва риторик мезонларга асосланиб, П.Нобили нутқда такрорнинг саккиз турини ажратди. Унинг фикрича, улар қуйидаги асосий: риторик, дискурсив, прагматик, стилистик, алоқавий каби функцияларни бажариши назарда тутилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, такрорланаётган ҳарф, бўғин, сўз, сўз бирикмаси ёхуд гап бўлишидан қатъий назар тингловчига нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатиш, унда маълум воқеа-ҳодисага нисбатан хиссий

қўзғалиш туйғуларини уйғотиш учун кенг тарзда фойдаланилади. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, такрор мусиқа ва такрорланувчи мусиқий жумлаларни оҳангдор, таъсирчан ва жозибадор бўлиши, шу йўсинда уларни тингловчи томонидан осонлик билан қабул қилинишида муҳим стилистик восита бўлиб ҳисобланади. Демак, ўзбек ва инглиз тилларида лексик такрор – синтактик воситалар ичида маъно кучайтиришда фаоллик касб этади. Зотан, бу восита нафақат ёзма нутқда, балки оғзаки нутқда ҳам кенг тарзда қўлланилади, икки – ўзбек ва инглиз тилларидаги такрорнинг ўхшашлигини ташкил этиб, раванк топади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. Л., посвящение, 1990.

2. Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка. – М., Изд-во лит-ры на иностр.яз., 1958.

3. Зияев А. Инглиз тилида сўз маъноларини кучайтиришнинг лингвокогнитив аспекти. Филол. фан. номз. дисс... автореф. – Т., 2009.

4. Юлдашев М. Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т., 2010.

---

#### **Меҳринисо Каюмова**

*Ўқитувчи, Таржимашунослик кафедраси, ТошДШИ*

#### **ҲАЛДУН ТАНЕР ИЖОДИГА БИР НАЗАР**

**Аннотация.** *XX аср турк адабиётининг таниқли намояндаларидан бири Ҳалдун Танер, турк драматургиясининг ривожига улкан ҳисса қўшган ва дунёга танитган ёрқин сиймолардан бири ҳисобланади.*

*Ҳалдун Танернинг турк адабиётида яхши ёзувчиси ва драматург сифатида қабул этилишида чиройли тилнинг, янги ва нодир тасвирланган мавзуларнинг, асарларидаги яхши қурилиш ва қайта ишлаш шакли билан бир қаторда ёзувчининг маънавий мушоҳадаси муҳим ўрин тутди. Ҳалдун Танер драмаларида турк инсонини ҳар томонлама ёритишга ҳаракат қилади, инсонга ва инсониятга бўлган чуқур севгисини ифодалайди. Жамият, табиат ва ўз ички оламида ўралашиб қолган инсон фожасини кўрсатиб беради. Тез ўзгарувчан ва шахс сифатида шаклланаётган характерлар, кекса инсонлар, аёллар, алданган эркаклар, кичик инсонлар, турли касб вакиллари... асарларнинг типик характерларидир.*

*Ҳалдун Танер асарларида ижтимоий ўзгаришларга ҳам катта аҳамият қаратган. Ижодкор ижтимоий, сиёсий, иқтисодий қонунларга параллел тарзда ўзгарган турк жамиятининг ҳолатини акс эттиради. Ёзувчи бу ўзгаришнинг турк жамиятида юзага келтирган турли салбий ҳолатлари ҳақида маълумот беради. Фарб маданияти ва санъатининг бундай ўзгариши қандай кечган деган саволга жавоб қидиради ва бу ўзгариш асносида оқсаган*

жиҳатларни ҳажвий йўл билан танқид қилади. Драмаларида ижтимоий ўзгаришнинг маънавий томонини оғриқли нуқта сифатида акс эттиради. Ҳалдун Танернинг асарларида танқидий қараиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳалдун Танер жами 12 та драма ва 13 пьеса ёзган бўлиб, уларнинг барчаси саҳналаштирилган. Турк адабиётида Танер драмалари уч даврга бўлиб ўрганилади: Биринчи давр иллюзион пьесалар, иккинчи давр айнан томошабоп пьесалар ва учинчи давр кабаре театри учун пьесалар деб номланади.

Асар тили ва мазмунига ўта талабчан, мушоҳадаларга уста ёзувчи Ҳалдун Танер инсоннинг шахсий дунёси билан фалсафа асосларини уйғунлаштириб, воқеалар ва қаҳрамонларга шунга кўра руҳ беришни ҳеч қачон эътибордан соқит қилмаган ижодкордир. У ўз фикрига ва юксак маънавиятга эга ёзувчилардан бири саналади.

**Таянч сўз ва иборалар:** турк адабиёти, жанр, ҳикоя, сюжет, композиция, пьеса.

**Аннотация.** Ҳалдун Танер, один из самых известных деятелей турецкой литературы 20-го века, является одной из самых ярких фигур в мире, которая внесла большой вклад в развитие турецкой драматургии.

Ҳалдун Танер считается креативным писателем и драматургом в турецкой литературе, с прекрасным слогом, новыми и редкими иллюстрированными темами. Его произведения отличаются формой построения и утонченностью. В своих драмах Ҳалдун Танер стремится описать турецкого человека всеми возможными способами, выражая свою глубокую любовь к человеку и человечеству. Он представляет трагедию общества, природы и человеческую трагедию, которая окружает его.

Героями его произведений являются старики, женщины, обманутые мужчины, маленькие люди, представители разных профессий. В творчестве Ҳалдуна Танера также уделяется большое внимание социальным изменениям в обществе. Он отражает состояние турецкого общества, которое изменяется параллельно с социальными, политическими и экономическими законами. Автор дает обзор различных негативных последствий этих изменений в турецком обществе. Он пытается ответить на вопрос, как произошел такой сдвиг в западной культуре и искусстве и иронически критикует недостатки его трансформации.

В своих драмах он иллюстрирует духовный аспект социальных изменений как болезненный момент. Критический взгляд важен в творчестве Ҳалдуна Танера. В общей сложности Ҳалдун Танер написал 12 драм и 13 пьес. В турецкой литературе драмы Танера делятся на три периода: первый период называется пьесами иллюзий, второй - зрелищными пьесами, а третий - пьесами для театра кабаре.

Ҳалдун Танер, искусно владея, языком и содержанием произведения, рассматривает философские взгляды человека с его личным миром и вдохновляет своих героев. Он один из писателей со своими идеями и высокой духовностью.

**Опорные слова и выражения:** турецкая литература, жанр, история, сюжет, композиция, пьеса.

*Summary. Khaldun Taner, one of the most famous figures of Turkish literature of the 20th century, is one of the brightest figures in the world that has made a great contribution to the development of Turkish dramatics.*

*Haldun Taner is regarded as a good writer and playwright in Turkish literature, with a beautiful language, new and rare illustrated themes, and good form of construction and refinement in his writings. In his dramas, Khaldun Taner strives to illuminate the Turkish man in every way, expressing his deep love for man and humanity. It represents the tragedy of society, nature, and the human tragedy.*

*The rapidly changing and person-forming characteristics are old people, women, deceived men, small people, and representatives of different professions ... typical of the works.*

*He also paid great attention to social change in the works of Khaldun Taner. It reflects the state of Turkish society that has changed in parallel with creative social, political and economic laws. The author gives an overview of the various negative consequences of this change in Turkish society. It seeks to answer the question of how such a shift in Western culture and art has taken place, and ironically criticizes the flaws in its transformation.*

*In his dramas, he illustrates the spiritual aspect of social change as a painful point. Critical view is important in the works of Khaldun Taner.*

*Khaldun Taner wrote a total of 12 dramas and 13 plays, all staged. In Turkish literature Taner dramas are divided into three periods: The first period is called illusion plays, the second period is spectacular plays, and the third period is called plays for the Cabaret Theater.*

*Written by the master of the language and the content of the work, the author, Khaldun Taner, is an artist who blends the philosophical foundations of the individual with his personal world and never neglects to inspire events and heroes accordingly. He is one of the writers with his own ideas and high spirituality.*

**Keywords and expressions:** Turkish literature, genre, story, plot, composition, play.

**Кириш.** XX аср турк адабиётининг таниқли намояндаларидан бири Ҳалдун Танер, турк драматургиясининг ривожига улкан ҳисса қўшган ва дунёга танитган ёрқин сиймолардан бири ҳисобланади.

1950 йиллар Туркияда сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар оғир кечгани, бунга параллел равишда адабиётда ҳам ўтмиш билан ҳисоблашиш, Ғарб таъсири остида янгиланиш жараёни кузатилади. Ҳалдун Танер асарларида ижтимоий ўзгаришларга ҳам катта аҳамият қаратган. Ижодкор ижтимоий, сиёсий, иқтисодий қонунларга параллел тарзда ўзгарган турк жамиятининг ҳолатини акс эттиради. Ёзувчи бу ўзгаришнинг турк жамиятида юзага келтирган турли салбий ҳолатлари ҳақида маълумот беради. Ғарб маданияти ва санъатининг бундай ўзгариши қандай кечган деган саволга жавоб қидиради ва бу ўзгариш асносида оқсаган жиҳатларни ҳажвий йўл билан танқид қилади.

Драмаларида ижтимоий ўзгаришнинг маънавий томонини оғриқли нукта сифатида акс эттиради.

**Мақсад ва вазифалар.** Ҳалдун Танер ижодининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда драматургиясини илмий асослашдан иборатдир. Ҳалдун Танер ижодининг шаклланиш омилларини белгилаш ва ёзувчи ижодий маҳоратини ўрганиш мақоланинг асосий вазифаси ҳисобланади.

**Усуллар:** мақолада адабий-эстетик, психологик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Ҳалдун Танер 1915 йил 16 мартда Истанбулда профессор Аҳмед Салоҳиддин оиласида туғилди. 5 ёшида йўқотган отасининг давлат учун қилган хизматлари эвазига бошланғич ва ўрта таълимни Галатасарой лицейида олди (1935). Давлат томонидан Олмонияга жўнатилди. Хейделберг университетида уч йил иқтисодий ва сиёсий фанларни ўрганган Ҳалдун Танер касалланганлиги сабабли Ватанига қайтишга мажбур бўлади (1938). Даволаниб чиққанидан кейин Истанбул университети адабиёт факультетининг олмон тили ва адабиёти бўлимига ўқишга киради ва университетни 1950 йилда тамомлайди. Адабиёт факультетининг санъат тарихи бўлимида ассистентлик фаолиятдан (1950-1954) кейин Венага бориб Макс Рейнхарт театр институтида таҳсил олди. Вена театрида ассистентлик, Вена шарқшунослик институтининг турк тили бўлимига мудирлик қилди. Ватанига қайтгандан кейин (1957) Истанбул университети журналистика институтида адабиёт ва санъат тарихи; Анқара университети тил ва тарих, жўғрофия факультети билан Истанбул университетида театр тарихи кафедрасида катта ўқитувчи сифатида фаолият юритди. “Яна бир маротаба туғилсам ҳам, ёзувчи бўламан...” – деган, ёзувчиликни касб деб билган, инсон фақат севиб бажара оладиган иши билан бахтиёр эканлиги ҳақида фикр билдирган Ҳалдун Танер 1986 йил 7 мартда Истанбулда вафот этди.

Унинг илк ҳикояси “Йедигун” журналида 1944 йилда Ҳалдун Яғжиўғли таҳаллуси билан эълон қилинган “Тухмат” ҳикоясидир. “Улку”, “Южел”, “Йедигун”, “Варлиқ”, “Кучук дерги” сингари журналларда ҳикоялари нашр этиб борилди. 1952 йилда дўстлари билан “Кучук дерги” журналинини чиқарган Ҳалдун Танер “Таржимон”, “Миллият” газеталарида очерклар; “Йени тонг” ва “Йени Истанбул” газеталарида маънавий мавзуларда мақолалар ёзиб борди. “New York Herald Tribune” газетаси бошчилигидаги халқаро танловда “Шишхонага ёмғир ёғарди” ҳикояси билан Туркия биринчилиги (1953), “Варлиқ” журналинини бошчилигида ўтказилган саволномада ҳам йилнинг энг яхши ҳикоянависи деб тан олинади (1956). “Ўн иккига бир дақиқа қолди” номли ҳикоялар тўплами билан Саид Фоиқ ҳикоя армуғонини (1955), “Бефаросат эрнинг айёр хотини” номли пьесаси билан Турк тил жамияти театр мукофотини (1972), “Соҳилда тонг” номли ҳикоя китоби билан Седат Симави вақфи адабиёт мукофотини (1983) олишга муваффақ бўлди.

Адиб ижодининг аввалида ва тилининг шаклланишида онасидан таъсирлангани ҳақида ёзади. Ёзган битикларини олдин турк тилининг гўзаллик сирларини билган, ибораларни ўрнида ва жойида ишлата олган, ҳазил ва мутойиба миқдорини тўғри татбиқ эта билган, бой мақоллар мажмуасини керак

жойда қўллай олган онасига ўқиб беради, унинг фикрларига, баҳосига муҳим аҳамият қаратиб камчиликларини шунга қараб бартараф этишга интилади.

Ҳалдун Танернинг турк адабиётида моҳир ёзувчи ва драматург сифатида қабул этилишида чиройли тилнинг, янги ва нодир тасвирланган мавзуларнинг, асарларидаги яхши қурилиш ва қайта ишлаш шакли билан бир қаторда ёзувчининг маънавий мушоҳадаси муҳим ўрин тутади. Ҳалдун Танер драмаларида турк инсонини ҳар томонлама ёритишга ҳаракат қилади, инсонга ва инсониятга бўлган чуқур севгисини ифодалайди. Жамият, табиат ва ўз ички оламида ўраллашиб қолган инсон фожеасини кўрсатиб беради. Тез ўзгарувчан ва шахс сифатида шаклланаётган характерлар, кекса инсонлар, аёллар, алданган эркаклар, кичик инсонлар, турли касб вакиллари... асарларининг типик характерларидир.

Ҳалдун Танернинг ижоддаги ютуғи ғайритабиий вазиятларни, воқеаларни ва инсонларни тасвирлашда эмас, балки кичик инсонлар ҳаётини акс эттиришдadir. У ҳикоя қилмоқчи бўлган мавзунинг инсонга аҳамият қаратмагандек ҳолатда ҳикоя жараёнида шундай ўзгариш ясайдикки, худди китобхон ёзувчи шахсиятини унутиб воқеалар ичига шўнғиб кетади. Ёзувчи бермоқчи бўлган истагини, фикрини, қарорини, танқидини ҳикоя қаҳрамонларига юклайди. Шу тарзда ҳикоя қаҳрамонлари ёзувчининг сўзловчиси вазифасини бажаради. Асарга баъзан жониворлар, баъзан рамз, баъзан эса ашёлар гоё беради ва улар ёзувчи шахсиятини акс эттиради.

Ҳалдун Танернинг асарларида танқидий қараш муҳим аҳамият касб этади.

Шунга қарамай, унинг асарларида пессимистик руҳ сезилмайди. Ёзувчи фақатгина тасвирлайди ва аччиқ ҳақиқатни юмор билан юмшатади.

Танернинг табиат ва табиийлик ҳақида тўхталишининг боиси ҳам севгини табиийлик ва тўғрилиқдан топганлигидадир. Ёзувчи кичик инсонлар ва кичик ҳаётни танлаши асосида фақат севги ётади. Ўтмишга назар солишида ҳам севги муҳим аҳамиятга эга. Чунки гўзалликларни ва севгини ҳамиша ўтмишдан олади.

Ёзувчининг асарларида макон сифатида, асосан, Истанбул ва Олмония тилга олинади. Шунингдек, Истанбул эски ва янги қиёфаси билан тасвирланиб унга таърифлар келтирилади. Олмония эса бошқача маданият тарзини кўрсатиш учун қаламга олинади. Ёзувчи инсонга ва жамиятга маданий назар орқали ёндашади. Бу учун ёзувчи жуда яхши билган иккита маданиятни қиёслайди. Олмонлар ва турклар ўртасидаги ижод, адабиёт, қийматлар, бегона ишчи, бегоналашиш муаммоларини ҳамиша маконлар воситасида тасвирлайди.

Ҳалдун Танер ижодий фаолияти давомида ҳеч қачон турли оқим ёки гуруҳ вакили бўлмаган. У ижодга бирон-бир янгилик киритиш, ном қолдириш, таниқли бўлиш истагида ёки турли идеологик фикрларга сифиниб қалам тебратган ёзувчилардан эмас.

Ҳалдун Танер яшаган даврдаги ижод оқими ва фикрлари доираси чегарасидан ўтиб маҳаллий ёзувчи бўлишга ҳаракат қилади. Глобаллашишга ҳам шу йўл орқали эришиш мумкинлигини билади. Ўзидан олдинги ифодага урғу берган ва халқ оғзаки ижодидан таъсирланган ёзувчилардан ўрнак олади.

Аҳмад Митхат афанди, Эмин Нихат анъаналарига боғлиқдек кўринса-да, ҳикояларида сўзлашув ва аския анъаналаридан таъсирланиш жиҳатидан улардан ҳам юқори даражага эришганлиги сезилади. Аҳмад Расим ва Ҳусайн Раҳми Гурпинар каби ёзувчиларнинг Истанбул шеvasини ҳикояга киритиш амалиётига у яна ҳам маҳорат билан ёндашишга ҳаракат қилади. Иборалардан кенг кўламда фойдаланади, хусусан, монолог ва диалог воситасида ёзган ҳикояларида муваффақиятга эришади.

Ёзувчининг “Яшасин демократия” (1949), “Туш” (1951), “Шиш-хонага ёмғир ёғарди” (1953), “Айишиғинда чалишкур” (1954), “Ўн иккига бир дақиқа қолди” (1954), “Кўнчиналар” (1967), “Санчонинг тонгги сайрлари” (1969), “Қизил сочли амазонка” (1970), “Ёлида тонг” (1983) сингари ҳикоя тўпламлари бор.

Асар тили ва мазмунига ўта талабчан, мушоҳадаларга уста ёзувчи Ҳалдун Танер инсоннинг шахсий дунёси билан фалсафа асосларини уйғунлаштириб, воқеалар ва қаҳрамонларга шунга кўра руҳ беришни ҳеч қачон эътибордан соқит қилмаган ижодкордир. У ўз фикрига ва юксак маънавиятга эга ёзувчилардан бири саналади.

Ҳалдун Танер асарлари рус, инглиз, немис, чех, югослав, қозоқ, озарбайжон, грузин тилларига таржима қилинган. Ўзбек тилига қатор ҳикоялари П.Кенжаева томонидан ўгирилган. Танер жами 12 та драма ва 13 та кабаре учун пьеса ёзган бўлиб, уларнинг барчаси саҳналаштирилган.

Ҳалдун Танернинг 100 йиллиги муносабати билан 2015 йил Халқаро туркий маданиятлар ташкилоти (TÜRKSOY) томонидан “Ҳалдун Танер йили” деб эълон қилинди.

Турк адабиётида Танер драмалари уч даврга бўлиб ўрганилади<sup>237</sup>: Биринчи давр - иллюзион пьесалар, иккинчи давр - айнан томошабоп пьесалар ва учинчи давр кабаре театри учун пьесалар деб номланади.

Биринчи давр 1949-1962 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда “Günün Adamı” (“Ҳозирги кун одами”) (1957), “Dışardakiler” (“Ташқаридагилар”) (1957), “Ve Değirmen Dönerdi” (“Тегирмон ҳамон айланар эди”) (1958), “Fazilet Eczanesi” (“Фазилат дорихонаси”) (1960), “Lütfen Dokunmayın” (“Илтимос, тегманг”) (1961), “Huzur Çıkmazı” (“Ҳузур берк кўчаси”) (1962) пьесалари яратилган.

Иккинчи давр 1964 йилда ёзилган “Keşanlı Ali Destanı” (“Кешанлик Али достони”) пьесаси билан бошланиб, унга “Gözlerimi Kaparım Vazifemi Yaparım” (“Кўзларимни юмиб, взифамни адо этаман”) (1964), “Zilli Zarife” (“Кўнғироқли Зарифа”) (1966), “Sersem Kocanın Kurnaz Karısı” (“Бефаросат эрнинг айёр хотини”) (1971), “Eşeğin Gölgesi” (“Эшакнинг сояси”), “Ayışığında Şamata” (“Ой нуридаги шовқин”) (1977) пьесалари киради.

Учинчи давр эса, илк бор 1967 йилда яратилган “Vatan Kurtaran Şaban” (“Ватанни қутқарган Шабан”) драмаси билан бошланиб, шу йилда “Туякуш” кабаре театрига асос солиниши билан боғлиқ. Бу давр Ҳалдун Танернинг барча кабаре учун пьесаларини ўз ичига олади.

<sup>237</sup> Ayşegül Yüksel “Haldun Taner Tiyatrosu”, İstanbul, Bilgi Yayınevi, 1986, s.27



Биринчи давр пьесалари хусусида тўхталар эканмиз, улар драматик пьесалар сирасига киритилганини таъкидлаб ўтиш жоиз<sup>238</sup>.

Ҳалдун Танер драматургиясининг иккинчи даврига мансуб бўлган пьесалари мутахассислар томонидан айнан томошабоп (“Göstermecî biçimdeki”<sup>239</sup>) ҳамда эпик турдаги драмалар, ёзувчи эса Туркияда эпик драмаларнинг асосчиси деб баҳоланади<sup>240</sup>. “Бертольд Брехтнинг издоши бўлган Ҳалдун Танер илк бор унинг эпик театри анъаналарини турк миллий тетрига татбиқ этди (“Keşanlı Ali Destanı” ва “Gözlerimi Kararım Vazifemi Yararım” пьесаси)”<sup>241</sup>, –деб таъкидлайди рус олими Л.Н.Старостов.

Ёзувчи “Кешанлик Али достони” драмаси хусусида ёзар экан, “Ёзувчи сифатида эришган энг катта ютуғим”, деб таъкидлайди.

Ёзувчи Ҳалдун Танер драматургиясининг учинчи даври кабаре учун мўлжалланган театр даври ҳисобланади. Бу ҳақда Т.Шевченко номли Киев миллий университети туркология кафедраси доценти Прушковская И.В. шундай фикр юритади: “Миллий театр ва замонавий дунё драматургиясининг уйғунлашуви турк драматургиясида сиёсий драма жанрининг юзага келиш спецификасини белгилайди. XX асрнинг 60-йилларида Ҳалдун Танер бошчилигида “Туякуш” номли кабаре театрига асос солинди. Бу театрда янги жанрдаги пьесалар сахналаштирилди эди: шаклан–халқ ўйини, мазмунан–сиёсий ва ижтимоий воқеликдаги унсурлар устидан аччиқ кулиш. Шу тариқа 60-йилларда Бертольд Брехтнинг “эпик театр” назарияси ва янги театр шакллари излаш турк драматургиарининг халқ драмаси анъаналарига қизиқишини кучайтирди.”<sup>242</sup>

Кабаре учун ёзилган пьесалар орасида энг машҳури “Vatan Kurtaran Şaban” (“Ватанни қутқарган Шабан”) (1967) асари ҳисобланади. Илк бор 1 октябрь 1967 йилда Четин Ипеккая томонидан сахналаштирилган бу мусиқий пьеса яна тўрт юз қирқ тўққиз марта сахна юзини кўрган. Шунинг учун ҳам бу асар турк томошабинлари онгида кабаре пьесаларининг энг ёрқин намунаси сифатида гавдаланади.

**Хулоса.** Ҳалдун Танер асарларида алданган одамлар ҳаётини ҳам акс эттиради. Ҳикоялар қахрамонлари ҳар доим ҳаётда алданган кишилардан иборат. Чунки инсонларнинг ҳақиқати кўпинча ҳаёт ҳақиқатларига мос келмайди. Асар қахрамонлари била туриб алданишда давом этсалар-да, жамият билан бўлган муносабатларини давом эттирадилар. Шу сабабдан жамиятда тақдирга тан берган инсон образи вужудга келади.

Ҳалдун Танер ғоя бера оладиган ёзувчилардан бири. Буни ҳикояларининг кириш ва хулоса қисмларида расмийлаштиради. Танер қатъий кириш сўзини

<sup>238</sup>Halil Adıyaman, Haldun Taner Hayatı, Sanatı ve Eserleri, Doktora Tezi, Ankara, 2012, s. 40-47.

<sup>239</sup>Ayşegül Yüksel. Haldun Taner Tiyatrosu, İstanbul, Bilgi Yayınevi, 1986

<sup>240</sup>Mustafa Karabulut. Edebiyatın Sosyolojik İmkânı Açısından Keşanlı Ali Destanı'nın İncelenmesi, Adıyaman Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, 2012, Ocak, Sayı 8.

<sup>241</sup> Ҳалдун Танер. Избранное. Новеллы и публицистика. Пер. с тур. Л.Н.Старостова. М., Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1984, 21-стр.

<sup>242</sup>Прушковская И.В. История развития турецкой авторской драмы (Республиканский период до 1980 г.), Киевский национальный университет имени Тараса Шевченко, 2014.

ёзади ёки параграф вужудга келтиради. Воқеалар ривожига келганда вазият бирдан бошқача тус олади. Ёзувчи ўз фикрини хулоса билан яқунлайди.

Асарларида бой мазмун ва соддаликни асосий унсур ҳисоблаган Танер ҳар доим одамларнинг савиясига эътибор қаратади. Халқ ҳаёти тасвирига муҳим эътибор қаратган ёзувчи асар ва китобхон савиясига бефарқ бўлмайди. Шу сабабдан ҳикояларида фалсафий, ижтимоий, тарихий ҳақиқатларни мушоҳада қилган ҳолда қаламга олади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Елўқ С. Кенжаева П. Кутилмаган меҳмон. Akademnashr, 2011. 217-б.
2. Оганова Е.Г. Традиции народной драмы в современной турецкой драматургии. –М.: ИСАА МГУ, 2006.-272 с.
3. Прушковская И.В. История развития турецкой авторской драмы (Республиканский период до 1980 г.)/Киевский национальный университет имени Тараса Шевченко, 2014.
4. Adıyaman H. Haldun Taner Hayatı, Sanatı ve Eserleri./ Doktora Tezi, Ankara 2012, s.40-47.
5. Enginün İ. Cumhuriyet Dönemi Türk Edebiyatı.–İstanbul: Dergah yayınları, 2003.–s. 143.
6. Gariper C.Haldun Taner'in Keşanlı Ali Destanı Üzerinde Bir İnceleme./ İlmî Araştırmalar, Sayı 20, 2005.
7. Ibrohimova Sh. Turk dramaturgiyasi. TDSHI, 2016. 177-179-b.
8. Miyasoğlu M.Haldun Taner. Ankara, Kültür ve Turizm Bakanlığı, 1988, s.39
9. Karabulut M. Edebiyatın Sosyolojik İmkânı Açısından Keşanlı Ali Destanı'nın İncelenmesi, Adıyaman Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi, 2012, Ocak, Sayı 8.
10. Taner H.Bütün eserleri. İstanbul, Bilgi Yayınevi, 1983.
11. Taner H. Koyma Akıl Oyma Akıl, Sansür Üzerine Yazılar. Ankara, Bilgi Yayınevi, 1985, s.15-19
12. Taner H. Bütün Oyunları, Ve Değirmen Dönerdi. Lütfen Dokunmayın. Ankara, Bilgi Yayınevi, 1991, s.170.
13. Yüksel A. Haldun Taner Tiyatrosu. İstanbul, Bilgi Yayınevi,1986.

---

***Нигора Азизова***

*Ўқитувчи, Туркий тиллар кафедраси, ТошДШИ*

### **МЕҲМЕД ЗИЁ ГҶКАЛП – ЗАМОНАВИЙ ТУРК ШЕЪРИЯТИНИНГ ЁРҚИН ЮЛДУЗИ**

***Аннотация.*** Ушбу мақола замонавий турк шеъриятининг йирик шоири Зиё Гўкалп ижодига бағишланган. Шу билан бирга шоирнинг адабиётга, тилшуносликка ва ижтимоий ҳаётга бўлган қарашлари акс эттирилган.

*Шоир адабиёт соҳасида эса миллий ва замонавий адабиётни ўрганиши ва уни давом эттиришида халқ адабиёти ва Ғарб адабиётини тўлиқ ўрганиши кераклигини уқтиради. Биринчи навбатда, ўз халқи адабиётини ва миллий урф-одатларини акс эттириши кераклигини айтади. Кейин эса Ғарб адабиётига мурожаат қилиши кераклигини истайди. Яъни ҳар бир халқ ўз халқининг адабиётини билмасдан туриб бошқа халқлар адабиётини қандай тушунади деган қарашларни илгари суради.*

*Шунингдек, мақолада Меҳмед Зиё Гўкалпнинг нафақат тилишунос, балки ҳам адабиётшунос, ҳам шоир, ҳам тарихчи олим эканлигига урғу берилди. Машҳур шеърлари таҳлилга тортилди ва ўзбек тилига таржима қилинди. Айниқса унинг “Турон” манзумасини туркишуносликка кириши десак муболага бўлмайди. Шоир бу манзумада тарих билан бир қаторда инсонларга нисбатан қаршилик кўрсатаётган бузғунчи зояларга қарши курашади.*

*Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Гўкалп фақатгина адабиётга эмас, балки адабиётни янада ривожлантириши ва ҳаммага тушунарли бўлиши учун тилга ҳам жуда катта аҳамият берган ва бунда ўз мақсадига эриша олган. Чунки у ёзган шеърлар нафақат адабиётчилар учун, балки халқ учун ҳам тушунарли бўлган.*

*Унинг ижоди билан боғлиқ маълумотларни беришида турк олимларининг тадқиқотларига мурожаат этилди. Меҳмед Зиё Гўкалп ижоди Туркияда Юсуф Зиё Ўртач, Абдуллоҳ Ҳарманжи, Фарук Нафиз, Деҳая Доғру, Ҳакки Суҳа, Ҳасан Ферит, Ҳалим Сабит, Меҳмет Ҳалит сингари бир қатор тадқиқотчилар томонидан тадқиқ этилган. Ўзбекистонда эса бу мавзу алоҳида монографик тадқиқот сиқатида ўрганилмаган. Мақолада ф.ф.д. П.Кенжаеванинг “Замонавий ўзбек ва турк шеърлятида услуб типологияси” номли мақоласи, Н.Каримовнинг “XX аср адабиёт манзаралари (биринчи китоб)” китоби ҳамда турк олими К.Акюзнинг “Ғарб адабиёти таъсиридаги турк шеърляти антологияси” (1860-1923 йиллар) номли тадқиқотларидан фойдаланилди.*

**Таянч сўз ва иборалар:** шоир, шеър, жанр, турк шеърляти, назм, наср, қофия, аруз, ҳижо, манзума.

**Аннотация.** *Эта статья о творчестве великого турецкого поэта Зийя Гокалп. Также статья отражает взгляды поэта на литературу, лингвистику и общественную жизнь.*

*В области литературы поэт подчеркивает необходимость полноценного изучения народной и западной литературы при изучении отечественной и современной литературы. Прежде всего он говорит, что необходимо отражать литературу и национальные традиции своего народа. Затем он хочет обратиться к западной литературе. Другими словами, поэт предполагает что не понимая литературу своего народа и невозможно понять литературу других народов.*

*В статье также подчеркивается, что Меҳмед Зийя Гокалп является не только лингвистом, но и литературоведом, поэтом и историком. Знаменитые стихи были проанализированы и переведены на узбекский язык. Не*

переувеличивая можно сказать, что его ода «Турон» является введением в тюркологию. В этой оде поэт работает с историей и в тоже время бориться с разрушительным идеям, которые противостоят человечеству.

Следует отметить, что Гокалп придает большое значение не только литературе, но и самому языку, чтобы его можно было развивать и понимать в литературе. Стихи которые он написал были понятны не только писателям но и простому народу.

В процессе предоставления информации о его творчестве было обращено на исследования турецких ученых. Работы Мехмеда Зийя Гокалпа изучались в Турции рядом исследователей, такими как Юсуф Зийо Ортах, Абдулла Харманджи, Фарук Нафиз, Дехая Догру, Хакки Суха, Хасан Ферит, Халим Сабит, Мехмет Халит. В Узбекистане эта тема не изучалась в отдельной монографии. В статье были использованы работы д.ф.н. П.Кенжаева "Типология стиля в современной узбекской и турецкой поэзии", Н.Каримовой "Пейзаж литературы XX века (первая книга)" и "Антология турецкой поэзии западной литературы" (1860-1923) турецкого ученого К. Аккьюза.

**Опорные слова и выражения:** поэт, стих, жанр, турецкая поэзия, поэзия, проза, рифма, аруз, слог, ода.

*Summary.* This article is about the work of the great Turkish poet Ziyö Gokalp. It also reflects the poet's views on literature, linguistics and social life. In the field of literature, the poet emphasizes the need for a full study of folk and Western literature in investigating national and modern literature. First of all, he says that it is necessary to represent the literature and national traditions of people's own nation. Then he wants to turn to Western literature. In other words, he supposes that anyone without understanding the literature of their own nation and one can not understand the literature of other nations.

The article also emphasizes that Mehmed Ziyö Gokalp is not only a linguist, but also a researcher of literature, a poet and a historian. Famous poems were analyzed and translated into Uzbek. There is no exaggeration that his work Turon is an introduction to Turkology. In this appeal, the poet studying the history and fights against the destructive ideas that oppose humanity.

It should be noted that Gokalpak attaches great importance not only to literature, but also to language, so that it can be developed and understood by everyone. The poems that he wrote were understandable not only to writers, but also to ordinary people.

In the process of providing information about his work, we turned to the studies of Turkish scientists. The works of Mehmed Ziyö Gokalpa were studied in Turkey by a number of researchers, such as Yusuf Ziyö Ortah, Abdullah Harmanji, Faruk Nafiz, Dehai Dogru, Hakki Suha, Hassan Ferit, Halim Sabit, Mehmet Halit. In Uzbekistan, this topic has not been studied in a separate monograph. In the article as a resource were used the works of some researcher as Ph.D. P. Kenzhaev "Typology of Style in Modern Uzbek and Turkish Poetry", N. Karimov "Landscape of Literature of the 20th Century (First Book)" and Turkish scientist K. Akkyuz "Turkish Anthology of Western Literature" (1860-1923).

*Keywords and expressions: poet, verse, genre, Turkish poetry, poetry, prose, rhyme, aruz, syllable, ode.*

Меҳмед Зиё Гўкалп 1876 йилда Диёрбакирда туғилган. Бошланғич ва ўрта таълимни Диёрбакирда олган. У отасидан эрта айрилади ва амакисининг қўлида қолади. Меҳмед Зиё Гўкалп араб ва форс тилларини, ислом фалсафаси дарсларини ўрганади ҳамда ўзи мустақил равишда француз тилини ўрганади. У Истанбулга бориб ўқишини давом эттирмоқчи бўлади, аммо амакиси унинг кетишига қаршилик қилиб қизига уйлантирмоқчи бўлади. Шунингдек, у бошланғич мактабда ўқиётганида байрам куни “Подшоҳим умрингиз узоқ бўлсин” дейиш ўрнига “Халқим умрингиз узоқ бўлсин” деб нотўғри айтгани учун уйига қўнғироқ бўлади. Шу азобларни бартараф қилиш учун ўзини ўлдирмоқчи бўлиб ўзига ўзи ўқ узади. Аммо ўқ нишонга тўғри тегмагани сабабли ўлим остонасидан қайтиб келади ва дўсти ёрдамида Истанбулга қочиб кетади. Ёнида бир чақа ҳам бўлмагани сабабли университетда ўқий олмаган Гўкалп “Байтар мактаб-и олий” интернатига қабул қилинади. Мактабни битираётган пайтида Истибдод идораси қошида очилган яширин жамият гуруҳларининг ишларига қизиқа бошлайди ва ички ишлар таъқибига учрайди. Шунингдек, Диёрбакир ҳокими Ҳолид Бейга тегишли журналда мансабдорнинг қилган ишларини муҳокама қилгани учун 9 ой қамоқ жазоси тайинланади, жазо муддати тугагандан сўнг Диёрбакирга сургун қилинади. Амакиси икки йил аввал, вафотидан олдин қизини Зиёга васият қилиб кетган бўлади.

Зиё Гўкалп турк тилини бойитиш, маданий тилга айлантриш учун халқ оғзаки ижодидан ҳамда эски туркий асарлардан тўпламлар қилиш тарафдори эди. Айниқса, ҳозирда тарихга айланган, ўлик сўзларнинг яна қайта жонланишини ва бошқа қардош туркий халқ лаҳжаларидан сўз олинишини истамайди. Тўпламлар ёрдамида қўлга киритилган туркча сўзлар яратилишини ёки ўша сўзга мос сўз тополмаган тақдирдагина араб ва форс тилига мурожаат қилиш кераклигини айтади. Барча халқлар қўллайдиган сўзларни яни илмий ва техникавий сўзларни биз ҳам қўлласак хато бўлмайди. Лекин барибир турк тилининг илмий ва камчиликлардан холи грамматика китоби ва луғатини яратишимиз керак, деган фикрни илгари суради. Ҳатто у ўз она тилисига оид шеърлар ҳам ёзади.

Адабиёт соҳасида эса миллий ва замонавий адабиётни ўрганишда ва давом эттиришда халқ адабиёти ва Ғарб адабиётини тўлиқ ўрганиш кераклигини уқтиради. Биринчи навбатда, ўз халқи адабиётини ва миллий урф-одатларини акс эттириш кераклигини айтади. Кейин эса Ғарб адабиётига мурожаат қилиш кераклигини истади. Яъни ҳар бир халқ ўз халқининг адабиётини билмасдан туриб бошқа халқларнинг адабиётини қандай тушунади деган саволни ўртага ташлайди.

Зиё Гўкалп Ғарб адабиётини ҳам ўрганиб улардаги шеърий санъатлар, назм, наср ва қофия қандай берилишини, умуман олганда адабий жанрларнинг бир-биридан фарқли жиҳатларини ўрганиб чиқиб ўзимизга мос ва хос жанрларини қўллашимиз кераклигини, шу билан бирга аруз вазнининг ўрнига бармоқ вазнини қўллаш ва унинг халққа маъқул бўлган турини (5+6) танлаш

кераклигини, агар бу шеърий вазн халққа манзур бўлмаса, миллий шеър бўлмаслигини таъкидлайди.

Бўлажак шоир дастлабки шеърларини Диёрбакирда ёза бошлаган. Унинг илк шеъри 1894 йилда ёзилган “Инқилоб кўшиғи”<sup>243</sup> бўлиб, бу шеър 1896 йилда Лондонда нашр қилинган. Бундан кейин иккита ғазал ёзади. Бу ғазалларни аруз вазнида ёзади, кейинчалик бармоқ вазнида шеърлар машқ қилади.

Унинг аруз вазнида ёзилган энг охирги шеъри 1911 йилда ёзилган “Турон” манзумасидир. Шундан кейин аруз вазни ўрнига аста-секин бармоқ вазнида ижод қила бошлади. Бармоқ вазнидаги шеърлари асосан 11, 8 ва 7 бўғиндан иборат. Унинг бармоқ вазнида ёзган шеърлари асосан ижтимоий ҳаёт масалалари ва халқни яхшиликка етакловчи характерни ифодалайди.

Унинг “Турон” манзумаси туркшуносликка кириш десак муболаға бўлмайди. Шоир бу манзумада тарих билан бир қаторда инсонларга нисбатан қаршилик кўрсатаётган бузғунчи ғояларга қарши курашади. Бу шеърнинг ёзилиш тарихи ҳақида профессор Б.Қосимов шундай ёзган эди: “Зиё Гўкалп 1896 йилда илк бор Истанбулга келганида француз тарихчиси Леон Жахун (1841-1900)нинг ўша йили чоп этилган “Осиё тарихига кириш. Турклар ва мўғуллар” китоби унга қаттиқ таъсир кўрсатган ва шу таассуротлар асосида “Турон” шеърини ёзганини маълум қилади.”<sup>244</sup>

Шоир манзумада томиримизда оқаётган “қон”ни тимсол қилиб олган. Шоирнинг ҳамсуҳбати турк тарихини ва унинг асосчилари ҳисобланган хонлар, ҳоқонлар, қахрамонларни шарқона тушунтиришдир. Шунга кўра, Шарқ ва Ғарб империалистлари яъни мустамлакачиларнинг қарашларини акс эттирувчи тарих тушунчаси Атилла ва Чингизхонни инкор этиб Цезар ва Искандарни шараф билан эслайди. Тарихга бир томонлама қараш шоирнинг руҳиятига таъсир этади. Чунки турклар тарихнинг ҳар бир қадамида учрайди. Турклар бўлмаган ёки номлари зикр этилмаган бир давр ҳам йўқ. Шундай экан бу шарафли ўтмишга таслим бўлмасликнинг иложи йўқ. Ғарб шарқшунослар тарихида Искандар ва Цезарни шараф билан эслар экан Атиллани истилочи, Чингизхонни эса талон-тарож қилувчи шахс сифатида кўрсатади. Аммо, турк ҳоқони бўлган Атилла, яна бир томондан турк авлодидан бўлган Чингизхоннинг тарихий юришлари Ғарбга йўналтирилгандир. Ҳолбуки, Искандар ва Цезар ҳудудларини босиб олиш учун кўлидан келганча ҳаракат қилган. Тарих илми учун яширин ва билинмас Ўғуз хони шоир томирларида мерос бўлиб қолган генетик истеъдод орқали машҳурдир.

Гўкалп ижодида назм ва насрнинг аҳамияти жуда катта. Чунки унинг ижоди фақатгина адабиётшунослар учун эмас, балки бутун жамият учун эди. Бир томондан, унинг шеър билан шуғулланиши зиёли ва маърифатлиларга тавсия этган “Халқ учун” принципларини тадбиқ этиш билан биргаликда “Халқни маданият сари етаклаш” орзусига жуда яқин. Бу кенг маънода “Халқни тарбиялаш” эди. “Янги ҳаёт” номли шеърий китобининг қисқача мазмуни шундан иборатки, у ўзини шоир эмас, “шоирликка ҳавас қилувчи” эканлигини,

<sup>243</sup> Kenan Akyüz. Batı tesirinde Türk şiiri antolojisi (1860-1923). İstanbul. 1971. –S.684.

<sup>244</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т.: “Маънавият”, 2002. –Б.88.

шеър ичидаги мавжуд даврни ҳам асосан бир “шоир даври” бўлишдан кўра “шуур даври” ҳисоблаш кераклигини, тарбия учун баъзи бир тушунчаларнинг шеърӣ бўлиб ёзилиши мақсадга мувофиқлигини айтади.

Ўғуз туркларига оид миллий дostonчиликнинг парчалари ва Дада Қўрқут китобидан фойдаланган ҳолда масал ёки ҳикоя услубида ёзилган бир қанча манзумаларни “Қизил олма” (1914) ва қисман “Олтин нур” (1923) китобларида жамлади.<sup>245</sup>

Бундан кейин эса турк миллатига ижтимоий, илмий, маданий, диний ва ахлоқий асарларни ўргатиш ва тарғиб этиш мақсадида қаламга олган шеърларини “Янги ҳаёт”(1918) китобида жамланди. Шеърларининг бир қисми француз, немис, инглиз ва мўғул тилларига таржима қилинган. Учала китобдаги шеър ва ҳикоялардан ташқари газета ва журналларда ҳам алоҳида нашрлари бор. (Февзийе Абдуллоҳ Танзел Зиё Гўкалп куллиёти: “Шеърлар ва ҳикоялар”. Анқара-1952.)

Зиё Гўкалпнинг манзума ва шеърларида “миллий қаҳрамон”, “буюк бир доҳий” сифати акс эттирилади, яъни Қори Пошо ҳазратлари ёки Қори Мустафо Камол Пошо мавзуси 1922-1923 йилларни ўз ичига олади. 1922 йилда кичик тўпламда нашр қилинган “Қўлсиз Хоним” номли эртақнинг охириги қисмларида Мустафо Камолни тилга олади.

Türk'ün kollarıydı: İzmir, Edirne!  
Bunları kopardı şom Üvey Anne

Yeğeni Yunan'a etti armağan,  
Kurtardı onu bir Millî Kahraman.

Tanrımız yüceltsin O Kahramanı,  
Daim mes'ut etsin Hilâl Sultan'ı!<sup>246</sup>

Туркнинг қўли эди Измир, Эдирна,  
Тортиб олди энди ўгай бир она

Жияни Юнонга этди армуғон,  
Қутқарди уни миллий қаҳрамон.  
Аллоҳ улуғласин бу қаҳрамонни,  
Доимо асрагай Ҳилол Султонни.

Маълумки, ҳар бир давлатнинг тирганч шаҳарлари бўлади. Шоир ҳам бу борада туркларнинг тирганч шаҳарлари Измир ва Эдирна эканлиги, айнан шу шаҳарни ўгай она олиб, жияни юнонларга ҳадя қилганини ва сўнгида бир қаҳрамон келиб қутқарганини айтади. Бу қаҳрамонни Аллоҳ асраши учун дуолар ўқишади. Гўкалпнинг баъзан енгил, баъзан эса лиризмга оид ўргатувчи характердаги шеърлари асл қувватларини соф ва жонли бир тилда энг ёқимли

<sup>245</sup> Kenan Akyüz. Batı tesirinde Türk şiiri antalojisi (1860-1923). İstanbul .1971. –S.684.

<sup>246</sup> Kenan Akyüz. Batı tesirinde Türk şiiri antalojisi (1860-1923). İstanbul .1971. –S.684.

яъни ўзига ёқадиган услубдан олади. Бу тил ва услуб янги бир атмосфера яратиш орқали муваффақиятга учради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Гўкалп фақатгина адабиётга эмас, балки адабиётни янада ривожлантириш ва ҳаммага тушунарли бўлиши учун тилга ҳам жуда катта аҳамият берган ва бунда ўз мақсадига эриша олган. Чунки у ёзган шеърлар нафақат адабиётчилар учун, балки халқ учун ҳам тушунарли бўлган.

Зиё Гўкалпнинг худди Меҳмет Акиф Эрсўй сингари халқнинг реал ҳаётини, дардларини, ватанга бўлган муҳаббатини, умуман олганда ватанни ҳимоя қилишга чорловчи қўшиқлари ҳам бор.

Шоирнинг “Турон” (Türân), “Инқилоб қўшиғи” (İhtilâl Şarkısı), “Хуррият мадҳияси” (Hürriyet Marşı), “Туркчилик” (Türklük), “Жанг қўшиғи” (Cenk Türküsü), “Шаҳид ҳарамии” (Şehid Haremi), “Қани олға” (Durma Vur!), “Ўтуқан мамлакати” (Ötüken Ülkesi), “Усмон Ғозий Қурултойда” (Osman Gazi Kurultay’da), “Чанокқалъа” (Çanakkale), “Миллат” (Millet), “Ватан” (Vatan), “Ахлоқ” (Ahlak), “Тил” (Lisân), “Маданият” (Medeniyet), “Дорилфунун” (Dârül fûnûn), “Санъат” (Sanat), “Иккинчи арзиҳол” (İkinci İstidâ), “Измирда” (İzmir’de)<sup>247</sup> сингари шеърлари бугунгача китобхонлар томонидан севиб мутолаа қилинади. Айниқса, унинг “Ватан” шеъри ўзбек шоирлари ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бу ҳақда адабиётшунос П.Кенжаева ҳам ўзининг фикрларини билдирган: Турк ва ўзбек шеърлятидаги ана шундай услубий муштараклик Зиё Гўкалп ва Ойбек ижодида ҳам кузатилади. Зиё Гўкалп замонавий турк адабиётини ўзининг янги қарашлари, фикрлари билан бойитди.<sup>248</sup> Ойбек ва Зиё Гўкалп ижодига оид манбаларни кўздан кечирганимизда, шахсан улар кўришмаган, лекин Ойбек турк шеърлятидан яхши хабардор бўлган. Хусусан, бундай таъсирланиш жараёнини академик Н.Каримов ҳам шундай изоҳлайди: Ойбек 1922 йилдан бошлаб шеърлятда тетапоя қила бошлаган пайтда Чўлпон ва янги турк шеърляти намояндаларининг асарлари ёшлар ўртасида машҳур эди. У 20-йилларда, бошқа тенгдошлари қатори, ана шу шеърлят жилғаларидан баҳраманд бўлди.<sup>249</sup>

Умуман олганда, Зиё Гўкалп ижоди, унинг адабий мероси нафақат турк адабиётда, балки жаҳон адабиётда ҳам бугунгача тадқиқ этиб келинмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Akyüz K. Batı tesirinde Türk şiiri antolojisi (1860-1923). İstanbul. 1971.
2. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари (биринчи китоб). Ўзбекистон нашриёти. Т.: 2008.
3. Кенжаева П. Замонавий ўзбек ва турк шеърлятида услуб типологияси // “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб

<sup>247</sup> Kenan Akyüz. Batı tesirinde Türk şiiri antolojisi (1860-1923). İstanbul .1971. –S-684

<sup>248</sup> Кенжаева П. Замонавий ўзбек ва турк шеърлятида услуб типологияси // “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Халқаро конференция материаллари. Т.2018. –Б. 385.

<sup>249</sup> Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари (биринчи китоб). Ўзбекистон нашриёти. Т.: 2008, -Б.319.



қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги Халқаро конференция материаллари. Т. 2018.

4. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. –Т.: “Маънавият”, 2002.

5. Fevziye Abdullah Tansel. Şiirler ve halk masalları (Ziya Gökalp Külliyyatı-1). Türk tarih kurumu basımevi. Ankara.1977. –S-432.

6. Serdar Sağlam. Türk sosyologojisinin 100.yılında Ziya Gökalp. Türk yurdu yazıları. Ankara.2015. –S-606.

---

### **Гулнорахон Қосимова**

*Ўқитувчи, Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси, ТошДШИ*

## **XVII АСР – ГЭНРОКУ ДАВРИ ЯПОН АДАБИЁТИДА АДАБИЙ ЖАРАЁНЛАР**

**Аннотация:** Мақола япон адабиёти тарихидаги энг қизиқарли даврлардан бири бўлмиш XVII аср, хусусан, Гэнроку даври адабий жараёнларининг умумий таҳлиliga бағишланган. Мазкур давр асосан шаҳар маданияти ва адабиётининг жадал ривожланиши билан тавсифланади. Мақолада дастлаб XVII аср япон адабиётида юзага келган “кангакуха” (хитой илм-фани мактаби), “вагакуха” (япон илм-фани мактаби) ва “чёнин бунгаку” (“шаҳарликлар адабиёти”) каби бадиий – зоявий оқимлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз боради. Сўнг, хайкай шеъриятининг шаклланиши ва унинг назмда асосий жанрлардан бири сифатида қарор топиши шароитлари таҳлил қилинади. Гэнроку даврида вужудга келган икки хил театр – “кабуки” ва “жёрури” театрларининг бадиий жиҳатлари, уларнинг шаҳар маданияти ва адабиётининг шаклланишида тутган ўрни тўғрисида ҳам таҳлилий мулоҳазалар келтирилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** Гэнроку, кангакуха, вагакуха, чёнин бунгаку, шеърият, хокку, хайкай, рэнга, танка, драматургия, кабуки театри, жёрури кўғирчоқ театри, жидаймоно, севамоно пьесалари

**Аннотация.** Статья посвящена общему анализу литературных процессов эпохи Гэнроку, в частности XVII века считающейся одной из самых интересных периодов в истории японской литературы. Данный период характеризуется интенсивным развитием городской культуры и литературы. В начале статьи, речь идёт о художественно-идеологических течениях “кангакуха” (“школа китайского учения”), “вагакуха” (“школа японского учения”) и “тёнинг бунгаку” (“литература горожан”) и их особенностях. Затем, анализируется формирования поэзии хайкай и условия её становления в качестве одной из самых основных жанров в поэзии. Также, приводятся аналитические размышления о художественных качествах двух театров – «кабуки» и «дзёрури» возникшие в эпохе Гэнроку и их роле в формирования городской культуры и литературы того времени.

**Опорные слова и выражения:** Гэнроку, кангакуха, вагакуха, чёнин бунгаку, поэзия, хокку, хайкай, рэнга, танка, драматургия, театр кабуки, кукольный театр жёрури, пьесы жидаймоно, севамоно

*Summary.* The article is dedicated to general analysis of the literary processes of Genroku period, in particular the 17th century, that is considered one of the most interesting periods in the history of Japanese literature. The period is defined by the intensive development of urban culture and literature. At the beginning of the article, the artistic and ideological trends of “kangakuha” (“school of Chinese teachings”), “wagakuha” (“school of Japanese teachings”) and “chonin bungaku” (“literature of townsmen”) and their features are given. Further, the formation of haikai poetry and its conditions of becoming as one of the most basic genres in Japanese poetry are analyzed. Also, analytical reflections on the artistic qualities of the two theaters - “kabuki” and “joruri” that arose in the Genroku era and their role in the formation of urban culture and literature of that time are shown.

**Key words and expressions:** Genroku, kangakuha, wagakuha, chonin bungaku, poetry, hokku, haikai, renga, tanka, dramaturgy, kabuki theatre, joruri puppet theatre, jidaimono, sewamono plays

**Кириш.** Мамлакат тарихидаги муҳим давр саналувчи XVII асрда Япония ёпиқ эшиклар сиёсатини олиб борди, ижодий фаолият зиёлилардан ҳарбийлар, ҳарбийлардан шаҳарликлар қатламига қараб ёйилди. Тижорат босмаҳоналари ривожланди ва беллетристика ҳамда шеърият тараққий этди, актёр ва кўғирчоқлар иштирокидаги театр оммалашди. “Шаҳарликлар адабиёти”нинг шаклланиши натижасида назмда “хайкай” жанри, драматургияда “кабуки” ва “жёрури” каби театр турлари юзага келди ва улар учинчи қатлам вакиллари ҳаётини акс эттирди. Айнан мазкур давр япон адабиётини ўрта асрлардан янги даврга ўтиш оралиғидаги муҳим кўприк вазифасини ўтади. Шу мақсадда, XVII аср япон адабиётида юз берган адабий жараёнларни ўрганиш нафақат ўрта аср, балки янги давр кунчиқар мамлакат адабиётини янада яхшироқ тушуниб етишда муҳим аҳамият касб этади.

**Мақсад ва вазифалар.** XVII аср, хусусан, Гэнроку даврининг адабий жараёнларини таҳлил қилиш ишнинг мақсади ҳисобланади. Мазкур даврда мавжуд бўлган адабий оқимлар, шеърият ва драматургияда қарор топган адабий жанрларни аниқлаш, ҳар бир жанрнинг шаклланишига таъсир этган омилларни кўрсатиб бериш ва таҳлиллар орқали уларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш эса ишнинг вазифаси саналади.

**Усуллар.** Мақолада қўйилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маданий – тарихий, қиёсий – тарихий таҳлил методларидан фойдаланилган.

XVII аср адабиётида уч асосий – “кангакуха” (хитой илм-фани мактаби), миллий “вагакуха” (япон илм-фани мактаби) ва “чёнин бунгаку” (шаҳарликлар адабиёти) каби бадиий-ғоявий оқимлар мавжуд бўлди. Мазкур даврда асосан

икки, бир-бирига қарама-қарши оқимлар – “кангакушя”<sup>250</sup>, ва “вагакушя”лар<sup>251</sup> мазкур давр адабиётига катта таъсир ўтказди. “Кангакушя”лар хитой фалсафаси (конфуцийлик), адабиёти анъаналари ва илм фанини тарғиб қилган бўлсалар, “вагакушя”лар миллий анъана, урф-одат, маданий меросга таянган ҳолда хитой адабиётидан ҳоли, соф япон адабиётини яратишга интилдилар.

“Хитой илм-фани”нинг тарафдорлари – кангакушялар – “И цзин” гексаграммалари, Конфуций, Мэн-цзи, Лао-цзи, Чжуан-цзи ва сун сулоласи донишмадлари, асосан Чжу Сининг матнларига таянар эдилар. Кўпчилик кангакушялар келиб чиқишидан соф бўлган ва ўзида “беш барқарор тушунча”<sup>252</sup>ни мужассамлаштирган инсон асл табиатини “поклаш” йўли орқали инсоний муносабатларни уйғунлаштиришни орзу қилар эдилар. Ҳокимият инсонийлик ва бурч ҳиссини ўзларича тушуниб “хитой илм-фани”ни қўллаб-қувватладилар. Бурч ҳисси хитой таълимотидан келиб чиққан ҳолда мавжуд оила ва давлат тартибида ўз асосини топди. Натижада, инсоннинг туғма ахлоқга эга эканлиги тўғрисидаги таълимот одамларнинг хулқ-атворини тартибга солувчи воситага, дидактика эса адабиёт ва театрнинг ажралмас қисмига айланди. Кангакушялар ичидан халқ орасида машҳур бўлган ёмихон (“мутолаа учун китоблар”) жанрнинг илк муаллифлари чиққан бўлиб, уларнинг бош мақсади “эзгуликни мукофотлаш ва ёвузликни қоралаш” эди.

“Вагакушя” – “япон илм-фани”нинг тарафдорлари, японшунослари авваламбор ўз юртининг қадимги ёдгорликларига, Нара (VIII аср) даврининг оҳирларида яқун топган тарихга мурожаат қилдилар. Улар ана шу даврдан қолган бадий ва мафкуравий бойликларга, хусусан, мифологик тўплам – “Кожики”га таяндилар ва унинг мазмун ҳамда моҳиятини қайтадан тўлиқ кўриб чиқдилар. “Кожики” улар учун “муқаддас китоб”га, бутун янги дунёқарашнинг асоси ва манбасига айланди. Мазкур китоб ортидан кейинги Хэйан (VIII-XII асрлар) давридан қолган адабиёт – моногатаири, кундалиқлар, шеърийят ва шу кабилар чуқур ўрганилди. Японшунослар ўз юртининг хитой таъсиридан мустақиллиги, ўзига хослиги ҳамда маданий эркинлиги учун курашдилар.

Хитойшуносларнинг интилишлари Хитойга, аниқроқ айтганда уларга замондош, айни пайтда мавжуд бўлган Хитойга эмас, балки қадимги Хитой – Конфуций даврига ёки Хан, Тан ва Сун империялари каби ўрта асрларга қаратилган эди. Айнан ушбу даврларда япон хитойшунослари фалсафа, ҳуқуқ, социология ҳамда “юксак услуб”даги нафис адабиёт соҳасидаги мустаҳкам асосларини топган эдилар. Шу сабабдан уларнинг барча йўналиш, асарлари, аслини олганда, япон денгизининг у тарафидаги хитой адабиёти ва манавий маданиятининг акс садоси ҳисобланди. Улар Хитойнинг “сохта мумтоз” адабиётини яратдилар.

Эдолик японшунослар ҳудди шу аснода бутун вужуди билан ўтмишга, бу сафар хитойшунослардан фарқли ўлароқ ўзларининг, миллий ўтмишига қайтдилар. Нара даври билан яқунланган япон тарихидаги давр, сўнгра Хэйан даври улар учун барча мавжуд соф японча воқеликнинг идеалига айланди. “Очё

<sup>250</sup> “Кангакушя” - хитой маърифатини тарғиб қилувчилар

<sup>251</sup> “Вагакушя” - япон миллий анъана ва маданиятини тарғиб қилувчилар

<sup>252</sup> Инсонийлик, бурч ва адолат ҳисси, адаблилик, самимийлик ва ақл.

жидай” яъни “хукмдорлар даври” – шёгунликкача бўлган даврда (XII асрнинг охиригача) японшунослар ўзларининг амалга ошган идеалларини топдилар ва ушбу идеалларни қайтадан тиклашга интилдилар. Шу сабабдан, улар ифодалаган барча маданий оқимлар ўз таъсир кучига қарамай барибир моҳиятан аксилинқилобий бўлиб қолаверди. Улар томонидан яратилган адабиёт ҳам “сохта мумтоз”, фақат бу сафар япон “сохта мумтоз” адабиёти бўлиб чиқди.

Иккала гуруҳ вакиллари, ҳақиқий ҳаётдан анчагина узилиб қолган ёки унга умуман табиатан бегона эдилар. Хитой ёки ўз юртининг узок ўтмишига мафтун бўлган ҳолда улар шунчаки атрофларида нималар содир бўлаётганлигига эътибор бермадилар; уларни ўраб турган, ўз тартиби билан бошқа, уларга тушунарсиз бўлган йўналишда кечаётган ҳаётдан юз ўгирдилар. Шу боис, янги шаклланаётган маданиятнинг вакиллари “кангакушя” ва “вагакушя”лар эмас, балки шаҳарлик савдогарлар ва ҳунармандлар синфи бўлди. Токугава даврида нимаики янгилик яратилган бўлса, барчаси айнан ана шу учинчи қатламдан юзага келган. Улар яратган адабиёт япон адабиётида “чёнин бунгаку” яъни “шаҳарликлар адабиёти” атамаси билан номланди. Айнан шаҳарликлар адабиётининг юзага келиши натижасида “хайкай” шеърияти, “каназоши”<sup>253</sup> ва “укиёзоши”<sup>254</sup> насри ҳамда “кабуки” ва “жёрури” каби театрлар юзага келди [4; 79-б.].

XVII аср шаҳарликлар адабиётининг энг гуллаб – яшнаган даври Гэнроку<sup>255</sup> йилларига тўғри келди. Мазкур “такрорланмас шукух ва қудрат” йилларида Японияда бир – бирини илҳомлантирган ҳолда буюк адиб ва рассомлар ижод қилди. Хусусан, насрнавис Ихара Сайкаку, шоир Мацуо Башё, драматург Чикамацу Монзаэмон, уста наққош Хишикава Моронобу, рассом Огата Корин, халқ ҳайкалтароши Энку шулар жумласидандир.

XVII асрда япон адабиётида шеърият оммавий санъат турига айланганди. Жамиятнинг барча қатламлари шеъриятдан баҳраманд бўла олиш имокниятига эга бўлди. Шеърларни ёд олиш ва битиш билан энди барча синф вакиллари шуғуллана бошлади. Шеърият шинавандалари тўғараклари бутун мамлакат бўйлаб кўпая бошлади ва назмдаги янгиликларни ўзлаштириб бордилар. Шаҳарликлар (ўсиб бораётган капиталистик қатлам) XVI асрдаёқ ўз дид ва қарашларини ифодалай бошлади. Шеърият сахналарига сатира, пародияни ўзда мужассамлаштирган кулгули жанрлар чиқди. XVI аср япон назмида “хайкай” (ҳазил-мутойиба шеърлар) жанри шухрат қозонди.

<sup>253</sup> Анъанавий япон адабиётшунослигида XVII асрнинг илк йилларидан бошлаб то 1682 йилгача<sup>253</sup> юзага келган насрий асарларнинг барчаси бир атама – “каназоши” (“бўғинли алифбо – канада ёзилган китоблар”) атамаси билан ифодаланади.

<sup>254</sup> “Укиёзоши” – “ўткинчи ҳаёт ҳақидаги қиссалар”. Дастлаб буддавийлик таълимоти билан боғлиқ бўлиб, “ўткинчи ҳаёт” маъносини англатган “укиё” атамаси XVII асрга келиб “лаззатлар дунёси” ва “севги-муҳаббат дунёси” деб тушуна бошланди. “Укиёзоши” атамаси ҳам “самурайлар тўғрисидаги қиссалар”га, бой-бадавлат одамлар ҳаёти тўғрисидаги ҳикояларга, ҳам севги-муҳаббат ҳақидаги асарларга нисбатан қўлланилган. XVII асрнинг охиригача, яъни насрнавис Ихара Сайкаку ижодининг бошлангунига қадар бу каби асарлар сарик матбуот-энг оддий одамларга қаратилган арзон китоблар вазифасини ўтаган бўлса, фақатгина унинг ижодида укиёзоши ҳақиқий адабиёт даражасига етди.

<sup>255</sup> 1688 – 1704, ёки кенгрок қилиб айтганда, XVII асрнинг охириги чораги – XVIII асрнинг биринчи чораги.

Хэйан даврининг охирларида танка (учлик ва иккилик) шеърларини ўзаро узун занжир шаклида ўзаро боғлай бошладилар. Бора-бора мураккаб қоидалар яратилди, янги мураккаб адабий шакл – рэнга (тизилган мисралар) юзага келди. Рэнга битиш учун шоирлардан гуруҳ йиғилар, мисралар кетма-кет навбат билан битилар эди. Биринчи мисра (хокку)ни битиш энг уста шоирга топширилган бўлиб, рэнгада умумҳисобда 36 (касэн) ёки 100 (хякуин) мисра бўлган. Мазкур даврда хокку тўпламлари яратила бошлади. Хайкай рэнгадан аста-секинлик билан ажралиб чиқиб, мустақил жанрга айланди ва бу ўз ўрнида япон адабиётидаги катта воқеа бўлди. Айнан хайкай танканинг муносиб рақибига айланди.

Мумтоз шеърлятидаги юксак услубгади рэнгалардан сўнг бир жойда йиғилган шоирлар барча белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда кўнгилочиш учун кулгули шеърлар – хайкайларни битардилар. Заковат беллашувларида сўз ўйни, гротеск, кулгули вазиятлар, пародия, шама – ишора бир-бирини ўрнига келар эди. Кулгули рэнгалар иккинчи даражали шеър ҳисобланарди, бироқ шаҳарликлар орасида марказий шеърлий жанрга айланди.

Рэнганинг қонун-қоидаларини ўзлаштириш шаҳарликлар учун жуда қийин эди. Натижада ўзига хос шеърлят мактаблари юзага келди. Уста профессионал шоирлар шогирдлари билан биргаликда ўзига хос услуб сирларга эга мактабларга асос солдилар. XVII асрда ана шундай мактаблар ичида Тэймон, Данрин, Башё шеърлят мактаблари катта шуҳрат қозонди ва хайкай шеърляти тараққиётига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини кўшди.

XVII асрнинг япон драматургияси театр санъатининг икки тури: “нингё жёрури” – кўғирчоқ театри ва роллар актёрлар томонидан ижро этиладиган “кабуки” театрига йўналтирилди. Икки театр ҳам XVII асрнинг бошида савдогар ва ҳунармандлардан ташкил топган шаҳарликлар орасидаги кўплаб томошабинларнинг талаблари ўлароқ вужудга келди ва бир хил характердаги пьесларни намоийм этдилар. Бироқ, машҳур америкалик японшунос Дональд Кин таъкидлаганидек, Гэнроку (1688-1704) йилларигача жёрури ва кабуки театрлари орасидаги умумийлик жуда кам эди. Кўғирчоқ театрининг драмалари “ҳали ҳам шаклланиш жараёнини бошидан кечираётган бўлиб, асосий эътибор диалогга эмас, балки вазиятнинг тасвирига қаратилган эди”, кабуки драмалари “кўшиқ ва диалогларга қурилган бўлиб, спектаклнинг мувафакқияти битилган матнга эмас, актёрнинг омадли импровизацига боғлиқ бўлган” [1; 164-б.].

Уларнинг ҳар иккаласи доимо ўзаро боғлиқ равишда, рақобатлашган ҳолда ривожланиб борди ҳамда Гэнроку даврига келиб бадият жиҳатдан юқори чўққиларга эришди. Ҳунармандчилик ва савдо марказлари бўлган кўп аҳолили шаҳарларининг ўсиб бориши халқ театрларига шу давргача мавжуд бўлмаган катта истиқболни очиб берди. Гэнроку даври театри адабиёт ва тасвирий санъат каби ўз даврини акс эттирувчи кўзгуга айланди.

Кабуки ва жёрури театрларидан ташқари зодагонлар ва сарой аёнлари баҳраманд бўла олган элитар Но театри ҳам ўз тараққиёт йўлини давом эттирди. Мазкур театрининг (Но) асосий эстетик услулари шошмай мушоҳада қилиш ва англаш мураккаб бўлган гўзаликнинг тубига чуқур кириб боришга қаратилган. Шаҳарликлар учун Но тушуниш қийин театр саналган бўлсада,

унинг бошқа янги театрларга кўрсатган таъсирини инкор этиб бўлмайди. Кабуки ва жёрури театрлари учун Но эстетика ва барча унсурлари юксак даражада ривожланиб, изчил уйғунликда мужассамлашган етук театр сифатидаги намуна бўлиб хизмат қилди.

Но театрининг пьесаларини бошқа театрлар томонидан қўйилиши таъқиқланган бўлсада, унинг пьесларидан келтирилган парчалар ҳамма учун таниш бўлган. Кабуки ва жёрури актёрлари, театр шинавандалари, мазхарабоз, қизиқчилар Но пьесларидан олинган парчаларни халқ оmmasига ижро қилиб берган. Кабуки актёрлари Но театри пьесларидан олинган парчалар билан тўлдирилган пьесаларни бошқа вазн ва йўсинда ижро этишган.

Саралаб олиш ва ўзаро бирлаштириш йўли билан кабуки театри рақс ва кўшиқлар, байрамона ўйин-кулгуга айланиб кетувчи диний руҳдаги ва сеҳрли воқеа-ҳодисалар акс эттирилган пардалар, кичик халқ ҳазил ва ҳажвияларни ўзида умумлаштирди. Кабуки халқ кўшиқ ва ўйинларини ўзида мужассамлаштирган театр бўлиши билан бирга халқ кайфиятини акс эттирувчи санъат тури ҳамдир. “Кабуки” сўзи уч хитой иэроглифидан ташкил топган бўлиб, “ка” – кўшиқ, “бу” – япон миллий рақси, “ки” – маҳорат деган маънони англатади [5; 28-б.]. Қадимги пойтахт Киотода кабуки жанри жадал ва мустақил равишда ривожланиб борди. Хусусан, - деб ёзади Н.И.Конрад, - пьесалар одамларни ўраб турган жамиятнинг турмушини акс эттирди, ўша даврнинг муҳим, актуал мавзуларига эътибор қаратди яъни маълум даражадаги ижтимоий аҳамият касб эта бошлади”.

Кабуки театрида янги актёрлик принципи – “мономанэ” (“тақлид”) юзага келди. Бошқача қилиб айтганда, актёрлар дастлаб етарли даражадаги юзаки тақлид йўли билан ўзларига замондош бўлган одамлар типларини акс эттиришга ҳаракат қилдилар. Кейинчалик, Но театрида аллақачон яратилиб бўлган образ, ролларга чуқур кириб кетиш услублари ишлаб чиқдилар.

Кабуки театри қаттиқ тартибга солинган уюшмалар сифатида фаолият кўрсатган. Актёрлар болалик чоғиданоқ мураккаб машғулотлардан ўтиши ва ўзи тегишли бўлган уюшманинг сирларини ўзлаштириши зарур бўлган. Театр уюшмаларининг асрлар ошиб ўта оладиган барқарор анъаналари айнан мана шу даврларда яратилган.

Гэнроку даври томошабинлари ларзага келтириб, кўзларини ёшлантирадиган ўткир сюжетли, фожиали воқеаларни кучли таассурот туғдирадиган ҳаяжонли воқеалар билан боғловчи драматик асарларни, таъсирчан сахналар, мураккаб ва жумбоқли тўқнашувлар ҳуш кўрар эдилар. Актёрга шуҳрат олиб келадиган роллар зарур эди. Кабуки театрида пьесларнинг драма ва комедияга бўлиниши рўй бермаган бўлсада, кулгули лавҳа ва парчалар шубҳасиз мавжуд бўлган бўлиб, одатда пьесанинг ўртасида ижро этилган.

Драматургия ва сахна томошалари ўзаро бир-бирини бойитиб борди. Кабуки актёрлари драматургларни бигра ишлаш учун уюшмаларга таклиф қилардилар. Бироқ, пьеса матнларига хоҳлаганча, эркин ҳолда ўзгартиришлар киритувчи актёр ҳукмрон бўлган кабуки уюшмларида драматурглар театрининг қатнашувчиси даражасидан у ёғига ўтмас эди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кабуки драмалари XIX асргача бир бутун бадий асар сифатида мустаҳкамланиб қўйилмаган ва улар асосан ролларга қараб ёзилган, тез-тез ўзгартиришлар киритиладиган “ишчи матнлар” сифатида мавжуд бўлган.

Тарихий сюжетларга бағишланган пьесалар “жидаимоно” номини олган бўлиб, уларда ўтмишнинг зодагон ва феодаллари ўта шартли равишда тасвирланган. Қонли қасос, шавқатсиз ички урушлар, таҳдид ва тўқнашувлар, эҳтирос ва ҳалокатли ечим кабиларнинг барчаси шаҳарликлар учун “аслида уларнинг кундалик ҳаётида содир бўлмайдиган ҳодислар” ҳисобланар эди.

Бироқ, шаҳарликлар театр сахналарида ҳақиқий ҳаётни ҳам кўришни, янги, ўзларига тегишли санъатнинг қаҳрамонларига айланишни хоҳладир. Ана шундай талаб натижаси ўлароқ “севамоно” – “ҳақиқий ҳаёт тўғрисидаги пьеслар” юзага келди.

XVII аср япон драматургиясида кабуки билан бирга жадал ривожланган театрлардан бири “жёрури” театри ҳисобланади. Жёрури кўғирчоқ театрида кўшиқчи-ҳикоячи матнни ҳикоя қилган бўлса, кўғирчоқлар уч торли шямисэн мусиқа асбоби жўрлигида ҳаракатга келтирилган.

Қадимги касбнинг вакиллари бўлмиш ҳикоячи ва кўғирчоқбозлар XVI асрга келиб бирлашдилар. Жёрури – XV асрга тегишли машҳур саркарда Минамото Ёшицунэ ва соҳибжамол Жёрурининг муҳаббати тўғрисидаги ривоят қаҳрамонинг исмидир. Унинг исми барча театрлаштирилган ривоятлар жанрининг номига айланган. Ушбу ривоятлар удни ёдга солувчи мусиқа асбоби бива жўрлигида саёқ кўшиқчилар томонидан бир неча асрлар давомида ижро этиб келинган.

Ҳикоя қилиб бериш санъатининг сахналаштирилган кўғирчоқ томошалари билан уйғунлашуви янги театрнинг юзага келиш жараёнида содир бўлди. Жёрури театрида драматург учун муҳим саналувчи устунлик - актёрнинг импровизацияси мавжуд бўлган ва пьеса матнлари доимий равишда қайта ишланган кабуки театрдан фарқли равишда муаллиф матни одатда ҳеч қандай ўзгаришларсиз сақланиб қолган. Жёрури кўғирчоқ театрининг гуллаб-яшнаши айнан Гэнроку даврига, драматургияда Чикамацу Монзаэмон (1653-1724) ижод қилган даврларга тўғри келди [3; 304-б.]..

Ҳар иккалар театр учун пьесалар яратган Чикамацу Монзаэмон ҳақли равишда даврнинг энг йирик драматурги саналади. Чикамацуни аксарият ҳолларда Шекспирга тенглаштирадilar. Драматургиянинг даражасига қараб ўша давр театри Чикамацугача бўлган ва ундан кейинги давр театрига бўлинади. Буюк япон драматургининг илк асарлари кўп пардали тарихий драма – “жидаймоно”лар бўлган. Уларнинг сюжетлари ўтмиш адабиётнинг намуналари (биринчи навбатда, жангнома эпослар – гунки моногатаридан), япон ва хитой тарихи, қадимги афсонлар ва ривоятлардан ўзлаштирилган ҳолда қайта ишлов берилган, ўзгартирилган ҳамда кўплаб фантастик вазият ва қаҳрамонларнинг ақл бовар қилмайдиган қаҳрамонликларининг баёни билан тўлдирилган. Тарихий драмаларда “бушидо” – самурайлик кодексида келтирилган юқори даражадаги инсонларга итоат қилиш бурчига содиқлик ғояси ўзининг яққол ифодасини топган.

Чикамацу 1703 йилдан бошлаб шаҳарликлар ҳаётини баён қилувчи кўп пардали маиший – “севамоно” драмаларини ярата бошлади. Умумий ҳисобда драматург 24 та маиший драмаларни яратган бўлиб, пьесаларнинг сюжетини асосан укиёзоши новеллаларидан ёки Осака ва унинг аторифидаги шаҳарларда ҳақиқатдан содир бўлган кундалик ҳодисалардан яъни бефосита ҳаётнинг ўзидан олган.

**Хулоса.** XVII аср давомида япон шаҳар маданияти ҳақиқатдан катта йўлни босиб ўтди. Янги ёзувчилар авлоди шаҳарликлар учун уларнинг қизиқишлари, ташвишлари билан боғлиқ муаммоларга мурожаат этиб, уларга ахлоқий ва эстетик завқ берувчи асарлар ярата бошладилар. Шаҳар ва унда яшовчи жамият ҳаёти санъатнинг объектига айланди. Маданиятни демократлаштириш жараёни ҳаётга театр, тасвирий ва бадиий санъатнинг янги шакллари олиб кирди. XVII асрда янги, “шаҳар жамияти”нинг дунёқараши ва қизиқишини акс эттирган Кабуки театри ва кўғирчоқ театри юзага келди. Санъат инсонни ўраб турган дунёни янгича кўра олиш ва тасвирлашни ўрганди. Вокеликни бадиий англашнинг янги тамойиллари юзага келди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Keene D. Japanese Literature (From the Earliest Era to the Mid-nineteenth century). London, “Bradford and Dickens” Publ., 1956. 442 p.
2. Matsuda O. Nihon kinsei bungaku no seiritsu [Formation of Japanese literature of early modern times] – Tokyo: Hosei University, 1972. 374 p. (松田修著『日本近世文学の成立』 - 異端の系譜(法政大学出版局、1972))
3. Takasu Y. Nihon kinsei bungaku jyu ni ko [Twelve lectures of early modern Japanese literature] – Tokyo: Shichosha, 1938. 522p. (高須芳次郎「日本近世文学十二講」(新潮社、1938))
4. Teruoka Y., Gunji M. Genroku bungei fukko [Rebirth of Genroku period literature] – Tokyo: Shibundo, 1966. 377p. (暉峻康隆・郡司正勝「元禄文芸復興」(至文堂、1966))
5. Гришелева Л.Д. Театр современной Японии. Москва, “Искусство”, 1977. 237 с.

---

#### ***Динора Юсупова***

*Стажёр-ўқитувчи, Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси,  
ТошДШИ*

### **ЯНГИ ДАВР ЭРОН ШЕЪРИЯТИДА ЖАНРЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ**

**Аннотация.** Мақолада янги давр Эрон шеъриятида замонавий услублар тўғрисида сўз боради. Маълумки, Шеърият Эроннинг ижтимоий тафаккур аҳли учун асрлар давомида ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб келган. Эронда шахнинг ахлоқий нормалари қадим замонлардан бери шеърий тарзда шакллантирилган. Шарқ халқлари адабиётини, хусусан форс шеъриятини



тадқиқ қилиш учун унинг асосий негизларини билиш, шеър илмининг классик ва замонавий муаммолари, ўзига хос жиҳатларини очиб бера олиш кабилар тадқиқотчидан талаб қилинадигин муҳим омиллардан саналади. XX аср Эрон демократик шеърятининг ривожланиши унда ижтимоий мавзунинг кучайиши билан машхур эди. Шеърят муаммоларининг зарурий ижтимоий масалалар билан узвийлиги шеъринг онгнинг тубдан ўзгаришига олиб келди. XIX-XX асрлар давомида европа шеърятининг ривожланиши рационалистик шеърятдан халос бўлиш ва вилрибрни тасдиқлаш белгиси остида бораётган эди. Шеърятнинг асосий жанрий услублари охириги йилларда қисқа лирик шеърларни ташкил этмоқда. Шоир шаҳар кўчаларида хунармандлар устахонаси, хиёбонлар ва чангли кўчаларда кўрган маиший манзарани ифодалаши замонавий форс шеърятини учун янгилик эди. Бундай жанрларда яратилган энг яхши асар чинакам реалистик руҳда ёзилган асарлардир. Ҳозирги давр Эрон шеърятининг адабий оқими ва янги шеъринг шакл ва жанрларнинг 1970-1980 йиллардан кейинги ривожини, жанр ва услублар тараққиёти, давр шеърятининг бадиий хусусиятларини тадқиқ этиши мақоланинг асосий илмий мақсадини ташкил этади. Бугунги кун Форс шеърятига кириб келаётган янги оқимларнинг XX аср сўнгидаги тараққиёти, бу давр шоирлари ижодий меросининг ўрни ва амалий аҳамияти, улар шеърятдаги ўзига хослиги, 1970-2000 йилларда шеърятда юзага келган шеъринг шакллар, жанрлар ва услубларнинг акс этиши, шоирлар бадиий тафаккурининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда улар ижодида акс этган гояларни талқин этиши мазкур мақоланинг вазифасисаналади. Мақолада газал, маснавий, рубоий, дубайтий, тарона каби шеъринг жанрларнинг мумтоз ва замонавий кўринишлари, улар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутлар ўрганиб чиқилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** Эрон шеърятини, замонавий шоирлар, мумтоз жанрлар, жанрлар тараққиёти, шеър маънодорлиги, вазн масалалари.

**Аннотация.** В статье рассматриваются современные стили в иранской поэзии новой эпохи. Как вы знаете, поэзия на протяжении веков имела особое значение для иранской общественной мысли. В Иране моральные нормы личности формировались поэтическим образом с древних времен. Знание ее основных основ для изучения литературы народов Востока, в частности персидской поэзии, умение раскрыть особенности классической и современной проблематики поэтической науки и др., считается одним из важных факторов, которые требуются исследователю. Развитие иранской Демократической поэзии XX века славилось своей социальной тематикой. Гармония проблем поэзии с необходимыми социальными вопросами привела к радикальному изменению поэтического сознания. В XIX-XX веках развитие европейской поэзии шло под знаком освобождения от рационалистической поэзии и утверждения вильгриба. Основные жанровые стили поэзии последних лет составляют короткие лирические стихи. Выражение поэтом домашнего пейзажа, который он видел на улицах города в мастерских, на площадях и пыльных улицах, было новинкой для современной персидской поэзии. Лучшее произведение, созданное в таких жанрах, - это произведения, написанные в

истинно реалистическом духе. Основной научной целью статьи является изучение современного литературного течения иранской поэзии и разработка новых поэтических форм и жанров 1970-1980-х годов, жанров и стилей, изучение художественных особенностей поэзии того периода. Задачей данной статьи является развитие новых течений, вошедших в современную персидскую поэзию в конце XX века, роль и практическое значение творческого наследия поэтов этого периода, их специфика в поэзии, отражение поэтических форм, жанров и стилей, возникших в поэзии в 1970-2000-е годы, особенности художественного мышления поэтов в статье рассматривается классический и современный облик таких поэтических жанров, как Газаль, Маснави, Рубаи, Дубай, Тарона, сходства и различия между ними.

**Опорные слова и выражения:** Поэзия Ирана, современные поэты, классические жанры, развитие жанров, духовность поэзии, вопросы ритма.

*Summary.* The article deals with modern styles in the Iranian poetry of the new era. As you know, poetry has had a special significance for Iranian public thought for centuries. In Iran, the moral norms of the individual have been formed in a poetic way since ancient times. Knowledge of its basic foundations for studying the literature of the peoples of the East, in particular Persian poetry, the ability to reveal the features of classical and modern problems of poetic science, etc., is considered one of the important factors that are required by the researcher. The development of twentieth-century Iranian Democratic poetry was famous for its social themes. The harmony of the problems of poetry with the necessary social issues led to a radical change in the poetic consciousness. In the XIX-XX centuries, the development of European poetry went under the sign of liberation from rationalistic poetry and the approval of wilgrib. The main genre styles of poetry in recent years are short lyrical poems. The poet's expression of the domestic landscape, which he saw in the streets of the city in workshops, in squares and dusty streets, was a novelty for modern Persian poetry. The best work created in such genres is a work written in a truly realistic spirit. The main scientific goal of the article is to study the current literary trend of Iranian poetry and to develop new poetic forms and genres of the 1970s and 1980s, genres and styles, and to study the artistic features of poetry of that period. The purpose of this article is to develop new trends that entered modern Persian poetry at the end of the XX century, the role and practical significance of the creative heritage of poets of this period, their specificity in poetry, reflection of poetic forms, genres and styles that arose in poetry in the 1970s-2000s, features of artistic thinking of poets. the article considers the classic and modern appearance of such poetic genres as ghazal, masnavi, rubai, dubayti, tarona, similarities and differences between them.

**Keywords and expressions:** Poetry of Iran, modern poets, classical genres, development of genres, spirituality of poetry, questions of rhythm.

**Кириш.** XX аср охирларида Эронда юзага келган ижтимоий – сиёсий муҳит адабий жараёнларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Мазур жараёнларнинг жадаллашуви эса форс шеърятининг янги ва замонавий қирраларини намоён

қила бошлади. XX асрнинг сўнгги чорагида содир бўлган икки йирик воқеа: Биринчиси, мамлакатда шоҳлик режимининг тугатилишига сабаб бўлган Ислом инқилоби (1978) бўлса, иккинчиси саккиз йил давом этган Эрон-Ироқ уруши (1980-1988) эрон киши руҳиятида, турмуш тарзида, халқнинг ижтимоий-маданий ҳаётида чуқур из қолдирди.

Агар XIX асрнинг охири XX аср бошларида Эрон маданияти ва санъатига ғарбнинг таъсири кучли бўлган бўлса, ислом инқилобидан кейин исломий қонун-қоидалар маданий тараққиёт шакли ва мазмунини белгилай бошлади. Инқилоб адабиётда ҳам янги йўналишларнинг тараққий этишига туртки бўлди. Шоҳ даврида таъқиқланган кўпгина ёзувчи ва шоирлар ижоди яна халқнинг эътиборига ҳавола этила бошланди. Мехшид Амиршахи, Исмоил Фасих и Мухсен Махмелбоф каби янги номлар кириб келди. Хорижий адабиётга мурожаат сезиларли камайди, эронликлар нигоҳи яна ўзларининг чуқур маънавий мероси ҳисобланган адабиётга қаратилди.

Шу муносабат билан янги давр шеъриясида ўз аксини тонган янги шеърий шакллар ( شعر چربى، شعر تجسمى یا شعر پلاستیک، شعر گفتار.... ) жанрлар (فرا غزل) ва услублар (эркин услуб ва унинг кўринишлари) ни аниқлаш, уларнинг ҳар бирини жанрий хусусиятларини таҳлил қилиш долзарб масалалардан саналади. Бу эса янги давр форс шеъриятини чуқур ўрганишга ва илмий тадқиқи этишга яқиндан ёрдам беради.

**Мақсад ва вазифалар.** Эрон шеъриясидаги «шеър-и нўу» адабий оқими ва янги шеърий шакл ва жанрларнинг 1970-1980 йиллардан кейинги ривож, жанр ва услублар тараққиёти, давр шеъриятининг бадиий хусусиятларини тадқиқ этиш диссертациянинг асосий илмий мақсадини ташкил этади. Бугунги кун Форс шеъриясига кириб келаётган янги оқимларнинг XX аср сўнгидаги тараққиёти, бу давр шоирлари ижодий меросининг ўрни ва амалий аҳамияти, улар шеъриясидаги ўзига хослиги, 1970-2000 йилларда шеъриятда юзага келган шеърий шакллар, жанрлар ва услубларнинг акс этиши, шоирлар бадиий тафаккурининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда улар ижодида акс этган ғояларни талқин этиш маскур мақоланинг вазифаси саналади.

**Усуллар.** Эрон замонавий шеъриясида XX асрнинг сўнгги чорагида рўй берган янгиланишлар, улардаги жанр ва услуб масалаларига бағишланган тадқиқот ишида тарихий-қиёсий таҳлил, шунингдек, бадиий таҳлил жараёнида тизимли таҳлил методларидан фойдаланилди.

**Натижалар ва мулоҳаза.** Янги давр форс шеърияти ўз тадрижий такомилли мобайнида шаклан ва мазмунан бир қадар ўзгаришларга учраган бўлса-да, мумтоз шеърий жанрлар анъаналаридан тамомила воз кечгани йўқ.

Қасиданинг тараққиёти XIX асрнинг охирлари ва XX асрнинг бошларигача давом этди. Бу даврга келиб, қасида жанри ўзининг илгариги етакчилик мавқеини бироз йўқотди. Янги типдаги насрий жанрларнинг кириб келиши, таржима адабиётининг кучайиши, XX асрнинг ўрталарида янги шеърнинг пайдо бўлиши мумтоз шеърий жанрлар тараққиётини бирмунча секинлаштирди. Замонавий форс шеърияти борасида изланишлар олиб борган эронлик олим М.Рузбеҳ қасида жанрида ижод қилаётган замонавий шоирлардан баъзилари, ҳатто модернистлар ҳам, бу жанр архетиктоникасига ривоят, мадҳ,

диний, инқилобий, афсонавий мавзуларни кирита бошлаганлигини, мазмун ва маънони янгилашга эътибор қаратиб, қасиданинг баёни, шакли ва тўқимасига аҳамият бермаганликларини таъкидлаб ўтади [1;70].

Машрутачилик асрида Малик уш-шуаро Баҳор (1266-1330 ш.) Хуросон услубидаги қасидаларга ижтимоий-сиёсий мазмун киритди ва қасидага қайтадан жон бағишлади. Машрутачилик даврида Адиб ул - мамолик Фароҳоний (ваф. 1335), Адиб Нишобурий (ваф. 1344қ) ва бир неча бошқа шоирлар сиёсий- ижтимоий мавзудаги қасидалар куйладилар. Ҳозирги замон шоирларидан Меҳрдод Авесто (ваф. 1376) ва Меҳди Ахвони Солес (ваф. 1369), Муҳаммад Шохруҳий, Мусавий Гармородийлар ҳам мана шу жанрда ўз қобилиятларини синаб кўрдилар.

ای چون کویر ساده و چون کوه استوار  
ای چون ستیزه محکم و چون غم بزرگوار.  
چون حرمت شب رمضان، نزد حق، سترگ  
چون روز رستخیز بلندات بی شمار.  
چون خنده سپیده، لبت برکه ی بلور  
چشمت ز خوف حق، چو دل چشمه اشکیار...

#### **Таржимаси:**

*Эй оддий биёбон, пурвиқор тоғлар,  
Кучли газаб ҳамда катта мусибат!  
Ҳақ наздида азиздир рамазон туни,  
Ҳамда маҳшар куни топгандир ҳурмат.  
Унда бўлсин лабинг табассумга бой  
Кўзинг Ҳақдан қўрқиб намлансин фақат.*

Замонавий шеърятда давом этиб келаётган мумтоз жанрлардан яна бири ғазалдир. Ғазал жанрининг ўз тараққиёти давомида бир қанча босқичларни босиб ўтди ва турли мазмуний ўзгаришларга учради. Қуйида улардан айримларига тўхталиб ўтамиз.

**غزل عاشقانه (ошиқона ғазал).** Ошиқона ғазаллар энг кенг тарқалган ғазал туридан саналади. Унинг катта қисми ёр ва унинг жамола тасвири, унинг жафокорлики, ҳақиқий ошиққа шавқатсизлиги, юксак муҳаббатга муносиб бўлмаган рақибга меҳрибонлиги, унга муҳаббат қўйганлиги, шунинг учун чин ошиқнинг алам ва рашқдан ёниши тасвирланади.

Ошиқона ғазалларда одатда уч анъанавий образ: ошиқ, маъшуқа, рақиб бўлиб, улардан ошиқ энг асосий образдир. [2;91].

Форсий шеърятнинг илк даврларида озми-кўпми гўзал ошиқона ғазаллар куйланарди. Анварий (ваф. 1187, шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Анварий ижодидан 335 та ғазал ўрин олган) бу жанрга янгидан жон киритди ва Саъдий (ваф. 691) бу жанрни камолига етказди.

**غزل عارفانه (орифона ғазал)** – ошиқона ғазалдан кейинги энг кўп тарқалган ғазал туридир. Бундай ғазалларнинг етакчи мавзуси фалсафий масалалардир.

“Орифона ғазалларнинг мазмуни вужуд бутунлиги (тангри) бўлиб, тасаввуфнинг маънавий таянчини ташкил этади. Ваҳдати вужуд бутун

ғазалиётга тафсилот, суратлар, деталлар бахш этади. Бу хил ғазалларнинг образлари ҳам, йўналиши ҳам бошқа оқимлардан тамомила айрилади....” [2;91]..

Форс адабиётида Санойй Ғазнавий (ваф. 525 ёки 535к) орифона тушунчаларни ғазалга киритди ва орифона ғазалчиликни шакллантирди. Ундан сўнг Фаридиддин Аттор Нишопурий (ваф. 618к), Жалолиддин Румий (ваф. 672к), Фахруддин Ироқий (ваф. 688к) орифона ғазалчиликни ривожлантириб такомилга етказдилар. Ғазалнинг энг юксак нуқтаси Мавлавийнинг ижодида бўлиб, ундан кейинги орифона ғазаллар шахсий тажриба маҳсули бўлмай, балки мактаб дарсликларидаги таги пуч ирфоний тафаккурнинг бир қолибидир.

Эронлик адабиётшунослар Доктор Маҳмуд Футухий ва доктор Ҳабибулло Аббосийларнинг университет талабаларига мўлжалланган “**فارسی عمومی**” номли қўлланмасида ҳам юқоридаги икки ғазал турига қўшимча қилиб қуйидагиларни ҳам кўрсатиб ўтилган:

**Қоришма ғазал.** Ҳижрий VII ва VIII асрларда янги жараён вужудга келди ва ёнма-ён кечаётган ошиқона ва орифона ғазалнинг икки йўналиши бир-бирига қўшилди ва ошиқона ва орифона мавзуларни ўзаро бирлаштирди. Авҳадий Мароғайий (ваф. 738к), Хожуий Кермоний (ваф. 753к), Имод Фақих (ваф. 773к), Салмон Соважий (778к) нинг ғазаллари мана шу тоифадан. Бу турдаги ғазалнинг энг мукамал намунаси Ҳофиз шеърлятида бўлиб, унинг ғазалларини ҳижрий VIII-асргача бўлган форс шеърлятининг квинт эссенцияси (сартожи) дейишади.

**غزل قلندرى** (қаландарий ғазал). Бу хилдаги ғазаллар дастлаб риндона номи билан юритилган. Унда шоир риндлик, ёки ўзини майхўрликка, бепарволикка солиб, зоҳирпараст сўфийлар ва зоҳидларга таъна қилади ва ўзини маломатийлар қўйига солади ва ҳеч кимса айтишга журъат қилолмайдиган эътирозлар ва ҳақиқатларни тап тортмай маст ёки ринд ёки ақлдан озган ё исёнкор тилидан баён қилади.

**غزل موضوعی** (тематик ғазал). Бу турдаги ғазаллар ҳинд услубидаги ғазал номи билан машҳур. Бу хилдаги ғазалларда шоир бор куч-ҳимматини янги ва нозик адоли мавзуларни топишга сарфлайди. Нозик лаҳзалар ва сахналарни илғаш ва ашёлар ўртасидаги ажиб алоқаларни кашф қилиш, бу ғазалларнинг ўзига хос хусусиятларидан бўлиб, Сафавийлар замонида (900-1200х.) етарлича ривож топди. Бу услубнинг машҳур намояндалари Сойиб Табризий (ваф. 1081к), Толиб Омулий (ваф. 1036к), Калим Кошоний (ваф. 1061к) лардир. Ҳиндий ва эроний шоирлардан баъзилари ҳаддан ташқари нозик хаёллик ва ажибу ғариб ўй – хаёллар таъсирида бу турдаги ғазалларни бемаъни ва англаниши мушкул ҳолатга келтирдилар. Жалол Асир Исфаҳоний (ваф. 1069к), Бедил, Дехлавий (ваф. 1133к) шулар жумласидандир.

**غزل سیاسی – وطنی** (сиёсий – ватаний ғазал). Бу ғазалнинг мазмуни қайноқ ижтимоий масалалардир. Шунинг назарга олган ҳолда айтиш мумкинки, Ҳофиз ва Саъдийнинг баъзи шеърлари сиёсийдир, аммо шаффоф сиёсий-ижтимоий масалаларни ғазал қолибида ифодалаш маршрутчилик давридан сўнг расм бўлди. Баъзи шоирлар ўз сиёсий ижтимоий қарашлари ва ақидаларини ғазал қолипида солишди ва озодлик, ватан, ижтимоий йўқсуллик, ҳокимиятни танқид,

ижтимоий ҳуқуқ, қонун...каби тушунчаларни мана шундай ғазалларда баён қилишди. Замонавий дар шоирларидан Ориф Қазвиний (ваф. 1312ш), Фаррухий Йаздий (ваф. 1318ш), Абулқосим Лоҳутий (ваф. 1336ш), Ҳушанг Эбтеҳож (ваф. 1306ш) ва бошқалар мазкур турда ғазал битган шоирлардандир.

جامه ای اگر کاو نشود غرقه به خون بهر وطن  
بدر آن جامه که ننگ تن و کم از کفن است.

آن کس را که در این ملک، سلیمان کریم  
ملت امروز یقین کرد که او اهرمن است

همه اشراف به وصلت خویش، همچو خسرو  
رنجور در غم هجران تو چون کوهکن است

### **Таржимаси:**

*Гар ватан йўлида қон бирла ювилмас кийиминг,  
У кийим қисқа ва тор, сен уни йирт мисли кафан.  
Биз Сулаймон деб бировни сайладик юрт устига,  
Халқ уни билди бугун –аслида эркин Ахриман.  
Биз туфайли ҳама бойлар худди Хисрав каби шод,  
Меҳнат аҳлин устига ранжу алам тоғ-тоғ экан.*

**غزل نو** (янги ғазал). Ҳозирги даврда ғазалчиликда янги услуб юзага келдики, баъзилар уни тасвирий ғазал деб аташади. Бу турдаги ғазал “шеъри нав”(янги шеър) таъсирида вужудга келди. Бу ғазалнинг энг муҳим хусусиятлари унинг ҳозирги замон тили, янги тасвирларнинг кўплиги, арузий янгича вазнлар, мазмун бирлигидан иборат. Янги ғазалнинг ёрқин намуналарини Ҳушанг Эбтеҳож, Манучеҳр Нейстони, Симин Бехбеҳоний, Ҳусайн Манзавий, Муҳаммадали Баҳманий ва Баҳман Солиҳий асарларидан топиш мумкин.

گفتا که می بوسم تو را، گفتم تنها می کنم  
گفتا اگر ببند کسی، گفتم که حاشا می کنم!!!  
گفتا ز بخت بد اگر، ناگه رقیب آید ز در  
گفتم که با افسونگری، او را ز سر وای می کنم  
گفتا که تلخی های می گر نا گوار افتد مرا  
گفتم که با نوش لبم، آنرا گوار می کنم  
گفتا چه می بینی بگو، در چشم چون آینه ام  
گفتم که من خود را در آن عریان تماشا می کنم

### **Таржимаси:**

Сени ўпаман, дединг, таманноқиламан, дедим.  
Агар сени бировкўрса, дединг, рад этаман, дедим.  
Агарбахтсизликданногоҳрақибэшиқданкелса, дединг,  
Афсунгарликбиланунибошимданулоқтираман, дедим.

Аччиқнарсаларничайнашдақийналсам, дединг,  
Оғзимдачайнабунихазмқилибташлайман, дедим.  
Ойна каби кўзларимдан ималарни кўряпсанг, дединг,  
Мен унда ўзимни очик томошо қияпман, дедим.

**غزل حماسى (эпик (қахрамонлик) ғазали).** Инқилоб давридаги ватан тупроғини, миллий ва диний қадриятларни ҳимоя қилишдаги довюрлик ва жасорат ва ошиқона жонбозлик руҳиясининг юксак чўққиси ғазалларда қахрамонлик оҳангида ўз аксини топди ва эпик ғазал номли янги жанрни вужудга келтирди.

Форс замонавий давр шоири Аҳмад Шомлу ташқи оҳангдорликдан кўра, ички оҳангдорлик ва шеър маънодорлиги ҳақида кўпроқ қайғуради. Эркин лирик монолог шаклини яратган Нима Юшидж эса “Бугун шеърият нафақат куй, вазнининг кадрдон кўриниши, балки жамоа муаммоларининг талкинидир” деган ғояни илгари суради.

Нимо Юшиж форс шеъриятида янги арузни истемолга киритди ва у “Аруз-е Нимой” ёхуд “Аруз-е озод” номини олди. Арузнинг бу янги тури ҳеч иккиланишсиз мумтоз аруз турларидан ҳисобланади. Янги арузнинг мумтоз аруздан фарқи шундаки, мустазод ва тавилни ҳисобга олмаганда шоир туроқни танламайди. Нимонинг ўзи бу ҳақда шундай дейди: “Мен аруз вазнининг устимиздан ҳукмрон бўлиб туришини истамайман, аксинча, биз ўзимизнинг эҳтиросларимиз ва хоҳишларимиз орқали уни бошқаришимиз лозим”.

Замонавий форс шеъриятида ғазал жанрида самарали ижод қилган ва бу жанр тараққиётига ўз ҳиссасини қўшган Симин Беҳбаҳоний, Қайсар Аминпур, Аббос Содиқий, Насруллоҳ Мардоний, Шаҳриёр кабилар бу даврда бутунлай янги ғазал яратган машҳур шоир ва шоиралардир.

1990-йилларга келиб ёш шоирлар шеъриятда юз бераётган ўзгаришлардан таъсирланиб кўпроқ ғазалнинг шакли ва қурилишига эътибор қаратдилар.

Форс замонавий шеъриятида “فرا غزل” номли ғазал тури бўлиб, бу ҳақда шундай таъриф келтирилади:

“Ғазалнинг шундай турики, унда жумлалар байтдан байтга ҳаракатланади. Жумла тамом бўлган жойдан жумла бошланади ва қофия ҳам ўша ерда бўлиши керак. Ғазалнинг бу кўринишида қофия охириги ҳарфга тушмайди, сабаби қофия жумланинг қайси жойигатушиши маълум эмас.

“فرا غزل” услуб жиҳатдан нимой услубидан фарқ қилади. Мазкур шеърда арузий феъллар қисқа ва узун ҳолатда келади. Нимой услубида анъанавий шеъриятнинг қурилишига оид ўзгариш кузатилса, “فرا غزل” да анъанавий шеъриятнинг бузилиш ҳолати кузатилади. Бунда шеърдаги вазн ва қофия ўз чизигидан чиқиб кетади...” [3;448]. Қуйида мазкур ғазал турига мисол келтириб ўтамыз:

خیالمی کنی کہ می شناس اش  
مگر تو کیستی  
علی، حسین یا پیامبر  
خیال می می کنی کہ کیستی

که این چنین  
نشسته ای و حرف می زنی.....

**Таржимаси:**

*Тасаввур қил уни танийсан*

*Сен кимсан?*

*Али, Хусайн, ё пайғамбарми?*

*Тасаввур қилки сен кимсан?*

*Шу тарзда*

*Ўтирасан ва сўзлайсан.....*

Адабиётшунос доктор Фаршидур замонавий ғазаллар ҳақида гапирар экан, уни куйидаги турларга ажратади:

1. **Таълимий ғазал** – бунда сиёсий ва танқидий масалалар тилга олинади. Бунга Ориф, Ишқий, Лохутий ва Парвинлврнинг ижодини мисол келтиришимиз мумкин:

2. **Анъанавий ғазал** - тили ва қурилиши жиҳатидан классик ғазалга ўхшаш бўлган ҳазал.

3. **Аёллар ғазали** – аёлларнинг ҳис - туйғулари акс этган ғазал шакли. Симин Бехбаҳоний мазкур ғазал турининг етакчиларидан саналади.

4. **Бугунги кунда ҳаммага тушунарли бўлган сўзлардан ва зарбулмасалдан фойдаланган ҳолда ёзилган ғазаллар.** Лохутий ва Шаҳриёр ижоди бунга мисол бўлади.

5. **Ҳиндий ғазал** - бундай ғазалларга ҳиндий услубида ёзилган ғазалларни киритишимиз мумкин. Амирий Фирузкуҳий мазкур ғазал шаклининг намояндаларидан саналади.

6. **Янги ғазал** – ғазалнинг бир тури бўлиб, ҳам чиройли, ҳам равон ёзилган, шу билан бирга янги мазмун, ниҳоятда гўзал ташбеҳ, тасвирлар ва таркиботларни кўрамиз.

7. **Янги ҳиндий услубидаги ғазаллар** - Мазкур ғазал турининг ўзига ҳос хусусиятлари шундан иборатки, унда шоир ҳам кўҳна, ҳам замонавий сўз, ибора ва истлоҳлардан фойдаланади.

8. **Маснавий ғазаллар** - янги шеър шаклдир. Бу шеър шакли ғазал ва маснавийнинг бир-бири билан боғланишидан ҳосил бўлган ва икки қисмга ажратилилади, яъни шеър ёки ғазал билан бошланади ёки маснавий билан. Ғазал маснавийнинг замонавий ғазалсаро шоирлар орасида ёйилиши жуда кўп кўзга ташланади. Айтиш мумкинки, ҳар ўн ғазалнавис шоирдан камида биттаси ўзининг ғазал маснавийсига зга. [4;6]

Замонавий форс шеърятда ғазалнависликда катта шуҳрат қозонган шоирлардан Симин Бехбаҳоний, Шаҳриёр, Манучеҳр Найистоний, Навзар Пурранг кабиларнинг бу жанрнинг пешқадамларидан ҳисобланади. Шунингдек, Сабзаворий, Муфиқ Кошоний, Гулшан Кўрдистоний, Муҳаммад Қаҳрамон кабилар ҳам мазкур давр ғазалнавислигига самарали ҳисса қўшишган.

Муҳаммадхусайн Шаҳриёр ўзининг “Ҳидоят чироғи”, “Тўфонли шом”, “Вахшиёна ов”, “Жаннат қуши”, “Нега энди?” сарлавҳали ғазаллари замонавий



форс шеъриятининг бетакрор намуналаридан саналади. Қуйида Шаҳриёрнинг ғазалларидан бирига диққат қаратамиз:

بلبل عشقم و از آن گل خندان گویم  
سخن از آن گل خندان به سخندان گویم  
غزل آموز غزلانم و با نای شبان  
غزل خود به غزلان غزلخوان گویم  
شعر من شرح پریشانی زلف است شگفت  
که پریشان کندم گر نه پریشان گویم  
آنچه فرزانه به آزادی و زنها، نگفت  
من دیوانه به زنجیر و به زندان گویم  
گرچه خاکسترم و مصلحتم خاموشی است  
آتش افروزم و شرح شب هجران گویم  
گله ی زلف تو با کوبه ی شبنم اشک  
کو بهاری که گوش گل و ریخان گویم  
شهریار تو عجب خضر رهی چون حافظ  
که من تشنه هم از چشمه ی حیوان گویم

**Таржимаси:**

*Ишқ булбулиман ул гули хандондин сўзлармен  
Гули хандоннинг таърифин сухандонга сўзлармен  
Ғазаллардин ўргатурман узун тунлар тиним билмай  
Ғазалхоннинг ғазалига ғазалларимдин сўзлармен  
Менинг шеърим паришон зулф ҳайратидин эрур шарҳлар  
Ки паришон бўлуб боз ҳам паришондин сўзлармен  
Гарчи донолар сира озодликдин демас калом  
Занжир девонасидурман муни зиндонга сўзлармен  
Гарчи дўстлар ўзим кулман аслим эрур хомушлиқ  
Ўт каби ёнган бу ҳолда ҳижрон тунидин сўзлармен  
Сени зулфингдин шикоят этармен кўзи ёш бирла  
Истарам дунё аро қани ўшал баҳорим ҳам  
Ки шикоятни бу кун гул-у райҳонга сўзлармен  
Эй Шаҳриёр Ҳофиз йўли узра ажиб Хизр янглиғ  
Ўзим ташна азизларга ҳаёт сувидин сўзлармен*

Ғазал жанри ҳақида гапириб ўтар эканмиз, уни анъанавий ва замонавий давр ғазалларида баъзи ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўриб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Мумтоз ва ҳозирги замон ғазал жанрининг ўхшаш ва фарқли жиҳатларидан бири унинг қофияланишидадир. Маълумки, шеъриятда қофияланиш тартиби а-а, б-а, в-а, г-а.... Замонавий шеъриятда бу қоидага баъзида амал қилинса, баъзида эса амал қилинмайди:

با دل شکسته رفتم، رو به مشرق تبسم،  
ناگهان رسیدم اینجا، صبحتان، به خیر، مردم

دیشب از شما چه پنهان، سر زدم به کوی مستان

گفتم السلام يا مى گفتم يا خم

ساقى قدح به دستان، خنده زد به روى مستان  
يعنى اجر مى پرستان، پيش ما نميشود گم....

**Таржимаси:**

*Яраланган қалб ила бордим табассумла машириқ томон  
Ногаҳон етдим шу ерга, ҳайрли тонг, сизга халқ.*

*Кечаги кун сиздан нечун тинҳон, келдим мисоли мастон,  
Дедим ассалом ё дердим эгилиб.*

*Соқий қўлида қадаҳ, кулди мастоналарга қараб  
Яъни ажр сўрарди, адашиб қолмаслик учун....*

Ҳозирги замон форс шеърятти эса мумтоз шеърятдан фарқли ўлароқ бир қанча гуруҳларга ажратилади. Хусусан, янги замон ғазаллари ҳақида шуни айтиш мумкинки, баён, шакл ва мазмун янгилиги билан бирга, айтиш пайтда, мумтозга ўхшаш намуналар: сўз ўйини (анаграмма), ҳамҳарфлик, ҳамоҳанглик, боғлиқлик ва бошқалар бугунги тилда ишлатилгандир<sup>256</sup>:

خسته ام از اين كوير، اين كوير كور و پير  
اين حوبوت بى دليل، اين سكوت ناگوزير

**Таржимаси:**

*Чарчаганман, қари ва кўр биёбондан  
Бу настликлар сабабсиз, бу пасайишлар сабабсиз....*

*(Қайсар Аминтур)*

Бир қатор ғазаллар маъно, шакл ва оҳанги билан янги шеърга яқин туради. Улардан шоирнинг мумтоз ғазалларидаги услуб ва усулларни четлаб, тил унсурлари негизини яратиш, зеҳн оқими жараёнини ишлатишга, ҳатто бир неча нақлий шевалар билан боғланишга ҳаракат қилганини кўриш мумкин.<sup>257</sup>

كجاست جاى تو در جمله زمان هنوز....  
كه پيش از اين؟ كه هم اگونون؟ كه بعد از آن؟ كه هنوز؟

**Таржимаси:**

*Замин узра ўрнинг қаерда ҳануз?  
Бундан олдин? Ҳозир? Ундан кейин? Ҳануз?....*

*(Муҳаммад Сайид Мирзоний)*

<sup>256</sup>МуҳаммадРизо Рузбех. Ҳозирги замон Эрон адабиёти. Т-2012. Б.:74

<sup>257</sup>Ўша асар, Б.:75

Бугунги кун Эрон ғазалнавис шоирлар ғазалнинг баъзи мисраларини шеър-э озод услубига ўхшатиб пора-пора қилиб ёзганлар.

Замонавий шеърятда сақланиб қолган мумтоз жанрлардан яна бири **маснавийдир**. Маснавий нафислиги ва қулайлиги билан инқилобдан кейинги даврда кўп қўлланган жанрлардан бири бўлди. Ўша давр маснавий жанри мазмун жиҳатидан афсонавий, нақлий, ирфоний, инқилобий, ҳатто севги – муҳаббат мавзуларини ёритишда кенг ишлатилди. Муҳими, инқилобдан кейинги йилларда маснавий жанри ўзгарди. Айнан ўша даврда аксарият шоирлар маснавий вазнини узайтириб, ноанъанавий шаклда ижод қилдилар. Унинг моҳияти ва тилига янгиликлар киритдилар.

Ўша даврнинг кўзга кўринган маснавийнавис шоирларидан Али Муаллим Домғоний ва Аҳмад Азизийни айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Муаллим ўз маснавийлари дастлаб кам учраган узун вазнда бўлиб, қадимий, диний талқин ва ишоралардан баҳра олган ҳолда ирфон, асотир, тарихий ва ижтимоий мавзуларни янги классик руҳда талқин этган эди. Аҳмад Азизий ҳаяжонга тўла зеҳни, тилининг янгилиги ва ғайриоддийлиги диққатни жалб этганди. У ирфоний, диний, ижтимоий мавзуларни журъат билан ёритганди. Ҳар бир шоир мустақил миссияси ва индивидуаллиги билан маснавийчилик йўналишида янги услуб ва шаклни бошлаб берди.

Замонавий форс шеърятининг йирик намояндаладан бири Муҳаммадхусайн Шаҳриёр ҳам маснавий жанрида жўшқин ижод қилган. Унинг сўнгги йилларда яратган маснавийларидан “Шеър ва ҳикмат” ҳамда “Жияним Ҳушангга” номли маснавийлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Улар қаторига Ҳушанг Ибтиҳож, Али Мусавий Гарморудий, Ҳамид Сабзаворий, Ҳасан Ҳусайний кабиларни ҳам киритиш мумкин. Улар маснавийчиликда катта шуҳрат қозонмаган бўлсалар-да, диққатга сазовор маснавийлар яратганлар:

وقت است تا برگ سفر بر باره بنديم  
دل بر عبور از سد خار و خاره بنديم.  
از هر کران بانگ رحيل آيد به گوشم  
بانگ از خروس بر خاست وای من خاموشم.  
دریا دلان راه سفر در در پيش دارند  
پا در رکاب راهوار خویش دارند...

### **Таржимаси:**

*Вақт етди сафар азмин боз этайлик*

*Тиканзордин ўтмакни кўнгулда бор этайлик*

*Ҳар томондин қулогимга етар сафар бонги*

*Хўроз бонги мени хомуш этти эшитайлик*

*Бу юраклар сафар азмин айламишлар*

*Йўлни танлаб узангига по узатмишлар...*

Эрон замонавий шеърятининг сўнгги ярим асрлик тарихига назар ташласак, унда Нимо Юшиж, Гулчин Гилоний, Фаридун Таваллолий, Парвиз

Нотел Хонларий, Муҳаммад Зоҳерий, Манучеҳр Оташи, Фўруғ Фаруғзод, Фаромарз Сулаймоний ва Шамс Лангрудий каби бир қатор шоирларнинг серқирра ижодига гувоҳ бўламиз. Бушоирларнинг ҳар бири асарларининг ўзига хос тематикаси, образларолами, поэтик формалари, тили ва услуби билана жралиб туради.

Форс замонавий шеърияти мумтоз шеърият билан узвий боғлиқ. Фикримизни тўлиқроқ ифодалайдиган бўлсак, ҳозирги замонавий форс шеъриятида мавжуд шеърий жанрлар ва шеърий шакллар мумтоз шеърият негизидан ўсиб чиққан. Ғазал, маснавий, қасида, рубоий, дубайтий, чаҳорпора шулар жумласидандир.

Юқорида номи зикр этилган шеърий жанрлар даврлар ўтиши билан ўзгаришларга учради. Мазкур жанрлар мумтоз шеърият қонун-қоидаларини биров четлаб ўтиб, янги шакл касб этди. Тадқиқотимизни замонавий форс шеъриятида қолам тебратган шоирларнинг ижоди ва уларнинг шеърларида акс этган баъзи шеърий жанрлар ҳамда шаклларга тўхлатиб ўтамиз.

**Рубоий**- шарқ халқлари шеъриятига хос бўлган жанр. У икки байтдан иборат. Фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий фикрлар тугалланган тарзда моҳирона баён этилади.

Рубоийнинг жанри мавзу жиҳатдан кенг ва хилма хилдир. Шунингдек, унда фикрлар тугалланган, хулосавий фикрлар берилган бўлади.

Мумтоз форс адабиётида рубоийлар махсус вазнлар асосида ёзилган.<sup>258</sup> Умар Ҳайёмнинг (1040 - 1123) куйидаги рубоийсини кўриб чиқамиз:

در کوی نیاز هم دلی را در یاب  
در کوی حضن مقلبی را در یاب  
صد کعبه ی آب و گل بیکدل نرسد  
کعبه چه روی برو دلی را در یاب

#### **Таржимаси:**

*Муҳтожлик куйида кўнгилни овла,  
Юракка яқину маъқулни овла.  
Бир дилча турмас юз лойхона Каъба,  
Каъбада нима бор, бир дилни овла.*

Замонавий форс шеъриятида ҳам вазн, ритм, қофия сақланиб қолган, аммо янги давр форс шеъриятидаги рубоийнинг мумтоз давр форс шеъриятидаги рубоийдан фарқи унинг мавзулар кўлами ва поэтик моҳиятидандир. Юқорида биз мисол келтирган рубоий фалсафий мазмунда ёзилган. Қуйидаги рубоийга диққат қаратамиз:

چشم به کران شب نگه می ساید  
وین راه به غم در شده را می پاید

<sup>258</sup> Арузда рубоийга махсус 24 вазн ишлаб чиқилган. Улар ҳазаж тармоғидан бўлиб, ҳар мисрада 4, байтда 8 рукн, яъни мусамман бўлмоғи шарт бўлган.

گویند که رفته بر نمی گردد باز  
اما دل می تپد: او می آید.

**Таржимаси:**

*Кўзим тун пардасига қадалган,  
Ва бу йўл пойлайди гамга ботишим.  
Дерлар: кетган қайтиб келмагай,  
Аммо юрагим дукиллаб урар: келади, у.*

Мазкур рубоий қофияланиши ва ритми жиҳатдан анъанавий шеъриятга ўхшаш, бироқ мавзу кўлами, поэтик моҳияти жиҳатидан фарқлидир. Хайём ўз рубоисида инсоннинг диний ва маънавий оламини қаламга олган бўлса, Касроий ўзининг дунёвий оламини куйлаган. Демак, анъанавий шеърият асосан диний томонга юзланган бўлса, замонавий шеърият дунёвий муоммоларни ўзига қамраб олган. Қуйида замонавий рубоийлардан яна бир намуна кўриб ўтамиз:

عمرى به اسارت تو بودم ای مرگ  
لرزان ز اشارت تو ای مرگ  
امروز خوش آمدی، صفا آوردی  
مشتاق زیارت تو بودم ای مرگ

**Таржимаси:**

*Умрим сўнгигача асиринг бўлдим  
Ҳар қачон титрабон шиоранг кутдим  
Бугун хуш келибсан, сафо келтирдинг  
Таширфингга муштоқ эдим, эй ўлим!*

**Дубайтий.**Форс адабиётида дубайтий шеърий шаклида ижод қилган ва уни ривожлантирган шоир Бобо Тоҳир ҳисобланади:

جوانی هم بهاری بود و گذشت  
به ما یک اعتباری بود و گذشت  
میان ما و تو یک الفتی بود  
که آن هم نوبهاری بود و گذشت

**Таржимаси:**

*Ёшлик ҳам мисоли баҳордек ўтди,  
Бизга бир эътибор айлабон кетди.  
Ўртамизда гўзал яқинлик эди  
У ҳам навбаҳор каби келди-ю кетди.*

Замонавий форс шеъриятида ҳам дўбайтий шеърий шаклида самарали ижод қилинган:

نسیمی آمد از بال و پر تو  
خبر داد از گلوی اصغر تو  
در آتش سوختم پیشانی ام را  
خنک می کرد کاش انگشتر تو

**Таржимаси:**

*Насим келдиқанотинг остидан сени(нг),  
Хабар берди кичик (томоқ) дудогингдан сени(нг)  
Ҳароратдан ёнган бу пешонамни  
Кошкийди илитса бармогинг сени(нг)*

(Абдул жаббор Кокойи)

**Тарона** - ўзида муסיқийлик хусусиятига эга бўлган тўртликлардир. Ўрта асрларда тароналар оммабоп, халқ ичида куйланадиган шеър шакли бўлган. Ишқ ва мухаббат, ҳижрон ва фироқ, адоват каби мавзулар таронанинг асосий мавзуси бўлиб келган. Дастлаб аксарият форс тароналари ироқи услубида бўлган. 1970-йилларда “мавж-э нўу”нинг юзага келиши натижасида янги тароналар ва поп муסיқа санъатининг юзага келиши тароналардаги муסיқийликнинг йўқолишига ва ундаги сўзлар бозор ва кўча кишиларининг тилига яқинлашишига олиб келди. Шундан сўнг тарона мумтоз қолибдан чиқиб, янги кўриниш касб этди. Бугунги кунда тароналарда сиёсий, ижтимоий ва маданий янгиланишларни шоҳиди бўлишимиз мумкин.

Қуйиди замонавий форс шеърятисида тароналарига диққат қаратамиз:

پرستوی فرار یا زبهارم  
یک امشب میهمان این دیارم  
چوماه از پشت خرمنها براید  
به دیدارمب یاچشم انتظارم

**Таржимаси:**

*Баҳоримдан кетган қалдирғоч,  
Меҳмон бўлиб кел, қошонамга.  
Ой мисоликўтарилибхирмонортидан,  
Интиқибкутганим, дийдоручункел.*

(Сиёвуш Касроий)

کی بود کی بود از اول، روز و شب را جدا کرد؟  
ماه و ستاره ها را تو آسمون رها کرد؟ ...  
کی بود کی بود از اول، تو دریا کشتی انداخت؟  
تو چار دیوار دنیا، مرغ بهشتی انداخت؟

**Таржимаси:**

*Ким эди, ким эди илк бор, кунни тундан жудо қилган?  
Ой ва юлдузларни осмонидан озод этган?  
Ким эди, ким эди илк бор, денгизга кема ташлаган?  
Дунёнинг тўрт деворига жаннат қушини ташлаган?*

**Чаҳорпора** – мазкур жанр ҳам 1980-йилларда ёш шоирлар томонидан юзага келган шеърдир.

چون شبانان و خشی در آیند  
نای در نای و آتش در انکشت  
عشق، خورشید خورشید، در دل  
خشم، فواره فواره در مشت

**Таржимаси:**

*Вахший чўпонлар каби келарлар  
Най найда, кафтдадир оташ.  
Қалбда шиқ-у хуришиди тобон,  
Ғазаб фаввора мисол муштда*

Чаҳорпора аввлги йилларда романтик ва ҳайрихоҳлик маъноларида ишлатилган. 1980-1990-йилларда эаиква ижтимоий мавзуарда ҳам ёила бошлади. Бу даврда Хусайн Исрофилий, Юсуфали Миршекок, Шаҳром Ражабзоде, Абдулжаббор Кокойи ва бошқалар чаҳорпоралар битган ижодкорлардан саналади.

هر چه ميخواهد بگويد، هر که می خواهد  
هر چه می خواهد بگويد، تلخ یا شیرین.  
من تورا می گویم ای باغ بهار آور  
ای نماز آبهارا قبله ی دیرین..

**Таржимаси:**

*Қанча истасангиз айтинг, қанча истасангиз  
Қанча хоҳласангиз айтинг, аччиқ ё ширин  
Мен сени дейман эй, баҳор олиб келувчи  
Эй, намоз, узоқдаги қибла сувларин.....*

Дунёда ва Эрон жамиятида юз берган ва содир бўлаётган ўзгаришлар натижасини форс адабиётида юз бераётган катта ўзгаришларда кўришимиз мумкин. Замонавий форс шеърятини мумтоз “либосини янги бичимдаги либосга алмаштирди”. Янги форс шеърятини қофия ва вазн масалаларида катта ўзгаришларга юз тутди. Ғазал жанри маълум маънода ўз моҳиятини сақлиб қолди, аммо адабиётга юз берган шиддатли ривожланиш унинг тараққиёт босқичи бир қатор янгиликларни олиб кирди.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мухаммад Ризо Рузбех. Ҳозирги замон Эрон адабиёти. Т-2012
2. О.Носиров, С. Жамолов. Ўзбек классик шеърятини жанрлари. Т.1979.
3. علی موسوی گرمارودی. ای صبح صدق. . دکتتر محمد رضا روزبه. ادبیات معاصر ایران. پاییز 1388. ص.324
4. گونه های نوآوری در شعر معاصر ایران. دکتتر کاووس حسن لی. سال 1383
5. 1387 سال. دکتتر عباسعلیوفایی. سفر در آینه
6. حمید سبزواری. همپای جلودار. دکتتر محمد رضا روزبه. ادبیات معاصر ایران. پاییز. سال 1388.

**Тамара Ходжаева**

*Филология фанлари доктори, профессор, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё  
тиллари кафедраси, ТошДШИ*

**Зубайда Тўхлибаева**

*Магистрант, Адабиётшунослик мутахасислиги, ТошДШИ*

## **ҲИНДИСТОНДА ИНГЛИЗЗАБОН АДАБИЁТ РИВОЖИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ҳиндистонда нафақат ҳинд адабиёти, балки ҳинд адабиёти билан бир қаторда инглиззабон адабиёти ҳам ривожланганлиги ҳақида сўз юритилади. Ҳиндистон адабиётида инглиззабон адабиёти ўзининг сермахсуллиги, ижодий йўналишларининг хилма-хиллиги ва ижодкорлар услубининг ўзига хослиги, кўтарилаётган муаммоларнинг долзарблиги билан ўз хусусиятларини намоён этади.

Шунингдек Ҳиндистондаги инглиз тилли адабиёт ривожланиши, унинг тарихи кўп жихатдан инглиз тилининг мамлакатдаги тақдири билан белгиланиши, унинг мамлакат адабий ҳаётидаги ўрни ҳақида сўз юритилади. Ҳиндистондаги инглиззабон адабиёт бўйича қисқа бўлса ҳам бир нечта, аммо жуда керакли ва қимматли маълумотлар рус олимлари, ҳинд олимлари томонидан келтирилиб ўтилган ва китоблар тақдим этилган. Шу билан бир қаторда, мазкур мақолада Ҳиндистондаги инглиззабон адабиётда ижод қилган илк шоир ва ёзувчилар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган. Жумладан: Генри Л.В. Дерозиодир (1809-1831). Она сингиллар Ару Датт (1854-1874) ва Тару Датт (1856-1877)лар инглиз тилидаги шеърятнинг давомчилари саналадилар. Илк машхур инглиззабон ёзувчилардан бири Мулк Раж Ананд. Мулк Раж Ананд анъанавий хинд жамиятида каста тизими ва оддий аҳоли ҳаётини тасвирлаган. У чет элда машхурликка эришган биринчи хинд эди. Инглиз тилидаги адабиётнинг ҳар бир вакили ўз халқининг адабиёти ва анъанавий маданияти билан узвий боғлиқ бўлишда фарқланувчи хусусияти унинг нафақат миллий характерида (инглиз тилидаги ёзувчилар ичида панжобликлар, бенгаллар, каннар, тамил ва Ҳиндистоннинг бошқа миллат вакиллари), балки бу адабиётнинг бутун Ҳиндистон бўйича тарқалганлигида намоён бўлади, чунки у қандайдир тил минтақаси доирасида яққаланиб қолмайди. Бундан кўриниб турибдики, Ҳиндистонда инглиззабон адабиёти жадал ривожланган. Мазкур мақолада зикр қилинган адиблар, улар яратган асарлар бунга яққол мисол бўла олади.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ҳиндистон, Инглиззабон адабиёт, Букер мукофоти.

**Аннотация.** В этом статье описывается не только индийская литература а так же англоязычной литературы в Индии. В индийской



литературе англоязычная литература демонстрирует свою особенность своей продуктивностью разнообразием творческих линий и стиля авторов а так же актуальностью поднятых проблем. А так же о развития во многом о судьбе английского языка в стране и его роли в литературной жизни страны.

В Индии предоставлены несколько коротких но очень полезных и ценных книг сведений об англоязычной литературе русскими и

индийскими учёными. В том числе Генри Л.А Дерозо (1809-1831), Ару Датт(1854-1874) Тару Датт (1856-1877) английской поэзии. Самый известный англоязычный писатель Мулк Раж Ананд. Мулк Раж Ананд известен изображением жизни бедных каст в традиционной индийском обществе. Он был из первых писателей Индии, получивших широкую известность за рубежом.

Каждый представитель английской литературы отличается по своей литературной и традиционной культуре своего народа не только своим национальным характером ( пенджабцы, бенгальцы, кенийцы, тамилы и др.) но и распространением этой литературы по всей Индии. Поскольку это не становится изолированным в пределах любой языковой области. Как видите, англоязычная литература в Индии развивается очень быстро. Авторы упомянутые в этой статье, и их творения являются хорошим примером этого.

**Опорные слова и выражения:** Индия, Англоязычная литература, Букеровская премия.

*Summary. This article describes not only Indian literature but also English-language literature in India.*

*In Indian literature, English-language literature demonstrates its peculiarity by its productivity, we diversify the creative lines and style of the authors, as well as the relevance of the problems raised. And also about the development in many respects about the fate of the English language in the country and its role in the literary life of the country.*

*In India, several short but very useful and valuable books of information on English-language literature by Russians and*

*Indian scientists. Including Henry L.A. Derosio (1809-1831), Aru Dutt (1854-1874) TaruDutt(1856-1877) of English poetry. The most famous writer in English. Mulk Raj Anand was an Indian writer in English, notable for his depiction of the lives of the poorer castes in traditional Indian society. He was one of the first Indian famous to be widely known abroad.*

*Each representative of English literature differs in its literary and traditional culture of its people not only in its national character (Punjabi, Bengalis, Kenyans, Tamils, etc.) but also in the distribution of this literature throughout India. Because it does not become isolated within any language field. As you can see, English-language literature in India is developing very rapidly. The authors mentioned in this article and their creations are a good example of this.*

**Keywords and expressions:** India, English literature, Booker prize.

Ҳиндистондаги инглиз тилли адабиёт тарихи кўп жihatдан инглиз тилининг мамлакатдаги тақдири билан белгиланади. Инглиз тилининг Ҳиндистоннинг барча соҳаларига кириб бориши XIX асрнинг биринчи ярмида инглиз тилидаги адабиётнинг вужудга келишига шароит яратди. Бу адабиёт кўп тилли Ҳиндистон минтақасида энг ёш адабиётлардан бири ҳисобланади.

И.Д.Серебряков фикрича инглиз тилидаги адабиётнинг ҳар бир вакили ўз халқининг адабиёти ва анъанавий маданияти билан узвий боғлиқ бўлишда фарқланувчи хусусияти унинг нафақат миллий характерида (инглиз тилидаги ёзувчилар ичида панжобликлар, бенгаллар, каннар, тамил ва Ҳиндистоннинг бошқа миллат вакиллари), балки бу адабиётнинг бутун Ҳиндистон бўйича тарқалганлигида намоён бўлади, чунки у қандайдир тил минтақаси доирасида яққаланиб қолмайди.<sup>259</sup>

Рус шарқшуноси Е.Я.Калинникова ўзининг “Ҳиндистоннинг инглиз тилидаги адабиёти” номли рисоласида инглиз тилидаги Ҳиндистон адабиётининг шаклланиши ва ривожланиши, бу адабиётнинг йирик шоир ва ёзувчилари ҳамда уларнинг асарлари ҳақида кенг маълумот бериб, шундай ёзади: “Ҳиндистонда ва Англияда тарихий, маданий ва адабий алоқаларнинг мантқиқий давоми сифатида инглиз тилидаги адабиёт хамиша халқнинг тарихий тақдири билан боғлиқ бўлиб келган”.<sup>260</sup>

Ҳиндистондаги инглиз тилли адабиёт тараққиётининг бошланғич босқичи замирида кечаётган маърифатпарварлик ҳаракати ўша пайтдаги ҳиндлар ҳаётининг барча соҳаларини қайта шакллантиришга интилувчи файласуф, публисист Раммохон Рой каби йирик ижтимоий фаол шахснинг шаклланишига туртки бўлдики, у инглиз тилида ижод қилган биринчи ҳиндир. Раммохон Рой мақола, очерклар ёзган.<sup>261</sup>

Ҳиндистонда инглиз тилида ижод қилган дастлабки шоирлардан бири Г.Р.Дерозидир(1809-1831). Опа-сингиллар Ару Датт(1854-1874) ва Тару Датт (1856-1877)лар инглиз тилидаги шеърятнинг давомчилари ҳисобландилар.

Тару Датт поэмаларини цикли ҳинд эпоси мотивлари бўйича шоиранинг ватанида 1878 йил нашр қилинган ва Англиядаа чоп этилган.

Ҳиндистондаги инглиззабон адабиётининг йирик вакилларида яна бири Мулк Раж Анандир. Е.Я.Калинникова М.Р.Ананднинг ижоди ҳақидаги ишида шуни таъкидлайди: “Ананд Амритсар воқеаларининг нафақат гувоҳи, балки қурбони ҳам бўлган”.<sup>262</sup>

Мулк Раж Ананд 1932 йил илк йирик асарларидан бири “Ҳазар қилинган” номли асар нашр қилинди. Ҳиндистоннинг инглиз тилли адабиётида илк бор жамиятнинг “қуйи табақаси” – “Ҳазар қилинганлар” ҳолатига эътиборни жалб этишга журъат этган. Бир оз вақт ўтиб Ананд “Кули” (1936) ёзади. “Ҳазар қилинган” романида кўтарилган масалаларни Ананд “Кули” романида ривожлантириб, чуқурлаштиради. Икки романнинг бу муаммолари яқиндир, уларда ягона мотив янграйди – инсон ижтимоий зинапояннинг қайси поғонасида

<sup>259</sup>Серебряков И. Литература народов Индии.Москва. 1963.С.24.

<sup>260</sup>Калинникова Е.Я. Англоязычная литература Индии. Москва. 1974.С.32.

<sup>261</sup>Ходжаева Т.А. Ҳиндистон халқлари адабиёти. Тошкент.2010.С.154

<sup>262</sup>Калинникова Е.Я. Англоязычная литература Индии. Москва. 1974.С.34.

туришидан қатъий назар доимо инсондир. М.Р.Ананд умри давомида яна бир қанча романлар ёзади.

Ҳиндистондаги инглиз тилидаги адабиётида роман жанри XX асрнинг дастлабки ўн йиллигига тўғри келади. Ҳиндистоннинг йирик ёзувчилари Р.К.Нараян, Бхабани Бхаттачария ва Ража Раолар инглиз тилидаги наср усталари ҳисобланадилар. Ража Раонинг йирик асари – “Илон ва арқон” инглиз забон роман бўлиб, (1960) асосан автобиографик асар унда ёзувчининг қалбидаги иккиланишлар, ўз ўрнини бу дунёда топиш биринчи француз хотини билан ажрашишдан кейинги кечинмалар акс этади. Романдаги воқеа ва ҳодисалар Европа ва Ҳиндистонда бўлади. Вақт ўтиши билан Р.Рао озодлик ҳаракатларига қўшилади фаол иштирокчилардан бирига айланади.

1969-йилдан бошлаб инглиззабон адабиёт оламида “Букер мукофоти” топширилиши бошланади. Мазкур мукофот XX асрнинг охириги 20-йилигида инглиззабон адабиёт дунёсида энг obroли адабий мукофотлардан бири бўлган. Мазкур мукофотга шу вақтгача Ҳиндистон ҳаёти, муаммоларини ўз романларида очик ва равшан ёритиб берганликлари учун 3 нафар ҳинд адаби лауреат бўлган. Айнан мана шу асарлар туфайли ғарбликлар Ҳиндистондаги ҳақиқий, замонавий ҳаёт, ундаги муаммолар камчиликлар ҳақида Ҳиндистон халқида ҳам бутун дунёда қандай камчиликлар ва муаммолар бўлса худди шундай муаммолар мавжуд эканлигини сўзлайди. Илк бор ушбу мукофотни 1997-йил Арундати Рой (1961) ўзининг илк дебют романи “Икир-чикирлар худоси” романи учун қўлга киритади. Романнинг диққатга сазоворлиги замонавий ёш аёл образини маҳорат билан очиб берилганлигида эди. “Букер мукофоти” тарихида илк маротаба дебют асар учун берилган мукофот эди. У ўз китобини инглиз тилида ёзганини қуйидагича таърифлайди: “Ҳиндистонда Англияга нисбатан кўпроқ одам инглиз тилида сўзлашишини ва Ҳиндистон ичидаги ягона халқаро сўзлашув тили” эканлигини таъкидлаган, худди шу сабаб у кейинчалик публистика йўналишида ҳам инглиз тилида ёзишни давом эттирди.

XX аср охири XXI аср бошларида инглиз тилидаги Ҳиндистон адабиётининг асаосий ютуқлари “Буюк Ҳинд романи” (The Great Indian Novel) романи 1989-йилда дунё юзини кўрди. Асар муаллифи Ҳиндистонлик Шаши Тхакура инглиз тилида ёзадиган ёзувчи сифатида анчайин машҳур бўлган бўлсада, аммо шу романи унга шухрат келтирди, асар 25 йил давомида Ҳиндистоннинг ўзида 30 марта қайта нашр қилинган. “Буюк Ҳинд романи” нинг муаллифлик ғояси улкандир.

Иккинчи маротаба Букер мукофоти совриндори ҳам Ҳиндистонлик ёш ёзувчи Киран Дисаи эди. 2006-йил “Вайрон бўлган мерос” романи учун олган. Бу роман Ҳиндистоннинг замонавий дунёда тутаётган ўрни муҳим муаммолар устида ишлаш ва ҳақиқий Ҳиндистонлик бўлмоқ деган масалалар устида ўйлантлар эди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, инглиззабон адабиёти XIX асрдан бошлаб ривожланиб келган бўлса ҳам шеърий жанрлар, насрий жанрлар айниқса романнавислик соҳада ривожланганлиги яққол кўзга ташланади, ва Ҳиндистондаги кўп ёзувчилар ҳам инглиз тилида ҳам ўзининг миллий тилида

ижод қилиб ушбу ўзига хос жойини эгаллаган ва бутун Ҳиндистонга ёйилган. Инглиззабон адабиётини жиддий ва муҳим долзарб бўлган масалаларни кўтарган ҳолда шу билан бирга ўз миллий адабиётининг овозини урф-одатларини жихатларини сингдирган ҳолда бой этмоқда. Инглиз тилида ижод қилаётган баъзи ёзувчилар Ҳиндистонда туғилиб яшаб кейинчалик чет элда яшаб ҳам ҳозирги пайтда ҳам ижод қилмоқдалар(Канада, Англия, Германия, ва бошқа мамлакатларда). Уларнинг асарларида Ҳиндистон ҳаётининг муаммолари ва масалалари ўз ўрнини эгаллаб бормоқда. Булардан биттаси Салман Рушдидир. У ҳам ўз асарларини инглиз тилида жуда чиройли ёзган.

Бундан кўриниб турибдики, Ҳиндистонда инглиззабон адабиёти жадал ривожланган. Юқорида зикр қилинган адиблар, улар яратган асарлар бунга яққол мисол бўла олади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент. 2005.
  2. Калининкова Е.Я. Англоязычная литература Индии. Москва. 1974.
  3. Калининкова Е.Я. Старое и новое рядом. К кн: Проблемы индийского романа. Москва.1974.
  4. Очерки истории литератур Индии (X-XXв) Москва.2014
  5. Серебряков И.Д. Литература народов Индии.. Москва. 1985.
  6. Ходжаева Т.А. Замонавий Ҳиндистон халқлари адабиёти. Тошкент2010.
  7. Ходжаева Т.А. Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент. 2017.
  8. Худойбердиев И. Адабиётшуносликкакириш. Тошкент.2008.
  9. Чельшев Е.П. Современная индийская литература. Москва.1981.
  10. Индийская литература вчера и сегодня. Москва. 1989.
-

# ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ВА ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

\* \* \* \* \*

*Хайрулла Ҳамидов*

*PhD, Таржимашунослик кафедраси мудири, ТошДШИ*

## СИНХРОН ТАРЖИМАНИНГ “НОЗИК” ЖИҲАТЛАРИ

*Аннотация.* Бугун Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари орасида нуфузи юксалиб, халқаро муносабатлар кенгайиб бораётгани юқори савияли синхрон таржима мутахассисларига бўлган талаб ва эҳтиёжни янада орттирмоқда. Бу эса таржимонлар етиштирувчи олий таълим муассасалари зиммасига улкан масъулият юклайди. Чунки узоқ даврлардан буён юртимизда асосан ёзма таржима кенг тараққий этиб келган ва оғзаки таржима турлари, хусусан, синхрон ва кетма-кет таржима масалалари тадқиқотлардан анча четда қолиб келган эди. Ушбу мақола синхрон таржима билан боғлиқ айрим муаммоларни ўрганишга бағишланган бўлиб, унда бугунги кунда оғзаки таржиманинг энг мураккаб тури саналган синхрон таржима сирларини талабаларга ўргатиш таълимнинг долзарб вазифаларидан бирига айлангани, энди замон талабларидан келиб чиқиб, синхрон таржима соҳасига алоҳида эътибор бериш, малакали таржимонлар тайёрлаш ишига жиддий ёндашиш кераклиги хусусида сўз юритилади. Маълумки, синхрон таржима фақат эшитиш сирасида гапириш кўникмаларини шакллантириш билан чегараланмайди. Бунинг негизида таржимоннинг нафақат аслият ва таржима тилини мукамал даражада билиш, балки бир пайтнинг ўзида икки тилда фикрлай олиш, алоҳида тайёргарликсиз сўзлай олиш қобилиятига эга бўлиш, таржима жараёнида амал қилиниши керак бўлган қоидаларни ҳам яхши билиш ва уларга оғишмай риоя қилиш талаби ҳам ётади. Ушбу мақолада муаллиф қўйилган масаланинг ана шундай “нозик” жиҳатларига эътибор қаратади.

**Таянч сўз ва иборалар:** *Оғзаки таржима, синхрон таржима, кетма-кет таржима, хабар, манба матн (манба тил), таржима матни (таржима тили), СТ стратегиялари.*

*Аннотация.* Сегодня с ростом влияния Узбекистана среди стран мира и расширением международных отношений, увеличиваются потребность и требования к высококвалифицированным специалистам синхронного перевода, что, в свою очередь, возлагает огромную ответственность на высшие учебные заведения, выпускающие переводчиков. Дело в том, что издавна в нашей стране, в основном, широко развивался письменный перевод, а вопросы устного перевода, особенно синхронного и последовательного перевода оставались в стороне от научных исследований. В данной статье,

посвященной изучению вопросов синхронного перевода, речь идет об актуальных задачах обучения студентов «секретам» синхронного перевода, который является сегодня одним из сложнейших видов устного перевода, о том, что исходя из требований времени, необходимо обратить внимание на синхронный перевод, серьезно подходить к делу подготовки высококвалифицированных специалистов синхронного перевода. Как известно, синхронный перевод не ограничивается лишь развитием навыков говорения параллельно слушания. На его основе также лежит и отличное знание не только языка оригинала и перевода, но и умение одновременно мыслить на двух языках, уметь говорить на двух языках без специальной подготовки, хорошо знать все правила, которые необходимо соблюдать в процессе синхронного перевода, и конечно их неуклонно соблюдать в практической деятельности. В данной статье автор уделяет особое внимание этим «тонким» аспектам рассматриваемого вопроса.

**Опорные слова и выражения:** Устный перевод, синхронный перевод, последовательный перевод, сообщение, исходный текст (исходный язык), переводной текст (язык перевода), стратегии СТ.

*Summary.* Today, with the growing influence of Uzbekistan among the countries of the world and the expansion of international relations, the need and requirements for highly qualified simultaneous translation specialists are increasing. This gives a huge responsibility for places of higher education institutions where educate translators. The fact is that since ancient times in our country, basically, translation has been widely developed, and the issues of interpretation, especially, simultaneous and consecutive translation, have remained aloof from scientific research. This article, devoted to the study of simultaneous translation issues, deals with the urgent tasks of teaching students with the "secrets" of simultaneous translation, which is today one of the most difficult types of interpretation, that based on the requirements of the time necessary paying attention to simultaneous translation, and seriously approach the matter of training highly qualified simultaneous translation specialists. As it can be known, simultaneous translation is not limited only to the increasing of speaking skills in parallel to listening. It is also based on excellent knowledge of not only the original language and translation, but also the ability to simultaneously thinking in two languages, and being able to speak two languages without special training. Moreover, it requires knowing all the rules which must be observed in the process of simultaneous translation, and of course they are steadily observe in practice. In this article, the author pays special attention to these "delicate" aspects of the issue in consideration.

**Keywords and expressions:** Interpretation, simultaneous translation, consecutive translation, message, source text (source language), translated text (language of translation), ST strategies.

**Кириш.** Миллатлар орасида бевосита алоқа қуроли бўлган таржима воситасида дунё халқлари ўзаро мулоқотга киришадилар. Расмий оғзаки

таржима тури ҳисобланган синхрон таржима жараёнида эса бир тилдаги хабар, маълумот бошқа бир тил воситасида иккинчи томонга етказиб берилади. Глобаллашган постиндустриал дунёда халқаро анжуманлар ва тадбирларнинг турлари кўпайиб бораётганлиги боис, бундай тадбир иштирокчилари тилларни яхши билишларига қарамай, профессионал оғзаки таржима, жумладан, синхрон ва кетма-кет таржимага жиддий эҳтиёж сезилмоқда.

Таъкидлаш керакки, оғзаки таржима қуйидаги турларга бўлинади: *синхрон таржима; кетма-кет таржима; оғзаки тушунтириб бериш; ўқиб таржима қилиб бериш; ўқиб гапириб бериш; эшитиб гапириб бериш*. Булар орасида синхрон ва кетма-кет таржима алоҳида ўрин эгаллайди. Талабаларда синхрон ва кетма-кет таржима ҳамда ушбу турдаги таржима назариясининг вужудга келиши, ривожланиши, уларни амалга ошириш тизими, синхрон таржима стратегияларининг афзалликлари, синхрон таржимонга қўйиладиган талаблар, таржимонларни тайёрлаш борасидаги амалий масалалар билан таништириш ҳамда соҳавий атамашунослик, асосий ўрганилаётган шарқ тилидан грамматик, стилистик малака билан боғлиқ чуқур билим ва кўникмаларни шакллантириш зарур.

**Мақсад ва вазифалар.** Мақоланинг мақсади синхрон таржиманинг моҳиятини очиб бериш, унинг оғзаки таржиманинг бошқа турларидан фарқини кўрсатишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун синхрон таржиманинг аниқ таърифини келтириш, синхрон таржима стратегияларини санаб ўтиш ва бошқа бир қатор муҳим вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади.

**Усуллар.** Мақола мавзусини ёритишда, асосан, тавсифлаш ва таснифлаш усулларида фойдаланилди.

Синхрон таржима халқаро конференцияларда, йиғилишларда, одатда, тезкор равишда тушуниш зарурати туғилганда амалга оширилади. Оддий сўз билан айтганда, СТда таржимон нотик нутқи (сўзи)ни бўлмасдан, нутқ мазмунини тингловчиларга изчил, узлуксиз равишда етказиб беришга мажбур. Ушбу атама таркибидаги “синхрон” сўзи юнон тилидан олинган, “syn” – биргаликда, “chronos” – вақт, яъни (*synchronos*) “бир пайтда”, “бир вақтга мос келиш”, “бир-бирига мос равишда, айна бир вақтда содир бўлган ёки бўладиган”, “синхронизмга, синхронликка тегишли” маънолари билан соҳанинг муҳим атамаларидан бири сифатида дунёнинг бир неча тилига ўзлашган.

Синхрон таржима тарихига қараладиган бўлса, оғзаки таржиманинг ушбу тури Женева таржимонлар мактабида 1948 йилда расмийлаштирилган. Бу мактабда бир йилда 1-2 нафар синхронист-таржимон етиштирилган. 1962 йилдан бошлаб эса Москвадаги М.Торез номидаги МДЧТПИ ҳузуридаги БМТ таржимонлар курси ҳар йили 5-7 нафардан синхрон таржимон тайёрлай бошлаган. Ўтган асрнинг 70-йилларида хориждаги синхрон таржимонлар тайёрловчи мактаблар сирасига Вашингтон таржимонлар мактаби (Жоржтаун университет), Гейдельберг, Лейпциг ва Париждаги мактаблар киради. Москвадаги М.Торез номидаги МДЧТПИ ҳузуридаги Олий таржимонлар курсида 1971 йилдан бошлаб синхрон таржима бутун дунёда кенг эътироф

этилган таржима соҳасига айланди. Ҳозирги пайтда синхрон таржимадан фойдаланилмаган биронта халқаро конференция йўқ ҳисоби.

XX асрнинг 20-йилларидан кейинги давр “конференциялар асри” деб ном олган. 1920-1930 йилларда 1000 дан 3000 гача халқаро конференция ва учрашувлар ўтказилган. 1930-1940 йилларда - 4000, 1940-1950 йилларда - 6000 дан зиёд, 1950-1960 йилларда 14000 дан ортиқ, ҳозирги кунда эса бутун дунёда ҳар йили 4000 дан ортиқ халқаро учрашувлар, конгресслар ва конференциялар ўтказиб келинмоқда. Ўша йилларда халқаро тиллар сирасига инглиз, француз, рус, немис, испан, хитой, араб ва бошқа тиллар кирар эди. 60-йилларда собиқ Совет Иттифоқида синхрон таржима тараққиётини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин. Совет синхронистларининг тарихий Нюрнберг ва Токио жараёнларидаги фаол иштироки, Москвада Союзлар уйида бўлган Халқаро иқтисодий кенгаш ва б. Бундай анжуманларнинг ҳар бирида 50 га яқин синхронист таржимонлар иштирок этишган. Таржимонлар гуруҳларида Нюрнберг процесси фахрийлари раҳбарлик қилишган. Илк бор диспетчер пульти тепасида турган етакчи таржимон тизими иш бошлаган.

Синхрон таржима тараққиётидаги навбатдаги босқич 1957 йилдаги Москва Ёшлар ва талабалар фестивали бўлган. Фестивалнинг асосий ишида 80 дан ортиқ синхронист-таржимон иш олиб борган. Бундан ташқари фестиваль доирасидаги бошқа дастурларда ҳам соддалаштирилган, кетма-кет таржима билан омухта шаклда ташкил этилган синхрон таржималарда ўнлаб қўшимча синхронист-таржимонлар қатнашган. Минбардан асосий тиллардан рус тилига кетма-кет таржима, ундан эса бошқа ишчи тилларга синхрон таржима амалга оширилган. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб синхрон таржима 7 тилда (рус, инглиз, француз, немис, испан, италян ва хитой тилларида), рус тилидан ва аксинча бошқа тиллардан рус тилига СТ амалга оширила бошлаган. 70-йилларда эса СТ 18 тилда амалга оширила бошланган. Кейинчалик эса синхрон таржима ўттизта тилда амалга оширилган. XX асрнинг 80-йилларида дунё бўйича 2000 га яқин турли тиллар комбинациясидаги синхронист-таржимонлар қайд этилган. Булардан 300 дан ортиғи собиқ СССР да, қолганлари Европа ва АҚШда (БМТ ва бошқа халқаро ва ихтисослашган ташкилотларда) бўлган. 900 га яқин, Ғарбий Европа, АҚШ ва Канадада контракт асосида ишловчи синхронист-таржимон Халқаро таржимонлар ассоцияси аъзоси бўлган. Қолганлари Африка ва Осиё мамлакатларида, шунингдек, БМТ тизимига кирмайдиган халқаро давлат ва нодавлат ташкилотларида ишлашган.

Профессионал таржиманинг асосий шаклларида бири бўлган синхрон таржимада хабар (манба матн) таржима матнига параллел тарзда таржима қилинади. Синхронист-таржимон манба матнни эшитиб идрок этган ҳолда бир пайтнинг ўзида оғзаки ўгирилади. Синхрон таржима вақт танқислиги ва қайта ишланадиган ахборот ҳажми ўта чекланган шароитда бир маротаба тақдим қилинадиган оғзаки хабарни идрок этган ҳолда амалга ошириладиган икки тилли мулоқотнинг мураккаб тури сифатида қуйидаги турлари ажратилади:

– эшитиб қилинадиган синхрон таржима;



– варақдан (қоғоздаги матнни) синхрон таржима, яъни олдиндан ёзма ўгирилган матнни синхрон ўқиш (таржима матни билан олдиндан танишиб, сўнгра уни нотик билан баравар (синхрон тарзда) ўқиб бериш);

– оғзаки маълумотни бир вақтнинг ўзида қабул қилиб вақт, маълумот, объект чегарасида уни қайта ишлаган ҳолда ўгириш (ахборотнинг семантик тизими).

Эшитиб қилинадиган оғзаки таржима ёзма таржиманинг барча турларидан фарқ қилади ҳамда манба матндаги нутқ (хабар) қабул қилиниши биланоқ таржимон томонидан амалга оширилади. Бу жиҳати билан синхрон таржима кетма-кет таржимадан фарқ қилади.

Синхрон таржиманинг яна бир ўзига хослиги шундаки, ушбу жараёнда кабинада аслият матни махсус техник воситалардан фойдаланилган ҳолда ёки кабинадан ташқарида “шивирлаш” тарзида бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. Манба матнни эшитиш орқали идрок этиш ва бошқа тилда параллел тарзда уни оғзаки тузиш амалиётидан иборат синхрон таржимада таржимоннинг ҳаракатларига ҳаддан ташқари қатъий вақт чекловлари қўйилади. Мутахассис таржимоннинг бир объектдан иккинчисига доимий равишда тезкор ўтиши зарур бўлади.

Синхрон таржима – оғзаки таржиманинг энг мураккаб, айти пайтда энг мукамал тури ҳисобланади. Бундай таржима жараёнида таржимон кабинада махсус техник воситалар ёрдамида ёки кабина ташқарисида шивирлаб бир вақтнинг ўзида асл матнни баён этади. МТдаги хабар микрофон орқали қабул қилинади, натижада – таржима тили (ТТ)даги нутқ товуш изоляция қилинган кабинадан яна микрофон орқали залга узатилади. СТнинг биринчи тури – “варақдан таржима қилиш”да синхронист таржима кабинасига келтирилган МТдаги ёзма матндан фойдаланади. Бундай ҳолатда таржимон бир қатор сабабларга кўра маърузачининг нутқини диққат билан тинглаши шарт. Тажриба ва махсус тайёргарлик бўлмаган тақдирда матн таржимонга фақат тўсиқ бўлиши мумкин, чунки у таржимондан қўшимча диққат-эътиборни талаб қилади (халақит беради, ҳатто чалғитади). Шу сабабдан синхрон таржиманинг ушбу тури амалиётда муҳим ўрин эгаллайди.

СТнинг иккинчи тури портатив мослама билан ишлаш бўлиб, бунда синхронист конференция қатнашчилари орасида, анжуман залида бўлади ва маърузачининг нутқини қулоқчин орқали эмас, балки тўғридан-тўғри минбардан эшитади. СТнинг бундай суррогати синхронистни толиқтиради, чунки залдаги шовқин даражаси рухсат этилган меъёрлардан анча юқори бўлади. “Шивирлаб” гапирувчи таржимонни кабинада иш олиб борувчи синхронист-таржимондан ажратиб турадиган қўшимча ва муҳим омил шундан иборатки, “шивирлаб таржима қилувчи” таржимон конференция иштирокчилари билан шахсий муносабатларга киришади. Бу эса кўп ҳолларда шовқинга сабаб бўлади. Қулоқ билан эшитиб амалга ошириладиган оғзаки таржиманинг бошқа тури – маърузачи нутқининг ҳаммаси ёки бир қисми тугагандан сўнг амалга ошириладиган кетма-кет таржимадан фарқли ўлароқ, таржима жараёни бир вақтнинг ўзида (ёки деярли бир вақтда) маърузачининг нутқи билан бирга бошланади ва бирга тугайди. Аудиториядан ажратилган, гўё

занжирга “михланган” таржимон иш жараёнида жиҳозга боғланиб қолади. Залда, конференция иштирокчилари орасида ўтирган “шивирлаб таржима қилувчи” таржимондан фарқли ўлароқ, у объектив омиллар таъсири остида бўлади.

Шу ўринда синхрон таржимага хос муҳим хусусиятлардан бири бўлган *компрессия* хусусида тўхталиш керак бўлади. Ушбу ходиса ҳар қандай тилга (нутқда) хос бўлиб, у икки хил кўринишга эга: 1. Мазмунни ифодалаш учун нутқий-лисоний воситаларни тежаш (масалан, барча тилларда эллипс стилистик усули кенг қўлланилади). 2. Хабарнинг тематик таркибий қисмида кузатилган тил воситаларининг кўплиги туфайли компрессиялаш. Шу билан бирга, компрессия маҳорати синхрон таржиманинг ўта оғир шароитларида нутқнинг тузилишини осонлаштиришга хизмат қилади. Камайтирилган нутқ воситаларига қараб, нутқни компрессиялаш бўғинли, синтактик, лексик ва семантик бўлиши мумкин.

Синхрон таржимага хос яна бир муҳим термин *комбинация*дир. “Комбинация” деганда синхронист томонидан бир манба тилдан (МТ) иккинчи, аниқ таржима тилига (ТТ) амалга оширилган таржима. Масалан, хитой тилидан ўзбекчага қилинган таржима (*хитой-ўзбек тиллари комбинацияси*). Бунда таржимон хитойча-ўзбекча комбинацияда иш олиб боради. Масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида синхрон таржимонга қўйиладиган расмий талаблардан бири камида иккита тил комбинациясида ишлай олиш ҳисобланади. Одатда, бу иккита чет тилидан она тилига таржима комбинациялари бирикуви бўлиши керак. БМТда қабул қилинган схема бўйича таржимон конвергент комбинацияларда ишлайди. Бунда, одатда, таржимон ўзаро қайтувчи ёки реверсив комбинацияларда иш олиб боради. Икки босқичли таржима схемаси, “бош таржимон”ли схеманинг камчиликлари А.Д.Швейцер томонидан кўриб чиқилган<sup>263</sup>. БМТ ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган бир босқичли схема ҳар бир синхронистнинг икки ёки ундан ортиқ чет тилидан ўз тилига таржима қилишига мўлжалланган. Ушбу схема назарий жиҳатдан юқори сифатли таржимани таъминлаши керак. Бирок, бир босқичли схема фақат анжуманнинг ишчи тиллари кўп бўлмаган (тўртта тилда) шароитдагина мумкиндир. Бинобарин, ўтган асрнинг халқаро алоқалар ривожланиб, янги тиллар халқаро майдонга чиққан 80-йилларида ушбу усулдан амалда кам фойдаланилган.

Синхрон таржимада жумланинг муқобилини топиш учун чекланган қатъий вақт доирасига солинмаган, катта миқдордаги қўшимча маълумотларни бемалол қайта ишлаш, уни луғатлар, энциклопедиялар, маълумотномалар, илгари қилинган таржималар ва бошқалардан фойдаланган ҳолда тўлиқ ажратиб олиш имкониятига эга бўлган ёзма таржимондан фарқли ўлароқ, синхронист фақат илгари тўпланган тажриба ва кўникмалари, шунингдек, хотирасида сақланган билимига таянади. Кўпинча бундай тажриба ва билимларнинг ўта тез суръатда, сониялар ичида, захирасидаги узоқ муддатли хотирада сақланган катта миқдордаги маълумотлардан бир

қисмигагина суянади. Рус олими Г.В.Чернов европалик олим Ҳербертнинг куйидаги сўзларини келтирар экан, синхрон таржимани тавсифловчи яна бир омил вақт чекланган шароитларда қайта ишланаётган маълумотнинг таржима қилинаётган матн бирлигига нисбатан ҳажман чекланганлигини алоҳида таъкидлайди: “...Синхрон таржима луғат (справочник)га мурожаат қилиш ёки ҳамкасби ёхуд анжуман иштирокчисидан маслаҳат сўраш, ёки бўлмаса ўйлаш учун вақт, фикрини мантиқий тартибга келтириш имконияти бўлмаган шароитда бир тилдан бошқасига зудлик билан ўтишни талаб қилади”<sup>264</sup>.

Синхрон таржима одатда кетма-кет таржима билан солиштирилади, баъзан унга қарама-қарши қўйилади. Синхрон таржимадан фарқли ўлароқ, оғзаки таржиманинг бир тури ҳисобланган кетма-кет таржима, биринчидан, МТ (манба тил)даги нутқни эшитиб қабул қилиш ва ТТ (таржима тили)да қайта яратиш вақт чегарасида тақсимланади, иккинчидан, кетма-кет таржимада таржимоннинг хотираси жуда катта оғирлик ҳис қилади ва қаттиқ ишлайди, чунки бундай таржима шароитида асл нусха (ёки таржима)нинг муҳим қисмини хотирада ушлаб туриш керак бўлади; учинчидан, кетма-кет таржима одатда қисқа ёзув, махсус тез ёзув усулларига асосланган ҳолда амалга оширилади. Охиргиси, дастлабки уч омил каби аҳамиятли эмас, лекин кетма-кет таржимада таржимон, конференция иштирокчиларининг диққат марказида турган ҳолда иштирокчилар билан фаол шахслараро муносабатларга киришади.

Қўлланиш соҳасига кўра, синхрон ва кетма-кет таржима “конференция таржимаси” тушунчаси остида бирлашади. Қўлланиш соҳасидан ташқари (халқаро анжуманлар, халқаро ташкилотларнинг конгресслари, сессия йиғилишлари, расмий учрашувлар, илмий симпозиумлар ва б., шунингдек, дипломатик ва ҳукуматлараро учрашувлар ва музокаралар, жамоат арбоблари ва таниқли мутахассис-олимларнинг маърузалари), “конференция таржималари” оғзаки таржиманинг бошқа турлари (м-н, гид-таржимонлар ва б.)дан фарқли ўлароқ, юқори профессионал даража ва таржимонлик малакаси ва маҳоратни талаб этади.

Юқорида таъкидлангани каби, сўнгги ўн йилликлар мобайнида синхрон ва кетма-кет таржимани қўллашда таржимонларнинг ихтисослашуви зарурлиги кўзда тутилган. Агар юксак даражада ривожланиб бораётган синхрон таржима кўп томонли (кўп тилли) мулоқот, кўп томонли дипломатия (халқаро ташкилотлар, иккидан ортиқ мамлакат иштирок этган анжуман ва учрашувлар доирасида) учун қўлланиб келаётган бўлса, кетма-кет таржима кўпроқ икки томонлама музокаралар ва учрашувлар, икки томонлама дипломатия, ҳатто ундан ҳам кенгроқ – икки томонлама миллатлараро муносабатларнинг ташкил этилишига хизмат кўрсатиш мақсадида қўлланилади. Синхрон таржима жараёнида вақт тақчил бўлган шароитда чекланмаган ҳажмдаги ахборот қайта ишланади. Бу СТнинг дастлабки ташқи таърифи СТнинг ички назарий муаммоларини кўриб чиқиш ҳамда тадқиқот объектини алоҳида ажратиш босқичига ўтиш учун кифоядир.

<sup>264</sup> Чернов Г.В. Теория и практика синхронного перево-да. –М.:Изд-во ЛКИ, 2007. – 208 с.

Синхрон таржимон иши учун зарур сифатлар (фазилатлар). Синхрон таржимон эга бўлиши лозим зарур сифатлар психофизиологик характердаги унсурлардан шаклланади. Психофизиологик унсурлар сирасига диққатни бир жойга жамлаш, диққат-эътиборни бир пайтнинг ўзида бир неча вазифага тақсимлаш, тезкор реакция, тезкор нутқ, руҳий ва жисмоний сабот, чидамлилиқ киради. Бундан ташқари, айрим сифатлар кейинчалиқ шаклланади. Булар: таржимоннинг кенга дунёқарашга эга бўлиши, мукамал қомусий билим, она тилини мукамал даражада билиш, луғат бойлигининг кенглиги, хорижий тилдаги ҳар қандай нутқни эркин идрок эта олиш, хусусан ишчи хорижий тилнинг фразеологик заҳирасини тўла эгаллаган бўлиш, зийраклик ва б.

**Хулоса.** Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

– таржимашуносликда синхрон таржима масалалари, асосий принципларини пухта ишлаб чиқилишига эътибор бериш. Олиб борилган илмий тадқиқотларда синхрон таржима масалаларини ёритишга кўпроқ аҳамият бериш.

– мутахассислар, профессор-ўқитувчиларни синхрон таржима назарияси ва амалиётига доир чуқур илмий тадқиқот, янги ўқув адабиётлари яратиш ишларини фаоллаштириш;

– синхрон таржимадан янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари яратилгунга қадар рус, инглиз ва бошқа тилларда нашр этилган энг сара ўқув ва илмий адабиётларни ўзбекчага таржима қилиб нашр этириш;

– олий таълим муассасаларида махсус синхрон таржима хоналарини очиш, уларни зарур ускуналар, махсус таржима кабиналари билан жиҳозлаш учун давлат грант маблағларини кўпроқ жалб этиш;

– талабалар орасидан синхрон таржимага лаёқатлиларини ажратиб, улар учун алоҳида факультатив дарс соатлари ажратиш, малакавий амалиёт ўташ учун синхрон таржима қўлланиладиган муассасаларга йўллаш, корпоратив ҳамкорлик доирасида қўшма ва хорижий корхоналар билан шартномалар тузиш, юксак қобилиятли талабаларни хорижга стажировкаларга юбориш;

Юқорида санаб ўтилган шарт-шароитлар яратилган тақдирда, синхрон таржима ривожланиш босқичига қадам қўйган, унга бўлган талаб ва эҳтиёж ортиб бораётган бир даврда мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар ижобий самара беради, деб ўйлаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Русча синхрон таржима терминларининг ўзбекча изоҳли луғати (Тузувчилар: Х.Ҳамидов, Ш.Ҳасанова). – Т., 2020. – 184 б.

2. Чернов Г.В. Теория и практика синхронного перевода. – М.:Изд. ЛКИ, 2007. – 208 с.

3. Чернов Г.В. Синхрон таржима назарияси ва амалиёти (рус тилидан Х.Ҳамидов таржима қилиб нашрга тайёрлаган) (o‘quv qo‘llanma). –Т.: ТошДШИ, 2019. – 112 б.

4. Швейцер А.Д. К вопросу о наиболее рациональной схеме синхронного перевода. «Тетради переводчика», № 4.-М., «Межд.отнош.», 1967.

5. Швейцер А. Д. Перевод и лингвистика. Уч. для институтов и факультетов ин.яз. –М., Воениздат, 1973.

**Саодат Насирова**

*Кандидат филологических наук, доцент, кафедра Китайский язык и литература, ТашГИВ*

### **СПЕЦИФИКА ПЕРЕВОДА ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ В ДИСКУРСЕ О КОРРУПЦИИ (НА МАТЕРИАЛЕ ВЫСТУПЛЕНИЙ ПРЕДСЕДАТЕЛЯ КНР СИ ЦЗИНЬПИНА)**

*Аннотация.* Статья посвящена лексико-семантическому и когнитивному анализу специфики перевода некоторых пословиц и поговорок, а также метафорических изречений в дискурсе о коррупции на материале китайского языка. В рамках темы также проведён анализ факторов влияющих на изменения в пласте лексической составляющей, лингвистический анализ феноменов семантико-сопоставительного характера ОПТ КЯ с использованием дескриптивных методов описания, особенности политического дискурса на китайском языке, использованный как предмет переводческого объекта, содержащий богатый пласт лексики с фоновой информацией.

Материалы исследования показывают богатство лексического пласта китайского языка, широкие возможности передачи мысли при помощи разных общественно - политических терминов, трансформируя при этом не только тон, но и когнитивную парадигму текста. Эти лексико-семантические особенности китайской общественно-политической терминологии должны быть учтены при осуществлении перевода статей, материалов переговоров, речей, докладов и выступлений.

**Опорные слова и выражения:** китайская инициатива, коррупция, стратегия, международное сотрудничество, глобализация, вызовы и угрозы, экспансия, политика, «мягкие» общественно-политические термины, торговля, инфраструктура, сотрудничество.

*Аннотация.* Мақола ХХРнинг раиси Си Жинпин нутқида коррупцияга қарши курашиш ташаббусини илгари суришда муайян ижтимоий-сиёсий терминлардан фойдаланиш, уларнинг лексик-семантик ва когнитив хусусиятларининг таҳлилига бағишланган. Мавзу, шунингдек, лексик таркибий қисм қатламининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилади, ижтимоий-сиёсий тилнинг (бундан кейин - ИСТ) оддий тилдан фарқини таҳлил қилиб, ижтимоий-сиёсий терминологиянинг (кейинги ўринларда - ИСТ) асосий вазибаларини очиб беради.

ИСТнинг семантик-қийёсий ҳодисаларини тавсифлашининг тавсифий усуллари, хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий мунозаранинг ўзига хос

хусусиятлари мазкур илмий мақоланинг асосий объекти сифатида белгилаб олинди.

*Тадқиқот материаллари хитой тилининг лексик қатламининг бойлигини, турли хил ижтимоий ва сиёсий терминлардан фойдаланган ҳолда фикрни етказишнинг кенг имкониятларини ўрганиши, нафақат матнни, балки когнитив парадигмани ўзгартиришини таҳлил этишига қаратилган. Мақолалар, музокаралар материаллари, нутқлар, маърузалар ва нутқларни таржима қилишда хитой тилидаги ижтимоий-сиёсий терминологиясининг бир қатор лексик ва семантик хусусиятлари эътиборга олинishi керак деган умумий тавсия берилган.*

**Таянч сўзлар ва иборалар:** *Хитой ташаббуси, коррупция, стратегия, халқаро ҳамкорлик, глобализув, таҳдид, кенгайishi, сиёсат, "юмишқ" ижтимоий-сиёсий терминлар, савдо, инфратузилма, ҳамкорлик.*

**Summary.** *The article is devoted to the lexical-semantic and cognitive analysis of the features of using certain proverbs and sayings, metaphorical sayings in the discourse on corruption. The topic also analyzes the factors affecting changes in the layer of the lexical component, analyzes the differences of a socio-political language (hereinafter OPJ) from an ordinary language, reveals the main functions of socio-political terminology (hereinafter OPT). The study of the semantic-comparative phenomena of the ORT of a QW using descriptive methods of description, features of the socio-political discourse in Chinese, used by us as a subject of a translation object containing a rich layer of vocabulary with background information.*

*The research materials show the richness of the lexical layer of the Chinese language, the broad possibilities of transmitting thought using various social and political terms, transforming not only the tone, but also the cognitive paradigm of the text. These lexical and semantic features of Chinese socio-political terminology should be taken into account when translating articles, materials of negotiations, speeches, reports and speeches.*

**Keywords and expressions:** *Chinese initiative, corruption, strategy, international cooperation, globalization, challenges and threats, expansion, politics, "soft" socio-political terms, trade, infrastructure, cooperation.*

**Введение.** Политический дискурс в наши дни во многом определяет не только отношения по поводу восприятия власти, но также и во многом обуславливает нормы и характер ее обретения, применения и распространения в условиях современного демократического государства. Очевидным отличием понятия «дискурс» от понятия «язык» является то, что дискурс выступает в качестве «языка - «живого», применяемого или «находящегося в процессе применения», в то время как сам язык может оставаться языком даже в случае не востребованности или неприменимости (пример «мертвого» латинского языка). Таким образом, дискурс можно охарактеризовать как «речь, погруженную в жизнь», как актуальный, применяемый язык, служащий взаимодействию как минимум двух агентов (сторон) коммуникации. В свою

очередь актуальность применения метафор в современном политическом дискурсе постоянно растет.

Политическая ситуация и ее изменение играют существенную роль в развитии языка. Политический дискурс – это явление современной повседневной жизни. Чем более открыта и демократична жизнь общества, тем больше внимания уделяется языку политики, причем политический дискурс интересует как профессионалов, занятых в политике, журналистов и политологов, так и самые широкие массы граждан. Умение понимать язык политики и вести дискуссию на общественно-политические темы входит и в круг значимых компетенций студентов. Студенты, изучающие иностранный язык, все чаще сталкиваются с проблемами перевода лексических единиц политического дискурса в рамках курса профессионально ориентированного перевода и в рамках отдельных дисциплин. В связи с этим возникает необходимость уделять особое внимание таким областям знания, как политический дискурс, лингвокультурная составляющая общественно-политического дискурса и особенности перевода статей общественно-политической тематики. Политический дискурс – неотъемлемая часть социальных отношений, поскольку он формируется ими и в то же время сам формирует их, являясь сложным единством языковой формы, знания и действия. Таким образом, в реализации политического дискурса участвуют не только языковые средства, но и экстралингвистические факторы, которые определяют общение, а также когнитивные структуры, обуславливающие существование самого дискурса.

**Методы исследования.** Основным методом исследования является сравнительный метод, поскольку современная политическая лингвистика носит дискурсивный характер, где каждое выступление, изложенное в письменной или устной форме, рассматривается в контексте политической ситуации, в которой оно создано, в соотношении с другими политическими текстами, политическими взглядами и функциями, которые оно выполняет.

**Результаты.** После появления китайской инициативы «Один пояс, один путь» и официального издания «Плана работы по созданию антикоррупционной системы наказания и профилактики (2013-2017 гг)», в мировой прессе стали появляться разные оценки и мнения о сути, цели, ориентирах и задачах указанной инициативы. Этот руководящий документ относительно работы по строительству партийного строя и неподкупного аппарата и борьбы с коррупцией послужил основным документом по изучению политического ракурса и мер по усовершенствованию государственного управления в стиле Си. Анализ перевода речей политического руководства КНР в эпоху реформ и открытости демонстрирует растущую тенденцию взаимодействия национальной и международной целевой аудитории. В зависимости политического происхождения, исторических импактов во внутренней и внешней политике КНР, ОПТ в политическом дискурсе включает в себя определения, касающиеся национально значимых событий общественно – политической жизни, а также другие аспекты, связанные с экономикой и культурой. В этой связи переводчикам следует обратить внимание на то, что

при переводе общекультурных слов точнее учитывать культурные традиции Китая и исторические предпосылки.

Эмпирическим материалом исследования в рамках данной научной статьи послужили выступления Си Цзиньпина о государственном управлении и материалы сборника «Истории из уст Си Цзиньпина».

**Обсуждение.** Переводческая деятельность в Китае уходит своими корнями в глубокую древность. Имеются свидетельства о деятельности переводчиков, относящиеся к эпохе Чжоу (XI в.-256 г. до н.э.) [1,1]. Наибольшие масштабы переводческая деятельность в Китае приобрела в период с конца эпохи Восточная Хань (148 г. – 1127 г.). На протяжении примерно тысячи лет китайцы переводили с санскрита буддийские сутры. В ходе этой деятельности переводчики начинали задумываться о сущности перевода, его методах и принципах. Видные переводчики того времени нередко выдвигали теоретические суждения о переводе на основе собственной обширной переводческой практики. Теория перевода в Китае возникла именно как закономерный продукт практической деятельности переводчиков буддийской литературы [2,57].

Знаковым трудом, свидетельствующим о появлении в Китае первого серьезного теоретического обобщения переводческой практики, стало предисловие к переводу книги Дж. Хаксли «Эволюция» (1898 г.). Автор предисловия китайский переводчик и литератором Янь Фу выдвинул идею о трех главных стандартах переводческой деятельности: 信,达,雅 (*синь, да, я*) - *достоверность, норма, стиль*. Китайские исследователи фактически приняли его взгляды как основу национальной классической теории перевода и развивали их в последующие годы [4, 13]. 信(*синь*) имеет несколько значений: верность, доверие, правдивость и т.д.; 达 (*да*) значит: выражать, достигать и т.д.; 雅 (*я*) означает: изящество, благовоспитанность, культуру и т.д.

Касаясь процесса, методов и целей переводческой деятельности Линь Юйтан выдвинул три принципа. Он писал: «Переводчик должен понимать значение каждого слова оригинала, но не переводить значение каждого слова». Это первый принцип 忠实 *чжунши*. Второй принцип: «Переводчик должен передавать не только смысл, но и дух оригинала. Перевод должен точно соответствовать смыслу и духу слова и предложения, а также экстралингвистическому смыслу». Третий принцип: «Невозможно достичь абсолютной точности перевода ввиду того, что в каждом произведении существует красота звучания, красота смысла, красота духа и красота формы изложения» (凡文字有声音之美, 有意义之美, 有文气文体形式之美). Переводчик либо уделяет главное внимание смыслу в ущерб духу, либо духу в ущерб смыслу; но совершенно невозможно полностью и одновременно передать и смысл, и дух, и форму, и фонетические особенности оригинала. Что касается «красоты美», то Линь Юйтан считает, что «переводчик должен относиться к своей работе, как к искусству. Он должен любить перевод, как



искусство, быть осмотрительным, с тем, чтобы перевод стал видом изящного искусства. Нужно уделять одинаковое внимание, как стилю, так и содержанию, и если не получается этого добиться, то лучше совсем не переводить» [6, 13]. В целом наука о переводе в Китае развивалась по пути построения нормативной школы и носила прескриптивный характер. Несмотря на все ее несовершенства, она сыграла важную роль в становлении и совершенствовании практической переводческой деятельности в Китае.

Анализ перевода речей политического руководства КНР в эпоху реформ и открытости демонстрирует растущую тенденцию взаимодействия национальной и международной целевой аудитории. В зависимости политического происхождения, исторических импактов во внутренней и внешней политике КНР, ОПТ в политическом дискурсе включает в себя определения, касающиеся национально значимых событий общественно – политической жизни, а также другие аспекты, связанные с экономикой и культурой. В этой связи переводчикам следует обратить внимание на то, что при переводе общекультурных слов точнее учитывать культурные традиции Китая и исторические предпосылки [11, 49-51].

Эмпирическим материалом исследования в рамках данной научной статьи послужили выступления Си Цзиньпина о государственном управлении [12, 469] и материалы сборника «Истории из уст Си Цзиньпина» [13, 396].

В трудах и выступлениях Председателя КНР Си Цзиньпин часто уделяет внимание одной из главных мировых проблем, представляющих серьёзную угрозу для функционирования и развития современного общества – проблеме коррупции.

Отличительной чертой данного феномена на современном этапе можно считать его международный характер. Причины этого видятся в мировой глобализации, характеризующейся экономической прозрачностью национальных границ, свободным перемещением капиталов, рабочей силы, а также существенной криминализацией национальных экономик.

Коррупция представляет собой деструктивный феномен, имеющий непосредственную связь с экономической, политической и социальной практикой общества.

Данный феномен является одним из наиболее значимых объектов внимания речей Председателя КНР Си Цзиньпина. Генеральный секретарь ЦК КПК Си Цзиньпин – хороший оратор. Его выступления можно назвать образцовыми. Он часто говорит об истории Китая, народе, о профессиональной этике и моральном долге людей, стоящих у власти, важности соблюдения народных традиций. Феномен коррупции является одним из наиболее значимых объектов внимания речей Председателя КНР Си Цзиньпина. Данная тема затронута почти во всех его выступлениях. К примеру сборник «Истории из уст Си Цзиньпина» - сборник выступлений Си Цзиньпина с 2013-2017 г.г. Первый блок данного сборника посвящен тематике «Истории о честных и неподкупных правителях». Из отобранных историй, можно видеть что Си Цзиньпин считает своим долгом воспитывать руководящие кадры в духе

высокой общественной морали, профессиональной этики и личной нравственной чистоты.

Честность и неподкупность, трудолюбие и скромность, ставить интересы народа выше личных интересов – это те моральные качества, которыми, по мнению Си Цзиньпина, должен обладать каждый партийный работник. Пренебрежение интересами народа, коррупция, моральное разложение приводят к потере авторитета руководителя и подрыву основ власти и в конечном счёте, как показывают исторические факты, - к гибели государства. [13, 7-8].

На VI пленарном заседании XVIII созыва Центральной комиссии по проверке дисциплины ЦК КПК Си Цзиньпин сказал, что борьба с коррупцией – это не «лавка власти и богатства», где подают блюда в зависимости от статуса человека, не «карточный домик», где идёт борьба за власть и преференции, и это отнюдь не «заброшенный долгострой». Он решительно опроверг ошибочные суждения о том, что «борьба с коррупцией ничего общего не имеет с интересами народа» и что «борьба с коррупцией- это борьба за власть». Си Цзиньпин продемонстрировал твёрдую решимость партии, ядром которой является её председатель, железной рукой бороться с коррупцией. В своих речах на тему борьбы с коррупцией Си Цзиньпин не раз обращается к термину «карточный домик». «Карточный домик» (“House of Cards”) – американский телевизионный сериал политической тематики, демонстрирующий закулисные интриги и махинации западной политики.

В сентябре 2015 года, находясь с визитом в США, Си на вопрос журналиста «не является ли борьба с коррупцией в Китае борьбой за власть» ответил: «Мы тщательно проводим расследование по каждому делу о коррупции, и нам не важно, кто перед нами – “тигр” или “муха”, мы будем бить тех и других в интересах народа, и в этом нет никакой борьбы за власть, нет никаких “карточных домиков”». Отлично владеющий мастерством рассказчика, Си Цзиньпин в своём остроумном ответе на весьма деликатный вопрос использовал символ американской культуры, чем завоевал одобрение присутствующих слушателей и представителей американской прессы. [13,35].

XVII глава I тома книги «Си Цзиньпин о государственном управлении» посвящена тематике «Усиление борьбы с коррупцией и за неподкупность аппарата». Данный раздел изобилует количеством пословиц поговорок очерняющих феномен коррупции. Например в тезисе выступлений на 2-м пленарном заседании Комиссии по проверке дисциплины при ЦК КПК 18-го созыва, 22 января 2013 года Си Цзиньпин часто употребляет пословицу: 善禁者，先禁其身而后人 «Тот, кто хорошо запрещает другим, должен сначала запрещать себе, а затем другим». Приводя этот пример Си Цзиньпин дополняет речь тем, что «кадровые работники всех ступеней должны вести себя образцово и быть примером для других». [12, 387].

Говоря на тему подготовки кадров Председатель КНР останавливается на качествах человека как бескорыстие и бесстрашие, как основополагающие качества хороших кадров, и приводит тут же народную поговорку

疾风识劲草，烈火见真金 «Сильная трава выдержит быстрый ветер, настоящее золото выдержит пламенный огонь». Затрагивая тему скромности среди членов партии Си Цзиньпин уместно приводит не только поговорки и пословицы, но так же и исторические рассказы из жизни предков, например о жизни сановника Чжэн Кайфу из царства Сун [12, 416]. Ведя тему о моральных качествах хорошего кадра, Си Цзиньпин использует поговорку 与人不求备，检身若不及 «не требовать от других быть безупречными, а должны проверять всегда себя», то есть хороший кадр должен быть всегда в самоуважении, самонаблюдении, самопредупреждении и самовоодушевлении, дабы стать справедливым и неподкупным чиновником, дабы 心不动于微利之诱，目不眩于无色之惑 «сердце не колебалось перед соблазнами выгоды, глаза не ослеплялись яркими красками».

В своей речи по подготовке кадров, Си Цзиньпин останавливается на важности учёбы, а больше практики, и здесь же приводит поговорку по тематике 耳闻之不如目见之，目见之不如足践之 «Лучше увидеть своими глазами, чем только услышать; лучше самому попробовать, чем только увидеть». О важности практики для подготовки хороших добросовестных кадров говорит и следующая пословица приведённая в качестве примера Председателем КНР 操千曲而后晓声，观千剑而后识器 «Узнаешь голос после тысячи песен, узнаешь настоящее оружие после осмотра тысячи мечей», с помощью которой он дополняет свою мысль, что «успехи кадров проявляются на практике...надо идти в самую гущу масс и кадров, узнать кадров в разговорах и оценках народных масс, определить их моральный уровень не только в «больших делах», но и в «мелочах» [12, 418]. Им приводится также резонный довод, что «чтобы правильно использовать кадры, надо сначала знать их», для подтверждения исторической верности данной мысли уместно использована следующая фраза из исторического материала «Сборник сочинений Вэй Юаня», которая гласит 不知人之短，不知人之长，不知人长中之短，不知人短中之长，列不可以用人，不可以教人 «Если не знать минусы и плюсы человека, не знать, какие недостатки в его преимуществах, или не знать, какие преимущества в его недостатках, то нельзя использовать человека, нельзя человека воспитывать». То есть, как даёт объяснение Си Цзиньпин, «представление о кадрах не должно ограничиваться интуицией или впечатлением, необходимо улучшить механизмы и методы проверки, чтобы глубоко знать из по различным каналам, прослойкам и с разных сторон.» [12, 418].

На выступлении во время 5-й коллективной учёбы членов Политбюро ЦК КПК 18-го созыва 19 апреля 2013 года Си Цзиньпин резюмирует свою речь следующей цитатой: «Борьбой с коррупцией и утверждением неподкупности аппарата нужно заниматься постоянно и неустанно, набат против коррупции и перерождения должен звучать всегда. Надо всегда помнить, что 蠹众而木折，隙大而墙坏 «дерево ломается от множества червей, стена рушится от больших трещин». Данную пословицу Си Цзиньпин приводит из

книги «Шан-цзюнь шу. Обеспечение порядка в государстве» - главного произведения Шан Яна (около 390-338 гг. до н.э.), политического деятеля периода Воюющих царств, который разработал реформы в результате которых царство Цинь стало богатым и могучим.

О значении, который придает Председатель КНР использованию фразеологизмов, идущих из глубоких исторических пластов китайской культуры говорит тот факт, что в одном этом небольшом выступлении на тематику коррупции, Си Цзиньпин употребил более 10 пословиц, поговорок, и конечно же метафор.

Большинство метафор использованных в речах генерального секретаря имеют эмотивный характер, создаются для переноса имеющегося у читателя эмоционального отношения к понятию-источнику на понятие, которое концептуализируется метафорическим значением слова [14, 238]. Например, «коррупцию нужно предотвратить в ранний период. ..Нельзя допускать, чтобы болезнь превратилась в неизлечимую». В данном отрывке речи Си Цзиньпина коррупция окрашена действенным образом, усиливающим эмоциональный накал и воздействие на аудиторию. Метафора «коррупция – это болезнь» предполагает две более общие концептуальные метафоры: политическая метафора тела – государство или партия как политический институт концептуализируются как человеческий организм, подверженный инфекциям и заболеваниям, и медицинская метафора коррупция-болезнь [15, 14].

При осуществлении перевода китайских фразеологизмов, в том числе пословиц, поговорок, иносказаний, чэньюй, афоризмов, изречений с усеченной концовкой, фразеологических сочетаний и др. переводчику нелегко сохранить первоначальный колорит переводимого. В этой связи, фактический перевод, насколько это возможно, будет переведен на узбекский и/или русский язык с относительными и другими выражениями. Во всяком случае переводчик должен при этом следовать принципу верности, чтобы передать первоначальное значение.

**Заключение.** Проблемы перевода политического дискурса китайского языка требуют, прежде всего, рассмотрения политической коммуникации, характеризующейся наличием различных составляющих таких, как: политическая ситуация, установки автора и др.

Masalan, arab tili darsida o'qituvchi u yoki bu hikoyaning kayfiyatini, qahramonlarning o'ziga hos belgilari va xatti-harakatlarini, voqealarning o'ziga xos xususiyatlarini ifodalashi mumkin.

Tasavvuriy fikrlashga asoslangan assotsiatsiyali yod olish eng keng tarqalgan metod hisoblanadi.

Masalan, darslarda bu metod og'zaki so'zlarni yozishning to'g'riligini eslab qolish uchun qo'llaniladi. Imloni jonli tasvir shaklida ifodalaydi. "Limon" so'zi oshkor bo'lganda, talabalar nordon narsalar bilan aloqa qilishadi va uni talaffuz qilganda choziq u ularning tasavvurida namoyon boladi.

Bundan tashqari, lug'aviy so'zlarning yanada yaxshiroq esda qolishiga orfogramma turli xil esda qoluvchi tasvir orqali yoritilgan tayanch kartochkalardan foydalanish yordam beradi, masalan, "" harfi quyosh yoki kulgili tabassum bo'lishi



mumkin. Bunday kartochkalarni birinchi marotaba o'qituvchi taklif qiladi, keyin esa talabalar o'zlarini assotsiatsiyalaridan yaratadilar.

Assotsiatsiya usulidan foydalanish darsni maroqli va har doim o'ziga hos qiziqarli qiladi, e'tiborni, ijodiy va mantiqiy fikrlashni rivojlantiradi, materialni yaxshiroq yodlashga yordam beradi. Yuqorida aytilganlarning hammasidan kelib chiqib, quyidagi xulosalar chiqarish mumkin: oliy ta'lim muassasalarida assotsiatsiya usullari amaliyotda kamdan-kam qo'llaniladi. Ko'p foyda va kamchiliklar mavjud. Ushbu usuldan foydalanish faqat qisqa vaqt ichida juda ko'p so'zlashuvni o'rganish kerak bo'lgan "tajriba" vaziyatlarda tavsiya etiladi. Darslarda assotsiatsiyalar metodini qo'llash o'quvchilarning ijodiy faoliyati va mantiqiy fikrlashni rivojlantirishga, yodlash mexanizmlarini takomillashtirishga, so'z boyligini boyitishga yordam beradi. Ko'pincha, u yoki bu tasvirning boshqasini anglatishiga nima sababligiga oqilona tushuncha yo'q. Har bir insonning assotsiatsiyasi to'liq shaxsiy bo'lishi mumkinligi sababli, talabalar xatolikka yo'l qo'yishdan qo'rqmaydilar va o'zlarini erkin his qiladilar, darsda sezilarli faoliyat ko'rsatadilar. Shunga mos ravishda, o'quv jarayoniga bo'lgan qiziqish ortadi va o'rganishda turtki bo'ladi.

Assotsiativ aloqalar fikrlash, xotira, ijodkorlik, tasavvurning asosidir. Shunday qilib, aqliy harakatning ba'zi bir qismi so'zlar: toifalar, alomatlar, tushunchalar inson ongiga qo'shimcha ravishda o'zaro bog'lanish va o'zaro ta'sir qilish bilan bog'liq. Shu boisdan ham ushbu metoddan darslarda foydalanish juda unumli natijalarni berishiga ishonch bildiramiz.

Yuqorida aytilganlarning hammasidan kelib chiqib, quyidagi xulosalar chiqarish mumkin: fors tili darslarida assotsiativ xotirani rivojlantirishning samarali usullaridan foydalanish va ba'zi mnemotik tadbirlar bilimlarni sifatini oshirish va taraqqiyotni yaxshilashga, fors tilini o'rganishga rag'batlantirishni, bilimlarni rivojlantirishga imkon beradi.

Xulosa qilib aytganda, oliy ta'lim muassasalarida assotsiatsiya usullari amaliyotda kamdan-kam qo'llaniladi. Ko'p foyda va kamchiliklar mavjud. Ushbu usuldan foydalanish faqat qisqa vaqt ichida juda ko'p so'zlashuvni o'rganish kerak bo'lgan "tajriba" vaziyatlarda tavsiya etiladi. Darslarda assotsiatsiyalar metodini qo'llash o'quvchilarning ijodiy faoliyati va mantiqiy fikrlashni rivojlantirishga, yodlash mexanizmlarini takomillashtirishga, so'z boyligini boyitishga yordam beradi. Ko'pincha, bu yoki boshqa tasvirning boshqasini anglatishiga nima sababligiga oqilona tushuncha yo'q. Har bir insonning assotsiatsiyasi to'liq shaxsiy bo'lishi mumkinligi sababli, talabalar xatolikka yo'l qo'yishdan qo'rqmaydilar va o'zlarini erkin his qiladilar, darsda sezilarli faoliyat ko'rsatadilar. Shunga mos ravishda, o'quv jarayoniga bo'lgan qiziqish ortadi va o'rganishda turtki bo'ladi.

Assotsiativ aloqalar fikrlash, xotira, ijodkorlik, tasavvurning asosidir. Shunday qilib, aqliy harakatning ba'zi bir qismi so'zlar: toifalar, alomatlar, tushunchalar inson ongiga qo'shimcha ravishda o'zaro bog'lanish va o'zaro ta'sir qilish bilan bog'liq. Shu boisdan ham ushbu metoddan darslarda foydalanish juda unumli natijalarni berishiga ishonch bildiramiz.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 185
2. J.Jalolov – Chet tili o'qitish metodikasi. Toshkent 1996 y.
3. Гальскова Н.Д., Гез Н.И. Теория обучения иностранным языкам. Лингводидактика и методика. - М.: Издательский центр «Академия», 2006. - 336с.
4. Денисова Л.Г. Место интенсивной методики в системе обучения иностранному языку в средней школе. // Иностранные языки в школе, 1995, № 4, с. 6 - 12.
5. Козаренко А.В. Метод наводящих ассоциаций. <http://mnemotexnika.narod.ru>
6. Кричевская К.С. К вопросу о содержании лексических правил в обучении ИЯ // ИЯШ. 1998. №4. - с.11-18.
7. Рабинович Ф.М., Сахарова Т.В. Интенсивные методы обучения и средняя школа. - Иностранные языки в школе, 1991, № 1. - с. 9.
8. Хлыбова Г.Б. Принцип активности в обучении иностранным языкам // Иностранные языки в школе. - 1994. - № 5. - с.37-42.
9. Щукин А.Н. Методика преподавания русского языка как иностранного. - М.: Высшая школа, 2003. - 334с.
10. [www.englspace.com](http://www.englspace.com)
11. [www.yspu.yar.ru](http://www.yspu.yar.ru)

---

### **Мухлиса Шарахметова**

*Ўқитувчи, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё тиллари кафедраси, ТошДШИ*

### **“БОБУРНОМА” НИНГ УРДУЧА ТАРЖИМАСИДА КОБУЛ ТАЪРИФИ**

**Аннотация.** “Бобурнома” дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Жумладан урдуда ҳам урта таржима мавжуд. Биринчи таржимани туркийдан Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржима қилган. Мазкур таржима аввал 1898 йил, кейинроқ 1926 йил Деҳлида ва 1962 йил Карачида чоп этилган. Китобнинг номи “Бобурнома” деб номланган. Китоб жаъми 426 саҳифадан иборат. Иккинчи таржимани форс тилидан Рашид Ахтар Надавий амалга оширган ва у қисқа таржима ҳисобланади. Бу таржима 1991 йил Лаҳор шаҳрида чоп этилган. “Бобурнома”нинг ушбу наири “Тузуке Бобурий” деб номланган, жаъми 287 бетдан иборат. Учинчи таржима Юнус Жаъфарийнинг Абдураҳим Хони Хононнинг форсча таржимасидан ўгирилган. Китоб “Вақайе-Бабур” деб номланган бўлиб, жаъми 396 саҳифадан иборат.

“Бобурнома”да мамлакатшунослик бўйича ҳам жуда қимматли маълумотлар келтирилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Моварауннаҳр, Афғонистон, Ҳиндистон каби мамлакатларни ҳамда шаҳарларини батафсил ёритган. Мазкур мақолада “Бобурнома”нинг урдуча таржимасида Кобул таърифи мисолида муаллиф услуги масаласига эътибор қаратилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** “Бобурнома”, урдуча таржималар, сарварақ, аслият, изоҳ, сўзбоши, қўлёзма.

**Аннотация.** Произведение “Бабур-наме” было переведено на многие языки мира. В некоторых языках есть по две, три версии перевода, в том же числе и на урду. На язык урду было переведено три раза. Первый перевод перевёл с тюркского языка Мирза Насируддин Хайдар Курагони. Этот перевод сперва был издан в 1898 году, позже в 1926 году в Дели, а затем в 1962 году в Карачи. Название книги “*Tuzuke Baburi*” и состоит из 426 страниц. Второй перевод был переведён с персидского языка Рашидом Ахтар Надави и считается кратким переводом. Данный перевод был издан в 1991 году в Лахоре. Книга называется “*Tuzuke Baburi*” и состоит из 287 страниц. Третий перевод осуществил с персидского на урду Юнус Жафари. Книга называется “*Vaqaye Babur*” и состоит из 396 страниц.

В произведении “Бабур-наме” есть очень ценные сведения по страноведению. Захириддин Мухаммед Бабур подробно описал страны как Узбекистан, Афганистан, Индия, а также их города. В данной статье рассматривается авторский стиль в части Кабул в переводе на урду.

**Опорные слова и выражения:** “Бабур-наме”, переводы на урду, титул, введение, рукопись.

**Summary.** “*Baburnama*” has been translated into many world languages, including three translations in Urdu. In particular, the first translation was made by Mirza Nasiruddin Haydar Kuragoniy from Turki into Urdu. This translation was first published in 1898, after in 1926 in Delhi, after in 1962 in Karachi. The book’s title consist of 426 pages and named “*Tuzuke Baburi*”. The second translation was made from Persian into Urdu by Rashid Akhtar Nadaviy. This translation was published in 1991 in edition of Lahore. This edition of the “*Babur-nama*” named “*Tuzuke Baburi*” and total of 287 pages. It is considered as a brief translation. Finally, the third translation was made by indian professor Yunus Jafariy from the Persian version of Abdurahim Khoni Khonon’s work. The book’s title consist of 396 pages and named “*Vaqaye Babur*”. In the work of “*Babur-name*” there is very valuable information on regional geography. Zahiriddin Muhammad Babur carefully described the countries us Uzbekistan, Afganistan, India and also a lot of cities.

This article discusses the author’s style in the part of Kabul in translation into Urdu.

**Keywords and expressions:** “*Babur-name*”, urdu translations, title, explanation, introduction, manuscript.

Халқлар ўртасидаги маданий муносабатларни адабий алоқалар, хусусан таржимасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таржима дўстлик ва маданият кўприги, деб бежиз айтилмайди. Бадиий асарлар таржимаси икки халқни ўзаро яқинлаштиради, маданий-адабий алоқаларни тараққий эттиришда мислсиз аҳамият касб этади. Ана шундай асарлардан бири буюк ватандошимиз, бобурийлар салтанати асосчиси, ҳукмдор ва шоир, адиб ва тарихчи Захириддин

Муҳаммад Бобур (1483-1530) қаламига мансуб “Бобурнома”дир. XVI асрда яратилган ушбу асар том маънода туркий маданият, хусусан, ўзбек халқи маънавий қадриятларининг юксак намунаси Шарқ ва Ғарб олимлари орасида катта қизиқиш уйғотиб, изчил ўрганилаётган асарлардан биридир.

“Бобурнома” урду тилига уч марта таржима қилинган, лекин бу таржималар тадқиқот доирасига ҳануз киритилмаган. Ушбу тадқиқот Бобурнинг шоҳ асари “Бобурнома”нинг урду тилига қилинган таржимасида муаллиф услубини бериш муаммоларини ўрганиш билан долзарблик касб этади.

Дунё халқларининг ўзаро маданий-адабий алоқалари мустаҳкамланишида таржима асарларининг алоҳида ўрни бор. Адабий алоқаларнинг самарали воситаси сифатида таржима ҳозирги ахборот технологиялари мислсиз тараққий этган даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бадий таржима орқали бир халқ бошқа халқнинг урф-одатлари, менталитети тўғрисида кенгроқ ва чуқурроқ маълумотга эга бўлади. Бу эса халқларни яқинлаштиришга хизмат қилади. Муҳтарам юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловолди учрашувларда Бобур мирзо фаолиятига юқори баҳо бериб, “*Мирзо Бобур бизнинг бобомиз, бизнинг қонимиз, бизнинг болаларимизга гурур билан айтадиган буюк аждодимиздир*”<sup>283</sup> деган сўзлари Бобур сиймосига бўлган эътиборни янада ортиб бораётганлигидан далолатдир.

З.М.Бобур асарлари, биринчи навбатда «Бобурнома» нисбатан содда тилда битилган. Бобурда жимжимадорлик, баландпарвозлик, юқори услубга хос иборалар деярли учрамайди. Унинг содда, равон услуби барча асарларида сақланган.

Маълумки, “Бобурнома”да мамлакатлар, ўлкалар, шаҳар ва қишлоқларнинг сиёсий-тарихий ҳолати билан бирга табиати, илм-фани, маданияти ва бошқа жиҳатлари ҳам мукамал тасвирланади. Қуйида “Бобурнома”да Афғонистон пойтахти Кобул таърифи мисолида урдуча таржимада муаллиф услуби масаласига эътибор қаратилди:

#### **Кобул таърифи**

**Аслият:** *Рабиулаввал ойининг авохирيدا Тенгри таоло фазл ва карами била Кобул ва Ғазни мулк ва вилоятини бежанг ва жидол муяссар ва мусаххар қилди.*

*Кобул вилояти тўртунчи иқлимдиндур. Маъмуранинг ўртасида тушубтур. Шарқи Ламғонот ва Пуриовар ва Ҳашангар ва баъзи Ҳинд вилоятидур. Ғарби кўҳистонлардурким, Карнуд ва Ғўр ул кўҳистондадур. Бу тарихда ҳазора ва накдарий қавмининг маъман ва маскани бу тоғлардур. Шимоли Кундуз ва Андароб вилоятидур. Ҳиндукуш тоғи воситадур. Жануби Фармул ва Назар ва Банну ва Афғонистондур.*<sup>284</sup>

#### **Кўрагоний таржимаси:**

<sup>283</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент:Шарқ, 2014. Кириш саҳифаси. – Б. 7.

<sup>284</sup>Парчалар қуйидаги нашрдан олинди: “Бобурнома”. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б. 107.

کابل کا علاقہ اقلیم چہارم میں سے ہے اور ملک کے وسط میں واقع ہے۔ اس کے مشرق میں لمغانات پشاور کاشغر اور ہندوکش بعض علاقے ہیں مغرب میں کوہستان ہے جس میں کرنو اور غور ہے شمال میں قندز اور اندر اب کا ملک ہے جو ہندوکش پہاڑوں کے بیچ میں ہے جنوب میں فرمل نگر بانو اور افغانستان ہے۔<sup>285</sup>

کابل کا علاقہ اقلیم چہارم: **Кўрагонийда биринчи жумла таржимаси қуйидагича:** **“Кобул вилояти тўртинчи иқлимдадир ва мамлакатнинг ўртасида жойлашган”** айтиш мумкинки، اسلیاتдаги маъно сақланган. Шарқи Ламғонот ва Пуриовар ва Ҳашанғар ва баъзи Ҳинд вилоятидур мазкур жумла урдуга қуйидагича таржима қилинган: **“Унинг шарқида Ламғонот, Пешавор, Кошғар ва Ҳиндукушнинг баъзи вилоятлари бордир”**. **Аслиятдан** кўриниб турибдики، мазкур жумла таржимасида Ҳашанғар жой номи ўзгариб، Кашغر [Ka:shg`ar] бўлиб кетган. Кейинги жумла таржимасида яъни، Ғарби кўҳистонлардурким، Карнуд ва Ғўр ул кўҳистондадур **аслиятдаги маъно сақланган.** Бу тарихда ҳазора ва накдарий қавмининг маъман ва маскани бу тоғлардур яъни (матн табдили: ҳозирги кунда хазора ва накдарий қавмланининг маскани шу тоғлардир) жумласи таржимада тушиб қолдирилган. Айтиш мумкинки، **аслиятдаги маъно тўлиқ сақланмаган.** Шу гапнинг давомидаги Шимоли Қундуз ва Андароб вилоятидур. Ҳиндукуш тоғи воситадур жумласи урдуда- **“Шимолда Ҳиндукуш тоғларининг орасида жойлашган Қундуз ва Андароб вилоятларидир”** тарзида берилган. Шу қисмнинг охириги жумла таржимаси **аслиятга мос келади.**

**Аслият:** *Мухтасар вилоятдур، тулоний воқий бўлубтур. Тули машириқдин мағрибқа боқадур. Атроф ва жавониби тамом тоғдур. Қалъаси тоғқа пайвастандур. Қалъанинг гарб-жануб тарафи кичикрак парча тоғ тушубтур. Ул тоғнинг қулласида Шоҳи Кобул иморат қилғали учун бу тоғни Шоҳи Кобул дерлар. Бу тоғнинг ибтидоси Деварин тангисидиндур. Деҳи Яъқуб тангисида туганур. Гирдо-гирди икки шаръий бўлғай. Бу тоғнинг доманаси тамом боготтур. Менинг амим Улугбек мирзо замонида Вайс атка мирзонинг аткаси бу тоғнинг доманасида бир ариқ чиқарибтур. Доманадаги богот тамом бу ариқ била маъмурдур.*

#### **Кўрагоний таржимаси:**

یہ ایک چھوٹا سا ملک ہے لمبوتر ہے۔ اس کا طول مشرق مغرب کی طرف ہے۔ ارد ارد پہاڑ ہے۔ اس کا قلعہ پہاڑ سے ملا ہوا ہے۔ قلعہ کے مغرب و جانب کے بیچ میں ایک چھوٹی سے پہاڑ کا ہے۔ چونکہ اس پہاڑی کی چوٹی شاہ کابل نے ایک مکان بنایا تھا، اس لئے پہاڑی کا نام شاہ کابل مشہور ہو گیا۔ یہ پہاڑی تنکی انوارین سے شروع ہوتی ہے۔ اور تنکی دہ یعقوب تک تمام ہو جاتی ہے۔ اس کا گردوار ایک میل کا ہوگا۔ اس پہاڑ کے سارے دمنہ میں باغات ہیں۔ میرے چچا الغ بیگ مرزا کے زمانے میں ویس اٹکا نے اسی پہاڑ کے دامنہ میں ایک نہر نکلی تھی۔ دامنہ کے سارے باغات میں یہ نہر پھرتی ہے۔<sup>286</sup>

**Кўрагонийда биринчи жумла таржимаси қуйидагича:**

تزک بابری، مرزا نصیر الدین حیدریک لینڈ کراچی، 1962، 285  
تزک بابری، مرزا نصیر الدین حیدریک لینڈ کراچی، 1962، 286

-مختصر ویلایت دیر یا ایک چھوٹا سا ملک ہے لمبوتر ہے۔ **“کچکینا ویلایت دیر”** تارجمان کچکینا سفاتا سا [sa:] کچرایتی ریش-ارکالاش یوکلاماسینی کوشان، ناتیجا دا اردوچا تارجمادا سا چھوٹا سا [chhoṭa: sa:] **“کچکینا ویلایت دیر”** دے تارجمان کیلیش مومکن۔ قالانینگ غارب-جانوب تارافی کچکیراک پارچا توغ توشوبتور۔ ول توغنینگ قولاسیدا شوخی کوبول امورات قیلغالی یچون بو توغنی شوخی کوبول دیرلار جوملارلار تارجماسیدا اسلیاتداگی ماہنو ساقلانغان۔ یتینچی گاپنینگ تارجماسی کوییداگیچا: *Бу тоғнинг ибтидоси Деварин тангисидиндур۔ Деҳи Яъқуб тангисиди туганур*۔ یہ انوارین، انوارین، انوارین، انوارین سے شروع ہوتی ہے۔ [Anva:ri:n] بولیب کتغان، شو گاپنینگ داوومیداگی Гирдо-гирди икки шаръий бўлғай۔ بوگا۔ [ek mi:l] **“بیر میل”**<sup>287</sup> تارزیدا یگیرغان۔

قولغان جوملارلار تارجماسیدا موالیف اسلوبی ساقلانغان۔

**اسلیاتدا:** Хиндустоний гайри Хиндустонни “хуросон” дер. Нечукким, араб гайри арабни “ажам” дер. Хиндустон била Хуросон орасида хушки йўлдин икки бандардур. Бір Кобул, яна бір Қандаҳор. Кошгар ва Фарғона ва Туркистон ва Самарқанд ва Бухоро ва Балх ва Ҳисор ва Бадахшондин корвон Кобулга келурлар. Хуросондин корвон Қандаҳорга келур. Хиндустон била Хуросонга восита бу вилояттур. Бисёр яхши савдохонадур. Савдогарлар Хитойга ё Румга борсалар, ушмунча-ўқ савдо қилғайлар. Ҳар йил етти-секкиз-ўн минг от Кобулга келур. Қуйи Хиндустондин ўн-ўн беш-ийгирма минг ўйлуқ корвон Кобулга келур. Хиндустон матоъи бурда ва қанд ва набот ва шакар ва ақоқир келтутурлар. Кўп савдогар бўлғайким, даҳ си, даҳ чилга рози бўлмағай.

Хуросон ва Ироқ ва Рум ва Чин матоъи Кобулда топилур: Хиндустоннинг худ бандаридур.

### **Кўрагоний таржимаси:**

اسی طرح ہندوستانی ہندوستان کے علاوہ ملکوں کو خراسان کہتے ہیں۔ ہندوستان اور خراسان کے بچ میں خشکی میں دو بندر ہیں۔ ایک کابل دوسرا قند ہار فرغانہ ترکستان، سمرقند بخارا بلخ حصار اور بدخشان سے کابل میں قافلے آتے ہیں خراسان سے قندہار میں آتے ہیں۔ یہ ملک گویا خراسان اور ہندوستان ایک واسطہ ہے۔ تجارت کی عمدہ منڈی ہے۔ اگر سوداگر روم اور خط جابیں تو اتنا ہی فائدہ اٹھا سکتے ہیں جتنا یہاں اٹھاتے ہیں۔ سال بہ سال اٹھ ہزار گھوڑے کابل میں آتے ہیں۔ ہندوستان سے غلام۔ سفید کپڑا۔ قند مصری شکر اور عقاقیر وغیرہ اسباب لاتے ہیں۔ بہت سے سوداگر ایسے ہیں کہ تگنے اور چوگنے سے بھی خوش نہیں ہوتے۔ کابل میں خراسان۔ عراق روم اور چین کا اسباب مل جاتا ہے۔ اور ہندوستان کا تو یہ بندر رہی ہے۔<sup>288</sup>

**Кўрагоний**да биринчи ва иккинчи жумлалар таржимаси аслиятга мос келади. Учунчи гап таржимаси куйидагыча берилган: ایک کابل دوسرا قند ہار فرغانہ ترکستان، سمرقند بخارا بلخ حصار اور بدخشان سے کابل میں قافلے آتے ہیں خراسان سے قندہار میں۔ Бобур Кобулга қайси шаҳарлардан карвонлар кириб келишини айтиб ўтган, мазкур шаҳарлар ичида “Кошгар” жой номи тушиб қолдирилган. Давомидаги гаплар таржимасида аслиятдаги маъно сақланган.

<sup>287</sup> 1мил 1609 метрга тенг.

<sup>288</sup> ترک بابری، مرزا نصیر الدین حیدریک لینڈ کراچی، ۱۹۶۲

Савдогарлар Хитойга ё Румга борсалар, ушмунча-ўқ савдо қилгайлар. жумласи таржимада куйидагича берилган: Агар савдогарлар Рим ёки Хитойга борсалар, шу қадар савдодан фойда қила оладиларки, اگر سوداگر روم اور خط جايين تو اتنا ہي اگہ سوادگر روم اور خط جايين تو اتنا ہي Хар йил етти-секкиз-ўн минг от Кобулга келур. Бобур Кобулга хар йили етти, саккиз, ўнг минг карвон келишини таъкидлаган, лекин таржимада фақат чама сон ўрнига аниқ **саккиз сони** اٹھ ہزار [a:Th haza:r ] айтиб ўтилган. - سال بہ سال اٹھ ہزار گھوڑے کابل میں آتے ہیں۔ Таржимаси куйидагича: “**Хар йили саккиз минг от Кобулга келади.**” Фикримизча, мазкур гапда маъно тўлиқ етказилмаган.

**Аслият:** *Гармсери ва сардсери ёвуқтур. Кобулдин бир кунда андоқ ерга борса бўлурким, ҳаргиз қор ёғмас. Икки соати нўжумийда андоқ ерга борса бўлурким, ҳаргиз қори ўксумас, магар аҳёнан андоқ ёз келгайким, қор қолмагай.*

*Кобул вилояти берк вилоятдур, ёт ёғийнинг бу вилоятқа кирмаги мушкулдир. Балх ва Кундуз ва Бадахшон била Кобул орасида Ҳиндукуш тоғи тушубтур. Бу тоғдин етти йўл ошар, уч йўл Панжхирдадур. Юққорироқ Хавок кўталидур, андин қуйироқ Тул, андин қуйироқ Бозорак. Бу уч кўталдин яхшироғи Тулдур. Вале йўли бир нима узунроқдир. Ғолибо бу жиҳатдин Тул дерлар. Тўғрироғи Бозоракдур. Тул ва Бозорак Саробқа тушар. Бозорак кўталини Сароб эли Порандий кўтали дерлар .*

#### **Кўрагоний таржимаси:**

گرم سیر اور سرد سیر ملک دونوں یہاں سے قریب ہے۔ کابل سے ایک دن کے راستہ پر وہ ملک ہے جہاں بیشہ برف رہتی ہے۔ شاید کوئی ایسی گرمی کا موسم آجاتا ہو جس میں وہاں برف نہ رہتی ہو۔ کابل سے قریب علاقوں میں گرم سیر اور سرد سیر میوں کی کثرت سے پیدا وار ہے۔ کابل ایک مضبوط مقام ہے۔ اس ملک میں غنیم کا جلدی سے چلا آنا ذرا مشکل ہے۔ کابل بدخشاں - بلخ اور قندز کے بیچ میں کوہ ہندوکش ہے۔ اس پہاڑ سے سات راستے جاتے ہیں تین راستے پنج شیر سے ہیں سب سے بلند پہاڑ خواک ہے۔

**Кўрагоний таржимасида биринчи гап таржимаси шундай:** *Гармсери ва сардсери ёвуқтур* - گرم سیر اور سرد سیر ملک دونوں یہاں سے قریب ہے - **“Гармсер ва сардсер иккала мамлакат бу ердан яқиндир”**. Мазкур гапда [donoN] دونوں сўзи таржимон томонидан кўшилган ва айтиш мумкинки, маънога путур етмаган. Иккинчи гапда *Кобулдин бир кунда андоқ ерга борса бўлурким, ҳаргиз қор ёғмас* жумласи таржимада бутунлай ўзгариб кетган, яъни Бобурнинг таъкидлашича, Кобулдан бир кунда шундоқ ерга борса бўладики, у ерда сира қор ёғмайди, таржимада эса - *грем сир* **“Бир кун йўл босиб, етиш мумкин бўлган жойда шундай юрт борки, у ерда доим қор ёғади”**. Таржимадан кўриниб турибдики, таржимон гапни тушунмаган ва натижада маънога путур етган. *Икки соати нўжумийда андоқ ерга борса бўлурким, ҳаргиз қори ўксумас, магар аҳёнан андоқ ёз келгайким, қор қолмагай.* Охирги жумла таржимаси аслиятга мос келади.

#### **Кўрагоний таржимаси:**

ہندوستان کی طرف کے چار راستے ہیں۔ ایک راستہ لمغانات سے ہے۔ اس میں خیبر کے پہاڑوں کے چھوٹے چھوٹے ٹیلے ہیں۔ دوسرا راستہ بنگش کا ہے۔ تیسرا راستہ نگر کا ہے۔ چوتھا راستہ فرمل سے ہے۔ ان راستوں میں بھی تھوڑی بہت پہاڑیاں ہیں۔ دریائے سندھ کے تین گھاٹوں سے اتر کر ان راستوں میں آتے ہیں جو لوگ نیلاب کے گھاٹ سے اترتے ہیں لمغانات کے راستے سے آتے ہیں۔ جاڑے میں دریائے کابل، دریائے سندھ اور دریائے سوات کے مقام اتصال کے بالا ئی گھاٹ سے اترنا

پڑتا ہے۔

کابل کے علاقہ میں مختلف قومیں بہت ہیں۔ میدانوں اور گھاٹیوں میں اترک اور اعراب وغیرہ قومیں بستی ہیں۔ شہر میں اور بعض دیہات میں تاجک ہیں۔ بعض دیہات اور مقامات میں پشتو ی، پرانچہ، تاجک ترک اور افغان آباد ہیں۔ غزنی کے پہاڑوں میں ہزارہ اور نوکدری ہیں۔ ہزارہ میں بعض قومیں مغلی بولی بولتی ہیں۔ جو کوہستان مابین شرق و شمال ہے، وہ ملک کافرستان ہے۔ جیسے کتور اور کیرک جنوب میں افغانستان ہیں۔

**Кўрагоний**да биринчи жумла таржимаси куйидагича: Мухталиф ақвом Кобул вилоятида бордур “**Кобул вилоятида турли қавмлар кўпдир**۔ Мазкур гапнинг давомида Бобур Кобулда турли хил қавмлар яшашини қайд этиб ўтади. Жулгасида ва тузларида атрок ва аймоқ ва аъробдур. Шаҳрида ва баъзи кентларида сортлардур жумласида Жулгасида ва тузларида, яъни “майдон ва қирғоқларда” урдуда (тоғ ораликлари ва текисликларида)” деб таржима қилинади, шу гапнинг давомидаги атрок ва аймоқ ва аъробдур қавмлари аймоқ қавми тушиб қолдирилган унинг ўрнига бошқа орасида, унинг бошқа қавмлар яшайди дейилган.

Ғарбий тоғларида ҳазора ва нақдарийдур жумласи таржимада “**Ғазни тоғларида**” деб берилган. Шарқи шимолий тарафидаги тоғлар Кофиристондур, мисли Катур ва Габрак ва жануби Афғонистондур жумласини қиёсасак, таржимада Габрак жой номи ўзгариб, کبرک [Kabrak] деб кетилган. جیسے کتور اور کبرک جنوب میں افغانستان ہیں۔

**Аслият:** Ўн бир-ўн икки лафз била Кобул вилоятида талаффуз қилурлар: арабий, форсий, туркий, мўғулий, ҳиндий, афғоний, пашоий, парожий, габрий, баракий, ламгоний. Мунча мухталиф ақвом ва мутағойир алфоз маълум эмаским, ҳеч вилоятта бўлмай.

Вилоёти ўн тўрт тумандур. Самарқанд ва Бухоро ва яна бу навоҳида вилоятчаларним, бир улуг вилоят таҳтида бўлмай, туман дерлар. Ва Андижон ва Кошғар ва ул орада Ўрчин ва Ҳиндустонда паргана дерлар. Агарчи Бажавр ва Савод ва Паршовар ва Ҳашангар бурун Кобул тавобиидин экандур, бу тарихда афғон қавми жиҳатидин баъзи бузулуб, баъзиси афғонга кирибтур. Вилоятлиги қолмабтур.

### **Кўрагоний таржимаси:**

اس ملک میں عربی، فارسی، ترکی، مغلی، ہندی، افغانی، پشتو، پراچی، کنواری اور لمغانی وغیرہ گیارہ بارہ زبانیں بولی جاتی ہیں۔ شاید کسی ملک میں کس قدر مختلف قومیں آباد ہیں اور اتنی متغایر زبانیں بولی جاتی ہیں۔

یہ ملک چودہ تمانوں پر منقسم ہے۔ (سمرقند اور بخارا میں اور اس کے نواح میں تومان اس حصہ ملک کو کہتے ہیں جو ایک بڑے علاقہ کے تحت میں ہو۔ اندیجان، کاشغر چین اور ہندوستان میں اس کو پرگنہ کہتے ہیں)۔ اگرچہ باجور، پشاور اور حشنغر کے علاقے پہلے کابل کے تحت میں تھے۔ مگر آج کل بعض ان میں سے افغانوں نے ویران کر دیے ہیں۔ اور بعض افغانوں کے تصرف میں ہیں۔ اب وہ ایسے ہیں کہ ان کو ملک نہیں کہہ سکتے۔

Аслиятда Бобур Кобулда турли қавмлар истикомат қилиши ва улар ўн бир, ўн икки тилда сўзлашишини айтиб, шулардан ўн битта тилни санаб ўтади. **Кўрагоний** таржимасидаги биринчи гапда ўнта тил зикр этилган, бироқ баракий тили тушиб қолдирилган, шунингдек габрий тили (katva:ri:) шаклида хато битилган.



اس ملک میں عربی، فارسی، ترکی، مغلی، ہندی، افغانی، پشتو، پراچی، کتواری اور لمغانی  
وغیرہ گیارہ بارہ زبانیں بولی جاتے ہیں۔

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкин ки, мамалакатлар таърифи, хусусан “Кобул” таърифининг урдуча таржимаси муаллиф услуби сақланганлик нуқтаи назаридан асосан тўғри ва аниқ бажарилган. Лекин таржимада ютуқлар билан бир қаторда хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, услубий тафовутлар, жой номларининг ёзишда имловий хатолар, айрим сўзларнинг тушиб қолдирилиши каби ҳолатлар кузатилди.

Кузатишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржимаси бир неча жиҳати билан аҳамиятлидир: аввало, аслият тили – туркийдан ўгирилганлиги; иккинчидан, урду тилидаги биринчи тўлиқ таржима эканлиги; учинчидан таржимада муаллиф услубининг сақлаганлиги.

Айрим хато-камчиликларга қарамай, «Бобурнома»нинг урдуча таржималари хусусан Мирзо Насируддин Ҳайдар таржимаси катта аҳамиятга эга – у урду тилида сўзлашувчи халқлар орасида ўзбек мумтоз адабиётининг нодир намунаси бўлмиш «Бобурнома»ни оммалаштиришда, бу улуғ асардан бошқа халқларнинг вакиллари ҳам баҳраманд бўлишга имконият яратиш билан ҳам аҳамиятлидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. “Boburnoma” – Т. “Sharq” Nashtiyot-Matbaa Aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati 2002. – 334 b.
2. Zahiriddin Muhammad Bobur ensiklopediyasi – “Sharq” Nashriyot- Matbaa Aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, T., 2014. – 744 b.
3. Ibrohimov A. “ Boburnoma – buyuk asar ”. – Т., “Gafur Gulom nomidagi Adabiyot va san`at nashriyoti”., 2000. – 63 b
4. “Tuzuke Baburi” – Mirza Nasiruddin Haydar tarjimasi. Karachi. 1962. -426 b.
5. “Tuzuke Baburi ” – Rashid Axtar Nadavi tarjimasi. Lahor. 1993 – 287 b.
6. “Vaqaeye Babir” – Yunus Ja`fari tarjimasi. Angliya. Shehrbanu pablisherz. Kiryakadi 2007 – 396 b.

*Адиба Файзиева*

*Ўқитувчи, Фарбий Европа тиллари кафедраси, ТошДШИ*

## **ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ЛИСОНИЙ МАНЗАРАСИДА “ВАТАН” КОНЦЕПТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАҚОЛЛАР ТАҲЛИЛИ**

*Аннотация. Мақола инглиз ва ўзбек тилларидаги паремиологик мисоллар орқали, тил ҳаракатида нисбатан фаол бўлган ушбу икки тилдаги мақолларни топиб, ўзаро боғлаган ҳолда, ушбу тиллардаги “Ватан” концептин и лисоний таҳлил этишига бағишланган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** паремиология, семантика, фразема, лексика, паронимия.

**Аннотация.** Статъя посвящена лингвистическому анализу понятия «Родина» в двух языках с использованием паремиологических примеров на английском и узбекском языках, чтобы найти и связать эти два языка, которые активно используются в нынешнее время.

**Опорные слова и выражения:** паремиология, семантика, фразы, лексика, паронимия.

**Summary.** The article is devoted to a linguistic analysis of the concept of “homeland” in these two languages using remiological examples in English and Uzbek languages. To find and connect these two languages that are most widely used at the present time.

**Keywords and expressions:** paremiology, semantics, phrases, lexicon, paroimia.

Дунё халқларининг ўзаро муомала-муносабатида етакчи ўрин тутувчи восита тилдир. Тил миллийлик ва халқ маданиятининг ойнаси, халқнинг бойлик-хазиначидир. Ҳар қандай халқ тилининг миллий-маданий семантикаси у яшаётган жой табиати, иқтисодий аҳволи, унинг санъати, бадиий адабиёти, оғзаки ижодиёти, фан-тарихи, анъаналари ва урф-одатларини ўзида сақлаб, уларни келгуси авлодларга етказиб бериш вазифасини бажаради. Тилнинг ҳар бир қатлами: лексика, грамматика ва фонетикада мавжуд бўлган ушбу миллий-маданий семантика тилнинг ҳаракатдаги бирликлари бўлган сўзлар, фраземалар ва паремаларда аниқ намоён бўлади. Ҳар бир тил ўзининг сўзлари, фразеологияси ва паремиологиясига эга. Паремиология сўзи грекча “паронимия” – ҳикмат, “логос” – фан сўзларидан олинган бўлиб, маълум бир тилдаги мақол, матал, афоризм каби ҳикматли иборалар тизимини ўрганадиган фандир.

Ҳар бир халқнинг лисоний манзарасида оғзаки нутқнинг, хусусан, мақолларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс бўлиб, улар халқнинг анъаналари, урф-одатлари ва ўзига хос хусусиятларини намоён этади. Бизга маълумки, “мақол” (арабча сўздан олинган бўлиб мақола, кичик асар, сўз, нутқ деган маъноларни англатади) деганда ҳаётини тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насихат мазмунига эга бўлган ихчам образли, тугал маъноли ибора, гапни тушунамиз.

Мақол, шунингдек, халқнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётини-маиший тажрибаси умумлашган бадиий, образли мулоҳазалардан иборат ҳикматли сўз ҳамдир. Мақоллар – бу халқнинг донолигини, миллатнинг руҳини, унинг маданиятини кўрсатадиган халқ оғзаки ижодининг гавҳарларидир.

Ушбу мақолада К.М.Караматова, Х.С.Караматовнинг “Proverbs, Мақоллар, Пословицы ” китоби асосида “Ватан” концепти билан боғлиқ инглиз ва ўзбек мақоллари ва уларнинг тадқиқи ҳақида фикр юритилади. Мақол

мустақил фольклор жанри сифатида катор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар уни бошқа афористик жанрлардан кескин фарқлаб туради:

Биринчидан, мақол ҳамма вақт аниқ, тугал фикр англатади. Бу фикр катъий, лўнда хулоса сифатида ифодаланади. Фикрий лўндалик эса уни ихчам ифодалашга имкон берувчи икки мантиқий марказдан ташкил топган яхлит композиция асосида юзага келади. Шунинг учун ҳам мақолда бирор ортиқча сўз, тасвирийлик ва тавсифийлик учрамайди. Чунки мақолдаги ихчам фикрнинг ўзи эстетик жиҳатдан катта моҳият касб этади.

Иккинчидан мақол учун маълум бир фикрни мантиқий изчилликка ва катъий кутбийликда ифолалаш хослир.

Учинчидан, мақолнинг асосида ибратомуз тугал фикр ётади.

Тўртинчидан, мақоллар ўз ҳамда кўчма маънода қўлланиш имкониятига эгадир. Бу хусусият мақолларнинг тематик доирасини, қўлланиш чегарасини кенгайтиради. Шунинг учун ҳам мақол бир ёки бир неча халқлар орасида кенг тарқалган бўлади.

Бешинчидан, мақол нутқда далиллаш, исботлаш воситаси сифатида қўлланади. Бундан ташқари, мақоллар фольклорнинг бошқа жанрлари учун тааллуқли бўлган умумий хусусиятларга ҳам эга. Шундай хусусиятлардан бири мақолнинг жуда секинлик билан яратилиши ва йўқолиш хусусияти, тилда ғоятда турғунлиги ҳисобланади. Бу хусусият бевосита мақол мазмунининг шаклий жиҳатига узвий боғлиқлиги билан изоҳланади. Маълумки, ҳар қандай фикр ибратли бўла олмайди ва ҳар қандай ибратли фикр мақол бўлолмайди. Шундай экан, ибратли фикрнинг мақолга айланиши учун айрим шартлар мавжуд.

Аввало, мақолга айланувчи жумла кўп йиллик ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳаётий тажрибасида синалган бўлиши лозим. Қолаверса, мақолда ифодаланган фикр умуминсоний характер касб этиши керак. Ва ниҳоят, шартларга жавоб берувчи ибратли фикр ихчам, мукамал, бадиий жиҳатдан пухта кристалл шаклга эга бўлиши лозим. Кўрсатилган ана шу шартлар тўлиқ юзага чиққандагина ибратомуз фикр мақолга айланади.

Ўзбек халқ мақолларининг пайдо бўлиш жараёни хусусида шундай фикр билдирилади: «Халқнинг қалбида ибратли фикр ҳаёт ҳақидаги хулосалар пишиб, етилиб турган бўлади. Кўпни кўрган, зукко ва гапга чечан одам уни бир неча сўз воситасида юзага чиқаради. Шу тариқа мақол пайдо бўлади, – деб изоҳлайди. Ҳақиқатан ҳам, аслида аввал оғзаки нутқда пайдо бўлувчи мақоллар оғзаки нутқимизда кенг қўлланилади. Улар нутқимизни ихчам ва равон, теран ва мазмунли баён қилишга ёрдам беради»<sup>289</sup>.

Профессор Қ.Содиқов қадимги туркий мақолларнинг пайдо бўлиши тўғрисида қуйидагиларни айтиб ўтади: «Қадимги туркий мақолларнинг яратилган даври аниқ эмас. Машҳур алломаларимиз уларни минг йил бурун қоғозга туширган бўлса-да, ушбу мақоллар асрлар қаърига илдиз отган. Уларнинг баъзиларида яратилган даврининг илдизларини ҳам сезамиз.

<sup>289</sup> Қўшоқов М. Сўз кўрки мақол -Тошкент, 1963.-Б.4. <sup>34</sup> Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. –Тошкент.2006. –Б.78

Жумладан, «Савобли ишлар қилувчи киши бурхон билан баробар, Диёнатсиз киши мис танга билан баробар» мақоли буддизм муҳотида яратилгани тайин. Мақолда келган бурхон – буддизм динида буддадир. Ушбу мақолда «хайрли ишлар қилувчи инсон будда билан баробардир, диёнатсиз кишининг эса қадри йўқдир», деган маъно мужассамлашган. Ёки «Фазилатли киши жавоҳирга тенгдир, фазилатсиз киши этик ичидаги патакка тенгдир» мақоли ҳам айна муҳитнинг ҳосили. Бунинг сабаби, буддизмда учлик: будда, унинг таълимоти ва жамоа муқаддас саналган».

Кўринадикки, мақолларда келган айрим сўз ва атамалар қадим туркларнинг ишонч-эътиқодларида кўлланилса, уларнинг яратилган даврини ўша муҳитга боғласа бўлади. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, бундай сўзлар ҳар доим ҳам мақолларда кўлланавермайди.

Мақолларнинг халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлиги уларнинг миллий ўзига хослигини, айна пайтда, умумбашарий характери билан белгилаб беради. Бу икки жиҳат қадимги турк халқ мақолларининг тематикасида, воқеликни акс эттириш, бадиий-тасвирий воситаларида ва ниҳоят, тилда ўз ифодасини топган.

Мақол – халқ оғзаки ижоди жанри; қисқа ва лўнда, образли, грамматик ва мантқиқий тугал маъноли, хикматли, чуқур мазмунли ўғитдир. Нутқда кенг кулланилувчи муайян, барқарор ритмик шаклига эга бўлиб, улар халқнинг кўп асрли ҳаётини тажрибалари асосида юзага келган. Мақолларда авлод-аждодларимизнинг ҳаётини кузатишлари, жамиятга муносабати, тарихи мужассамлашган. Асрлар мобайнида халқ орасида сайқалланиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган.

Проф. Б.Саримсоқов мақоллардаги кенг мазмун ҳақида гапирар экан, ўзининг «Бадиийлик асослари ва мезонлари» асарида бир мақол мисолида изоҳлаб шундай дейди: «Буғдой нонинг бўлмасин, буғдой сўзинг бўлсин» мақолини олинг. Биргина мақолда ширин сўзлик, одамийлик, лутф-эҳсон, меҳмондўстлик ҳақидаги халқнинг кўп асрлик тажрибаларида жамланган ҳулоса мужассамлашган. Агар биргина шу мақол мавзусида, унда таъкидланган ғояни ифодаловчи эпик, лирик ва драматик асарлар яратилмоқчи бўлса, ўнлаб роман, юзлаб ҳикоя, юзлаб шеър ёки дoston, кўллаб драмалар ёзиш мумкин. Шунда ҳам мавзу ва ғоя мақолдагидек аниқ, лўнда ва ёрқин ифодаланмайди»<sup>290</sup>. Бу фикр ихчам шакл, кенг мазмун учун билдирилган энг аниқ ҳулосадир.

Вақ ўтиши билан йиллараро, даврлараро уларнинг янгилари яратилиб турган, эскиларининг – жонли муомалада, тилда мавжудларининг маъно доираси кенгайиб ёки торайиб борган. Ҳатто уларнинг муайян қисми унутилиб, йўқ бўлиб кетган.

Мақол деб халқнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётини-маиший тажрибаси умумлашган бадиий, образли мулоҳазалардан иборат хикматли сўзларга айтилади. Мақол ўзбек тилида «мақол», тожикларда «зароулмасат», русларда «пословица», арабларда (жонли сўзлашувда) «нақл», туркларда «атасўзи» атамаси билан юритилади. Мақол атамаси арабча «кавлун» - «гапирмоқ, айтмоқ» сўзларидан олинган.

<sup>290</sup> Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари.- Тошкент, 2004. –Б.89

Мақолларда сўз қиммати ёркин ифодаланади. Чунки мақоллардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш, бирон сўз қўшиш мумкин эмас. Улар миллий тил таркибида қолиплаган холда намоён бўлади. Бу жанр дунёдаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида бор бўлиб, хажм, шакл, яратилиши максадига кўра муштарак ҳисобланади. Хатто номланишида ҳам яқинлик аниқ сезилади. Жумладан, араб тилида “кавлун” - гап, сўз маъносини ифодаласа, тожик тилидаги зарбулмасал атамаса мисол келтириш, рус тилидаги пословица сўзлар билан фикрни ифодалаш, турклардаги отасўзи эса аждодлар фикрини эслаш маъносида келади.

Профессор Қ.Содиқов халқ мақолларига қуйидагича таъриф беради: «Мақол – халқнинг юз йил кузатиб, бир айтган сўзи. Уларда халқнинг фалсафий мушоҳадаси, олам, ҳаёт ва жамият ҳақидаги қарашлари, уларга муносабати акс этган. Мақолнинг қудрати – у кишини тарбиялайди, ҳаётнинг паст-баланди, оқ-қораси ҳақида сабоқ беради. Ота сўзларида бор нарсага парда ортидан қараш, ноқаснинг айбини яшириш, хушомад, кўзбўямачилик тушунчаси йўқ. Улар кишини тетик ва иродали қилади, ҳаётга тўғри кўз билан қарашни ўргатади. Халқнинг бу доно фикрлари лўнда ва аниқ жумлаларда берилиши билан ҳам ажралиб туради<sup>291</sup>.

Мақоллар услубий ва масалларни ажратиб ўрганиш ўзига хос илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Қуйидаги битигни saw – масал деб аташ учун масал жанри талабини тақозо этади.

Виё ауш": tibuim aitun.

Qamit suur: men dauda-men / qatda-men?

Мазмуни: «Козон айтур: тубим олтин.

Чўмич айтур: мен кайдаман?» (ДЛТ. 35).

«Девону луғати-т-турк» асари ҳозирги кунга қадар тилшуносликнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб келмоқда. У тил тарихини ёритишда ўз қимматини сақлаб қолмоқда ва қадимги адабий ёдгорликлар тилини ўрганишга хизмат қилмоқда. «Девону луғати-т-турк»нинг вужудга келиши туркий тилларнинг тарихий тақомили, уларнинг маданий ҳаётда, жумладан, илм-фанда кенг ўрин эгаллаганини кўрсатувчи ва далилловчи катта бир манбадир.

«Мақол»ни араблар masal дейди, унинг туркий эквиваленти «отасўзи»дир. Ҳозирги турк тилида «мақол»ни atasozu дейилади. Бу атама ўзбек тилида ҳам сақланган: Оталар сўзи – ақлнинг кўзи деган мақол ана шу маънодадир. Бундан ташқари, ўзбек тилида «мақол» маъносида ўғит, панд, насиҳат, ҳикмат сингари сўзлар ҳам ишлатилади.

«Мақол»ни қадимги турклар saw, ogut, qumaru soz деган. Юсуф Хос Ҳожиб мақолларга нисбатан ot-saw, ogut, qumaru soz атамалари билан бир қаторда masal атамасини ҳам қўллаган. Баъзи манбаларда мақол ва маталлар перема, перемология атамаси билан ҳам қўлланади. «Паремиология коинот қонуниятларини кузатиш, турмуш тажрибаларига суяниш асосида чиқарилган хулосаларни ифодаловчи, халқнинг жамиятга муносабати, рухий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатларини мужассамлаштирган, авлоддан-

<sup>291</sup>Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: Т. Мирзаев, А.Мусоқулов, Б. Саримсоқов. – Тошкент: Шарқ, 2005.- Б.3.

авлодга оғзаки формада кўчиб юривчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмундор мантикий умумлашма сифатида пайдо бўлган мақол, матал, афоризм каби ҳикматли ибораларни – паремаларни ўрганади»<sup>292</sup>. Манбаларда таъкидланишича, «мақол» тушунчасини ифодалаш учун йигирмадан ортик термин кўлланади<sup>293</sup>.

Маълумки, бадий адабиёт воқеликни қандай формада акс эттиришига кўра бир неча турга бўлинади<sup>294</sup>. Биз кўриб чиқаётган мақоллар насрий ҳам лирик турга киради. «Лирик турга кирувчи асарлар, одатда, кичик ҳажмли бўлишига қарамай, турмушни бадий, образли акс эттиришнинг барча хусусият ва белгиларига эга. Лирик турга кирувчи асарларда конкрет индивидуал кечинмалар орқали тирик кечинмалар ифодаланади. Шу орқали лирик асарда бадий умумлаштириш вужудга келади. Яъни лирикада ҳам кечинма ва туйғулар типиклаштирилади. Эпик асарларда қаҳрамонлар бошидан кечирган воқеа-ҳодисалар батафсил тасвирланса, лирикада инсон қалбида руй бераётган бир лаҳзали туйғулар, мулоҳазалар ифодаланади. Шунинг учун ҳам вазн ва кофияга солинган ҳар қандай байт ёки банд лирика бўлавермайди»<sup>49</sup>. Юқорида айтилган фикрлар асосида мақолларнинг маъно ва мазмун кўрилиши ихчам ҳамда пишиқ-пухта ўйланган бўлмоғи керак. Бунда у худди мумтоз адабиётимиздаги тўртлик шаклидаги шеърий жанрлардан рубой, қитъа, туюққа ўхшайди. Чунки уларда ҳам шакл ва мазмун ўзаро мутаносиб, уйғун ҳолда кўлланилади. Насрий шаклдаги мақолларнинг яратилишида ҳам юқоридаги қоидаларга тўлиқ амал қилинади. Буларнинг барини мақол жанрининг тузилишдаги жанр хусусияти сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбек ва инглиз тилларига оид мақоллар берилган мазкур манбада “Ватан” сўзига оид мақоллар ранг-баранг ва турли-туман бўлиб, уларни ўрганиш жараёнида қуйидаги семантик бирликларга бўлдиқ: *уй, ҳайвонлар, нарса-буюмлар, халқ ва мавҳумлик*.

Дастлабки семантик гуруҳни уй сўзи билан боғлиқ мақоллар ташкил қилади. Улардан айримларининг таҳлилига назар соламиз:

*An Englishman`s house is the castle.*<sup>295</sup>

Бу мақолнинг сўзма сўз таржимаси қуйидагича: *инглизнинг уйи – унинг қалъаси*. Ушбу мақол ўзбек тилидаги қуйидаги мақолга мос келади:

*Ўз уйимнинг хушлиги*

*Оёқ – қўлимнинг бўшлиги.*

*Ёки,*

*Ўз уйинг-ўлан тўшагинг*

каби ўзбек мақолларининг маъносида ишлатилади.

Инглиз халқининг менталитети бўйича уларнинг уйи гарчанд ҳашаматли бўлмаса-да, у инсонга қасрдек туйилади, яъни ўзини эркин ҳис қилади. Хоҳлаган юмушларини бажаради. Ўзбек халқида эса, уй бу ўз уйининг бошқа жойлардан устунлиги, инсон у ерда ўзи хоҳлаган пайтда оёқ-қўлини узатиб дам

<sup>292</sup> Ўзбек тилининг паремиологик лугати. Х. Бердиёров, Р.Расулов, - Тошкент: Ўқитувчи, 1984. –Б. 5-6

<sup>293</sup> Қаранг: Ўша китоб.-Б.6-7

<sup>294</sup> Адабиётшуносликка кириш. Н. Хотамов, Ш.Холматов, М.Махмудов,-Тошкент: Ўқитувчи,,1979. –Б. 164

<sup>295</sup> «Proverbs, maqollar, пословицы» Toshkent - «Mehnat» 2000. 806.

олиши мумкинлиги бу икки халқнинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган ўзига хосликларидир.

Иккинчи семантик гуруҳимиз ҳайвон ва парранда номлари билан боғлиқ бўлиб, инглиз мақолларида асосан паррандалар берилади ва улар ўзбек тилига турли ҳайвонлар номи билан акс этишини кўрамиз.

Қуйидаги мақолни тадқиқ этамиз:

**Every bird likes its own nest;**<sup>296</sup>

Бу мақолнинг сўзма сўз таржимаси қуйидагича:

**Ҳар қуш ўз уясини дер;**

Ўзбекча эквиваленти эса қуйидагича:

**Ўргимчак ҳам ўз уйим дер;**

Юқоридаги фикрларнинг исботи сифатида инглиз тилидаги мақолнинг ўзбекча эквивалентида қуш ўргимчак сифатида фойдаланилган. Ушбу мақолнинг ўзбек тилидаги таржимаси юқоридаги уй семантик гуруҳига киритилган мақолнинг ўзбекча таржимаси сифатида берилган “**ўз уйинг-ўлан тўшагинг**” мақолининг ҳам маълум даражада бу ерда ҳам мос келишини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Қуйида яна бир мақол:

**It is an ill bird that fouls its own nest;**<sup>297</sup>

Ушбу мақолнинг сўзма сўз таржимаси қуйидагича:

**Ёмон қуш ўз уясини булғар;**

Ўзбекча эквиваленти эса мана шундай:

**Ўлгиси келган шақол унига қараб увиллар;**

Ушбу мақолда ҳам инглиз тилидаги қуш, ўзбек тилида шақол деб берилганлигини кўриш мумкин.

Нарса-буюмлар семантикаси гуруҳига оид мисолни қуйидаги мақол ёрдамида таҳлил қилиб ўтамиз:

**“Build one’s house upon the sand”**<sup>298</sup>

Ўзбек тилига сўзма сўз таржимаси “**Қумдан уй қурмоқ**” деб таржима қилинади. Бу мақолга ўзбек тилидаги “**Кўйинини пуч ёнгóқ билан тўлдирмоқ**” мақолини эквивалент сифатида келтирамиз.

Навбатдаги семантик гуруҳ халқ сўзига оид бўлиб, қуйидагича таҳлил қилиниши мумкин:

**“It’s the men who make a city”**<sup>299</sup>

ўзбек тилида сўзма сўз таржимаси “**Шаҳарни ташкил этадиган-одамлар**” сифатида таржима қилинади. Унинг ўзбек тилидаги эквиваленти сифатида эса,

**“Юртда одам бўлмаса,**

**Тўнгиз тепага чиқармиш”** мақолини келтирамиз.

Сўнги семантик гуруҳ сифатида мавҳумликни мисол келтирамиз ва қуйидаги мақол воситасида таҳлил этамиз:

<sup>296</sup> Ўша китобдан – 276.

<sup>297</sup> Ўша китобдан – 276.

<sup>298</sup> Ўша китобдан – 1696.

<sup>299</sup> Ўша китобдан – 2296.

*“Anything for a quit life”<sup>300</sup>*

Ўзбек тилига сўзма сўз таржимаси “Тинч ҳаёт учун ҳамма нарса” деб тажима қилинса, ўзбек тилидаги

*“Тинч уйда қулги топилар,*

*Қулги топилса, бойлик топилар”*

мақолини айнан ўзбек тилидаги эквивалент сифатида келтира оламиз.

Юқорида келтирилган мақоллардан кўриниб турибдики, инглиз тилидаги қуш маъносида келган сўзлар ўзбек тилида айнан мана шу ҳайвон қатнашган мақол топиб ишлатилиши учрамаслиги мумкин. Яъни, инглиз мақолларида кўп ишлатилаётган қуш тимсоли ўзбек тилидаги мақолларда турли ҳашарот ва ҳайвонлар тимсолида берилмоқда. Бу ерда нимага айнан бир турдаги ҳайвонлар икки тилдаги бир хил маънони берувчи мақолларда мавжуд бўлмаслигини биз юқорида айтиб ўтганимиздек миллий-маданий семантика халқнинг тарихи, урф-одат ва анъаналари, қадриятлари қаторида унинг географик аспектларини ҳам ўзига сингдириб олади, ҳамда биз тилни халқнинг ойнаси деб бежизга номламаганимиз шу ерда аён бўладики, Европага хос яшил табиат ва ўрмонзорлик Европа қиёсида жойлашган бир халқ сифатида инглизларнинг ҳам ҳаётида қушлар ролининг устунлигини кўрсатиб беради. Бизнинг юртимизда эса иқлим ва табиат нисбатан илиқ бўлганлиги, ҳамда қуёшли юртларда бўлгани каби турли ҳашарот ва ҳайвонларга бойлиги билан изоҳласак мақсадга мувофиқ бўлади.

Мақолга нисбатан тадқиқни янада чуқурроқ олиб борамиз ва юқоридаги фикрлардан тўлиқроқ ва аниқроқ изоҳни “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да кузатамиз: “Мақол – халқ оғзаки ижоди жанри; қисқа ва лўнда, образли, грамматик ва мантикий тугал маъноли, ҳикматли ибора, чуқур мазмунли гап. Муайян ритмик шаклга эга. Мақолаларда авлод – аждодларнинг ҳаётий тажрибалари, жамиятга муносабати, тарихи, руҳий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилатлари мужассамлашган. Асрлар мобайнида халқ орасида сийқаланиб, ихчам ва содда поэтик шаклига келган”. Кўрганимиздек, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” да мақол тўғрисидаги анча тўлиқ ва ихчам фикрлар баён этилган. Унинг халқ оғзаки ижоди жанри эканлиги, тузилиши ихчам ва қисқа шаклда бўлиши, ҳаёт тажрибаси асосида пайдо бўлиши айтиб ўтилган.

Халқ оғзаки ижоди бўйича яратилган адабиётларда мақолга янада тўлиқроқ шарҳ берилган. Қуйида уларни кўриб чиқамиз.

Мақоллар халқ оғзаки ижодининг қадимий оммавий жанрларидан биридир. Улардан халқимизнинг дунёқараши, жамиятга булган муносабати ва ахлоқий нормаси ўз ифодасини топган. Мақол – мантикий мушоҳада намунаси, одоб ва ахлоқ қоидаларини ўзида жамулжам этган доно гап. У кишиларни огоҳлантиради: “Бировга қулма зинҳор, сенга ҳам қулгувчилар бор”, маслаҳат беради: “Ел билмасанг, ел сўрагин билгандан, гап билмасанг, гап сўрагин билгандан”, танбеҳ бериб, танқид қилади: “чолни куриб бувам дема”, меҳнатни улуғлайди: “Ишлаганнинг оғзи ошга тегар, ишламаганнинг боши тошга тегар»,

<sup>300</sup> Ўша китобдан – 2056.



ҳажвий кулгу остига олиб фош этади “иштонсиз, тиззаси йиртиққа кулар» ва бошкалар. Мақолаларда чуқур мазмун, меҳнаткаш омманинг донолиги, миллий анъана, узоқ асрлик ҳаёт тажрибалари, табиат ва жамият ҳодисаларидаги фикр, баҳоси, меҳнат якунлари мужассамлашган. Шунинг учун ҳам мақоллар узоқ умрли бўлади. Мақолларда ҳар бир тарихий давр, ижтимоий сиёсий воқеалар маълум даражада ўз изини қолдиради. Мақолда ҳар бир сўз аниқ, ўз ўрнида ишлатилган ва аҳамиятли бўлиб, ўзига хос ритм, оханг, композицияга эга. Мақоллар – халқ оммасининг ижтимоий тажрибасида кўп марта тасдиқланиб, синовдан ўтиб келаётган, нутқимизни безовчи халқ донолиги қомусидир.

Тил, фалсафа ва бадиий ижоднинг ўзига хос ҳодисаси сифатида юзага келган халқ мақоллари фолкльорнинг ихчам шакл, аммо теран мазмунга эга бўлган бир жанрдир. Соддароқ қилиб изоҳласак, мақол халқнинг кўп асрлар мобайнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда тўплаган тажрибалари, кузатишлари асосида юзага келган ихчам, чуқур мазмунга эга бўлган оғзаки ижод жанрларидан биридир. Мақол – нутқнинг қаймоғи, суҳбатнинг мағзи, биргина шу сўз ичида мақолнинг нима эканлиги, қандай талабларга жавоб бериши ёзиб қўйилган. Ҳақиқатда ҳам мақол ўткир тўғли шамширага ўхшайди. Айтилаётган фикрнинг қаймоғи дейилиши ҳам бежиз эмас. Айтилмоқчи фикрнинг лўнда, ихчам шакли мақолда берилади.

Мақоллар халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларида ажралиб туради. Масалан, дoston, эртақ, афсона ва ривоятлар, латифалар воқеликни хикоя тарзида акс эттирса, мақоллар халқнинг анна шу воқелик ҳақида хулосалари, ҳукмлари оркали ифодалайди.

Мақолларда сўз киммати ёркин ифодаланади. Чунки мақоллардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш, бирон сўз кўшиш мумкин эмас. Улар миллий тил таркибида колипланган ҳолда намоён бўлади. Бу жанр дунёдаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида бор бўлиб, ҳажм, шакл, яратилиши максадига кўра муштарак ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда халқ мақолларида қайси мавзу, ҳаётнинг қайси соҳаси ҳақида фикр юритилмасин, танланган муаммо ҳар томонлама, атрофлича ёритилади. Буларнинг ҳаммаси халқнинг асрлар давомида нақадар доно ва ақлли ижодкор фарзандларга эга бўлиб келганлигига далил бўла олади. Мақолларда халқнинг фалсафий мушоҳадаси, олам, ҳаёт ва жамият ҳақидаги қарашлари, уларга муносабати акс этган. Мақолнинг кудрати – у кишини тарбиялайди, ҳаётнинг паст-баланди, оқ-қораси ҳақида сабоқ беради. Ота сўзларида бор нарсага парда ортидан қараш, ноқаснинг айбини яшириш, хушомад, кўзбўямачилик тушунчаси йўқ. Улар кишини тетик ва иродали қилади, ҳаётга тўғри кўз билан қарашни ўргатади. Халқнинг бу доно фикрлари лўнда ва аниқ жумлаларда берилиши билан ҳам ажралиб туради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Karamatova M., Karamatov H.S. Proverbs, maqollar, posloviцы. Toshkent – «Mehnat» 2000. - 78 б.

2. Қўшоқов М. Сўз кўрки мақол -Тошкент, 1963.-Б.4. <sup>34</sup> Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Тошкент.2006. –Б.78

3. Ўзбек тилининг паремиялогик лугати. Х. Бердиёров, Р.Расулов,- Тошкент: Ўқитувчи, 1984. –Б. 5-6.

4. Адабиётшуносликка кириш. Н.Хотамов, Ш.Холматов, М.Махмудов,- Тошкент: Ўқитувчи,1979. –Б. 164

5. Содиқов Қ. Илк ўрта асрларда Марказий Осиёда кечган этнолингвистик жараёнлар.-Тошкент: Академнашр, 2018.-Б.11.

6. Т. Мирзаев, А.Мусокулов, Б. Саримсоқов. Ўзбек халқ мақоллари. Тузувчилар: -Тошкент: Шарқб 2005.-Б.3.

---

**Дилфуза Шакирова**

Преподаватель, кафедра *узбекского и русского языков*, ТашГИВ

## **ДИАЛЕКТИЗМЫ В ХУДОЖЕСТВЕННОЙ РЕЧИ - ПО МАТЕРИАЛАМ РОМАНА М.А.ШОЛОХОВА «ПОДНЯТАЯ ЦЕЛИНА»**

### **ИЗУЧЕНИЕ АНТОНИМОВ В АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЯХ НА МАТЕРИАЛЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ М.Ю.ЛЕРМОНТОВА**

***Аннотация.** В данной статье были обобщены результаты, достигнутые в изучении указанной темы, изучены антонимы на основе анализа произведений М.Ю. Лермонтова, в частности, стихотворений и поэм «Мцыри», «Демон», даны методические рекомендации по изучению антонимов в академических лицеях. Предложены упражнения и задания, которые развивают мышление и речь, приучают к самостоятельной работе, работе в группах и в сотрудничестве, обогащают лексику, помогают глубже воспринимать поэтический текст.*

***Опорные слова и выражения:** антонимы, противопоставление, М.Ю.Лермонтов, поэма “Мцыри”, поэма “Демон”, антитеза, принцип контраста.*

***Аннотация.** Мазкурмақолада мавзуни ўрганишда эришилган натижалар умумлаштирилиб, М.Ю. Лермонтов асарларининг таҳлили, яъни шеърлари ва “Мцыри”, “Демон” достонлари асосида антонимлар ўрганилди, академик лицейларда антонимларни ўрганиш бўйича услубий тавсиялар берилди. Тафаккур ва нутқни ривожлантирадиган, мустақил ишлашга, гуруҳларда ва ҳамкорликда ишлашга, сўз бойлигини оширишга, шеърини матнни чуқурроқ англашга ёрдам берадиган машқлар ва топшириқлар берилди.*

***Таянч сўз ва иборалар:** антонимлар, қарама-қаршилик, М.Ю.Лермонтов, “Мцыри” достони, “Демон” достони, антитеза, қарама-қаршилик тамойили.*

*Summary.* This article summarized the results achieved in the study of this topic, studied the antonyms based on the analysis of the works of M.Yu. Lermontov, in particular, poems and poems "Mtsyri", "Demon", gives methodological recommendations for the study of antonyms in academic lyceums. Exercises and tasks are proposed that develop thinking and speech, accustom to independent work, work in groups and in cooperation, enrich the vocabulary, help to more deeply perceive the poetic text.

**Keywords and expressions:** antonyms, contrast, M.Yu. Lermontov, the poem "Mtsyri", the poem "Demon", antithesis, the principle of contrast.

Развитие современного языкознания характеризуется все более пристальным вниманием лингвистов к вопросам смысловой структуры слова, к системному рассмотрению различных уровней языка, в том числе лексики.

Одной из важных проявлений системных отношений в лексике является антонимия.

Как известно, в лексической системе современного русского языка многие слова связаны между собой не только синонимическими отношениями, но и антонимическими. В этом случае слова объединяются противоположными значениями (жизнь – смерть, говорить – молчать, хороший – плохой).

По мнению Новикова, «одним из важных проявлений системных отношений в языке является соотносительная противоположность его элементов». Он утверждает, что антонимические отношения буквально понижают язык.

Антонимы (гр. anti – против и onoma – имя) – это слова, противоположные по значению. Например, красивый – безобразный, любовь – ненависть, надежда – отчаяние, входить – выходить, светлеть – темнеть, начинать – кончать, часто – редко, можно – нельзя, высокий – низкий.

Антонимия строится на противопоставлении соотносительных понятий: друг – враг, горький – сладкий, недооценивать – переоценивать, просто – трудно и др. Антонимический ряд составляют слова, принадлежащие к одной и той же части речи. В антонимические отношения вступают знаменательные части речи (имена существительные, прилагательные, глаголы и т.д.) и служебные (например, предлоги: в – из, над – под, с – без и др.)

Слова с конкретно-предметным значением, употребленные в прямом, а не в переносном значении (верблюд, стол и др.), не способны иметь антонимы. Не имеют антонимов имена собственные, имена числительные, большинство местоимений и др.

При исследовании антонимии необходимо учитывать не только семантическое противопоставление, но и логическую противоположность.

«Логическую основу антонимии образуют не противоречащие, а противоположные понятия». Противоположные понятия отрицают друг друга, между ними всегда возможно третье, среднее понятие. Например, горячий – теплый – холодный (противоположные понятия) и горячий – негорячий (противоречащие понятия).

Противоположные понятия, отрицая друг друга, характеризуются положительным содержанием, сильным противопоставлением.

Что же касается противоречащих понятий, то они также отрицают друг друга, но они не имеют ничего среднего и характеризуются ослабленным, негативным противопоставлением. «Противоречащие понятия не образуют логические модели антонимии. Основой модели антонимии является противоположность».

Таким образом, антонимами являются разные по звуковому составу противоположные по значению слова, выражающие логически контрастные понятия. Антонимы могут выражать противоположные понятия времени, места, пространства, размера, объема, чувства, различного состояния, явлений природы и т.д.

Принцип контраста является одним из ведущих в творчестве Лермонтова, определяющих его индивидуальный стиль. Углубленное изучение личности поэта позволяет говорить о том, что эта черта стиля в конечном счете есть отражение особенностей творческого мышления поэта, склада его ума и характера: «Безверие и вера, скептицизм и мечтательность, тоска по идеалу и вызывающий цинизм, любовь и ненависть, трагизм отчаяния и мужество борьбы, суровость бойца и детская незащищенность, стремление к покою и жажда бурь, - вот лишь некоторые из характерных «душевных антиномий» личности Лермонтова, придающих ей особую исключительность и неповторимость».

В работах по лексикологии, стилистике антонимии указывается на то, что использование антонимов в литературных произведениях различных жанров является очень ярким средством художественной выразительности.

В процессе выполнения данной работы были изучены стихотворения и поэмы «Мцыри», «Демон» М.Ю. Лермонтова.

В произведениях Лермонтова разнообразно представлена прежде всего антитеза – стилистическая фигура, в которой ярко проявляется содержательная сущность антонимов в результате их резкого противопоставления.

Содержательное, структурное и стилистическое разнообразие антитез показывает, как мастерски использует поэт этот стилистический прием, исключительно метко, с поражающей глубиной и выразительностью передавая чувства, мысли, душевное состояние лирического героя.

Яркой выразительностью обладает и другой прием, который «состоит не в противопоставлении антонимов, а в отрицании, в нейтрализации их, в отталкивании от крайних степеней проявления какого-нибудь качества». Этот прием позволяет Лермонтову поразительно метко и тонко передать такое состояние «души человеческой», которое невозможно описать столь же точно и выразительно с помощью других слов (не антонимов).

Реализуется данный стилистический прием в стилистической фигуре нейтрализации противоположностей. Лермонтов использует этот прием в разных произведениях при изображении идентичных ситуаций, чтобы с наибольшей глубиной выразить смятение и неопределенность душевного состояния героя. Ср.:

Есть сумерки души, несчастья след;  
Когда ни мрака в ней, ни света нет.  
Она сама с собою стеснена.  
Жизнь ненавистна ей и смерть страшна.  
(«Литвинка»).

Таким образом, принцип контраста становится ведущим в творчестве М.Ю. Лермонтова. Этот принцип получает наиболее яркое, последовательное и системное воплощение в содержании произведений. Поэтом широко используются стилистические фигуры соединения, противоречия, отождествления, превращения и взаимодействия противоположностей, разделения, чередования, сравнения, сопоставления, которые создают сложный поэтический образ.

В поэме «Демон» М.Ю. Лермонтов использовал тридцать пар антонимов, принадлежащих разным частям речи. Это имена существительные: зверь – птица, юг – север, свобода – рабыня, праздник – битва, крик – стон, разлука – свидание, радость – печаль, грядущее – прошедшее, день – ночь, мрак – свет, ад – рай, зло – добро, небо – земля, падение – победа, блаженство – страдание, вечность – миг, любовь – злоба, грусть – радость; имена прилагательные: дикий – чудный, резвая – печальная, первый – последний; глаголы: помчаться – остановиться, несется – осадит, наслаждаться – страдать, ненавидеть – любить, опуститься – полететь; словосочетания: утра луч – мрак ночей, дно морское – облака; наречия: ближе – дальше.

В процессе анализа текста поэмы «Мцыри» было выписано двадцать пар антонимов, которые принадлежат к разным частям речи: существительные: люди – смерть, небо – земля, отец – мать, солнце – поля, воля – тюрьма, ропот – спор, небеса – подземная пропасть, страданье – покой; прилагательные: незнакомый – родной; глаголы: видел – не находил, знал – не знал, ненавидел – любил, ниц лежали – убежал, бежал – прилег, стихал – раздавался, отперлась – затворилась, трепетал – гас, слезы не знал – плакал, встал – прилег, блеснули – закрылись, скользила – свивалась кольцом, пел – замолкал, верь – не верь.

Таким образом, использование антонимов в обеих поэмах («Демон», «Мцыри») Лермонтовым позволило ему сделать язык своего произведения более выразительным, образным, точным, колоритным.

Привлечение антонимов в художественную ткань лирических произведений Лермонтова, в поэмах «Мцыри» и «Демон», на наш взгляд служит следующим задачам: для создания образности текста, для передачи контраста между окружающей действительностью и мятежное, полное прекрасных порывов души героя.

Личность и творчество М.Ю.Лермонтова, видимо, никогда не перестанут удивлять и волновать своей исключительностью и в то же время глубокой человечностью. Поэт весь как бы соткан из противоположностей. Он классически прост и необычайно сложен, глубоко противоречив и вместе с тем поразительно целен, ясен и загадочен.



Практика показала, что работа над антонимами русского языка является одним из эффективных средств обогащения словарного запаса учащихся академического лица.

В академических лицах изучаются лирические произведения поэта и поэма «Мцыри». В учебниках после отрывков из художественных текстов встречаются задания, предлагающие учащимся подобрать к данным словам антонимы или синонимы, заменить выражения одним словом и другие. Однако такие задания редки и не заостряют внимания учащихся на богатстве русского языка и не прививают навыков и умения на практике употреблять пословицы, фразеологизмы, синонимы и антонимы. Как следствие – в сочинениях и изложениях учеников часто встречаются повторы, отсутствуют образные сравнения.

Анализ показал, что антонимия в академических лицах изучается в разделе «Лексика» на первом курсе. В учебнике С.Ю. Исламбековой «Русский язык» для 10 класса и средних учебных учреждений доступно изложено правило, далее даны задания, упражнения, кроссворд, дополнительный материал.

На наш взгляд, в учебнике дано достаточное количество упражнений по антонимии. Задания упражнений разнообразные. Это и составление предложений со словами-антонимами, и подбор антонимов к словам, и дополнение предложений, и прочтение и запоминание слов-антонимов, и работа с пословицами, и решение кроссвордов.

Изучению биографии и творчества И.Ю. Лермонтова на уроках русской литературы отведено всего 4 часа на первом курсе. В учебнике после тем по биографии, лирике и поэме «Мцыри» нет ни одного задания по антонимии. На наш взгляд, учебник не полностью отражает программу.

При работе над антонимами могут использоваться следующие виды работ:

- 1) Подбор к словам антонимов.
- 2) Составить предложения с данными парами антонимов.
- 3) Выделение из указанного текста слов противоположного значения.
- 4) Замена в данном тексте выделенных слов их антонимами.
- 5) Дописывание предложений, имеющих антонимический смысл.
- 6) Нахождение антонимов в стихотворных отрывках.
- 7) Нахождение антонимов в пословицах.

Смелый там найдет, где робкий потеряет.

Чужой земли мы не хотим, а своей не отдадим.

Веревка лучше длинная, а речь короткая.

- 8) Подобрать и записать антонимичные пары по группам:

А) антонимы, обозначающие размеры предметов, их положение в пространстве. Например, далекий – близкий, высокий – низкий, здесь – там, правый – левый и т.д.

Б) антонимы, обозначающие время. Например, рано – поздно, утро – вечер,

осень – весна.

В) антонимы, обозначающие различные качества, свойства. Например, хороший – плохой, грязный – чистый, здоровый – больной и т.д.

Г) антонимы, обозначающие чувства, настроения человека или черты его характера. Например, веселый – грустный, добрый – злой, умный – глупый, любовь – ненависть и т.д.

9) К выделенным словам подобрать слова-антонимы и дополнить ими пословицы. Например,

Лучше с умным потерять, чем с дураком ...

Друг говорит резко, а ... ласково.

Мягко стелет, да ... спать.

Данные упражнения развивают мышление и речь, приучают к самостоятельной работе, работе в группах и в сотрудничестве, воспитывают любовь к русскому языку, ребята учатся точно употреблять слова в речи, обогащается их лексика, глубже воспринимается поэтический текст.

При изучении поэмы «Мцыри» преподаватель может предложить следующие задания:

- 1) Прочитать и выписать из поэмы лексические антонимы;
- 2) Разделить антонимы на группы по принадлежности к разным частям речи: существительные, прилагательные, глаголы;
- 3) Разделить антонимы по структуре: однокорневые и разнокорневые;
- 4) Разделить антонимы на группы по значению – место, предмет, пространство, признак, действие, чувство;
- 5) Разделить антонимы на языковые и контекстуальные.

Поэма «Демон» по программе в академических лицеях не изучается. Можно предложить внеклассное занятие на первом курсе.

При выполнении заданий могут быть использованы новые педагогические и игровые технологии. Деловые игры, которые сегодня называются интерактивными методами работы в малых группах, использовались на уроках литературы уже давно. Сегодня они называются: метод «Пчелиный рой», метод «Ручка на середине стола», метод «Мозаика». Более тщательная подготовка нужна для использования метода «Мозгового штурма» и метод «Синектика».

Таким образом, разнообразные задания помогут более полному усвоению содержания произведения, обогащению устной и письменной речи, развитию творческого мышления учеников.

Каждый урок, каждое внеклассное занятие должны помогать выполнить основное требование программы - способствовать практическому усвоению русского языка учениками, развивать их устную и письменную речь.

### **Использованная литература:**

1. Матвиевская Л.А. О стилистическом использовании антонимов в лирике и поэмах М.Ю. Лермонтова
2. Новиков Л.А. Антонимия в русском языке.
3. Новиков Л.А. Логическая противоположность и лексическая антонимия.

4. Новиков Л.А. Типы антонимов в русском языке.

5. Рез М.Ю. Лермонтов в школе.

### Интернет-сайты

6. <http://edu.uz> – сайт Министерства высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан.

7. <http://ziyonet.uz> – национальная общественная образовательная информационная сеть.

---

### Мухаррам Мирзаева

Ўқитувчи, Жанубий ва Жануби-шарқий Осиё тиллари кафедраси, ТошДШИ

## УРДУ ТИЛИДА ДАРСЛИК ЁЗИШ МЕТОДИКАСИ

**Аннотация.** Ушбу мақолани ёзишдан мақсад ҳозирги кунда давр талаби бўлган хорижий тилларни мукамал ўрганиш, чет эллар билан алоқалар жадал ривожланиб бораётгани боис ёшларга малакавий билим бериш учун дарсликлар катта аҳамиятга эга эканлигидир. Мақолада урду тили тарихи, ва унинг Ҳиндистон ва Покистондаги ўрни ҳақида маълумотлар берилган. Мақолада 2012 йилда тузилган урду тили дарслигининг баъзи бир камчиликлари ҳақида айтиб ўтилган. Мақоланинг асосий мазмуни дарсликнинг фонетика ва морфология қисмларига эътибор қаратилган. Дарсликнинг 1-курс талабалари ҳамда мустақил ўрганувчилар учун мавзулар содда ва раво қилиб берилганлиги таъкидлаб ўтилади. Дарсликдаги грамматик мавзуларни жадаллар орқали тушунтирилиши талабаларга тил ўқитишда афзаллик томонлари ёритиб берилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Покистон, Ҳиндистон, янги авлод дарслиги, урду тили, ҳинд-орий тиллари, фонетика, морфология, грамматик мавзулар

**Аннотация.** Цель этой статьи - обеспечить всестороннее изучение иностранных языков, которое сейчас востребовано, так как учебники играют важную роль в обеспечении качественного образования молодежи. В статье дается обзор истории языка урду и его роли в Индии и Пакистане. В статье описаны некоторые недостатки учебника по урду, созданного в 2012 году. Основное содержание статьи посвящено фонетическим и морфологическим компонентам учебника. В курсе отмечается, что темы просты и понятны для студентов первого курса и независимых учащихся. Объяснение тем грамматики в учебнике через таблицы иллюстрирует преимущества обучения студентов языку.

**Summary.** The purpose of this article is to provide a comprehensive study of foreign languages, which is now in demand, since textbooks play an important role in ensuring the quality education of youth. The article gives an overview of the history of the Urdu language and its role in India and Pakistan. The article describes some of the shortcomings of the Urdu textbook, created in 2012. The main content of the

*article is devoted to the phonetic and morphological components of the textbook. The course notes that the topics are simple and understandable for first-year students and independent students. Explaining grammar topics in a textbook through tables illustrates the benefits of teaching students a language.*

**Кириш.** Мақолада дарсликларнинг қанчалик ўқувчига фанни ўргатишда ўрни муҳимлиги ақс эттирилган. Ҳозирги даврда чет тилларни ўқитиш долзарб мавзу бўлганлиги сабабли дарсликларга катта эътибор берилиши таъкидлаб ўтилган. Дарслик ёзишда асосий эътиборни ўқувчилар савиясига мос келадиган тушунарли соддадан мураккабга қараб кетма-кетликка диққат эътиборни қаратилиши зарурлиги уқтирилади. Бу талабаларга сифатли ва малакали билим беришнинг асосий негизидир.

**Усуллар.** Мақола асосан дарсликни таҳлилий томондан ёндашиб ёзилган, унда аввалги дарсликдаги камчиликлар ҳамда янги дарсликнинг афзаллик томонлари кўрсатиб берилган.

Республикамизда босқичма-босқич демократик тамойилларнинг устиворлигига асосланган янги жамиятни қуришга йўналтирилган ислохотлар доирасида таълим-тарбия ишларига катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётини таъминлаб берувчи асосий омил сифатида намоён бўлиб, ушбу ҳужжатларда замон талабларига мувофиқ бўлган барча шарт-шароитлар ва ҳаммадан аввал инсон манфаатларининг устиворлигини таъминловчи имкониятлар, унинг эҳтиёжларини амалга ошириш масалалари билан бир қаторда рақобатбардош, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш асослари белгилаб қўйилган. Чунончи, Республикамиз Биринчи Президентининг 2012-йил 10- декабридаги ПҚ-1875-сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида келтирилишича “...мамлакатда Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни уйғун камол топган, ўқимишли, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди”.

Давлатимизнинг хорижий шарқ мамлакатлари билан ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқалари мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда чет тилларини, жумладан, шарқ тилларини мукамал билувчи, салоҳиятли филологлар, таржимашунослар, синхрон-таржимонларни етиштириб бериш куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бунда Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимига чет тилларини ўргатиш бўйича халқаро таълим стандартларини жорий қилиш ва “чет тилларини эгаллашнинг Умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш, баҳолаш” даражаларига асосланиш муҳим аҳамият касб этади.

Айнан ҳозирги пайтда хорижий тилларни мукамал ўрганиш давр талабига айланиб бўлди. Шу боис чет давлатлар билан алоқалар улкан қадамлар билан ривожланиб бормоқда. Ушбу ривожланиш бошқа давлатлар хусусан

Ўзбекистон Республикасининг сиёсати, иқтисодий, маънавий, маърифий, қолаверса ҳаётимизнинг бошқа жабҳаларига таъсир ўтказиб келмоқда. Бошқа шарқ тиллари каби ҳозирги пайтда Ҳиндистон ва Покистон тили бўлган урду тилини Ўзбекистонда яна ҳам чуқурроқ ўрганиш, ушбу тил ва унда яратилган адабиёт бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратиш мамлакатлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришнинг зарурий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Урду тили ўзининг ёқимлилиги, сўзларининг синонимларга бойлиги, шеърий вазнга осон тушиши жиҳатидан бошқа мамлакатнинг шоир, ижодкор ва олимларини ўзига жалб этиб келмоқда. Сўнгги йилларда ўзгача ривожланиб бораётган Ўзбекистоннинг Ҳиндистон ва Покистон билан маданий алоқалари ҳар икки халқнинг бир-бирларининг тилини ўрганишга эҳтиёжи борлигини кўрсатмоқда.

Урду тили Ўзбекистонда 1947 йилдан, яъни Ҳиндистон ва Покистоннинг мустақил давлат сифатида ташкил топганидан бошлаб мактаб ва олий ўқув юртларида ўқитиб келинмоқда. Урду тилини чуқурроқ ўқитиш мақсадида дарслик ва ўқув қўлланмалар, луғатлар чоп этилмоқда. Шулар қатори академик лицейларда ҳам дарслик яратиш эҳтиёжи юзага келди. Урду тили Покистоннинг давлат тили, Ҳиндистоннинг эса йирик тилларидан ҳисобланади. Ҳозирги пайтда хориждаги покистонликлар ва ҳиндистонликларнинг диаспорасида ҳам урду тилида сўзлашилади. Жуда кўп Европа давлатларида ҳам урду тилида газета ва журналлар чоп этилади. Урду тили ўрганиш бўйича Англия ва АҚШда электрон иловали дарслик ва қўлланмалар нашр этирилмоқда. Бир сўз билан айтганда урду тилини ўқитишнинг янги босқичига қадам қўйилгани маълум бўлмоқда.

Урду тилида дарсликлар яратиш эҳтиёжи юзага келганлиги сабабли 2011 йилда республикамизнинг мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан академик лицей 1-курслар талабалари учун марҳум А.Иброҳимов билан ҳамкорликда дарслик яратилди. Ушбу дарслик ўқув фан дастури асосида ёзилди. Дарсликда 1-курслар учун фонетика, морфология қисмлари лицей ўқувчиларининг билим савиялари даражасида ёзилди. Дарсликда ҳар бир бўлимга мос равишда машқлар, матнлар ва луғат берилган. Урду тили ҳинд-Европа тилларининг ҳинд тиллар гуруҳига мансуб. Шунинг учун урду тилида ҳиндий тилларига ҳос товушлар ҳам ўзлашган. Масалан, нафасли ва церебрал товушлар. Ушбу товушлар ўзбек тилига мутлақо мос эмас, ҳамда уларни талаффуз қилишга ўргатиш ўқувчидан анча кунт ва меҳнат талаб қилади. Шу боис дарсликнинг фонетика қисми кенг ёритилди. Бундан ташқари морфология қисмига ҳам катта эътибор қаратилди. Дарслик 18 дарсдан иборат бўлиб, ҳар бир мавзуга талайгина машқлар ва матнлар, луғат берилган. Бу дарслик лицейлар учун яратилган биринчи дарслик ҳисобланади. Бу дарслик қисқа вақт ичида яратилгани сабабли камчиликлар бор, албатт. Лекин шунга қарамасдан бошланғич гуруҳ талабалари ва мустақил ўрганувчилар учун анча қўл келадиган дарслик, дейиш мумкин.

Аммо, замон талабига кўра янада мукамал ва янада чуқурроқ билим бериш мақсадида дарсликларни қайта кўриб чиқиш масаласи юзага келди. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти Жанубий Осиё тиллари кафедраси

устозлари билан биргаликда янги авлод дарслигини яратиш вазифаси топширилди. Ушбу дарслик академик лицей биринчи курс талабалари ҳамда урду тилини ўрганиш ниятида бўлганлар учун мўлжалланган. Энг аввал ўқув фан дастурини кафедра доценти М.Абдурахмонова билан биргаликда кўриб чиқиб, баъзи ўзгаришлар киритилди. М.Абдурахмонова дарсликни янада мукаммал чиқишига ўз тавсияларини берди. Дарслик таркиби фонетика ва грамматика бобларидан иборат. Ҳар бир мавзунинг якунида янги сўз ва иборалар берилган. Дарсликнинг фонетика боби Шарқшунослик институтининг Жанубий Осиё тиллари кафедраси катта ўқитувчиси М.Муртазохўжаева томонидан, грамматика боби Шарқшунослик институти қошидаги Олмазор академик лицейи бош ўқитувчиси М.Мирзаева томонидан, матнлар эса ТДШИ Жанубий Осиё тиллари кафедраси доценти М.Абдурахмонова томонидан тайёрланди. Дарслик бошида янги ўрганувчилар учун урду тили тарихи ҳақида кенг маълумотлар ҳам берилди.

Дарсликда Урду Ҳинд-Европа тиллари оиласининг Ҳинд-Орий тилларига мансублиги, Покистоннинг расмий тили ва Ҳиндистонда сўзлашиладиган асосий адабий тилларидан бири эканлиги, Покистон ва Ҳиндистоннинг бир қанча йирик шаҳарларида сўзлашилиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари урду тилининг 13-14 асрларда оғзаки муомала тили ҳиндустаний (ҳиндавий) бўлганлиги ва унга форс тилининг кучли таъсири ўтганлиги таъкидлаб ўтилган. Урду тили тарихи бўлими М.Ҳ.Абдурахмонованинг урду тили лексикологияси ўқув қўлланмасидан қисқартириб берилган. Талабалар қисқа маълумотлар аниқ ва лўнда берилганлиги сабабли урду тили ҳақида керакли маълумотларга эга бўла оладилар.

Дарсликнинг кириш, фонетика ва ёзув қисми ўн бир дарсдан иборат. Биринчи дарсда урду тили алифбоси, икки кўринишли ҳарфлар, қисқа ва чўзиқ унлилар, эроблар берилган. Ушбу бўлимда урду тили алифбосидаги ҳарфларнинг турлари, ундаги унли ҳарфларнинг ўзбек тилидан фарқлари ҳақида, қисқа ва чўзиқ унлилар ҳақида батафсил тушунтириб борилади. Талаффуз учун алоҳида машқлар берилган. Ҳар бир дарсда ҳарфлар жадвал тарзида ёзув қоидалари кўрсатилиб борилади. Дарс якунида амалий машқлар, топшириқлар борилади. Дарсликнинг асосий қисми морфология бўлиmidир. Морфология қисми асосан ўн тўққизта дарсдан иборат. Биринчи дарс кишилик олмошлари мавзуси билан бошланади. Бу мавзуда ҳар бир олмошга алоҳида изоҳ берилиб, олмошларнинг бирлик, кўплик шакллариининг ишлатилишига алоҳида қоидалар берилган. Кишилик ва кўрсатиш олмошларининг ишлатилишида албатта “Нона” феълининг содда шакли ва унинг шахсларда тусланиши кўрсатилган. Бу қисмдаги барча грамматик қоидалар жадвал тарзида берилиши ўқувчиларга мавзуни янада мукаммал ва аниқ ўзлаштиришларига ёрдам беради. От мавзусида отларнинг жинси, сони ҳақида аниқ маълумотлар берилган. Музаккар ва муаннас жинсидаги отларнинг кўплик шакли ясалиши қоидалари мисоллар орқали аниқ ёритиб берилган. Отларнинг келишиги, от кўмакчиларига ҳам алоҳида машқлар бериб ўтилади. Ўқувчилар учун отларнинг воситали ва воситасиз келишикларини яхшилаб тушуниб олишлари

учун ҳам аниқ қилиб жадваллар тарзида машқлар келтирилган. Ҳар бир дарсдан сўнг ўқувчилар билимларини мустаҳкамлаш учун савол ва топшириқлар берилган. Мурожаат келишиги, сифат даражалари ва унинг турлари ҳам бу қисмда алоҳида ўрин тутди. Ҳар бир грамматик қоидалар тушунарли бўлиши учун машқлар, саволлар ва матнлар орқали изоҳлаб берилган. Сонлар мавзусида сонларнинг турлари ҳам ўқилиши ҳам сонда келтирилган. Асосий мавзулардан бири бўлган “фёъл” (масдар) мавзусида энг аввал ўқувчилар сўз бойлигини ошириш мақсадида етарли даражада фёъллар таржимаси билан ёдлаш учун берилган. Масдар мавзуси ичида буйруқ майли келади. Унинг ясалиши, шахсларда тусланиши машқлар орқали аниқ қилиб кўрсатилган. Бундан ташқари равишдош мавзуси ҳам кенг ўрин олган. Фёълнинг нотугал сифатдоши мавзуси алоҳида ўрин тутди. Шу мавзу ичида одатдаги ҳозирги замон ва ҳона фёълнинг содда ва мураккаб шакллари қоидалари келтирилади ва бу мавзуга оид талайгина машқлар ҳам бор. Дарслар машқлар ва матнлар орқали мустаҳкамланиб боради. Шу кетма-кетликда келаси замон фёълнинг ясалиши, фёълларнинг шахсларда тусланиши аниқ қилиб кўрсатилган. Худди шу каби оддий ўтган замон фёъли ҳам дарсликда кенг ўрин олган. Дарслик якунида орт кўмакчилар мавзуси ҳам бир қанча машқлар билан бойитилган. Дарслик якунида ўқувчилар сўз бойликларини ошириш, талаффуз ва таржима учун алоҳида машқлар берилган. Сўнгра дарсликда 3 хил тилде, яъни ўзбек, рус ва инглиз тилида мундарижа келтирилган.

Дарслик ҳақида гапирадиган бўлсак, ушбу дарслик лицей талабаларига ҳамда мустақил ўрганувчиларга урду тилини ўрганисларига уларда тилга бўлган қизиқиш ва кўникмаларини оширишга анча кўл келади деб ҳисоблайман. Чунки ундаги грамматик қоидалар, машқлар, матнлар ҳар томонлама ўрганиб чиқилган ва кўп йиллик тажриба асосида тузилган. Дарслик лицей, мактаб ва мустақил ўрганувчилар учун анча қулай, содда ва раван тузилган. Ҳулоса қилиб айтганда дарслик бошланғич урду тили ўрганиш мезонларига тўлиқ жавоб беради деб ўйлайман.

Ҳулоса қилиб айтганда, мақолада янги дарсликнинг ўқувчиларга сифатли ва самарали билим беришда катта ўрин тутиши ёритиб берилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжано халқимиз билан курашимиз. Т.: “Ўзбекистон”, 2017
2. Хуторской А.В. Современная дидактика учебное пособие. 2-ое издание. М. Высшая школа, 2007.
3. Зинченко В.П. Психологические основы построения системы развивающего обучения. М., Гардарики, 2002.
4. Абдурахманова М. Урду тили лексикологияси. Т., 2018.
5. Абдурахманова М. Қўшма гап синтаксиси. Т., 2002

## **СИНХРОН ТАРЖИМАДА СТРАТЕГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ**

**Аннотация.** Ушбу мақола ўзбек ва хитой тилларидан синхрон таржимани амалга ошираётганда таржима стратегияларидан ўринли фойдаланиш хусусиятларини аниқлашга бағишланган. Таржима стратегиялари таржима муаммоларини ҳал қилишда хизмат қилади ва синхронист фойдаланадиган стратегияларни ўз ичига олади. Синхрон таржима кўникмаларини ривожлантиришининг биринчи босқичида саккизта стратегия таҳлил қилинади: синов ва хато стратегияси, тахминлар стратегияси, кутиш стратегияси, чизиқлилиқ, эҳтимолий башорат қилиш, ишораларни таржима қилиш, компрессия ва декомпрессия стратегиялари кўриб чиқилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** синхрон таржима, таржима стратегияси, эҳтимолий башорат қилиш стратегияси, синов ва хато стратегияси, компрессия, декомпрессия, столлинг, кутиш стратегияси, таржима имзоси стратегияси.

**Аннотация.** Данная статья посвящена определению наиболее подходящего использования стратегий перевода при синхронном переводе узбекского и китайского языков. Стратегии перевода служат для решения проблем перевода и включают стратегии, используемые синхронизаторами. На первом этапе развития навыков синхронного перевода анализируются восемь стратегий: стратегии проб и ошибок, стратегии ожиданий, стратегии ожиданий, прогнозирование вероятностей, перевод жестов, компрессия и декомпрессия.

**Опорные слова и выражения:** синхронный перевод, переводческие стратегии, стратегия вероятностного прогнозирования, стратегия проб и ошибок, компрессия, декомпрессия, столлинг, стратегия ожидания, стратегия знакового перевода.

**Summary.** This article is dedicated to identify the most appropriate use of translation strategies in the simultaneous translation of Uzbek and Chinese languages. Translation strategies serve to solve translation problems and include strategies used by synchronists. It is observed 8 strategies of the first phase of simultaneous translation skills improvement: trial and error strategies, expectations strategies, expectation strategies, linearity, probability prediction, gesture translation, compression, and decompression strategies.

**Keywords and expressions:** simultaneous translation, translation strategy, probability prediction strategy, trial and error strategy, compression, decompression, stolling, standby strategy, translation signature strategy.

**Кириш.** 1940 йилларда тарих саҳифаларида улкан ўзгариш янги талқин синхрон таржима йўналиши вужудга келди. Ушбу йўналиш тарих замбарагини



буткул бошқа томонга ўзгартириб юборди. Аваламбор катта симпозиумларда вақтдан ютиш, кўп тилли симпозиумларда фойдаланиш, шунингдек ҳамма соҳада ушбу йўналишдаги соҳа мутахассисларига эҳтиёж кўпайди. Синхрон таржимани мувофақиятли амалга ошириш мақсадида таржимашунос олимларимиз синхрон таржима стратегияларини ишлаб чиқдилар. Бу эса синхрон таржима жараёнида таржимонга бир мунча енгиллик яратади.

**Мақсад ва вазифалар.** Мақоланинг мақсади синхрон таржимада стратегияни бериш, турларидан фарқини кўрсатишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун синхрон таржиманинг аниқ таърифини келтириш, синхрон таржима стратегияларини санаб ўтиш ва бошқа бир қатор муҳим вазифаларни ҳал этиш лозим бўлади.

**Усуллар.** Мақола мавзусини ёритишда, асосан, статистик ва тахлилий усулларида фойдаланилди.

Синхрон таржимада стратегиялардан фойдаланиш ҳамда синхрон таржима жараёнида стратегияларни унумли қўллаш мақсадида фойдаланилади. “Синхрон таржима – профессионал таржиманинг асосий шаклларида бири. Хабарнинг таржима қилинаётган матнга параллел тарзда бир тилдан иккинчисига оғзаки таржима қилиниши. Манба матни эшитиб идрок этган ҳолда бир пайтнинг ўзида амалга ошириладиган оғзаки таржима. Манба матнга параллел оғзаки таржима тури. Синхрон таржиманинг қуйидаги турлари ажратилади: эшитиб қилинадиган синхрон таржима варақдан синхрон таржима; олдиндан ёзма ўгирилган матни синхрон ўқиш”<sup>301</sup>. Бошқача қилиб айтганда, “Синхронлаштириш. Икки ёки ундан ортиқ такрорланувчи жараёндаги унсурларнинг ўзгаришсиз вақт оралиғида бир-бирига нисбатан мослаштирилиши (масалан, синхрон таржимада нотик билан таржимон нутқи) демакдир”<sup>302</sup>. Синхрон таржима стратегиясини танлаш асосан режалаштириш, мақсад ва ҳаракатларга йўналтирилган. Таърифлардан бирига кўра, синхрон таржимада стратегия бу “таржима вазифасини бажариш усули бўлиб, у жўнатувчининг коммуникатив ниятини манбадан тилга, нотикнинг маданий ва шахсий хусусиятларини, асосий даражани, тилнинг категориясини ва пастки категориясини инобатга олган ҳолда етарли даражада таржима қилишни ўз ичига олади”<sup>303</sup>. Стратегия лингвистик ва тилга боғлиқ бўлмаган омиллар билан белгиланади, бундан ташқари, синхрон таржима билан энг мақбул натижага эришиш учун стратегияларни бирлаштириш мумкин. Бошқа бир таърифга кўра, “таржима стратегияси - бу бир вақтнинг ўзида таржимоннинг қобилиятлари (кўникмалари) (тил кўникмаларига қўшимча равишда, бир вақтнинг ўзида гаплашиш ва тинглаш қобилияти, шунингдек, умумий билимлар) ва ундан махсус тайёргарликни талаб қилади”<sup>304</sup>. Яна бир манбада стратегиянинг ўзгача талқини “Синхрон таржима вазифаларини амалга ошириш услуги бўлиб, бу

<sup>301</sup> Русча синхрон таржима терминларининг ўзбекча изоҳли луғати (Тузувчилар: Х.Ҳамидов, Ш.Ҳасанова). – Т., 2020. -130 б.

<sup>302</sup> Ўша манба. -135 б.

<sup>303</sup> Илюхин В. М. Стратегии в синхронном переводе (на материале англо-русской и русско-английской комбинатсии перевода): дисс. филол. н. М: – 2001. – 14 б.

<sup>304</sup> Setton R. Simultaneous Interpretation: A Cognitive-Pragmatic Analysis. Amsterdam - Philadelphia: John Benjamins Publishing, 1999. -30 б.

маърузачининг маданий ва шахсий хусусиятлари, даражаси, тил уст категориялари ва ост категорияларини ҳисобга олган ҳолда хабар юборувчининг коммуникатив мақсадини аслият тилидан таржима тилига адекват тарзда етказиб беришдан иборат<sup>305</sup>. Баъзи адабиётларда синхрон таржима стратегиялари “техникалар” баъзи адабиётларда “кўникмалар”<sup>306</sup> деб юритилади. Бироқ, “кўзланган мақсадга эришиш учун воситалар ва усулларнинг умумийлиги бу тактикадан бошқа нарса эмас - стратегиянинг ажралмас қисмидир”<sup>307</sup>. Айнан шу нарса бир вақтнинг ўзида таржима қилиш назарияси ва амалиёти бўйича турли хил тадқиқотларни таржима стратегияси нуқтаи назаридан кўриб чиқишга имкон беради. Ушбу мақолада В. М. Илюхин томонидан таклиф қилинган стратегияларнинг таснифига суянамиз, чунки у томонидан берилган тавсиф синхрон таржимон ўз фаолиятини қандай режалаштириши ва амалга оширишнинг турли жиҳатларини кўриб чиқган. Умуман олганда, В. М. Илюхин 8 та стратегияни белгилайди: “синов ва хато стратегияси, кутиш, столлинг, эҳтимолий прогнозлаш (лингвистик ва экстралингвистик), белгиларни таржима қилиш, компрессия ва декомпрессия қилиш стратегияси”<sup>308</sup>. Эҳтимолий прогнозлаш стратегияси бир вақтнинг ўзида таржима қилишнинг энг муҳим механизмларидан бирига асосланади ва прогноз қилиш, маърузачи нима дегани ҳақида фаразларни шакллантиришдан иборат ва бу прогнозлаш турли даражаларда содир бўлади ва икки турга бўлинади: лингвистик (синтактик) ва экстралингвистик. Биринчи тур мунозарани давом эттириш манбасини башорат қилишга асосланади, яъни таржимон барқарор ибораларни ва нутқнинг бошқа лингвистик жиҳатларини олдиндан эҳтимолий прогноз қила олади. Эҳтимолий прогнознинг иккинчи тури бир вақтнинг ўзида таржимон эга бўлган экстралингвистик маълумотларга ёки индивидуал когнитив таркибий қисмларга асосланади. Шундай қилиб, “таржимон маърузачининг мантиғига амал қилиб, мавзу ва вазият ҳақида ўз билимларига таяниб, прогнозлашни амалга оширади. Пробабилистик прогнозлаш, асосан, тилларнинг қисқариши, яъни баён элементларининг ўзаро боғлиқлиги, такрорланувчанлиги туфайли ушбу стратегиядан фойдаланиш қўл келади”<sup>309</sup>. “Компрессия асл хабарни сиқиш, синхрон таржима пайтида кечикишни олдини олиш, шунингдек маърузачидан ортда қолмаслик учун амалга оширилади. Бу маърузачининг нутқини омиллари ва хусусиятларига боғлиқ ва кўпинча нутқнинг суръати юқори бўлганда ишлатилади”<sup>310</sup>. Синхрон таржимон таржимани қисқа ва маърузачининг асосий фикрларини ўтказиб юбормаслик ва таржима қилмаслик учун шундай тахририят ишларини олиб бориши керак. Хитой тилидан ўзбек тилига синхрон таржима қилиш жараёнида компрессия усулидан фойдаланиш қўл келади. Масалан, таржимон от ва феълларни сақлаб қолиш билан бирга, равиш ва сифатлардан маҳрум бўлиб, тушунтиришлар,

<sup>305</sup> Ўша манба. -145 б.

<sup>306</sup> Jones R. Conference Interpreting Explained. Manchester - Northhampton: St. Jerome Publishing, 2002. -56 б.

<sup>307</sup> Ожегов С. И. Словар русского языка. М.: ОНИКС 21 век; Мир и Образование, 2005. -773 б.

<sup>308</sup> Илюхин В. М. Стратегии в синхронном переводе (на материале англо-русской и русско-английской комбинатсии перевода): дисс. филол. н. М: – 2001. -4 б.

<sup>309</sup> Чернов Г. В. Теория и практика синхронного перевода: учебное пособие. М. :- 2007. -58-60 б.

<sup>310</sup> Чернов Г. В. Основы синхронного перевода. М.: Высшая школа, 1987. -147–150 б.

бирикмалар ва қўшимчаларни қолдириши мумкин. Компрессия стратегиясини бир неча семантик-структура даражасида бажариш мумкин. Синтактик, бўғинли, лексик ҳамда семантик компрессия ҳам мавжуд. Ўзбек ёки рус тилидан хитой тилига синхрон таржима қилаётнада таржимон ҳам бир қанча қийинчиликларга дучор бўлади. Масалан, синтактик компрессия жараёнида синтактик тузилиш соддалаштирилган, бўғинларнинг сиқилишида бўғинлар сони камаяди, таржимон қисқароқ сўзларни танлайди. “Компрессия стратегияси. Манба матнни қисқароқ/зичроқ шакл бериш мақсадида ўзгартириш тушунилади. Компрессия стратегияси ахборотни ҳаддан зиёд кўплиги шароитида самара беради. Бунда бир қатор маъно гуруҳларида такрорланиш кузатилади ёки битта маъно қисми бошқасидан келиб чиқади”<sup>311</sup>. Ўз навбатида, лексик сиқишни орқали таржимон фикрни камроқ сўзлар билан ифодалайди ёки сўзларни қисқартириш билан алмаштиради. Умуман олганда, компрессия стратегиясининг барча турлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Шунини таъкидлаш керакки, Ғарб олимлари умумий “сиқиш” атамасидан четланишади, масалан, маълумотни танлаб тақдим этишдан фойдаланиб, жумлаларни “умумлаштириш” яъни “бирлаштириш” ҳақида гапиришни афзал кўришади<sup>312</sup>. Декомпрессия - бу сиқишни антиподидир ва аниқлик, компенсация ва тавсиф таржимаси кўрилишида бўлиши мумкин. Ундан матннинг грамматик тўғрилиги (тиллар тизимидаги фарқлар билан), сўзларнинг семантикасини аниқлаш, маданий ва бошқа воқеликларни аниқлаштириш ва тушунтириш учун фойдаланиш мумкин. Таржимон хабарни идрок этишни енгиллаштириш имкониятига эга бўлганида, рухий тушқунлик маърузачининг нутқининг нисбатан секин суръатида бўлганлигида ушбу стратегиядан фойдаланилади. Бундан ташқари, тушунтириш характериға эга бўлган маълумотларнинг кўшилиши таржимани олувчилар орасида билимларнинг етишмаслигини қоплайди”<sup>313</sup>. Яъни “Декомпрессия. 1. Бирламчи матннинг кенгайиши. Унинг мулоқот қиймати янги элементларға эга бўлади – транспозиция кенгайди. 2. Таржимаға қўшимча сўз, ҳатто жумлаларни киритиш. 3. Манба матндаги маълумотлар кўламини кенгайтириш”<sup>314</sup>.

Синхрон таржиманинг характерли камчиликларидан бири нутқдаги паузалардир. Олимларнинг фикриға кўра, таржимон нутқдаги паузаларни икки гуруҳға бўлиш мумкин: синтактик нутқ жараёнида қилинадиган паузалар ва бошқа қуйи бўғинға ўтиш пайтида гапнинг яқунланишида в.х., ва нутқ пайтида тутилиш паузалари (нутқни ишлаб чиқариш жараёнида тебранишлар билан боғлиқ бўлган паузалар). Базида “тутилиш (иккиланиш) паузаларини турли хил товушлар (“аа”, “эм”, “мм”) билан “тўлдириш” мумкин, аммо улар “тоза” бўлса ҳам, таржима тингловчиси камида 0,5-1 секундлик танаффусни

<sup>311</sup> Русча синхрон таржима терминларининг ўзбекча изоҳли луғати (Тузувчилар: Х.Ҳамидов, Ш.Ҳасанова). – Т., 2020. -145 б.

<sup>312</sup> Gran L. In-Training Development of Interpreting Strategies and Creativity // Translators' Strategies and Creativity: Selected Papers from the 9th International Conference on Translation and Interpreting (Prague, September, 1995). Amsterdam - Philadelphia: John Benjamins Publishing, 1998. -156 б.

<sup>313</sup> Neubert A., Shreve G. M. Translation as Text. Kent: Kent State University Press, 1992. -156 б.

<sup>314</sup> Русча синхрон таржима терминларининг ўзбекча изоҳли луғати (Тузувчилар: Х.Ҳамидов, Ш.Ҳасанова). – Т., 2020. -31 б.

аниқ ажратиб туради”<sup>315</sup>. Таржимада пауза қилиш ва бошқа ноқулайликлар баъзи тадқиқотчилар идрок қилиш стратегиясига тааллуқли столлинг стратегиясидан қочишга ёрдам беради. Ушбу стратегия ёрдамида таржимон матннинг лексик ва синтактик хусусиятларига таяниб, янги маълумот олиб келмайдиган нейтрал ибораларни талаффуз қилади ёки таржимон таржимон нима ҳақида гапираётганини тушунадиган пайт келгунча атайлаб нутқ тезлигини секинлаштиради<sup>316</sup>.

“Столлинг стратегияси. Бу таржима материални етказишни секинлаштириш ёки ўта узайиб кетган паузани тўлдириш учун ҳеч қандай янгиликни ўзида акс эттирмаган маълумотни такрорлаш йўли билан вақтдан ютишга уриниш стратегияси”<sup>317</sup>. Столлингдан фойдаланиб, асосий аъзолар қарам бўлганларнинг орқасидан кетадиган тузилмалар, хусусан феъл охириги ўринни олган жойлардаги муаммоларни ҳал қилишингиз мумкин. Шу билан таржимон “вақт ютади” ва таржимани олувчиларни унинг узоқ ва “ноқулай сукутини” тинглашга мажбурламайди. Таржимонга нотаниш бўлган тегишли номлар, мураккаб рақамлар, атамалар, сўзма-сўз ва бошқа элементларни таржимон бир вақтнинг ўзида таржима қилиш шароитида таржима қила олмайдиган бошқа элементлар нотикнинг нутқида эшитилганда ҳам столлинг ишлатилади, чунки эквиваленти ва таржимонни топиш учун кўп вақт талаб этилади. Шунингдек, таржимонга аниқ эквиваленти маълум бўлмаса, у синов ва хато стратегиясидан фойдаланиб таржима вариантини танлаши мумкин. “Синов ва хатолар стратегияси (алмаштириш стратегияси) шундан иборатки, таржимон сўз ёки иборанинг маъносига ишонч ҳосил қилмай, таржима қилишнинг энг равшан вариантларидан бирини танлаб, таржима қилишга ҳаракат қилади. ушбу параметр нотўғри бўлса, таржимон уни тўғри вариант билан алмаштиради”<sup>318</sup>. Бундай ҳолда, таржимон матнида хатолар, ноаниқликлар ва бошқаларни кўриш қобилияти сифатида таржимоннинг ўзини ўзи бошқариш жуда муҳим аҳамиятга эга. Стратегияларни билиш синхрон таржима жараёнида таржимани яхши мувофақиятли амалга оширишга имконият яратиб беради.

Кутиш стратегияси синхронист таржима қилинган нутқнинг маъносини тушунмаса ишлатилади. “Кутиш стратегияси – бу тўғри қарор қабул қилиш учун кўпроқ ва кенгроқ контекстга эга бўлиш ёки танишиш. Кутиш стратегияси дунё таржима амалиётида маъноли феъл гапнинг сўнггида келувчи тиллардан таржималарда тез-тез қўлланади”<sup>319</sup>. Кутиш стратегияси билан, таржимон бироз тўхтаб, маърузачи нима ҳақида гапираётганини тушуниш учун қўшимча маълумот кутади. Агар таржимон жумланинг охирини таржима қилишини кутиб, сўнгра кейинги жумлани тингласа, бундай “кетма-кет таржима” тактикаси хато бўлади. Таржимон синхрон таржимага имкон қадар тезроқ

<sup>315</sup> Чернов Г. В. Основы синхронного перевода. М.: Высшая школа, 1987. -47 б.

<sup>316</sup> Setton R. Simultaneous Interpretation: A Cognitive-Pragmatic Analysis. Amsterdam - Philadelphia: John Benjamins Publishing, 1999. -42 б.

<sup>317</sup> Ўша манба -145 б.

<sup>318</sup> Илюхин В. М. Стратегии в синхронном переводе (на материале англо-русской и русско-английской комбинации перевода): дисс. М., 2001. -17 б.

<sup>319</sup> Русча синхрон таржима терминларининг ўзбекча изоҳли луғати (Тузувчилар: Х.Ҳамидов, Ш.Ҳасанова). – Т., 2020. -145 б.

кириши керак таржима материаллари мавжуд бўлганда - таржима тезлашади қилиниши мумкин бўлган маълум “йўналишлар бирлиги” ёки у мақсадли тилда тугалланган жумлани тузиши мумкин бўлади. Аммо материал мавжуд бўлмаса, стратегиялардан фойдаланиб кутилаётган натижага эришиш мумкин бўлади. “Синхрон таржиманинг асосий стратегияларидан бири бу синхронист таржимонни деярли қарнай билан бир вақтнинг ўзида бошлаши ва тугатиши билан тавсифланади. Ушбу мақсадга эришиш учун таржимон маълумотларнинг тартибини сақлайди ва сегментларни бўлиниши, хусусан, мураккаб жумлаларни кичик қисмларга ажратиши сабабли таржимани изчил ва мантиқий қилади”<sup>320</sup>. Масалан, мураккаб жумлаларни содда қилиб ажратиш ва таклифнинг бошқа сегментларини ажратиш. Ушбу стратегиянинг қўлланилиши нутқнинг тузилишига боғлиқ ва таълимий таржималарда у камдан-кам ҳолларда нутқни жойлаштириш линияси бўйича қўлланилиши мумкин. Таржимон қисқа, оддий жумлаларга ажратишга ҳаракат қилиши, маърузачининг нутқидаги мураккаб жумлаларни содда гапларга ажратиб, уларни тўғри боғлаб қўйиш стратегиясидир. Композитсион ва бўйсунувчи бирикма билан мураккаб жумлалар тузилиши кузатиладиган хитой, инглиз каби тиллардан таржима қилишда зарурдир.

Ушбу стратегия синтактик ўзгаришлар билан боғлиқ, хусусан, таржимон асл матннинг кейинги мазмунига ишонч ҳосил қилмайдиган ва мақсадли тилда жумлаларни иложи борича “очиқ” қилиб қўйишга ҳаракат қилади, “очиқ жумлалар тузилиши” каби техникани кўрсатиши керак, улар фикрнинг ривожланишидан қатъий назар мантиқий маънога эга. Нотиқ рамзий таржима стратегияси сўзлар ёки ибораларни расмий-рамзий даражада таржима қилишдан иборат. Ушбу стратегия таржимонга маърузачининг нутқини ишлатадиган сўзлар ва ибораларнинг эквивалентларини эслашга ёки ишора даражасида номаълум сўзларни (изланиш, фонетик таржима) таржима қилишга ёрдам беради. “Композиция бу матннинг ички ва ташқи тузилиш принциплари орасидаги ўзаро таъсир. Бу нафақат матннинг тузилиш схемаси, балки мазмун билан чамбарчас боғлиқ бўлган ғоявий эстетик категориядир”<sup>321</sup>. Таржимон маъно даражасига ўтмасдан ёзишмаларни белгилар даражасида излайди. Аммо, агар таржимон эквивалентини билмаса, таржима стратегиясининг белгиси таржимонга умидсиз вазиятдан қочишга ёрдам беради. Тажрибали таржимонлар ўзларининг таржималарини таржима ҳолати билан таққослашга интилишади, улар лексик даражадан (белгилар даражаси) ташқари, прагматик таркибий қисм ва хабарнинг контексти мавжудлигини ҳисобга олишади.

**Хулоса.** Синхрон таржима маҳоратини ривожлантиришнинг биринчи босқичи кейинги босқичларда зарурий пойдевор қўяди ва дастлабки босқичда юқорида қўрилган стратегиядан фойдаланиш кузатилади. Бир вақтнинг ўзида тинглаш ҳамда уни ёд тилга таржима қилиш бир мунча қийинчиликларни

<sup>320</sup> Илюхин В. М. Стратегии в синхронном переводе (на материале англо-русской и русско-английской комбинации перевода): дисс. М., 2001. -42 б.

<sup>321</sup> Русча синхрон таржима терминларининг ўзбекча изоҳли луғати (Тузувчилар: Х.Ҳамидов, Ш.Ҳасанова). – Т., 2020. -54 б.

туғдиради. Шунда стратегиялардан фойдаланса таржимоннинг иши энгиллашади ҳамда таржима мувофакқиятли амалга ошади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Русча синхрон таржима терминларининг ўзбекча изоҳли луғати (Тузувчилар: Х.Ҳамидов, Ш.Ҳасанова). – Т., 2020. – 184 б.
2. Илюхин В. М. Стратегии в синхронном переводе (на материале англо-русской и русско-английской комбинатсии перевода): дисс. филол. н. М: – 2001. 206 б.
3. Setton R. Simultaneous Interpretation: A Cognitive-Pragmatic Analysis. Amsterdam - Philadelphia: John Benjamins Publishing, 1999. 397 б.
4. Jones R. Conference Interpreting Explained. Manchester - Northhampton: St. Jerome Publishing, 2002. Б:56.
5. Ожегов С. И. Словар русского языка. М.: ОНИКС 21 век; Мир и Образование, 2005. 896 б.
6. Чернов Г. В. Теория и практика синхронного перевода: учебное пособие. М. :- 2007. Б: 58-60. 205 с.
7. Чернов Г. В. Основы синхронного перевода. М.: Высшая школа, 1987. Б: 147-150 265 с.
8. Gran L. In-Training Development of Interpreting Strategies and Creativity // Translators' Strategies and Creativity: Selected Papers from the 9th International Conference on Translation and Interpreting (Prague, September, 1995). Amsterdam - Philadelphia: John Benjamins Publishing, 1998. 162 б.
9. Neubert A., Shreve G. M. Translation as Text. Kent: Kent State University Press, 1992. Б: 156. 169 p

---

***Mohira Umarova***

*Tayanch doktorant, Tarjimashunoslik kafedراس, ToshDShI*

## **PIRIMQUL QODIROVNING “YULDUZLI TUNLAR” ROMANINING RUS VA URDU TILLARIDAGI TARJIMALARIDA BEVOSITA VA BILVOSITA TARJIMA MASALALARI**

*Аnotatsiya. So‘nggi yillarda O‘zbekiston xorij mamlakatlari bilan o‘zaro ko‘p sohalarda hamkorlik qilish yo‘lga qo‘yilgan. Xususan, tarjimashunoslik, tilshunoslik sohalarida ham sezilarli darajada ishlar amalga oshirildi va oshirilmoqda. Ushbu maqola ham tarjimashunoslikning eng dolzarb mavzularidan biri bo‘lgan bevosita va bilvosita tarjima masalalariga bag‘ishlanadi. Bevosita va bilvosita tarjima jarayonida yuzaga keladigan muammolar, har ikki tarjima turning o‘ziga yarasha afzalliklari v noafzalliklari haqida so‘z boradi.*

*Muallif badiiy asar tarjimasi eng murakkab tarjima turlaridan biri sanalishi va uning eng asosiy vazifalaridan biri – kitobxonlarga maksimal darajada estetik zavq berish, asliyatdagi mazmun va ma‘noni to‘laligicha tarjimada ham aks ettirish hamda asarni adekvat sharhlash muhimligi haqida yozadi. Muallif maqolaga badiiy*

*manba sifatida Pirimqul Qodirovning “Yulduzli tunlar. Bobur” asarini hamda uning rus va urdu tillariga qilingan bevosita va bilvosita tarjimalarini ko‘rib chiqadi. Maqolada asliyatdagi jumlar, milliy koloritga oid so‘zlar, frazeologizmlar qanday usul bilan tarjima qilinganligiga alohida e‘tibor qaratildi.*

**Tayanch so‘z va iboralar:** *Bevosita tarjima, bilvosita tarjima, tarjima, milliy kolorit.*

**Аннотация.** *В последние годы Узбекистан усердно сотрудничает со многими странами во многих областях. В частности, была проделана значительная работа в области перевода и лингвистики. В этой статье рассматривается посредованный и опосредованный перевод, который является одной из наиболее важных тем всчобласти перевода. Проблемы, достоинства и недостатки возникающие при посредованном и опосредованном переводе.*

*Автор отмечает, что перевод художественной литературы является одним из наиболее сложных видов перевода, и одна из основных задач - дать читателям максимальное эстетическое удовольствие, отразить весь смысл оригинала и адекватно интерпретировать произведение. Автор в качестве литературного источника для статьи взял произведение Пиримкула Кадырова «Бабур» и его посредованный и опосредованные переводы на русский и урду. В статье даётся особое значение способам переводов предложений, слов обозначающих национальный колорит и переводам фразеологизмов.*

**Опорные слова и выражения:** *Посредованный перевод, опосредованный перевод, перевод, национальный колорит.*

**Summary.** *In recent years, Uzbekistan has been working hard with many countries in many areas. In particular, significant work has been done in the field of translation and linguistics. This article also discusses mediated and indirect translation, which is one of the most important topics in the field of translation. Problems arising from mediated and mediated = translation, both the advantages and disadvantages of both versions.*

*The author notes that fiction is one of the most difficult types of translation, and one of its main tasks is to give readers maximum aesthetic pleasure, reflect the whole meaning of the original and adequately interpret the work. The author, as a literary source for the article, took Pirimkul Kadyrov's work “Babur” and his intermediary and translations into Russian and Urdu. The article gives special significance to the methods of translating sentences, words that denote national coloring and translations of phraseological units.*

**Keywords and expressions:** *mediated translation, indirect translation, translation, national colorite.*

Keyingi yillarda mamlakatimizda tarjimashunoslik sohasiga juda katta e‘tibor qaratilmoqda. Tarjima bo‘lmaganida insoniyatning buyuk a daholari yaratgan nodir va qimmatli asarlar dunyoga tanilmagan va insoniyat undan bebahra bo‘lar edi. Tarjima millatlararo osoyishtalikni, bidamlilikni va do‘stlikni ta‘minlovchi omildir.

O‘zbek tilida yartilgan asarlarni xorijiy tillarga tarjima qilinayotganligining ko‘p guvohi bo‘lyapmiz. Masalan, yaqindagina ingliz tiliga juda mashhur o‘zbek romani Abdulla Qodiriyning “O‘tkan kunlar”i tarjima qilindi va uning Angliyada taqdimoti bo‘lib o‘tdi. Ushbu o‘zbek adabiyotining nodir durdonasi kitobxonlar tomonidan juda iliq kutib olinganligi buning yaqqol dalilidir. Tarjima ham kitobxonga estetik zavq beruvchi bir manbadir. Bu estetik zavqni olish yoki ola olmaslik tarjimonning mahoratiga to‘g‘ridan to‘g‘ri bog‘liqdir. Shuni alohida e‘tirof etish lozimki, o‘zbek tilidan rus tiliga, rus tilidan boshqa chet tiliga, xususan, urdu tiliga tarjima qilingan asarlar hali qiyosiy tahlilga deyarli tortilmagan. O‘zbek adabiyoti durdonalarining nihoyatda oz qismi urdu tiliga o‘girilgan. Shuni alohida ta’kidlash joizki, ularning deyarli barchasi rus tilidan bilvosita tarjima qilingan.

Mustaqillik davrida o‘zbek tilidan xorijiy tillarga va xorijiy tillardan o‘zbek tiliga bevosita tarjima amaliyotiga o‘tish borasida ham ilk qadamlar tashlandi. Ayni paytda, xorijiy tillarni puxta egallagan yoshlarimiz o‘zbek adabiyoti namunalarini xitoy, yapon, koreys, ingliz, fransuz, nemis tillariga tog‘ridan-to‘g‘ri tarjima qilishmoqda. Bu o‘rinda, shubhasiz, yoshlarimizning, ya’ni tarjimonlarimizning xorijlik til mutaxassislari bilan keng hamkorlik aloqalarini o‘rnatganliklari va do‘stona faoliyat yuritayotganliklari samarali natija bermoqda.

Hozirgi kunda xorij asarlariga, ularning mutolaasiga bo‘lgan qiziqish hamda ehtiyoj oshgani sari, uning tarjimasini sifati va saviyasiga bo‘lgan talablar ham o‘ta kuchayib bormoqda. Bunda esa doim ham asliyatdan to‘g‘ridan-to‘g‘ri tarjima qilish “Sovet davrida G‘arb adabiyoti ham rus tili orqali tarjima qilinganidan, rus tilidan qilinadigan tarjimalar o‘zbek tarjimachiligida 95 foizni tashkil qilar edi. Vositachi til orqali tarjimada yo‘qotishlar miqdorining ko‘pligi jihatidan u ijobiy hodisa hisoblanmasa-da, bilvosita tarjimaning xizmatidan butunlay voz kechib bo‘lmaydi. Chunki dunyodagi eng rivojlangan mamlakatlarda ham barcha tillardan bevosita tarjima qilishning iloji yo‘q”<sup>322</sup>.

Tarjimashunos olimlarning bilvosita tarjimadan voz kechib, bevosita tarjimaga o‘tish kerakligi haqidagi fikr va qarashlari XX asr boshlaridanoq o‘rtaga tashlangan bo‘lsada, hozirgacha buning aksini uchratamiz. 1951 yilning dekabrda o‘tkazilgan milliy adabiyotlardan tarjima qilish masalalarini maxsus ko‘rib chiqqan ittifoq yozuvchilarning kengashida taglamasiz, asl nusxadan bevosita tarjima qilishning zarurligi yetuk adiblar, tarjimashunos olimlar va mutarjimlar diqqatiga havola qilingan edi. XX asrning 30-yillarida ingliz tilidan qilgan tarjimalari bilan Sanjar Siddiq Yevropa tillaridan bevosita tarjima qilish an’anasini boshlab berdi. Lekin bu an’ana shu bilan qirq yilcha uzilib, 70-yillardan qayta tiklandi. Faqat istiqloq davriga kelib bevosita tarjima keng quloch yoya boshladi – ingliz, nemis, fransuz, ispan tillari bilan birga birinchi marta yapon, xitoy, koreys, malay, indonez tillaridan bevosita tarjimalarga qo‘l urildi. Urdu, hind, afg‘on tillaridan tarjimalar miqdori va miqyosi kengaydi. Demak, istiqloq yillarimizda nafaqat rus va yevropa mamlakatlari adabiyoti, balki aynan sharq tillarida yozilgan asarlarni ham keng miqyosda tarjima qilish boshlandi. Bu yerda yana bir narsa ahamiyatga egaki, tarjima turlaridan ayniqsa, bevosita tarjima muhim ahamiyatga ega bo‘la boshladi.

<sup>322</sup> Ochilov E. Tarjimashunoslikning nazariy masalalari. O‘quv qo‘llanma. – T., 2014. – B. 144.



Har qanday tarjima usuli o‘z yutuq va kamchiliklariga ega. Bu xoh adekvat, xoh ijodiy yoki erkin, so‘zma-so‘z yoki hijjaviy, bevosita yoki bilvosita tarjima usuli bo‘lmasin ularda asliyat mazmun va shakli, milliy xos hususiyatlarning saqlanish muammosi, turli grammatik kamchiliklarga yo‘l qo‘yilishi ham to‘g‘ridir, lekin bu kabi nuqsonlar oddiy kitobxonlar uchun ko‘rinmaydi. O‘quvchi uchun birinchi navbatdagi maqsad bu - kitobning mazmuni, unda ifoda etilgan qiziqarli voqea-hodisotlar va oliy g‘oyasini tushunishga bo‘lgan istakni qondirishdir. Jahon adabiyotini asliyatdan yoki boshqa tarjima orqali qilingani uni unchalik qiziqitirmaydi. Chunki shu kungacha qilingan aksar shunday tarjimalar o‘quvchilarga manzur bo‘lib kelgan va manzur bo‘lishda davom etmoqda. Axir bilvosita tarjima maktabi bir necha asrlik tajribaga ega. Qolaversa, bunday tarjimalarning ko‘pi rus tilidagi tarjimalar orqali kirib keladi. Xo‘sh bilvosita va bevosita tarjima aslida nima o‘zi? Ular qanday farqlanadi?

Ma‘lumki, “bevosita tarjima deganda to‘g‘ridan-to‘g‘ri asliyat tilidan tarjima qilish, bilvosita tarjima deganda vositachi til orqali o‘g‘irish ko‘zda tutiladi.

Bilvosita tarjimaning ikki shakli mavjud:

- muayyan asarni uning boshqa tildagi tarjimasi orqali tarjima qilish;
- til bilmaydigan tarjimon uchun maxsus tayyorlab beriladigan taglama asosida o‘g‘irish”<sup>323</sup>.

S.Saidov bevosita va bilvosita tarjimaga quyidagicha ta‘rif berish bilan birga ular o‘rtasidagi bazi farqlarni ham aytib o‘tgan: “Bevosita tarjima deganda bir tildagi asarning ikkinchi tilga to‘ppa-to‘g‘ri, originaldan o‘g‘irilishi tushuniladi. Bilvosita tarjima deganda esa, boshqa tillardan rus tiliga va u orqali o‘zbek tiliga o‘g‘irilgan ishlar kiradi. Kuzatishlar tarjimaning bu ikki turi orasida katta farq borligini ko‘rsatadi. Bilvosita tarjima tarjimondan bevosita tarjimaga nisbatan ancha ko‘p kuch sarflashni talab qiladi. Chunki bevosita tarjima qilinganda mutarjimdan tilni chuqur va mukammal bilishdan tashqari, muhit va davrni o‘rganish, o‘sha xalqning urf-odatlarini bilan yaqindan tanishish talab qilinsa, bilvosita tarjimada, yuqoridagilardan tashqari, qo‘shimcha yana bir xalqning tabiiy, iqtisodiy-siyosiy, ma‘naviy yashash sharoitlari, urf-odatlarini, madaniyati va hatto tilini o‘rganishga to‘g‘ri keladi”<sup>324</sup>. Demak, bilvosita tarjima usulidan foydalangan tarjimon zimmasidagi masuliyat ikki barobar oshadi va shu bilan birga uning tarjimasida bir emas ikki xalq ruhi qo‘shilishi ehtimoli kuchayadi.

XX asr o‘zbek tarjimachiligi uchun muhim davr bo‘ldi. Tarjimachilikning mana shu davrida vujudga kelgan asosiy vositachi til - rus tili orqali tarjima qilish shakli hozirgi kungacha amalda qo‘llanilmoqda. Ushbu yillarda Sharq va G‘arb tillaridan o‘zbek tiliga vositachi til orqali amalga oshirila boshlangan tarjimalarga tug‘ilgan ehtiyoj tobora ortib bordi. O‘sha davrdagi tarjimachilik holatini tahlil qilgan A. Qahhor shunday fikr bildiradi: “Biz doim asl nusxaning o‘zidan tarjima qila biladigan tarjimon bo‘lsa, deymiz. Lekin bunday tarjimonlar bizda hozircha u qadar ko‘p emas. Nega endi biz milliy adabiyotlarni rus tili orqali olayotgan zavqi, quvonchidan o‘quvchilarni mahrum qilishimiz kerak?”<sup>325</sup>. Shuning uchun hozircha bilvosita

<sup>323</sup> Ochilov E. Tarjimashunoslikning nazariy masalalari. O‘quv qo‘llanma. – T., 2014. – B. 147.

<sup>324</sup> Саидов С. Давр тақозоси // Таржима санъати. – Т., 1976. – Б. 203.

<sup>325</sup> Қаҳҳор А. Таржимачилик ташвишлари // Таржима санъати. – Т., 1973. – Б. 10.

tarjimadan mutlaqo voz kechish maqsadga muvofiq ish bo‘lmasligi aniq. Masalan, P.Qodirovning “Yulduzli tunlar” asari rus tiliga bevosita Yu.Surovtsev tomonidan, sharq tillariga, xususan, urdu tiliga bilvosita ya’ni rus tili orqali M.Salim tomonidan tarjima qilingan. Kuzatuvlat natijasida asar mazmuniy jihatdan to‘liq yoritib berilganligi, tarjima jarayonida ko‘proq transformatsiya, interpretatsiya usullaridan foydalanilganligi aniqlandi. Albatta, tarjimaning yutuqlari bilan bir qatorda, kamchiliklari ham yo‘q emas. Asliyatda o‘qigan kitobxon uchun rus va urdu ti;;aridagi varianti o‘qish biroz mushkuldek tuyuladi. Iboralar ham tarjimalarda aniq berilmagan. Buni quyidagi misol orqali ham ko‘rishimiz mumkin:

“O‘zing uchun o‘l yetim”- degan gap bor.	Опять повторяю: “Сам за себя умри, сирота”,- есть такая пословица.	میں اسی کہاوٹ کودھورارہا ہوں "ہمت مردان مدد خدا"
--	--	--

Ushbu misloda “ O‘zing uchun o‘l yetim” iborasi rus tiliga so‘zma-so‘z tarjima qilingan. Bu kitobxonlar uchun biroz tushunarsiz bo‘lishi mumkin. Fikrimizcha, ushbu iborani rus tiliga «Спасение утопающих – дело рук самих утопающих», ya’ni “ har kim o‘z muammolarini o‘zi, birovning yordamisiz hal qilishi lozim” degan ma’noda tarjima qilinsa maqsadga muvofiq bo‘lar edi. Urdu tiliga qilingan tarjimada esa o‘zbek tilidagi “Harakatda - barakat” frazeologizmiga mos keladigan turg‘un birikma bilan tarjima qilingan va bunda u qadar asliyatdagi ma’noga mos emasligiga guvoh bo‘lishimiz mumkin.

Yoki navbatdagi misol:

Bu yilgi ro‘za yoz <b>chillasiga</b> to‘g‘ri kelgan.	Пост в этом году совпал с <b>самыми жаркими летними днями.</b>	اس سال میں رمضان کا مہینہ اس زمانے میں آیا جب قیامت کی گرمی پڑ رہی تھی.
--	--	---

Mazkur misloda tarjima qilinayotgan urdu va rus tillarida “**chilla**” so‘zi haqida tushuncha mavjud bo‘lmaganligi sababli har ikki tilda ham tarjimonlar “**yozning eng issiq kunlari**” so‘z birikmasi bilan tarjima qilganlar. Ushbu jumla orqali tarjimonlar “chilla” so‘zining interpretatsiyasini keltirib o‘tganlar. Ammo shuni ham yodda tutish kerakki, chilla so‘zining ma’nosi bir nechta:

1. Qishning-yozning chillasi;
2. Chaqaloq tug‘ilganda saqlanadigan chilla.

Ushbu jumlada tarjimonlar asliyatdagi ma’noni interpretatsiya usuli orqali samarali tarjima qilganlar.

Yuqoridagi misollardan ko‘rinib turibiki, har ikkalala tarjimalarda ham tarjimalar yaxshi qilingan. Ma’no – mazmun yetkazib berilgan. Bevosita o‘zbek tilidan rus tiliga qilingan tarjima ham. Rus tilidan urdu tiliga qilingan bilvosita tarjima ham maromida amalga oshirilgan. Lekin shu bilan birga, bir qancha g‘alizliklar ham yo‘q emas. Masalan, kata-katta jumlar, so‘zlar tashlab ketilgan, ibora va frazeologizmlar “kalka” usulida yoki umuman boshqa ma’no anglatuvchi

turg'un birikmalar bilan tarjima qilingan. Ammo shuni ham yodda tutish kerakki, ushbu tarjimalar ancha yillar oldin amalga oshirilgan. Hozirgi kompyuter texnologiyalar asrida qilingan tarjimalardan keskin farq qiladi. Shunga qaramay, bevosita tarjima qilgan tarjimon ham, bilvosita o'g'irgan tarjimon ham o'z oldiga qo'ygan maqsadiga erishgan.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Бархударов Л. С. Язык и перевод: Вопросы общей и частной теории перевода. М.: Междунар. отношения, 1975. –240с.
2. Гарбовский Н.К. Теория перевода: Учебник, М.: Изд-во Московского университета. 2007. – 544с.
3. Комиссаров В.Н. Современное переводоведение – М.: ЭТС, 2002. – 232 с.
4. Латышев Л.К. Перевод: проблемы теории, практики и методики преподавания. М.: Просвещение, 1988.
5. Ochilov E. Tarjimashunoslikning nazariy masalalari. O'quv qo'llanma. – T.: ToshDSHI, 2014. – 202 б.
6. Отажонов Н. “Бобурнома” жаҳон адабий жараёнида: қиёсий типологик таҳлил: Филол. фан. номз. ... дисс. – Т., 1994. – 220 б.
7. Очилов Э. Архаизм ва таржима. // Шарқ таржимашунослиги: Тарихи, ҳозирги куни ва келажаги. – Т., 2014. – Б. 39-41.
8. Qodirov P. Yulduzli tunlar – Toshkent: Sharq, 2016 – 543 б.
9. Кадыров П. Бабур – Москва: Писатель, 1983 – 463 с
10. قادروف پ. ظہیرالدین بابر – تاشقند: رادوگا ۱۹۸۶ – ۶۳۳ ص.

### **Botir Mamarajabov**

*Stajer-o'qituvchi, Tarjimashunoslik kafedrası, ToshDSHI*

## **DARIY VA O'ZBEK TILLARIDA ZAMON KATEGORIYASI**

*Annotatsiya. O'zbek va dariy tillaridagi zamon kategoriyasiga oid adabiyotlarni o'rganish borasida ba'zi masalalar aniqlik talab qilishi ayon bo'ldi. Ma'lumki, tilshunoslar aksariyat hollarda zamon kategoriyasini o'zbek tilining, shuningdek turkiy tillarning mohiyatini, ularning o'ziga xos semantikasini yetarlicha sinchiklab o'rganmay, rus grammatiklarining fikrlariga tayanib tadqiq etishgan. Bu muammo afg'on tilshunosligida ham kuzatiladi. Endilikda bu kategoriyani qayta idrok etish ehtiyoji tug'ildi. O'zbek tilshunosligida zamon hamda bu kategoriyaga uzviy bog'liq mayl kategoriyasini ta'riflashda ziddiyat yo'q, biroq mayl va zamon kategoriyalarining o'zaro munosabati, bu kategoriyalarning turlari, ularni ifodalovchi shakllarning miqdori va chegarasi, ayni formalardan xar birining mayl va zamon sistemasidagi o'rni kabi masalalar bo'yicha adabiyotlarda har xil fikr va mulohazalar bayon qilingan. Afg'on tilshunosligida mayl va zamon kategoriyalarining uzviy aloqadorligi natijasida maylning sodda, qo'shma va qavatli qo'shma turlari ajratilsa, rus tilshunoslari tadqiqotlari bunga zamonning sintetik va*

analitik turlari, shuningdek, maylning zamon shakllarini qo‘shimcha qiladilar. O‘zbek tilini boshqa turkiy tillar bilan qiyosiy aspektda o‘rganish bo‘yicha bir qancha tadqiqotlar yaratilgan. Jumladan, o‘zbek, qozoq, qirg‘iz, turkman, qoraqalpoq tillari formal-funkksional, leksik-semantik, morfologik jihatdan solishtirilgan. Mazkur til vakillari yagona ijtimoiy tuzumda, sharoitda yashaganliklari sababli yakka asosga ega bu tillarda tafovutdan ko‘ra mushtaraklik ko‘pligi aniqlangan.

**Tayanch so‘z va iboralar:** fe‘l, formal-funkksional, ijtimoiy tuzum, mayl va zamon, zamon kategoriyasi, mushtaraklik, afg‘on tilshunosligi, o‘tgan zamon shakllari.

**Аннотация.** Стало ясно, что некоторые вопросы, касающиеся изучения литературы по временным категориям на узбекском и на дари, требуют ясности. Как известно, лингвисты в большинстве случаев изучали современную категорию узбекского языка, а также сущность тюркских языков, их специфическую семантику, опираясь на мнение русских грамматиков. Эта проблема также наблюдается в афганском языкознании. Теперь возникла необходимость переосмысления этой категории. В узбекском языкознании нет противоречий в определении категории времени и неразрывно связанных с этой категорией склонений, однако в литературе изложены различные мнения по таким вопросам, как взаимоотношения категорий склонения и времени, виды этих категорий, количество и границы форм их выражения, роль каждой из этих форм в системе склонения и времени. Если в афганском языкознании в результате неразрывной связи категорий склонения и времени выделяют простые, совместные и сложносочиненные виды склонения, то исследования русских лингвистов добавляют к ним синтетические и аналитические виды времени, а также формы склонения времени. Создано несколько исследований по изучению узбекского языка в сравнительном аспекте с другими тюркскими языками. В частности, узбекский, казахский, киргизский, туркменский, каракалпакский языки сопоставимы с формально-функциональным, лексико-смысловым, морфологическим. Поскольку представители этих языков живут в единой социальной системе, у них больше общего, чем различий в языке.

**Опорные слова и выражения:** глагол, формально-функциональный, социальный порядок, наклонение и время, категория времени, общность, афганская лингвистика, формы прошлого времени.

**Summary.** It became clear that some issues related to the study of literature on temporary categories in Uzbek and dari require clarity. As is known, linguists in most cases studied the modern category of the Uzbek language, as well as the essence of the Turkic languages, their specific semantics, based on the opinion of Russian grammarians. This problem is also observed in Afghan linguistics. Now there is a need to rethink this category. In Uzbek linguistics there are no contradictions in the definition of the category of time and inextricably linked with this category of declination, however, the literature outlines various opinions on issues such as the relationship of categories of declination and time, types of these categories, the

*number and boundaries of forms of their expression, the role of each of these forms in the system of declension and time. If in Afghan linguistics, as a result of the inextricable connection of the categories of declension and time, simple, joint and compound declension types are distinguished, then the research of Russian linguists adds to them synthetic and analytical types of time, as well as forms of time declension. Several studies have been created on the study of the Uzbek language in a comparative aspect with other Turkic languages. In particular, Uzbek, Kazakh, Kyrgyz, Turkmen, and Karakalpak languages are comparable to formal-functional, lexical-semantic, and morphological languages. Since representatives of these languages live in a single social system, they have more in common than differences in language.*

**Keywords and expressions:** *verb, formal-functional, social order, mood and time, category of time, commonality, Afghan linguistics, past tense forms*

So‘nggi yetti, sakkiz yil mobaynida O‘zbekistonda bo‘lib o‘tayotgan jahon miqyosidagi o‘zgarishlar har bir sohada, jumladan, tilshunoslik fanida ham o‘z ifodasini topmoqda. O‘zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi, O‘zbekistonning mustaqillikka erishuvi natijasida dunyodagi ilg‘or davlatlar bilan xalqaro aloqalarning o‘rnatilishi chet tillarini o‘rganish, xususan, ularni o‘zbek tiliga qiyoslab tadqiq etish zaruratini ortirdi. O‘zbekiston bilan diplomatik munosabat o‘rnatgan mamlakatlar qatorida Turkiyaning mavjudligi turk tiliga bo‘lgan qiziqishni kuchaytirmoqda. Binobarin, o‘zbek va turk tillarini qiyosiy asosda tahlil etish ham ijtimoiy, ham ilmiy ahamiyat kasb etadi.

O‘zbek tilini boshqa turkiy tillar bilan qiyosiy aspektda o‘rganish bo‘yicha bir qancha tadqiqotlar yaratilgan. Jumladan, o‘zbek, qozoq, qirg‘iz, turkman, qoraqalpoq tillari formalfunksional, leksiksemantik, morfologik jihatdan solishtirilgan<sup>326</sup>. Mazkur til vakillari yagona ijtimoiy tuzumda, sharoitda yashaganliklari sababli yakka asosga ega bu tillarda tafovutdan ko‘ra mushtaraklik ko‘pligi aniqlangan. Turk tili o‘zgacha ijtimoiy tuzum ta‘sirida rivojlangan bo‘lsa, o‘zbek, qozoq, qirg‘iz, turkman, qoraqalpoq tillariga rus tili kuchli ta‘sir ko‘rsatgan. Imloning, imlo qonunqoidalarning bir necha bor o‘zgarishi ma‘lum darajada o‘zbek tili tizimiga ham ta‘sir o‘tkazgan. Pirovardnatijada, o‘zbek hamda turk tillari o‘rtasida umumiy jihatlardan ko‘ra farqli xususiyatlar ko‘paydi. Shu sababli o‘zbek va turk tillarini qiyoslab tadqiq etish vositasida formal, funksional, grammatik, uslubiy o‘xshashlik va farqlarni aniqlash, tafovutlarning sabablarini namoyon qilish muhim ahamiyat kasb etadi.

---

<sup>326</sup>Юлдашев А.А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. —М.: Наука, 1966; Исмоилов И. Туркий тилларда қавмқариндошлик терминлари (ўзб., уйғ., қоз., қорақалп., туркман тиллари материаллари асосида). —Тошкент: Фан, 1966; Хаметова.А Туркий тилларда сифатнинг орттирма ва кучайтирма даражалари (ўзб., уйғ., қоз., туркман тиллари материаллари асосида). —Тошкент: Фан, 1969; Мелиев К. Ҳозирги туркий тилларда ҳаракат номлари (ўзб., уйғ., қоз., қорақалп. тиллари материаллари асосида). —Тошкент: Фан, 1969; Мелиев К. Ҳозирги туркий тилларда сифатдошлар (ўзб., уйғ., қоз., қорақалп. тиллари материаллари асосида). —Тошкент: Фан, 1974; Шәрбак А.М. Очерки по сравнительной морфологии тюркских языков. —М.: Наука, 1981; Кормушин И.В. Системы времен глагола в алтайских языках. —М.: Наука, 1984; Серебрянников Б., Гаджиева И. Сравнительноисторическая грамматика тюркских языков. —М.: Наука, 1986; Сравнительноисторическая грамматика тюркских языков. М.: Наука, 1988; Курбаниязов Т. Ҳозирги ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ҳолат тирувчи сифатларда кўпмаънолилиқ: Филол. фанлари номзоди... дис..—Тошкент, 1996 ва ҳ.к.

Hozirgi turkiy tillarning ko'pchiligi bo'yicha fe'lning zamon kategoriyasi masalasi tadqiq etilgan va qator ishlar amalga oshirilgan. Lekin bu masala keyingi vaqtlarda ham afg'onshunoslikning eng dolzarb va asosiy muammolaridan biri bo'lib qolmoqda. Hozirgi o'zbek tilidagi fe'lning zamon kategoriyasi bo'yicha dissertatsiyalar himoya qilingan, monografiya va maqolalar e'lon qilingan. Bu haqda darslik va qo'llanmalarda ham ancha keng ma'lumotlar berilgan. Ammo, bu sohada hali o'z ifodasini topmagan masalalar oz emas.

O'zbek va dariy tillaridagi zamon kategoriyasiga oid adabiyotlarni o'rganish borasida ba'zi masalalar aniqlik talab qilishi ayon bo'ldi. Ma'lumki, tilshunoslar aksariyat hollarda zamon kategoriyasini o'zbek tilining, shuningdek turkiy tillarning mohiyatini, ularning o'ziga xos semantikasini yetarlicha sinchiklab o'rganmay, rus grammatiklarining fikrlariga tayanib tadqiq etishgan. Bu muammo afg'on tilshunosligida hamkuzatiladi. Endilikda bu kategoriyani qayta idrok etish ehtiyoji tug'ildi. O'zbek tilshunosligida zamon hamda bu kategoriyaga uzviy bog'liq mayl kategoriyasini ta'riflashda ziddiyat yo'q, biroq mayl va zamon kategoriyalarining o'zaro munosabati, bu kategoriyalarning turlari, ularni ifodalovchi shakllarning miqdori va chegarasi, ayni formalardan xar birining mayl va zamon sistemasidagi o'rni kabi masalalar bo'yicha adabiyotlarda har xil fikr va mulohazalar bayon qilingan. Afg'on tilshunosligida mayl va zamon kategoriyalarining uzviy aloqadorligi natijasida maylning sodda, qo'shma va qavatli qo'shma turlari ajratilsa, rus tilshunoslari tadqiqotlari bunga zamonning sintetik va analitik turlari, shuningdek, maylning zamon shakllarini qo'shimcha qiladilar.

Fe'l turkumi, uning grammatik kategoriyalari turkiy tillarning umumiy doirasida qiyosan tadqiq etilgan, biroq aynan hozirgi o'zbek va dariy adabiy tillaridagi o'tgan zamon fe'li shakllari, bu formalarning funksional-semantik, uslubiy asosdagi va temporal jihatdan qiyosiy tavsifi amalga oshirilmagan.

O'tgan zamon shakllari nutq oniga bevosita bog'liq hozirgi zamon fe'li shaklidan farqli o'laroq davomlilik, natija, miqdoriy xususiyat, tugallanganlik, odatiylik kabi ma'nolarni ifodalaydi. Mazkur ma'nolar aspektuallikning funksional-semantik asosini shakllantiradi. Shuning uchun o'tgan zamon fe'llarini temporal va funksional-semantik mazmunlarini o'rganish masalasi ko'tariladi. Binobarin, indikativ elementlarning vazifalari va semantik imkoniyatini aniqlashda ularning quyidagi sistem belgilariga tayanish kerak: uning zamon shakllari orasidagi o'rni, muayyan fe'l shaklining boshqalariga nisbatan vaqtqatoridagi egallagan o'rni (temporal tavsif), perfektivligi yoki imperfektivligi (aspektual tavsif), nutqiy realizatsiyaning shartlaridan alohidalikdagi kommunikatsiya akti yoki qo'shimcha hisob oniga muvofiqlik, ayrim yoki aloqadorlikdagi qo'llanish imkonlari (masalan, murakkab sintaktik birlik tarkibida).

Fe'l harakat-holat ma'nosini anglatuvchi so'z turkumidir. Dariy tilida ham, o'zbek tilidagidek, fe'llar bilan ifodalangan harakat tushunchasi zamon, mayl, nisbat, shaxs-son kategoriyalari bilan uzviy bog'liqdir. Bulardan tashqari, fe'llar orqali uana harakatning o'timli yo o'timsizligi, bo'lishli yo bo'lishsizligi kabi ma'nolar ham ifodalanadi. Shuningdek, fe'llarning ot, sifat, ravish turkumlariga xos xususiyatlarga ega bo'lgan harakat nomi, sifatdosh, ravishdosh shakllari ham bor.

Ma'lumki, stilistik tekshirishning vazifasi (fe'l zamonlari mavzusiga nisbatan olganimizda) zamonlarning o'z ma'nosida ishlatilishidan tashqari ko'chgan ma'noda qo'llanish xususiyatini tahlil etib berishdan iboratdir<sup>327</sup>. Grammatik formaning uslubiy maqsadlarda ko'chma qo'llanishi qonuniyatlarini aniqlash bilan shug'ullanuvchi maxsus fan — stilistika ham endi rivojlanib bormoqda. Shu bois tadqiqotda o'tgan zamon fe'llarining o'z asosiy vazifadan boshqa vazifada qo'llanishi — stilistik maqsadlar uchun ko'chma ma'noda ishlatilishini tadqiq etish, bunda, ayniqsa, ikki til materiallarini tahlildan o'tkazish, ulardagi uslubiy qo'llanish farqlari va umumiyligini aniqlash muhimdir. Shuningdek, tadqiq etilayotgan o'tgan zamon fe'li shakllarining invariant yoki ma'lum kontekstdagina yuzaga chiquvchi mazmun ekanini belgilash alohida aqamiyatga ega.

Fe'lga oid ilmiy adabiyotlarda, darslik va qo'llanmalarda mayl kategoriyasi an'anaviy tarzda "harakat bilan sub'ekt orasidagi aloqaning voqe'likka munosabati," —deb ta'riflanadi<sup>328</sup> hamda o'zbek tilida uchtadan yettitagacha mayl turlari mavjudligi tilga olinadi. Bu mayllar orasida xabar (aniqlik, ijro) maylining maxsus formanti yo'qligi, u zamon va shaxs-son yordamida shakllanishi ta'kidlanadi. Biroq rus tadqiqotchilarining fikricha, zamon kategoriyasi faqat xabar mayligagina xos xususiyat emas. Masalan, A.N.Kononovning fikriga ko'ra, shart maylining ikki zamon formasi: hozirgi va o'tgan zamon shakli bor. Shart maylining hozirgi zamon formasi *sa* affiksi yordamida, o'tgan zamon formasi *sa+shaxsson ko'rsatkichi+edi* vositasida yasaladi<sup>329</sup>.

*Kelsam — 1 shaxs, shart mayli, hozirgi zamon, birlikkelsam edi — 1 shaxs, shart mayli, o'tgan zamon, birlik*

Zamon kategoriyasi xarakterning nutq oniga munosabatini ifodalaydi hamda qarakat bajarilishi vaqtini nutq momentiga munosabatiga qarab uch zamon farqlanadi.

- 1) nutq momentigacha bo'lgan harakat – o'tgan zamon;
- 2) nutq momentida davom etayotgan harakat – hozirgi zamon;
- 3) nutq momentidan keyin bo'ladigan harakat – kelasi zamon.

Formal ko'rsatkichga ega bo'lmagan, rang-barang zamon tizimiga ega bo'lgan mayl tilshunoslar tomonidan turlicha nomlanadi. Sh.Shukurov bu maylni **aniklik mayli** deb atash odatiy tus olgani uchun shu nomni koldirishni<sup>330</sup>, A.Hojiev esa bu maylda harakatning ijrosi mavjudligi uchun **ijro mayli** deb atashni taklif qiladi<sup>331</sup>. M.Sodiqova esa **bayon-darak mayli** deb nomlashni<sup>332</sup>, Sh.Rahmatullaev **xabar mayli** sifatida ajratishni tavsiya qiladi<sup>333</sup>. Bizningcha, bu maylni **xabar mayli** deb

<sup>327</sup>Содиқова М. Феъл стилистикаси. —Тошкент: Фан, 1975. Б. 25.

Содиқова М. Феъл стилистикаси. —Тошкент: Фан, 1975. Б. 25.

<sup>328</sup> Ғулумов А.Ғ. Феъл. —Тошкент: Фан, 1964; Сулаймонов А.Х, Ҳожиёв А.,Жўраёв Ж. Феъл зомонлари. —Тошкент: Фан, 1962; Коклянова А.А. Категория времени в современном узбекском языке. —М.: Издво АН СССР, 1963; Вопросы категории времени и наклонения в тюркских языках. —Баку: ЭЛМ, 1968; Ҳожиёв А.Феъл. —Тошкент: Фан,1973.

<sup>329</sup>Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. —М. —Л.:Издво. АН СССР, 1960. С. 232234.

<sup>330</sup>Шуқуров Ш. Ўзбек тилида феъл зомонлари тараққиёти. —Тошкент: ФАН, 1973. Б. 8.

<sup>331</sup>Ҳожиёв А. Феъл. —Тошкент: ФАН, 1975. Б. 113.

<sup>332</sup>Содиқова М. Феъл стилистикаси. —Тошкент: ФАН, 1976. Б. 10.

<sup>333</sup>Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. —Тошкент:

atash maqsadga muvofiq. Chunki aniqlik nisbati tushunchasi borki, uygʻundosh atamani qoʻllash noaniqlikka sabab boʻlishi mumkin. Shuningdek, bu maylda harakatning ijrosidan tashqari bajarilmasligi maʼnosi mavjud. Ish-harakatning bajarilishi-bajarilmasligining tasdigʻi yoki inkoridan darak beriladi. Boshqa mayllarda ham ish-harakatning xabari maʼnosi mavjud, biroq u mayllarda ish-harakatning bajarilishi qayd etish birlamchi maʼno emas, balki soʻzlovchining boʻlgan-boʻlmagan voqea-hodisaga munosabatini aks ettirish asosiy vazifadir.

Xabar mayli boy va turli zamon sistemasiga ega boʻlib, ular orasida oʻtgan zamon shakllari alohida oʻrin tutadi. Oʻzbek tilidagi oʻtgan zamon feʼli formalarini tasnif qilgan olimlardan biri A.Gʻ.Gʻulomov boʻlib, u bu shakllarni morfologik koʻrsatkichlarning har xilligiga va maʼnodagi farqqa qarab oltiga ajratadi. Olimning tadqiqotida oʻtgan zamon aniqlik feʼli **di** (*ishladi*), tarixiy oʻtgan zamon feʼli **gan** (*ishlagan*), oʻtgan zamon hikoya feʼli (i)b **edi** (*ishlab edi*), uzoq oʻtgan zamon feʼli **gan edi** (*ishlagan edi*), oʻtgan zamon eshitilganlik feʼli (i)b + **shaxsson qoʻshimchasi** (*ishlabman*), tugallanmagan oʻtgan zamon feʼli (a)r **edi** (*ishlar edi*) affikslari yordamida yasalishi tilga olingan<sup>1334</sup>.

A.H. Sulaymonov oʻtgan zamon feʼli formalarini tuzilishiga koʻra tasniflab, ikki guruhga taqsimlaydi: yolgʻiz feʼllar va koʻmakchi feʼllar. Tilshunos yolgʻiz feʼllarga *bordi*, *borgan*, *boribdi* shaklidagi feʼllarni, koʻmakchi feʼllarga *borib edi*, *borgan edi*, *borgan emish*, *bormoqchi edi*, *borganday boʻldi*, *boradigan boʻldi*, *borishi kerak edi*, *borgan boʻlsa edi*, *boray dedi*, *borar ekan*, *borar edi*, *bormoqchi boʻldi*, *borgan boʻldi*, *boradigan edi*, *borayotgan edi*, *borgan bular edi*, *borgan boʻlsa kerak*, *borgisi keldi*, *borib oldi*, *borgani-borgan edi*, *borsa boʻlar ekan* shaklidagi yigirma bitta feʼlni kiritadi<sup>335</sup>.

Oʻzbek tilidagi zamon kategoriyasi tadqiqotchilaridan yana biri A.A. Koklyanova Ye.D. Polivanovning tasnifini asos qilib olishni tavsiya qiladi. Ye.D. Polivanov oʻzbek tilidagi oʻtgan zamon feʼlining bir sodda va besh murakkab formasini koʻrsatadi: 1. **di** bilan yasaluvchi oʻtgan zamon feʼli. 2. **gan** bilan yasaluvchi oʻtgan zamon feʼli: a) tarixiy oʻtgan zamon feʼli (*borganman*); b) tarixiy uzoq oʻtgan zamon feʼli (*borgan edim*). 3. (i)b affiksli ravishdoshdan yasaluvchi oʻtgan zamon feʼli: a) perfekt (*boribman*); b) plyuskvamperfekt (*borib edim*). 4. (a)r affiksli ravishdoshdan yasaluvchi oʻtgan zamon feʼli<sup>336</sup>.

A.N. Kononov oʻzbek tilidagi oʻtgan zamon feʼli formalarini morfologik tuzilishiga koʻra sodda va murakkab shakllarga taqsimlaydi. Tilshunos oʻzbek tilidagi xabar mayli oʻtgan zamon shakllarining quyidagi sodda: aniq oʻtgan zamon feʼli **di** (*ketdi*), oʻtgan zamon perfektiv feʼli **gan+shaxsson koʻrsatkichi** (*ketganman*), oʻtgan zamon subʼektiv feʼli (i)b + **shaxsson qoʻshimchasi** (*ketibman*) hamda quyidagi murakkab: uzoq oʻtgan zamon feʼli **gan edi** (*ketgan edi*), yaqin oʻtgan zamon feʼli (i)b **edi** (*ketib edi*), noaniq imperfekt (a)r **edi** (*ketar edi*), aniq imperfekt **a / y +**

---

Ўзбекистон, 1992. Б. 322.

<sup>334</sup>Гуломов А.Г. Фель. —Тошкент: Фан,1964. Б. 2223.

<sup>335</sup>Сулаймонов А.Х., Ҳожиёв А.Х., Жўраева Ж.М. Фель замонлари. —Тошкент: Фан,1962. Б. 6.

<sup>336</sup>Поливанов Е.Д. Краткая грамматка узбекского языка. —Тошкент: Туркпечать, 1926; Коклянова А.А. Категория времени в современном узбекском языке. —М.: Издво АН СССР, 1963. С. 73.



**yotgan edi** (*ketayotgan edi*), o'tgan zamon davom fe'li **moqda edi** (*ketmoqda edi*) affikslari yordamida shakllanishini kayd etadi<sup>337</sup>.

Sh.Rahmatullev o'zbek tilidagi xabar mayli o'tgan zamon shakllarining quyidagi yetti turini ko'rsatib o'tadi: yaqin o'tgan zamonning aniq shakli (di), yaqin o'tgan zamonning eslatish shakli (gan), uzoq o'tgan zamon shakli (**gan edi**), o'tgan zamon qikoya fe'li ((i)b + **shaxsson ko'rsatkichi**), uzoq o'tgan zamon hikoya fe'li ((i)b **edi**), uzoq o'tgan zamon davom fe'li ((a)r edi), uzoq o'tgan zamonning hozirgi zamon davom shakli **yotir edi, yotib edi, moqda edi, yotgan edi** formativlari bilan hosil qilinadi: *kelayotir edi, kelayotib edi, kelmoqda edi, kelayotgan edi*<sup>338</sup>.

Dariy tilida fe'llar tuzilishiga ko'ra sodda (افعال ساده یا بسیط) [af'âl-e sâda yâ basit], prefiksli (افعال پیشوندی) [af'âl-e pêšwandi] va qo'shma (مركب افعال) [af'âl-e morakkab] fe'llarga bo'linadi. Dariy tilidagi fe'llar lug'atlarda har doim *masdar*, ya'ni infinitiv (noaniq) shaklida beriladi. Fe'ning bu shakli shaxs, son va zamoni anglatmagani uchun ham fe'ning noaniq shakli deb ham yuritiladi.

Dariy tilidagi fe'llarning infinitiv shakli har doim urg'uli *-an* qo'shimchasiga tugallangan bo'ladi, masalan:

پرسیدن	[porsidan]	“so'ramoq”
رفتن	[raftan]	“bormoq”, “ketmoq”
گفتن	[goftan]	“aytmoq”, “demoq”

Mazkur shakl harakatning bajarilishini va shu bajarilish bilan bog'liq bo'lgan boshqa ma'nolarni bildirmaydi, balki harakat-holatning nomini bildiradi, u harakat-holatning atamasi hisoblanadi va o'zbek tilida harakat nomiga to'g'ri keladi.

O'zbek tilida fe'ning harakat nomi formasi *-i/sh, -u/v, -moq* affikslari yordamida yasaladi:

آمدن	[âmadan]	“kelmoq”, “kelish”
خواندن	[xândan]	“o'qimoq”, “o'qish”, “o'quv”
نوشتن	[naweštan]	“yozmoq”, “yozish”, “yozuv”

Shu sababli infinitiv otlarga xos grammatik ko'rsatkichlami qabul qila oladi, gapda otlarga xos vazifalarda kela oladi:

1. Ot kabi izofa qabul qiladi:

مکتب جای آموختن علم اخلاق است.

[*Maktab jâ-ye âmôxtan-e elm-o axlâq ast*]

“Maktab ilm va ahloq o'rganish (o'rganadigan) joyidir”

2. Ot kabi ko'makchilar, son affikslari hamda enklitik olmoshlar bilan birikadi:

بنده از آمدن شما ممنونم

[*Banda az âmadan-e šomâ mamnunam*]

“(Kamina) sizning kelishinizgizdan xursandman”

Dariy tilida fe'l negizi ikkita:

1) o'tgan zamon fe'l negizi;

2) hozirgi zamon fe'l negizi.

Dariy tilida har bir fe'l ikki negiz: o'tgan hamda hozirgi zamon fe'l negizi ga ega. Fe'ning o'tgan zamon negizi yordamida o'tgan zamon fe'l shakllari, hozirgi

<sup>337</sup>Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. —М.: Изд воАН СССР, 1960. .С. 215228.

<sup>338</sup>Раҳматуллаев Ш. Ўзбек ва рус тилларини қиёслаш. —Тошкент: Ўзбекистон, 1993. Б.

zamon negizi yordamida hozirgi zamon va kelasi zamon fe' l shakllari yasaladi. O 'tgan zamon fe'l negizi مصدر *masdar* infinitiv oxiridan ن -an qo'shimchasini olib tashlash bilan yasaladi, masalan:

أوردن [âwardan]	“so‘ramoq”	–	أورد [âward]
آمدن [âmadan]	“bormoq”, “ketmoq”	–	آمد [âmad]
نوشتن [naweštan]	“aytmoq”, “demoq”	–	نوشت [nawešt]
گفتن [goftan]	“aytmoq”	–	گفت [goft]

O'tgan zamon aniq fe'li ish-harakataing nutq so'zlanib turgan paytdan oldin aniq bajarilgan yoki bajarilmaganini bildiradi. Bunda biror hodisaning bo'lgan yoki bo'lmaganligini birovdan eshitib emas, balki so'zlovchining o'zi ko'rganligi va bilganligi anglashiladi. O'tgan zamon aniq fe'li, asosan, takrorlanmagan, davomli bo'lmagan, muayyan bir vaqt ichida bo'lib o'tgan harakatni ifodalaydi.<sup>339</sup>

Dariy tilida o'tgan zamon aniq fe'li fe'llaming o'tgan zamon negiziga shaxs-son qo'shimchalarini qo'shish bilan hosil bo'ladi. O'tgan zamon aniq fe'lining Illshaxs birlik shakli o'4gan zamon fe'l negiziga teng keladi. Fe'ning tuslanishida urg'u nezizning oxirgi bo'g'iniga tushadi, masalan:

من آمدم [man âmadam]	“Men keldim”
تو آمدی [tu âmadi]	“Sen kelding”
او آمد [ô âmad]	“U keldi”
ما آمدیم [mâ âmadêm]	“Biz keldik”
شما آمدید [šomâ âmadêd]	“Siz keldingiz”
آنها آمدند [ânhâ âmadand]	“Ular keldilar”

Zamon kategoriyasining tasnifini amalga oshirgan A.Hojiev hozirgi o'zbek adabiy tilidagi o'tgan zamon fe'lining quyidagi shakllari qo'llanishini e'tirof etadi: 1. **di** affiksi yordamida yasaluvchi forma: *yozdin, yozding*. 2. **gan** affiksi yordamida yasaluvchi forma: *yozganman*. 3. (i)b affiksli ravishdoshdan yasaluvchi forma: *yoziyman*. 4. **edi** to'liqsiz fe'li yordamida yasaluvchi formalar: *yozgan edim, yozayotgan edim, yozayotib edim, yozmoqda edim, yozar edi, yozguvchi edi*.

Tilga olingan tasniflardan A. Hojievning muloqazalari, bizningcha, o'rinli bo'lib, u o'zbek tilidagi xabar maylining o'tgan zamon fe'li formalarini formal-funksional jihatdan qamrab oladi. Ko'rdikki, o'tgan zamon fe'li formalari bo'yicha qilingan tasniflarning aksariyati mohiyat e'tibori bilan farq qilmaydi. Asosiy tafovut ma'lum bir formaning tilshunoslar tomonidan turlicha nomlanishida ko'rinadi. Masalan, **gan** affiksli fe'l H.Sulaymonov tomonidan **yolg'iz fe'l**<sup>340</sup>, A.G'.G'ulomov, A.A. Koklyanova, Ye.D. Polivanov tomonidan **tarixiy o'tgan zamon fe'li** sifatida ta'riflangan bo'lsa<sup>341</sup>, A.N.Kononov bu formani **o'tgan zamon perfektiv fe'li**<sup>342</sup>, Sh.Rahmatullaev esa **yaqin o'tgan zamonning eslatish fe'li** deb atagan<sup>343</sup>. Nomlanishdagi bunday har xillik fe'l qo'shimchalarining semantik xususiyatlari tufaylidir. Bunday nomlanishlar o'tgan zamon fe'li formalarining turli ma'nolarni bildirish imkonini

<sup>339</sup> X. Alimova, Yu. Xo'jaqulov, G. Kurbanova. Dariy tili. – T.: Fan va texnologiya. 2018. 151b

<sup>340</sup> Сулаймонов А.Х., Хожиев А.Х., Жўраева Ж.М. Фель замонлари. Б. 6.

<sup>341</sup> Коклянова А.А. Категория времени в современном узбекском языке. С. 80.; Поливанов Е.Д. Краткая грамматика узбекского языка. С. 216.

<sup>342</sup> Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка: С. 216.

<sup>343</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек ва рус тилларининг қиёслаш. Б. 64.

chegaralab qo'yadiki, bu o'z navbatida zamon qo'shimchalarining mohiyatini oydinlashtirmaydi. A.H. Sulaymonovning tasnifida o'tgan zamon ma'nosini anglatuvchi formalar jamlab beriladi, biroq u modallikka ko'ra farqlanuvchi shakllarni qorishtirib yuboradi. *Borgan edi* va *borgan emish* shaklidagi fe'llar birbiridan zamon nuqtai nazaridan *emas, ekan, emish* to'liqsiz fe'llarining mazmun tarkibidagi modallik asosida tafovutlanadi. Shuningdek, *bo'l* yordamchi fe'li ishtirokida yasalgan shakllarni fe'lining perifrastik formalari tarzida alohida o'rganish maqsadga muvofiqdir. Qolgan tasniflar xabar mayli o'tgan zamon shakllarini ma'lum bir sistemaga solmada, muayyan cheklanganliklarga ega. Fikrimizcha, A.Hojievning tasnifi o'tgan zamon shakllarining tasnifi xususida eng maqbulidir. Shu sababli tadqiqotda ayni tasnifga tayanamiz.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Юлдашев А.А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. — М.: Наука, 1966; Исмоилов И. Туркий тилларда кавмқариндошлик терминлари (ўзб., уйғ., қоз., қорақалп., туркман тиллари материаллари асосида). —Тошкент: Фан, 1966;
2. Sodiqova M. Fe'l stilistikasi. —Toshkent: Fan, 1975. B. 25.
3. Hojiev A. Fe'l. —Toshkent: Fan, 1973.
4. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. —М.—Л.:Издво. АН СССР, 1960. С. 232234.
5. SHukurov SH. Ўзбек тилида феъл змонлари тараққиоти. —Toshkent: FAN, 1973. B. 8.
6. Tursunov U., Muxtorov A., Rahmatullaev SH. Ҳозирги ўзбек адабий тили. —Toshkent: Ўзбекистон, 1992. B. 322.
7. Fulomov A.F. Феъл. —Toshkent: Fan, 1964. B. 2223.
8. Sulaymonov A.X., Hojiev A.X., J'rayeva J.M. Феъл змонлари. —Toshkent: Fan, 1962. B. 6.
9. Поливанов Е.Д. Краткая грамматка узбекского языка. —Тошкент: Туркпечать, 1926;
10. Коклянова А.А. Категория времени в современном узбекском языке. —М.: Издво АН СССР, 1963. С. 73.
11. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. —М.: Издво АН СССР, 1960. С. 215228.
12. Rahmatullaev Sh. O'zbek va rus tillarini qiyoslash. —Toshkent: O'zbekiston, 1993. B.
13. Alimova, Yu. Xo'jaqulov, G. Kurbanova. Dariy tili. — T.: Fan va texnologiya. 2018. 151b

## **ЎЗБЕК ШАРҚШУНОСЛИГИ: БУГУНИ ВА ЭРТАСИ 11.**

Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2020. – 490 б.

Тошкент давлат шарқшунослик университети Шарқ филологияси факультетининг Кенгаши нашрга тавсия этган (*2020 йил апрель ойининг йигирма учинчи куни бўлиб ўтган 9-сон мажлис қарори*).